https://buxdu.uz

MUNDARIJA

ANIQ VA TABIIY FANLAR		
Гулямов Г., Гулямов А.Г., Шаҳобиддинов Б.Б., Мажидова Г.Н., Абдукаримов А.А.	Микротўлқинли нурланиш таъсирида электрон ва ковакларнинг ферми квазисатҳлари ўзгаришининг p-n ўтиш вольт-ампер характеристикасига таъсири.....	3
Сафаров И.И., Нуриддинов Б.З.	Изгиб и свободные колебания вязкоупругой тороидальной оболочки с учетом реологических свойств материала.....	9
Mamatov M.Sh., Nuritdinov J.T.	Tekislikdagi ba'zi to'plamlar minkovskiy ayirmasining geometrik xossalari haqida.....	15
Юсупова Д.А.	Оптимизация технологии формирования тонких плёнок теллуридов висмута и сурьмы, содержащих наногранулы с воспроизводимыми характеристиками.....	25
Равшанов С.С.	Қуруқ иқлимда етиштирилган буғдой донларининг зичлигига фаоллаштирилган ва ичимлик сувининг таъсири.....	30
Ajiev A.B., Kamilova P., Al'menova G.	Qoraqalpog'iston va Xorazm madaniy o'simliklari yovvoyi ajdodlarining botanik-geografik tahlili.....	35
Bobokhuzhaev K.U., Marchenko A.V., Seregin P.P., Begisheva N.R.	Impurity of iron atoms in the vitreous arsenic selenide (As2Se3). Electronic exchange between centers of iron.....	39
Каримов Р.Ч., Хакимов Ж.Б., Шералиев Д.Д.	Электр таъминоти тизимида стабилловчи қурилмаларни таҳлил ва тадқиқ қилиш.....	47
Мирзарайимов Ж.З., Махмудов Ш.А.	Исследование времени жизни носителей заряда в нейтронно-легированном кремнии в зависимости от концентрации исходного бора.....	57
Каттаева Г.Н.	Тупроқнинг саноат ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланиш даражасини аниқлаш.....	62
Алишев Ш.А., Холиқова М.Қ.	Концепции построения макромодели многостадийной системы.....	67
Zhumaev Zh.Zh.	Kernel identification problem from an one-dimensional integro-differential heat equation in a half-bounded domain.....	74
TILSHUNOSLIK		
Джумабаева Ж.Ш., Мустафаева Н.У.	Нутқдаги камчиликлар ва дислексия.....	83
Даниева М.Дж.	Матн прагматик мазмуни шаклланишида лисоний бирликларнинг ўрни.....	88
Холмуродова М.И.	Лисоний ва грамматик бирликларнинг социопрагматик хусусияти (Эркин Аъзам киноқиссалари мисолида).....	93
Жалолова Ш.М.	Ўзбек тилида феълнинг морфологик давомийлик тарз категориясига оид янгича ёндашувнинг чоғиштирма тадқиқи.....	100
Гулямова Ш.К.	Корпус лингвистикаси – замонавий амалий тилшуносликнинг устувор йўналиши.....	106
Йўлдашева Х.Қ.	Мурожаатни ифодаловчи бирликларнинг социопрагматик хусусияти.....	111
Абдуллаева Л.А.	Способы образования сложных слов в английском языке.....	115
Yo'ldosheva D.Sh.	Taqlid so'zlarning o'rganilish tarixi va lug'atlarda berilishi.....	118
Ikromova L.B.	Tilshunoslikda freym tushunchasining ifodalanishiga doir ilmiy-nazariy qarashlar.....	122
Ҳамроева Н.Н.	Илтифот – фатик мулоқотнинг бир кўриниши сифатида.....	129
Qahharova M.Y.	Various approaches to the study of english set expressions and the problems of classification.....	135
Shirinova M.Sh.	The role of intonation in cinema language.....	139
Хамидова М.Х.	Француз ва ўзбек тилларида шамол билан боғлиқ анемоним ва метеонимлар.....	144
Kakhkharova G.Sh.	Problems of translation of particles in the English and Uzbek languages.....	149
Сайидова Г.Ё.	Алишер Навоий шеъриятидаги ўхшатишлар лингвопоэтикаси.....	153
Аллаёров Т.Р.	Императив бирликларнинг бадиий-эстетик имкониятлари.....	159
Хайдарова И.Н.	Талаффузни ўрганиш стратегиялари.....	163
Ziyatova N., Zaripov B.P.	O'zbek milliy-madaniy xususiyatlarini aks ettiruvchi metafora va o'xshatishlar tahlili.....	168
ADABIYOTSHUNOSLIK		
Ахмедова Ш.Н.	Адабиётшунослик ривожида тарихий-биографик ёндашувнинг ўрни.....	171

https://buxdu.uz

MUNDARIJA

Тўхсанов Қ.Р.	Жамол Камол – моҳир таржимон.....	181
Абдуллаева М.	“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да кичик жанрлар таҳлили.....	190
Эрданов З.Д.	Зулфия ижодида миллатлараро тотувлик мотивациясида образлилик ва образларнинг асосий тамойиллари.....	196
Samadova S.A., Mirzayeva M.R.	Gyote ijodida sharqona motivlar.....	204
Самандарова Г.Я.	Ўзбек ва рус халқ мақолларининг этимологик хусусиятлари.....	209
Соҳибова З.Н.	Навоий ижодида хазон фасли ва ҳижрон мотиви.....	213
Усарова Л.	Абдулла Орипов шеъриятида халқ образининг миллий руҳ ифодасидаги ўрни.....	218
NAVOIY GULSHANI		
Safarova H.O.	Yor agar bazmi aro g‘amginlarin shod aylasa.....	225
FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK		
Мустақимова Қ.С.	Тарихий ва замонавий рекламага хос хусусиятлар.....	227
TARIXSHUNOSLIK		
Умарова М.	Амир Шоҳмурод ҳукмронлиги (1785-1800) даврида Бухоро амирлигининг солиқ тизими.....	233
Зарипов Ж.Г.	Крупные миграции государств Прибалтики и России которые социально действуют на развитии страны.....	237
IQTISODIYOT		
Мадаминов И.О.	Инвестицион фаолликни таъминлаш – барқарор иқтисодий ўсишнинг гарови.....	243
Сайфуллоев О.О.	Туризмда инновацион фаолият ва унинг иқтисодий самарадорлиги.....	247
Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.Б.	Олий таълим тизимида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари.....	252
PEDAGOGIKA		
Қаҳҳоров С.Қ., Қаҳҳоров О.С., Қаҳҳоров М.А., Худойбердиев Ш.Б.	Олий таьлимда фанларни ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш усуллари.....	257
Назарова Д.А.	Заиф эшитувчи болалар инклюзив таълими муаммолари ва уларнинг ечимлари.....	262
Азимов Б.Ф., Акрамова О.Қ., Ғафурова Ш.К.	Иқтисодий касбий тайёргарликни шакллантиришда фанлараро алоқадорлик.....	269
Абдулахатов А.Р.	Спортчилар мусобақа олди фаолиятини тадқиқ этиш зарурати (кураш спорти мисолида).....	273
Vokhidova N.N.	Stem education: encouraging uzbek educators to brace the age of innovation.....	278
Bobokulova G.Sh.	Innovative methods of teaching English.....	282
Икрамова А.А., Икрамова Н.А.	Анъанавий таълим тизими ва унинг янги босқичга ўтиши.....	289
SAN’ATSHUNOSLIK		
Batirov J.S., Avezov Sh.N.	O‘rta asr mutafakkirlarining san’at haqidagi falsafiy va pedagogik qarashlarining hozirgi davrdagi ahamiyati.....	293

https://buxdu.uz

УДК: 621.315.592

МИКРОТЎЛҚИНЛИ НУРЛАНИШ ТАЪСИРИДА ЭЛЕКТРОН ВА КОВАКЛАРНИНГ ФЕРМИ КВАЗИСАТҲЛАРИ ЎЗГАРИШИНИНГ P-N ЎТИШ ВОЛЬТ-АМПЕР ХАРАКТЕРИСТИКАСИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ КВАЗИУРЕВНИ ФЕРМИ ЭЛЕКТРОНОВ И ДЫРОК НА ВОЛЬТ-АМПЕРНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ P-N ПЕРЕХОДОВ, ПРИ ВОЗДЕЙСТВИЕ МИКРОВОЛНОВОГО ИЗЛУЧЕНИЯ

THE EFFECT OF CHANGES IN THE FERMI QUASI REGULATION OF ELECTRONS AND HOLES ON THE CURRENT – VOLTAGE CHARACTERISTIC OF P - N JUNCTIONS, WHEN EXPOSED TO MICROWAVE

Гулямов Гафур
НамМТИ физика кафедраси профессори, физ.-мат.ф.д.,
Гулямов Абдурасул Гафурович
ЎзР ФА ФТИ Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физ.-мат.ф.д.,
Шаҳобиддинов Баҳодир Баҳтиёр ўғли
НамМТИ таянч докторанти,
Мажидова Гулноза Нуриддиновна
НамМТИ таянч докторанти,
Абдукаримов Аъзамжон Абдуқодир ўғли
НамДУ магистранти

Аннотация. *Микротўлқинли нурланиш таъсирида электрон ва коваклар қизишининг уларнинг Ферми сатҳига таъсири ўрганилган. Заряд ташувчиларнинг қизиши натижасида Ферми сатҳи электрон ва ковакларнинг Ферми квазисатҳларга ажралиши кўрсатилган. Электронларнинг ҳарорати ортиши билан уларнинг Ферми квазисатҳлари пастга валент зонаси томонга кўчиши аниқланган. Коваклар ҳароратининг ортиши билан коваклар Ферми квазисатҳларининг юқорига ўтказувчанлик зонаси томонга силжитиши кўрсатилган. Ферми квазисатҳларининг силжиши диодларнинг ВАХга кучли таъсир қилиши кўрсатилган.*

Таянч сўзлар: *ЭЮК – электр юрутувчи куч, ВАХ – вольт-ампер характеристикаси, ЎЮЧ – ўта юқори частота (микротўлқин). Ферми квазисатҳ, Қизиган электрон, Қизиган ковак, Фонон, потенциал тўсиқ, диффузия коэффициенти, диффузия узунлиги, яшаш вақти.*

Аннотация. *Исследовано влияние нагревания электронов и дырок на уровни Ферми при воздействии микроволнового излучения. Показано, что при нагревании носителей зарядов уровень Ферми расщепляется на квазиуровни Ферми электронов и квазиуровни Ферми дырок. Установлено, что с повышением температуры электронов квазиуровни Ферми электронов перемещается вниз в сторону валентной зоны. Рост температуры дырок сдвигает квазиуровни дырок вверх в сторону зоны проводимости.*

Ключевые слова*: ЭДС – электродвижущая сила, ВАХ – вольт-амперная характеристика. СВЧ – сверхвысокая частота, квазиуровинь Ферми, горячий электрон, горячий дырок, Фонон, потенциальной барьер, коэффицент диффузия, длина диффузия, время жизны.*

Abstract. *The effect of heating of electrons and holes on the Fermi levels under the influence of microwave radiation was studied in the following work. It is shown that when the charge carriers are heated, the Fermi level splits into the quasi Fermi levels of electrons and the quasi Fermi levels of holes. It has been established that with increasing electron temperature the quasi level Fermi of electrons moves down towards the valence band. An increase in the temperature of holes shifts the quasi levels of holes up toward the conduction band.*

Key word*: EMC - electromotive force, CVC – current –voltage characteristic, SHF – super-high-frequency (microwave), Fermi quasi-levels, hot electron, hot hole, Phonon, potential barrier, diffusion coefficient, diffusion length, life time.*

https://buxdu.uz

Кириш. Бизга маълумки, хусусий яримўтказгичларда электронлар концентрацияси n ва коваклар концентрацияси p тенг бўлади. Аралашмали яримўтказгичларда бу шарт бузилади. У ҳолда яримўтказгичга ташқи кучланиш берилмаса, $n_n \cdot p_n = n_p \cdot p_p = n_i^2$ шарт бажарилиши керак. Яъни электрон ва коваклар Ферми сатҳлари бирор бир аралашма соҳасида бир хил бўлса, шарт бажарилади, акс ҳолда $(F_p - F_n) > 0$ да $p \cdot n > n_i^2$ ёки $(F_p - F_n) < 0$ да $p \cdot n < n_i^2$ бўлади. Бу ҳолат $p \cdot n = n_i^2 \cdot [\frac{q(F_p - F_n)}{kT}]$ орқали текширилади.



1-расм.

Юқоридаги расмда а) термодинамик мувозанатда хусусий яримўтказгичнинг Ферми сатҳи $F_e = F_h = F$; б) хусусий яримўтказгичнинг Ферми сатҳи F ЎЮЧ таъсирида термодинамик мувозанат бузилади, электрон квазисатҳи F_e ва ковак квазисатҳи F_h га ажралади; в) n – тип яримўтказгичида Ферми сатҳи F қизиган электрон квазисатҳи F_e ва ковак квазисатҳи F_h га ажралади; г) p – тип яримўтказгичида Ферми сатҳи F қизиган электрон квазисатҳи F_e ва ковак квазисатҳи F_h га ажралади; д) ва е) ЎЮЧ таъсирида p-n ўтиш Ферми квазисатҳининг ўзгариши [3-5].

n соҳадаги электрон ва коваклар учун F_n Ферми сатҳи бир хил бўлади. Худди шундай p-соҳа учун F_p Ферми сатҳи электрон ва коваклар учун ҳам бир хил бўлади. Ҳар бир соҳа учун ташқи кучланиш бермасдан фақат ЎЮЧ тўлқин таъсир қилдирсак, панжара ҳарорати кўтарилмасдан электр токи ташувчиларнинг ҳарорати ортади ва бу ҳолат учун $n_n \cdot p_n = p_p \cdot n_p = n_i^2$ шарт бажарилади. У ҳолда ифода қуйидагича ифодаланади:

$$F_e = E_c - kTln\left(\frac{n_n}{N_c}\right) \quad (1)$$

$$F_h = E_v + kTln\left(\frac{p_p}{N_v}\right) \quad (2)$$

га эга бўламиз. (1) ифода донор аралашмали яримўтказгич учун Ферми сатҳи, (2) ифода эса акцептор аралашмали яримўтказгич учун Ферми сатҳи.

Бунда электрон ва коваклар учун ферми сатҳи кўриниши энергетик сатҳлар учун саноқ бошини танлашга боғлиқ бўлади. Агар энергетик шкалада $E_c = 0$ деб олинса, у ҳолда германий таъқиқланган зона кенглиги $E_g = 0{,}66$ *ev* лигидан $E_V = -0{,}66$ *ev* деб олинади. Бу ҳолат учун электрон ва коваклар учун бошланғич хона температурасида $T = 300K$ да Ферми сатҳини қуйидагича топишимиз мумкин.

https://buxdu.uz

$$F_{e_0} = -kTln\left(\frac{n_n}{N_c}\right) \quad (3)$$

$$F_{h_0} = E_v + kTln\left(\frac{p_p}{N_v}\right) \quad (4)$$

(3) ва (4) ифодаларни ҳисоблаб N_c ва N_v ларни $T=300$ учун адабиётлардаги қийматлари билан $T=300\ K$ германий учун $N_e = 1{,}04 \cdot 10^{19} см^{-3}$ ва $N_v = 0{,}6 \cdot 10^{19} см^{-3}$, $n_i = 2{,}4 \cdot 10^{13}\ см^{-3}$, [3] бу қийматлардан фойдаланган ҳолда n соҳа учун $n_n = 10^{15} см^{-3}$ деб олсак $p_n = 5{,}76 \cdot 10^{11} см^{-3}$ га тенглигини, p соҳа учун $p_p = 10^{15}\ см^{-3}$ деб олсак $n_p = 5{,}76 \cdot 10^{11} см^{-3}$ тенглигини кўрамиз. Демак, дастлаб шу концентрациялар учун (3) ва (4) ифодаларни ҳисоблаймиз, унга кўра $F_{e0} = -0.24\ ev$ $F_{h0} = -0{,}44\ ev$ га тенг чиқади. Бу қийматлар n- соҳа ва p соҳаларнинг бошланғич Ферми сатҳлари бўлиб, ЎЮЧ электромагнит тўлқин таъсирида электр ток ташувчиларнинг қизиши туфайли ўзгариб боради.

Асосий қисм. Қизиган электрон ва коваклар Ферми квазисатҳларининг уларнинг ҳароратга боғлиқлиги ЎЮЧ таъсир этганда, n ва p соҳалар Ферми квазисатҳи учун қуйидаги ифодаларни ёзамиз.

$$F_e = F_{e_0} - kT_e ln\left(\frac{n_n}{N_c}\right) \quad (5)$$

$$F_h = F_{h_0} + kT_h ln\left(\frac{p_p}{N_v}\right) \quad (6)$$

(5) ва (6) ифодалардан ва юқоридаги қийматлардан фойдаланган ҳолда донор соҳадаги электронлар ва акцептор соҳадаги ковакларнинг Ферми сатҳи ЎЮЧ майдон таъсирида ўзгариши графиклари олинди ва назарий ҳисоб-китобларимиз билан солиштирдик.



2-расм.



3-расм.

2-3-расмда n типдаги ва p типдаги яримўтказгичда электронлар ва ковакларнинг ЎЮЧ таъсирида мос равишда T_e ва T_h га қизиши сабабли электронлар ва ковакларнинг Ферми квазисатҳи ўзгаришининг турли концентрациялари учун олинган графиклари тасвирланган.

Термодинамик мувозанат пайтида электрон фонон гази бир хил ҳароратга эга, n ва p соҳадаги Ферми сатҳи ҳарорат ортиши билан таъқиқланган зона кенглигининг ўртасига яқин жойда бирлашади. Бу панжара ҳарорати ортиши билан ўзгармай қолади (4-расм, а) [4-7]. Ушбу графикдан кўриниб турибдики, кристалл панжара ҳароратининг етарлича ортиши билан ҳар қандай турдаги яримўтказгич хусусий яримўтказгичга айланади. ЎЮЧ таъсиридаги p-n ўтишда панжара ҳарорати ўзгармай ток ташувчи ковак ва электронларнинг ўзигина қизиши ҳисобига n ва p соҳадаги Ферми сатҳлари T_e қизиган электрон, T_h қизиган ковакларнинг ҳарорати ортиши билан ферми сатҳлари яна ўзгаришда давом этишини кузатишимиз мумкин (4-расм, б). Электронлар квазисатҳи ўтказувчанлик зонасидан валент зона томонга силжиб боради ва етарлича катта ҳароратда ўтказувчанлик зона тубидан E_g дан катта бўлган катталикка узоқлашади.

Қуйидаги а) расмда кристалл панжара ҳароратининг ортиши билан таъқиқланган зона кенглигининг камайиши ҳам ҳисобга олинган. Ҳароратнинг ўзгариши билан электронлар химпотенциалининг ўзгариши электронлар энергетик спектрининг ўзгаришига нисбатан

https://buxdu.uz

кескин бурилиши кўрсатилган. Ферми квазисатҳининг ўзгариши яримўтказгич асбобларнинг характеристикаларига кучли таъсир ўтказади.

4-расмда а) $N_c=N_v$ ҳолат учун турли концентрацияли германий асосли яримўтказгичлардаги *n* ва *p* соҳалардаги Ферми сатҳининг ҳароратга боғлиқлиги; б) $N_c=N_v$ ҳолат учун турли концентрацияли германий асосли яримўтказгичлардаги электрон ва ковакларнинг ҳароратга боғлиқ равишда *n* ва *p* соҳалардаги Ферми квазисатҳининг ЎЮЧ таъсирида ўзгариш графиклари келтирилган.



4-расм. а) Ферми сатҳининг ҳароратга боғлиқлиги;
б) Ферми квазисатҳининг ЎЮЧ таъсирида ўзгариш графиги



5-расм. Турли концентрацияли германий асосли яримўтказгичлардаги n ва p соҳалардаги электрон ва коваклар Ферми квазисатҳларининг квази зарралар ҳароратига боғлиқлиги (5) ва (6) ифодалар ёрдамида олинган графиги

Юқоридаги 5-расмда Турли концентрацияли германий асосли яримўтказгичлардаги n ва p соҳалардаги Ферми квазисатҳининг ЎЮЧ таъсиридаги квази зарралар ҳароратига боғлиқлиги (5) ва (6) ифодалар ёрдамида олинган графиги кўрсатилган. Бунда саноқ боши $E_c=0$ деб олинган ва $N_c \neq N_v$, яъни германий асосли яримўтказгичининг $T=300\ K$ даги қийматлари – $N_c=1.04\cdot 10^{19} sm^{-3}$, $N_v=0.6\cdot 10^{19} sm^{-3}$ қийматларидан фойдаланилган. Шунинг учун 5-расмда *n* соҳадаги қизиган электрон ва *p* соҳадаги қизиган ковакларнинг Ферми квазисатҳларининг кесишиш нуқталари таъқиқ зонанинг ўртасидан пастки соҳада кесиб ўтмоқда ва бу кесиб ўтиш электр ток ташувчиларнинг концентрацияси ортиши билан таъқиқланган зонанинг ўртасидан пастга силжиб боради.

Энди асосий эътиборни Ферми квазисатҳининг ўзгариши билан *p-n* ўтишнинг вольт-ампер характеристикаси орасидаги боғлиқликни ўрганишга қаратамиз.

Юқорида Ферми квазисатҳлари ўзгаришларини таҳлил қилайлик. $n_n=10^{15} см^{-3}$ ва $p_p=10^{15}\ см^{-3}$ концентрациядаги донор ва акцептор соҳаларнинг Ферми сатҳлари ЎЮЧ таъсирида ўзгаришини олиб кўрайлик. Унга кўра, $T=T_e=T_h=300\ K$ ҳолатда донор ва акцептор соҳаларнинг бошланғич Ферми сатҳи $F_{e0}=-0.24\ ev$ ва $F_{h0}=-0,44\ ev$ га тенг. Бошланғич

https://buxdu.uz

потенциал тўсиқнинг баландлиги φ_0 n ва p соҳалардаги бошланғич Ферми сатҳларининг фарқига тенг, яъни $\varphi_0 = F_{e_0} - F_{h_0}$. Бунга кўра $n_n=10^{15}см^{-3}$ ва $p_p=10^{15}$ $см^{-3}$ концентрацияда, $T=T_e=T_h=300$ K германий асосли *p-n* ўтишимиз учун бошланғич потенциал тўсиқ баландлиги $\varphi_0 = 0.2$ га тенг бўлади.

2-расмдан *n* соҳадаги Ферми сатҳининг $n_1=10^{15}см^{-3}$ концентрация ўзгаришидан а) $T_{e_1} = 350\ K$ да $F_{e_1} = -0{,}52eV$ га; б) $T_{e_2} = 400\ K$ да $F_{e_2} = -0{,}56\ eV$ га тенг. Бу қийматларни (5) ифода ёрдамида ҳисоблаб топиш ҳам мумкин.

3-расмда *p* соҳадаги Ферми сатҳининг $p_1=10^{15}см^{-3}$ концентрация ўзгаришидан а) $T_{h_1} = 350\ K$ да $F_{h_1} = -0{,}17eV$ га; б) $T_{h_2} = 400\ K$ да $F_{h_2} = -0{,}14\ eV$ га тенг. Бу қийматларни (6) ифода ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин. Бу қийматлардан фойдаланиб, *n* ва *p* соҳаларнинг Ферми сатҳларининг ўзгаришини ҳисоблаймиз. $T_{e1}=T_{h1}=350$ K да $\Delta F_{e_1} = F_{e_1} - F_{e_0} = -0{,}28\ eV$; $\Delta F_{h_1} = F_{h_1} - F_{h_0} = 0{,}265\ eV$ тенг. Бу *n* ва *p* соҳада Ферми квазисатҳлари ўзгаришларининг фарқини олсак, $T_e=T_h=350$ K ҳолат учун потенциал тўсиқ баландлигини ҳисоблаймиз, яъни: $\varphi_1 = \Delta F_{e_1} - \Delta F_{h_1} = -0{,}54\ V$.

Маълумки, потенциал тўсиқ баландлиги ўзгариши *p-n* ўтишда ЭЮКни беради [3]. Демак, $T_e=T_h=350$ K учун ЭЮК $\varepsilon_1 = \varphi_1 - \varphi_0 = -0{,}74\ V$ га тенг экан. Худди шу ҳолатда $T_{e_2} = T_{h_2} = 400$ К да $\Delta F_{e_2} = F_{e_2} - F_{e_0} = -0{,}32\ eV$; $\Delta F_{h_2} = F_{h_2} - F_{h_0} = 0{,}3\ eV$ тенг. Бу Ферми сатҳларининг ўзгаришлари фарқи $T_{e_2} = T_{h_2} = 400$ К учун потенциал тўсиқ баландлигига тенг, яъни $\varphi_2 = \Delta F_{e_2} - \Delta F_{h_2} = -0{,}62\ V$. Бу потенциал тўсиқ баландлигидан бошланғич потенциал тўсиқ баландлигини айирсак, $T_{e2}=T_{h2}=400$ K учун ЭЮК ҳосил бўлади ва у $E_2 = \varphi_2 - \varphi_0 = -0{,}82$ v га тенг. Демак, германий асосли *p-n* ўтишида $T_{e1}=T_{h1}=350$ K бўлганда, $E_1 = -0{,}74$ v га, $T_{e2}=T_{h2}=400$ K бўлганда, $E_2 = -0{,}82$ v га тенг экан.

Энди германий асосли *p-n* ўтишли яримўтказгичимизнинг ЎЮЧ таъсиридаги вольт-ампер характеристикасини кўриб чиқамиз. Масалани соддалаштириш мақсадида *p-n* ўтиш ҳажмий заряд қалинлигини электронларнинг эркин югуриш йўлидан кичик деб ҳисоблаймиз ва масалани диод яқинлашишида кўрамиз. У ҳолда коваклар ҳосил қилган ток зичлиги ифода билан топилади [4].

$$J_p = -qD_p \frac{dp_n}{dx} \Big|_{x_n} = \frac{qD_p \cdot p_{n0}}{L_p}\left(e^{\frac{qu}{kT}} - 1\right)$$

ифода билан. Электронлар ҳосил қилган ток зичлиги эса

$$J_n = -qD_n \frac{dn_p}{dx} \Big| -x_p = \frac{qD_n \cdot n_{p0}}{L_n}\left(e^{\frac{qu}{kT}} - 1\right)$$

Умумий ток зичлиги зса қуйидагича бўлади:

$$J = J_n + J_p = J_s\left(e^{\frac{qu}{kT}} - 1\right) \quad (7)$$

$$J_s = \frac{eD_p \cdot p_{n0}}{L_p} + \frac{eD_n \cdot n_{p0}}{L_n} \quad (8)$$

Бу ерда D_p, D_n – ковак ва электронларнинг диффузия коэффициенти, p_n – n соҳадаги коваклар концентрацияси, n_p – p соҳадаги электронлар концентрацияси, L_p, L_n – ковак ва электронларнинг диффузия узунликлари ва улар қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади.

$$L_p = \sqrt{D_p \tau_p}\ L_n = \sqrt{D_n \tau_n} \quad (9)$$

Бу ерда τ_p , τ_n – ковак ва электронларнинг ўртача яшаш вақти $\tau_p=10^{-3}c$, $\tau_n=10^{-3}$ с га тенг [2]. (8) ва (9) ифодаларни (7) га қўйсак, қуйидаги ифодани оламиз.

$$J = \left(\frac{eD_p \cdot p_{n0}}{L_p} + \frac{eD_n \cdot n_{p0}}{L_n}\right)\left(e^{\frac{eu}{kT}} - 1\right) \quad (10)$$

Бу ифода *p-n* ўтишли яримўтказгичларнинг ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ҳолатдаги вольт-ампер характеристикасини аниқлайди.

p-n ўтиш яримўтказгичга ЎЮЧ таъсирини кузатишимиз учун (10) ифодани қуйидагича ёзишимиз мумкин [6].

https://buxdu.uz

$$J = \frac{eD_n\, n_p}{\sqrt{D_n \tau_n}}\left[\sqrt{\frac{T_e}{T}} \cdot exp\left(\frac{q\varphi_0}{kT} - \frac{e(\varphi_0 - u - u_e)}{kT_e}\right) - 1\right] + \frac{eD_p\, p_n}{\sqrt{D_p \tau_p}}\left[\sqrt{\frac{T_h}{T}} \cdot exp\left(\frac{e\varphi_0}{kT} - \frac{e(\varphi_0 - u - u_h)}{kT_h}\right) - 1\right] \quad (11)$$

Бу ифодада φ_0 – бошланғич потенциал тўсиқ баландлиги, T_e, T_h – қизиган электрон ва ковакларнинг ҳарорати, T – яримўтказгич панжарасининг ҳарорати, $u_e = u_h$ – ЎЮЧ таъсирида *p-n* ўтишдаги электрон ва ковакларнинг потенциал тўсиқ баландлигининг модуляцияланиши ва у қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади [6-7].

$$u_e(U_b, T_e) = \frac{kT_e}{e}\ln\left(\int_0^{2\pi} exp\left(-\frac{eU_b\cos(wt)}{kT_e}\right)\frac{d(wt)}{2\pi}\right) \quad (12)$$

$$u_h(U_b, T_h) = \frac{kT_h}{e}\ln\left(\int_0^{2\pi} exp\left(-\frac{eU_b\cos(wt)}{kT_h}\right)\frac{d(wt)}{2\pi}\right) \quad (13)$$

Бу ерда U_b – ЎЮЧ электромагнит тўлқиннинг ампилитудавий қиймати. (12) ва (13) ифодаларга кўра $T_{e1}=T_{h1}=350\ K$ да $u_{e1}=0.668B$, $u_{h1}=0.668B$ га, $T_{e2}=T_{h2}=400\ K$ да эса $u_{e2}=0.67B$, $u_{h2}=0.67$ В га тенг. (13) ифода ёрдамида вольт-ампер характеристикасига ЎЮЧ майдон таъсирини кўрсатувчи графикларини олдик (5-расм). Германий учун $T=300\ K$ да $n_i=2{,}4\cdot10^{13}sm^{-3}$ га тенглигидан [4] $n_n=10^{15}sm^{-3}$ – *n* соҳадаги электронлар концентрацияси, $p_p=10^{15}sm^{-3}$ – *p* соҳадаги коваклар концентрацияси бўлганда, асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрацияси учун $n_n{\cdot}p_n=n_p{\cdot}p_p=n_i^2$ бу ифода орқали $n_p=5{,}76\cdot10^{11}sm^{-3}$ ва $p_n=5{,}76\cdot10^{11}sm^{-3}$ ларни аниқлаб оламиз. Бу ҳолат учун юқорида бошланғич потенциал тўсиқ баландлиги $\varphi_0 = 0.2$ v эканлигини топганмиз.

Вольт-ампер характеристикасида $J=0$ да эркли ўзгарувчи u нинг 0 дан фарқли нуқтада кесиб ўтса, шу нуқта $u_x=E$ ЭЮК га тенг бўлади [1].

6-7-расмдаги графиклардан шуни кўришимиз мумкинки, а) ташқи таъсир бўлмаганидаги ВАХ координата бошидан ўтади ва бунда ҳеч қандай ЭЮК ҳосил бўлмайди; в) ташқи ЎЮЧ майдон қўйилганда, $T_{e1}=T_{h1}=350\ K$ ва $u_{e1}=u_{h1}=0.668B$ қийматларида $E=0{,}74V$ ЭЮК ҳосил бўлади, с) $T_{e2}=T_{h2}=400\ K$ ва $u_{e2}=u_{h2}=0.67B$ қийматларида $E=0{,}82V$ ЭЮК ҳосил бўлади, B_1) $T_{e1}=T_{h1}=350\ K$ ва $u_{e1}=u_{h1}=0$ қийматларида $E=0{,}075V$ ЭЮК ҳосил бўлади, C_1) $T_{e2}=T_{h2}=400\ K$ ва $u_{e2}=u_{h2}=0$ қийматларида $E=0{,}15V$ ЭЮК ҳосил бўлганини кўришимиз мумкин.



6-расм.



7-расм.

7-расмдаги ВАХ яримлогорифм масштабда катта токларда аниқроқ кўриш учун $ln(J/J_s)$ токлар логарифмининг ташқи кучланишга боғлиқлиги киритилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин: *p-n* ўтишли яримўтказгичларга ЎЮЧ таъсирида Ферми сатҳининг ўзгаришидан ҳосил бўлган ЭЮК, ЎЮЧ таъсирида вольт-ампер характеристикасида ҳосил бўлган ЭЮК билан ўзаро мос келади. Шундай қилиб, бажарилган ишлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. *p-n* ўтиш диодда ҳосил бўлаётган ЭЮК ва ундан ўтаётган токлар *p-n* ўтишнинг p ва n соҳалардаги квазихимпотенциалларининг қийматларига кучли боғлиқ бўлади. Диоднинг ВАХни билган ҳолда ташқи ЎЮЧ майдон таъсирида *p-n* ўтишли диоднинг базалардаги электрон ва ковакларнинг квазихимпотенциалларини аниқлаш мумкин.

https://buxdu.uz

АДАБИЁТЛАР

1. *Аблазимов Н.А., Вейнгер А.С. ить. Питанов В.С. Влияние сильного СВЧ поля на фотоэлектрические характеристики кремниевых p-n переходов. / Физика и техника полупроводников, 1992, том 26, вып. 6.*
2. *Бонч-Бруевич В.Л., Калашников С.Г. Физика полупроводников. – М.: Наука,1977.*
3. *Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шарибаев Н.Ю., Гулямов А.Г. ЭДС, возникающая в p-n переходе при воздействии сильного СВЧ поля и света. / Физика и техника полупроводников, 2019, том 53, вып. 3.*
4. *Зи С. Физика полупроводниковвых приборов, том 1. Стр. 91-100.*
5. *Шамирзаев С.Х., Гулямов Г., Дадамирзаев М.Г., Гулямов А.Г. Вихревые токи, возникающие на p-n переходе в сверхвысокочастотном электромагнитном поле. / Физика и техника полупроводников, 2009, том 43, вып. 9.*
6. *Шамирзаев С.Х., Гулямов Г., Дадамирзаев М.Г., Гулямов А.Г. Сверхвысокочастотный квазипотенциал и вихревые токи в p-n переходе. / Физика и техника полупроводников, 2011, том 45, вып. 8.*
7. *Ҳелмут Спиелер. Introduction to radiation detectors and Electronis, 30 – мар – 99. IX.2.a. A semiconductor device primer – doping and diodes.*

УДК: 539.3

РЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНГАНДАГИ ТОРОИДАЛ ЁПИШҚОҚ ҚОБИҚНИНГ ЭГИЛИШИ ВА ХОС ТЕБРАНИШИ

ИЗГИБ И СВОБОДНЫЕ КОЛЕБАНИЯ ВЯЗКОУПРУГОЙ ТОРОИДАЛЬНОЙ ОБОЛОЧКИ С УЧЕТОМ РЕОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ МАТЕРИАЛА

BENDING AND FREE OSCILLATIONS OF THE VISCOELASTIC TOROIDAL SHELL, TAKING INTO ACCOUNT THE RHEOLOGICAL PROPERTIES OF THE MATERIAL

Сафаров Исмоил Иброхимович
профессор кафедры высшей математики ТХТИ,
Нуриддинов Бахтиер Зафарович
доктарант ТХТИ

Аннотация. *Кўрилаётган масалада тороидал ёпишқоқ қобиқнинг букилишини ҳар хил чегаравий шартларда кўрилган кучланиш билан деформация орасидаги боғланиш Вольтер тенгламаси билан берилган. Вариацион ҳисоби принципларига асосланиб, тороидал қобиқнинг динамик тенгламаси тузилган тахминларга асосан қобиқ айлана кесими ўрта сиртидаги нормал ва уринма силжишларга ҳеч қандай чегара қўйилмаган. Ҳисоблашлар натижасига асосан аниқланган қобиқнинг тебраниши, стержен тебранишига қараганда юқори частоталарда ҳосил бўлар экан (чегара эффектининг ҳосил бўлиши).*

Таянч сўзлар: *тебраниш, эгилиш, Тороидал қобиқ, чегаравий шартлар, стержен, Ламе коэффициентлари.*

Аннотация. *В работе рассматривается изгиб вязкоупругой тороидальной оболочки с различными краевыми условиями. Связь между напряжения и деформации описывается уравнениями Вольеры. На основе принципа вариационного исчисления получены уравнения динамики тороидальной оболочки. Предполагается, что на перемещение по нормали к срединной поверхности, по касательным к круговым сечениям и вдоль оболочки не наложено предварительно никаких ограничений. В результате вычисления обнаружено, что колебания оболочки происходят на более высоких частотах, чем колебания стержня (проявление краевого эффекта).*

Ключевые слова: *колебания, изгиб, тороидальная оболочка, краевые условия, стержень, коэффициенты Ламе.*

Abstract. *The bending of a viscoelastic toroidal shell with diffuse boundary conditions is considered in this work. The relationship between stress and strain is described by the Aviary equations. Based on the principle of calculus of variations, equations of the dynamics of the toroidal shell are obtained. It is assumed that the movement along the normal to the median surface, along the tangents to circular sections and along the shell is not previously imposed any*

https://buxdu.uz

restrictions. As result of the calculation, It was found that shell vibrations occur at higher frequencies than rod vibrations (m)

Key words: *oscillations, bending, toroidal shell, boundary conditions, Rod, Lame coefficients.*

Введение. Оптимальное конструирование тонкостенных элементов конструкций и проведение их расчета на прочность приводит к необходимости более полному учету особенностей материалов и всей конструкций [1,2]. Следует отметить, что согласно приведенных в монографиях [1, 6], в основном рассмотрены задачи динамического деформирования оболочек канонической формы (цилиндрические, конические и сферические оболочки) [3,5]. Значительно меньше работ посвящено динамическому деформированию оболочек более сложной геометрии с учетом вязкоупругих свойств материала [7,9].

В настоящей работе решаются некоторые задачи квазистатики криволинейных труб на основе общей линейной теории оболочек Новожилова [10]. Задача о напряженно-деформированном состоянии криволинейной трубы привлекает особое внимание инженеров и исследователей (см. по этому поводу, напр., [11-13]). Под тороидальной понимается оболочка, срединная поверхность которой образована вращением некоторой замкнутой плоской кривой относительно оси, лежащей в ее плоскости и ее не пересекающей [14,15]. В дальнейшем рассматриваются тороидальные оболочки с круговым поперечным сечением [16-18]. При разборе частных примеров не только указывается способ определения коэффициента снижения жесткости, но и оцениваются возможности стержневой модели. Ставится задача разработка методики и алгоритма для расчета квазистатического состояния тороидальной оболочки при различных краевых условиях, а также определения границы применения стержневая и оболочечная теорий.

Основные соотношения деформации тонкой оболочки. Рассматривается вязкоупругая тороидальная оболочка постоянной осевой кривизны и постоянного поперечного сечения. Напряженно-деформированное состояние исследуется в ортогональной криволинейной системе координат (α_1, α_2, z) отсчитываемых соответственно вдоль параллели (α_1-угол в осевом сечении), меридиана (α_2 - угол в поперечном сечении) и нормали к срединной поверхности. Предполагается, что края оболочки образованы плоскостями $\alpha_1 = 0, \alpha_2 = L$, а по координате α_2 оболочка замкнута и симметрична относительно плоскости, проходящей через осевую линию. В силу принятых ограничений A_1, A_2 параметры поверхности Ламе и нормальную кривизне координатных линий обозначены соответственно радиусы кривизны этих линий равны $R_1 = 1/K_1, R_2 = 1/K_2$ (рисунок 1).



Рисунок 1. Расчетная схема

Первая квадратичная форма [7] срединной поверхности запишется в виде:

$$ds^2 = A_1^2 d\alpha_1^2 + A_2^2 d\alpha_2^2, A_1 = R + r\sin\alpha_2.$$

Где: R – радиус осевой окружности, r – радиус окружности в поперечном сечении.

Пусть u, ϑ, w – координаты вектор-функции перемещений точек срединной поверхности. Тогда, согласно [19], компоненты тангенциальной и изгибной деформациий последней имеют вид

https://buxdu.uz

$$\varepsilon_1 = \frac{\partial u}{A_1 \partial \alpha_1} - K_1 w + \frac{A_1' \vartheta}{A_1 A_2}, \quad (1)$$

$$\varepsilon_2 = \frac{\partial \vartheta}{A_2 \partial \alpha_2} - K_2 w + \frac{1}{A_1 A_2} \frac{\partial A_2}{\partial \alpha_1} u,$$

$$\gamma = \frac{\partial u}{A_2 \partial \alpha_2} + \frac{\partial \vartheta}{A_1 \partial \alpha_1} - \frac{1}{A_1 A_2}\left(u \frac{\partial A_1}{\partial \alpha_2} + \vartheta \frac{\partial A_2}{\partial \alpha_1} \right), \quad (2)$$

$$k_1 = \frac{\partial \theta_1}{A_1 \partial \alpha_1} + \frac{A_1'}{A_1 A_2} \theta_2, k_2 = \frac{\partial \theta_2}{A_2 \partial \alpha_2} + \frac{1}{A_1 A_2} \frac{\partial A_2}{\partial \alpha_1} \theta_1, \quad (3)$$

$$\tau = \frac{\partial \theta_2}{A_1 \partial \alpha_1} + \frac{1}{\alpha_2} \frac{\partial \theta_1}{\partial \alpha_2} - \frac{1}{A_1 A_2}\left(\theta_1 \frac{\partial A_1}{\partial \alpha_2} + \theta_2 \frac{\partial A_2}{\partial \alpha_1} \right) \quad (4)$$

Здесь параметры k_1, k_2 представляют собой изменение нормальной кривизны координатных линий, а $,\tau$ характеризует кручине срединой поверхности [10]. Также $A_1' = \frac{\partial A_1}{\partial \alpha_2}$, θ_1 и θ_2 - углы поворота нормали:

$$\theta_1 = \frac{\partial w}{A_1 \partial \alpha_1} + K_1 u, \quad \theta_2 = \frac{\partial w}{A_2 \partial \alpha_2} + K_2 \vartheta \quad (5)$$

Шесть величин $\varepsilon_1, \varepsilon_2, \gamma, k_1, k_2, \tau$ полностью определяют деформированное состояние срединной поверхности оболочки. При использовании гипотезы Крихгофа-Лява деформации оболочки в любой точке зависит только от перемещений ее срединой поверхности.

Таким образом, если известны перемещения срединной поверхности u, ϑ, w и углы поворота прямолинейных элементов θ_1, θ_2, то формулам (1)-(5) можно определить деформации в любой точке оболочки.

Вывод уравнений движения оболочек. Уравнение движения любой деформируемой механической системы можно получить с помощью вариационного принципа Гамильтона-Остроградского [23]. Согласно этому принципу переход системы из одного состояния в другой за промежуток времени $[t_0, t_1]$ происходит таким образом, что функционал $I = \int_{t_0}^{t_1} (K - \Pi + A) dt$ принимает стационарное значение (К-кинетическая энергия системы; П- потенциальная энергия деформации; А-работа внешних сил). Поэтому первая вариация функционала должна быть равна нулю

$$\delta \int_{t_0}^{t_1} (K - \Pi + A) dt = \int_{t_0}^{t_1} (\delta K - \delta \Pi + \delta A) dt = 0 \quad (6)$$

При использованы гипотезы Крихгофа-Лява вариация кинетическая энергия оболочки равна $\delta K = \rho h \iint_F \left[\dot{u} \delta \dot{u} + \dot{\vartheta} \delta \dot{\vartheta} + \dot{w} \delta \dot{w} \right] A_1 A_2 d\alpha_1 d\alpha_2$, где ρ- плотность материала; F – область интегрирования на срединной поверхности оболочки; точка над функций означает частную производную по времени.

Вариация потенциальной энергии оболочки определяется выражением

$$\delta \Pi = \int \left(T_1 \delta \varepsilon_1 + T_2 \delta \varepsilon_2 + S \delta \omega + M_1 \delta k_1 + M_1 \delta k_1 + M_2 \delta k_2 + 2H \delta \tau \right) A_1 A_2 d\alpha_1 d\alpha_2.$$

Здесь усилия T_1, T_2, S и моменты M_1, M_2 в случае вязкоупругого изотропного материала связаны с компонентами деформации соотношениями

$$S = G(1 - R_G) hw, \; H = G(1 - R_G) h^2 / 6. \quad (7)$$

https://buxdu.uz

Основные соотношения имеют вид

$$T_1 = C(1-R_E)(\varepsilon_1 + \nu\varepsilon_2)\ ,\ M_1 = D(1-R_E)(k_1 + \nu k_2),$$
$$T_2 = C(1-R_E)(\varepsilon_2 + \nu\varepsilon_1)\ ,\ M_2 = D(1-R_E)(k_2 + \nu k_1) \quad (8)$$

где: h – толщина оболочки, G – мгновенный модуль сдвига, C и D выражаются через коэффициент Пуассона ν формулами

$$C = \frac{h}{1-\nu^2}\ ,\ D = \frac{h^3}{12(1-\nu^2)},$$

$$R_E\varepsilon = \frac{1}{E(t)}\int_0^t R_E(t,\tau)\,\varepsilon(\tau)d\tau, R_G\varepsilon = \frac{1}{E(t)}\int_0^t R_G(t,\tau)\,\varepsilon(\tau)d\tau$$

где: $R(t,\tau)$ – ядро релаксации $R(t) = Ae^{-\beta t}/t^{1-\alpha}$, E(t) – мгновений модуль упругости.

Виртуальная работа внешних сил, действующих на оболочку, может быть представлена в виде

$$\delta A = \iint_F \left(f_1\delta u + f_2\delta\vartheta + f_z\delta w\right)A_1A_2d\alpha_1d\alpha_2 + \int_\Gamma \left(g_1\delta u + g_2\delta\vartheta + g_z\delta w\right)A_1A_2d\alpha_1d\alpha_2. \quad (9)$$

где (f_1, f_2, f_z) и (g_1, g_2, g_z) - вектор – функции внешних распределенных сил и погонных усилий на границе F соответственно (Г).

В соответствии с принципом виртуальных перемещений справедливо вариационное уравнение (6). Подставляя в (6) выражения (7) - (9), а также соотношения (1) - (5), после стандартной процедуры интегрирования по частям и выделения членов при независимых вариациях, нетрудно вывести уравнения законов сохранения импульса и момента импульса относительно производных первого порядка:

$$\rho h\ddot{u} - \frac{1}{A_1A_2}\left(\frac{\partial(A_2T_1)}{\partial\alpha_1} + \frac{\partial(A_1S)}{\partial\alpha_2} + \frac{\partial A_1}{\partial\alpha_2}S - \frac{\partial A_2}{\partial\alpha_1}T_2\right) + K_1Q_1 = f_1,$$
$$\rho h\ddot{\vartheta} - \frac{1}{A_1A_2}\left(\frac{\partial(A_1T_2)}{\partial\alpha_2} + \frac{\partial(A_2S)}{\partial\alpha_1} + \frac{\partial A_2}{\partial\alpha_1}S - \frac{\partial A_1}{\partial\alpha_2}T_1\right) + K_2Q_2 = f_2,$$
$$\rho h\ddot{w} - \frac{1}{A_1A_2}\left(\frac{\partial(A_2Q_1)}{\partial\alpha_1} + \frac{\partial(A_1Q_2)}{\partial\alpha_2}\right) - K_1T_1 - K_2T_2 = f_z, \quad (10)$$
$$Q_1 = \frac{\partial M_1}{A_1\partial\alpha_1} + \frac{2A_1'}{A_1A_2}H,$$
$$Q_2 = \frac{\partial M_2}{A_2\partial\alpha_2} + \frac{2A_1'}{A_1A_2}(M_1 - M_2) + 2\frac{\partial H}{A_1\partial\alpha_1}.$$

Система уравнений (10) является достаточно общей. При определенных упрощениях, которые будут рассмотрены ниже, из нее можно получить все основные варианты уравнений статики и динамики оболочек.

Одновременно получаются естественные краевые условия на границе оболочки:

$$T_1 = g_1, S = g_2, \theta_1 = g_z, M_1 = H = 0. \quad (11)$$

Последние два равенства в (10) справедливы, если на повороты θ_1 и θ_2 не наложено никаких ограничений.

Альтернативные главные краевые условия имеют вид

$$\frac{\partial U}{\partial\alpha_2} = \frac{A_1'}{A_1}U \quad (12)$$

Соотношения (1) - (6), (7), (10), (11), (12) образуют замкнутую систему 19 дифференциальных и алгебраических уравнений относительно неизвестных

$$u, \vartheta, w, \theta_1, \theta_2, \varepsilon_1, \varepsilon_2, \omega, k_1, k_2, \tau, T_1, T_2, S, M_1, M_2, H, Q_1, Q_2.$$

https://buxdu.uz

Численные результаты изгиба тороидальной оболочки. Краевая задача (10), (11) численно исследовалась методом ортогональной прогонки, Мюллера и Гаусса. Результат считался удовлетворительным по точности, если учет двух последних членов оборванного ряда приводил к поправке, не превышающей 1 %. В процессе вычислений выяснилось, что сходимость метода сильно зависит от степени эллиптичности сечения и ухудшается с ростом величины *a*/b.

Так, уже для слабо эллиптического сечения с отношением *a*/b=2/3 при решении задачи о воздействии равномерным внутренним давлением на цилиндрическую оболочку понадобились все 9 возможных гармоник. В задаче изгиба той же оболочки моментом M на краю, согласно условиям

$$\alpha_1 = L : q_1 = \frac{M\cos\alpha_2}{TbA_2}, q_2 = q_z = 0, \quad (13)$$

требуемая точность достигается только для коротких оболочек, длина которых соизмерима с размерами поперечного сечения.

Таблица 1

Расчет перемещений круговой тороидальной оболочки

α_1	0	10	20	40	80
W_1	0	15.02	57.00	180.5	230.4
W_0	0	16.56	62.21	191.6	223.8

При расчете длинных криволинейных оболочек достоверные результаты в смысле численной сходимости были получены лишь для кругового сечения. В этом случае оказалось достаточным положить *N* равным 2.

В таблице 1 иллюстрируется пример расчета перемещений круговой тороидальной оболочки с параметрами $h = 0.2,\ a = b = 2, K = 0.05\ \nu = 0.001$ при изгибе моментом $M = E$ на краю $\alpha_1 = L = 80,$ согласно (10).

В качестве основной характеристики поля перемещений выбрана функция W_1 в зависимости от α_1 приводятся вместе с результатами расчета прогиба W_0 упругого криволинейного стержня, найденными согласно элементарной теории, по формуле:

$$W_0 = -\frac{2k}{K^2}\sin^2\frac{K\alpha_1}{2}. \quad (14)$$

В соответствии с таблицей 1 расчеты по элементарной теории дают несколько завышенные результаты вблизи защемленного конца оболочки и заниженные – вблизи свободного конца. Различие объясняется влиянием краевого эффекта. В целом, следует признать, что изгиб достаточно длинной тороидальной оболочки удовлетворительно описывается в рамках стержневой теории. Теперь исследуем влияние величины угла осевого сечения тороидальной оболочки на нормальное перемещение оболочки. Результаты решения задачи приведены на рисунок 2 в виде графиков распределения прогиба *w*, для трех вариантов искривления оси при $\varphi = \pi/3, \pi/2, 2\pi/3$



Рисунок 2. Распределения прогиба *w* вдоль оси оболочки для трех вариантов искривления оси при (θ = 0),

$A = 0{,}048;\quad \beta = 0{,}05;\quad \alpha = 0{,}1.$

https://buxdu.uz

1. 1. $\varphi = \pi/3$, 2. $\varphi = \pi/2$, 3. $\varphi = 2\pi/3$.

Из рисунка 1 видно, как при изгибании оболочки с увеличением угла раствора в осевом сечении оболочка становится более жесткой. При этом видно, что значение прогибов для тороидальной оболочки кривизны $\varphi = \pi/3$ почти в два раза больше, чем для оболочки кривизны $\varphi = \pi/2$, и практически в полтора раза больше, чем для $\varphi = 2\pi/3$.

Таким образом проведен анализ напряженно-деформированного состояния замкнутых в поперечном сечении усеченных тороидальных вязкоупругих оболочек под действием внутреннего нормального давления при жестком закреплении торцов. Варьируя величиной раствора угла осевого сечения тора можно влиять на выбор рациональных параметров оболочки, относящихся к оценке ее деформации и прочности.

Заключения. Таким образом проведен анализ напряженно-деформированного состояния замкнутых в поперечном сечении усеченных тороидальных вязкоупругих оболочек под действием внутреннего нормального давления при жестком закреплении торцов. Варьируя величиной раствора угла осевого сечения тора можно влиять на выбор рациональных параметров оболочки, относящихся к оценке ее деформации и прочности

Разработана методика расчета собственных частот и соответствующие собственные формы колебаний тороидальных оболочек с жестко закрепленными торцами в уточненной постановке. На основе численных результатов установлено, что колебания оболочки происходят на более высоких частотах, чем колебания стержня (проявление краевого эффекта). При этом различии уменьшается собственная частота, не имеющая аналога в стержневой модели. Это обусловлено тем, что в данном случае становятся существенными поперечные колебания самого сечения, не учитываемые в элементарной теории.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бозоров М.Б., Сафаров И.И., Шокин Ю.И. Численное моделирование колебаний диссипативно однородных и неоднородных механических систем. Новосибирск: Изд. СО РАН. 1996.189 с.

2. Вольмир А.С. (1972) Нелинейная динамика пластин и оболочек. – Москва: Наука.

3. Григоренко Я.М. (1973) Изотропные и анизотропные оболочки вращения переменной жесткости. Киев, Наукова думка.

4. Григоренко Я.М. (1996) Некоторые подходы к решению линейных и нелинейных задач теории оболочек в классической и уточненной постановках. Прикладная механика. 32, 6, 3 – 39.

5. Григоренко Я. М., Василенко А. Т., Беспалов Е. И. и др. (1975) Численное решение краевых задач статики ортотропных оболочек с переменными параметрами. Киев, Наукова думка.

6. Григоренко Я. М., Влайков Г. Г., Григоренко А. Я. (2006) Численно-аналитическое решение задач механики оболочек на основе различных моделей. Киев, Академпериодика.

7. Гузь А.Н., Кубенко В.Д. (1982) Методы расчета оболочек. – в 5-ти томах. Теория нестационарной аэроупругости оболочек. – Киев: Наукова думка.

8. Свободные колебания элементов оболочечных конструкций / Григоренко Я.М., Беспалова Е.И., Китайгородский А.Б., Шинкарь А.И. (1986) Киев: Наукова думка.

9. Коротков А.В., Куликов Ю.А. (2009) Свободные колебания многослойных криволинейных труб из армированных пластиков. Механика композиционных материалов и конструкций. 15, 2. 203-220.

10. Колтунов М.А.Майборода В.П., Зубчанинов В.Г.Прочностные расчеты изделий из полимерных материалов. – М.: Машиностроения, 1983. -239 с.

11. Канторович Л.В., Крылов Л.Н. (1962) Приближенные методы высшего анализа. Ленинград, Физматгиз.

12. Кларк Э., Рейсснер Э. (1955) Изгиб труб с криволинейной осью. Проблемы механики. Москва: Издательствоиностранные литературы.

13. Лехницкий С. Г. (1977) Теория упругости анизотропных тел. – Москва: Наука.

14. Новожилов В.В. (1962) Теория тонких оболочек. – Ленинград: Судпромгиз.

15. Перцев А.К., Платонов Э.Г. (1987) Динамика оболочек и пластин (Нестационарныезадачи). Ленинград: Судостоение, 316с.

16. Самарский А.А. (1977) Теория разностных схем. – Москва: Наука.

17. Филиппов А.П., Кохманюк С.С., Янютин Я.Г. (1978) Деформирование элементов конструкций при действии ударных и импульсных нагрузок. – Киев: Наукова думка.

18. Mirsaidov M.M., Toshmatov E.S. (2019) Spatial stress state and dynamic characteristics of earth dams. Magazine of Civil Engineering 89(5), pp. 3-15

19. Mirsaidov M.M.,Sultanov T.Z.,Abdikarimov R.A., Toshmatov E.S.,Jurayev D.P. (2018) Strength parameters of earth dams under various dynamic effects. Magazine of Civil Engineering, 77(1), pp. 101-111

https://buxdu.uz

20. GrigorenkoYa. M., Rozhok L. S. (2010) Influence of Curvature on the Stress State of Hollow Cylinders withComplex-Shaped Noncircular Cross-Section cylinders. International Journal of Applied Mechanics.46, 7, 737 – 743.

21. GrigorenkoYa. M., Rozhok L. S. (2011) Analysis of Stress State of Hollow Layered Cylinders with the CrossSection of Complex-Shaped.International Journal of Applied Mechanics. 47, 6, 48 – 57.

22. Piskunov V. G., Rasskazov A. O. (2002) Evolution of the theory of laminated plates and shells. International Journal of Applied Mechanics.38, 2, 135- 166.

23. Soldatos K. P. (1999) Mechanics of cylindrical shells with non-circular cross-section. A survey // Applied Mechanics Reviev.52, 237 – 274.

UDK: 517.977.1.

TEKISLIKDAGI BA'ZI TO'PLAMLAR MINKOVSKIY AYIRMASINING GEOMETRIK XOSSALARI HAQIDA

О ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ СВОЙСТВАХ РАЗНОСТИ МИНКОВСКОГО НЕКОТОРЫХ МНОЖЕСТВ НА ПЛОСКОСТИ

ON GEOMETRIC PROPERTIES OF MINKOWSKI'S DIFFERENCE SOME SETS ON THE PLANE

Mamatov Mashrabjon Shaxabutdinovich
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU professori,
Nuritdinov Jalolxon Tursunboy o'g'li
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU doktoranti

Annotatsiya. *Ushbu maqolada tekislikdagi ba'zi to'plamlar ustida bajariladigan Minkovskiy geometrik ayirmasi va yig'indisi amallarinining differensial o'yinlarni o'rganishda qo'llaniladigan xossalari o'rganilgan hamda hisoblashdagi o'ziga xos murakkabchiliklarni yengib o'tish yo'llari bayon qilingan. Ko'rilgan misollar, asosan, tekislikdagi to'plamlar uchun bayon qilingan. Ayrim teoremalar va ularning isbotlari keltirilgan. Maqola yakunida chiziqli tenglamalar bilan yoziladigan differensial o'yin qaralgan.*

Tayancht so'zlar: *Minkovskiy ayirmasi, Minkovskiy yig'indisi, to'plamni songa ko'paytirish, kuchli qavariq to'plam, quvish, qochish, terminal to'plam.*

Аннотация. *В данной статье изучены свойства геометрической разности и суммы Минковского над множествами, которые применяются в изучении дифференциальных игр, также изложены пути переодоления своеобразные сложности при вычислении. Рассмотренные примеры в статье изложены для множеств на плоскости. Приведены некоторые теоремы и их доказательство. В конце статьи рассматривается дифференциальная игра, описываемая линейными уравнениями.*

Ключевые слова: *разности Минковского, сумма Минковского, умножение множество на число, сильновыпуклое множества, преследование, убегания, терминальное множество.*

Abstract. *This article explores the properties of the geometric difference and the Minkowski sum over the sets that are used in the study of differential games, and also outlines ways to overcome the peculiar difficulties in the calculation. The considered examples are presented for sets in the plane. Some theorems and their proof are presented. At the end of the article, we consider a differential game described by linear equations.*

Key words: *Minkowski difference, Minkowski sum, multiplication of a set by number, strongly convex sets, pursuit, escape, terminal set.*

Kirish. Zamonaviy matematikada differensial o'yinlar nazariyasi doirasida noaniqlik, aralashuv va ziddiyat sharoitida dinamik tizimlarni optimal boshqarish masalalari o'rganilmoqda. To'plamlarning Minkovskiy ma'nosidagi yig'indisi va geometrik ayirmasi birinchi bo'lib L.S.Pontryaginning ishlarida differensial o'yinlarga tatbiq qilingan. Minkovskiy yig'indisi va ayirmasi va ularni hisoblashning algoritmlari amaliy matematikaning hisoblash matematikasi, sonli

https://buxdu.uz

dasturiy boshqaruv tizimlari, robotlar harakatlarini rejalashtirish, optimal boshqaruv nazariyasi kabi turli bo‘limlarida keng qo‘llaniladi.

Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasi, H.Minkovskiy [1] tomonidan birinchi marta 1903-yilda kiritilgan bo‘lib, bu klassik tushuncha keyinchalik integral geometriya sohasining muhim elementi sifatida keng o‘rganildi [2,3]. Ular Minkovskiy operatorlari deb ham yuritiladi. Oxirgi paytlarda kompyuter grafikasi, kompyuterli proyeksiyalash, kompyuterli ko‘rish, tasvirlarga ishlov berish, joylashtirish masalalari va robototexnika kabi sohalarda foydalanish maqsadida Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasini baholash uchun algoritmlar ishlab chiqishga qiziqish ortganligi kuzatilmoqda [4-7].

Ushbu ishda Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasining geometrik xossalari va to‘plamlarning Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasini hisoblashga doir misollar keltirilgan.

1. Masalaning qo‘yilishi

1-ta’rif. E chiziqli fazoda bo‘sh bo‘lmagan $X, Y \subset E$ to‘plamlar berilgan bo‘lsin. X va Y to‘plamlarning Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasi deb mos ravishda quyidagi to‘plamlarga aytiladi:

$$X+Y=\{x+y : x\in X, y\in Y\}\ ,\ X \overset{*}{-} Y=\{z\in E : z+Y\subset X\}.$$

2-ta’rif. X to‘plamni λ songa ko‘paytirish deb quyidagi to‘plamga aytiladi:

$$\lambda X=\{\lambda x : x\in X\}.$$

3-ta’rif. Ixtiyoriy $a\in E$ vektor va bo‘sh bo‘lmagan $X\subset E$ to‘plamning Minkovskiy yig‘indisi deganda

$$a+X=\{a+x : x\in X\}$$

to‘plamni tushunamiz.

$X \overset{*}{-} Y$ – Minkovskiyning geometrik ayirmasi X to‘plamning $d\in -Y$ vektorga ko‘chishlari kesishmasi ekanligi bevosita ta’rifdan kelib chiqadi, ya’ni:

$$X \overset{*}{-} Y=\bigcap_{d\in -Y}(X+d).$$

4-ta’rif. X to‘plamning barcha chegaraviy nuqtalar to‘plami uning chegarasi deyiladi va ∂X ko‘rinishida belgilanadi.

5-ta’rif. E fazoda berilgan X to‘plamning to‘ldiruvchisi X^c deb quyidagi to‘plamga aytiladi:

$$X^c=\left\{x\in E, x\notin X\right\}.$$

Minkovskiy yig‘indisi va ayirmasiga berilgan ta’riflardan ko‘rinib turibdiki, bu amallar to‘plamlar ustidagi oddiy birlashma, kesishma va ayirma amallariga qaraganda murakkabdir. Berilgan ikki to‘plamning Minkovskiy yig‘indisi va ayirmasi natijasida hosil bo‘luvchi to‘plamni topish yoki uni tasvirlash masalasi chiziqli differensial o‘yinlarda terminal to‘plamlarni baholashda muhim ahamiyatga ega.

2. Asosiy natijalar va ularning isboti

To‘g‘ri chiziqda va tekislikda berilgan ixtiyoriy bo‘sh bo‘lmagan to‘plamlarning Minkovskiy yig‘indisi va geometrik ayirmasini topishning qonuniyatlarini keltiramiz.

1-teorema. R to‘g‘ri chiziqda berilgan $X=(a,b)$ va $Y=(a_1,b_1)$ intervallarning Minkovskiy yig‘indisi $X+Y=(a+a_1,b+b_1)$ intervalga teng bo‘ladi.

Isbot. Minkovskiy yig‘indisining aniqlanishiga ko‘ra (a,b) va (a_1,b_1) intervallarning Minkovskiy yig‘indisi (a,b) intervalning har bir nuqtasiga (a_1,b_1) intervalning har bir nuqtasini qo‘shish natijasida hosil bo‘ladigan to‘plamdir. Ixtiyoriy $x\in X$, ya’ni $a<x<b$ nuqtani barcha $y\in Y$, ya’ni $a_1<y<a_2$ nuqtalarga qo‘shib chiqamiz. U holda tengsizlik xossasiga ko‘ra

https://buxdu.uz

Баъзи ҳолларда электр таъминоти тизимида электр энергиянинг сифати давлат стандарти O‘zDSt 1044:2003 талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Кундалик ҳаётимизда ишлатилаётган замонавий маиший электр истеъмолчилари электр энергия сифатига жуда ҳам сезгирдир. Масалан: компьютер, аудио аппаратлари, телевизор, музлаткич ва кир ювиш машиналари ҳар доим электр энергия сифатининг пастлигидан хавф остида қолади. Бу ҳолатда янги маиший электр истеъмолчиларини сотиб олишдан олдин маиший истеъмолчилар учун кучланиш стабилизаторларини ишлатиш зарурлигини юзага келтиради. Шунингдек, кўпгина корхоналар таклиф этаётган стабилизаторлар ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эгадир [2, 11].

Кучланиш стабилизаторлари маиший электр истеъмолчиларини ҳимоя қилишдан ташқари шаҳар хонадонлари, янги намунавий уйлар ва шаҳар ташқарисидаги бошқа уйларни ҳам тўлиқ ҳажмда юқори сифатли электр энергияси билан таъминлашда ишлатилади.

Электротехника нуқтаи назаридан кучланиш стабилизаторларининг барча турлари ишлаш принципига кўра қуйидагиларга бўлинади, яъни: электр магнитли, механикли, поғонали релели ва поғонали электронли. Электр техникасининг қонуниятларига асосан кучланиш стабилизаторларининг ҳар бири ишлаш принципига қараб, ўз афзаллик ва камчиликларига эгадир [8, 10]. Улар билан алоҳида-алоҳида танишиб чиқамиз.

Электр магнитли кучланиш стабилизатори. Вольт қўшувчи трансформатор темир ўзагидаги магнит оқимини ўзгартириш принципига асосан ишлайди. Магнит оқимлари темир ўзак тирқиши оралиғидаги магнит ўтказувчанликли (бўшлиққа эга бўлган махсус темир ўзак керак) кучланиш ростлагич томонидан бошқариладиган қўшимча чулғам орқали ростланади [4, 8].

Кучланиш стабилизаторининг бошқариш элементлари сифатида яримўтказгичли элементлар ишлатилади. Электр магнит кучланиш стабилизаторининг тез ишлаши кучланиш ростлагичининг тез ишлаши билан тавсифланади.

Ушбу турдаги кучланиш стабилизаторларининг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат, яъни: кучланишни ростлаши, стабилизациянинг нисбатан юқорилиги, ишлашининг юқори тезлиги, салт юриш ҳолатида ҳам ишлаши, кириш ва чиқиш кучланишларининг фильтрланиши, ҳарорат оралиғининг кенглиги ва тузилишида механик ҳаракатланишнинг йўқлигидир.

Электр магнит кучланиш стабилизаторининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат, яъни: стабилизация оралиғининг кичиклиги, юкланиш қобилиятининг чегаралганлиги ва ишлаш вақтида катта бўлмаган шовқиннинг мавжудлигидир.

Электр механикли кучланиш стабилизатори, вольт қўшувчи трансформатор билан кетма-кет ишловчи сервоюритма валига ўрнатилган автотрансформатор орқали ишлайди [3, 8, 12].

Бу типдаги кучланиш стабилизаторининг афзалликлари қуйидагилардан иборат, яъни: кучланишни ростланиши текис амалга оширади, стабилизациянинг юқори аниқлиги, юқори даражада юкланиш қобилиятининг мавжудлиги, стабиллаштирилган кучланиш шаклининг

https://buxdu.uz

синусоидаллиги, салт юриш ҳолатида ҳам ишлаши, иш вақтида деярли шовқиннинг йўқлиги ва кучланиш тебранишида ҳам яхши ишлайди.

Электр механикли кучланиш стабилизаторининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат, яъни: чўтка ва сервоюритманинг аста-секинлик билан механик емирилиши, хизмат кўрсатишнинг нисбатан мураккаблиги ҳамда совуқ ҳароратларда сервоюритма учун иситиш мосламаси талаб қилинади.

Поғонали релели кучланиш стабилизатори. Ушбу кучланиш стабилизатори вольт қўшувчи трансформатор чулғамларини ўзгартириш йўли билан кучланишни стабиллаштиради. Чулғамлар сонини ростлаш электр механик тарзда амалга оширилади [3, 8, 9, 10].

Мазкур типдаги кучланиш стабилизаторининг афзалликлари қуйидагилардан иборат, яъни: стабилизация жараёнининг юқорилиги, 1 кВт стабилизацияловчи қувватга сарфланувчи ўраладиган материаллар ҳажми кўп эмас, салт ишлаш режимида ҳам ишлайди, фазалар мустақил равишда стабилизация қилинади, амалда шовқинсиз ишлайди, ускунанинг тармоқ частотасига боғлиқлиги кичик, кучланиш эгри чизиғи шакли деярли бузилмайди ва ҳарорат оралиғи деярли катта.

Поғонали релели кучланиш стабилизаторининг камчиликлари қуйидагилардан иборат, яъни: юкланиш ҳолатининг яхши эмаслиги, ишончлиликнинг пастлиги ва поғонали реледа механик емирилишнинг мавжудлиги.

Поғонали электрон-релели кучланиш стабилизаторлари поғонали релели стабилизаторлар каби вольт қўшувчи трансформатор чулғамлари сонини ўзгартириб улаш орқали кучланишни стабиллаштиради. Бунда чулғамлар сонини ўзгартириш жараёни контактсиз коммутацияловчи қурилмалар ёрдамида бошқарилади [8, 9, 12].

Ушбу турдаги кучланиш стабилизаторининг афзалликлари қуйидагилардан иборат, яъни: юқори ҳарорат оралиғида ишлаши, 1 кВт стабилизацияловчи қувватга сарфланувчи ўраладиган материаллар ҳажми кўп эмас, салт юриш ҳолатида ҳам ишлайди, шовқинсиз ишлайди, тармоқ частотасига нисбатан паст сезувчанликка эга ва тузилиши механик қисмларга эга эмаслиги учун механик емирилиш йўқдир.

Поғонали электрон-релели кучланиш стабилизаторининг камчиликлари қуйидагилардан иборат, яъни: юкланиш қобилиятининг кичиклиги, ускунанинг тез ҳаракатланиши поғонали улашга боғлиқлиги, стабиллашган кучланишнинг шакли электрон калитларнинг вольт-ампер хусусияти ночизиқлигидан етарли даражада бузилади ва коммутация элементларининг кўплиги тизимнинг ишончлилигини пасайтиради.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, электр энергия сифатини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан бири маиший электр истеъмолчилари кучланишининг стабиллигидир [2, 7, 9]. Бунда юклама остида ростловчи қурилма (РПН) ёки вольт қўшувчи трансформатор ёрдамида маиший электр истеъмолчилари кучланиши сифатини яхшилаш мумкин. Ушбу вазифаларни бажариш учун вольт қўшувчи трансформатор чулғамлари секцияларини улаб-узиш зарурати мавжуд. Узиб-улаш функциясини бажариш учун бошқариладиган контактсиз кучланиш релеси ишлаб чиқилган [12, 13].

Вольт қўшувчи трансформатор чулғамини сабр-вақти билан улаб-узувчи оптоэлектронли контактсиз қурилманинг бошқарув занжири 18 В кучланишли электр тармоғидан таъминланади. Ушбу схемада бошқарув ва куч қисмларини бир-биридан гальваник ажратиш учун оптоэлектронли VU_1, VU_2 оптотиристорлар ишлатилган. Шунингдек, таклиф этилаётган схема қуйидагича ишлайди, яъни тармоқ кучланиши 220 В га етганида сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релеси ишга тушиб, вольт қўшувчи трансформатор чулғамини улайди ва юкламада номинал кучланишни таъминлайди. Тармоқ кучланиши 210 В гача пасайганида C_2 конденсаторининг зарядсизланишидан VT_3 тиристорининг бошқарув электродига сигнал бормайди, натижада вольт қўшувчи трансформатор сабр-вақти билан тармоқдан узилади. Шундай қилиб, кўрилаётган схемада вольт қўшувчи трансформатор чулғамини улаб-узувчи оптоэлектронли контактсиз

https://buxdu.uz

қурилмасининг ишлаши 210-220 В кучланиш оралиғида, яъни номинал кучланишдан ±4,8 % ўзгаради [9, 10, 13].

ВҚТ чулғамини сабр-вақти билан улаб-узувчи оптоэлектронли контактсиз қурилма схемаси MATLAB R2014a дастури ёрдамида моделлаштирилиб, унинг натижаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. ВҚТ чулғамини сабр-вақти билан улаб-узувчи контактсиз қурилма модели

Кучланиш стабилизатори параметрларини моделлаштириш жараёнида ярим ўтказгичли элементлар блок схемасини қўллашда стабилизатор структураси ўзгармайди, лекин ўзгартиргич турига қараб алгоритмга мувофиқ вентилли коммутация моментида яримўтказгичли қурилмани очиқ ва ёпиқ ҳолатида резисторнинг қаршилиги ўзгаради [14, 15].

Автотрансформаторли ВҚТ кучланиш стабилизаторининг ишлаш принципи автотрансформатор чулғамларини контактсиз коммутацияланишига асосланган. Таклиф этилаётган автотрансформаторли ВҚТ кучланиш стабилизаторининг принципиал схемаси 1000 ВА қувватли автотрансформатор асосида яратилган бўлиб, бошқарув қисмида учта диодли кўприк VD_7-VD_{10} орқали тармоққа уланади (2-расм). VD_7-VD_{10} диодли кўприклар диагоналига VT_3 тиристорлар уланган бўлиб, бошқариш жараёни, сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релеси ёрдамида амалга оширилади [8, 9, 13].



2-расм. Автотрансформаторли кучланиш стабилизаторининг принципиал схемаси

https://buxdu.uz

Бошқарув занжирининг электр таъминоти, ушбу занжирни куч қисмидан гальваник ажратувчи автотрансформаторнинг 18 Вольтли қўшимча чулғамидан таъминланади. Таклиф этилаётган автотрансформаторли кучланиш стабилизаторининг принципиал схемаси қуйидагича ишлайди: 220 В номинал кучланишида II-реле ишга тушиб, юкламада 220 В кучланишни таъминлайдиган автотрансформатор чулғамларининг бир қисми уланади [9, 13].

Бунда МОП туридаги оптореле ўзининг нормал берк контакти билан контактсиз I-реле занжирини узади, тармоқ кучланиши 210 вольтгача пасайганида II-реле узилади ва унинг занжиридаги МОП туридаги оптореле ўзининг контактини ёпади, бунда I-реле уланади. I-реле автотрансформатор чулғамлар сонини кўпайтиришга VT_1 тиристорни очади ва юкламада кучланиш ошади. Кучланиш 230 вольтгача ошганида VT_3 тиристорни очишига бошқариш импульсини, шунингдек, автотрансформатор чулғамларини камайтиришга беради, бунда МОП типидаги опто-реле I-реле ва II-реле занжирини узади [13].

Шундай қилиб, кўрилаётган автотрансформаторли кучланиш стабилизаторининг кириш кучланиши 175 В дан 235 В гача ораликда ўзгарганида, ростлаш оралиғи номинал кучланишига нисбатан давлат стандарти талаби бўйича тахминан ±5% таъминлайди.

3-расмда тажриба асосида аниқланган автотрансформаторли ВҚТ контактсиз кучланиш стабилизатори кучланишининг экспериментал шакли ва 4-расмда «*кириш-чиқиш*» кучланиши характеристикаси келтирилган [8, 12].



3-расм. Кучланиш стабилизаторининг кучланиш эгри чизиғининг формаси



4-расм. Кучланиш стабилизатори кучланишининг «*кириш-чиқиш*» хусусияти

Ишлатилаётган кучланиш стабилизаторларининг таҳлили шуни кўрсатдики, юқорида келтирилган кучланиш стабилизаторларнинг кўрсаткичлари асосида янги қурилмани яратиш зарурлигини келтириб чиқарди [7, 8].

Тажриба нусхаси ишлаб чиқилган ва тадқиқ қилинган кучланиш стабилизатори ҳам трансформатор базасида яратилган бўлиб, биринчи чулғам юкламани таъминловчи тармоқ орасига уланади. Трансформатор ўзагини магнитлайдиган иккиламчи чулғам қуйидагича

https://buxdu.uz

тайёрланган: битта чулғам бирламчи чулғам билан мос равишда ва иккинчи чулғам эса қарама-қарши тарзда уланади. Бу эса ўзакда магнит оқимини кўпайтиради ёки камайтиради, шу тарзда юкламадаги кучланиш ростланади. Магнитлайдиган чулғамни коммутацияси, стабилизаторнинг чиқишида кучланиш эгри чизиғи шакли синусоида бўлган сабр-вақтли оптоэлектронли кучланиш релеси ёрдамида амалга оширилади. Магнитловчи чулғамларни контактсиз коммутациялайдиган сабр-вақтли оптоэлектронли кучланиш релели поғонали кучланиш стабилизатори катта қувватли ҳар хил маиший асбоблар ва электрон техникани электр энергия билан таъминлашда тармоқ кучланишини ростлашга мўлжалланган. Стабилизаторни хона ичида 25°С ҳароратда, нисбий намлик 80 % бўлганда ва атроф-муҳит ҳарорати +45°С гача ишлатиш мумкин. Ишлаш режими – кузатиш остида узоқ вақтлидир [8, 11].

Стабилизаторнинг тузилиши ва ишлаш принципи, сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релеси орқали вольт қўшувчи трансформатор чулғамларини поғонали ўзгартиришга асосланган. Сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релеси қуйидагича ишлайди: кириш кучланиши муайян қийматга етганида бошқариш электродидаги очиш сигнали тиристорни VT_1 90^0 бурчак остида очади ва қаршилик R_2 орқали тиристорли оптоэлектроннинг VU_1 диодли занжирини улайди. Бу эса тиристорли оптоэлектронни VU_1 диод қисмидан ток оқишини, тиристорли оптоэлектроннинг VU_1 тиристорли қисми очилиши орқали конденсатор C_1 тармоққа уланади. Тиристорни VT_2 бошқариш электродига ўзгармас ток сигнали конденсатордан C_1 қаршилик R_3 орқали берилганлиги учун, у ҳар доим очиқ қолади, шу билан бирга, диод R_6, қаршилик R_5 ва конденсатор C_2 синусоидал шаклидаги кучланиш манбаига уланади. Тиристорли оптоэлектронни VU_2 ишга тушириш вақти қаршиликлар R_5, R_6 орқали, узиш вақти қаршилик R_6 параметрларини танлаш йўли билан ростланади [12, 13].

Кучланиш стабилизаторининг тузилиши, металл-корпусли кўринишда ясалган бўлиб, олди панелида кириш кучланиши қийматини белгиловчи фотодиодли индикатор ҳамда ён деворида – кириш-чиқиш симларини уловчи клемма, автоматик узгич ва заминлаш больти жойлашган. Корпус ичида эса вольт қўшувчи трансформатор ва оптоэлектронли бошқариш платаси жойлашган. Кириш кучланиши клеммадан автоматик узгич орқали кириш чулғамига берилади, шунингдек, бошқарув платаси схемасига кучланиш қўшимча чулғамдан олинади. Оптоэлектронли схема кириш кучланишини назорат қилади, яъни кучланиш оғишини ўрнатилган ораликда чулғамни ўзгартириш учун опторелега буйруқ беради [8, 13].

Бир фазали ўзгарувчан токли поғонали-электронли кучланиш стабилизаторининг техник хусусиятлари 1-2 жадвалларда келтирилган:

1-жадвал

Кириш кучланишининг ростлаш оралиғи, $U_{кир}$	165-250 В
Чиқиш кучланиши оралиғи, $U_{чиқ}$	205-235 В
Тармоқ частотаси	50 Гц
Чулғамни поғонали ўзгартириш қадами	15 В
Юкламанинг номинал қуввати	1 кВА
Фойдали иш коэффициенти, %	97 %
1 секунд вақтдан ошмаганда, токли ўта кучланиш	2,5 I_{max}
Трансформаторнинг рухсат этилган ҳарорати	+60 ^{0}С

2-жадвал

Симнинг тури ва кесим юзаси	**Бир фазали кучланиш стабилизаторининг қуввати**			
	1-3 кВА	6 кВА	10 кВА	15 кВА
Мис	2,5 мм^2	4 мм^2	6 мм^2	10 мм^2

Стабилизаторни танлаш ва ишлатишда қуйидагиларни ёдда сақлаш зарур: ростлаш оралиғи чексиз эмас ва қуввати чегараланган, шунинг учун 1, 3, 6, 10 ва 15 кВА қувватни аниқлаш зарур. Кучланиш стабилизаторини юқори кучланишдан ҳимоялаш учун қўшимча қурилма блокини ўрнатишни аниқлаш зарур. Шунинг учун ўта кучланишнинг олдини олиш мақсадида кучланишни 150-260 В ораликда ўрнатиш тавсия этилади. Бошқарув тизими сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релели кучланиш стабилизатори чиқишида

https://buxdu.uz

220 В кучланиш бўлишига кафолат бермайди, чунки ростлаши 15 В кучланиш қадамида поғонали амалга оширилади. Бунда чиқиш кучланишини ўзгариш оралиғи 205-235 В, бу маиший техника ва саноат ускуналарини авариясиз қониқарли ишлашини таъминлайди. Автоматик ростлаш жараёнида ёритиш лампаларининг кичик милтиллашига рухсат этилади, бу ускунанинг ишлаш сифатига таъсир этмайди [12].

Кучланиш стабилизаторининг кириш қисми яқинига намлик ва кимёвий моддалардан ҳимояланган ёпиқ хонага ўрнатиш тавсия этилади. Стабилизатор кириши автоматик узгич ва юклама орасига ҳисоблагичдан кейин мисли майда симли ўтказгич ёки кабель орқали уланади. Нолли сим кириш ва чиқиш учун умумий ҳисобланади. Кучланиш стабилизаторининг қисқа туташув токи ёки ўта юкланиш токидан ҳимоя сифатида автоматик узгич ишлатилади [8, 13].

Стабилизатор узоқ вақтли 10-15 йилдан кам бўлмаган узлуксиз ишлаш вақтига ҳисобланган. Ушбу вақт оралиғи коммутациялайдиган контактсиз кучланиш релеси учун ҳисобланади. Стабилизаторни ишлаш жараёнида ишлатиш қоидаларига риоя қилиш, бу ўта юкланиш бўлмаганида шовқинсиз ишлайди ва кириш кучланиши шаклини бузмайди ҳамда тўсиқлар ҳосил қилмайди. Кириш кучланишини аниқлашда фотодиодли индикатор аниқ ўлчов асбоби ҳисобланмайди. Унинг кўрсаткичлари тахминий бўлиб, тармоқнинг аниқ кучланишидан 3 %гача фарқ қилиши мумкин [12].



5-расм. Бир фазали кучланиш стабилизаторининг принципиал электр схемаси

5-расмда вольт қўшувчи трансформатор чулғамларини контактсиз коммутациялайдиган бошқарув тизимида сабр-вақтли оптоэлектронли контактсиз кучланиш релели бир фазали кучланиш стабилизаторнинг принципиал электр схемаси келтирилган. Расмда келтирилишича: $U_{кир}$ ва $U_{чиқ}$ – фаза кучланиши; *N* – нолли фаза; *ВҚТ* – вольт қўшувчи трансформатор; *Авт.* – автоматик узгич; 1,2,3,4 – вольт қўшувчи трансформаторнинг қўшимча чулғамлари; K_1, K_2, K_3 – вольт қўшувчи трансформатор қўшимча чулғамларининг контактлари; *R* ва *C* – *RC* фильтрдир.

6-расм. Кучланиш стабилизаторининг тажриба нусхаси ташқи кўриниши

6-расмда таҳлил ва тадқиқ қилинган, шунингдек, вольт қўшувчи трансформатор чулғамларини контактсиз коммутациялайдиган бошқарув тизимида сабр-вақтли

https://buxdu.uz

оптоэлектронли контактсиз кучланиш релели бир фазали кучланиш стабилизаторининг тажриба нусхаси ташқи кўриниши кўрсатилган.

3-жадвал

№	Стабилизаторларнинг номланиши	Бериладиган қувват, %	Ўта юкланиш кобилияти	Стабиллаш диапазони, В	Чиқиш кучланишининг аниқлиги	Ҳарорат режимлари, ^{0}С	Шовқин даражаси	Бошқарув схемада мавжуд элементлар сони	Ҳимоя ва индикация	Хизмат кўрсатиш муддати	ФИК η
1.	Электр механикли кучланиш стабилизатори	60	140 % 3 дақиқа	198÷242	220 В ±10%	-25…+60^{0}С	бор	-	йўқ	1-2 йил	86 %
2.	Электромагнит кучланиш стабилизатори	70	150 % 2,5 дақ.	195÷245	220 В ±12%	-25…+60^{0}С	бор	-	йўқ	1-2 йил	89 %
3.	Феррорезонанс кучланиш стабилизатори	80	200 % 2 дақиқа	170÷275	220 В ±24%	-25…+60^{0}С	бор	-	йўқ	1-3 йил	90 %
4.	Поғонали релели кучланиш стабилизатори	90	150 % 15 секунд	200÷240	220 В ±7,5%	0…+45^{0}С	ўртача	5-6 та эл.мех. реле	бор	3-5 йил	96%
5.	**Поғонали оптоэлектронли контактсиз кучланиш релели стабилизатор**	**100**	**150% 10 сек.**	**205÷235**	**220 В ±5%**	**0…+45^{0}С**	**паст**	**57**	**бор**	**10-15 йил**	**97 %**

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган кучланиш стабилизаторлар турларини таққослаймиз. Кучланиш стабилизаторини таққослаш параметрларини ишлаш хусусиятлари, ишлатилган элементларнинг сифати ва йиғилиши, шунингдек, тажриба тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. 3-жадвалда таҳлил ва тадқиқ қилинган кучланиш стабилизаторларининг таҳлилий таққослаш маълумотлари келтирилган [7, 8, 9, 13, 14, 15].

Хулоса. 1. Электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари таҳлили асосида кучланиш оғиши ва стабиллигини кўриб чиқиш зарурлиги аниқланди. Натижада амалдаги стабилизаторларнинг техник имкониятлари таҳлил қилинди ва электр таъминоти тизимида оддий бошқариш схемасига эга бўлган кучланиш стабилизаторининг такомиллаштирилиши асосланди.

2. Кучланиш стабилизаторининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, сабр-вақти билан вольт қўшувчи трансформатор чулғамларини оптоэлектронли контактсиз кучланиш релеси ёрдамида контактсиз коммутациялашга имкон берди.

3. Таклиф этилаётган контактсиз кучланиш релеси асосида кучланиш стабилизаторининг бошқарув тизими такомиллаштирилди. Натижада бошқарув тизими соддалаштирилган, ишончлилик кўрсаткичлари юқори бўлган ва кучланишнинг стабиллигини таъминловчи стабилизаторнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш имконини берди.

4. Таклиф этилаётган кучланиш стабилизаторининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги стабилизаторлар билан таққосланди. Натижада бошқарув тизими содда тузилган ва ишончлилик кўрсаткичлари юқори бўлган стабилизаторни амалда қўллаш имконини берди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бобожанов М.Қ., Расулов А.Н., Каримов Р.Ч., Саттаров Х.А. Электр таъминоти тизимида контактсиз кучланиш стабилизаторларини тадқиқ қилиш. // «Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари» журнали. – Т., 2018. №3(5). 106-109-б.

2. Государственный стандарт Узбекистана O'zDSt 1044: 2003. «Методы измерений и анализа показателей качества электрической энергии в системах электроснабжения общего назначения» (протокол №05-19 от 18 июля 2003 г. С.27).

3. Государственный стандарт Узбекистана O'zDSt 1050: 2004. «Установки бесперебойного электропитания на напряжение до 1 кВ. Общие технические условия» (протокол №05-02 от 30 января 2004 г. С.53).

4. Жежеленко И.В., Короткевич М.А. Электромагнитная совместимость в энергетических сетях. // Учебное пособие. – Минск: Высшая школа, 2012. С.197. ISBN 978-985-06-2184-9.

5. Карташев И.И., Тульский В.Н. и др. Управление качеством электроэнергии. // Учебное пособие. 3-изд., перераб. и доп. – М.: Изд. дом МЭИ, 2017. С.347. ISBN 978-5-383-01074-7.

https://buxdu.uz

6. Межгосударственным стандартом ГОСТ 32144-2013 «Электрическая энергия. Совместимость технических средств электромагнитная. Нормы качества электрической энергии в системах электроснабжения общего назначения» (протокол №55–П от 25 марта 2013 г. С.15).

7. Семёнов А.С., Самсонов А.В. и др. Измерение и анализ показателей качества электрической энергии потребителей промышленных предприятий. // Научный журнал «Естественные и технические науки». – М., №6(84), 2015. С.446-450. ISSN: 1684-2626.

8. Сапунов М. Вопросы качества электроэнергии. // Информационно-справочное издание «Новости электротехники». – М., №4(10), 2001. С.112-117.

9. Усманов Э.Г., Абдураимов Э.Х., Каримов Р.Ч. Использование бесконтактных реле для улучшения качества электроэнергии. // Журнал «Вестник ТашГТУ». – Т., 2013. №3-4. С. 48-51.

10. Karimov R.Ch. Research of the stabilizer of current taking into account the highest harmonicas in systems of power supply. // Scientific journal «European Science review» Austria (Vienna), 2015. № 9-10. September-October. PP. 144-146.

11. Rasulov A.N., Karimov R.Ch. Operating mode of the stabilizer of current on active and inductive loading. // Scientific journal «European Science review» Austria (Vienna), 2015. №9-10. September-October. PP. 140-143.

12. Расулов А.Н., Каримов Р.Ч., Рафиқов М.З., Алмардонов О.Р. Кучланиш стабилизатори-нинг ишончлилик кўрсаткичлари. // Ҳалқаро илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. II-шуъба. Андижон ш., 2018. 468-472-б.

13. Ташанов О.И., Каримов Р.Ч., Толипова С.Б. Использование оптотиристорное бесконтактное реле напряжения для улучшения качества электроэнергии. // Международная науч-но-практическая конференция. Россия (г. Челябинск), 2017. Часть 3. С. 127-130.

14. Karimov R.Ch., Bobojanov M.K., Rasulov A.N., Usmanov E.G. Controlled switching circuits based on non-linear resistive elements. // E3S Web of Conferences 139, 01039 (2019), Scopus.com, doi.org/10.1051/e3sconf/201913901039

15. Usmanov E.G., Rasulov A.N., Bobojanov M.K., Karimov R.Ch.. Non-contact voltage relay for switching windings of a boost transformer. // E3S Web of Conferences 139, 01079 (2019), Scopus.com, doi.org/10.1051/e3sconf/201913901079.

УДК: 621.315.592

БОШЛАНҒИЧ БОР КОНЦЕНТРАЦИЯСИГА ҚАРАБ НЕЙРОН БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙДА ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ ЯШАШ ВАҚТИНИ ЎРГАНИШ

ИССЛЕДОВАНИЕ ВРЕМЕНИ ЖИЗНИ НОСИТЕЛЕЙ ЗАРЯДА В НЕЙТРОННО-ЛЕГИРОВАННОМ КРЕМНИИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ КОНЦЕНТРАЦИИ ИСХОДНОГО БОРА

INVESTIGATION OF THE CARRIER LIFETIME IN NEUTRON-DOPED SILICON DEPENDING ON THE CONCENTRATION OF THE INITIAL BORON

Мирзарайимов Жахонгир Зокиржанович
докторант НамИТИ,
Махмудов Шерзод Ахмадович
доцент, к.физ.-мат.н. Института ядерной физики АН РУз,
заведуший лабораторией физики твердого тела

Аннотация. *Нейтрон билан легирланган монокристалли кремнийдаги заряд ташувчиларнинг яшаш вақтининг (τ) дастлабки бор концентрациясига боғлиқлиги кўриб чиқилади. Натижаларда озчилик заряд ташувчиларни ёпишиш даражасида қайта тақсимлаш билан изоҳланади. Компенсацияланган p-Si <B, P> ва бошқариладиган p-Si <B> намуналарда релаксация жараёни турли ёллар билан содир бўлади: p-Si <B, P> учун яшаш вақти 98 секунд ва p-Si <B> учун эса 5 секунд. Тадқиқ қилинган намуналарда ўтказувчанлик бўйича турли даражадаги микроҳархиллик туфайли заряд ташувчиларнинг бошланғич концентрацияси ортиши билан (бу ҳолда бор-B) компенсирланган кремнийда яшаш вақти ҳам ортиши аниқланган.*

Таянч сўзлар: *кремний, микроҳархиллик, диффузия, бор, концентрация, нейрон билан легирлаш, потенциал тўсиқ, яшаш вақти.*

https://buxdu.uz

Аннотация. *В статье обсуждаются зависимости времени жизни носителей заряда (τ) в нейтронно-легированного монокристаллического кремния от исходной концентрации бора. Полученные результаты обяъсняются перераспределением неосновных носителей на уровне прилипания. В компенсированном p-Si<B,P> и контрольном p-Si<B> релаксационный процесс происходит различным образом: $\tau \approx 98$ с для p-Si<B,P>, и $\tau \approx 5$ с для p-Si<B>. При этом с ростом исходной концентрации носителей заряда (в данном случае бора-B) в компенсированном кремнии наблюдается возрастание τ (при равных значениях ρ), которое обусловлено различной степенью микронеоднородности по проводимости в исследованных образцах.*

Ключевые слова: *кремний, времени жизни, концентрация, нейтронно-легированном, потенциальный барьер, микронеоднородность.*

Abstract. *The dependence of the lifetime of charge carriers (τ)in monocrystalline silicon on the concentration of light copper and post-diffusion cooling is discussed. The results obtained are explained by the redistribution of non-basic carriers at the adhesion level. In the compensated p-Si<B,P> and the control p-Si<B>, the relaxation process occurs in different wasy $\tau \approx 98$s for p-Si<B,P>, and $\tau \approx 5$s for p-Si<B,>.At the same time ,with the growth of te initial concentration of charge carriers (in this case boron-B) in the compensated silicon, an increase τ(with equal values ρ) is observed, which is due to a different degree of micro –uniformity in conductivity in the studied samples.*

Key words: *silicon, lifetime, concentration, neutron-doped, potential barrier, microinhomogeneity.*

Кремний – основной материал современной полупроводниковой электроники. Технология полупроводниковых приборов базируется во многом на управлении процессами генерации и подавления дефектов. Одним из важных свойств кремния является время жизни носителей заряда. Одним из технологических операций при получении нейтронно-легированного монокристаллического кремния (НЛК) является термический отжиг при высоких температурах. Результаты, полученные различными авторами по изменению электрофизических параметров при термообработке НЛК, особенно времени жизни носителей тока не всегда согласуется [1,2].

Причина этого, на наш взгляд, является различные условия и режим термообработки кремния (температура, время отжига, геттерирующая среда, удельное сопротивление кристалла и др.) после нейтронного легирования. В данной работе измерением электрофизических параметров и методом затухания фотопроводимости изучалось влияние выскотемпературной обработки на рекомбинационные свойства НЛК в зависимости от концентрации бора [3-6,15].

Для решения поставленной задачи в качестве исходного материала использовался монокристаллические кремния p – типа проводимости, выращенные методом Чохральского, с удельным сопротивлением 1 ÷ 100 Ом·см.

Подготовленные образцы помещают в кварцевую ампулу и запаивают. Далее, ампулы образцам подвергают нейтронному облучению в канале атомного реактора ВВР-СМ до легированного кремния основных носителей заряда атомами фосфора наведенного в результате ядерного реакции (НЛК), интенсивности тепловых нейтронов составляет $I \sim 1\cdot10^{14}$ см$^{-3}$ [2,6,10]:

$$^{30}Si\ (n,\gamma)\ ^{31}Si \rightarrow\ ^{31}P + \beta^{-}$$

При этом концентрацию введенного фосфора можно рассчитать по формуле:

$$N_P = 1{,}7\cdot10^{-4}\ \Phi,$$

где $\Phi = I\cdot t$ – интегральный поток медленных нейтронов, см$^{-2}$, I- плотность потока медленных нейтронов, см$^{-2}\cdot$с$^{-1}$, t – время облучения, с.

https://buxdu.uz

После этого, облученные кремниевых образцы помещают в бокс, до тех пор, пока не превышается предельно допустимый уровень мощности γ-излучения.

Далее, отжиг радиационных дефектов (РД) проводилось при температуре ~1270 К на воздухе, в течение ~30 мин. с последующем медленным охлаждением (5÷10) град/мин. Для удаления, слоя, нарушенного во время резки, используется двухсторонняя шлифовка на шлифовальном станке с применением микропорошков М-14 – М 5 с последовательным уменьшением диаметра абразива. При этом с каждой стороны удаляется слой толщиной не менее 50 мкм. После механической обработки, шайбы (пластины) промывают 2÷3 раза в дистиллированной воде, кипятят (обезжиривают) в толуоле, а затем в дистиллированной воде.

Для выяснения номинального значения подвижности основных носителей заряда, проводился изотермический отжиг, при температуре ~1270 К. Омические контакты на p-Si<B,P> и p-Si<B> получали путем припаивания сплава Sn+In (50 % + 50 %) при температуре ~ 400 К. Электрофизические рекомбинационные параметры легированного кремния приведены в табл. [9-12,15].

Таблица 1

Тип и электрофизические параметры образцов кремния

№	Тип образцов	Удельное сопротивление ρ, Ом·см	Концентрация носителей заряда p, см-3	Подвижность заряда, μ, см2 / В·с	Высота потенц. барьера (Δ), мэВ
1.	p-Si<B>	9,8	1,9·1015	315	5
2.	p-Si<B,P> po≈2·1016 см-3	9,1	2,3·1015	280	23
3.	p-Si<B>	1800	1,3·1013	280	10
4.	p-Si<B,P> po≈2·1016 см-3	1500	1,5·1013	275	115,7

Как видно из табл. 1. подвижности основных носителей заряда в нейтронно-компенсированном кремнии p-типа (при идентичности ρ) изменяется в зависимости от исходной концентрации бора, т.е. при вышеуказанной температуре отжига радиационные дефекты отжигаются не полностью. Время жизни носителей заряда в НЛК практически не зависит от концентрации бора и составляет около мк секунд [13,16].



Рис. 1. Зависимость относительного изменения концентрации носителей заряда в кремнии от флюенса быстрых нейтронов: 1 – p-Si<B> (ρ = 9,8 Ом·см); 2– p-Si<B,P> (ρ = 8,6 Ом·см); 3 – p –Si<P> (ρ = 1800 Ом·см) ; 4– p-Si<B,P> (ρ = 1500 Ом·см) [117]

Как видно из рисунка 2 подвижность носителей заряда (μ) увеличивается с ростом времени изотермического отжига и, чем больше концентрации компенсирующих донорных центров (в данном случае, фосфора), тем больше номинальное значение μ сдвигается в сторону большего времени отжига (при этом концентрация основных носителей заряда в исследованных образцах остаётся практически неизменной). Следовательно, можно сказать, что для достижения номинального значения концентрации носителей заряда достаточно температуры 1270 К и времени отжига t =30 мин., а для уменьшения влияния структурных

https://buxdu.uz

дефектов (например, областей разупорядочения) необходимо увеличить время отжига. Кинетика релаксации неравновесных носителей заряда в компенсированном материале происходит различным образом: $\tau_2 \approx 98$ с для p-Si<B,P>, а $\tau_2 \approx 5$ с для p-Si<B>. Отличие релаксационных процессов в компенсированном и контрольном кремнии объясняется различной степенью микронеоднородности по проводимости.

Таблица 2.

Таблица – Электрофизические параметры нейтронно-легированного кремния в зависимости от исходного материала ($T_{отж}$ =1270 К, $t_{отж}$ =30 мин)

№	Исходный образец	Нейтронно-легированный кремний (НЛК)				Время облучения тепловым нейтронами, t, с
		ρ, Ом·см	p (или n), $см^{-3}$	μ, $см^2$/В·с	τ, с	
1.	*КДБ-1*	$2{,}8\cdot10^3$	$1{,}3\cdot10^{13}$	170	$6\cdot10^{-7}$	
2.		$2{,}6\cdot10^3$	$1.2\cdot10^{13}$	200	$8\cdot10^{-7}$	10^6
3.		$2{,}9\cdot10^3$	$1{,}95\cdot10^{13}$	180	$6\cdot10^{-7}$	
4.		$4\cdot10^3$	$2{,}2\cdot10^{12}$	700	$9\cdot10^{-7}$	
5.	*КДБ-10*	$3{,}7\cdot10^3$	$6{,}1\cdot10^{12}$	282	$3\cdot10^{-6}$	10^5
6.		$3{,}6\cdot10^3$	$6{,}34\cdot10^{12}$	274	$2\cdot10^{-6}$	
7.		$3{,}6\cdot10^3$	$6{,}94\cdot10^{12}$	250	$1{,}5\cdot10^{-6}$	
8.		$5\cdot10^4$	$1{,}25\cdot10^{11}$	1000	$1\cdot10^{-6}$	
9.	*КДБ-100*	$2{,}4\cdot10^3$	$7{,}9\cdot10^{12}$	330	$6\cdot10^{-6}$	10^4
10.		$2\cdot10^3$	$9{,}7\cdot10^{12}$	320	$7\cdot10^{-6}$	
11.		$2{,}2\cdot10^3$	$8{,}74\cdot10^{12}$	325	$5\cdot10^{-6}$	



Рис. 2. Зависимость подвижности носителей заряда от температуры изотермического отжига в НЛК (после температуры отжига $T_{отж.}$ = 1270 К, t = 30 мин) при различном флюенсе тепловых нейтронов ($см^{-2}$): $1\cdot10^{19}$; $2\cdot10^{18}$; $3\cdot10^{17}$

Изменение времени жизни носителей заряда от длительности термообработки показано на рис. 3.

Как видно из рис. 3. с увеличением времени отжига значения τ вначале возрастает, а затем стабилизируется. Этот эффект, на наш взгляд, связан с неконтролируемыми примесями в объеме материала, создающими глубоки энергетические уровни. Незначительное увеличение значений τ с уменьшением концентрации атомов бора (приведенные в табл. 2.), также подтверждает, что значение τ связано неконтролируемыми примесями.



Рис. 3. Зависимость времени жизни носителей заряда в НЛК (исходный КДБ-1) от длительности отжига, при температуре ~1270 К.

https://buxdu.uz

На основе полученных результатов (табл.2.) показана возможность получения термостабильного высокоомного материала НЛК, который может использоваться для создания полупроводниковых приборов работающих до частоты ~1 МГц.

Таким образом, на основе полученных экспериментальных результатов можно сделать следующие выводы:

– С ростом времени изотермического отжига подвижность носителей заряда (μ) растет и, чем больше концентрация фосфора, тем больше смешается номинальное значение μ в сторону большего времени отжига, что связано с неполным отжигом структурных дефектов (в данном случае, область разупорядочения).

– В компенсированном p-Si<B,P> и контрольном p-Si<B> релаксационный процесс происходит различным образом: $\tau \approx 98$ с для p-Si<B,P>, и $\tau \approx 5$ с для p-Si<B>. При этом с ростом исходной концентрации носителей заряда (в данном случае бора-B) в компенсированном кремнии наблюдается возрастание τ (при равных значениях ρ), которое обусловлено различной степенью микронеоднородности по проводимости в исследованных образцах.

– Термостабилизация времени жизни носителей заряда в НЛК зависит от исходной концентрации бора, т.е. чем больше исходная концентрация бора, тем больше длительность термоотжига.

Работа выполнена в рамках гранта Ф2-ФА-Ф121 Комитета по координации и развития науки и технологий при Кабинете Министров РУз.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Физические основы инженерии дефектов в технологии кремниевых силовых высоковольтных и светоизлучающих структур: автореферат дис. ... доктора физико-математических наук: 01.04.10 / Соболев Николай Алексеевич; [Место защиты: Физ.-техн. ин-т им. А.Ф. Иоффе РАН]. – Санкт-Петербург, 2009. - 34 с.*
2. *Юнусов М.С., Каримов М., Джалелов М.А. К вопросу о стабилизации электрофизических свойств в компенсированном кремнии при облучении γ-квантами 60Co // ФТП. – Санкт-Петербург, 2001. Т- 35. №3. С. - 317-320.*
3. *Банная В.Ф., Никитина Е.В. Электрический пробой в чистом n- и p-Si // Физика и техника полупроводников, С. Петербург. 52(3), 2018, С. 291-294.*
4. *Влияние термообработки и легирования на свойства монокристаллического кремния: диссертация ... кандидата технических наук: 05.27.06 / Тимошина Маргарита Игоревна; [Место защиты: Нац. исслед. технол. ун-т]. – Москва, 2011. - 209 с.: ил. Технология и оборудование для производства полупроводников, материалов и приборов электронной техники OD 61 12-5/32*
5. *Кожемяко А.В., Евсеев А.П., Балакшин Ю.В., Шемухин А.А.* https://journals.ioffe.ru/articles/47734 *Физика и техника полупроводников. 2019, выпуск 6, С. 810.*
6. *Кожитов Л.В., Тимошина М.И., Пильдон В.И., Шепель П.Н. «Влияние примесей на радиационную стойкость кремния, тезисы докладов Третьей Российской конференции «Кремний-2003», с. 443.*
7. *Светличный А.М., Поляков В.В. Влияние скорости нагрева при быстрой термической обработке полупроводниковых пластин на шум диодов //*
8. *Ташметов М.Ю., Махмудов Ш.А., Сулаймонов А.А., Рафиков А.К., Абдурайимов Б.Ж.. Гелиотехника, 2018. Вып. 6. С. 61-64.*
9. *Makhkamov Sh., Tashmetov M.Yu., Makhmudov Sh.A., Rafikov A.K., Sulaymonov A.A., Mirzarayimov J.Z. Study of thermal stability of life time of charge carriers in overcompensed n-Si<B,S> // The Ninth International Conference ―Modern Problems of Nuclear Physics and Nuclear Technologies‖, September 24-27, 2019. PP. -219-223.*
10. *Makhkamov Sh., Tashmetov M.Yu., Makhmudov Sh.A., Rafikov A.K., Sulaymonov A.A., Mirzarayimov J.Z. Photoresistors based on compensated Si<B,S> // The Ninth International Conference ―Modern Problems of Nuclear Physics and Nuclear Technologies‖, September 24-27, 2019. PP. -227-229.*
11. *Таран Ю.Н., Куцова В.З., Узлов К.И., Носко О.А., Критская ТВ. «Влияние легирования на структуру и свойства полупроводникового кремния» Известия Вузов, материалы электронной техники № 1,2003, с. 26-29.*
12. *Makhkamov Sh., Tashmetov M.Yu., Makhmudov Sh.A., Rafikov A.K., Sulaymonov A.A., Mirzarayimov J.Z. Study of thermal stability of life time of charge carriers in overcompensed n-Si<B,S> // The Ninth International Conference ―Modern Problems of Nuclear Physics and Nuclear Technologies‖, September 24-27, 2019. PP. -219-223.*
13. *Makhkamov Sh., Tashmetov M.Yu., Makhmudov Sh.A., Rafikov A.K., Sulaymonov A.A., Mirzarayimov J.Z. Photoresistors based on compensated Si<B,S> // The Ninth International Conference ―Modern Problems of Nuclear Physics and Nuclear Technologies‖, September 24-27, 2019. PP. -227-229.*
14. *Гучель Р.И., Красцов А.А., Стук А.А.. О времени жизни неосновных носителей заряда в нейтронно-легированном кремнии // Химия в интересах устойчивого развития 9. Москва.2001 г. С. -879-883.*

https://buxdu.uz

15. Gui C., Yang De-R., Ma X. Y., Fu L.M., Fan R.X., Que D.L. / Oxygen Precipitation within the Czochralski Silicon Wafers Fostered by Rapid Thermal Processing // Chin. Phys.Lett. Vol. 22. No. 9. 2005, pp. 2407-2410.

16. Щукин В.А., Шарафутдинов Р.Г., Константинов В.О. Осаждение пленок кремния, легированных бором и фосфором газоструйным плазмохимическим методом // Физика и техника полупроводников, ФТИ им. А.Ф. Иофе, С. Петербург. 53(1), 2019. С. 132.

УДК: 631.4.574

ТУПРОҚНИНГ САНОАТ ВА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР ТАРКИБИДАГИ ҲАРАКАТЧАН ҚЎРҒОШИН БИЛАН ИФЛОСЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

ОПРЕДЕЛЕНИЕ УРОВНЯ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ПОЧВЫ ПОДВИЖНЫМ СВИНЦОМ В ПРОМЫШЛЕННЫХ И БЫТОВЫХ ОТХОДАХ

DETERMINATION OF THE LEVEL OF SOIL CONTAMINATION BY MOVING LEAD IN INDUSTRIAL AND HOUSEHOLD WASTE

Каттаева Гулноза Норқуловна
ТАИТИ кичик илмий ходими

Аннотация. *Ушбу ишда Олмазор тумани тупроқлари ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланиш даражаси 6 та калит майдонига ажратилди. Чиқинди ва тупроқ таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин миқдори аниқланиб, ифлосланиш даражасига биноан бешта градация, яъни ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланиш даражаси ифлосланмаган, кам, ўрта, юқори ва жуда юқори поғоналарга ажратилди. Ҳаракатчан қўрғошин миқдори ифлосланиш даражасига биноан 5 та градацияга бўлиниб, 1:25000 масштабда хаританомаси тузилган.*

Таянч сўзлар: *тупроқ, калит майдони, ҳаракатчан қўрғошин, ифлосланиш даражаси, саноат корхоналари, маиший чиқиндилар.*

Аннотация. *В данном исследовании уровень загрязнения свинцом в Алмазарском районе был разделен на 6 ключевых областей. Количество подвижного свинца в отходах и почве определялось и классифицировалось в соответствии со степенью загрязнения, то есть уровень загрязнения подвижным свинцом делился на незагрязненный, низкий, средний, высокий и очень высокий уровни. Количество подвижного свинца было нанесено на карту в масштабе 1:25000, разделенное на 5 градаций в зависимости от степени загрязнения.*

Ключевые слова: *почва, основной участок, движущийся свинец, уровень загрязнения, промышленные предприятия, бытовые отходы.*

Abstract. *In this study, the level of lead pollution in the Almazar district was divided into 6 key areas. The amount of mobile lead in waste and soil was determined and classified in accordance with the degree of pollution i.e. the level of pollution of mobile lead was divided into unpolluted, low, medium, high and very high levels. The amount of mobile lead was mapped at a scale of 1:25000, divided into 5 gradations depending on the degree of contamination.*

Key words: *soil, main site, moving lead, pollution level, industrial enterprises, household waste.*

Кириш. Илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Олмазор туманининг тупроқ қоплами саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар таркибидаги оғир металлар, жумладан, қўрғошин билан ўрта ва юқори даражада ифлосланган. Қўрғошин моддалари тупроқда белгиланган меъёрдан ортиб кетиши натижасида унинг физик-кимёвий ва биологик хоссалари ўзгариб, экологик ҳолати ёмонлашиб кетади. Қўрғошин тупроқ таркибидаги фосфат бирикмалари, карбонатлар билан бирикиб, оксидловчи рух ва мис элементлари билан алмашиниб, лой ва коллоид органо-минерал заррачаларни каогуляция қилиб, тупроқ эритмасида чўкмага туширади. Тупроқ таркибидаги қўрғошин миқдори кўпайиб кетган тақдирда улар эритмадан ўсимлик илдизлари орқали ассимиляция қилиниб, физиологик ва биёкимёвий жараёнларга салбий таъсир қилиб, озуқа занжири орқали тупроқ-ўсимлик-жониворлар ва одам организмига ўтиб, турли патологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин [1,2]. Шунинг учун тупроқ

https://buxdu.uz

таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин миқдорини, зарарлилик даражасини ўрганиш, ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва атроф-муҳит экалогиясига таъсирини белгилаш энг муҳим муаммолардан биридир.

Ушбу ишнинг асосий мақсади Тошкент шаҳар Олмазор тумани тупроқларини, саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланиш даражаси, физик-кимёвий ва биологик хоссалари билан боғлиқлиги ва картосхемаларини тузишдан иборат.

Олмазор туманиниг Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий ва Техника университети жойлашган суғориладиган бўз тупроқларнинг ҳайдалма ва унинг остки қатламларида ҳаракатчан қўрғошин миқдори 1.0 мг\кг дан ошмайди (1-жадвал, 1а. расм). Ҳаракатчан қўрғошиннинг тупроқдаги меъёри 5-10 мг\кг деб қабул қилинган .

1-жадвал

Тошкент шаҳри Олмазор тумани тупроқлари, саноат ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин миқдори, мг\кг

№	Кесма №	Чуқурлиги, (см)	Ҳаракатчан қўрғошин	Намуна олинган жой
1	2	3	4	5
Суғориладиган бўз тупроқлар				
9	9	0-20	1.0	Ўзбекистон Миллий университети
10		20-32	1.0	
11		32-62	1.0	Ботаника илмий маркази
12		62-94	1.0	
13		94-150	1.0	
1		0-20	1.0	ЎзМУ Кимё, биология, физика, математика, геология, география, фиалогтя ва иқтисод факультетининг боғлари
2		0-20	1.0	
3		0-20	1.0	
4		0-20	1.0	
5		0-20	1.0	
6		0-20	1.0	
7		0-20	1.0	
8		0-20	1.0	
9		0-20	1.0	
10		0-20	1.0	
11		0-20	1.0	
12		0-20	1.0	
13		0-20	1.0	
14		0-20	1.0	
15		0-20	1.0	
16	2	0-20	1.0	
17		0-20	1.0	
18		0-20	1.0	
18а		0-20	1.0	
19		0-20	1.0	
19а		0-20	1.0	
20		0-20	1.0	
21	1	0-20	8.77	Қорақамиш 2/4 мавзе 3-мактаб
22		20-50	7.6	
23	2	0-20	6.58	Хусусий корхона
24		20-50	4.58	
25	3	0-20	4.39	Келис йўли ўнг тарафи
26		20-50	4.29	
27	4	0-20	8.77	Келис йўли ўнг тарафи
28		20-50	6.58	
29	5	0-20	6.58	Поезд йўли ҳалқа йўл
30		20-50	4.39	
31	6	0-20	4.39	Суғориладиган ерлар
32		20-50	4.39	
33	8	0-20	10.96	Авторем завод
34		20-50	8.65	
35	9	0-20	13.00	Қорақамиш 2/4
36		20-50	8.65	
37	11	0-20	8.77	Қорақамиш 1/4
38		20-50	8.77	
39	14	0-20	6.58	Кўмир склади

https://buxdu.uz

40		20-50	4.29	
Типик бўз тупроқлар				
41	15	0-20	4.39	Райгаз
42		20-50	3.41	
43	16	0-20	6.58	Агрегат заводи
44		20-50	4.39	
45	17	0-20	8.77	Компрессор заводи
46		20-50	6.58	
Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар				
47	19	0-20	4.39	Тахтапул мактаб
48		20-50	3.57	
49	20	0-20	6.58	С.Рахимов боғи
50		20-50	4.39	
51	21	0-20	3.57	Ўзмевасабзавот банк
52		20-50	5.30	
53	22	0-20	3.57	Заркайнар
54		20-50	3.36	
Ўтлоқли тупроқлар				
55	23	0-20	5.36	Қорасарой массиви
56		20-50	4.39	
57	25	0-20	5.36	Қорақамиш 1/1
58		20-50	3.20	
59	26	0-20	8.93	Трамвай ҳалқаси
60		20-50	6.58	
61	27	0-20	7.14	Қорақамиш 1/4
62		20-50	5.36	
63	28	0-20	10.70	Қорақамиш 2/1
64		20-50	8.93	
65	29	0-20	7.14	Қорақамиш 2/1 Хокимят боғи
66		20-50	6.58	
67	30	0-20	5.40	Қорақамиш 2/4
68		20-50	3.36	

Ҳаракатчан қўрғошин Ботаника тажриба участкаси ва ЎзМУ факултетлари жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқларда ҳам 1.0 мг\кг дан ошмайди. Шунинг учун бу ҳудуддаги тупроқлар қўрғошин билан ифлосланмаган I калит майдони сифатида ажратилди. Олмазор туманида тарқалган тупроқларда ҳаракатчан қўрғошин миқдори 1,0 мг\кг дан 19.64 мг\кг ташкил килади (1-жадвал). Тошкент шифокорлар шаҳарчасининг суғориладиган бўз тупроқлари, яъни ташқи ҳалқа йўлининг атрофларидаги ерларда (II калит майдони) ҳаракатчан қўрғошин ҳайдалма қатламда 3.60-7.10 мг\кг ташкил қилади. Ҳалқа йўлининг ташқарисида саноат корхоналари жойлашган ерларда ҳаракатчан қўрғошиннинг энг кўп микдори 7.10 мг\кг дан иборат бўлиб, унинг манбаи қурилиш, маиший чиқиндилар ва автотранспорт ёкилғисидир. Бу ҳудуддаги тупроқлар ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланмаган, шу сабабли бу тупроқлар учун қабул қилинган меъёр 5.5-10.0 мг\кг ни ташкил қилади [3] (1-жадвал, 1б. ва с. расмлар).

Қорақамиш каналининг чап ва ўнг соҳилида жойлашган Олимпия ва Тансиқбоев мавзесидаги суғориладиган бўз тупроқларда ташқи ҳалқа йўлининг Зангиота тумани Фозилов жамоа хўжалиги ерларида ҳаракатчан қўрғошин 3.30-3.60 мг\кг иборат бўлиб, тупроқлари ифлосланмаган ва II калит майдонига киритилган.

Учинчи калит майдони Тошкент ташқи ҳалқа йўлининг Абдурахмонов жамоа хўжалиги Мойқўрғон маҳалласи, яъни Тошкент ва Келес автойўлининг чап ва ўнг тарафида тарқалган суғориладиган бўз тупроқларда ҳаракатчан қўрғошин микдори 4,39-8.77 мг\кг бўлиб, ўрта даражада ифлосланган ерлардир. Бу тупроқларни қўрғошин моддалари билан ифлослантирувчи манба кичик саноат қурилиш ва маиший корхоналар чиқиндиларидир, уларнинг таркибида ҳаракатчан қўрғошин 8.77 мг\кг дан иборат эканлиги аниқланди.

Тўртинчи майдон Қорақамиш 1\1, 1\2, 1\3, 1\4, 2\1, 2\2, 2\3, 2\4, 2\5 мавзелари кўрилган ерлар бўлиб, ўтлоқи тупроқлар шартли суғориладиган ерлар бўлиб, уларнинг таркибида ҳаракатчан қўрғошин 5.30-13.60 мг\кг оралиғида бўлиб, ўртача ва юқори даражада ифлосланган ҳисобланади (1-жадвал, 1-с) ва д) расмлар). Саноат қурилиш ва маиший чиқиндиларида ҳаракатчан қўрғошин 8.77-13.60 мг\кг ташкил қилади.

https://buxdu.uz



1-расм. Тошкент шаҳри Олмазор тумани тупроқлари, саноат ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин миқдори

Бешинчи ажратилган ҳудуд собиқ Иттифоқ даврида қурилган Агрегат, Компрессор, Геолразведка, Миконд, металл заводлари, металлконструкция ва кўмирларни сақлайдиган омборхоналар бўлиб, ҳозирги пайтда эса Жомий қурилиш ва ёқилғи (АЁҚШ) савдо мажмуаларидан иборат бўлиб, у бу ерлардаги типик бўз тупроқларда харакатчан қўрғошин 4.39-8.77 мг\кг иборат эканлиги аниқланди.

Олтинчи калит майдон ички ҳалқа йўли, Беруний, Боғишамол кўчаси оралиғидаги Соғбон, Себзор мавзелари жойлашган ерлар бўлиб, эскидан суғориладиган типик бўз-ўтлоқи тупроқларда ҳаракатчан қўрғошин 4.39-6.58 мг\кг ни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда қурилиш ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин миқдори меъёрдан ортиб кетганлиги сабаби бу ҳудуд тупроқлари ифлосланмоқда. Ҳаракатчан қўрғошинни Олмазор тумани тупроқларидаги миқдорига ва ифлосланиш даражасига биноан 5 та градацияга бўлиниб, 1:25000 хаританомаси тузилди.

Олмазор туманининг Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника институти, Тиббиёт академияси, Охунбобоев маҳалласи, ташқи ҳалқа йўлининг атрофи, олийгоҳ ва талабалар шаҳарчаси ҳудудларидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда ҳаракатчан қўрғошин 1.0-4.39 мг\кг оралиғидаги миқдорни ташкил қилиб, бу ерлар оғир металлар билан ифлосланмаган майдонлар қаторига киритилди (2-расм).

Ташқи ҳалқа йўлининг ҳар иккала атрофи, Қорақамиш, Дамариқ соҳилидаги мактаб, спорт иншоотларига тааллуқли майдонлардаги ўтлоқи тупроқларида ҳаракатчан қўрғошин 4.39-5.40 мг\кг иборат бўлиб, улар ўрта даражада ифлосланган бўлади. Бу тоифадаги ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланган Қорақамиш мавзеси, шифокорлар шаҳарчаси, шаҳар ташқи ҳалқа йўлининг чап тарафдаги суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари киритилган.

Олмазор тумани тупроқларининг ҳаракатчан қўрғошин билан 5.40-8.77 мг\кг миқдорида Қорақамиш 1/4, 2/1, 2/4 мавзелари ҳудудларида тарқалган бўз-ўтлоқи тупроқлар ташкил этади. Ҳаракатчан қўрғошин 8.77-13.60 мг\кг ва ундан юқори бўлган техноген тупроқлар Авторемонт заводи, Қорақамиш 1/2 мавзеси, автомобиль шоҳ бекати жойлашган ерлар жуда юқори даражада ифлосланган ҳудудлар сифатида ажратилди.

https://buxdu.uz



2-расм.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, агар тупроқ таркибида ҳаракатчан қўрғошиннинг миқдори миёрдан ошиб кетса, бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳаракатчан қўрғошиннинг тупроқда кўпайиб кетишининг асосий сабаби табиий ва сунъий манбалардан узоқ ва яқинлиги, тупроқнинг физик-механик хоссалари, кимёвий ва минералогик таркиби билан чамбарчас боғлиқ. Тупроқ қоплами саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар таркибидаги ҳаракатчан қўрғошин билан ифлосланишини муҳофаза қилиш учун, биринчи навбатда, чиқиндилар миқдорини камайтирадиган технологияларни ишлаб чиқиш тавсия этилади. Чунки қўрғошин моддалари тупроқ ишқорий муҳитида ўз ҳаракатчанлигини йўқотади [4,5].

Хулоса. Органик моддалар қўрғошиннинг заҳарланиш даражасини пасайтириш хусусиятига эга бўлганлиги учун тупроқ таркибидаги гумус миқдорини ва фаоллигини ошириш керак. Тупроққа кўпроқ гўнг ва бошқа органик моддаларга бой ўғитларни солиш лозим. Органик моддалар парчаланганда иссиқлик, минерал моддалар, аммиак ва корбанат кислоталари ажралиб, қўрғошин билан реакцияга киришиб, комплекс моддаларни ҳосил қилади, суғориладиган тупроқларга органик моддалар билан бир қаторда фосфорли ўғитларни солиш керак, чунки фосфор қўрғошин билан реакцияга киришиб, қийин эрийдиган чўкмалар ҳосил қилади.

Олмазор тумани тупроқларини ҳаракатчан қўрғошин билан ифлослантирувчи манба туманнинг жануби-ғарбида жойлашган Агрегат, Компрессор, Миконд, Геолразведка корхоналари металлконструкция маҳсулотлари, кўмир омборхоналари ва автотранспорт тутунидан чиқадиган чиқиндилардир. Саноат қурилиш ва маиший чиқиндилардан қўрғошин ер усти ва ости сувлари ҳамда шамол ёрдамида тупроқнинг устки гумус аккумлятив қатламида тўпланади. Тупроқнинг қўрғошин моддалари билан ифлосланиш даражаси чиқиндилар орасидаги масофага ҳам боғлиқлиги аниқланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Т.А, Жабборов З.А. Тупроқларнинг ифлосланиш муаммолари ва муҳофаза қилиш чоралари. – Т., 2007. С. 100.

2. Алексеев Ю.В. Тяжёлые металлы в почвах и растениях. // Агропроиздат. – Л., 1987. С. 142.

3. Давыдова С.Л., Тагасова В.И. Тяжелые металлы как супер токсиканты XXI века. – М.: Изд-во «РУДН», 2002. С. 140.

4. Ортиқов Т.Қ., Ғозиев Т.Ч. Тупроқ микробиологик фаоллигига ўғитларнинг таъсири. // Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, 2010.

5. Холиқов Ш, Узоқов П, Бобохўжаев И. Тупроқшунослик. – Т., 2011. С. 574.

УДК: 536.46; 666.9.011

https://buxdu.uz

КЎП ҲОЛАТЛИ СИСТЕМАНИНГ МАКРОМОДЕЛИНИ ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

КОНЦЕПЦИИ ПОСТРОЕНИЯ МАКРОМОДЕЛИ МНОГОСТАДИЙНОЙ СИСТЕМЫ

THE CONCEPTS OF CONSTRUCTION OF THE MACRO MODEL OF A MULTI-STAGE SYSTEM

$$\parallel(Ag^1-Ag^2)_2\parallel_у\le\sup_{t\in(0,+\infty)}\frac{1}{ц_0}\left|\int_0^t[g_2^1-g_2^2](ф)e^{-уф}e^{-у(t-ф)}f'(t-ф)dф\right|+$$

$$+\sup_{t\in(0,+\infty)}\frac{1}{ц_0}\left|\int_0^t\int_0^\infty G(0,о,t-ф)[g_2^1-g_1^1](ф)e^{-уф}ц''(о)e^{-у(t-ф)}dоdф\right|+$$

$$+\sup_{t\in(0,+\infty)}\frac{1}{ц_0}\left|\int_0^t\int_0^\infty G(0,о,t-ф)\int_0^ф[g_2^1g_1^1-g_2^2g_1^2]e^{-уt}dбdоdф\right|+$$

$$+\sup_{t\in(0,+\infty)}\frac{1}{ц_0}\left|\frac{aц'(0)}{\sqrt{п}}\int_0^t\frac{1}{\sqrt{t-ф}}[g_2^1-g_2^2](ф)e^{-уф}e^{-у(t-ф)}dф\right|+$$

$$+\sup_{t\in(0,+\infty)}\frac{1}{ц_0}\left|\frac{a}{\sqrt{п}}\int_0^t\frac{1}{\sqrt{t-ф}}\int_0^ф[g_2^1-g_2^2](б)e^{-уб}ш'(ф-б)e^{-у(t-б)}dбdф\right|\le$$

https://buxdu.uz

$$\leq \frac{1}{\text{уц}(0)}\left(\text{ц}_2 + 4 \parallel g_0 \parallel T + 2a\sqrt{\frac{T}{\text{р}}}(\text{ц}'(0) + \text{ш}_1 T)\right) \parallel g^1 - g^2 \parallel_{\text{y}}$$

If y is chosen from condition

$$\text{y} > \text{y}_4 = \frac{1}{\text{ц}(0)}\left(\text{ц}_2 + 4 \parallel g_0 \parallel T + 2a\sqrt{\frac{T}{\text{р}}}(\text{ц}'(0) + \text{ш}_1 T)\right),$$

then the operator A_2 satisfies the second condition of contracting mapping.

As result, from these estimates it is clear that if y is chosen from condition $\text{y} \geq \text{y}_{00} = \max(\text{y}_3, \text{y}_4)$, then the operator A in the set $B(g_0, \text{c})$ is a contraction map. According to the principle of contracting operators,therefore, if y is taken from condition $\text{y} \geq \max(\text{y}_0, \text{y}_{00})$, then the operator A in the set $B(g_0, \text{c})$ has a unique fixed point. By found function $\text{щ}(x,t), k(t)$, the function $u(x,t)$ is found by virtue of the formula (19) from which follows

$$u(x,t) = \text{ц}(x) - \text{ц}(0) + x[\text{ш}(t) - \text{ш}(0)] + f(t) + \int_0^x (x - \text{о}) \int_0^t \text{щ}(\text{о}, \text{ф}) d\text{ф} d\text{о}.$$

The Theorem 1 is proved.

REFERENCES

1. *Ladyzhenskaya A. , Solonnikov V. A. , Uraltseva N. N. Linear and quasilinear equations of parabolic type. Moscow: Nauka, 1967; English translation: American Mathematical Society, Providence, Rhode Island, 1968.*
2. *Kolmogorov A. N. , Fomin S. V. Elements of function theory and functional analysis. Moscow: Nauka, 1972.(In Russian)*
3. *Mikhaylov V. P. Differential equations with partial derivatives. Moscow: Nauka, 1983.(In Russian)*
4. *Durdiev D. K. On the uniqueness of kernel determination in the integro-differential equation of parabolic type. J. Samara State Tech. Univ., Ser. Phys. Math. Sci., 19(4), 2015, pp.658-666.(In Russian)*
5. *Durdiev D. K. , Rashidov A. Sh. Inverse problem of determining the kernel in an integro-differential equation of parabolic type. Differential Equations, 50(1), 2014, pp.110-116.(In Russian)*
6. *Durdiev D. K. , Zhumaev Zh. Zh. The problem of determining the thermal memory of a medium. Uzbek Mathematical Journal, №1, 2020, pp.36-51.*
7. *Durdiev D. K. , Zhumaev Zh. Zh. Problem of determining a multidimensional thermal memory in a heat conductivity equation. Methods of Functional Analysis and Topology, 25(3), 2019, pp.219-226.*
8. *Durdiev D. K. , Zhumaev Zh. Zh. The problem of determining the kernel in the multidimensional integrodifferential heat equation. Scientific reports of Bukhara State University. №1, 2019, pp. 10-18 (In Russian).*

https://buxdu.uz

УДК: 616.89-008.434.53

НУТҚДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ВА ДИСЛЕКСИЯ

ДЕФЕКТЫ РЕЧИ И ДИСЛЕКСИЯ

PROBLEMS IN SPEECH AND DYSLEXIA

Джумабаева Жамила Шариповна
ЎзМУ инглиз филологияси кафедраси мудири, доцент, ф.ф.д.,
Мустафаева Нилуфар Улашовна
ЎзМУ мустақил изланувчиси, ТерДУ ўқитувчиси

"Since the nature of the language and its
complex operations are the matter of controversy
and since the psychologists have still much to team about
how the language is acquired,
we as language teachers have an open field
and are free to experiment and innovate". ***(Rivers, M. Temperley)***

Аннотация. *Ушбу мақола нутқ малакасини ҳосил қилиш жараёнида учрайдиган муаммолардан бири бўлган дислексия ва унинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этишга бағишланган. Нутқий бузилиш сабаблари ва дислексиянинг тавсифларини ўрганишда қатор тадқиқотчиларнинг илмий қарашларидан фойдаланилган. Дислексия муаммосини ўрганиш ва уни бартараф этишнинг янги методлар ва техникаларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.*

Таянч сўзлар: *нутқ нуқсонлари, дислексия муаммоси, нутқий бузилишлар, ўқиш ва ёзишдаги камчилик, ўнг ва чап яримшарлар алоқаси, психопатологик ҳодиса.*

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению одной из актуальных проблем дислексии и ее причин, возникающих в процессе формирования речевых навыков. Научные взгляды ряда исследователей были использованы при изучении причин нарушения речи и поведения при дислексии. Исследование проблем и развитие дислексии, а также разработка новых методов и техники для её решения является одним из актуальных проблем на сегодняшний день.*

Ключевые слова: *дефекты речи, проблемы с дислексией, нарушения речи, недостатки в чтении и письме, соединение правого и левого полушарий, психопатологические явления.*

Abstract. *This article is devoted to study one of the problems encountered in the process of building speech and the study of dyslexia and its causes. The scientific views of a number of researchers have been used in the study of the causes of speech disorders and the behavior of dyslexia. The study of dyslexia problem and development of new methods and techniques for its solution is one of the topical issues nowadays.*

Key terms: *speech defects, problems of dyslexia, speech disorders, defects in reading and writing, connection of right and left hemispheres, psychopathological phenomena.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳаракатлар стратегиясининг таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга қаратилган бўлимида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш каби талабларни қатъий белгилаб берган [1]. Бу талаблар биз каби чет тили ўқитувчиларида ва биз таълим бераётган талабаларда интеллектуал салоҳиятни оширишда ўзига бўлган маъсулиятни янада оширади [2]. Дунё тиллари ичида энг кенг тарқалган тил ҳисобланган инглиз тилини ўргатиш ва ўрганишнинг асоси нутқ малакаларини ҳосил қилиш ва фаннинг педагогик, психологик алоқаларини англаш демакдир. Бу эса сўнгги пайтларда нутқ равонлигининг бузилиши, нутқ патологияси ва психологияси билан боғлиқ бўлган дислексия муаммосининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина мутахассисларнинг диққатини кўпроқ ўзига тортмоқда.

https://buxdu.uz

Маълумки, нутқ бу фикрни баён қилиш бўлиб, оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланади. Нутқ қанақа шаклда бўлишидан қатъи назар у мураккаб психологик ва когнитив жараёнлар асосида ҳосил бўлади. Бу жараён баъзи болаларда қийин кечади ва аста-секин нутқий нуқсон ҳисобланган дислексияга дучор бўлишади. Бу ҳодисага баъзан ўқитувчи ёки ота-онанинг етарлича эътибор қаратмаслиги оқибатида шахс улғайган сайин у ва тенгдошлари орасидаги фарқ кенгайиб боради. Ўқиш ва ёзиш малакасидаги бу камчиликлар шахс, яъни индивид ўспирин бўлганда, жиддий муаммоларга учрашига сабаб бўлади ва ҳатто бу камчилик унинг кейинчалик жамиятда ўз ўрнини топишида ёки ижтимоий-илмий билимларни эгаллашда сезиларли қийинчиликларга учрашига ҳам сабаб бўлади.

“Дислексия – бош мия яримшарлари қобиғидаги баъзи нерв марказларининг зарарланиши ёки етарли ривожланмаслиги натижасида ўқиш қобилиятининг бузилишидан иборат психопатологик ҳодиса. Дислексия ҳаддан ташқари секин ўқиш, баъзи товуш бирикмаларини тахминан ўқиш каби ҳолларда намоён бўлади. Дислексияда энг оддий матн кам товуш жиҳатдан бузилади ёки нотўғри тушунилади. Бу нуқсонлар логопедик усуллар, айниқса, сўзларни товуш жиҳатдан таҳлил қилиш орқали бартараф қилинади” [3]. Дислексия грекча сўз бўлиб, *dis* бузилиш, *lexia* нутқ маъноларини англатади, яъни нутқ ҳосил қилиш жараёнидаги барча психик бузилишларни ўқишдаги, ёзувдаги ва ўрганиш мобайнида хотирада сақлаш қобилиятларининг барчаси бузилишига айтилади [4].

Нутқий патологияли болаларни ўрганиш XIX – XX асрга тўғри келади. Нутқий нуқсон ҳисобланадиган дислексиянинг ўрганиш терминологияси ва унга бўлган илмий-назарий қарашлар турли даврда турлича кечган. Дастлаб, дислексия термини фанга немис офтамолог врачи Рудольф Берлин томонидан 1887 йил олиб кирилган. Гарчи, бола интеллектуал жиҳатдан фикрлаш ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлган бўлса-да, олим ушбу терминни ўқиш ва ёзишда муаммога учраган болага нисбатан ишлатган. Бу терминни Битон (2004) ўзининг қисқа мунозарали илмий тадқиқот ишларида тадқиқ этар экан, унинг фикрига кўра, Хенри Броадбент биринчи бўлиб бу каби нутқдаги нуқсон ёки тартибсизликни 1876 йилда тилга олган.

Бунда тадқиқотчи мия жароҳатини олиш натижасида ўқиш қобилиятини йўқотган беморларига нисбатан ишлатган [5]. Аммо бу талқин ҳозирги кунда ишлатадиган дислексия муаммоси таърифига унчалик тўғри келмайди. Дислексияга яна бир ёндашув тўғрисида машҳур олим илмий тадқиқот олиб борган бўлиб, у Жеймс Хинсхелвуд бўлиб, у ўзининг қатор илмий мақолаларида “ҳарф ва сўз кўрлиги” (word and letter blindness) атамаси орқали дислексия муаммосини ёритган. Шунингдек, бу ҳодисага яна бир илмий далил келтирсак, 1896 йил терапевт В. Прингл Морган Британия медицина журналида “Туғма оғзаки кўрлик” мақоласини нашр қилдиради [6]. У ўз тадқиқотларида дислексия кўриш ва кўриш жараёнининг бузилиш муамммосининг бошланғич даври деган ғояни илгари сурган эди.

Морган бу психопатологик ҳодисани тадқиқ қилиш мобайнида ўқиш қобилиятида бузилиш рўй берган 14 ёшли болани тасвирлашда қўллаган. Аммо у ёшига мос даражада ақлий интеллект салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтган. 1925 йилда эса инглиз невропатологи Самуэль Т. Ортон ҳам нутқ ҳосил қилишдаги бу психологик нуқсонни ўрганиб чиқди ва у бу касалликни бош миянинг бузилишига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ўқиш ва ёзишдаги муаммолар кўриш қобилиятига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, балки яримшарлар орасидаги ассимиляция ҳодисаси туфайли маълумотни қабул қилиш ва узатиш жараёнида муаммолар мавжуд эканини таъкидлади.

1970 йилларга келиб эса дислексия фонологик ва метафонологик ҳодисалар натижаси эканлиги тўғрисидаги назария ва илмий тадқиқотлар илгари сурилди. Тадқиқотчилар Жонсон ва Муклебуст (1967), Сатз Раредин ва Росс (1971), Вителсон (1976), Вителсон ва Рабинович (1972) ушбу илмий изланишни давом эттирган ҳолда ўнг ва чап яримшарлар алоқаси, яъни бунда миянинг ўнг яримшари рўй берадиган муаммолар ва чап яримшар дислексия (лингвистик дефицит) сабаблари эканлигини илмий тадқиқотларида исботлашга ҳаракат қилишган [8]. Либерман янги тадқиқот иши (groundbreaking work) дислексия муаммоси сабаби фонологик жараёндаги қийинчиликлар эканлигини илмий асослаб берган.

https://buxdu.uz

Кейинроқ, худди шу изланишлар давомчилари бирин-кетин кўпайишди (Флетчер, Леон, Фух ва Барнес, 2007) [8] ва ҳозирда бугунги кун дислексия тушунчаси элементлари шакллана бошлади.

Нутқ камчилиги ҳисобланган дислексиянинг кейинги илмий ривожланишларида ушбу патологик ҳодисани диққат етишмаслиги ва гиперактивлик синдроми, яъни ДЕГС (инглиз тилида: Attention Deficit Hyperactivity Disorder – ADHD) белгилари хулқ-атвор билан боғлиқ муаммолари сифатида тавсифланади. Булар диққатни жамлай олмаслик ҳамда тиниб-тинчимаслик ёки ўйламасдан ҳаракат қилиш (импульсивлик) деб тавсифланган. Бунинг асосий белгилари бола эътиборининг осон чалғиши ва диққат қилиш вақтининг (attention span) қисқалигида кўринади. У эътиборсиз ҳолда хатолар қилиши, нарсаларни унутиб қолдириши, йўқотиши ҳамда гапга қулоқ солмаслиги ва кўрсатмаларни бажармаслиги мумкин.

Болаларда эмоционал иродавий бошқарув кўникмаларининг яхши шаклланмаганлиги таълим-тарбия тизимида, гуруҳдаги ва оиладаги шахслараро муносабатда, ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Гиперактивлик ва импульсивлик тинч ўтира олмаслик, кўп гапириш, навбат кутиб туришга тоқат йўқлиги, ўйламай ҳаракат қилиш, ҳамма нарсага қўшилиб кетавериш ва қўрқув ҳиссининг йўқлигида кўзга ташланади [7]. Бу эса аста-секин дислексияни келтириб чиқаради ва келажакдаги ўқув жараёнига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Элизабет Турнер ва Жейни Пух ўзларининг “Дислексия ва инглиз тили” (Dyslexia and English) китобида дислексия муаммосини ўзига хос илмий назарияларни асослаб берган [8]. Турнер ва Жейни таърифлашича, мутахассис бўлмаган кишилар дислексияни нотўғри тушунишади, яъни дислексия дегани ўқий олмаслик ёки ўқиш жараёнида мураккаб қийинчиликларга дуч келиш ҳодисаси деб тушунилади. Баъзан эса дислексия ҳодисаси ҳазил ва юморнинг мавзусига айланиб, бу ном абадий мифга айланади, яъни бирор киши ёшлигида аудитория олдида бирор сўзни нотўғри талаффуз қилган бўлса, бу шу талаффуз билан барчанинг хотирасида доимий қолиб кетади. Турнер ва Жейни ўзларини “Дислексия ва инглиз тили” номли илмий китобида, дислексия муаммоси аввалига паст поғонада бўлади ва аста-аста ўрта поғонага, сўнгра эса юқори поғонага кўтарилишини таъкидлаб ўтади. Дислексиянинг узвийлигини олимлар *mild-moderate-severe* кабилар билан изоҳлайдилар. Аммо улар шуни таъкидлашадики, ҳатто дислексиянинг юқори босқичидаги бола ҳам дислексияни енгиб чиқа олади ва у ўз тенгдошларидан ҳеч кам бўлмаган ҳолда ўқиш малакаларини эгаллай олади.

Ўқиш ва ёзишдаги муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ қилишга бағишланган ишлар Элизабет Турнер ва Жейни Пухлардан ташқари бир қатор тадқиқотчилар ишларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Гавин Рейднинг “Дислексия ва инклюзия” (Dyslexia and Inclusion) номли китобидаги ушбу нутқий бузилишга берган таърифи ва унинг келиб чиқиш сабабларининг илмий талқини анчагина қизиқарлидир [9]. Г.Рейднинг фикрича, дислексиянинг дастлабки даври яширин тарзда бўлади, сабаби бу муаммо ўзини дарҳол намоён қилмайди. У ўз илмий асарида шуни таъкидлайдики, агар болани маҳорат талаб қилувчи бирор-бир вазиятга қўйилиб, саводхонлигини ва маълумот қабул қилиш ва уни нутққа чиқариш жараёнини кузатиш учун махсус психологик баҳолаш жараёнлари ўтказилса, нутқда бу нуқсон мавжудлиги яққол сезилади.

Мактаб даврида болалар ўзларидаги дислексияни овоз чиқариб ўқишдан ўзини олиб қочиши ёки имкон қадар кам ёзиш орқали билдирмай ўтказиб юбориши мумкин, ёки ўқитувчи томонидан эътибор берилмасдан қолиб кетиши мумкинлиги, баъзан буни ўқитувчилар уйга вазифани тайёрлашдаги дангасалик ёки билим олишга бўлган қизиқишнинг сустлиги деб қарашлари мумкин деган ғояларни илгари сурган. Дислексиядаги болалар тез чарчаб қолиши, аслида улар ўзларида бу нуқсонни енгиб чиқишлари учун бошқа соғлом нутқли болаларга нисбатан кўпроқ вақт ва куч сарфлаши кераклиги ҳам эслатиб ўтилган. Гавин Рейд дислексия муаммосининг характерли хусусиятларини атроф-муҳитнинг

https://buxdu.uz

таъсири доирасида қуйидаги тасвир орқали яққол кўрсатиб берган ва ҳар бир характерга нисбатан аҳамиятли изоҳ берган [9].



Рейднинг фикрича, *қулоқ* тасвири бу эшитиш билан боғлиқлиги. Эшитиш эса ўз навбатида, фонологик билиш билан боғлиқ аҳамиятли муаммодир. Фонологик билиш ёки англаш (phonological awareness) дислексиядаги муҳим омиллардан бири бўлиб кўринади, яъни товушларни фарқлаш, айниқса, бир-бирига ўхшаш товушларни ажратиш ва уларни сўзларда аниқлай олиш. Бундай аспектларни намоён қилиш дислексияли болаларда қийинчилик билан кечиши мумкин. *Кўзнинг кўриши* билан боғлиқ нуқсон. Баъзи дислексияли болалар китобдаги матн текстини ўқишда кўриш билан боғлиқ муаммога дуч келади ва бу матнни ўқиш жараёнида сўзлар хиралашиши, қўшилиб қолиши, сўзларнинг тушиб қолиши ва бир қатордан бошқасига ўтиб кетиш билан намоён бўлади.

Кейинги тасвир алоқа бўлиб, Рейднинг фикрича, кўз ва қулоқ ўртасидаги алоқа дислексия учун неврологик асос ҳисобланади. Бу алоқа турли маҳоратларнинг интеграциясига ёрдам беради, масалан, кўриш ва мотор интеграциясида, кўчириб олиш, аудитори/кинесетик интеграцияда, яъни эшитиш ва кўрсатмаларни бажаришда муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина илмий изланишлар шуни кўрсатадики, дислексиянинг неврологик асоси ўнг ва чап яримшарларнинг ўртасидаги алоқадорлик деб ҳисобланади. Ҳаракат тасвири моторика билан боғлиқ қобилиятлар ҳисобланади.

Кичик мия иштирокида содир бўлади, қатор дислексияли болалар буни *fine motor* (инсондаги мураккаб ҳаракат даражаси бўлиб, асаб системаси орқали топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Бу моторика инсон ақл-заковатининг изчил ўсиб боришига ёрдам беради), *gross motor* (бу моторика инсон туғилгандан кейин ўрнидан тик тура олиш, қадам ташлаш, юриш, югуриш ва ҳаракатларни эгаллаб бориши)даги нуқсонлар ёзувнинг ғализ ва хунук бўлиши натижасига олиб келади, деган фикрларни беради. Кейинги тасвирлар *ўқитувчи, китоб, қалам* ва *ўқиш биноси* боланинг нутқи ўсишида мотивация ҳисобланади. Рейднинг фикрича, озиқ-овқат ёки парҳез ҳам дислексия муаммосини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларини қисман умумийлаштирган илмий изланишлар натижасини Катерино Кристо, Жон Давис ва Стефен Брукнинг “Дислекцияни аниқлаш, баҳолаш ва даволаш” китобида кўришимиз мумкин [10]. Дастлаб Стефен Брук дислексиянинг ҳам тарихи, ҳам бу ривожланган психопатология ҳодисасининг ҳозирги вақтдаги тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтган ва энг аниқ таъриф дислексияга Ҳалқаро Дислексия Ассоциацияси томонидан берилган (2003) деб ҳисоблайди: “Дислексия ўрганилиши зарур бўлган нуқсон бўлиб, келиб чиқишидан нейробиологик ҳисобланади. Бу муаммонинг ўзига хос характери шуки, сўзнинг аниқлиги ва равонлигини таъминлашда қийинчиликка учраш ва талаффуз ва маъно очиб бериб ўқиш жараёнидаги нутқий бузилишлардир. Бу қийинчиликларнинг ўзига хослиги натижаси тилнинг фонологик таркибий қисмидаги дефицит, тез-тез бошқа когнитив қобилиятлар билан алоқадорликда кутилмаганда содир бўлади. Дислексия ўз ичига ўқиганини тушунганлигини англашдаги муаммоларни ҳам олиши мумкин ва бунинг салбий натижаси оқибати ўқиш малакасининг

https://buxdu.uz

пасайишига олиб келади. Бу нарса эса ўз-ўзидан билим базаси ва луғат бойлиги ўсишига халақит бериши мумкин.

Дислексия нуқсонлари борлигидан шубҳа қилинаётган болалар, авваламбор, ўз она тилида синаб кўрилади. Агар ҳақиқатан ушбу нуқсонлар мавжуд бўлса, бу унга инглиз тилини ўрганишда тўсиқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли икки нарсага эътибор беришимиз керак. Биринчидан, бола психологиясидан келиб чиққан ҳолда "Чет тилини ўргатишда психик жараёнлар – диққат, идрок, хотира, тафаккур кабилар ҳисобга олинади. Тил воситаларини эгаллаш мушоҳада ва идрокдан бошланиб, тафаккур томон, сўнгра амалиётга йўналтирилган билиш жараёни эканлиги психологияда аниқланган. Тил материаллари интиутив тарзда, онг иштирокисиз, автоматлашган даражада нутқда қўллана оладиган бўлгандагина тилни ҳис этишга эришилади, яъни нутқ малакалари ҳосил қилинади. Чет тилини ўқитишда ўқувчилар психологик хусусиятларининг инобатга олиниши методик талаблар доирасига киради" [11].

Мамлакатимиздаги қатор ўзгаришлар таълим соҳасида давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва методологик асосларини яратди. Булардан энг муҳими – таълимнинг янги тизимига қўйилган ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда чет тилларни ўқитишда бола психологияси ва логопсихологиясини эътиборга олиш, шу жумладан, инглиз тилини ўқитишда логопсихология фанининг ўрнига эътибор қаратиш, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш ҳамда уларни бу нуқсонни енгиб чиқишда муваффақиятга етаклашдир. 2030 йилгача Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантириш концепциясида инклюзив таълим дастурлари етарли даражада ривожланмагани ҳамда мослаштирилган таълим дастурлари ишлаб чиқиш, ОТМ дастурларида инклюзив таълим бўйича ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, нутқ бузилишларидан бири, дислексия муаммоси бўлган болаларга ёрдам бериш ва дислексиядан халос қилишнинг асосий шартларидан бири, аввало, билим бериш асосида уларни психик ва патологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқитиш керак, фақат манбага йўналтирган ҳолда эмас. Бунинг мухим томони шундаки, ўқитувчи, аввало, ўзи дислексия билан боғлиқ қийинчилик турлари ҳақида тушунчага эга бўлиши керак ва боланинг шахсий қобилияти, ютуқлари, қийинчиликлари, кучли томонларини ўрганиб ва шу асосда стратегия ишлаб чиқилиши керак. Кучлилик ва қийинчилик ўртасидаги фарқ дислексия билан касалланган болаларда кескин фарқ қилиши мумкин. Шу сабабли дислексияли болаларни махсус мутахассисгина эмас, балки ҳар бир фан ўқитувчиси, айниқса, она тили, чет тили ўқитувчиси билим ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўқитса, анча муваффақиятга эришилади. Бунинг учун эса ўқитувчилар янги метод ва техникаларни кашф қилиш устида иш олиб бориши ҳамда бу каби муаммоларга объектив ёндашув ва илмий асосга эга бўлган тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сонли фармони, 07.02.2017.*
2. *Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тўғрисида ПФ-5712-сонли фармони, 29.04.2019.*
3. *Асқарова Н., Расулова З., Якубова Г. Болаларда диққат етишмаслиги ва гиперактивлик синдроми психодиагностикаси. Замонавий таълим, 2016. №11.*
4. *Аюпова М.Ю. Логопедия. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. – Т., 2007.*
5. *Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. – Т.: "Янги аср авлоди" нашриёти, 2007. 223-бет.*
6. *Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012.*
7. *Beaton A.A. Dyslexia, reading, and the brain: A sourcebook of psychological and biological research. Psychology Press, London, 2004.*
8. *Adair J. Nadeau S., Conway T Heilman K. Alteration of functional anatomy of reading induced by rehabilitation of an alexic patient. Neuropsychiatry, Neuropsychology, and Behavioral Neurology, London, 2000. 303-311.*
9. *Turner E., Pughe J. Dyslexia and English. London, David Fulton Publishers 2003.*

https://buxdu.uz

10. Reid G. Dyslexia and inclusion. Classroom approaches for assessment, learning and teaching. London, David Fulton Publishers. 2005.

11. Christo C., Davis J., Brock S.E. Identifying, Assessing, and Treating Dyslexia at school. New York, Springer, 2009.

УДК: 81:373

МАТН ПРАГМАТИК МАЗМУНИ ШАКЛЛАНИШИДА ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ

МЕСТО ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В ФОРМИРОВАНИИ ПРАГМАТИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ ТЕКСТА

PLACE OF LINGUISTC UNITS IN THE FORMATION OF PRAGMATICAL CONTENT OF THE TEXT

Даниева Майсара Джамаловна

Қашқадарё ВХТХҚТМОҲМ тил ва адабиёт кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. *Ушбу мақолада сўз бирикмаларининг семантик-функционал, деривацион хусусиятлари ҳосил бўлишининг концептуал асосини аниқлаш ҳамда ушбу хусусиятларнинг шаклланиши бирикмаларнинг матн тузилишидаги иштироки билан боғлиқ эканлигини ўрганиш хусусида фикр юритилади. Шунингдек, сўз бирикмаларининг матн шакллантириш хусусиятларини ўрганиш натижасида уларнинг матн когерентлиги ва коммуникатив-прагматик мазмун ифодасидаги ўрни билан боғлиқ бир қатор муаммолар аниқланган.*

Таянч сўзлар: *сўз бирикмаси, лисоний бирлик, матн таркиби, мазмун, прагматик ва эстетик қиймат, семантик хусусият, ассоциатив майдон.*

Аннотация. *В данной статье обсуждается определение концептуальной основы формирования семантико-функциональных, деривационных свойств словосочетаний и исследование того, связано ли формирование этих свойств с участием соединений в структуре текста. Также изучение текстообразующих особенностей словосочетаний выявило ряд проблем, связанных с их согласованностью текста и их ролью в выражении коммуникативно-прагматического содержания.*

Ключевые слова: *словосочетание, языковое единство, функция, текстовое содержание, контент, прагматическая и эстетическая ценность, семантическое свойство, ассоциативное поле, объективный.*

Abstact. *This article discusses the definition of the conceptual basis for the formation of semantic-functional, derivational properties of word combinations and the study of whether the formation of these properties is associated with the participation of compounds in the text structure. Also, the study of text-forming features of word combinations revealed a number of problems related to their text coherence and their role in the expression of communicative-pragmatic content.*

Key words*: phrases, linguistic unit, function, text content, content, pragmatic and aesthetic value, semantic property, associative field, objective.*

Кириш. Жаҳон тилшунослигида сўз бирикмаси ҳодисасига оид муаммолар узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилининг тизими, мулоқот қоидаларини илмий ва амалий тадқиқ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, замонавий тилшунослик учун лисоний ҳодисаларни синтетик ёндашув асосида, уларнинг кўпжиҳатли хусусиятларини тизимли равишда, нутқий мулоқот шароитида бевосита ва билвосита намоён бўлишини таъминловчи асосий омилларини инобатга олган ҳолда тадқиқ қилиш амалиёти кенг ўрин эгалламоқда.

Тил бирликларининг бундай кўпқамровли ўрганилиши уларнинг туб моҳиятини батафсил аниқлаш билан бир қаторда, ҳар бир ҳодисанинг алоҳида жиҳатлари, тизимда тутган ўзига хос ўрнини белгилаш имконини беради. Сўз бирикмасининг табиати, унинг

https://buxdu.uz

лисоний мақоми, ҳатто ушбу терминнинг ўзи ҳақида билдирилган фикрлар турли-туман, баъзан ўта зиддиятли бўлганлиги сабабли ҳозиргача сўз бирикмаси назарияси яхлит ва тугал кўриниш олиш имконига эга эмас. Воқеликда кечаётган ҳодисаларни лисоний номлаш, уларни коммуникатив воқелантиришнинг асосий воситаларидан бири бўлган сўз бирикмаларининг матн прагматик мазмунини шакллантиришдаги аҳамияти ва деривацион семантик хусусиятларини уларнинг муайян матн мулоқот муҳити доирасида фаоллашадиган вазифалари, мазмун ифодалаш ва ахборот етказиш борасидаги имкониятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим.

Асосий қисм. Сўз бирикмаларига ҳам ҳар қандай лисоний бирлик сингари эстетик-прагматик таъсир этиш функцияси хос бўлиб, ушбу функционал имконият, асосан, уларнинг матн таркибида қўлланиш шароитида намоён бўлади. Маълумки, прагматик ва эстетик қийматга эга бўлиш тил бирликлари табиатига хос, чунки бу бирликларнинг семантик тузилиши турли маъно компонентларининг ўзаро муносабати асосида шаклланади. Умумий ва алоҳида сифатларнинг ўзаро алоқаси замирида юзага келадиган эстетик мазмун тил бирлиги мундарижасининг ажралмас қисмидир.

Тил бирликларининг семантик, вазифавий хусусиятларини ёритишда эстетик маъно компонентини ажратиш муҳимлигини биринчилардан бўлиб, Ш.Балли сезган эди. Унинг сўз маъно бўлаклари умумий тавсифи ҳақидаги фикрлари кейинчалик “эстетик маъно” тушунчасининг оммавийлашувига сабаб бўлди. Олимнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир сўз ўз ассоциатив майдонига эга ва унинг бу майдондаги ҳамкорлари “узоқ ёки яқин” бўлиши мумкин [5:151]. Ш.Баллининг семантик структура тузилишида ассоциатив алоқалар муҳимлигини таъкидлаши тил бирликларининг матнда бажарадиган эстетик вазифасини алоҳида хусусият сифатида таърифлашга имкон беради.

Тил бирликларининг прагматик қиймати тилнинг функционал моҳиятини белгиловчи ҳодисалардан бири сифатида объектив мавжуд бўлган воқеликдир. Шунга нисбатан эстетик қиймат тил бирликларининг мазмун тузилишида аниқ ўрин эгаллайдиган семантик воқелик, алоҳида семантик-прагматик категория кўринишида талқин қилинишга лойиқдир. Унинг ўзига хослиги матннинг умумий ғоясига мослашуви, бадиий коммуникация талабларига жавоб бериши ҳамда айни пайтда, тил тизимининг парадигматик, синтагматик ва деривацион қонуниятларига итоат этишига боғлиқ.

Тил бирликлари тизимида муқим ўрин эгаллайдиган сўз бирикмалари ҳам, ҳар қандай бошқа турдаги номинатив бирликлар каби, эстетик қийматга эга. Ушбу тадқиқотимизда, биз, етакчи семасиологларнинг фикрларига эргашган ҳолда, эстетик маънони сўз бирикмалари семантик структурасини бойитадиган ҳамда матн таркибида фаоллашадиган мазмуний ҳодисалар қаторига киритамиз. Бундай ёндашув, тадқиқотчиларни сўз бирикмаси маъносини маълум контекстларда вариантлашув қобилиятига эга бўлган, денотатив ҳамда коннотатив бўлаклар уйғунлигида шаклланадиган ҳодиса сифатида қарашга ундайди [7: 27].

М.В.Никитин махсус гуруҳга ажратган ва “ноимпликацион бирикмалар”, деб атаётган *loud noons, dreamy horses, sad joy, harmonious madness, living death, blue sound* каби тузилмалар семантик моҳиятини матн таҳлили кесимида қараш муҳимлигини И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин сингари машҳур услубшунослар ҳам қайд этишган [4; 6: 267-290]. Бизнинг вазифамиз ушбу турдаги бирикмалар таркибидаги қисмлар маъноларининг бирикуви натижасида ассоциатив алоқалар доирасининг кенгайиши, семантик ифода имкониятларининг ўсишига қандай эришиш мумкинлигини кўрсатиб беришдир. Фикримизча, семантик имкониятларнинг бу йўсинда кенгайиши ушбу турдаги бирикмалар эстетик функциясининг бадиий матн мазмунини бойитишга қўшадиган ҳиссасини аниқлашга шароит яратади.

Бадиий асар тили илмий адабиётлар тилидан тубдан фарқ қилади. Илмий тил бирор-бир соҳага оид тушунча, концептларнинг мантиқий муносабатлари, уларнинг воқеликдаги предмет-ҳодисалар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш йўли билан оламнинг лисоний қиёфасини тасвирлайди ҳамда шу йўсинда илмий билим ҳосил қилишга кўмаклашади. Бу

https://buxdu.uz

жанрдаги матнларда маънолар бирикиши қатъий назоратда когнитив андозалар ва лисоний ифода воситалари камдан-кам ўзгаради.

Бадиий тафаккур ва нутқ бажарадиган вазифалар мураккаброқ, зеро, бу фаолият жараёнида когнитив ахборотни адресатга етказиш билан биргаликда, унда хабар моҳиятига нисбатан субъектив-эмоционал муносабат уйғотиш вазифаси қўйилади. Бадиий асар муаллиф бу мақсадга эришиш учун тил тизимида мавжуд бўлган воситалар захирасига мурожаат қилади, лекин баъзан бу захира унинг эҳтиёжини тўлиқ қондирмай қолади. Тизимда муаллиф интенциясига жавоб берадиган бирлик мавжуд бўлмаслиги ёки бори ҳам мўлжалдаги прагматик самарага етишишга қодир бўлмаслиги мумкин.

Бундай ноқулайликни бартараф этиш йўлини қидираётган муаллиф тил бирликларини иккиламчи, кўчма маъноларда қўллашга мажбур. Когнитив ва субъектив баҳо – ахборотни ягона лисоний шакл доирасига бирлаштириш усулида юзага келтирилаётган бундай номинатив бирикма муаллиф идиолектининг, унинг индивидуал лисоний тафаккур фаолияти ҳосиласидир. Аммо бундай бирликлар ўз-ўзича, тартибсиз пайдо бўлмайди, уларда ифода шакли меъёрлари бузилиши мумкин, концептларнинг мантиқий мослашуви қоидаси эса ўз кучини йўқотмайди. Бирикмалар компонентлари ўртасидаги мазмуний номутаносиблик маълум контекстда ўз кучини йўқотади ва аксинча, у коммуникатив-прагматик мазмун ифодасининг фаол воситасига айланади.

Тавсифланган усулда сўз бирикмаларини шакллантириш бадиий ижоднинг маҳсулдор омилларидан бирига айланиб улгурган. Номутаносиб десигнатларнинг контекстдаги мослашуви бадиий ифода учун заруратга айланиб бормоқда ва бу ҳодиса тил табиатига хос қонуниятларнинг бузилиши эмас, аксинча, уларнинг фаоллиги, ҳаракатланувчанлиги намунаси сифатида қаралгани маъқул. Олам идроки жараёнида инсоннинг тажриба, билим сарҳадлари кенгайиб боргани сари унинг лисоний фаолиятида ҳам инновацион характердаги ўзгаришлар юзага келиши муқаррар. Шунингдек, яқинда Ш.Сафаров таъкидлаганидек, “инсонлар концептуал фаолияти қандайдир муҳимлиги ва бир бутунлиги таъминланган тизимдан иборат эмас.

Бизга воқелик ҳақидаги билимимиз ва тажрибамизни турлича идрок этиш, умумлаштириш ва англаш қобилиятини Яратганнинг ўзи ато этган” [8:32]. Номутаносиб маънолар мослашуви йўли билан ҳосил бўладиган бирикмалар, табиий тил қонуниятлари зид эмаслигининг исботини ушбу бирикмаларнинг бадиий матнларда кенг кўламда қўлланиб келинаётган ва бадиий мазмун ифодасининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилаётганида кузатамиз.

Таҳлил учун биз инглиз адиби Дилан Томаснинг “On No Work of Words” шеърини танладик [1:56]. Маълумки, ушбу шоир яратган асарлар мазмун ва структура тузилиши жиҳатидан мураккаб матнлар намунаси бўлиб, уларнинг синтаксиси эркин қурилишга эга, ўзига хос тузилмаларга бой. Буларнинг барчаси ушбу матнларни стилистик-прагматик ва эстетик функция фаоллашуви нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун қулай объект эканлигидан дарак беради. Аммо танланган шеър матнининг нозик жиҳатларини тўлиғича таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Қуйида муаллифнинг танланган асарлар тўпламидан олинган шеърнинг матнини тўлиқ келтирамиз:

On No Work of Words

On no work of words now for three lean months in the bloody
Belly of the rich year and the big purse of my body
I bitterly take the task of my poverty and craft.
To take to give is all, return what is hungrily given
Puffing the pounds of manna up through the dew to heaven
The lovely gift of the gab bangs back on a blind shaft.
To lift to leave from the treasures of man is pleasing death
That will rake at last all currencies of the marked breath
And count the taken, forsaken mysteries in a bad dark.
To surrender now is to pay the expensive ogre twice.

https://buxdu.uz

Ancient woods of my blood, dash down to the nut of the seas
I take to burn or return this world which is each man's work.

Thomas Dylan

Шеър мазмунининг баёнини кузатиш жараёнида унда жамланган мавзуларнинг лисоний ифода воситаларини аниқлаш ҳамда ушбу воситаларнинг эстетик қиймати кўламини белгилаш мумкин бўлади.

Контекстдан алоҳида олинган *lean months* ва *rich year* бирикмалари, одатдагидек, оддий идрок қилинади, лекин таҳлил қилинаётган матнда улар қўшимча мазмун олади, эстетик маъно ифодалайди. Уларнинг эстетик қийматини белгиловчи прагматик маънонинг туғилиши ҳамда ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиши, компонентларидан бирининг (*lean, rich*) сўз бирикмаси таркибида иккиламчи маънога эга бўлиши, иккинчи бўлакнинг эса (*months, year*) туб маъноларини сақлаб қолиши билан изоҳланади.

Сўз бирикмаларининг шеър матнида қўлланишида ҳосил бўладиган прагматик самара – эстетик таъсир улар таркибидаги сифатловчи бўлаклар туб маъносининг пресуппозиция кўринишида мавжуд бўлиб қолиши натижасидир [2: 623, 952]: *lean* сўзининг туб маъноси – *very thin, not fat;* кўчирма маъноси – *not productive; rich* сўзининг луғавий маъноси – *costly, valuable*; матнда ифодалаётган маъноси – *productive.*

Шеър матнидаги *lean months* ва *rich year* бирикмалари семантик таркибида фаоллашган кўчма ва туб маънолар ўртасидаги рақобат муаллифнинг тушкун ҳолатини таъкидловчи кўрсаткичга айланмоқда ва ушбу бирикмалар шеърнинг мавзусини яратувчи воситалардир.

Шоирнинг бу ҳолатдан қандай чиқиб кетиш иложини топиш усулларидан бири – аллақачон синаб кўрилган йўлни танлаш, яъни "ўтмишдошлар мероси"дан (*treasures of man*) илҳом олиш. Ҳатто, бундай имкониятнинг мавжудлигини англатувчи феъллар ҳам шоирнинг бу усулга бўлган салбий муносабатига ишора қилади: луғавий маъноси *to raise to a higher (another) level* бўлган [2: 633] *to lift* феъли матнда *to steal, to count* маъноларини олади (бу маънолар шоирнинг сехрли меҳнатини оддий хатти-ҳаракат даражасига тушириб қўяди).

Ниҳоят, муаллифнинг бу йўлни танлаш ҳақидаги салбий фикри матнда *pleasing death* сўз бирикмаси қўлланишида намоён бўлади. Бу сўз бирикмаси ташқи кўриниши, синтактик қурилиши жиҳатидан юқоридаги сўз бирикмаларига ўхшаб кетади, аммо оксюморон моҳиятига эга бўлган ушбу бирикма семантик структурасида мантиқий мослашув меъёрининг бузилиши бошқача кўриниш олади. Аниқроғи, бўлаклар лексик маънолари номутаносиблигининг таъсир имкониятлари бу бўлаклар ўрнида келаётган сўзларнинг фақат "ички шаклида", яъни тагмаъносида сақланган.

Шеър матнида сўз бирикмаси бўлаклари лексик маъноси хусусиятлари (семалари) қарама-қаршилигини бартараф қилиш муҳити яратилади ва натижада death бўлагининг маъносида ўзгариш юзага келади ҳамда *pleasing death* бирикмасининг семантик структураси бошқача кўриниш олади. Маълумки, *death* концепти маънавий, руҳий фаолият майдонига оид ва биз таҳлил қилаётган контекстда шоир ижодий фаолиятининг бўлажак ҳалокатидан дарак беради. Шунинг учун ҳам у бу йўлни танлай олмайди.

Шу йўсинда номувофиқ маъноларни мослаштираётган *pleasing death* сўз бирикмаси бу матнда мазмунан бойийди ҳамда шу мазмун замирида ушбу бирикма шеърнинг марказий мавзуларидан бири бўлган шоир томонидан қийин бўлса ҳам, аммо самараси яхши бўлган мустақил ижод йўлининг танланиши мавзусини белгиловчи лисоний бирликка айланади.

Худди шу мавзуни яратувчи лисоний белгилардан яна бири *bad dark* сўз бирикмаси. Ушбу бирикманинг шеър матнида юзага келаётган семантик структурасида бош бўлак – *dark* оти ўзининг туб луғавий маъноси(absence of light – 2: 279)ни сақлаб қолган ҳолда, *ignorance* маъносини олмоқда. *Bad* ва *ignorance* маъноларининг бир қаторга қўйилиши муаллиф томонидан "нодонлик" тушунчасининг ўзига хос идрок этилаётганидан гувоҳлик беради: бир томондан ушбу тушунча мустақил изланишнинг "яхши, софдил нодонлик" эканлигига ишора қилса, бошқа томондан, у бошқаларга кўр-кўрона эргашишнинг "ёмон, ножўя нодонлик" эканлигини кўрсатади.

https://buxdu.uz

Ижодий фаолиятда мустақил, тинимсиз изланишдан воз кечиш ҳалокатли йўл эканлигига ишонган шоир шеърни қуйидаги сўзлар билан якунлайди: *...the world which is each man's work*. Бу жумла муаллифнинг оламга нисбатан ўз муносабатини баён қилишидир.

Сўз бирикмалари эстетик функциясининг бевосита воқеланиши самарасини яна бир ҳолатда кузатамиз. Юқорида келтирилган якунловчи жумланинг эмоционал таъсири ва экспрессивлик даражаси матнда яна бир тил бирлиги – *ancient woods of my blood* бирикмасининг қўлланиши билан оша боради. Бу бирикма воситасида шоир ўзининг ўтмишдаги аждодлари ҳам доимо мустақил меҳнат, ижод йўлидан борганликларига ишора қилмоқда. Шу кўринишдаги номутаносиб семантик бирикувларнинг экспрессив самараси, айниқса, поэтик асарларда юқори бўлишини таърифлаган М.В.Никитиннинг қайдича, "поэзияда мазмун танлови – поэтик матнда маънолар бирикуви (муносабати) мантиқий нормаларининг бузилишидир" [7: 81].

Агар биз олим таклиф қилган таҳлил методидан фойдаланиб, юқоридаги сўз бирикмасининг мазмун бўлакларини мантиқий норма асосида жойлаштирсак, унда бу бирикма *woods of my ancient blood* кўринишини олган бўлар эди. Нарсалар ва уларнинг хусусиятларини аташ учун М.В.Никитин **N** символидан фойдаланишни тавсия қилган, унда биз қайта танлаган бирикма N_1 (*woods*) – N_2 (*ancient*) – N_3 (*blood*) кўринишига эга ва бу бирикманинг мантиқий давомийлиги қуйидагича бўлиши керак: N_1 (N_2 N_3). Аммо матндаги *ancient woods of my blood* бирикмаси қисмларининг семантик мослашуви бошқача: N_2 (N_1 N_3), чунки N_3 бўлаги (*blood*) синтактик жиҳатдан N_1 (*woods*)га тобедир, N_2 (*ancient*) эса N_1 ва N_3 ўртасидаги муносабатларни изоҳловчи элемент вазифасини ўтайди.

Юқорида келтирилган мантиқий-семантик андозада тузилган сўз бирикмаларининг поэтик услубдаги нутқда кенг қўлланиши ушбу услуб семантик нормаларнинг эркинлашувига кенг йўл очиб бераётганлигидан воқиф этишини таъкидлаётган М.В.Никитин бундай сўз бирикмалар узуал хусусиятга ҳам эга бўлишини ва улар нутқий фаолият тизимининг бошқа соҳаларида ҳам учрашини уқтиради [7: 82]. Масалан, *mad house, dead list, retired list, stone age* каби сўз бирикмалар мазмуни барчага таниш ҳамда қўлланиш кўлами кенг.

Бу турдаги сўз бирикмаларининг турли матнларда қўлланиш хусусиятлари семантик-прагматик таҳлили асосида уларнинг у ёки бу матн экспрессив, прагматик таъсир доирасининг кенгайиш даражасини аниқлаш имконияти туғилади. Ишонамизки, шу мундарижадаги экспрессив функция барча турдаги сўз бирикмаларига маълум даражада хосдир. Семантик жиҳатдан номувофиқ лексемаларнинг сўз бирикмаларини ҳосил қилиши турли стилистик мақсадларни кўзлайди. Бу турдаги сўз бирикмаларнинг стилистик мақсадда қўлланишини: – *It was not the depression of failure, but the depression of success* гапи мисолида кузатган И.С.Азнаурова бундай бирикишнинг эстетик-эмоционал таъсири кучли эканлигини қайд этади [3:65].

Хулоса. Мақолада матн прагматик мазмунини шакллантиришда сўз бирикмаларининг аҳамияти масалалари таҳлилга тортилган бўлиб, бу борада изланишлар олиб борган тилшунос олимлар назарияларига таянилди. Жумладан, тил бирликларининг семантик, вазифавий хусусиятларини ёритишда эстетик маъно компонентини ажратиш муҳимлигини биринчилардан бўлиб сезган Ш.Баллининг сўз маъно бўлаклари умумий тавсифи ҳақидаги фикрлари кейинчалик "эстетик маъно" тушунчасининг оммавийлашувига сабаб бўлди. М.В.Никитин томонидан махсус гуруҳга ажратилган ва "ноимпликацион бирикмалар" деб аталган тузилмалар семантик моҳиятини матн таҳлили кесимида қараш муҳимлигини И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин сингари машҳур услубшунослар ҳам қайд этганлар.

Айниқса, Ш.Сафаров таъкидлаганидек, "инсонлар концептуал фаолияти қандайдир муҳимлиги ва бир бутунлиги таъминланган тизимдан иборат эмас. Бизга воқелик ҳақидаги билимимиз ва тажрибамизни турлича идрок этиш, умумлаштириш ва англаш қобилиятини Яратганнинг ўзи ато этган". Номутаносиб маънолар мослашуви йўли билан ҳосил бўладиган бирикмалар, табиий тил қонуниятлари зид эмаслигининг исботини ушбу бирикмаларнинг бадиий матнларда кенг кўламда қўлланиб келинаётган ва бадиий мазмун ифодасининг

https://buxdu.uz

эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилаётганида кузатамиз. Шунингдек, тил бирликларининг семантик, вазифавий хусусиятларини ёритишда машҳур инглиз шоири Д.Томас шеърига мурожаат қилинди ва илмий асослаб берилди.

Мақолада сўз бирикмаларининг матн шакллантириш хусусиятларини ўрганиш натижасида уларнинг матн когерентлиги ва коммуникатив-прагматик мазмун ифодасидаги ўрни аниқланган.

Тадқиқ жараёнида биз инглиз тили отли сўз бирикмаси семантик структураси шаклланишининг когнитив асоси ҳамда матн коммуникатив-прагматик мазмуни ифодасидаги иштироки билан боғлиқ бир қатор муаммоларни таҳлил этиш орқали: сўз бирикмаси матн шакллантирувчи воситалардан бири бўлиб, у мулоқот жараёнида дискурсив ҳодиса мақомини олади; сўз бирикмасининг дискурсив қиймати унинг матн категориал белгиларининг қай бирлари билан мослашуви ҳамда матн ҳудудида бошқа лисоний бирликлар билан боғланиш даражасига кўра белгиланади; сўз бирикмасининг яратувчанлик хусусиятларидан бири унинг матн когезияси, унинг қисмлари ўртасидаги структура ва мазмуний боғланишни таъминловчи восита хизматини ўташида кўринади; сўз бирикмаларининг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишига қўшадиган ҳиссаси уларнинг эстетик функцияси воқеланишида аниқ намоён бўлади; матндаги терс маъноли сўзлар бирикишидан ҳосил бўладиган бирикмаларнинг экспрессивликни ифодалаш имконияти бошқаларига нисбатан кенгроқдир деган хулосаларга эга бўлдик.

АДАБИЁТЛАР

1. *Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Т.: Фан, 1988. – 121 с.*
2. *Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Стилистика декодирования.3 изд. – М.: Просвещение, 1990. – 301 с.*
3. *Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – 416 с.*
4. *Гальперин И.Р. О принципах семантического анализа стилистически маркированных отрезков текста. В книге: Принципы и методы семантических исследований. – М.: Наука, 1976. С. 267-290.*
5. *Никитин М.В. Лексическое значение в слове и словосочетании. – Владимир, 1974. – 222 с.*
6. *Сафаров Ш. О двойном управлении древнеанглийских глаголов. // Лингвистические исследования. – М., 1975. С. 263-280.*
7. *Dylan Thomas. Collected Poems. – London, 1993. – 94 p.*
8. *Longman Dictionary of Contemporary English. – Harlow-Essex: Longman Group, 2002. – 1303 p.*

УДК: 8. 4194375

ЛИСОНИЙ ВА ГРАММАТИК БИРЛИКЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ (ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИ МИСОЛИДА)

СОЦИОПРАГМАТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЯЗЫКОВОГО И ГРАММАТИЧЕСКОГО ЕДИНИЦ (На примере кино рассказов Эркина Аъзама)

SOCIOPRAGMATIC PROPERTIES OF LANGUAGE AND GRAMMATIC UNITS (On the example of a movie story by Erkin Azam)

Холмуродова Мехринисо Иброхимовна
Миллий рақс ва хореография олий мактаби доценти

Аннотация. *Ушбу мақолада Эркин Аъзам киноқиссаларидаги сўзларнинг маъно қирралари социолингвистик аҳамиятига эга эканлигига диққат қаратилган. Нутқ вазияти билан боғлиқ вариантлар, инвариант структурасидаги мавжуд маънолар лексик бирликларнинг бадиий-прагматик (яширин) маъно касб этиши киноқиссаларидаги персонажлар нутқида исботланган. Морфологик воситалар ёрдамида эъзоз, ўкинч, ачиниш, илтижо, киноя, кесатиқ, илтимос, ялиниш, суйиш, ардоқлаш, поэтик таъкид, пичинг, камситиш сингари маъно ифодалари адиб томонидан яратилганлиги аниқланган.*

Таянч сўзлар: *бадиий тил воситаси, киноқисса, киноя, импликатив (яширин) мазмун, грамматик маъно, прагматик маъно, экспрессив-эмоционал маъно, субъектив муносабат.*

https://buxdu.uz

Аннотация. *Эта статья посвящена социолингвистической значимости семантических аспектов слов в кино рассказах Эркина Аъзама. Варианты, связанные с речевой ситуацией, существующими значениями в инвариантной структуре, были доказаны в речи персонажей кинематографических рассказов о том, что лексические единицы приобретают художественно-прагматический (скрытый) смысл. Используя морфологические средства, определено, что писатель создал выражения смысла, такие как уважение, сожаление, жалость, мольба, ирония, намеки, просьба, любовь, уважение, поэтический акцент, насмешка, принижение.*

Ключевые слова: *инструмент литературного языка, сюжет фильма, сатира, импликативное (скрытое) содержание, грамматическое значение, прагматическое значение, выразительно-эмоциональное значение, субъективное отношение.*

Abstract. *This article is devoted to the sociolinguistic significance of the semantic aspects of words in cinema stories by Erkin Azam. Variants associated with the speech situation, existing meanings in the invariant structure, were proved in the speech of the characters of cinematic stories that lexical units acquire an artistic-pragmatic (hidden) meaning. Using morphological means, it was determined that the writer created expressions of meaning, such as respect, regret, pitiness, supplication, irony, please, love, respect, poetic accent, allusion, discrimination.*

Key words: *instrument of literary language, plot of a film, satire, implicative (hidden) content, grammatical meaning, pragmatic meaning, expressive-emotional meaning, subjective attitude.*

Нутқий мулоқот кўп қирралидир. Унинг бир қирраси психолингвистик, яна бир қиррасини социолингвистик, бошқа бир қирраси эса прагматик хусусиятлар билан боғлиқдир. Нутқда сўзларнинг тескари маъносида қўллаш орқали нутқнинг прагматик хусусиятини намоён этади. Нутқнинг маълум бир мақсадни йўналтиришга ҳизмат қилувчи, салбий субъектив муносабат ифодаловчи шундай воситалари борки, у инсоннинг ҳис этиш, идрок этиш қобилияти ҳамда руҳий харакатлар билан уйғунликда намоён бўлади. Демак, эмоция ёки ҳиссий туйғуларнинг лисоний воқеланиши кинояда ўз ифодасини топади.

Киноя ёзувчининг индивидуал услубини белгилашда муҳим ўрин тутса, ушбу тасвирий восита тилшунослик аспектида шахс ёки сўзловчининг тил белгиларига муносабатини ўрганувчи прагматик омил сифатида қарайди. Бу ҳақида М.Ҳакимов ўзининг тадқиқот ишида шундай ёзади: «киноя ва унинг кўринишларини тўғридан-тўғри олиб, уни прагматика соҳаси билан боғламай туриб, ундаги яширин мазмун кўринишларини аниқламай туриб, у ҳақда фикр юритиб бўлмайди»[12].

Эркин Аъзам киноқиссаларида қўлланган лисоний бирликларни лингвистик прагматиканинг импликатив (яширин) мазмун турларидан бири бўлган тагмаъно кўринишларидан бири сифатида талқин этиш мумкин. Ёзувчи асарларида киноя кўпроқ қаҳрамон тилидан берилган. Бунда субъект нутқий мулоқот вазиятида, асосан, баландроқ ижтимоий мавқеда туради, нутқий фаолият давомида унинг интеллектуал ва эмоционал устунлиги аён бўлади. Кўринадики, киноя субъекти нутқидаги мулоқот ва этик қоидаларга риоя қилган ҳолда тил тизимининг ифода воситаларидан фойдалана олиш адибнинг маҳоратига боғлиқ.

Эркин Аъзам насрида “Пакананинг ошиқ кўнгли” киноқиссаси алоҳида ажралиб туради. Киноқиссада дунё тарихида босқинчилиги ва зулмкорлиги билан ном қозонган Ленин, Сталин, Гитлер кабиларнинг паканалигига ишора қилиш орқали пародия даражасига олиб чиқилган. Унда Ленин, Сталин, Гитлер каби тарихий шахсларнинг прототипи шартли қилиб олинган ҳамда уларнинг паканалиги бўрттириб кўрсатилган. Пародиянинг асосий хусусиятларидан бири воқеа-ҳодисани бўртириб кўрсатишдир. Чунончи: “...Шахсан ўртоқ Сталинни даволаган (қизиқ, нимасини даволаган экан – қоқшол қўлиними, бужур бетиними, пакана бўйиними ё бедаво миясиними?) табиби калоннинг амри (таржима орқали, албатта) билан бемор, яъни Пакана шу ернинг ўзида, йўлакда қип-яланғоч бўлиб ечинади”[1] ёки

https://buxdu.uz

“дафъатан миясига бир фикр урилади: не-не зотларни таъмирлаган бу мўъжизакорнинг ўзи пакана, собиқ Паканадан ҳам пакана-ку!”[2].

Кўриб турганингиздек, асар киноя, пародия, парадокс, халқона сўз ва иборалар, қочиримларга жуда бой. Асарда пародиянинг тарихий шахс ва адабий қаҳрамонларга хос пародия тури учрайди. “Пакананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида собиқ “доҳий”ларнинг паканалиги пародия қилинган бўлса, “Гули-гули”да эса “доҳий”нинг каллигини пародия остига олган. Бунда ўша даврнинг раҳбари Н.Хрушчевга ишора қилинганлиги яққол сезилиб туради. Асарда мустабид тузумнинг носоғлом муҳити, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг сохталашиб кетаётганлиги, ёмон иллатларнинг тобора авж олиб бораётганлиги киноявий тарзда лисоний бирликларда акс эттирилади. Ушбу асарни адибнинг ижодидаги киноявий услубнинг энг ёрқин намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Тадқиқотчи М.Қўчқоровнинг таъкидлашича, “адиб томонидан ўйлаб топилган “ўтмиш сарқити – каллик”, “калликка маҳкум этилганлар”, “калхона”, “собиқ каллар”, “катта ёшли каллар”, “катта каллар”, “каллик иллати”, “кал подшо”, “Мўмин кал” каби лисоний бирликлар узлуксиз ҳалқа мисоли бир-бирига уланиб, қиссада рамзий-ҳалқали-киноявий образлиликни вужудга келтирган”. Умуман, асардаги рамзийлик, киноявийлик остида жамиятнинг, миллатнинг кечаги кунига оид аччиқ ҳақиқатлар тасвирланган.

Эркин Аъзам киноқиссаларида киноя шаклидаги лисоний бирликлар ижтимоий-маънавий мазмунга эга образли ва таъсирчан бадиий тил воситаларидан бири сифатида қўлланилади. Ёзувчининг ўзига хос услуби борки, у киноявий тасвир воситалари орқали фикрни вульгар, қўпол шаклда эмас, балки бирмунча силлиқ, маданий либос кийдирилган ҳолда баён этади. Адиб киноқиссаларида мазкур восита орқали заҳархандалик, пичинг, аччиқ кулги ва ҳатто аламли туйғулар маълум бир ўзига хос кўринишда акс эттирилади. Масалан, “Пакананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасидаги: “*Кейин... озгина можаро бўлди – номига, оқибати – шаҳарда кичкина, қишлоқда кичкина тўй бўлди. Кейин тўнғич қизлари туғилди. Ширингина, талпинчоқ. Кейин – яна, яна. Хуллас, бир вақтлар* ***нодон*** *қиз башорат қилмиш – ишқилиб, бахтли бўлсак бўлди”,* – парчада Пакананинг хотинига нисбатан – нодон салбий мазмун ифодаловчи киноя прогрессив ҳолда амалга оширилган.

Киноқисса якунида Пакананинг ўтмиши, ҳаёт чизгилари кўздан кечирилиши натижасида унга берилган салбий сифатларнинг акс маънода киноя усули билан қўлланганлиги маълум бўлади ҳамда китобхон онгда бу ҳолат регрессив ҳаракат қила бошлайди. Бунда китобхон кўз ўнгида борига қаноат қилиб, уч фарзанднинг келажагини ўйлаган ҳақиқий – ақлли ўзбек аёли қиёфаси реаллашади.

Ёзувчининг юмористик характердаги киноқиссаларида кўпроқ лингвистик бирликлар ассоциатив усулда фойдаланган. Масалан, “Пакананинг ошиқ кўнгли” каби киноқисса номини билдирган сўзларнинг киноявий мазмун касб этгани ёзувчи услубининг ўзига хослигини яққол кўрсатган. Библионим сифатида келтирилган бу киноя орқали персонажларнинг маънавий ҳамда жисмоний қиёфасига ишора қилинади. Айниқса, ёзувчининг “Пакананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида Пакананинг ташқи қиёфаси, кўринишига берилган таъриф киноя воситасида ниҳоятда оригинал тасвирланган: *Ҳамма бало шундаки, у ўзи ҳақида бошқача фикрда эди. Ўзини барвастаю басавлат деб билмаса-да, ҳарқалай, ҳийлагина улуғвор ҳисобларди (кўнглида, албатта). Юрганда жуссасига яраша пилдирабгина юрмай, салмоқ билан, бутини йиртгудек йирик-йирик қадам ташлар, гапирганда маврид-бемаврид сўлиш олиб, салмоқ билан таъсирчанликка интилибми ёки диққатни тортиш учунми худди махфий бир синоатни очаёгандай пичирлаб гапирар эди.* Ёзувчининг бундай маҳорати қисса экспозициясидаёқ киноявий усулдан фойдаланиши унинг юмористик асарлар яратишда мазкур воситадан унумли ва ўринли фойдаланганлигидадир.

Эркин Аъзам киноқиссаларида ўз қаҳрамонларининг феъл-атворидаги камчиликларни, маънавий-ахлоқий савиясининг қашшоқлигини, айни бир вақтда уларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш учун лексик бирликлар сифатида воқеланадиган вульгаризмлардан моҳирона фойдаланади. Улар нутқда салбий муносабатлар «кучли» ёки «кучсиз» даражада ифодалаш орқали прагматик маъно касб этади. Маълумки, «кучли» шаклда ифодаланувчи лексик

https://buxdu.uz

бирликларга ҳақорат ва қарғиш вульгаризмларини киритамиз. Эркин Аъзам киноқиссаларида ҳам қарғиш билан алоқадор сўзлар (яшамагур) билан бир қаторда кўплаб «қолип» ҳолига тушиб қолган иборалар учрайди. Масалан: *Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!* («Анойининг жайдари олмаси»). Дўстининг анойи – содда, гўл эканлигидан ор қилган қаҳрамон, доимо Рамазонни тергаб, ўзгалар сингари бўлишга ундайди. Бироқ Рамазон ишонувчан, соддалигининг ортидан муаммоларга ўралашиб юради. Терговга келган жўра эса биринчи сўроқдаёқ Рамазоннинг шаънига *лаънати, номард, чайқовчи* дея ҳақоратли сўзларни ёғдирадики, бу ҳатто терговчига малол келади. Ушбу вульгаризмлар персонажнинг характерини ёритиш билан бирга вазиятдаги руҳий ҳолатини ҳам ёрқин ифода этади.

Ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир мақсад асосида намоён бўлади. Сўзловчи нимадир ҳақидаги ўз муҳокамаларини баён қилиш ниятида тингловчини бирон-бир нарсага ишонтириш, маслаҳат бериш, ваъда бериш ёки таклиф этиш каби мақсадида фикр алмашади. Коммуникантнинг муносабати ва ҳолати – мазкур грамматик шаклнинг ўзига хос маънода қўлланишига сабаб бўлган асосий омил прагматик омилдир.

Грамматик маънонинг нутқий воқеланишини соф лисоний омиллар билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Грамматик маъно нутқий системада лисоний табиатли унсурларга тегишли ҳодиса сифатида қаралади. Унинг воқеланиш хусусиятлари лисоний ва нолисоний (шахсий, прагматик) унсурлар билан узвий алоқадорликда ўрганилади.

Адабиётларда [3,4,5,6,8,10,13,14] юклама ҳақидаги қуйидаги таърифлар учрайди: «Юкламалар айрим сўз ёки гапга турли маъно оттенкаси бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир» (Ш.Шоабдураҳмонов, 1957). «Юклама гап мазмунига ҳар хил қўшимча маъно киритиш, айрим гап бўлакларини кучайтириш учун хизмат қилади» (У.Турсунов, 1965). «Юкламалар ёрдамчи сўзлар разрядига тааллуқли бўлиб, айрим сўз ёки гап бўлакларидан бири билан ишлатилади ва фикрнинг баъзи модаллик хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади» (М.Содиқова, 1966). «Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно жилоси бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалардир» (Ш.Шоабдураҳмонов, 1975). «Айрим сўз, сўз бирикмаси ёки бутун гапга турли модал маъно қўшадиган, сўз ўзгариш хусусияти бўлмаган сўзлар юклама деб аталади» (С.Усмонов, 1978). «Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлар юклама дейилади» (Ш.Шоабдураҳмонов, 1980). «Юклама ҳар хил қўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қилади» (У.Турсунов, 1992). «Мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно берадиган ёрдамчилар юклама дейилади» (Она тили дарслиги. 6-7-синф. 1985, 1990, 1995). «Юкламалар сўзларга ёки гапга сўроқ, таъкид, кучайтириш, айириш, чегаралаш, ўхшатиш, қиёслаш каби қўшимча маънолар киритишга хизмат қилади» (Ҳ.Неъматов, 2000). «Мустақил сўз ёки гапга турли қўшимча маъно бериш ёки турли грамматик муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимча» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т., 465-б.). Юклама ҳақидаги таърифлар ҳар хил бўлса ҳам, аммо мақсадга мувофиқ деб охирги таърифни олса бўлади, негаки таърифда юкламаларнинг вазифаси ва ифодаси (сўз ё қўшимча) тўлиқ келтирилган.

Ш.Шоабдураҳмонов 1957 йилги нашрда -гина юкламаси ҳақида: «а) от, олмош, сон, -(и)б ли равишдош ва кўмакчилардан сўнг келиб, айириб кўрсатиш, чегаралаш маъносини англатади: ...шу кўчанигина «каменная» дейишади; б) ҳолат равишларидан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатади: Ширинтой салқинга ўтиб, саватни ерга оҳистагина қўйди; в) аниқ феъллардан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатиш мазмунини ва шу билан бирга деган маънони англатади: Салим ўқийдигина эмас, ўқитади ҳам. Эслатмалар: 1) -гина (-кина, -қина) сифатларга қўшилиб келганда, юклама ҳисобланмайди. Бундай чоқда уларни «субъектив баҳо» аффикси деб қарамоқ керак; 2) отларга қўшилиб келиб, эркалаш, кичрайтириш маъносини англатмоғи ҳам мумкин.

Бундай чоқда у урғу олади ва аффикс ҳисобланади. Ўзидан кейин эгалик ҳам қабул қилади: болагинам каби». Ш.Шоабдураҳмонов 1975, 1980 йилги нашрларда: «-гина юкламаси: а) мустақил сўзлар (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш ва айрим феъл формалари

https://buxdu.uz

ҳамда айрим кўмакчилар) билан, туфайли, учун ва ш.к.дан сўнг келиб, айириб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини билдиради: Сўнагул арзон бўлса ҳам, шинамгина паст пошнали бир туфли олиб кийди; в) предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб, предмет ёки ҳаракат белгисини айириб кўрсатиш билан бирга ўша белгида камликни, кучсизликни ҳам ифодалайди. Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона. Ўзи ҳам кўркамгина». Бу ўринда сифатлардаги шакл ясовчими? Юклама деб қаралмаяптими?

Негаки бошқа адабиётларда (1957 й., Ш.Шоабдураҳмонов.) сифатлардаги -гина юкламага киритилмаган-да! 1966 йилги нашрда М.Содиқова: «Сифатларга қўшилиб келган -гина юклама ҳисобланмайди, бундай чоқда уларни субъектив баҳо ифодаловчи аффикс деб қарамоқ керак. Одатда, юкламалар сўз таркибида ҳамма хилдаги аффикслардан кейин келади» деб сифатлардаги -гина шаклини юклама санамайди. 1965, 1992 йил нашрларда У.Турсунов ва Ж.Мухторовлар: «-гина юкламасини сифатларга, баъзан отларга қўшилиб, суйиш маъносини билдирувчи -гина аффикси билан аралаштирмаслик керак» деб -гинанинг омонимлигини уқтиради. Шу адабиётда равишларда шакл ясалиши ҳақида гапирилганда, -гина равишлардаги ҳаракат ва ҳолат белгисининг кучсизланганлигини, таъкидланганлигини англатади: Комила қошларини чимириб, ўртоғининг билагини секингина чимчилади. Отлардаги -гина шаклдан сўнг қўшимча қўшилса (болагинамни) модал шакл, -гинадан олдин қўшилса (боламнигина) бу юклама ҳисобланиши аён (С.Усмонов. Ўзбек тили, 1978, 150-б.), аммо сифат ва равишларга қўшилган формани фарқлаш анча қийин экан. А.Ҳожиев 1978 й. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали №5 сонидаги «-гина элементи форма ясовчи аффикс бўла оладими?» номли мақоласида адабиётлардаги бу мунозараларни давом эттириб, -гина элементи фақат юклама, у форма ясовчи эмас, деб хулоса чиқаради: «Биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида -гина элементи ифодалайдиган айириш (чегаралаш), таъкид ва субъектив баҳо маънолари ўртасида маълум боғланиш (алоқа) бор.

Бу нарса -гина элементи ҳозирги ўзбек тилида икки хил вазифадаги (юклама ва форма ясовчи аффикс бўлган) тил ҳодисаси деб қарашга имкон бермайди. Иккинчидан, -гина элементининг айириш (чегаралаш) маъноси билан унинг бошқа маънолари ўртасида алоқа бўлмаган (узилган) тақдирда ҳам, ҳозирги ўзбек тилидаги -гина ҳам юклама, ҳам форма ясовчи аффикс дейишга асосимиз йўқ. Чунки кўриб ўтганимиздек, -гина элементининг айириш (чегаралаш) маъносидан бошқа маъно, яъни субъектив муносабат ифодалаши барча сўз туркумлари доирасида умумий ҳолат. Демак, субъектив муносабат ифодаловчи восита сифатида ҳам -гина юкламадан бошқа нарса бўла олмайди [15].

-гина юкламаси ҳақида мунозарага Р.Икромова, М.А.Жўрабоева, И.Ҳамдамова, А.Абдуллаев, А.Ғуломовлар ҳам қўшилганлар. Бу муаллифлар -гина формасини аффикс юклама ва шакл ясовчи деб фарқлаганлар. А.Ғуломов юкламанинг урғусиз, форма ясовчи аффикснинг урғули бўлишини таъкидлайди.

Ш.Шаҳобиддинова “умумий грамматик маъно тил бирлигининг минглаб турли хил матнда юзага чиқадиган ва бевосита кузатишда берилган хусусий (нутқий) грамматик маъносининг умумий йиғиндиси бўлмай, хусусий грамматик маъно негизида ётган, унга нисбатан диалектик умумийлик вазифасини ўтайдиган маъно”[9] сифатида қайд этади. Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида унинг прагматик хусусиятлари намоён бўлади. Буни Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асари таҳлилга тортилганда кузатдик. Чунончи, -*гина* юкламаси 19 марта, -*ми* юкламаси 10 марта, -*чи* юкламаси 12 марта, -*ку* юкламаси 18 марта, -*а* юкламаси 2 марта, -*я* юкламаси 3 марта қўлланилган. Қуйида ушбу юкламаларнинг прагматик хусусиятлари таҳлилига тўхталамиз:

Эркалаш, суйиш, ардоқлаш каби маъно нозикликларини ифодалайдиган *–гина (-кина)* қўшимчасини олган сўз шакллари қуйидаги парчада алоҳида таъкид олиб, прагматик қиммат касб этган: – *Сенгинанинг жонгинангга тегишга! – дейди у ва баттар ғашингизни қўзғамоқчидек, белингиздан маҳкам кўтаради, айлантиради. – Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да* («Анойининг жайдари олмаси»).

- *гина* қўшимчасининг персонаж нутқида такрор қўлланиши эркалаш маъносининг, ижобий муносабатнинг даража сайин ортиб боришини кўрсатади. Бу эса персонаж руҳий

https://buxdu.uz

ҳолатининг ёрқин ифодасига хизмат қилади. *Сенгина* сўзида таъкид ва эркалаш маънолари уйғунлашган бўлса, *жонгинангга* сўзида эркалаш маъноси янада кучайган. Натижада персонажнинг ўша руҳий ҳолатдаги қиёфаси яққол акс этади. Қаҳрамоннинг жест ва мимикалари ушбу нутқни тўлдириб, поэтик такрор (*жўрамдан, жўражонимдан)* кучли ҳиссий таъсирни юзага келтирган. Умуман, ушбу ҳикояда шеърга хос лиризм, оҳангдошлик, айрича пафос мужассам. Унда қадрият, инсонийлик куйланганидек таассурот қолдиради.

Дона сон юклама олиб, чегаралаб, айириб, доналаб, камайтириб кўрсатиш маъносини ҳам ифодалайди:

- *Ўйлашимча, буни энди фақат икки киши – иккаламизгина тушунадиганга ўхшаймиз: сену мен”.....*

- *Беш ой давомида ундан учта хат келди. Аммо... учаласи ҳам биттагина сўздан иборат: “Чантриморэ!” Вассалом.*

Ушбу нутқда *-гина* юкламаси айириш-чегаралаш маъносини ифодаламоқда.

“Обрўйинг бузилади”, “тўкилади эмас, “бузилади”! Рамазоннинг гапи, Рамазонгина шундай дейиши мумкин!

Ана сизга – Ра-ма-зо-он!

Бу юкламалар айрим нарса ва ҳодисаларни бошқалардан ажратиш, ҳаракатни чегаралаш учун қўлланилади. *-гина* аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Уйга Рамазонгина келмади, холос. Ўктам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр билан онасига тикилди.*

Баъзи юкламаларни бир-бири билан алмаштириш мумкин (Бойсун*га* ***фақат*** *Рамазон бора олмади.* – Бойсун*га* ***фақатгина*** *Рамазон бора олмади.* – Бойсун*га Рамазон****гина*** *бора олмади.* – Бойсун*га* ***ёлгиз*** *Рамазон бора олмади*.). Бу билан маъно ўзгармайди, чунки улар синоним юкламалардир.

Юкламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўзларга ёки гапларга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби қўшимча маъноларни беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ажабо, Тош мен билан тезгина хайрлашди-да, унга хавфсираб қарай-қарай зипиллаганча кинотеатрга кириб кетди.

Гўё ёрдамчиси мазмунидан ўхшатиш ёки чоғиштириш маънолари англашилган содда ва қўшма гаплар таркибида иштирок этади. Содда гаплардаги вазифасига кўра кўпроқ юкламаларга яқин туради:

Гўё бу ерда бўлаётган гапларнинг унга сира алоқаси йўқ – тўпланганларни шунчаки кулдириши, мароқлантириши лозим, холос.

Гўё ёрдамчиси қўшма гапларда содда гап қисмларини бириктирувчи грамматик воситаларнинг бири сифатида хизмат қилади, яъни қўшма гапдаги вазифасига кўра содда гапдаги вазифасидан фарқли ўлароқ, у фақат юкламагина эмас, балки боғловчи-юклама саналади:

Илжайди! Гўё қамоққа эмас, бир йиллик томошага, дунё бўйлаб сайру саёҳатга кетяпти!

Таъкид юкламалари: *-ку, -да, -у, -ю.* Гапда ифодаланган бирор воқеани таъкидлаш учун қўлланилади:

1. – Ҳа?! – дедим ҳовлиқиб, таҳлика билан.

– Келдим.

– Қандай? Ҳали, ҳали... вақт бор-ку?

2. – Нега айбинг бўлмас экан? Чайқовчи! Бизда бегуноҳ одамни қамамайди. Унақа қонун йўқ.

– Мана, мени қамади-ку? Э, у ердаги одамларнинг гапини эшитиб турсанг, биронтасиниям тирноқча айби йўқ. Лекин – бор, бор!

3. Энсангиз қотиб жеркиганингиздан кейингина бир тиржайдию яна азалги товуши билан – шанғиллаб гапира бошлади.

https://buxdu.uz

Маълумки, *-да* юкламаси ўзбек тилида экспрессив-эмоционаллик маъносини ифодалаши мумкин. Қуйидаги мисолда "*жўрамдан-да, жўражонимдан-да"* сўзи таркибида *-да* юкламасини қўллашдан асосий мақсад дўстини таъкидлаш эмас, балки унга бўлган шахсий ижобий муносабатни ифода этишдан иборат. Бу нутқ парчаси қуршовида ўша дўстидаги ўзига хос қобилиятини, ҳеч кимга ўхшамайдиган, бошқалардан фарқли деган мазмунни бериш мақсадида фойдаланилган бўлиб, бу фақат нутқ жараёнидаги ўзига хос алоҳида интонация билан воқеланган.

– Сенгинанинг жонгинангга тегишга! – дейди у ва баттар ғашингизни қўзғамоқчидек, белингиздан маҳкам кўтаради, айлантиради. – Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да!

Қуйидаги мисолда эса айнан *-да* юкламасининг киноявий салбий муносабат ифодалашдаги ўрнини текширамиз.

1.– Майли, жўра, буям бир гап-да.

2. – Қаёқда эдинг?

– Э, юрибмиз-да.

Бунда "бир гап-да", "юрибмиз-да." сўз бирикмаси таркибида қўлланган *-да* юкламаси орқали салбий хусусиятлар ироник муносабат ифодаланмоқда.

Сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а, -я, наҳотки.* Бу юкламалар турли сўз туркумларига қўшилиб, сўроқ маъносини билдиради. Баъзан сўроқ маъносидан ташқари таажжубланиш, ҳайратланиш маъноларини ҳам ифодалайди.

Сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий келиб чиқиши, ҳаётда, жамиятда тутган ўрни, нуфузи, даражаси унинг ижтимоий мавқесини белгилайди. Унинг нутқида қўлланилган лексик бирликлар орқали воқеланади. Чунончи, *-ми* аффикс юкламаси ҳам сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мавқени нутқда реаллаштиради. *-ми* аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади, *-чи, -а, -я* юкламалари эса ўзидан олдинги сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади:

1. "Ўл-а, – дедим ичимда, – шундай пайтда менинг шеъримга бало борми, ўзингни ўйласанг-чи! – лекин худбинлик устун келди: – Ўқибди-я, ўша ерда ўқибди-я!"

2. У бир пайт кўзини қисинқираганча нима деб қолди денг:

– Ҳозир Новосибирск поезди келади, ҳайё-ҳуйт деб Барнаулга жўнаворсам-чи?

3.– Тур энди, кўча айланайлик, – дейди у "янгиликлари"ни айтиб тугатгач. – Сени биир лағмонга тўйдирай, тўрт тийинлик "думба-жигар" сомсадан еявериб ошқозонинг каллапочага тўлиб кетгандир. Менга қара, тўрт тийин-тўрт тийин йиғиб, шу сомсачига бир ҳайкал қўйсаларинг-чи, а? Маслаҳат-да буям. Бешёғочнинг ў-ўртасига! Татиган тузингга товон-да.

4. – Ўвв, келмайсанми мана бундоқ!

5. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ишга кирганимга бир йил ҳам тўлгани йўқ, Малика билан тўйимиз ўтган ёзда бўлган, у ҳозир уйда ўтирибди – ўғилми, қизми кутяпмиз. Шундай бир пайтда... Нега? Нима сабабдан?

Киноявий мазмун ифодалаш усули субъектив муносабатнинг бир кўриниши бўлиб, кўпроқ суҳбатдошга нисбатан танқидий қараш ва шу асосда яширин салбий муносабат билдиришдан иборат бўлади. Эркин Аъзам асарларида киноя фақат илстеҳзоли кулгини воқелантирувчи бадиий тасвир воситаси эмас, балки катта бир ижтимоий-маънавий мазмунга эга образли ва таъсирчан бадиий тил воситаларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ёзувчининг индивидуал услубида киноявий тасвир воситалари фикрни вульгар, қўпол шаклда эмас, балки бирмунча силлиқ, маданй либос кийдирилган ҳолда баён этади. Адиб асарларида мазкур восита орқали заҳархандалик, пичинг, аччиқ кулги ва ҳатто аламли туйғулар маълум қобиққа ўралган ҳолда акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юкламалар нутқимизнинг чексиз имкониятларини янада бойроқ, ифодаларимизнинг янада аниқроқ ва гўзалроқ бўлишини, жумлаларнинг ранг-баранглигини таъминловчи муҳим воситалардан. Юкламалар кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб, ранг-баранг маъноларни ифодалайди. Нутқнинг коммуникантларга боғлиқ равишда ихтисослашувини таъминлаб беради. Сўзловчи ва

https://buxdu.uz

тингловчи нутқининг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида юкламалардан унумли ва ижодий фойдаланиш Эркин Аъзам асарлари ўзига хос юмористик баён услуби, киноялі тили, кутилмаган бадиий ечимларга эгалиги билан ажралиб туради. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатиб турибдики, нутқий мулоқотнинг кўп қирралилиги социопрагматик хусусиятлари билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. *Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. 48-49-б.*
2. *Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. 53-б.*
3. *Мирзаев М. ва бошқ. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 256 б.*
4. *Неъматов Ҳ. ва бошқ. Она тили. 7-синф. – Т.: Ўқитувчи. 2000. – 127 б.*
5. *Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – 180 б.*
6. *Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 400 б.*
7. *Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси филол.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2017. – 50 б.*
8. *Ғуломов А. ва бошқ. Она тили. 6-7-синф. – Т.: Ўқитувчи, 1985, 1990, 1994. Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Ўқитувчи. 1980. – 448 б.*
9. *Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. 21-б.*
10. *Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Т.: Фан, 1975. – 612 б.*
11. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-, 2-томлар. – М.: Русский язык, 1981. – 631 б.*
12. *Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фан. док... дис. – Т., 2001. 191-б.*
13. *Ҳозирги замон ўзбек тили. /Ф. Камол таҳр./. – Т.: Фан, 1957. – 528 б.*
14. *Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. I. – Т.: Фан, 1966. – 392 б.*
15. *Ҳожиев А. -гина элементи форма ясовчи аффикс бўла оладими? // ЎТА. 1978. 5-сон. 43-б.*

УДК: 82+42+494.322

ЎЗБЕК ТИЛИДА ФЕЪЛНИНГ МОРФОЛОГИК ДАВОМИЙЛИК ТАРЗ КАТЕГОРИЯСИГА ОИД ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МОРФОЛОГИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТИ (ВИДА) ГЛАГОЛОВ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ ПРИ ТРАКТОВКЕ НОВОГО ПОДХОДА

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE MORPHOLOGICAL CATEGORY OF DURATION (TYPE) OF VERBS IN THE UZBEK LANGUAGE WITH THE INTERPRETATION OF A NEW APPROACH

Жалолова Шахноза Муҳамеджановна
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси доценти в.б., ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. *Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларида феълнинг морфологик давомийлик тарз категориясига доир қиёсий фикрлар билдирилган ҳамда улар орасидаги ўхшашлик ва фарқлар тадқиқ этилган. Бундан ташқари феъллардаги ҳаракат тарзининг маънолари ва аспектуал белгиларининг турли воситалар ёрдамида ифодаланиши борасида баъзи фикрлар баён этилган. Ўзбек тилида ҳаракат тарзи категориясига доир назарий қарашларга муносабат билдирилган ва янгича ёндашув асосида чоғиштирма аспектда таҳлил этилиб, уларни тизимлаштириш масаласига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ўзбек тилида ҳаракат тарзи категорияси билан бирга давомийлик тарз категориясининг кузатилиши асосланган.*

Таянч сўзлар: *феъл, тарз, аспектуал маъно, аналитик форма, давомийлик тарз категорияси, морфологик категориялар, грамматик категория, давомийлик, тугалланганлик, такрорийлик, чегараланганлик, интенсивлик, фавқулоддалик.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются сравнении морфологической категории продолжительности (вида) глаголов английского и узбекского языков, а также исследуются сходства и различия этих категории. Кроме того, изложены некоторые*

https://buxdu.uz

мнения о значениях образа действия и выражении аспектуальных признаков различными способами. В статье также рассматриваются теоретические взгляды лингвистов о многочисленных значений образа действия на узбекском языке, а также основное внимание было уделено их систематизации и проанализированы в сравнительном аспекте на основе нового подхода. В ходе анализа обоснуется новый подход к грамматической категории со значением продолжительности как в узбекском языке, так и в английском.

Ключевые слова: *глагол, аспектуальные значение, аналитические формы, вид, категория со значением продолжительности, морфологические категории, грамматические категории, продолжительности-непродолжительности действия, совершенность, повторяемость, ограниченность, интенсивность, неожиданность.*

Abstract. *The article contains a comparative study of morphological verb aspect of the English and Uzbek languages as well as reveals the similarities and differences between them. In addition, some ideas about the meanings of the mode of action and the expression of aspectual properties in various ways are presented. The article also discusses the theoretical views of linguists on the numerous meanings of the mode of action in the Uzbek language, as well as the main attention was paid to their systematization and analyzed in a comparative aspect based on the new approach. In the course of the analysis, a new approach to the grammatical category with the meaning of duration in both Uzbek and English will be justified.*

Key words: *verb, aspectual meaning, analytical forms, aspect, category with a duration value, morphological categories, grammatical categories, duration, completeness of an action, perfection, repeatability, limitation, intensity.*

Ҳозирги замон тилшунослигида предикация (кесимлилик) гапнинг асосий синтактик белгиси ҳисобланиб, предикативлик ҳолатисиз гап ҳосил қилиб бўлмайди. Айниқса, предикация замон ва модал маъноларни ўз ичига олиб, гапда кесим вазифасини бажариши ҳақидаги фикрлар жуда аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиздир, бироқ айрим тилшунослар предикациянинг таркибига шахс-сон маъноларини ҳам киритадилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таркибида шахс-сон маънолари бўлмайдиган бир таркибли гаплар инобатга олинса, биринчи фикр анчайин ҳақиқатга яқин эканлигидан далолат беради. Бу эса шахс-сон маъноларини предикация учун факультатив компонент деб ҳисоблашни тақозо этади.

Инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг предикация ифодалай олишига кўра турлари тилшунос олимлар томонидан турли терминлар орқали талқин қилиниши кузатилиб, улар шахс кўрсатувчи ва шахс кўрсатмайдиган турларга бўлиниши аниқланди.

Шахсли феъллар шахс кўрсатмайдиган турлардан фарқли ўлароқ, предикацияни мустақил равишда ифодалайди. Шубҳасиз, предикацияни ҳосил қилувчи морфологик замон ҳамда майл категорияларининг ушбу феълларда мавжудлиги гапнинг кесимини шакллантиришга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, кесимлилик шахсли феъллар билан бевосита боғлиқ эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир, масалан: *He goes to school – У мактабга боради; Sid went to London – Сид Лондонга йўл олди; I will come at 6 o'clock – Соат олтида келаман*.

Инглиз ва ўзбек тилларида шахс кўрсатувчи феъллар ҳамда уларнинг морфологик категориялари, вазифалари, грамматик ва синтактик хусусиятларининг чоғиштирма планда тадқиқ этилиши, улар ўртасидаги қуйидаги тилларароо ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга ёрдам берди. Хусусан, уларнинг морфологик категориялари атрофлича таҳлил қилиниши натижасида замон, майл, нисбат, давомийлик тарз, шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик категорияларининг мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, инглиз тилида бу турдаги феълларда таксис морфологик категориясининг ҳам мавжудлиги кузатилди.

Шу йўсинда давомийлик (тарз) категориясига оид янгича ёндашувни изоҳлашга тўхталадиган бўлсак, «вид категорияси» ҳақидаги қарашлар биринчи маротаба славян тиллари асосида келиб чиққан бўлиб, тилшунос олимлар бу тилларда «совершённый – несовершённый вид» борлигини исботлаганлар, лекин афсуски, бу маъноларни грамматик

https://buxdu.uz

усулда ифодаламайдиган тилларда «вид категорияси» мавжуд эмас деган хулосага келганликларини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, рус тили аспектуал маънолардан «*тугалланганлик (совершенность)*» маъносини грамматик усулда ифодалайди *(делать – сделать)*. Инглиз ва ўзбек тилларида эса аспектуал маънолардан *давомийлик* маъноси грамматик усулда ифодаланади *(He is working – У ишлаяпти каби)*. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар рус грамматикасининг андозалари асосида ёзилган илмий манбалар, дарслик ҳамда қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш кераклиги кўпгина ўзбек тилшунослари томонидан эътироф этилмоқда. Шу мақсадда феълнинг грамматик категориялари талқини ҳам ўзбек тилини ўз ички материалларига таяниб ўрганилишини тақозо этади.

Ҳаракат тарзининг маънолари жуда кўп бўлиб, бошланиш, давомийлик, тугалланганлик, такрорийлик, чегараланганлик, интенсивлик, йўналиш, фавқулоддалик каби бир қанча белги ва сифатларни ифодалайди. Ҳаракатдаги бу белги-сифатлар тилшуносликда аспектологик белгилар саналади ва улар тилларда турли воситалар ёрдамида – лексик, грамматик ва имлицит (яширин) усулда ифодаланиши мумкин. Хусусан, Ғ.Қ.Мирсановнинг номзодлик илмий тадқиқот ишида юқорида таъкидлаб ўтилган аспектуал маъноларнинг айримлари турли воситалар ёрдамида инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиши далиллар асосида ёритилган [1]. Шунингдек, ўзбек тилида турли хил аспектуал маъноларни ифодалашда, айниқса, кўмакчи феъллар муҳим аҳамият касб этади, бу борадаги муҳим маълумотлар А.Ғ.Ғуломов [2], А.Н.Кононов [2; 263–268-б.], А.П.Ҳожиев [2; 14–57-б.], Ш.Шукуров [2] каби олимларнинг илмий асосланган асарларида ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари А.А.Юлдашев томонидан туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида аспектуал маъноларни ифодаловчилар таркибида кўмакчи феъллар мавжуд бўлган 15 та аналитик формалар ўрганилган. Бу аналитик формаларнинг ўзбекча муқобиллари сифатида қуйидагилар келтирилган: -б ёт-: *ишлаб ётибман*; -б ўтир-: *ишлаб ўтирибман*; -б тур-: *ишлаб турибман*; -б юр-: *ишлаб юрибман*; -а тур-: *бора тур*; -б бор-: *яхшиланиб бормоқда*; -б кел-: *бориб келдим*; -а бер-: *ўтира бер*; -а бор-: *яқинлаша боради*; -б туш-: *йиқилиб тушдим*; -б чиқ-: кириб чиқдим; -б ол: *Овқатингни еб ол*; -б юбор: *кулиб юбордим*; -б ташла: *ёзиб ташладим*; -б кет: *юрагим ўйнаб кетди* [3; 39-86-б.]. Муаллиф бу формаларнинг аспектуал маъноларини имкон даражасида ўрганган бўлса-да, уларни тизимлаштириш масаласини очиқ қолдирган.

Туркий тилларда «тарз (вид)» масаласи 1956 йил Қозоғистоннинг Олмата шаҳрида ўтказилган туркологлар анжуманида долзарб масалалардан бири сифатида кўриб чиқилади, аммо бирор аниқ натижага эришилмайди. Мазкур анжуманда келтирилган таҳлил натижаларига кўра, кўпгина тилшунос олимлар ўртасида туркий тилларда ҳам худди славян тилларидаги каби «вид (тарз)» мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги қизғин мунозаралар давом этаётганлиги аён бўлади [3; 39-б.].

«Тарз категорияси» ҳақида сўз борганда, шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, энг аввало, тилшуносларнинг назари тадқиқот объекти сифатида славян тиллари, шу жумладан, рус тилидаги, ҳаракатнинг «тугалланганлик» маъноси ва унинг грамматик усулда ифодаланишига (*делать-сделать* каби) қаратилиб, уларнинг ишларида тугалланганлик «грамматик вид (тарз) категорияси» деб аталди. Бу фикр мутлақо тўғри эди, аммо, назаримизда, ундан нотўғри хулоса чиқарилиб, грамматик тизимида ушбу ҳодисалар учрамайдиган тилларда «вид», яъни «тарз» мавжуд эмас деб ҳисоблана бошланди. Бу ҳолат, айниқса, рус тили грамматик тизимидан андоза олиб яратилган дарсликлар, жумладан, ўзбек тили грамматик манбаларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Шу ўринда таъкидлаш зарур, афсуски, аксарият ўзбек тилига оид грамматик манбаларда «тарз категорияси»га оид мулоҳазалар мутлақо кузатилмайди. Аксинча, тарз категорияси эътироф этилган грамматик дарслик, қўлланма ва адабиётларда эса грамматик сатҳ билан лексик сатҳ бирликлари қориштириб юборилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Масалан, қуйидаги ҲЎАТ [4; 301-б.] ва ҲЗЎТ [5; 425–426-б.] сингари манбаларда *суртмоқ – суртилмоқ, томмоқ – томчиламоқ*; *туртмоқ – турткиламоқ, бурмоқ – бурамоқ* каби сўзлар

https://buxdu.uz

грамматик тарз категориясига мисол сифатида санаб ўтилган. Дарҳақиқат, мазкур сўзларда айрим аспектуал маънолар ифодаланган бўлиши мумкин, аммо улар грамматик усул орқали эмас, балки лексик усул, яъни сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Бу каби сўзлар жуда оз миқдорни ташкил қилади ва уларни қоидаларга мос равишда (бир қолипга туширган ҳолда) қўллаб бўлмайди. Ҳолбуки, грамматик категорияларни тақозо этувчи қоидага мувофиқ, улар доимий категориал формалардан ташкил топган бўлиши, жуда кўп сўзларни қамраб олиши ҳамда категорияларни ифодаловчи формалар сони аниқ бўлиши талаб этилади.

Юқорида тўхталиб ўтилганидек, рус тилшунослигида аспектуал маънолардан «тугалланганлик (совершенность)» маъноси грамматик усулда ифодаланса, инглиз ва ўзбек тилларида эса аспектуал маънолардан «давомийлик» маъноси грамматик усулда ифодаланади. Мисол тариқасида уларнинг гап таркибидаги ифодаланишига эътибор қаратилса, қуйидаги манзарани кузатиш мумкин:



Давомийликни ифодаловчи формалар давомийликни ифодаламайдиган формалар билан оппозицияга киришиб, инглиз ва ўзбек тилларида икки ҳадли тарз категорияси, яъни давомийлик морфологик категориясини ҳосил қилади:

Инглиз тилида, ҳозирги замонда

https://buxdu.uz

Бирлик		Кўплик	
1 ш.	I work – I *am* work*ing*	1 ш.	We work – We *are* work*ing*
2 ш.	You work – You *are* work*ing*	2 ш.	You work – You *are* work*ing*
3 ш.	He work*s* – He *is* work*ing*	3 ш.	They work – They *are* work*ing*
	She work*s* – She *is* work*ing*		
	It work*s* – It *is* work*ing*		

Ўзбек тилида, ҳозирги замонда

Бирлик		Кўплик	
1 ш.	Мен ишлайман – Мен ишлаяпман	1 ш.	Биз ишлаймиз Биз ишлаяпмиз
2 ш.	Сен ишлайсан – Сен ишлаяпсан	2 ш.	Сиз ишлайсиз – Сиз ишлаяпсиз
3 ш.	У ишлайди – У ишлаяпти	3 ш.	Улар ишлайди(лар) – Улар ишлаяпти

Инглиз тилида, ўтган замонда

Бирлик		Кўплик	
1 ш.	I worked – I was working	1 ш.	We worked – We were working
2 ш.	You worked – You were working	2 ш.	You worked – You were working
3 ш.	He worked – He was working	3 ш.	They worked – They were working
	She worked – She was working		
	It worked – It was working		

Ўзбек тилида, ўтган замонда

Бирлик		Кўплик	
1 ш.	Мен ишладим – Мен ишлаётган эдим	1 ш.	Биз ишладик – Биз ишлаётган эдик
2 ш.	Сен ишладинг – Сен ишлаётган эдинг	2 ш.	Сиз(лар) ишладингиз(лар) – Сиз(лар) ишлаётган эдингиз(лар)
3 ш.	У ишлади – У ишлаётган эди	3 ш.	Улар ишлади(лар)/ишлашди – Улар ишлаётган/ишлашётган эди

Шунинг билан бирга, инглиз тилида яна қуйидаги жуфт формалар ҳам довомийлик тарз категорияси ҳадларини ҳосил қилишини алоҳида таъкидлаш жоиздир:



Бироқ, айтиш лозимки, инглиз тилидан фарқли равишда ўзбек тилида давомийликни ифодаловчи грамматик формалар жуда хилма хиллиги билан ажралиб туради ва бу маънони -яп формасидан ташқари, яна -ётир (*ишлаётирман*), -моқда (*ишламоқдаман*), -ётиб (*ишлаётибман*), -(и)б туриб (*ишлаб турибман*) формалари орқали ҳам ифодалаш мумкин. Хусусан, тилшунос олимлардан Ж.Б.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, М.Т.Ирисқулов, А.С.Содиқовлар ушбу формаларни биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи давом феъли формалари деб атайдилар [6; 199–200-б.]. Бундан ташқари, В.В.Решетов томонидан ҳам юқорида зикр қилинган терминларга ўхшаш, яъни «I, II, III, IV, V форма прогрессива» деб аталган таъкидни қўллаганлигини кузатиш мумкин [7; 135–139-б.]. Шунингдек, А.Н.Кононов [8; 214-б.] ўзбек тилида «тарз категорияси» мавжудлиги ҳақида фикр билдирмаган бўлса-да, давомийликни ифодаловчи формаларнинг аксариятини тилга олади ва қуйидагиларни ажратиб келтиради:

Настоящее-длительное время *ёз-моқ-да-ман*

https://buxdu.uz

Настоящее-конкретное время	*ёз-яп-ман; ёз-а-ётир-ман; ёзиб турибман; ёзиб ўтирибман; ёзиб юрибман; ёзиб ётибман*
Определенный имперфект:	*ёз-а-ётган-эдим*
Прошедщее-длительное время	*ёз-моқ-да эдим*

Юқорида берилган формалардан кўриниб турибдики, биринчи (Настоящее-длительное время) ва тўртинчи (Настоящее-конкретное время) терминларда давомийлик маъносига ишора таъкидланган бўлиб, иккинчи (Настоящее-конкретное время) ва учинчи (Определенный имперфект) ҳолатларда давомийлик маъносига ишора кўрсатилмаган бўлса-да, бироқ уларга таъриф келтирилганда, ушбу маъно ҳақида маълумот бериб ўтилади [8; 227-б.]. Аммо бу феъл формаларини атрофлича ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш асосий вазифамиз эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, бу хусусда фикр юритиш шарт эмас, деб ҳисоблаймиз.

Аксинча, муҳими ўзбек тилида ҳам худди инглиз тилидаги каби давомийлик тарз категориясининг мавжудлигини асослашдан иборат эканлигини таъкидлаш маъқулдир, чунки ўзбек тилида давомийлик тарз категорияси икки ҳадли бинар оппозициядан иборат давомийликни ифодалайдиган ва ифодаламайдиган формалар эканлиги бир қанча адабиётларда эътироф этилиб, биринчи ҳад белгисиз, унда «*давомийлик*» маъноси ҳам, уни ифодаловчи форма ҳам мавжуд эмас, иккинчи ҳад эса белгили *(-яп),* унда «*давомийлик*» маъноси борлиги қайд этилган. Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, тилшунос олим С.Фердауснинг «... Ўзбек тилида ҳам давомийлик тарз категорияси мавжуд ва у давомийлик ҳамда давомсизлик маъноларига эгадир» деб келтирилган таърифи ҳам ўзбек тилшунослигида унинг мавжуд эканлигини далиллашга асос бўла олади [9; 315-б.].

Юқоридаги ҳолатлар ҳозирги замонавий ўзбек тилида ҳам ҳаракат тарзи категорияси қўлланилаётганлигидан далолат беради. Биз ҳам мазкур фикрларга таянган ҳолда, уларни тизимлаштириб, ҳаракат тарзининг давомийлик-давомсизлик маъноларидан келиб чиқиб, ўзбек тилида ҳам давомийлик тарзи категорияси мавжуд ва у грамматик категорияларни белгилаш талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ҳисоблаймиз. Бу фикрни инглиз тилидаги «Continuous» ҳамда «Noncontinuous» формасининг мавжудлиги ҳам исботлади. Тадқиқотдаги чоғиштириш натижалари асосида ўзбек тилида ҳам худди инглиз тилидагидек, «Continuous» формасига ўхшаш давомийликни ифодаловчи форма мавжуд эканлиги аниқланди. Шу боис тадқиқотда олинган натижаларидан келиб чиқиб, ҳар икки тилда шахс кўрсатувчи феъллар (предикатив феъллар) бу категорияга эга деб ҳисоблаймиз, чунки грамматик категорияларни белгилашда грамматик шаклларнинг маъно умумийлиги ва ўзаро зидланиши инобатга олинади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Замонавий ўзбек тили: Морфология. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – 468 б.*
2. *Buranov J., Yusupov U.K., Sadikov A., Iriskulov M. The Grammatical Structures of English, Uzbek and Russian. PartI. – T.: Ukituvchi, 1986. – 308 p.*
3. *Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л.: Изд–во АН СССР, 1960. – 446 с.*
4. *Мирсанов Ғ.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феъларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2008. – 28 б.*
5. *Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Т., 1954. – 88 б.*
6. *Ҳожиев А.П. Феъл. – Т.: Фан, 1973. – 192 б.*
7. *Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. – Т.: Фан, 1980. – 142 б.*
8. *Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. – М.: Наука, 1965. – 275 с.*
9. *ҲЎАТ – Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Фан, 1966. –340 б.*
10. *ҲЗЎТ – Ҳозирги замон ўзбек тили (Фахрий Камол таҳрири остида). – Т.: Ўз.ССР ФА, 1957. – 526 б.*
11. *Решетов В.В. Основы фонетики, морфологии и синтаксиса узбекского языка. – Т.: Средняя и высшая школа, 1961. – 243 с.*

https://buxdu.uz

УДК: 8/ 81.33

КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ – ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

КОРПУСНАЯ ЛИНГВИСТИКА – ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ПРИКЛАДНОЙ ЛИНГВИСТИКИ

CORPUS LINGUISTICS IS A PRIORITY AREA OF MODERN APPLIED LINGUISTICS

Гулямова Шахноза Кахрамоновна
БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада компьютер тилшунослигининг мустақил бўлими – корпус лингвистикаси замонавий амалий тилшуносликнинг асосий ва бугунги кун илми учун муҳим истиқболли йўналиш эканлиги ҳақида баён қилинган. Корпус лингвистикасининг моҳияти, мақсад ва вазифалари, дунё тилшунослигида бу борада эришилган натижалар асосланиб, бир қатор олимларнинг илмий қарашлари умумлаштирилган. Ўзбек тили миллий корпусини яратиш фан олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланган ва бу борада мулоҳаза билдирилган.

Таянч сўзлар: компьютер лингвистикаси, корпус, матн корпуслари, тил корпуси, электрон кутубхона, сунъий интеллект, электрон луғат.

Аннотация. В статье описывается самостоятельная отрасль компьютерной лингвистики – корпусная лингвистика, которая является основным и наиболее перспективным направлением современной прикладной лингвистики. Основываясь на сущности, целях и задачах корпусной лингвистики, результатах, достигнутых в мировой лингвистике, обобщаются научные взгляды ряда ученых. Было отмечено, что создание национального корпуса на узбекском языке является одной из актуальных задач, стоящих перед наукой, и были высказаны замечания по этому поводу.

Ключевые слова: компьютерная лингвистика, корпус, текстовый корпус, корпус языка, электронная библиотека, искусственный интеллект, электронный словарь.

Abstract. This article describes an independent branch of computational linguistics - corpus linguistics, which is the main and most promising direction of modern applied linguistics. Based on the essence, goals and objectives of corpus linguistics, the results achieved in world linguistics, the scientific views of a number of scientists are summarized. It was noted that the creation of a national corpus in the Uzbek language is one of the urgent tasks facing science, and comments were made on this.

Key words: computational linguistics, corpus, text corpus, language corpus, electronic library, artificial intelligence, electronic dictionary.

Кириш қисми. Корпус лингвистикаси компьютер тилшунослиги бўлими бўлиб, компьютер технологиялари ёрдамида лингвистик корпус (матнли корпус)нинг қурилиши ва ундан фойдаланишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Лингвистик корпус ёки матнли корпус остида ўзига хос тил муаммоларини ҳал қилиш учун яратилган катта ҳажмдаги машинада ўқиладиган, бирлаштирилган, ёрлиқланган, форматланган филологик жиҳатдан баркамол тил маълумотлари тўплами тушунилади.

Корпус тилшунослиги атамаси биринчи марта 1977 йилда ишлатилган, бу эса корпус тилшунослигини жуда ёш илмий йўналиш деб аташга имкон беради. Аммо шу қисқа вақт ичида корпус тилшунослиги ҳисоблаш тилшунослигининг ёндашувларидан бири сифатида замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Россияда бу атама инглиз тилининг ҳалқаро корпуси асосчиларидан бири Сидней Гринбаумнинг маърузалари туфайли фақат 1996 йилга келиб маълум бўлди.

Ҳозирги кунда “корпус” тушунчасига кўплаб таърифлар мавжуд. Масалан, Э.Финеганнинг дарслигида берилган таъриф қуйидагича: корпус, одатда, маърузачи,

https://buxdu.uz

муаллиф, адресат ёки аудитория ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи машинада ўқиладиган матнлар тўплами ҳисобланади.

Асосий қисм. Тил фаолиятининг замонавий шартлари нафақат нутқ намуналарини, балки алоҳида хронологик ёки фазовий ҳолатлар, нутқ амалиётини тизимлаштиришни ўрганишни ўз ичига олади. Ўрганиш ва умумлаштиришга тизимли ёндашув нутқ амалиётини ўзига хос бирлик сифатида белгилайди. Анъанага биноан фақат доимий, субъектив омиллар таъсирисиз эмпирик материални таҳлил қилиш имконини беради. Аммо бугунги кунда компьютерда тилшуносликнинг объекти учламчи восита ва алоқа воситачилик вақти яратилади, сақланади ва “ҳужжат”да ўқиб бўлмайдиган жойда амалга оширилади.

Албатта, нутқ амалиётини ёритиш бугунги кунда қўлланиладиган объектив мезонлар туфайли реалистик кўриб чиқилади. Бунда янги “лингво-информацион” формат орқали янги универсал-статистик ва махсус фанлар тил форматларини танлашда янги имкониятлар яратади. XX асрнинг 60 йилларида пайдо бўлган корпус тилшунослиги, нутқ амалиёти учун янги методологик асосни, тадқиқотнинг устувор йўналишларини яратди. Корпус лингвистикаси металингвистик восита сифатида тил методологиясини қуриш, ундан фойдаланиш ва нутқ нақшларининг лингвистик талқини – компьютер воситалари ёрдамида “эски” ва “янги” тил муаммоларини ҳал қилишда имкон яратади [2].

Жаҳон тилшунослигида компьютер ва корпус лингвистикаси муаммоларини ўрганиш XX асрнинг 40 йилларида бошланиб, бу соҳада дастлабки илмий фаразлар айтилди. Хусусан, ўтган асрнинг 60 йилларида мазкур жараён жадаллашди, XXI аср бошларида ўзида миллионлаб сўзларни акс эттирувчи юзлаб тил корпуслари пайдо бўлди.

Корпус тилшунослиги замонавий амалий тилшуносликнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Корпус тилшунослиги замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда лингвистик маълумотлар корпуслари (матн корпуслари) қуришнинг умумий тамойилларини белгилайди, ёзма ва оғзаки матнларнинг ҳақиқий лингвистик ҳодисаларини типлаш методологиясини, шунингдек, уларни сақлаш ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқади. Матнли корпуслар билан ишлаш тадқиқотчини субъективлигидан маълум даражада мавҳумлаштиришга ва тилни объектив ўрганишга имкон беради [13].

Википедия корпусни статистик таҳлил қилиш ва гипотезани синаш, вазиятни текшириш ёки муайян соҳалар учун тил қоидаларини асослаш учун ишлатиладиган (ҳозирда электрон шаклда) катта ва тузилган матн тўпламлари сифатида белгилайди. Т. Мак Энери (T. McEnery) ва Э. Вилсон (A. Wilson) қуйидаги таърифни беради: корпус – тил модели сифатида фойдаланиш учун аниқ тил мезонларига мувофиқ танланган тил парчалари тўплами [9]. Корпусни феномен сифатида муҳокама қилиб, уни ҳал этишда Д.Синклер, Т.МакЭнери, Д.Байбер, А.Килгариффом, В.П.Захаров, В.А.Плунгян, В.Ш. Рубашкин, А.Н.Барановлар каби олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган.

Жаҳон тилшунослигида корпус соҳасидаги мақсадли тадқиқотлар 40 йилларда Блумфильд, Фрайс ва Бонджерслар томонидан бошланган [4]; Н.Френсис ва Г.Кучера илк марта корпус тузиш принципларини ишлаб чиққан [11]. Рус тилшунослигида В.П.Захаров, А.Б.Кутузов, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.Плунгянлар корпус, унинг турлари, корпус тузиш ва теглаш тамойиллари борасида тадқиқот олиб боришган [7].

“Тилшунослик ҳар доим муҳим бўлган илмий соҳа захираси. Шуни айтиш мумкинки, тилшунослик усуллари бунга мисол бўла олади ва ҳатто муаммолари бўлган бошқа фанлар учун намуна бўлмоқда, уларнинг сони доимий равишда ўсиб бориб, жами фикрлар йўналиши инсонпарварликни қўллаб-қувватлайди”, – деб 70 йилларда Э.Бенвенист томонидан ифода этилган фикр бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Компьютер воситалари “даврида”ги коммуникация (алоқа) кўпгина информацион ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ижтимоий-маданий ривожланишнинг ютуғидир.

Замонавий тилшунослик парадигмасида равон тилшунослик услубий жиҳатдан кўп қирралиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда корпус тилшунослиги кўпинча тилшуносликда компьютер ва электрон корпусдан фойдаланган ҳолда “реал ҳаётда” тилдан фойдаланишни ўрганишга нисбатан янги

https://buxdu.uz

ёндашув сифатида тушунилади. Корпус тилшунослиги мустақил интизом позициясини даъво қилиш учун камида иккита хусусиятга эга: 1) ишлатилган оғзаки материалнинг табиати; 2) воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Агар тилшуносликнинг синтаксис, семантика ва социолингвистик бўлимлари тил тузилишини ёки лингвистик фойдаланишни тавсифлашга ёки баҳолашга қаратилган бўлса, корпус тилшунослиги кенгроқ тушунча, лингвистик тадқиқотнинг кўплаб жиҳатларида қўлланилиши мумкин бўлган методология ҳисобланади. Корпус тилшунослигини баъзида "тилшунослик тадқиқотларининг турли соҳаларидаги усуллар тўплами" деб аташади [6].

Лингвистик таҳлил усули сифатида корпус тилшунослиги уларни қиёсий ўрганиш жараёнида умумий ва тиллар, диалектлар ёки тил вариантлари ўртасидаги алоҳида фактларни аниқлашга қаратилган қарама-қарши тадқиқотлар билан ҳам боғлиқдир [5]. Лингвистик таҳлилнинг кўплаб турлари эмпирик маълумотларнинг мустаҳкам ва кенг базасида энг яхши ишлаб чиқилган. Э.Финеган корпус тилшунослигини тузиш ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ва тилнинг табиий ишлатилишини ўрганишга йўналтирилган фаолият сифатида белгилайди [6]. Ушбу таъриф корпус тилшунослигининг ижодий йўналишини таъкидлайди. Корпус тилшунослигининг икки томонлама табиати (матн корпорасини яратишда ҳам, фойдаланишда ҳам диққат марказида) унинг объектининг икки томонлама табиати билан белгиланади – бир томондан корпус тилшунослиги ва бошқа томондан, бу корпус тилшунослигининг маҳсулидир.

XIX аср охири XX асрнинг бошларида корпуслар лингвистик тадқиқотлар ўтказиш учун ёки кўпинча амалий муаммоларни ечиш учун (масалан, тил бирликларининг частотасини ҳисоблаш учун) яратила бошланди. Корпус тилшунослиги учун компьютерларнинг ихтиро қилиниши ва кенг қўлланилиши билан ривожланишнинг янги босқичи бошланади – яратилган корпуслар мавжудларидан нафақат сақлаш форматида, балки ҳажмларида ҳам фарқ қилади [3].

Олим В.А.Плунгян ўз вақтида тўғри баҳо берганидек, энди тилни ўрганиш учун одамга иккита эмас, учта нарса керак бўлади: луғат, грамматика ва маълум тилдаги матнларнинг корпуси. У луғат ҳам, грамматика ҳам, умуман олганда, ушбу яшаш майдонидан ташқарида фойдасиздир, чунки тил аслида ишлайди, деб таъкидлайди.

Лингвистик корпус – маълум принципларга мувофиқ, белгиланган (изоҳланган), махсус қидирув тизими томонидан тақдим этилган матнлар тўпламининг вакили. Корпус тилшунослиги тор маънода фақат корпусларни қандай яратиш ва улардан қандай фойдаланиш ҳақидаги илмдир, аммо бу тил илмининг янги мафкураси ролини кўпроқ талаб қилади [13].

Корпус бўйича билдирилган фикрлар, илмий назариялар хусусида қуйидагиларни умумлаштириб, қайд этиш мумкин:

- корпус – "тил танаси" деб аталадиган матнлар тўпламининг бир тури. Аммо оддий матнлар тўпламидан фарқ қилади;
- корпус – маълум бир тарзда ташкил этилган оғзаки бирлик;
- корпус – маълум бир тилдан олинган шаклдаги лингвистик маълумотлар тўплами таҳлили учун мавжуд бўлган ёзма сўзлар ёки матнлар;
- корпус – исталган тилда оғзаки ёзи ёзма равишда ёзилган табиий матнлар тўплами.

Шундай қилиб, корпуснинг методологик муҳимлиги В.А.Плунгян томонидан нафақат "мантиқ", балки эмпирик амалиётнинг умумлашмалари "замонавий тадқиқотчилар тилшуносликда тобора кўпроқ конструкцияларни эмас, далилларни ўрганишга, кузатиладиган ҳодисаларнинг моделлари эмас, балки хусусиятлари ҳақида гапиришга чақирди. Тилшунослик билан боғлиқ муаммо шундаки, корпус идеология сифатида маълум маънода мафкура, назарий мавҳумликни ташкил этади".

А.Д.Шмелёвнинг фикри ҳам шундан далолат беради. У тадқиқотчи корпусдан танқидий фойдаланганда, корпусдан олинган маълумотлар самарали бўлади, – деб таъкидлайди. Демак, корпус – амалга оширишингиз мумкин бўлган тўққизта матнлар тўплами: сўзлар, иборалар, грамматик шакллар ва сўз маънолари тизимлари.

https://buxdu.uz

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир. Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва ҳалқаро микёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш [1] мақсадида корпус лингвистикаси истиқболли илмий йўналиши сифатида ўзбек тили миллий корпусини яратиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу ўта муҳим ишни амалга ошириш ўз ўрнида корпус лингвистикасининг назарий муаммоларини ечишни тақозо этади.

Тил корпуси ва у билан боғлиқ бўлган фан, яъни корпус лингвистикаси XX асрнинг охири XXI аср бошида тилшунослик ва тил ўқитиш методикасига шиддат билан кириб келган янги йўналишдир. Тил корпусини яратиш ҳамда корпус лингвистикасини ривожлантириш тилшунослик, тил ўқитиш методикаси соҳаларидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Корпус лингвистикаси тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, матн корпусларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Корпус лингвистикаси ривожлантирилса, сунъий интеллектнинг ўзбек тилини “тушуниш, ўқий олиш, қайта таҳрирлаш, унга мос жавоб қайтариш”ини таъминлайдиган дастурлар яратилади (бу тилшунос ва дастурчилар ҳамкорлигидаги амалга ошириладиган долзарб вазифа). Агар ўзбек тили корпуси яратилса, “Google”да ўзбек тилида қидирув тизими пайдо бўлади. Онлайн таржима (интернет таржима) ёки автоматик таржима дастурлари ривожлантирилади. Бу орқали эса ўзбек тилининг турли электрон луғатларини яратиш имконияти кенгаяди, тилни дунё саҳнасига олиб чиқиш имконияти кенгаяди [10].

Ўзбек тилшунослигида корпус, унинг ўзига хос хусусияти, ижтимоий, лексикологик, таълимий аҳамияти, корпус турлари, муаллифлик корпусининг лингвистик қиммати, ўзбек тили муаллифлик корпусини яратишнинг лингвистик асослари масалалари Ш.Хамроева томонидан тадқиқ этилган. Олима ахборот асрига келиб, корпус лингвистикаси жаҳон тилшунослигининг шиддат билан ривожланаётган соҳасига, корпуснинг ўзи эса тилшуносларнинг беқиёс иш қуролига айланганини таъкидлаб, тилнинг миллий корпуси ахборот манбаи сифатида қуйидаги қулайликларни яратганини кўрсатади:

1) корпуслашган тилда яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, миллий, маданий мерос намуналари электрон кўринишда Интернет тармоғидан жой олди;

2) корпус табиий (реал) тилнинг электрон шаклдаги, қидирув дастурига жойлаштирилган матнлар йиғиндиси бўлганлигидан бир марта тузилиб, мукаммал разметкаланган корпус лингвистик тадқиқотлар самарадорлигини таъминлашда барқарор лингвистик база вазифасини бажаради;

3) корпус электрон кутубхона, луғат, грамматикалар яратишга асос бўлади. У кенг кўламли бўлганлиги учун маълумотнинг ўзига хослигини кафолатлаб, тил ҳодисаларининг барча қирраларини тўлиқ намойиш этишни таъминлайди;

4) турли маълумотлар тил корпусида ўзининг табиий контекстуал шаклида жойлашади, бу эса уларни ҳар томонлама, чуқур, объектив ўрганишга асос бўлади;

5) корпус тилни тадқиқ этиш (сўзнинг ўзгариши, историзм, неологизм вужудга келиши, маъно кенгайиши, торайиши; янги фразеологизмларнинг пайдо бўлишини кузатиш), тил ўрганиш, луғат тузишда энг замонавий, кенг имкониятли дастурлаштирилган тизимдир [12].

Миллий корпус миллий тил хазинаси демакдир. Ундан лингвист, лексикограф, компьютер лингвистлари, дастурчи, муҳаррир, таржимон, журналист, ноширлар, олим, ўқитувчи, таълим олувчилар ва бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси кенг фойдаланади.

Корпус бўйича қидирув фойдаланувчига қуйидагиларни аниқлаш имконини беради:

1) белгиланган тил бирлигининг турли қўлланишлардаги барча шаклли кўринишини;

2) тилнинг луғат таркибидаги ўрни ва вариантларини;

3) белгиланган сўз билан бирикиш имкониятига эга сўзлар рўйхатини;

4) у ёки бу муаллифнинг айни сўздан фойдаланиш частотаси ёки статистикасини;

https://buxdu.uz

5) сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини;

6) сўз қўлланишининг яширин модели (имконияти)ни;

7) тил тараққиётининг турли даврида қўлланиш ҳолатини [8].

Тилшунослик корпуси муайян хусусиятларига кўра яхлит ҳолда (тил, жанр, матн ва ш.к.) ва қидирув тизими билан таъминланган матнлар тўпламидир. Лингвистик корпус иккала ёзма матнлар (газета матни, журналлар, адабий асарлар) ва радио ва телевидение транскриплирини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Корпусни ташкил қилиш жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Яратиш мақсадига қараб, корпус таркибидаги матнларни ўз ичига олиши мумкин (маълум бир тил, маълум бир тарихий даврда ёзилган адабий жанрлар).

Миллий тилшунослик корпуси – турли жанрдаги, услубдаги, минтақавий ва ёзма матнлар тилида тақдим этилган ва ўрганиш учун қизиқарли бўлган ижтимоий имкониятлар тили. Миллий тилшунослик корпуси ўқиш учун хизмат қилади. Миллий корпусда бош мақсад жонли тилни кўрсатиш бўлгани сабабли унда турли услуб ва жанрдаги матнлар корпус бирлиги сифатида ишлатилади, миллий корпусда репрезентативлик (матннинг жанрий хилма-хиллиги) устунлик қилади.

Корпус ҳар бир тилнинг моҳиятини акс эттирадиган кўзгу, имконият экан, ўзбек тилининг миллий ва таълимий корпусини яратиш ва ундан амалий фойдаланиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. // www.xabar.uz*
2. *Баркович А.А. Корпусная лингвистика: специфика современных метаописаний языка. // Вестник Томского государственного университета. 2016. № 406. С. 5-13.*
3. *Барсегян А.А. и др. Анализ данных и процессов: учеб. пособие /. 3-е изд., перераб. и доп. – СПб.: БХВ-Петербург, 2009. – 512 с.: ил. + CD-ROM – (Учебная литература для вузов).*
4. *Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L.,1969; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947.*
5. *Гвишиани Н.Б. Практикум по корпусной лингвистике. Учеб. пособие по английскому языку. – М.: Высшая школа, 2008.*
6. *Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. – СПб, 2013. – 148 стр.*
7. *Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. − (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс)- //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – СПб, 2006. 26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: http://rykov-cl.narod.ru/c.html; Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? "Отечественные записки" 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html*
8. *Менглиев Б. ва б. Ўзбек тилининг миллий корпуси. // Маърифат. – 26/04/2018.*
9. *McEnery T., Wilson A. Corpus Linguistics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2001. – 154 p.*
10. *Собирова Э. Корпус лингвистикаси – тилшунослик соҳасидаги янгилик. // https://uza.uz/*
11. *Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967; Синклер Д. Предисловие к книге "Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка". / Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www/ruscorpora.ru/corpora-infro.html, свободный.*
12. *Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. – Бухоро, 2018. – 250 б.*
13. *http://www.tuvancorpus.ru/?q=content/o-proekte*
14. *http://lab314.brsu.by/kmp-lite/CL/CL-Lect/LecCL51.htm*

https://buxdu.uz

УДК: 811.512.133’27

МУРОЖААТНИ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ

СОЦИОПРАГМАТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЕДИНИЦ, ВЫРАЖАЮЩИХ ОБРАЩЕНИЕ

SOCIOPRAGMATIC CHARACTERISTICS OF UNITS EXPRESSING APPEALS

Йўлдашева Холида Қўзиевна
ҚарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада лисоний имкониятлар хосланишида социал ва прагматик омилларнинг ўрни, нутқий мулоқотнинг социопрагматик хусусиятлари ҳамда мулоқотнинг асосини ташкил қилувчи мурожаат шаклларининг ижтимоий мансублик, суҳбатдошларнинг таниш-нотанишлиги, мулоқотчиларнинг ёши, уларнинг жинси каби социал ва прагматик омиллар асосида хосланишлари бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида ёритилган. Шунингдек, нутқий мулоқотда семметрик ва асимметрик муносабатнинг юзага келиши мурожаат бирликлари мисолида таҳлил қилинган.*

Таянч сўзлар: *этномаданий муҳит, социал роль, сўзловчи, тингловчи, нутқий этикет, мурожаат шакллари, социал хосланиш, социал ва прагматик омиллар, семметрик ва асимметрик муносабат.*

Аннотация. *В статье рассматривается роль социально-прагматических факторов в выделении языковых возможностей, социально-прагматических особенностей речевого общения и форм обращения, основанных на таких социально-прагматических факторах, как социальная принадлежность, знакомства, возраст, пол. Возникновение симметричных и асимметричных отношений в речевом общении также анализируется на примере эталонных единиц.*

Ключевые слова: *этнокультурная среда, социальная роль, говорящий, слушатель, речевой этикет, формы обращения, социальная особенность, социально-прагматические факторы, симметричные и асимметричные установки.*

Abstract. *The article deals with the role of social and pragmatic factors in the clarifying of linguistic opportunities, sociopragmatic features of speech communication and the forms of appeals based on social and pragmatic factors such as social affiliation, acquaintances, age, gender. The occurrence of symmetrical and asymmetrical relations in speech communication is also analyzed on the example of reference units.*

Key words: *ethnocultural environment, social role, speaker, listener, speech etiquette, forms of appeals, social feature, social and pragmatic factors, symmetrical and asymmetric attitude.*

Маълумки, тилнинг функционаллашувида маълум бир социал ролни ифодалаш учун хосланган тил бирлигининг нотўғри танланиши нутқий мулоқотнинг муваффақиятсизлигига олиб келади. Этник маданият ва мулоқот одоби, сўзловчининг индивидуал ички дунёси кабиларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли мавжуд бўлиб, мулоқот вазиятини система сифатида яхлит қамраб олиш, комплекс таҳлил қилиш натижасида бундай муаммоли вазиятнинг сабаблари ва ундан чиқиш йўллари вариациясини тахмин қилиш мумкин**.**

Турли этномаданий муҳитда социал роллар турлича характер касб этиши тайин. Бу тақсимот айрим этноментал муҳитда катталар ва кичиклар, ота-оналар ва болалар орасида қатъий қонуниятлар асосида яшовчандир. Бошқа этномаданий жамиятда эса социал роллар фақат эркак ва аёллар орасида кўпроқ тақсимланган бўлиши табиий. Шунинг учун этномаданий тутумлар асосида ёш ва гендер роллари ҳақида сўзлаш лозим, зеро ахлоқ меъёрлари аёллар ва эркаклар, катталар ва кичиклар учун турли жамиятда ўзига турличадир [4; – с. 259].

Социал ролларнинг муҳим узвларидан бири ижтимой мўлжалдир. Атрофдагилар у ёки бу муайян вазиятда шахс хулқидан нима кутишса, яъни нимани мўлжал қилишса, шуни талаб

https://buxdu.uz

қилишга ҳақли. Шахс эса талабга мослашишга мажбур. Маълум бир типик ролга биркитилган мажбуриятдан у ёки бу даражадаги чекиниш социал ахлоқ меъёрини бузиш саналади, ролдан ташқарига чиқиш ҳисобланади. Шу маънода лисоний имкониятлардан ҳам ён-атроф кутган даражада фойдаланиш тил функционаллашувининг меъёрини кўрсатади. Кутилмаган ва фавқулодда натижанинг вужудга келиши шахсий, социал ёки миллий лисоний меъёрларнинг бузилиши сифатида намоён бўлади. Ҳар бир роль бажарувчидан бу ролга хос вазифалар талаб қилингани каби, ҳар бир социум ва унинг вакилидан шу типга хос нутқий хусусият талаб этилади. Масалан, сўз санъаткорларидан тил имкониятларини маълум даражада кенгайтириш кутилади. Ўқитувчиларда жаргон ёки арготик ифодалар қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Нутқ одоби хушмуомалаликни амалга оширувчи услубий белгили лингвистик воситаларнинг микросистемасини ўз ичига олади. Бу жамият томонидан суҳбатдошлар ўртасида нутқ алоқасини ўрнатиш учун, коммуникантларнинг бир-бирига нисбатан ижтимоий ўринлари ва роли позицияларига мос келадиган, расмий ва норасмий шароитларда ўзаро муносабатларга мос келувчи танланган оҳангда мулоқот қилиш учун белгиланган барқарор алоқа формулалари тизимидир.

Тор маънода нутқ одоби — мурожаат этиш, диққатни жалб этиш, танишув, саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, маслаҳат, рад этиш, илтифот, илтимос, ҳамдардлик ва ҳоказо мазмундаги дўстона мулоқот бирликларининг функционал ва семантик майдонидир. Нутқий этикет формулалари амалга оширилувчи энг кўп мулоқот вазиятлари мавзувий гуруҳлар шаклида тасвирланади. Келтирилган нутқий этикетлар орасида мурожаат шакллари алоҳида ўринни эгаллайди. У мулоқот вазиятининг прагматик координаталарида амалга оширилади, шунинг учун ижро этувчи сифатида белгиланади, яъни нутқ акти ҳаракатга тенг.

Мурожаатларнинг мавзуий гуруҳини аппелятив-вокатив вазифаси билан бирлашган номинациялар мажмуи ташкил этади. Унинг олдиндан мақсади – тингловчининг номини айтиш ва унинг эътиборини жалб этишдир. Мурожаат – нутқ одобида ифодаланган энг йирик мавзуий ва интенционал гуруҳ бўлиб, у аввало суҳбатдош билан алоқа ўрнатишнинг бошланишини кўрсатади. Манзилни танлаш адресант ва адресатнинг ижтимоий роли ва мақомини ҳамда уларнинг муносабатларини акс эттирувчи қадриятларнинг кенг доирасини намоён этувчи жуда муҳим ва хилма-хил маълумотларни ўз ичига олади.

Сўзловчи ва тингловчининг жамиятда қандай ўрин тутиши, ёши, жинси, лавозими, касб-кори, яъни социумнинг ижтимоий статусига қараб мурожаат шакллари танланади ва социал роллар ўзгариши билан мурожаат бирликлари ҳам ўзгариб бораверади. “Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мурожаат шакллари халқнинг ўзлигини англаши қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезонлардан биридир” [1; 81-б.]. “Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда нутқ фаолияти, нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа-аралашувга хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига муносабатини ифодалайдиган, ўзида турлича коннотатив маъноларни, семантик “оҳангларни” ташийдиган ўткир таъсирчан воситадир” [2; 122-б.]. Ш.Искандарова ўзбеклар мулоқотида ишлатиладиган мурожаат шаклларини бир нечта омил билан белгилайди [3; 67-б.]. Булар:

– ижтимоий мансублик;
– касб–лавозим, унвон;
– суҳбатдошларнинг таниш-нотанишлиги;
– нутқий ҳаракат шароити;
– мулоқотчиларнинг ёши;
– уларнинг жинси;
– яшаш жойи;
– услубий ҳолат;
– мулоқотчилар характери.

Инсоннинг яшаш тарзи, шароити, жамиятда тутган ўрни ва шу каби масалалар уларнинг нутқий фаолиятида ҳам акс этади. “Ижтимоий статус ва роллардаги фарқлар

https://buxdu.uz

албатта мулоқот бирликларининг социопрагматик хусусиятларида “из” қолдиради” [5; 122-б.].

Мурожаат шаклларини таҳлил қилганда, у сўзловчи ва тингловчи ўртасида алоқани вужудга келтириш билан бир қаторда, суҳбатнинг қандай давом этишини, коммуникантларнинг бир-бирига турли муносабатини, ҳурмати, ёши, жинси, шу билан бирга, ўзи яшаган ёки яшаётган давр колоритини, миллий маданиятини ҳам намоён этади.

Социопрагматик омилларнинг хусусиятлари ҳақида гап кетганда, олимлар семметрик ва асимметрик муносабатни таъкидлайдилар. Симметрик муносабатда коммуникантларнинг ёши, жинси ва ижтимоий мавқеи тенг бўлади. Асимметрик муносабатда эса нутқий жараёнда суҳбатдошларнинг социал жиҳатдан номутаносиблиги англашилади. [6; 51-б.].

Мурожаат ифодаловчи бирликларнинг нутқий жараёнда қўлланилишида ҳам симметрик ва асимметрик муносабат яққол кўзга ташланади.

М.Ҳакимов симметрик нутқ тушунчаси ортида 2 хил ҳолат кузатилишини таъкидлайди. Биринчи ҳолатда симметрик нутқий муносабатга киришувчи шахслар симметрия термини назариясига кўра тенглик асосидаги “самимийлик” муносабатида бўладилар. Бу ҳолатга кўра, уларнинг нутқида “тенг ҳуқуқлилик”, “самимийлик” оттенкаси ўз ифодасини топади. Иккинчи кўринишида эса коммуникантларнинг ёши, жинси, социал мавқеига кўра улар ўзаро тенглик муносбатида бўлсалар-да, бироқ нутқий мулоқотда симметрик муносбатнинг салбий кўриниши кўзга ташланади [7; –Б.66-67].

... Бир куни – Холида у пайтда ҳали мактабга қатнар эди – синфдош бир қиз Холиданинг юзидан чимдиб олди.

– Ҳу, чўригина,– деди қиз, ғазабданми, ҳавасданми кўзлари чақнаб. – Юзинг лўппигина, тикон урса, қон тирқирайди! Тўғнағич урайми? Холида шундан кейин мактабга қадам босмай кетди, ҳеч ким бунга парво ҳам қилмади... (У.Назаров. “Чаён йили”)

Ушбу мисолда коммуникантлар нутқидан уларнинг ёши ва жинси тенг эканлигини диалогик мулоқотдан англаш мумкин. Мурожаат қилиш жараёнида адресант “*чўригина*” бирилигини танлайди. Мулоқот жараёнида симметрик муносабатнинг иккинчи кўриниши акс этганлигини кузатиш мумкин. Коммуникантлар ёш ва жинс ҳамда ижтимоий мақеига кўра тенг муносабатда бўлса-да, муносбатнинг салбий кўриниши юзага келганлигини кўриш мумкин.

Дарча яна тарақлади. – Ким у? — чўчинқираб овоз чиқарди Замира хола.

– Хола, бу мен, Ўлмасман, — деди дарча орқасидан Ўлмаснинг овози Гулсум опанинг юраги увушиб кетди — бирон балони бошламасайди. Замира хола имо-ишора билан Гулсум опани чақирди — ўзи бундай жанжалли вазиятга бас кела олмаслигини, умуман, бунақанги ишкал нарсаларга аралашмасликни маъқул кўрарди.

– Хайрлашгани келдим. Аскарликка жўнаяпман. Бугун кетаман. Масъудни чақирворинг. — Масъудхўжа йўқлар, айланай, — деди Замира хола, икки кўзини Гулсум опадан олмасдан.

– Ким бор, хола? — Ким керак, айланай? (У.Назаров. “Чаён йили”)

Юқорида келтирилган мулоқот жараёнида асимметрик нутқий муносабат бўлиб, мулоқот жараёнида нутқий вазиятга мос тарзда мурожаат бирлиги танланганлигини кўриш мумкин. Бунда нутқ иштирокчиларининг ёши, жинси ва жамиятдаги мавқеи бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли нутқ бирликларининг ҳам шунга мувофиқ танланганлигини кўришимиз мумкин, яъни мулоқот жараёнида эркак жинсига мансуб, ўрта ёшлардаги Ўлмаснинг ёши катта аёлга нисбатан “хола” мурожаат бирлигининг танлаганлиги ва аёл коммуникант нутқида эса “айланай” мурожаат шакли қўлланилганлигини кўриш мумкин. Мулоқот жараёнида ўзбек аёллари нутқига хос ижобийликни юзага чиқарувчи “айланай” мурожаат бирлиги қўлланган.

Сўзловчи ва тингловчининг ёшига кўра фарқланиши ҳам алоҳида-алоҳида ижтимоий гуруҳлар сифатида қаралади. Бундай фарқланиш ҳар бир миллатнинг миллий ўзига хослиги, яъни менталитетидан ҳам келиб чиқади. Асосан, ёшга қараб қилинган мурожаат ўзбеклар мулоқотида ўзига хос сезиларли фарқига эга. Қоидага кўра, ёш бола ота-онасига, шунингдек,

https://buxdu.uz

ўзидан катта ёшдаги кишиларга уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмайди, балки исм ўрнида қариндошлик терминларини қўллайди. Мулоқотда коммуникантларнинг ёшига қараб қариндошлик терминлари орқали мурожаат этиш ўзбек мулоқот маданиятининг асосини ташкил қилади.

Мурожаат бирликларининг социопрагматик жиҳатларига эътибор қаратар эканмиз, нутқнинг жинсга кўра хосланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буни оддий мулоқот маданиятимизда ҳам учратиш мумкин. “Аёллар нутқида “овсин”, “дугонажон”, “эгачи”, шунингдек, турмуш ўртоқларига қарата “дадаси” мурожаат шакллари мавжуд” [3; 19-б.]. Бадиий асар тилида, асосан, диалогик мулоқотда коммуникантларнинг бир-бирига мурожаати акс этади.

– *Гулсум опага ўғли бу хабарни айтмовди, бечора она донг қотиб қолди, бир зумда кўзига ёш келди. – Вой,* ***адаси****! – ўшқирди у эрига, одобни ҳам унутиб.* (У.Назаров. “Чаён йили”)

Бадиий асардан олинган юқоридаги диалогик нутқда аёллар нутқига хос мурожаат бирлигининг қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек мулоқот маданиятида эр ва хотиннинг бир-бирига мурожаатида кўпинча тўнғич фарзанд исми билан чақириш ҳолатлари мавжуд. Шу билан бирга аёллар нутқида юқорида келтирилган мурожаат шакллари учраса, эркаклар нутқида ҳам ўзига хос бирликларни учратиш мумкин.

Тошкандлик бир мусофирга бериш хўрлиги Офтоб ойим учун оғир эди.— Энди қандай кенгаш берасан, ***хотин****? Офтоб ойим ўз фикрини очиқ айтишка юраксина олмас, эрининг кўнгли олинишидан қўрқар, аммо — «мусофир» масаласига жону дилдан қарши эди. — Сиз мувофиқ кўрган бир ишқа қарши тушиб, раъйингизни қайтара олмайман, — деди кўб ўйлагандан кейин Офтоб ойим, — чунки нима бўлганда ҳам сизнинг оталиқ исмингиз бор, ҳам кўброқ ихтиёр сизнинг қўлингиздадир.* (А.Қодирий “Ўткан кунлар”)

Юқоридаги диалогик нутқ эр-хотин ўртасидаги мулоқот жараёни бўлиб, эркак адресант томонидан “*хотин”* мурожаат бирлиги қўлланганлигини кўриш мумкин. Ўзбекона мулоқот маданиятида эр-хотин ўртасидаги мулоқотда ҳам асимметрик муносабат юзага келади. Чунки бундай мулоқотда социал мавқе асосий ўринни эгаллайди.

Мурожаат бирликларининг социопрагматик жиҳатдан ўрганишда коммуникантларнинг ижтимоий мақоми билан бирга прагматик омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Нутқий вазиятларга қараб коммуникантларнинг ижтимоий мақоми ўзгарар экан, мурожаат бирликлари ҳам шунга мувофиқ танланади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007.*
2. *Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2008.*
3. *Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993.*
4. *Майерс Д. Социальная психология. – СПб., 1997.*
5. *Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008.*
6. *Формановская Н.И. (2005). Культура общения и речевой этикет. – М.: изд.-во «ИКАР».*
7. *Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент, 2013.*

https://buxdu.uz

УДК: 80:413.801.3

ИНГЛИЗ ТИЛИДА МУРАККАБ СЎЗЛАРНИ ЯСАШ УСУЛЛАРИ
СПОСОБЫ ОБРАЗОВАНИЯ СЛОЖНЫХ СЛОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ
WAYS OF FORMATION OF COMPOUND WORDS IN ENGLISH LANGUAGE

Абдуллаева Лазиза Аброровна
преподаватель кафедры английского языка УМЭД

Аннотация. *Мақола инглиз тилида мураккаб сўзлар ва ибораларни шакллантириш хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Компрессия ва сўзлар тузилиши каби мураккаб сўзларни шакллантириш усуллари кўрсатилган, компрессивлик ва иборалар мисоллари келтирилган. Синтактик кўчишга асосланган компрессивлик турлари таҳлил қилинган ва мисоллар келтирилган.*

Таянч сўзлар: *структура, аффикс, мураккаб сўзлар, иборалар, шаклланиш, компрессия, компрессив, таркибий, синтактик кўчиш, хилма-хиллик, маъно.*

Аннотация. *Статья посвящена исследованию особенностей образования сложных слов и словосочетаний в английском языке. Выделяются способы образования сложных слов такие как компрессия и основосложение, приводятся примеры компрессивов и словосочетаний. Анализируются виды компрессии на основе синтаксического смещения, также сопровождаются примерами.*

Ключевые слова: *структура, аффикс, сложные слова, словосочетания, образование, компрессия, компрессив, компонент, синтаксическое смещение, разновидность, значение.*

Abstract. *The article is devoted to the study of the features of the formation of complex words and phrases in English. Methods for the formation of complex words such as compression and foundation are highlighted, examples of compressives and phrases are given. The types of compression based on syntactic offset are analyzed, also accompanied by examples.*

Key words: *structure, affix, compound words, phrases, formation, compression, compressive, component, syntactic offset, variety, meaning.*

«Каждое слово – особый микромир, изучить тайны которого не только необходимо и поучительно, но и удивительно». Так подчёркивал Ф.П. Филин в своей работе «Очерки по языкознанию». Изучая словарный состав языка, который постоянно изменяется, мы полностью одобряем его слова, т.к. именно слова играют огромную теоретическую и практическую роль в языке. Одни слова выходят из употребления, отмирают, другие слова появляются и пополняют собой словарный состав языка. Отличительной чертой любого языка является его способность чутко реагировать на малейшие изменения в общественной, культурной и повседневной жизни его носителей.

Пополнение словарного состава языка происходит различными путями: за счёт расширения семантической структуры уже существующих слов и образования омонимов, за счёт заимствования новых слов из других языков или же из диалекта того же самого языка. Новые слова в языке создаются по определённым моделям, сложившимся в языке: с помощью продуктивных словообразовательных морфем, аффиксов, с помощью словосложения, когда объединяются в одно целое две или более основ, с помощью безаффиксного образования.

Словосложение является одним из продуктивных типов словообразования в современном английском языке. Как известно, существует много определений сложного слова, и во всех этих определениях бесспорным фактом остаётся то, что структура сложного слова включает не менее двух основ или, что сложное слово состоит из двух непосредственно составляющих компонентов. Например, *blackboard, daylight, to press-show,* и т.д. Наблюдения над сложными словами дают возможность установить тенденции словосложения в том или ином языке, выявить наиболее активные процессы в словосложении.

https://buxdu.uz

В практических целях описание сложных слов помогает установлению регулярных соответствий между сложными словами одного языка (например, иностранного языка, изучаемого в практических целях) и соответствующими им по значению языковыми средствами другого языка (например, родного языка студента), что, безусловно облегчает понимание и перевод таких единиц на родной язык. Описание сложных слов необходимо ещё и потому, что в связи с неизбежным отставанием лексикографической практики многие сложные слова, даже регулярно воспроизводимые в речи и, по существу уже вошедшие в лексический состав языка, в течение долгого времени не попадают в словари. Например, следующие весьма распространённые образования отсутствуют во многих словарях переводных и толковых: *much-needed (book), card-carrying (communist), class-biased (policy)*. Такие слова могут создавать некоторые затруднения для лиц, изучающих английский язык, т.к. даже прозрачные по структуре и семантике, но встречающиеся впервые сложные слова вызывают сомнение при попытке осмыслить их значение.

Сложные слова в современном английском языке образуются двумя способами: компрессией и основосложением.

I. Компрессия – образование сложных слов на базе словосочетаний или предложений в результате снижения уровня компонентов исходного словосочетания или предложения.

Например:

Словосочетания и Компрессивы
предложения

To drop out
A performance (given out of town)
On the do-it-yourself principle
Dark-hair
Old lady
A dropout (date)
An out-of-town performance
Do it yourself
Dark-haired (girl)
Old-ladyish (look)

К компрессии приводят:

А) синтаксическое смешение словосочетания или предложения (без изменения или с изменением компонентного состава);

Б) нарушение уровней однопорядковости вследствие присоединения к словосочетанию или предложению словообразовательного или формоизменительного аффиксов.

В) синтаксическое смещение – нарушение порядка следования и норм связи слов в предложении. Семантическое смещение ведёт к разрушению синтаксических связей между компонентами словосочетания, нарушению синтаксических отношений между членами предложения и к потере компонентами словосочетания и предложения синтаксической самостоятельности.

В результате синтаксического смещения компрессии подвергаются:

1) Подчинительные словосочетания в функции подлежащего и дополнения: словосочетание типа *to take off (a draw all), a round up, a comeback); to hold all (a hold all, a knowall).*

2) Подчинительные словосочетания в функции сказуемого: словосочетания типа: *a flight test - to flighttest (to roadtest, to headline); a black list- to blacklist (to sweettalk).*

3) Подчинительные словосочетания в функции препозитивного определения: словосочетания типа: *end of term — end of term examinations; heart- to heart (a heart- to-heart talk).*

4) Сочинительные словосочетания в функции сказуемого типа: *a hook and eye (to hook and eye).*

https://buxdu.uz

5) Сочинительные словосочетания в функции препозитивного определения типа: *hole and corner (a hole and corner conspiracy, a cat and dog life).* Сложные слова могут быть образованы компрессией также на базе словосочетаний других типов. Например: *smb's know how (из словосочетания to know how), a go between* (из словосочетания *to go between*). Синтаксическое смещение может приводить к компрессии целых предложений: *a money – on your — life demand, an I — thought if— would be — so shake of head.*

Если подвергающееся компрессии словосочетание или предложение используется в функции морфологически изменяемой части речи, синтаксическое смещение сопровождается нарушением уровней однопорядковости. Например, словосочетание a performance given out of town переходит в an out-of-town performance. Сложные слова, образованные компрессией словосочетаний и предложений в результате синтаксического смещения без изменения их компонентного состава можно для краткости назвать компрессивами.

Компрессивы – характерная особенность современного английского языка. Внешне компрессивы похожи на словосочетания, они могут оформляться на письме как несколько графических единиц, но с формальной точки зрения компрессивы являются словами.

Существование омонимичных словосочетаний и предложений делает компрессивы семантически двухплановыми: они воспринимаются не изолированно, а на фоне исходных словосочетаний и предложений.

Stay slim — a stay slim diet

First come, first served — on the first—come, first served basis

Функционирование компрессивов ограничено. Большинство из них является индивидуальными авторскими образованьями и используются для придания речи образности и новизны.

Например:

She looked at him in the "what—a brave-hero-you-are. Manner (A. Christie)

В английском языке компрессивы часто встречаются в рекламных объявлениях, где их цель – привлечь и задержать внимание читателя. Например:

Give your hair pick-me-up with the vitapoint care conditioner.

Приводящее к компрессии синтаксическое смещение может сопровождаться изменением – компонентного состава исходного словосочетания. Это изменение заключается в отсечении словообразовательного суффикса, входящего в состав второго компонента. Изменение компонентного состава наблюдается при образовании сложных глаголов из субстантивных словосочетаний.

Субстантивные словосочетания Сложные глаголы

Vacuum cleaning } *To vacuumclean*
Vacuum cleaner

Holiday making } ***To holidaymake***
Holiday maker

Dry cleaning } *To dryclean*
Dry cleaner

Skin diving } *To skindive*
Skin diver

Компрессию может вызвать нарушение однопорядковости, т.е. присоединение к словосочетанию или предложению единицы низшего уровня – морфемы. Словообразовательными аффиксами, вызывающими компрессию, являются в большинстве случаев суффиксы. При компрессии, происходящей в результате нарушения однопорядковости, образуются главным образом прилагательные. По своей структуре они являются сложнопроизводными словами.

Например:

https://buxdu.uz

darkhair - dark-haired (girl), rubber sole - rubber-soled (shoes) Присоединение формоизменительного суффикса включает их в парадигму соответствующей части речи, и как единое целое, сложное существительное приобретает показатель множественного числа.

Например:

Stay-at-homes, hand-me-downs.

Сложный глагол приобретает временные формы и формы лица и числа:

The car was road-tested.

You are sidetracking me.

II. Основосложение – образование сложных слов соединением основ или основы и слова. Разновидностями основосложения являются сложение основ полных и усеченных, одинаковых и разных. Сложением полных основ образуется полнословные сложные слова, например: *air-sick, stone-cold, to double-charge, to air-cool.* Сложением усеченных основ образуются сложные аббревиатуры, например: *USA, V-Day.*

Г.И. Арбекова дает следующие разновидности сложных слов:

1) Сложнопроизводные слова: *dark-haired, week-ender, schoolgirlish.*
2) Сложные непроизводные (сложные корневые) слова: *to blacklist, air-sick.*
3) Сложные полнословные слова: *to flighttest, to waterlight.*
4) Сложные аббревиатуры: *V-Day, UNO.*

Сложное слово отличается от словосочетаний – свободных и устойчивых – своим составом, т.е. сложное слово состоит из основ и не имеет синтаксических отношений между компонентами.

Целостностью своего значения сложные слова совпадают с устойчивыми словосочетаниями, но между компонентами словосочетаний существует синтаксическая связь.

Мы определяем, таким образом, сложное слово, как лексико-грамматическое единство, состоящее из более одной основы, и не имеющее никакой синтаксической связи между компонентами, имеющими единое ударение и использующееся в речи как одно слово.

Простое слово – это семантически цельнооформленное лексико-грамматическое единство, состоящее из одной основы, и которое постоянно повторяется и употребляется в таком готовом виде в процессе речевого акта.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Арбекова Т.И. Лексикология современного английского языка. – М., 1977, с.120*
2. *Амосова Н.Н. Этимологические основы словарного состава английского языка. – М., 1976, с. 130*
3. *Каращук П.М. Словообразование английского языка. – М., 1975, с.105*
4. *Кубрякова Е.С. Что такое словообразование? – М., 1975, с. 61*
5. *Мешков О.Д. Словосложение в современном английском языке. – М., 1985, с.149*
6. *M. Rundell. Macmillan English Dictionary. UK, 2001.*
7. *S. Wehmeier. Oxford Wordpower dictionary. Oxford, 1993*

UDK: 81.374

TAQLID SO‘ZLARNING O‘RGANILISH TARIXI VA LUG‘ATLARDA BERILISHI

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ЗВУКОПОДРАЖАТЕЛЬНЫХ СЛОВ И ИХ ОТРАЖЕНИЕ В СЛОВАРЯХ

HISTORY OF LEARNING ONOMAPOETIC WORDS AND THEIR REFLECTION IN DICTIONARY

Yo‘ldosheva Dilso‘z Shokir qizi

QarDU o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Taqlid so‘zlar haqida bugungi kunda tilshunoslikda qarashlar har xil bo‘lib, ba’zi tilshunoslar mustaqil so‘z turkumi sifatida ham yondashmoqda. Taqlid so‘zlarning o‘rganilishi va taqlid so‘zlarga bo‘lgan bugungi kundagi qarashlar va tasniflashdagi farqli o‘rinlar ushbu maqolada yoritilgan. Shuningdek, bu so‘zlar atrofdagi muhitda (odam, hayvon, qush, jonsiz*

https://buxdu.uz

predmetlarda) uchraydigan ovoz(tovush)larni qayta tiklab, tovush obrazi sifatida, predmetlar harakati tasvirini esa harakat obrazi sifatida ifodalaydi.

Tayanch so'zlar: *taqlid so'z, undov so'z, modal so'z, holat, harakat, tasviriy so'zlar.*

Аннотация. *Сегодня лингвистические взгляды на звукподражательные слова различны, и некоторые лингвисты рассматривают это как на самостоятельную отрасль науки. Примеры звукподражательным словам и различия в классификации и сегодняшние взгляды на звукподражательные слова рассматриваются в этой статье. Он также воспроизводит звуки (звуки), обнаруженные в окружающей среде (человек, животное, птица, неодушевленные предметы), и представляет изображение объектов как движения, а изображения объектов как объекты движения.*

Ключевие слова: *звукподражательные слова, восклицание слов, модалные слова, статус, движение, иллюстративные слова.*

Abstract. *Today, linguistic views on sound-imitating words are different, and some linguists see it as an independent branch of science. Examples of sound words and differences in classification and current views on sound words are discussed in this article. It also reproduces sounds (sounds) found in the environment (human, animal, bird, inanimate objects) and presents images of objects as movements, and images of objects as objects of movement.*

Key words: *imitation word, exclamation word, modal word, status, action, descriptive words.*

Kirish. Har bir xalqning tili uning tarixiy taraqqiyotidagi eng noyob va mukammal boyligidir. Tilda xalqning taqdiri, yashash tarzi, ma'naviy boyligi aks etadi. Til xalq, millat ruhining betakror va hech bir zamonda xira tortmas ko'zgusidir. Har bir tilda shu til egasi bo'lgan millatning saviyasi, ruhiyati o'zining yorqin ifodasini topadi. Shu sababli har bir xalq ona tilining sofligi, kamoloti va rivoji uchun tinmay qayg'uradi. Hozirgi kunga qadar o'zbek tilshunosligi va ona tili ta'limi barcha yo'nalishlarda ancha yutuqlarga erishdi. Jamiyatimizda yuz berayotgan ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar tilimiz oldida yanada yangi vazifalarni qo'ymoqda.

Asosiy qism. O'zbek tilshunosligida taqlid so'zlarni o'rganishga bag'ishlangan ishlar o'tgan asrning yigirmanchi yillaridan keyin yuzaga kelgan va turkiy tillarning ko'pchiligida taqlidiy so'zlar kategoriyasi u yoki bu darajada ishlangan. O'zbek tilshunosligida esa bu masala 50-yillargacha alohida tadqiqot obyekti sifatida o'rganilgan emas. O'sha paytgacha o'zbek tili, xususan, grammatika bo'yicha yozilgan qo'llanmalarda taqlidiy so'zlarga juda kam o'rin berilgan va ularning ko'pchiligida taqlidiy so'zlar undov so'zlarning ajralmas qismi sifatida ko'rsatilar edi.

Taqlid (tasviriy) so'zlarning o'rganilishi XX asrning 60-70-yillaridan boshlangan. R.Qo'ng'urovning ilmiy izlanishlarigacha taqlid so'zlar o'zbek tilshunosligi sohasida maxsus kuzatish obyekti sifatida o'rganilmagan edi. R.Qo'ng'urovning "O'zbek tilida tasviriy so'zlar" (1966) nomli monografiyasida taqlid so'zlarni mustaqil so'z turkumi sifatida o'ziga xos fonetik, leksik, grammatik, shuningdek, stilistik xususiyatlarga egaligi ta'kidlab o'tilgan. Garchi shunday xulosaga kelingan bo'lsa-da, taqlid so'zlarni modal va undov so'zlar qatorida "alohida guruhga xos" deb o'rganilgan. A.G'ulomov o'zining maktablar uchun tuzgan darsliklarida, «O'zbek tili morfologiyasiga kirish» asarida taqlidiy so'zlarni undovlarning bir turi sifatida ko'rsatsa-da, 1957-yil avgustida maktablarda o'zbek tili o'qitishni yaxshilash masalalari bo'yicha o'tkazilgan respublika konferensiyasida qilgan ma'ruzasida taqlidiy so'zlarni ayrim tur qilib ajratish lozimligini alohida qayd qiladi.

Bugungi kunda bir qator tadqiqotchilar tomonidan taqlid (tasviriy) so'zlarni mustaqil so'z turkumi sifatida e'tirof etilayotganini ko'rishimiz mumkin. Bunga asos sifatida tasviriy so'zlarning quyidagi xususiyatlari sanaladi:

- turkiy tillarda taqlid so'z (tasviriy so'z) larning ko'p va ma'no jihatdan rang-barangligi;
- taqlid so'zlardagi tovushlar tizimi ma'lum obyektiv voqelikdan xabar berib turishi;
- tasviriy so'zlar gap tarkibida ma'lum bir sintaktik pozitsiya egallashi kabi bir qator asoslar keltiriladi. Tasviriy so'zlarning ifoda tomoni mazmun tomoni bilan tabiiy bog'lanishga ega bo'lib, u borliq hodisalariga taqlidning lisoniy ifodasi hisoblanadi. Tasviriy so'zlar gapda ifodalangan mazmunga aniqlik, konkretlik, tasviriylik kiritish uchun ishlatiladi.

https://buxdu.uz

O‘zbek tilshunosligidagi ba’zi tadqiqotlarda taqlid (tasviriy) so‘zlarni an’anaviy olti mustaqil so‘z turkumlari qatorida mustaqil yettinchi so‘z turkumi deb hisoblash hollariga ham duch kelamiz.

Kishilar, boshqa jonli va jonsiz predmetlar va hodisalar chiqargan tovushlar taqlidini ularning turli xil ko‘rinishi, holat, harakatlarning tasavvurini ifodalovchi so‘zlar taqlid so‘zlar deyiladi.

Taqlidiy so‘zlar kishilar, boshqa jonli va jonsiz predmetlar hamda hodisalar chiqargan tovushlar taqlidni – ularning turli xil ko‘rinishi, holat, harakatlari tasavvurini ifodalovchi birliklar sifatida izohlangan hamda tovushga taqlid va obrazga taqlid so‘zlar tarzida guruhlangan. O‘z navbatida, har bir guruh yana ma’lum semantik maydonlarga birlashtirilgan. Masalan, tovushga taqlid so‘zlar – jonli predmetlar tovushiga taqlid asosida: kishilarning harakatlaridan paydo bo‘lgan va turli hayvon, jonivorlar tovushlariga; jonsiz predmetlar tovushiga taqlid asosida: qattiq jismlar; har xil mexanizmlar, motorlar, transport kabilarning harakatidan va qurollardan o‘q uzish paytida paydo bo‘lgan; gazsimon predmetlar va suyuqliklar harakatidan paydo bo‘lgan tovushlarga taqlid so‘zlar tarzida umumlashtirilgan. Ayni paytda bu semantik maydonga kirmaydigan g‘arj-g‘urj, chip-chip, jiz-biz, chirt-chirt singari taqlidiy so‘zlar ham borligi ta’kidlab o‘tilgan.

Obrazga taqlid so‘zlar esa harakatni va uning tavsifini bildiruvchi, kishi va boshqa predmetlarning holati, tashqi ko‘rinishi tasvirini ifodalovchi, yorug‘lik tasvirini ifodalovchi semantik guruhlarga birlashtirilgan. Devor gup etib quladi (tovushga taqlid so‘z) – gup-gup qor yog‘moqda (obrazli so‘z); osh burq-burq qaynamoqda (tovushga taqlid so‘z) – burq-burq tutun tarqaladi (obrazli so‘z). Tasviriy so‘zlar gapda ifodalangan mazmunga aniqlik, konkretlik, tasviriylik (tovushga taqlid so‘zlar, harakat-holatga taqlid so‘zlar) kiritish bilan bir qatorda, ta’kidlash, umumlashtirish va ta’sirchanlik (til birligiga taqlid so‘zlar) xususiyatlariga ham egaligini aytishimiz mumkin.

Ona tilimizning lug‘at boyligi har jihatdan boyidi va takomillashdi. «Xuddi shu bebaho boylikning tarkibini jamiyatimizning har bir a’zosiga tushunarli tarzda ta’riflash va tavsiflashga ulkan ehtiyoj tug‘ilgani uchun hukumatimiz qabul qilgan dasturga muvofiq Til va adabiyot instituti olimlari besh jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ni (2006-2008) yaratishdi. Bu lug‘at ming yillik o‘zbek lug‘atchiligi an’analari va dunyo lug‘atchiligi tajribalaridan unumli foydalangan holda tuzilgan fundamental nashrdir.

O‘zbek tili lug‘at boyligini kengaytirish hamda har bir so‘zning izohi, asl ma’nosi, vazifasi, etimologik kelib chiqishi, dialektal variantlari hamda nutqda voqelanadigan turli xil variantlarini o‘rganish o‘zbek tilshunosligi oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Ana shunday vazifalardan yana biri taqlid so‘zlarga oid so‘z va terminlarni to‘plash, ularni ilmiy tadqiq etishdir. O‘zbek tilshunosligida taqlid so‘zlar deyarli o‘rganilmagan. Ushbu sohaga oid so‘z va terminlar “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”, eski o‘zbek tilidagi bir qancha lug‘atlar, shuningdek, qomusiy lug‘atlardan o‘rin olgan.

Taqlid so‘zlar quyidagi ma’no guruhlariga bo‘linadi:

Inson bilan bog‘liq bo‘lgan taqlid so‘zlar

O‘zbek tilida inson bilan bog‘liq bo‘lgan taqlid so‘zlar ikkiga, kayfiyatni bildiruvchi va harakatni bildiruvchi taqlid so‘zlarga bo‘linadi. Kayfiyatni bildiruvchi taqlid so‘zlarga yurak urishi, (yurak yana duk-duk qilib urdi, yuz ham qizardi) tomir pulsi kabilar kirsa, harakatni bildiruvchi taqlid so‘zlarga kulish, yig‘lash, ko‘z yosh oqishi, gapirish, baqirish, nafas olish, ovqat yeyish, ichish, yurish, yugurish, sakrash kabi harakatlar natijasida hosil bo‘ladigan ovozlar kiradi. Ovqat yeyish, ichishda chiqadigan ovozlar: shap-shap, biron-bir narsani tishlaganimizda chiqadigan ovoz: qars-qurs, chapillatib ovqat yeyish: chap-chap, biron-bir suyuqlikni ichayotgandagi ovoz: qult-qult.

Hayvonlar bilan bog‘liq bo‘lgan taqlid so‘zlar

Qushlarning sayrashi: chug‘urlash: chug‘ur-chug‘ur, chirillash, chirqillash: chir-chir. Qushlarning chug‘ur-chug‘uridan umuman uxlay olmadim.

Har xil hasharotlarning chiyillashi, chirillashi: chir-chir, chiyillash: chi-chi, vizillash: viz-viz, shivirlash: shivir-shivir. Bu chivin ataylab unga qarshilik qilganday, ursa ham yana qaytib kelib, boshimiz ustida viz-viz qila boshladi (gazeta matnidan).

It, tulkining uvullashi, vovullashi: vov-vov. Kuchukning vov-vov degan ovozi eshitildi (Janni Rodari).

https://buxdu.uz

Mushukning miyovlashi: miyov-miyov. Mushukcha och qolishi bilan miyovlaydi.

Sigir, qo‘y ovoziga taqlid so‘zlar: qo‘yning barashi: ba-ba, sigirning mo‘rashi: mo‘-mo‘. U qishloqda qushlarning chug‘ur-chug‘urini, sigirlarning mo‘rashini, qo‘ylarning barashini eshitishi mumkin edi.

Yirtqichlarning uvullashi, na’ra tortishi: u-u-uv. O‘rmonda bo‘ri u-u-uv tortdi.

Tabiat hodisalari bilan bog‘liq bo‘lgan taqlid so‘zlar

Shamol, shamolning g‘uvullashi: g‘uv-g‘uv, shamolning g‘irillashi: g‘ir-g‘ir.

Yaproqlar ovozi: shitir-shitir. Shom vaqtidagi shamol daraxt barglarini harakatga keltirdi, shitir-shitir ovozi bir zum ham tinmadi. (M.Shayxzoda).

Yomg‘ir: shivir-shivir – yomg‘irning sepalab yog‘ishi, shitirlab: shatir-shatir – yomg‘irning sharillab yog‘ishi. Ovqatdan so‘ng, yomg‘ir shitir-shitir qilib yog‘ib yubordi.

Olov: gur-gur, gurullab yonishi, patur-putur yonishi – shitir-shitir, shitirlab yonishi. Stol ustidagi sham birdaniga patur-putur yona boshladi.

Suv: qulqullash – qulq-qulq, suv tomchilagandagi ovoz – tik-tik, suvning quvur ichida g‘o‘ldiragan ovozi – g‘o‘ldir-g‘o‘ldir. Biz mashinadan tushganimizda suvning qulqullaganini eshitdik.

Chaqmoq, momaqaldiroq: gumburlash – gumbur-gumbur. Gumbur-gumbur sokin qora tunni ag‘dar-to‘ntar qilib yubordi, yomg‘ir birdaniga yog‘a boshladi.

Atrof-muhitdagi hodisalar bilan bog‘liq bo‘lgan taqlid so‘zlar

Mashina: g‘o‘ng- g‘o‘ng – mashina motorining ovozi.

To‘satdan ko‘chadan mashinaning g‘o‘ng‘illagan ovozi eshitildi.

Hushtak, signal ovozi: churrrr – hushtakdan chiqadigan ovoz, bi-bi – mashina signali. Zeng ustoz birdaniga turib, eshik oldiga yugurib borib, hushtak chaldi: churrrr! (Gorelov V.I.)

Chirt: Ip uzilishi, cho‘pning sinishidan hosil bo‘lgan keskin tovushni ifodalaydi. Ip chirt uzildi. Ilkis bir siltovdan arqon chirt uzildi. …Har zamonda oltinrang barg chirt uzilib, pildirab uchardi. Sherbek tishlari orasidan chirt etkazib tupurdi.

Chirq: Qushlarning chirillashi, ba’zi mayda narsalarning urilishi va shu kabidan hosil bo‘ladigan tovushlarni ifodalaydi. Ko‘p o‘tmay bir qushcha chirq etdi. Kechagi chittakmikan... (“O‘TIL”).

Xulosa. Taqlid so‘zlar leksik va formal xususiyatlariga ko‘ra alohida mustaqil guruhni tashkil qiladi. Bu guruhga kiruvchi so‘zlar his-hayajon, tuyg‘u yoki buyruq-xitobni ifodalamaydi. Ular atrofdagi muhitda (odam, hayvon, qush, jonsiz predmetlarda) uchraydigan ovoz (tovush)larni qayta tiklab, tovush obrazi sifatida, predmetlar harakati tasvirini esa harakat obrazi sifatida ifodalaydi. Taqlid so‘zlar gapda, asosan, hol va aniqlovchi bo‘lib kela olishi sababli keyingi paytlarda ayrim manbalarda ularni mustaqil so‘z turkumiga ham qo‘shish holatlari uchramoqda.

ADABIYOTLAR

1. G‘ulomov A. O‘zbek tili morfologiyasiga kirish. – T., Fan va texnika, 1962.

2. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. 1-qism. – T.: O‘qituvchi, 1980.

3. Tursunov U., Muxtorov J., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – T.: O‘qituvchi, 1992.

4. Qo‘ng‘urov R. O‘zbek tilida taqlidiy so‘zlar. – T.: Fan, 1966.

5. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спетс. «Иностр. яз.». – М.: Просвешение, 1984.

https://buxdu.uz

UDK: 81. 22

TILSHUNOSLIKDA FREYM TUSHUNCHASINING IFODALANISHIGA DOIR ILMIY-NAZARIY QARASHLAR

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ВЫРАЖЕНИЕ ПОНЯТИЯ ФРЕЙМЕ В ЛИНГВИСТИКЕ

SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ABOUT THE DESCRIPTION OF THE NOTION FRAME IN LINGUISTICS

Ikromova Lola Boltayevna
BuxDU nemis va fransuz tillari kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada kognitiv tilshunoslikni tavsiflashga turli yondashuvlar ko‘rib chiqiladi, konsept va konseptualizatsiya birligi sifatida so‘z boradi, kognitologiyaning kelib chiqishi, konseptuallikni tashkil etgan freym nazariyasining tarixi “bilim”, “ramka”, “ssenariy”, “sxema” kabi umumiy tushunchalar, “Stereotur”, “prototur” va qilingan kognitiv model, freym tahlil, shuningdek, umumlashtirilgan asosiy barcha tavsiflangan yondashuvlar doirasida tan olingan konseptual-kognitiv freymlar.*

Tayanch so‘zlar*: kognitiv tilshunoslik, kognititologiya, konsept tushunchasi, freym nazariyasi, konseptual sxema, stereotur vaziyat, prototur, freym tahlil.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются различные подходы к описанию когнитивной лингвистики, обсуждается ее как единица концепта и концептуализации, источник познания, история теории фреймов, составляющих концептуальность, общие понятия, такие как «знание», «рамки», «сценарий», «схема» «Стереотип», «Прототип» и «Созданная когнитивная модель», анализ фреймов, а также концептуально-когнитивные фреймы, признанные в рамках всех описанных базовых подходов.*

Ключевые слова: *когнитивная лингвистика, когнititология, концептуальный термин, теория фреймов, концептуальная схема, стереотипная ситуация, прототип, анализ фреймов.*

Abstract. *This article discusses various approaches to the description of cognitive linguistics, discusses it as a unit of concept and conceptualization, a source of knowledge, the history of the theory of frames that make up conceptuality, general concepts such as “knowledge”, “framework”, “scenario”, “scheme” “Stereotype”, “Prototype” and “Created cognitive model”, analysis of frames, as well as conceptual-cognitive frames recognized in the framework of all the described basic approaches.*

Key words: *cognitive linguistics, cognititology, conceptual term, frame theory, conceptual scheme, stereotypical situation, prototype, frame analysis.*

Kirish qismi. Avvalambor, biz tilshunoslik haqida to‘xtalib o‘tadigan bo‘lsak, Tilshunoslik tilni o‘rganuvchi fan bo‘lib, bunda tilning kelib chiqish tarixi va qaysi qadimgi tilning tarkibiga tegishli ekanligi haqida xabar beradi. Masalan, biz o‘zimizning tilimizni oladigan bo‘lsak, o‘zbek tilshunosligi o‘zbek tilini o‘rganuvchi fan bo‘lib, u turkiyshunoslikning tarkibiy qismi hisoblanadi [1,b.1]. Freym tushunchasi esa ko‘proq kognitiv tilshunoslikda uchraydi. Kognitiv tilshunoslik kognitologiya asosida vujudga kelgan. Kognitsiya (cognition), ya’ni bilish faoliyati axborot (ma’lumot)ni qabu qilish, taqdim etish va yaratish harakatlari hisoblanadi. Kognitologiya fani 1956-yildan boshlab paydo bo‘la boshlagan, deb hisoblaydilar.

XXI asrning boshlarida fanda yangi yo‘nalish paydo bo‘ldi. Ya’ni kognitiv fani fan sifatida rivojlandi. Bu fanning vakillari shunday fikr bildiradilar, “an’anaviy kognitiv fan va ong falsafasining yondashuvi xato deb hisoblashadi, bu ong faoliyatida tananing roli deyarli butunlay e’tiborsiz qoldiriladi. So‘nggi o‘n yil ichida timsollangan bilimlar sohasida empirik tadqiqotlar ko‘paydi. Tizimli kognitiv fan tarafdorlari ong miya tomonidan yaratilgan yoki miya bilan bir xil degan fikrni rad etadilar” [2].

https://buxdu.uz



Kognitiv fan tarkibiy qismlari

Kognitiv tilshunoslik esa 70-yillarning o‘rtalarida fan olamida keng yoyildi. Kognitiv tilshunoslikning rasmiy e’lon qilinishi esa 1989-yilga to‘gri keldi [3,c.256], ya’ni bahor oyida Duisburg (Germaniya)da bo‘lib o‘tgan Xalqaro tilshunoslik simpoziumida. Ayni damda kognitiv tilshunoslik bo‘yicha bu birinchi xalqaro konfrensiyaga aylangandi. Bunda ishtirokchilar Xalqaro kognitiv tilshunoslik assotsiatsiyasini tuzadilar va kognitiv lingvistika jurnalini ta’sis etadilar. Shunday qilib, kognitiv tilshunoslik bo‘yicha turli xil monografiyalar va tadqiqot ishlarini yaratdilar. Shu sohaning yuqori taniqli vakillari esa asarlar yaratdilar va bu asarlar shu jurnalda bosib chiqarila boshlandi. Ammo aytishimiz kerakki, aslida kognitiv tilshunoslik yana ham ilgariroq davrda paydo bo‘lgan. Bu 80-yillarning oxiriga kelib gullab-yashnadi. Mafkuraviy ruhida yaratilgan ko‘plab asarlar nashr qilindi.

“Kognitologiya turli fan sohalari chorrahasida yuzaga kelgan fandir va uning tadqiqot sohasi” bilimni to‘plash va qo‘llash usullarini tadqiq qilish” sifatida belgilanadi”[4,b.38,]. Kognitiv tilshunoslik tilni aqliy hodisa sifatida bir-biriga chambarchas bog‘laydi. Kognitiv tilshunoslik bu bilimni bilishi va dunyoviy axborotlarni o‘zlashtirishi va o‘zaro munosabatlarimizga bog‘lagan holda tilni o‘rganish, bilgan bilimlarimiz orqali axborotlarni qayta ishlash, tashkil qilish va buni yetkazish vositasi sifatida tabiiy tilga e’tibor berishi bilan o‘ziga xosdir. Shuningdek, bir qancha ilmiy tadqiqotlarda kognitiv tilshunoslikning o‘rganilishi va uning yangicha talqinlari haqida fikrlar bildirilayotgan bo‘lsa-da, ammo o‘zbek tili ko‘rinishida kognitiv tilshunoslik yo‘nalishida qilingan ishlar sanoqlidir. Ammo shu sohada bir qator yangiliklar qilayotgan olimlarimizni ham sanab o‘tishni joiz deb topdik.

Bu borada Sh.Safarovning “Kognitiv tilshunoslik” tadqiqotlarini aytib o‘tishimiz mumkin. Tadqiqotda lingvokognitologiya jahon tilshunosligida o‘rganilishi hamda kognitiv birliklarning mazmun-mohiyati to‘laligicha bayon etilgan [5,b.3]. Va yosh olimamiz M.Jo‘rayevaning ham ilmiy tadqiqot ishlarida kognitiv tilshunoslik haqidagi qarashlari ham diqqatga loyiqdir. Unda shunday deyiladi: “Kognitiv tilshunoslik kognitologiya asosida vujudga keldi. U tilning kognitiv aspekti bilan qiziqadi. Ma’lumki, kognitsiya olamni bilishda inson bilimlarinining ongda paydo bo‘lish va boyib borish jarayoni ekan, bilimlarni o‘zgartirish esa bevosita yoki bilvosita lison bilan aloqada bo‘ladi, bog‘lanadi. Insonning bilish qobiliyati bilan hamohangdir” [6,38.b]. Kognitiv tilshunoslikning paydo bo‘lishi nafaqat tilshunoslik tarixiga bo‘gliq, balki kengroq nuqtayi nazardan o‘ylab qaralganda, kognitiv tadqiqotlarning rivojlanishi va kognitiv fan deb ataladigan fanning rivojlanishiga ham bog‘liq edi. Inson dunyoni o‘rganishi, bilishi, voqelikni aks ettirishi va uni idrok qilishi uchun maqsadli faoliyatining natijasi hisoblangan tafakkurning o‘rnini alohida ta’kidlashimiz kerak.

Ma’lumki, inson narsa, predmetlar hodisalarni bilishda, idrok qilishda qator mantiqiy-ruhiy faoliyatni amalga oshiradi. Bunday mantiqiy natijasi bo‘lgan tushuncha obraz va lisoniy ma’no bilan umumlashgan holda kognitiv tilshunoslikda asosiy figura sifatida o‘rganilayotgan konseptning yuzaga kelishini ta’minlaydi. Aytish joizki, Kognitiv tilshunoslik, tilshunoslikda til va ongning o‘zaro bog‘liqlik muammolari, dunyoni tushunishi va tasniflashida tilning roli, kognitiv

https://buxdu.uz

jarayonlarda va insonning tajribasini umulashtirgan holda shaxsning individual kognitiv qobiliyatlarini til va ularning o‘zaro ta’sir shakllari bilan bog‘liqligini o‘rganadigan yo‘nalishdir. Demak, tasniflash deb aytdik, tasniflash deganda olingan bilimlarni soddalashtirish jarayonlari tushuniladi. Ya’ni yangi olingan bilimlarni inson ongida qabul qilish va mavjud bo‘lgan turli xil sarlavhalarga taqsimlash tushuniladi. Ko‘pincha inson tomonidan tashuvchi vosita bo‘lgan til toifalari talab qilinadi. Bu esa fanda koseptuallashtirish deyiladi.

Konseptuallashtirish insonning ushbu hodisani har qanday aniqlanganlik tushunchasi va g‘oyani anglash, ongida saqlash va yangi ma’lumotlar bazasi bilan to‘ldirish imkonini beradigan haqiqiy yoki xayoliy dunyoda hodisaning kognitiv atributlari to‘plamini (kategoriyalarni) aniqlash jarayonidir. Inson yillar davomida tajriba orttiradi va buni taffakuriga singdirib boradi. Bunda inson tajribasi, tafakkuri tilda yoziladi, til ma’lumotni maxsus kodlashtiradigan va o‘zlashtiradigan bilim mexanizmi, ya’ni belgilar tizimi hisoblanadi. Kognitiv tilshunoslik sohalarining fikricha, «Moddiy dunyo idroki, ayni paytda, idrok etilayotgan predmet – hodisalar haqida tushuncha tug‘ilishini, keyinchalik ushbu tushunchaning mental namuna – konsept sifatida shakllanib, moddiy ko‘rinish olishini taqozo etadi» [40,b Jo‘rayeva]. Aslida konsept tushunchasi nima, u qachon paydo bo‘lgan, degan savol tug‘iladi. Bunga quyidagicha javob olamiz. Konsept tushunchasi tilshunoslikda XX asrlarda paydo bo‘la boshladi. Bu haqda V.Demyankov shunday deydi: “Kognitiv tilshunoslikda eng faol qo‘llanuvchi va turli definitsiyalarga ega bo‘lgan termin *konsept* hisoblanadi. Uning kognitiv tilshunoslik, lingvokulturologiya, shuningdek, adabiyotshunoslik fanlaridagi izohi o‘zaro bog‘lanadi” [40, b. 6].

Konsept so‘zi lotin tilidan olingan bo‘lib, Conceptus “tushuncha” degan ma’noni anglatib, konstruktiv ahamiyatga ega bo‘lgan innovatsion g‘oyadir. Ushbu g‘oyani namoyish etadigan mahsulot konsepsiya mahsuloti deb ataladi. Tilshunoslikda esa bu mazmun, semantik ma’no bo‘lib, u belgi va hajmi bilan aniqlanadi. Filologiyada konsepsiya og‘zaki belgining mohiyatli tomoni bo‘lib, uning orqasida shaxs mavjudligining aqliy, ma’naviy yoki moddiy sohasi bilan bog‘liq tushunchadir. Uning hayotiy tarixiy ildizlari bo‘lgan, ijtimoiy va subyektiv jihatdan konseptlangan, va shu kabi tushunish bosqichi orqali odamlarning ijtimoiy tajribasida mustahkamlanib kelmoqda. Konsept bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan yoki unga ba’zi hollarda qarshi bo‘lgan tushunchalar ham mavjuddir. Konsept va konsepsiya konseptual tilshunoslikning asosiy tshunchalari hisoblanadi. Konsepsiyani o‘rganishda uning aspekt va usullariga qarab, tushunchali, ma’nolarni ifodalashi turli yo‘nalishlari ajratilgan. Kognitiv yo‘nalish va konsepsiya haqida Yu.S.Stepanov shunday deydi: “Til – insonning aqliy olamidagi madaniyatning asosiy bo‘gini”.

Ta’kidlash kerakki, mantiqiy yo‘nalish, barcha tushunchalar uhun umumiy bo‘lgan tilning mantiqiy birligi sifatida konsepsiyani o‘rganishni o‘z ichiga oladi. Hozirda kognitivlik tushunchalarini bir qator zamonaviy tadqiqotchilar o‘ganmoqdalar. Kognitiv yo‘nalishi doirasida konseptualizatsiya va toifalashning asosiy masalalari, tushunchaning tabiati va tuzilishi, tushunchalarning turlari, bilimlarni taqdim etish usullari va shu kabilar ko‘rib chiqiladi.

Hozirgi paytda ko‘plab konsepsiyalar mavjud. Kognitiv va badiiy tushunchalar haqida XX asrning birinchi yarmida rus tadqiqotchisi S.A.Askoldov bu ikki tushunchalarni ajratib ko‘rsatdi. Ya’ni ularning har birining o‘ziga xos xusuiyatlarini va belgilarini aniqladi [7, c. 267-280].

Bunda muallif san’atda bilish mantiq, ilm-fanga qaraganda boshqacha yo‘l tutishini ta’kidladi. S.A.Askoldovning fikricha, “kognitivlik tushunchalar “umumiylik” bilan ajralib turadi, chunki bu shunchaki o‘xshash obyektlarning sxematik chizmasi, ya’ni individual ong tomonidan obyektlarga taalluqli bo‘lgan aniq tafsilotlardan mahrum bo‘lgan sxematik tasvirlar. Agar konsept tushunchasi umumiy bo‘lsa, unda tasvir tushunchalari individualdir. “Chunki tadqiqotchi badiiy konsepsiya va bilish tushunchasi o‘rtasida yana bir muhim faqrni ko‘radi: «hissiyotlar, istaklar», umuman olganda, badiiy konsepsiya ko‘pincha ikkalasining majmuasidir, ya’ni tushunchalar, tasvirlar, his-tuyg‘ular, hissiyotlar, ba’zan hatto ixtiyoriy namoyonliklarning ham yig‘indisidir”. Shunday qilib, badiiy konsepsiya ko‘pincha ma’lum bir “hissiy va estetik zo‘riqish” yaratadi, ammo bu ko‘pincha bilim tushunchasidan mahrumdir.

https://buxdu.uz

Kognitiv tilshunoslikda yana shunday tushunchalar borki, binobarin, bu tushunchalar fanlararo xarakterga ega bo‘lib, tadqiqotchilarning yangi ilmiy-nazariy yonashuvi va ularning o‘ziga fikrlash tarzini chuqurroq yoritishga harakat qilamiz. Biz kognitologiya, kognitiv tilshunoslik, konsept, konseptualizm haqida to‘xtalib o‘tgan bo‘lsak, endi yana bir muhim nazariyani ochishga harakat qilamiz. Shunday qilib, zamonaviy kognitiv tilshunoslikda keng tarqalgan yondashuv, tushuncha freym tushunchasidir.

Asosiy qism. Freym (frame) inglizcha so‘zdan olingan bo‘lib, ramka, karkas degan ma’nolarni anglatadi. Freym tushunchasi ijtimoiy va gumanitar fanlarda uchraydi. Masalan: psixologiya, kibernetika, sotsiologiya, matematika, tilshunoslik va shu kabilar. Mazkur tushuncha doirasida hamma narsa va harakatlar, odamlarning umumiy bilimi, anglaganliklarining yaxlitligi. Boshqacha qilib aytadigan bo‘lsak, freym hodisani boshqarish va tadbirlarga jalb qilish tamoyillariga asoslangan vaziyatning kommunikativ ta’rifidir. Bu atamani fanga birinchi bo‘lib, 1974-yilda amerikalik olim Marvin Minskiy olib kirdi. Bunda harakatlarning diagrammasi bo‘lgan sun’iy intellektdagi bilimlarni namoyish etish usuli sifatida tavsiflanadi. M.Minskiy tomonidan fazoviy manzaralarni idrok etish uchun bilimlarning tuzilishiga murojaat qilingan. Freym – mavhum tasvirning modeli, obyekt, hodisa, vaziyat, jarayon mohiyatining eng kichik tavsifi. Freym turli maqsadlar uchun ekspert va boshqa intellektual tizimlarda qo‘llaniladi.

M.Minskiyning fikricha: “Freym – ma’lum bir uyda yashash yoki tug‘ilgan kuniga borish kabi stereoturlardagi vaziyatni ifodalash uchun ma’lumotlar tuzilmasi”. Yana har bir freymga bir nechta ma’lumot turlari biriktirilgan. Ushbu ma’lumotlarning ba’zilari freymdan qanday foydalanish haqida. B’azilar bundan keyin nima bo‘lishini kutishlari mumkin, deya yozadi Minskiy.

Freym – stereotur holatini ko‘rsatadigan kundalik struktura, xuddi ma’lum turdagi mehmonxonada bo‘lish yoki tug‘ilgan kun bazmiga borishdek, biz freym tushunchasi haqida so‘z yuritar ekanmiz, bu sohada ko‘plab ilmiy tadqiqotlar o‘tkazgan olimlarning fikriga diqqatimizni qaratamiz: E.E Gofmanning fikricha, “Freym “dunyoni diskursiv nazoratdan xoli tarzda uyushgan yaxlitlik” holiga keltirish”ni amaliy anglash qobiliyati”, muolajaviy bilim turi, ya’ni predmetning qaysidir kreativ aspektini yoxud uning funksional aspektini tasvirlaydigan harakatlar ketma-ketligidir” [8, b. 46].

M.Minskiyning fikricha: “Freym – stereoturik vaziyatni aks ettirish uchun ma’lumotlarning tuzilishi. Har bir freym turli xil ma’lumotlar bilan bog‘liq. Uning bir qismi ushbu freymdan qanday foydalanish kerakligini ko‘rsatadi, ikkinchisi – uni amalga oshirishga olib keladigan narsa, uchinchisi - agar bu taxminlar tasdiqlanmasa, nima qilish kerak? Freymni tugunlardan va ularning orasidagi ulanishlardan iborat tarmoq sifatida tasavvur qilish mumkin. Freymning “yuqori darajalari” aniq belgilangan, chunki ular rejalashtirilgan vaziyatga nisbatan har doim to‘g‘ri bo‘lgan shunday tushunchalar tomonidan shakllantirilgan” [9, c. 52-56].

M.M. Jo‘rayeva freymga quyidagicha ta’rif beradi: “Albatta, ular har bir insonning kognitiv xususiyatini rivojlantirish jarayonida tasodifan (birdan) paydo bo‘ladi. Boshqa freymlar tajriba yoki o‘rgatishdan o‘zlashtirib oladilar, vaholanki, ular tillar ifodalanishi bilan uzviy bog‘liq” [10, b. 47].

Haqiqatan ham, freym tizimlari axborot olish tarmog‘i orqali ulanadi va taklif qilingan freym haqiqiy holatga moslashtirilmasa, ya’ni tegishli markerlarning shartlariga javob beradigan terminalli topshiriqning iloji bo‘lmasa, demak, axborotlarni qidirish tarmog‘i ushbu vaziyatga mos keladigan freymni tanlashga imkon beradi. Bunday usullar, ya’ni tuzilmalar mexanizmlarini rivojlantirish uchun alohida ahamiyatga ega bo‘lgan freym tizimlarida ma’lumotlarni taqdim etish turli xil foydalanishga imkon beradi. Keyinchalik murakkab sharoitlar bir nechta terminallarga biriktirilgan narsalar o‘rtasidagi munosabatlarni belgilashi mumkin.

Ch. Fillmor freym haqida shunday deydi: “Freym – tajribani sxemalashtirishning kognitiv tuzlishi” bo‘lgan M.Minskiy tomonidan yaratilgan freymlar nazariyasiga asoslanib, uning ramziy kognitiv semantikasi doirasida freymlar tog‘risida kognitiv tushunchani rivojlantirdi” [11, c. 52-92].

Ma’lumotlarga fikrimizni qaratsak, demak, kognitiv tilshunoslikda freym tushunchasining ikki xil yondashuvi mavjud bo‘lgan. Freym bilimning tarkibiy qismi sifatida, odamning kognitiv tizimining bir qismi va bilimni ifodalash uchun tuzilma sifatida, kognitiv tuzilmani ifodalash vositasi bo‘lib xizmat qilgan. “Freym” va “konsepsiya” tushunchalari o‘rtasidagi munosabatlar

https://buxdu.uz

muammosida mavhum yechim topiladi. Umumiy munosabatlarga asoslanib, konsepsiya freymga nisbatan umumiy tushuncha sifatida belgilanadi. Murakkab va oddiy tushunchalar sifatida freym va konsepsiya o‘rtasidagi munosabatlarga asoslanib, freym o‘ziga xos murakkab tushuncha sifatida tavsiflanadi.

Ushbu tushunchalarni solishtirganda ular o‘xshash va turli xil xususiyatlarga ega bo‘lgan ikkita turdagi konseptual tuzilmalar sifatida ko‘rib chiqiladi. Adabiyotlarni tahlil qilish ushbu konsepsiyaning ba’zi umumiy xususiyatlarini ajratib ko‘rsatishimizga imkon beradi: freym – bilimning kognitiv tuzilishi bir-biri bilan o‘zaro aloqada bo‘lgan, odatda, tematik birlashtirilgan vaziyat to‘g‘risida bilimlarni namoyish etishga mo‘ljallangan tuzilma. Freymning majburiy xususiyatlari odatiy boshlang‘ichning mavjudligi (freym darajalarining dinamikasini hisobga olmagan holda) va bilimlarni tashkil etishning kategoriyali xususiyatlarini o‘z ichiga oladi.

Freym tushunchasi va zich yadroga ega bo‘lgan konsepsiyalar haqida Yu.S. Stepanov ikkita muhim konsepsiyani ko‘rib chiqishni taklif qiladi: “freym tushunchalari” va konsepsiya, “zich yadroga ega bo‘lgan tushunchalar” deydi. Yu.S. Stepanovning fikricha: “Freym konsepsiyalari” ba’zi asosiy, muhim xususiyatlarga ega (yoki bunday xususiyatlarning kichik bir to‘plamiga ega), aslida bu konsepsiyaning asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi. “Kollektiv ongsiz” tushunchasining paydo bo‘lishi jamiyat va umuman insoniyatning o‘z-o‘zidan, organik rivojlanishining natijasidir. Bu tushunchalar, aslida ularning “qolipi”, ya’ni freym muayyan ijtimoiy hodisaga nisbatan “sinab ko‘rilishi”, “zo‘rlanishi” mumkin bo‘lgan bu holatlarda ma’lum bir jamiyat, u yoki bu ijtimoiy guruh (va boshqalar) haqida. Biz bu yerda “organik” yoki o‘z-o‘zidan nomlanishi qiyin bo‘lgan boshqa jarayon bilan shug‘ullanmoqdamiz. Bu ijtimoiy baholash, normaga moslashish, ijtimoiy kuchlarning ongli faoliyati va hatto kurashlari bilan bog‘liq bo‘lgan jarayon [12, 1997].

A.P.Babushkin nazariyasida turologiya: “Aqliy rasmlar, diagrammalar, freymlar, ssenariylar, kaleydoskopik va mantiqiy tuzilgan tushunchalardan iboratdir. Aqliy suratlar faqat individualdir, ular insonning o‘ziga xos hayotiy tajribasiga asoslanadi”. Tadqiqotchining nazarida, “tushuncha doirasi” murakkab vaziyatni yuzaga keltiradi; uni “freym” bilan taqqoslash mumkin, uning doirasida muayyan holatlar uchun odatiy va zarur bo‘lgan hamma narsa joyiga tushadi [13, c. 52-58].

E.Gofmanning so‘zlariga ko‘ra, “freym – agentlar tomonidan tashkil topgan yaxlitlik, asosan, amaliyot, lekin shu bilan birga, odatdagi, takrorlanuvchi ijtimoiy vaziyatdagi odamlar ijtimoiy nuqtayi nazardan o‘zlarining harakatlariga va boshqalarning harakatlariga (og‘zaki va og‘zaki bo‘lmagan) bog‘lanishlarini anglatadi”. E.Gofmanning ta’kidlashicha, bu freym «mavjud yaxlitlikni tahlil qilish (ijtimoiy, madaniy) va keyin o‘zaro ta’sirlashuvchi elementlar to‘plami sifatida tuzilmalarni yig‘ishdir» [14, c. 752]. Bundan tashqari, uning nazarida, freym “vaziyatni rasmiy belgilashni keltirib chiqaradigan idrokning ma’lum bir istiqbolidir”.

Doimiy xatti-harakatlar, ularni amalga oshiriladigan vaziyatga va ularni amalga oshiradigan shaxsning asliy xususiyatlari va bunga bog‘liq deb hisoblansa-da, freym tushunchasi boshqasini – semantik freym sifatida harakat qilib, ularni semantik tahlil qilish nuqtayi nazarini kiritadi. Inson o‘zi uchun qanday vaziyatda harakat qilishni o‘zi belgilaydi.

E.Gofman tadqiqotining asosiy tushunchalarini ko‘rib chiqar ekan, shunday deydi: “Men ularni biroz mavhum talqin qilaman va men taklif qilgan formulalar zamonaviy falsafa me’yorlari nuqtayi nazaridan juda noaniq bo‘lishidan qo‘rqaman. Biroq buning ijobiy tomonlari ham bor: bu uchun boshidanoq, o‘quvchi ko‘proq yoki kamroq aniq xulosaga kelish uchun mening shubhalarim bilan o‘rtoqlasha olishi kerak [15, c. 40-42].

Konsepsiya, odatda, Erving Goffman va uning “Frame analizi” kitobida batafsil tahlil qilingan. Bu kitobni, ya’ni insho (Inglizcha Frame analizi: Tajribani tashkil etish bo‘yicha insho) 1974-yilda nashr qilingan edi. Keyinchalik bu ish ijtimoiy harakat nazariyasida, siyosiy va boshqa tadqiqotlarda qo‘llanila boshlandi.

“Freym” tushunchasining asosiy atamasi hali ham umumiy qabul qilingan ta’rifga ega emas. Ammo, ko‘plab G‘arb tadqiqotchilarining ta’kidlashicha, “Eng yaxshi nazariyalardan biri bu Robert Entmanning tushuntirishidir”. Uning fikricha, inglizcha “framing” qoliplash iborasi bu holatda “voqelikning ayrim tomonlarini tanlash va ularni kommunikativ matnda ko‘proq ko‘rinadigan

https://buxdu.uz

qilish, shu bilan bir qatorda, ma'lum bir narsani ommalashtirish" degan ma'noni anglatadi. Muammoni sharhlash, uning sabablarini o'rganish, axloqiy baho berish va uni yechish yo'llarini ochib beradi. "Ba'zan reja tuzish birinchi qarashda kun tartibini taqqoslaganga o'xshasa ham, biroq ular orasida hali ham jiddiy farqlar kuzatiladi. Shunday qilib, kun tartibini belgilash usuli ommaviy axborot vositalarida birining yoritilishini ta'minlaydi va boshqa voqealarni e'tiborsiz qoldiradi, qoliplash (ramkalash) esa ma'lum bir voqeaning OAVda yoritilishi uning ba'zi jihatlarini boshqalarni ta'kidlashda e'tiborsiz qoldirishni anglatadi.

Freym tahlili izohlovchi (tarkibiy) tahlilning bir turi bo'lib, unda tadqiqotchi "freym"ni aniqlash yoki jurnalist ritorikasini, ya'ni uning matni siyosiy rol o'ynashini aniqlash uchun matnni o'rganadi. Bunday tahlil siyosiy doiralar tomonidan "freym" qanday kiritilishini, jurnalistlar ularni yozma matnlardan qanday foydalanishini va auditoriya ushbu "doirani" qanday izohlashini aniqlaydi.

Ushbu metodologiyaning kelib chiqishi 1970-yillarning boshlarida o'ylab topilgan va uning asoschisi Erving Goffman edi. Uning aytichicha, "U agar biron-bir shaxs biron-bir hodisani tan olsa, uning reaksiyasi, asosan, freymlar yoki tarjima sxemalari bilan chegaralanadi".

80-yillarda "freym" allaqachon "media-qoliplash" (ramkalash) sifatida qabul qilingan, uning asosiy g'oyasi tegishli bo'lgan voqealarni tushunishdir. Bunday "qoliplash", madaniy rezonans, muallifning holati, xatti-harakatlari va ommaviy axborot vositalarining me'yorlari va amaliyotiga muvofiqligi tufayli ommaviy axborot vositalarida muvaffaqiyatli chiqdi. 90-yillarga kelib, "freym tahlili" uning terminologiyasi va metodologiyasini aniqlab bergan Entman tufayli rivojlanishga katta hissa qo'shdi. Darhaqiqat, uning fikricha, "freym"ni "yangiliklar matni xususiyatlarida ro'y beradigan va voqealarni o'ziga xos idrok etish va tushunishni kuchaytiradigan axborotni qayta ishlash sxemalari" deb belgiladi. "Yangiliklar freymlari paydo bo'ladi va yangiliklar matnida ta'kidlangan kalit so'zlar, metafora, tushunchalar, ramzlar va vizual tasvirlarda mujassamlanadi". "Freym"ning bunday tarkibiy qismlari ko'pincha jamiyatda yuzaga kelgan munozaralarga to'g'ri keladi va oldingi tajribadan tinglovchilarga ma'lum bo'lgan muayyan voqea haqida fikrlash tarzini shakllantiradi

Freymni tahlil qilish metodologiyasi ikki xil voqealarni (yoki vositalarni) – mantiqiy vositalarni (ingliz tilida fikrlash moslamalari) va freym vositalarini (ingliz tilida freym qurilmalari) o'z ichiga oladi. Birinchilari voqeani tushuntiradi, boshqalari esa uni tavsiflaydi. Natijada mantiqiy vositalar tushuntirishni yoki asosiy pozitsiyaning sababini ochib beradi. Bular "hodisaning ildizlari" deb ataladigan narsalar bo'lib (voqea sabablarini talqin qilish), uning oqibatlari va yaxlitligini ta'minlaydi. Freym vositalariga quyidagilar kiradi: manbalar (matnda keltirilgan barcha shaxslar); kalit so'zlar (sarlavhada paydo bo'lgan va keyin matnda takrorlanganlar); matnda joylashtirilganligi yoki tinglovchilar bilan madaniy rezonans tufayli katta "ko'rinadigan" so'zlar; metafora; asos (muammoning sababi yoki uni hal qilish sababi sifatida aniqlangan shaxs yoki shaxslar guruhi). Matnni tahlil qilib, tadqiqotchi o'ziga xos freym vositalarini aniqlashga harakat qiladi va uning namunasiga tushgan har bir hikoyani o'qiydi.

"Freym" qanday ishlashini tushunish "ko'rish", "formatlash" va "ahamiyatlilik" kabi tushunchalar (ingliz tilida ravshanlik, o'lcham va ahamiyat) tushunchalariga yordam beradi. "Freymlar" xabar obyektlari haqidagi ma'lumotlarni yoritadi va shu bilan birgalikda, ularga "ko'rinadigan" bo'ladi, ya'ni ularni yanada ravshan, tushunarli va esda qolarli yetkazib beradi. Bunda "ko'rinadigan" ma'lumotni matnning boshida yoki oxirida joylashtirish, shuningdek, ularni tez-tez takrorlash yoki madaniy o'xshash belgilar bilan bog'lash orqali amalga oshirish mumkin. "Formatlash" freymning mohiyatini ochib beruvchi bir bo'lagi bo'lib, ya'ni ko'proq yoki kamroq "ko'rish uchun" tasvirlangan voqelik elementlarini bo'rttirish yoki kamsitish jihatlarini o'z ichiga oladi. Haqiqatni tasvirlash uchun foydalanilgan so'zlar va tasvirlardan tashqari "ahamiyatlilik" ham katta ahamiyatga egadir. Voqea va tasvir qayerda bo'lsa (birinchi yoki oxirgi, ammo bitta sahifada), ommaviy axborot vositalari shunchalik ko'p ma'lumotni taqdim etadi.

E.Goffman ta'kidlashicha, jismoniy hodisalar (masalan, ob-havo) odamga bo'ysunmaydi va ijtimoiy hodisalar faqat to'satdan bo'lgan harakatlar natijasi ma'nosiga ega. Aslida, tabiiy hodisalar maqsadni belgilashga bog'liq deb taxmin qilsak, ular ijtimoiy hodisalardan ajralmas bo'lib qoladi.

https://buxdu.uz

Goffmanning so‘zlariga ko‘ra, “tabiiy” va “ijtimoiy” freym tizimlari orasidagi ko‘rinadigan arzimas farq – dunyoning “normal” tuzilishi uchun fundamental ahamiyatga egaligi. Jismoniy obyektlarni jonlantirishga jalb qilish, kosmosdan kelgan mehmonlar bilan xayoliy aloqada jismoniy obyektlarni “jonlantirilgan” xususiyatlarga jalb qilish ma’lum bir aqliy nuqtayi nazardan va u umumiy, obyektiv, ta’rifni ishlatmaydi, lekin maxsus ishora qiladigan odatiy pragmatistik metodologiyadan foydalanadi. Frame tizimlari idrok algoritmlari sifatida aniqlanmagan, ammo ular doimo shakllanish jarayonida. Freymlar ijtimoiy, boshqacha qilib aytganda, haqiqatning doimiy freymi mavjud [16, c. 42-44].

Hozirgi davrga kelib, sun’iy intellektni o‘rganish jarayonida axborotni taqdim etish, tuzilmalarini o‘rganish g‘oyasi o‘z samarasini bermoqda. Goffmanning “Freymlar tahlili: Kundalik tajribani tashkil etish to‘g‘risida insho” asari, M.Minskining mashhur “Bilimni aks ettirish uchun freymlar” asari bilan deyarli bir vaqtda nashr qilingan. Shu bilan birga, Goffmanning kundalik hayot va dunyosining asosini tashkil etadigan birlamchi freym tizimlari uning diqqat markazida emas edi. Chunki u “haqiqiy, tirik faoliyat”ni parodiya, “soxta” narsaga aylantirish imkoniyati bilan ko‘proq qiziqardi.

Keyingi paytda Freym tushunchasi tilshunoslikda ham keng qo‘llanila boshlandi va tadqiqotchilar tomonidan juda ko‘plab yangiliklar kashf qilinmoqda. Ammo hali ham bu tushuncha aniq bir fikr va ta’rifga ega emas. Shunday ekan, bu lingvistik tadqiqotlarning o‘ta dolzarb masalasi bo‘lgan freymlarni o‘rganish yo‘llari ishlab chiqilmoqda.

ADABIYOTLAR

1. Abdulhamid Nurmonov. Tilshunoslikning nazariy va amaliy muammolari bo‘yicha tanlangan asarlar. Tanlangan asarlar. – T., 2012 [1, b-3].

2. Асколдов С.А. Концепт и слово. // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология.

3. Ashuraliyev E. Xalq topishmoqlarining kognitiv strukturasi. 5A 140101 – o‘zbek tili [5, b.3].– М.: Академия, 1997.

4. Бабушкин А.П. Концепты разных туров в лексике и фразеологии и методика их выявления. // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж, 2001 [13, с. 52-58].

5. Гофман И. Анализ фреймов: эссе об организации повседневного опыта: Пер. с англ. / Под ред. Г.С.Батигина И Л.А. Козловой; вступит статья Г.С.Батигина. – М., 2003 [14, с. 752].

6. Гофман И. Анализ фреймов: эссе об организации повседневного опыта: Пер. с англ. – Москва: Институт социологии РАН Институт Фонда «Общественное мнение», 2004 [15, с. 41].

7. Гофман И. Анализ фреймов: эссе об организации повседневного опыта: Пер. с англ. – Москва: Институт социологии РАН Институт Фонда «Общественное мнение», 2004 [16, с. 42-44].

8. Jo‘rayeva M.M. Fransuz va o‘zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. – T., 2016 [4, b.38].

9. Jo‘rayeva M.M. Fransuz va o‘zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. – T., 2016 [5, b.38].

10. Jo‘rayeva M.M. Fransuz va o‘zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. – T., 2016 [8, b.47].

11. Jo‘rayeva M.M. Fransuz va o‘zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. – T., 2016 [10, b. 47].

12. Minskiy Marvin. Freymi dlya predstavleniya znaniy-royallib.ru [9,s 52-56].

13. Skrebsova T.G. Kognitivnaya lingvistika: Kurs leksiy. – Filologicheskiy fakultet SPbGU, 2011 [3, s. 256].

14. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания. Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка, 1988 [11., с 52-92].

12. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М., 1997 [12,М, 1197].

13. Embodied Cognition. // The Stanford Encyclopedia of Philosophy. / Robert A. Wilson and Lucia Foglia [2].

https://buxdu.uz

УДК: 81-25

ИЛТИФОТ – ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА

КОМПЛИМЕНТ КАК ОДНА ИЗ ФОРМ ФАТИЧЕСКОГО ОБЩЕНИЯ

COMPLIMENT AS A FORM OF FATIC COMMUNICATION

Ҳамроева Нафиса Низомиддиновна
БухДУ мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. *Бугунги кунда прагмалингвистика равнақи туфайли нутқий жанрларни ўрганишга қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Бронислав Малиновский томонидан фанга киритилган "фатика" атамаси ҳам нутқий мулоқотнинг бир кўриниши сифатида тилшунослар диққатини тортмоқда. Фатика – мулоқот мақсади билан алоқадор бўлган ахборот (маълумот) етказиш билан бевосита боғланмаган мавзулардаги қисқача суҳбат, суҳбатдошлар орасида вербал алоқани фақат сақлаб қолиш учунгина хизмат қилувчи нутқий мулоқот туридир. Фатик мулоқотнинг бир тури бўлган илтифот ҳам нутқ одобининг алоҳида коммуникатив даражаси ҳисобланади. Мазкур мақола фатик мулоқот ва унинг вазифалари, самимий мақтов ва ҳурмат мазмунини акс эттирувчи илтифот ва унинг суҳбат жараёнига таъсири масалаларига бағишланади.*

Таянч сўзлар: *тилнинг вазифалари, коммуникатив вазифа, робитасозлик вазифаси мулоқот, нутқий мулоқот, фатика, фатик жанрлар, илтифот, мулозамат, хушомад.*

Аннотация. *Сегодня, благодаря развитию прагмалингвистики, растет интерес к изучению речевых жанров. Термин «фатика», введенный в науку Брониславом Малиновским, также привлекает внимание лингвистов как форма речи. Фатика – это короткий разговор на тему, которая не имеет прямого отношения к передаче информации (данных), связанной с целью общения, тип вербального общения, который служит только для поддержания вербального общения между собеседниками. Комплимент, являющийся формой фатального общения, также считается отдельным коммуникативным уровнем речевого этикета. Данная статья посвящена вопросам фатального общения и его функциям, комплиментам, отражающим содержание искренней похвалы и уважения, и его влиянию на процесс беседы.*

Ключевые слова: *языковые функции, коммуникативная функция, функция отношений, коммуникация, речевое общение, фатика, жанры фатика, комплимент, услуга, лесть.*

Abstract. *Today, thanks to the development of pragmalinguistics, interest in the study of speech genres is growing. The term "fatika", introduced into science by Bronislav Malinovsky, also attracts the attention of linguists as a form of speech. Fatika is a short conversation on a topic that is not directly related to the transmission of information (data) related to the purpose of communication, a type of verbal communication that serves only to maintain verbal communication between interlocutors. A compliment, which is a form of fatic communication, is also considered a separate communicative level of speech etiquette. This article focuses on fatal communication issues and its functions, compliments reflecting the content of sincere praise and respect, and its impact on the conversation process.*

Key words: *language functions, communicative function, communicative function, communication, speech communication, fatics, fatics genres, compliment, service, flattery.*

Кириш. Ҳозирги тилшуносликда тилнинг кўп вазифалилиги – бир неча вазифаларни бажаришга хизмат қилиши унинг барча тилшунослар томонидан якдиллик билан тан олинувчи умумий хусусиятидир. Тилнинг вазифаси (функцияси) деганда тилнинг нимага хизмат қилиши, унинг соҳиби бўлган инсон учун қандай аҳамиятга эга эканлиги, жамиятдаги ўрни кабилар тушунилади. Бунда тилнинг табиати-ю қурилиши, бирликларининг қандай ёки қанақа эканлиги, уларнинг ўзаро бирикиш усуллари-ю натижалари…. каби бошқа юзлаб масалардан (тилнинг қирраларидан) узилиб, фақат шу томонга – тилнинг вазифаларига диққат қаратилади.

https://buxdu.uz

Мақсад ва вазифа. Ушбу мақолада қўйилган масалани ҳал этишдан мақсад **нутқий мулоқотнинг кўриниши сифатида фатика**нинг моҳиятини ёритиб беришдан иборат. **Илтифот фатиканинг бир кўриниши эканлигини аниқлаш** олдимизга қўйилган вазифадир.

Натижа ва ютуқлар. Тилшуносликда тилнинг вазифалари ҳақида хилма-хил фикрлар баён этилган. Жумладан, Ғарб тилшунослигида Владимир Авроринниг "Тилнинг вазифавий томонини ўрганиш масалалари", Карл Булернинг "Тилнинг қурилиш қолипи", Юнус Дешериевнинг "Ижтимоий тилшунослик", Алексей Леонтевнинг "Тил, нутқ, нутқ фаолияти", Наталя Слюсарёванинг "Тилнинг вазифалари тушунчасининг методологик аҳамияти" ва "Тилнинг вазифалари", Юрий Степановнинг "Тилнинг семиотик қурилиши (тилнинг уч вазифаси ва уч турли воситалар тизими)", Роман Якобсоннинг "Тилшунослик ва поэтика", "Тилнинг алоқа-аралашувнинг бошқа воситаларига муносабати", Борис Норманнинг "Тилшунослик асослар" китобининг "Тилнинг вазифалари" деб номланган махсус катта боби[1;2;4;] кабиларнинг ишларида бу масала махсус тадқиқ манбаи бўлди.

Владимир Звегинсев келтирган тилнинг 20 дан ортиқ таърифлар айни шундай ёндашиш натижасидир. Борис Норманнинг юқорида номи зикр этилган китобида "Тилнинг вазифалари" деб номланган ва қарийб 30 саҳифани эгаллаган махсус бобида унинг 15 хил вазифаси-хусусиятини бирма-бир санаган: робита воситаси бўлиш (коммуникатив вазифа), фикрни шакллантириш (когнитив вазифа), маърифий (аккумулатив) вазифа, аташ/номлаш (номинатив) вазифаси, ундаш-йўналтириш (регулатив) вазифаси, робитасозлик (фатик) вазифаси кабиларнинг ҳар бири тавсифига бир неча саҳифа бағишлаган ҳолда [2], баёнини қуйидаги сўзлар билан якунлайди: "Юқорида махсус тавсиф этилган вазифалардан ташқари, тилнинг яна бир қатор ижтимоий аҳамиятли вазифаларини ажратиши мумкин. Жумладан, маълум бир халқни бирлаштирувчи *этник*, оддий матн/ахборотни санъат асарига айлантирувчи э*стетик,* сўзловчи ҳис-туйғуларини ифодалашга хизмат қилувчи эмотсионал-экспрессив каби маълум вазифалардан ташқари, тилга жоду (магик) вазифа ҳам хосдир…. Лекин булар ҳам тилнинг ижтимоий мавқеининг барча кўринишлари эмас" [10]. Бундан англашилиб турибдики, тилнинг вазифалари жуда ҳам ранг-баранг, хилма-хилдир ва уларни санаб поёнига етиб бўлмайди.

Мулоқот инсонларнинг ўзаро эҳтиёжларидан келиб чиқувчи маълумот алмашиш, бир-бирига таъсир этиш, бошқаларни тушуниш, одамлар ўртасида алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёнидир. Буюк француз ёзувчиси Антуан Сент Экзюпери "Мулоқот шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади", деб ёзган эди. Мулоқот барча тирик жонзотларга хосдир. Масалан, ҳайвонларда бошқа тирик жонзотни маълум ҳаракатга чорлаш, у ёки бу ҳаракатни амалга оширмаслик кераклиги ҳақидаги огоҳлантириш мулоқот мақсади бўлиб хизмат қилади. Ёки она ўз товуши ёхуд ҳаракати билан боласини хавфдан огоҳ этиши мумкин.

Аммо мулоқот инсонлар орасида энг такомиллишган даражага эга бўлади ва албатта бу жараён нутқ воситасида англанади. Нутқ инсон психик камолотининг, шахс сифатида шаклланишининг қудратли омилидир. Нутқий мулоқотсиз шахснинг шаклланиши, тарбияланиши, интеллектининг ривожланиши мумкин эмас. Шу сабаб муомала кишиларга биргаликдаги ишларни ташкил қилиш, уларни амалга оширишга ёрдам беради. Инсоннинг ривожланишини, индивиднинг шахс бўлиб шаклланишини, унинг жамият билан алоқасини мулоқотсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Объектив борлиқдаги барча ижтимоий хатти-ҳаракатларимиз нутқий фаолиятимизда ўз ифодасини топади. Нутқий мулоқот маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир.

Нутқий мулоқот мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан "бойитилиши", идрок этилиши натижасидир. Нутқий мулоқот туфайли одамлар турли турли хил амалий ва назарий фаолиятларни уюштиришади. Бундан ташқари ахборот алмашиш, бир-бирини англаш каби жараёнлар ҳам нутқий мулоқот туфайли содир бўлади. Шунингдек, у шахслар ўртасидаги мунособатларни яратиб, уларни амалда қўллашда ёрдам беради.

https://buxdu.uz

Ҳар бир мулоқотнинг, жумладан, нутқий мулоқотнинг ҳам элементар вазифаси суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда салом-алик, очиқ юз билан кутиб олишдан бошланади. Қолаверса, нутқий мулоқотнинг яна бир вазифаси одамни маълум фаолиятга тайёрлайди.

Фанга польшалик инглиз олими, этнографияда функционал антропология йўналишининг асосчиси Бронислав Малиновский (1884-1942) томонидан 1928 йилда фатика атамаси киритилди. Роман Якобсон Бронислав Малиновскийнинг тилшунослик учун янги бўлган бу тушунчасига тилдан қатъий бир мақсадсиз, нутқ шароити ва коммуникантларнинг фаолиятлари билан деярли алоқадор, уларга бирор-бир масъулиятни юкламайдиган, вақтни ўтказиш, суҳбатдошлар орасида вербал алоқани фақат сақлаб қолиш учунгина хизмат қилувчи суҳбат учун фойдаланишга – алоҳида эътибор берди, унинг доирасини анча кенгайтириб, унга ***мулоқотга киришиш*** (контактоустанавливая функция – алоқа-муносабатни ўрнатиш) вазифасини нисбат берди ва шу асосда тилнинг фатик функциясини /ФФни/ алоҳида ажратди. Роман Якобсон томонидан тилнинг /ФФ/нинг алоҳида – ҳатто унинг /СФ/ билан тенг турадиган бир даражада – ажратилиши, шунингдек:

- биринчидан, тилнинг асосий вазифаси сифатида ахборот узатиш-у суҳбатдошга ўз таъсирини ўтказиш бўлган /СФ/ талқинида юзага чиққан муаммолар-у зиддиятлар [10],
- иккинчидан, тилшунослик бўйича тадқиқотларда диққатнинг структурализмдан (тилнинг фаолиятдан узилган системаси-ю струртураси-ю лисоний/тизимий имкониятларидандан) прагматикага/прагмалингвистикага кўчирилиши,
- прагмалингвистика равнақи билан нутқий жанрларни ўрганишга қизиқиш ошиши [7],
- тўртинчидан, нутқ жараёнида/матнда/дискурсда моҳиятан ноинформатив ахборотнинг ҳақиқий информатив ахборотдан миқдоран устуворлиги сабабларига кўра XX асрнинг 60-йилларидан кейин фатикага, фатик нутқий жанрларга эътибор жуда ҳам кучайди, Ғарб тилшунослиги ва адабиётшунослигида (матншунослик, матнлингвистикаси, прагмалингвистика, культурология в. б. йўналишларда) юзлаб эмас, минглаб тадқиқотлар амалга оширилди.

Табиийки, қадимий тилнинг илм оламида (агар фатика ва тилнинг фатик вазифасига ҳақиқий эътибор Роман Якобсон талқинларидан, яъни XX асрнинг 50-йилларидан кейин бошланганлигини назарда тутсак) моҳиятан янги очилган қирраси - /ФФ/га бундай жонли қизиш асоссиз бўлиши мумкин эмас эди. Маълум бўлдики, фатика мулоқотда муҳим аҳамиятга эга экан: фатикали ва фатикасиз мулоқотни Алберт Эйнштейн назариясининг муаллиф томонидан икки жилдли китоб ва бетли матн (тезис) шаклларида бериши ва ҳар иккаласининг илмий янгилик бериш қобилиятини (яъни мутахассис-ўқувчига том маънода *янги илмий ахборот* бериш имкониятини) тенг деб билиши, шунингдек, илмий тадқиқоқда азалий расм бўлган ҳар бир ишнинг *муқаддима* ва *хулоса* (замонавий fatsit /abstast ва rezume /summary) каби қисқа қисмларни ўз ичига олиши шартлиги, ҳар бир диссертантнинг ўз иши илмий янгилигини атиги бир бетда бериши имкониятлари билан қиёслаш мумкин экан.

Мулоқот жараёнида адресантнинг адресатга (resp. муаллифнинг мутахассис-ўқувчига/китобхонга) фатиксасиз етказадиган том янги ахбороти *тезис, хулоса/резуме*… билан қиёсланса, бу ахборотни /Ф/ ва тилнинг /ФФ/дан фойдаланилган ифодаси шу *тезис/хулоса*нинг бир мустақил асар сифатида муаллиф/ адресант нуқтайи назаридан тўлиқ баёнидир. Бу қиёс /Ф/ тадқиқига қизиқиш сабабини етарли даражада изоҳлаб беради, деган умиддамиз.

Нутқий мулоқотнинг кўринишларидан бири фатик мулоқотдир. Фатик мулоқотнинг умумий мақсад-моҳиятини суҳбатдошлар (коммуникантлар) орасида мулоқот-суҳбатни тузиш → сақлаш → ёпиш вазифаларига хизмат қилувчи, мулоқот мақсади билан алоқадор ахборот билан бевосита боғланмаган мавзулардаги қисқача суҳбат ташкил этади [6]. Бунда мулоқотга киришиш деганда коммуникантларни медиадискурсга тайёрланиши, мулоқотда бўлиш атамаси остида алоқа-суҳбатни сақлаш ва давом эттириш, мулоқотни якунлаш деганда эса алоқани якунлаш жараёнлари билан боғлиқ мулоқот нутқини тушунамиз.

https://buxdu.uz

Мулоқотнинг фатик вазифаси ўзига хос маъноларга эга. Биз буни фатик жанрлар деб ҳам аташимиз мумкин. Масалан: 1) лутф, хушомад, илтифот (комплимент), 2) мақтов, 3) изҳори муносабат, 4) миннатдорлик, 5) ҳазил-мутойиба, 6) олиб қочиш/чалғитиш (флирт) ва ҳ.к. Фатик мулоқотдан ягона мақсад алоқани сақлаб қолишдир. У интелектуал мулоҳаза натижаси эмас, бу ерда тил фикрни етказиш воситаси сифатида ишламайди.

Фатик мулоқотнинг мулоқотга кириши, мулоқотни сақлаб қолиш, мулоқотни якунлаш сингари кўринишлари бағоят ранг-баранг ва хилма-хилдир. Лекин ўзбек тилшунослигида улар ҳали тадқиқ этилмаган. Мулозамат, илтифот – фатик мулоқотнинг бир кўринишидир. “Мулозамат” тушунчасини рус тилшунослигида Н.И.Формановская (1989), О.С.Иссерс (1985), Серебрякова(2001); инглиз тилшунослигида В.И.Карасик(1992) ва Е.С.Петелина (1988) одобнинг намоён бўлиши ҳамда ўзига хос этикет(хулқ-одоб)нинг шакли сифатида баҳолаганлар.

Л.Э.Безменова “мулозамат” тушунчасига нутк одобининг алоҳида коммуникатив даражаси дея талқин қилса, Е.С.Петелина “мулозамат” тушунчасига лаганбардорликдан фарқли равишда самимий мақтов ва ҳурмат мазмуни акс этганлиги қайд этади.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да “Мулозамат” сўзига қуйидагича изоҳ берилган: “Мулозамат - [арабча – бирга бўлишлик, ажралмаслик; бирга эргашиб бориш; қатъийлик] Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот; эъзоз-икром, такаллуф” [17].

“Илтифот” сўзи эса, “Илтифот [арабча – ўгириш, буриш; лутф қилиш, эътибор, марҳамат] Кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эътибор, яхши муносабат. Илтифот қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) яхши эътибор, муносабат билдирмоқ”, дея таърифланган[19]. Ҳар икки тушунча ҳам кимнидир мақташ учун қўлланилади. Уни хушомад билан тенглаштирмаслик керак. Хушомад ва илтифот ўртасида катта фарқ бор: бу самимийликдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “хушомад” сўзига шундай таъриф берилган: “Хушомад - [форсча – саломлашиш, салом бериш; ёқимли сўз; тилёғлама мақтов] Бирор кишига таъмагирлик билан хизмат қилиш, сермулозамат бўлиш, мақташ ва ш.к.; хушомадгўйлик, лаганбардорлик. Хушомад қилмоқ – 1) хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. 2) мамнуният ифодаси сифатида “дўст”, “барака топ”, “қурбонингиз бўлай” каби иборалар билан кимсага қарата хитоб қилмоқ” [19].

Ўзбек тилида берилган изоҳлардан келиб чиққа ҳолда, илтифот – хулқ-атворнинг умумий стратегияси доирасида ўрганилаган, инсонга нисбатан ижобий туйғуларни билдиришга йўналтирилган фатик мулоқотдир. Илтифотнинг фатик вазифаси – нутқий мулоқот учун умумий ёқимли муҳитини шаллантиришдир. Шу сабабли ҳам илтифот ҳамсуҳбат туйғуси, фикри ва ҳаракатига таъсир кўрсата олади. Илтифот инсон ҳис-туйғуларига таъсир этади. Шу боис уни суҳбат муомаласига таъсир этувчи «эмотив восита» деб хисоблаш мумкин. Илтифот комуникация воситаси сифатида нутқий мулоқот ўрнатишнинг барча босқичларида – нутқий алоқани ўрнатиш, сақлаш ва якунлашда жараён муваффақиятини таъминлайди. Мулоқот – суҳбатни тузиш мақсадида келтирилган илтифотга диққат қаратайлик:

- *Қишлоғимизга хуш келибсиз, меҳмон, қадамларига гул битсин!*

Искандар тағин сир бой бермади.

- *Ташаккур, оқсоқол…*[11]

Меҳмонни ўзига хос иззат-икром билан кутиб олиш ўзбек халқига хос хусусиятдир. Одамлар илтифотга жуда сезгир, чунки улар ёқимли сўзлар тинглаганда ўзгача завқланишни ҳис қилишади. Ишбилармонлар орасидаги мулозаматнинг мақсади келгусида ҳамкорликни бошлаш ёки давом эттириш бўлиши мумкин. Илтифот турларида жинслараро тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Аёл учун унинг ташқи кўриниши, шахсий жозибасини баҳолаш муҳимдир. Эркаклар эса ақл-идрок, ижтимоий-иқтисодий мақом, қатъиятлилик ҳақидаги илтифотларга сезгир. Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ илтифотни талаб қиладилар. Болалар тилидан чиққан илтифот эса ўзига хос жарангдорлик ва самимият билан чиқади:

- Бобожон, тилингизга асал! Кўзим ҳам, юзим ҳам очилиб кетди сўзларингиздан! [12]

https://buxdu.uz

Илтифот суҳбатдошга ёқимли сўзларни айтишнинг бошқа усулларидан фарқ қилади. Масалан, мақтов – ёши катта одам ёки бошлиқ томонидан билдирилган фикрларни ижобий баҳолаш, муносабат билдириши ҳам мумкин. Муболаға – суҳбатдошнинг ютуқларини атайлаб бўрттиради. Натижада бу ҳақиқатдан йироқ бўлиб, рад этилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Илтифот эса суҳбатдошнинг қадр-қимматининг самимийлигини кўрсатади:

- *Менга ҳеч нима керак емас, ўзингиз омон бўлсангиз бас, - дерди Онабиби унинг тикандек мўйловига бармоқларини қадаб [9]....*

Илтифот фатик восита сифатида жинсига кўра фарқланиши мумкин:

- *Билагингизда куч кўп амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демакдир! [20]*

Ёки:

- *Ҳа, онаси, умримнинг азиз йўлдоши, яхшилик учун туғилган экансан, сендан нуқул яхшилик кўрдим....* [16]

Бадиий тасвир ва нутқий жанрларнинг янги бир кўриниши сифатида замонавий тилшунослик ва адабиётшуносликдан ажратилиб, ҳар томонлама ўрганилаётган фатик мулоқот ва унинг турлари билан танишиш натижасида шундай хулосага кела оламизки, фатика бадиий тасвирнинг ўзига хос ва жуда муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мулоқот мавзусига оид янги ахборот (маълумот) бермаса-да, коммуникантлар шахсиятини, маълум шароитларда ҳолатини ёритиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина ҳолларда адиб коммуникантларнинг шахсиятини ёритиб берувчи фатик мулоқот орқали асарни яратишдан кўзлаган ғоясини ҳам ифодалайди. Шунинг учун фатика асар структурасида ортиқча, бемаъни, тасодифий бир қисм эмас, балки унда ўзига хос ўрин олувчи, муаллиф ғоясини ёритишга хизмат қилувчин бир бадиий воситадир.

Фатика ўз тилимиз воситалари билан фатик мулоқот атамаси билан номлаш маъқул, чунки у коммуникантлар орасида нутқий мулоқотни ташкил этишга, уни сақлашга хизмат қилади. Фатик мулоқотнинг айрим кўринишлари миллий маданият, урф-одат ва расм-русум билан алоқдордир. Фатик мулоқотнинг мулоқот эшикларини очувчи прагмалингвистикада нутқий мулоқот ибтидоси /НМИ/ атамаси билан номланувчи саломлашиш, сўрашиш, мурожаат /ФМ/ нуқтаи назаридан мулоқотга кириши, мулоқотни якунлашга хизмат қилувчи фатик мулоқот мулоқотни якунлаш сифатида аталиши мумкин. Фатик мулоқотнинг бу икки тури урфийлик, расм-русум ва миллий одат билан боғлиқ.

Шунда ҳам вазият ва шароит унга ўз тузатишларини киритади ва улар ғайриоддатий шакллар қабул қилиши мумкин. Фатик мулоқотнинг мулоқотда бўлиш кўриниши нафақат коммуникантлар орасида мулоқотни сақлаш, этик жиҳатдан ўнғайсиз саналган жимликни бартараф этишга, шунинг билан бирга адресатнинг шахсиятини намоён этишга ҳам хизмат қилади. Жуда кўп ҳолатларда фатикнинг мулоқотда бўлиш кўриниши коммуникантлар шахсиятини очиб бериш билан муаллиф киноявий усулда ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ўртага қўяди. Фатик мулоқотда бўлиш намунаси сифатида, эҳтимол, Тоғай Мурод асарларидаги (хусусан, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романидаги) нутқий мулоқот намуналарини – суҳбатларни кўрсатиш мумкин бўлса керак. Зеро, пичингомиз бўлган бу мулоқотларнинг деярли барчаси ҳақиқий коммуникантлар суҳбати эмас, балки давридан сатирик-юмористик пичинглар билан маълумот берувчи, унинг иллатларини фош этувчи воситадир:

Ботир фирқа тахланиб ётмиш марҳумларга тикилди... ичида фотиҳа ўқиди, ичида қурьон ўқиди. Сўлғин, юқорилади. НКВДчилар олдига бориб турди.

– Рангингиз оқариб кетибди, қўрқдингизми? - деди командир.

– Йўқ, нега қўрқаман, йўқ... - дея мингиллади Ботир фирқа.

– Рангингиз докадай оқариб кетибди? Яна-тағин, дудуқланяпсиз?

– Ҳа, энди... эл-юртчилик, ўртоқ командир, эл-юртчилик. Ўз эл-юртингиз эмасми, одамга пича ботар экан. Унча-мунча малол келар экан.

– Ўртоқ раис, бу ҳақда буйруқ бор, буйруқ! - дея овозини кўтарди командир.

– Буйруқ! Совет ҳукуматининг буйруғи! Совет ҳукуматининг хоҳиш-иродаси!

https://buxdu.uz

Ёки совет ҳукуматидан норозимисиз?

Ана шунда, Ботир фирқа бир сесканиб олди. Теваракка олазарак-олазарак бўлиб олди.

– Ундай деманг, ундай деманг... - дея каловланди. - Ахир, мен... фирқаман, фирқа!

– Фирқа бўлсангиз, нега иккиланасиз?

Ботир фирқа бирдан... қаддини ростлади, оматини адл-адл этди. Бошини тик-тик тутди.

– Яшасин, шўро ҳукумати! - деди тантанавор. -

Шўро ҳукуматига шон-шарафлар бўлсин!

Ботир фирқа шу қўйи қотиб турди. Мижжа-да қоқма-ди. Нафас-да олмади!

–Ана бу бошқа гап! - деди командир.

Анаглундан кейин Ботир фирқа ўзини... одам ҳис этди. Ўзини эркин ҳис этди. Одамга ўхшаб нафас олди. [15]

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, фатика коммуникантлар орасида мулоқотни тузиш, сақлаш, тугатиш учун мулоқот мақсади билан алоқадор ахборот билан бевосита боғланмаган мавзулардаги қисқача суҳбатдир. Фатик мулоқотнинг бир кўриниши сифатида илтифот коммуникантларнинг муносабатини яхшилаш ёки ёмонлаштириш (масхара килиш) ҳамда “small talk” мақсадсиз (табрик, таништириш, миннатдорчилик) фатик мулоқот кўринишида бўлади. Нутқда илтифот кўринишлари миллий маданият, урф-одат ва расм-русум билан алоқдордир. Инсонга нисбатан ижобий туйғуларни билдиришга йўналтирилган фатик мулоқот тури – илтифотнинг фатик вазифаси нутқий мулоқот учун ёқимли муҳитини шаллантиришдир. Шу сабабли уни суҳбат муомаласига таъсир этувчи «эмотив восита» деб аташимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. *Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. – Ленинград: Наука. 1974, -с. 452.*
2. *Бюлер К. Структурная модель языка// Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерка и извлечениях. Часть II. – Москва, 1965, - С.28-37.*
3. *Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Наука, 1969, -с.505.*
4. *Мухтор А. Чинор. – Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. 15-б.*
5. *Норман Борис. Основы языкознания (http://rus.1september.ru/2001/42/vkl.htm)*
6. *Отаули. Замона зайли. – Т.: Шарқ, 2206. –244 б.*
7. *Слюсарева Н.А. Методологический аспект понятия функций языка. //Известия АН СССР, 1979. вып. 2, - С. 78.*
8. *Слюсарева Н.А. Функции языка/Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990, -С. 564-565*
9. *Степанов Ю.С. Семиотическая структура языка (три функции и три формальных аппарата). //Известия АН СССР, 1973. вып. 4 –с. 97.*
10. *Степанов А.Д. Контакт и условия коммуникации. Фатические речевые жанры. Проблемы коммуникации у Чехова my-chekhov.ru/kritika/problem/p...*
11. *Тошпўлат Аҳмад. Кўнглим гули – набирам. – Т.: Наврўз, 2014. - 165 б.*
12. *Тоирова Г. Фатика ва фатик мулоқот турлари. УзМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. 2-сон. 291-295-б.*
13. *Phatics - actual problems of linguistics uzbek research. Journal of Social Sciences and Humanities Research Vol 4 Issue 2 June 2016. ISSN 2382-9753, -P.16-19. (http://www.uctjournals.com/archive/ujsshr/2016/June/3.pdf).*
14. *Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Тошкент, 2001. 14-б.*
15. *Тўхтабоев Х. Жаннати одамлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. 19-б.*
16. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти. - 635 б.*
17. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти. 199-б.*
18. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти. 432-б.*
19. *Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Т.: Ўзбекистон,1999. 36-б.*
20. *Якобсон Р. Лингвистика и поэтика. Сб. Структурализм: «за» и «против». – Москва, 1975. - С. 319-330.*

https://buxdu.uz

UDC: 81`373.74(.111): 81`259(=161.1/=512.133)

ИНГЛИЗ СЎЗ БРИКМАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТУРЛИЧА ЁНДАШУВЛАРИ ВА УЛАРНИ ГУРУҲЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

РАЗЛИЧНЫЕ ПОДХОДЫ И ПРОБЛЕМЫ КЛАССИФИКАЦИИ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКИХ ВЫРАЖЕНИЙ

Француз тилида шамол йўналиши билан боғлиқ шакллантирилган бир қатор анемонимлар борки, уларнинг номлари ономастикада шу халқнинг этник маданияти, жойлашув ўрнига кўра ўзига хослик касб этади. Масалан, Норде (фр. nordet ёки nord-est) – Франциянинг узоқ шимолидаги совуқ ва қуруқ шимолий-шарқий шамол; Сюдуа (фр. sudois) – Женева кўлидан эсувчи жанубий-ғарбий шамол, Ван де севено (фр. vent de ceveno) – шарқдан, тоғдан эсувчи жанубий-шарқий шамол, Пти-сен-бернар (фр. petit St.-Bernard) – Кичик Санкт Бернарддан эсадиган кучли шарқий ёки шарқий-шимолий-шарқий шамол бўлиб, асосан, Изер дарёси томон йўналади. Серюз (фр. ceruse) – Сен-Рафаэль-Фрежю билан боғлиқ кучли шарқий-жанубий-шарқий шамол шулар жумласидандир. Бундан ташқари, яна шамолнинг пайдо бўлиш жойини акс эттирувчи Авал (vent d'aval) – қуйи оқим шамоли, Амон (фр. vent d'amont) – юқори оқим шамоли, Мон (фр. mont) – тоғ довонидан келувчи шарқ шамоли, Монтань (фр. montagne) – Ломен жанубидан эсадиган шамол, Премонтэ (фр. premontais) – Сен-Жервенинг довул даражасидаги жанубий-шарқий шамоли, Ван (фр. vent) – жанубий ёки жанубий-ғарбдаги нам ҳаводан иборат кучли шамол кабилар/ [3].

Франция рельефининг ўзига хос хусусияти сабабли Бюес (фр. buesh), Валэ (фр. valais), Везин (фр. vesine) – водий шамоли; Марен (фр. marin), Маринада (катол. marinada) – денгиз шамоли; Морже (фр., нем. morget) – тунги қирғоқ шимолий шамоли; Понтиас – тунги тоғ этаги шамоли; Рузо (фр. rouseau) – Перти довонидан эсувчи тонги шарқий тоғ шабадаси. [3].

Келтирилган мисоллар шамолларнинг номлари келиб чиқишига ороним, ойконим, хороним ва гидронимлар ҳам таъсир қилганлигини англатади.

Франция релефининг ўзига хослиги, яъни турли пасттекисликлар, тоғ ва довонлар, денгиз, дарё ва кўллар қирғоқларининг бир-бирига туташишидан ҳосил бўлганлиги учун тез-тез эсиб турадиган маҳаллий шамолларнинг пайдо бўлишига қулай шароит яратган. Шунинг учун ҳудудда денгиз, дарёлар ва уларнинг қирғоқлари шамолу шабадаси, тоғ шамоллари энг кенг тарқалган.

Француз тилида оронимик хусусиятли Альбертвилль, альбервилль (фр. albertville) – Албервиль водийсининг қуруқ шимолий-ғарбий шамоли; Арденн шамоли (фр. vent d'ardennes), Вож, вогез (фр. vosges) – Ненсидаги шарқий шамол каби номлар ҳам учрайди. [3]. Ўзбек тилидаги “афғон шамоли” ҳам худди шундай оронимик хусусиятли анемонимлардан биридир.

Шунингдек, француз тилида хоронимлардан, яъни Франция ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг номлари орқали ясалган анемонимлар ҳам учрайдики, бунга Италия чегараларидан эсувчи Ван д'итали (фр. vent d'ltalie), Испания номи билан боғлиқ Ван д'эспань (фр. vent d'Espagne), Прусия номига туташ Ван прюссьен (фр. vent prussien) шамоллари номини мисол қилиш мумкин. [3].

Гренобль (фр. vent de Grenoble), Борделе (фр. bordelais), Авр (голл.abra “сув”) [3] каби анемонимлар *ойконим ва гидронимлар таъсирида келиб чиққани сезилади.*

Анемонимларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар вақт тушунчаси билан боғланади.

https://buxdu.uz

Жумладан:

1. Кун (сутка) вақти: тонг шамоли, эрталабки салқин шабада, кечки салқин шамол, тун шамоли каби. Француз тилида бу жиҳатдан Матиналь (фр. matinal – эрталабки) – тонгги совуқ ва қуруқ шарқ шамоли, Матиньер (фр, matiniere) – эрталаб тоғ ёки дарё томонидан эсувчи совуқ ҳаволи шамол, Миджжорн (катол., прованс. mitgjorn) – куннинг ўртасида жануб томондан эсувчи мўътадил ҳолатдаги секин шамол, Мижур, мьежур (фр. miejour) – нам жануб шамоли, Морже (фр., нем. morget) – тунда қироқ бўйида эсувчи шимол шамоли [3] кабилар эътиборни тортади.

2. Фасл билан боғлиқ шамоллар: баҳор шамоли, Ҳут шамоли, ёз шамоли, куз шамоли, қиш шамоли каби. Француз тилида бу жиҳатдан Аль де марс (фр. haledemars) номли март-апрелда эсувчи шамол номи, Рюмилльян (фр. rummillien) – кузнинг илиқ ва ёмғирли, намчил шамоли, Суже (фр. soujet) – кузнинг тоза ҳаволи шамоли, Феклаз (фр. feclaz) – қиш шамоли, Турейо (фр. toureillo) – кучли баҳор шамоли номлари [3] қўлланади.

Шамол номлари ҳарорат белгисига кўра совуқ шамол, иссиқ шамол, илиқ шамол, этни жунжуктирувчи шамол каби бирикмалар орқали ифода этилади.

Шамол номлари қуруқлик ёки намлик даражасига кўра ҳам фарқланади. Бунга кўра улар қуруқ шамол, намли шамол, ёмғирли шамол, лойқали шамол, қумли шамол тарзида ажратилади.

Яна тилда учрайдиган майин шамол, қаттиқ шамол, енгил шамол кабилар ҳам шамол хусусиятларини акс эттирувчи бирикма анемонимлардир.

Француз тилидаги Аруэрг, руерг (фр. arouergue, rouergue) – кучли иссиқ ва нам шамол, Аль де марс (фр. hale de mars) – қуруқ ва совуқ шамол, Аспр (фр. aspre) – юмшоқ ва майин, қуруқ шамол, Брамон (фр. bramont) совуқ шамолни, Бисорт (фр. bissorte) илиқ шамолни, Бюльби (фр. boulbie) – шимолдан эсувчи жуда кучли совуқ ва қуруқ шамолни, Бан де дарре (фр. bent de darre) – нам, ёмғирли ғарб шамолини аташга [3] хизмат қилади.

Шамоллар номланишида ранглар иштирокини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, қора шамол, оқ шамол, сариқ шамол каби. Қора шамол, одатда, шимолдан эсувчи қаттиқ совуқ шамолни англатади. Сариқ шамол эса қумни кўтариб эсувчи шамолга нисбатан қўлланади. Шунингдек, тошни жойидан силжитувчи, ўрнидан қўзғатиб олиб учувчи шамол тури ҳам мавжуд. Ўзбек тилида бундай шамол турига нисбатан “тошбўрон” номи қўлланади. “**Тошбўрон” сўзи форс-тожикча** тош + ёмғир сўзларининг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган қўшма от бўлиб, икки хил маънода қўлланади. 1. Кўчиб, бир-бирини суриб думалатиб, шиддат билан тушаётган тошлар оқими маъносида. **2.** Қадимда айбдор деб ҳисобланган кишини кўкрагигача ерга кўмиб, ҳар ёкдан тош отиб қатл қилиш усули; умуман, ҳар томондан тош ёғдириб жазолаш, уриш маъносидаги тарихий сўз сифатида. [9, 160]

Француз тилида Ван-блан (фр. vent blanc), Блан, ромьер (фр. blanc, ramier), Ван де ла пуссе (фр. vent de la poussee) кабилар оқ шамолни (тоза ва очиқ ҳаводан иборат илиқ ва қуруқ шамолни), Ван негр (фр. vent negre) ёки Ван нуар (фр. vent noir) қора шамолни, Рошбрюн (фр. rochebrune), Ор русс (фр. aure rousse) – малла, сариқ шамолни, Ор русс (фр. aure rousse) – қизил шамолни [3] билдириб келади.

Шамол – об-ҳаво ўзгаришларининг даракчисидир. У об-ҳаво ҳолатини кўрсатади. Шунга кўра, кўпинча бадиий адабиётда қаҳрамон яшаётган замон ва макон ҳолатини поэтик ифодалаш мақсадида шамол номларига, шамол семиотикасига мурожаат қилингани кузатилади.

Ижтимоий ҳаётда кучли шамолларнинг одамлар ҳаётига хавф солиши, вайронагарчиликларга сабаб бўлиши, ишлаб чиқариш жараёнига, хўжалик фаолиятига, айниқса, чорвага ҳамда деҳқончилик ҳосилларига зарар етказиши маълум. У туфайли дарё ва денгизлар тошиши, сув омборлари вайрон бўлиши, ҳаво ва қуруқлик, сув транспорт воситалари издан чиқиши, фалокатга учраши ҳеч гапмас. Шунинг учун халқ орасида шамолдан огоҳлантирувчи ёки шамол воситасида огоҳ этувчи мақоллар ҳам яратилган. Бунга “*Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди”, “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, “Шошган шамол билан баробар” кабиларни мисол қилиш мумкин.*

https://buxdu.uz

Шамоллар инсон саломатлигига таъсир кўрсатиши туфайли “шамоллаш” касали юз бериши аниқланган. Лекин шамолларнинг фойдали томонлари ҳам мавжуд. Ўтмишда яратилган “шамол тегирмонлари” бунинг ёрқин далилидир. Ёзнинг иссиқ кунларида эсган кучсиз ва заиф шамоллар ҳам инсон танасига ором бахш этиши инобатга олиниб, шу тушунчалар асосида шамол берувчи бодбезак, вентилятор, конденционер каби асбоб-воситалар яратилган.

Шамол ҳаво экологиясига таъсир қилиниши инобатга олиниб, инсон яшайдиган хонасини тез-тез “шамоллатиб” туради.

Хуллас, ҳар бир тилдаги анемоним ва метеонимлар, асосан, маҳаллий аҳолининг кўп асрлик кузатувлари натижасида, теварак-атроф табиий-иқлим хусусиятларини инобатга олиб, улар ҳақида тўплаган билим ва тажрибаларини ҳаёт тарзи ва амалий меҳнат фаолияти билан боғлаб шакллантирилган. Жумладан, шамол номлари ҳам худди шундай пайдо бўлган ва тил ва нутқда ўзига хос лексик-семантик жиҳатдан қўлланиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. *Алиқулов А.Ғ. “Ел-ёғин” лугавий-маъновий гуруҳи (тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фанл. номз... дисс. автореф.- Т., 2011. - 19 б.*
2. *Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. - М.: Высшая школа, 1972. - 616 с.*
3. *Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). - Улан-Удэ, 2017.*
4. *Доржиева Г.С., Языкова А.А. Мотивационные значения байкальских анемонимов // Вестник Бурятского государственного университета. - 2016. - Вып. 5. - С.86-93.*
5. *Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии / Н. В. Подольская. - Москва : Изд-во «Наука», 1978. - С. 29.*
6. *Прох Л.З. Словарь ветров. - Л.: Гидрометеоиздат, 1983. - 157 с.*
7. *Радченко О.А., Закутина Н.. Диалектная картина мира как идиоэтнический феномен // Вопросы языкознания. - 2004. - №6. - С. 25-47.*
8. *Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. - М.: Изд-во ЛКИ, 2007. - С. 368.*
9. *Языкова А.А. Анемонимы в языковрй картине мира Циркумбайкальского региона // lingvistics_dictionary.akademic.ru //82/анемонимы. - С.101-105.*
10. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 4-жилд. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. - 606 б.*

UDC: 81.255

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДА ЮКЛАМАЛАРНИ ТАРЖИМАДА БЕРИШ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА ЧАСТИЦЫ НА АНГЛИЙСКИЙ И УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫКАХ

PROBLEMS OF TRANSLATION OF PARTICLES IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Kakhkharova Gulrukh Shavkatovna
PhD student, BSU

Аннотация. *Мақолада инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнини таржимада сақлаш ва ифодалаш муаммолари, йўллари ҳақида фикр юритилган. Уларнинг грамматик маъно ва грамматик вазифалари таржимада қай даражада сақланиши кузатилган. Инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари орасидаги муштараклик ва фарқли хусусиятларнинг таржимага таъсири масаласи ўрганилган. Ўзбек тилидаги аффикс, сўз кўринишидаги юкламаларнинг инглиз тилидаги муқобиллари аниқланган. Уларнинг таржимада ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиши мисоллар асосида далилланган.*

Таянч сўзлар: *юклама, грамматик маъно, грамматик вазифа, гап, сўз, ибора, қўшма гап, содда гап, таржима, адекватлик.*

Аннотация. *В статье рассматриваются проблемы и способы хранения и выражения частицы на английском и узбекском языках. Было замечено, насколько их грамматическое значение и грамматические функции сохраняются при переводе. Изучается вопрос о*

https://buxdu.uz

сходствах и различиях между духовными группами английских и узбекских частицы, а также о влиянии различных характеристик на перевод. Выявлены узбекские аффиксы, английские альтернативы частицы словоформ. То, что их особенности отражены в переводе, подтверждается примерами.

Ключевые слова: *частицы, грамматическое значение, грамматическая функция, предложение, слово, фраза, сложное предложение, простое предложение, перевод, адекватность.*

Abstract. *The article is dedicated to the problems and ways of storing and expressing particles in the English and Uzbek languages. To what extent their grammatical meaning and grammatical functions are preserved in translation has been observed. The question of the commonalities and differences between the spiritual groups of the English and Uzbek particles and the effect of the different features on the translation is studied. Uzbek affixes, English alternatives of word-form particles have been identified. The fact that their features are reflected in the translation is proved by examples*

Key words: *particles, grammatical meaning, grammatical function, sentence, word, phrase, compound sentence, simple sentence, translation, adequacy.*

Introduction. Particles draw special attention in the translation process as one of the tools that complicate the semantic structure of the sentence and lead to linguistic presupposition. It can be observed that the storage and transfer of particles vary in translation. Defining the principles of expressing them in translation is one of the urgent problems.

The main part. In the expression of particles in translation, the originality can be easily achieved by substituting the existing particles in one language for its similar grammatical function and grammatical meaning particles in another language. In particular, the Uzbek **-ку, ҳам, -у (-ю), -да, -оқ, -ёқ, -ки (-ким)** amplified-emphasis particles [7, 434] in English, which perform the same grammatical function, **even, yet , still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very**, even, in fact, in contrast to the so-called **"Emphatic or intensifying particles"** [2, 281] can be expressed. For example, the excerpt from the novel "Columbia City was not so far away, even once she was in Chicago" from the English-American writer Theodore Dreiser's novel "Sister Carrie" [3, 2] is in fact only one (**even**) amplification, in the Uzbek translation, three (***ҳаттоки, ҳам, -ку)*** amplified-emphasis particles were used at once: "It's hard to even come home from Chicago, - he said. The town of Columbia is not far away" [4, 5]. As a result, in addition to the originality, the meaning in the Uzbek translation has been further strengthened.

It is known that in the Uzbek language there are additional particles (-ми, -чи, -а, -я, -ку, -да, -оқ, -ёқ, гина, etc.), and when they are added to a word, phrase, sentence, they have an additional meaning. If a word or phrase with an additional load is omitted during the translation process, the particles on it will also be dropped. For example, "Гуля буларнинг орасида нима қилади, гаштакка тўплаб ўтиришдан мақсади нима ёки битта-яримтасининг юзида ой кўрганми – шунисига ҳайрон эди Фарҳод" [1, 114]. (In translation: "He wondered what Gulya was doing among them, why she had gathered them all together, or if she was expecting something from them" [7, 109].

In this sentence, ***-ми*** was added to the phrase ***юзида ой кўрганми*** (whether he saw the moon on the face) of the question-and-wonder particles, but since this phrase was omitted in the translation, the particle added to it was also dropped.

While particles are repeated and added to pairs of words, adding additional meaning to their meaning, it is natural that if such words are omitted during the translation process, the particles they contain will also drop. For example: "Тўғри, онамда озроқ арман қони аралаш, лекин отам, бобою бобокалонларим қип-қизил эроний бўлган. Агар ишонмасангиз, насабномамизни келтириб кўрсатишим мумкин!" [1, 118]. ("Admittedly, my mother had some mixed Armenian blood, but my father and all my forefathers were pure Iranians. If you don't believe it, I can show you our genealogy!") [7, 113].

It formed a coherent passage in the sentence – the words **отам, бобою бобокалонларим**

https://buxdu.uz

(my father, grandfather and great-grandfather) were connected by an English and an conjunction, but the pair of words бобою бобокалонларим (my great grandparents), who were connected by a particle is expressed in translation by a simple word meaning **all my forefathers**: But my father and all my forefathers.

It should be noted that due to the lack of additional particles in English, the word particles are translated into Uzbek either by additional or word particles: “Suppose she should never hear anything more of him? This fine arrangement of chambers would not last long!” [3, 191] – Бутунлай дом-дараксиз кетса-чи? Унда манави шинам хоналарни тарк этишга тўғри келади-ку! [4, 250]. The original **never** is alternated amplified-emphasis particles in the Uzbek translation is "-*ку*!".

In Uzbek, ***-ку*** particle is a amplified-emphasis particles, but sometimes it is used in speech to form a question. At the same time, this particle conveys the meaning of interrogation. In English, this particle corresponds to a ***just*** particle of content. This opportunity was used in the translation. The content of his interrogation has also been preserved. For example: “– Эй ўртоқлар, нимага мум тишлаб ўтирибсизлар? – Акобиров сизларни майна қиляпти-ку?! Бориб турган миллатчи бу! Мана, ўзларинг ҳам кўрдиларинг...” [1, 137]. (“Hey, candidates! Look, why are you just keeping quiet when (Akobirov’s making fun of you? He’s a real nationalist! You’ve all just seen it for yourselves…”) [7, 131].

It is observed that the content of the questionnaire, which represents the questionnaire particles in Uzbek, is given in English with a questioning tone. "Why does this woman behave like an aristocrat?" Although the ***-чи*** interrogative particle is not actually used in this sentence, its place is noticeable. Therefore, the English translation of the sentence is given in the form of a direct interrogative sentence, with a question mark at the end.

Although the particles are sometimes omitted in the translation process because they do not have the same meaning as modal words, exclamations, and rhymes, they may not detract from the main content: “Одам дегани бу лўлихонада қандай кун кечирар экан-а? Яна тағин манови хотиннинг ўзини киборона чоғлаб жикиллашини! Бу-ку майли, аъмолидин кўрсин, баттар бўлсин, аммо Вика, Викторияси шу уйда қоладими бу кеча? Бу исқирт хонадон, ундан-да исқирт кимсалар орасида унга нима бор? Наҳотки шулардан бунёд бўлган у?” [1, 156]. (“How can they live here?”). “And what has it got to do with Vika? “Will she be spending the night here today?” [7, 147].

In fact, the modal part of the sentence "Бу-ку майли" consists of a preposition (бу), particle (-ку), a modal word (майли), which does not have a noun in the translation process, so it is easy to give them up and omitted. But this complex compound sentence, which is in fact a combination of four simple sentences, is given in translation in the form of two simple sentences. This makes it clear that in the process of translation not only words that do not have a noun meaning can be omitted, but that sentences given in the form of a complex compound sentence are in fact simplified in translation.

The original text reads, "Бу исқирт хонадон, ундан-да исқирт кимсалар орасида унга нима бор?" the pronoun (у + н + дан), which led to the consonant of the exit in the sentence, was supplemented by an amplified-emphasis particle.

In the Uzbek language, the word наҳотки is considered as a reinforcement. It often contains the meaning of interrogation. Therefore, in his English translation, using a question mark, it is indicated that the sentence has the following meaning according to the purpose of expression: “What will she do in this grimy place among these untidy people? Is she really their grand-daughter? ” [7, 147].

“Йўқ, ижобий милиса экан. Сени кўриб юмшади. Лекин кинода ўйнамоқчи!

– Вой, ростданми? Шу-я?!

– Ҳа, нима қипти? Шунчаси ўйнаяпти-ку!” [1, 160]. (“No, he was a good policeman. He relaxed as soon as he caught sight of you. But he’s going to play in a film!”

– “Really? That officer?”

– “Yes. Why shouldn’t he?” [7, 151].

https://buxdu.uz

Apparently, in the dialogic text quoted, “Вой, ростданми? Шу-я?!” part of the translation is “Really? That officer?” translated in the style. At the same time, it is observed that the pronoun "вой", which does not have a noun meaning, is dropped, and then the pronoun "шу", which has no other noun meaning, but only as a sign, is realized by a definite noun. At the top of the dialogue, the Uzbek dialect of the militia, including the name of a police officer, is translated as "policeman," meaning "полициячи," meaning "Нима у қилолмайдими?" translated in the style. From this it becomes clear once again that in the process of translation one particle can be brought in place of another particle.

In the Uzbek language, it is often the case that **фақат, ҳатто (ки), наҳот (ки)** particles appear at the beginning of a sentence. In English, **even** amplified-emphasis particle is often used at the beginning of a sentence: “Ана, етти ёт бир милиса ҳам тушунди-ку! Бир кўнгилга фақат биттаси сиғади деганлари бекор экан, Зуҳра, мана, сенинг ёнингга бугина ҳам сиғди-ку, бағрингни кенг қил, хотин дейди" [1, 161]. (“Even a traffic officer, a stranger, could understand him. It is not true that one heart can be the place for one love only. Zuhra, look, this woman could be placed next to you in my heart, so be tolerant, please, my wife” [7, 152]).

Based on this example, there is evidence that in English, **even** - amplified-emphasis particles can come at the beginning of a sentence.

Ҳатто - the amplified-emphasis particles is given in English with the same meaning and ***even*** word in the function. But the place and function of the particles, which is still attached to the word ***-ям,*** may be almost imperceptible: However, the word ***ҳали*** is still added to the additional word ***-ям,*** may be almost imperceptible the word ***ҳам:*** "Акобировдан олган мактубингдаги сўнгги жумлаларни эслаб, шу тобда кўнглинг алланечук ҳазин тортди, кўзларингга ҳатто ёш келиб кетди: “Акангиздан ҳалиям ранжиб юргандирсиз?" [1, 185]. (“Remembering the last lines of Akobirov’s letter, you felt sad, tears even came to your eyes: “Are you still upset with me?”[7, 173]).

Sometimes, in the process of translating into English, the Uzbek accent is also given with the word modal, which confirms the accent: "I went to see him at his residence several times, too".

It can be said that in the process of translation, it is often observed that due to the fact that the compound sentence is given in the form of a simple sentence, the particles in original context that actually exist are dropped. This can be clearly proved by the following example: “Касалхонада ётиб чиқдингу пича ўзингга келгандек бўлдинг” [1, 179] is translated as “You had hospital treatment” [7, 168]. More precisely, the structure of the sentence has changed when this particle is taken from the structure of this connected compound sentence, which is actually formed by quoting the ***-у***, as an attachment conjunction. In the phrase "У касалхонада даволанди" based on this change, the meaning would have been more clearly understood if the phrase "ўзига келмоқ" was given only with the word "тузалди" rather than "даволанди".

It can be seen that in the translation process, a single particle in the original can be represented by several such particles in the translation language. More precisely, it is observed in translation practice that a particle is given by several particles equal to its meaning.

In Uzbek, the suffixes ***-у, -ю, -да*** are usually used to reinforce and emphasize ideas, and sometimes to connect words and sentences. Therefore, it can be observed that they are present when the English suffix “and” is translated into Uzbek: “Arranged her clothing for the night and went to bed” [3, 12] - "Шунда туриб ечинди-***да***, кийимларини яхшилаб тахлаб қўйиб, ўринга кирди" [4, 20].

Although the accent is sometimes not used in the English text, it is used when translated into Uzbek and expresses the meaning of interrogation in addition to its meaning: "Ah," thought Carrie, with mournful misgivings, "what is it I have lost?" [3, 73] – Мен ҳеч нима йўқотганим йўқ-ку? дерди Керри ҳам ичида ваҳимага тушиб" [4, 96].

Although in most cases the particle is not involved in the original, there are instances of its use in translation. Not even one, but several types of particles can be used in several places: “In the light of the way they would look on her getting money without work, the taking of it now seemed dreadful” [3, 53] in the Uzbek translation of the passage at once in four places "Керрининг ўзи

https://buxdu.uz

ҳам жон-жон деб уларнинг баҳридан ўтган бўларди-я, аммо уйига қайтиб кетишга сира ***ҳам*** тоби йўқ эди-***да***” [4, 73].

The following cited particles ***ҳам***, ***-да*** represents the reinforcement-emphasis, and ***-я*** particle represents the interrogation-surprise. In general, adding non-existent particles or translating original non-existent particles is one of the most common situations: “They would be expecting her to go home this week” [3, 56].

In this text, it is clear that there are no ***ахир*** and ***-ку*** in original context, but in the Uzbek translation they are: "***Ахир*** опаси билан поччаси мана шу ҳафтада қайтиб кетишини кутиб туришибди-***ку***" [4, 77]

There are also cases where the original particle is dropped. For example: “An old acquaintance of mine that I ran into just as I was coming up from the station,” Drouet explained. "She used to be quite a beauty" [3, 85]. " – О, у эски танишим билан вокзалдан келаётиб учрашиб қолувдим! – Друэ шоша-пиша тушунтира кетди. – Бир вақтлар ёмон эмасди" [4, 116].

The original "***just***" amplified-emphasis particles has been dropped in the Uzbek translation. The task of expressing the emotion he has to perform is assigned to the emotional urge “***о***”.

The formation of emotional sentences through questioning in Uzbek is one of the most common cases, which is also preserved in the process of translation into English: "Fine stepper, wasn't she?" [3, 81]. "– Бирам чиройли юраркан-а!" [4, 109]. Apparently, the English interrogative sentence was translated into Uzbek in the form of an emotional sentence with the participation of the “***-а***” interrogative particle.

In the process of translating emotional sentences constructed in English into Uzbek, it was found that expressive sentences with interrogative sentences are expressed in the form of emotional sentences, the exclamation point is replaced, or it is accompanied by a question mark [5].

In short, a comparative study of the grammatical, functional and stylistic features of the two peoples who speak different structural languages - English and Uzbek, auxiliary words in speech - expands the existing opportunities in linguistics to enrich scientific conclusions about particles and their translation.

REFERENCES

1. *A’zam, Erkin. Noise: novels, short stories, short stories – Tashkent: Uzbekistan, 2011. – P.137.*
2. *Bo’ronov J. English Grammar. – Tashkent: «Teacher», 1974. – P.281.*
3. *Draiser Th. Sister Carrie. Gutenberg EBook FreeDetorial. 2008. https://www.gutenberg.org/files/233/233-h/233-h.htm*
4. *Draiser Th. Sister Carrie. Novel. Translated by E. Nosirov. – Tashkent., «Shark», 2007. – P. 512.*
5. *Kaharova I.S. Cognitiv-pragmatic analysis of emotional sentences in the English and Uzbek languages. Dissertation for the doctor of philology (PhD) on philological sciences. – Tashkent, 2019. – P.180.*
6. *Erkin A’zam. The Din Farewell to Fairy Tales. Translated from the Uzbek by Aazam Abidov. – T., 2014. – 279 b.*
7. *Shoabdurahmonov Sh. and others. Particles / Modern Uzbek literary language. – T.: Teacher, 1980. –P.432-438.*

УДК: 81.42

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

ЛИНГВОПОЭТИКА АНАЛОГИИ В ПОЭЗИИ АЛИШЕРА НАВОИ

LINGUOPOETICS OF ANALOGY IN THE POETRY OF ALISHER NAVOI

Сайидова Гулрух Ёқубовна
БухДУ таянч докторанти

Аннотация. *Мақолада Алишер Навоий шеърий асарларидаги айрим ўхшатишларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари очиб берилган, улар турли мавзуий гуруҳлар, чунончи, ошиқ тушунчаси, бадиий асар қаҳрамонлари номи, мавҳум тушунчалар, инсон тана аъзолари, унинг фаолияти ва ҳолати, қимматбаҳо ашёлар билан*

https://buxdu.uz

боғлиқ ўхшатишлар кабилар бўйича таснифланган ҳамда ўхшатишларнинг шоир поэтик асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланганлиги асосланган.

Таянч сўзлар: *лексик-семантик, лингвопоэтика, тасниф, аналогия, кўчим, ўхшатиш, ташбиҳ, антономазия, ўхшаган, ўхшатилган, ўхшатиш воситаси, муболаға.*

Аннотация. *В статье раскрываются лексико-семантические, лингвопоэтические и лингвокультурологические особенности некоторых аналогий в произведениях Алишера Навои, они подразделяются на различные тематические группы, включая, концепцию любви, имена главных героев произведения искусства, абстрактные концепции, органы человеческого тела, его деятельность и состояние, а также аналогии, связанные с ценностями и что аналогии формируются как отдельная система в поэтических произведениях поэта.*

Ключевые слова: *лексико-семантическая, лингвопоэтика, классификация, аналогия, троп, сравнение, ташбих, антономазия, предмет моделирования, объект моделирования, инструмент моделирования, гипербола.*

Abstract. *The article reveals the lexical-semantic, linguopoetic and linguocultural features of some analogies in the works of Alisher Navoi, they are classified into various thematic groups, including the concept of love, the names of the protagonists of the work of art, abstract concepts, the organs of the human body and its activity and condition, and analogies related to valuables and that analogies are formed as a separate system in the poet's poetic works.*

Key words: *lexical-semantic, linguopoetics, classification, analogy, trop, metaphor, antonomasiya, subbject modeling, object modeling, instrument modeling, hyperbola.*

Кириш. Ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан бири бўлиб, улар бадиий адабиёт тилида энг кўп қўлланувчи, тасвирнинг аниқлиги ва образлилигини таъминловчи жуда муҳим воситадир. Инсон оламдаги мураккаб ва қийин масалалар моҳиятини англаш ҳамда тушунишда, одатда, аналогия усулидан кўп фойдаланади. Бу термин юнонча бўлиб, унинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси *ўхшашлик* демакдир. Фанларда, чунончи, фалсафа, мантиқ, биология, тилшунослик кабиларда асосий усул сифатида кенг татбиқ этилади. Аналогия ёрдамида икки предмет ёки ҳодисанинг маълум бир хусусияти ўхшаса, бошқа хусусиятлари ҳам ўхшашлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Аналогия деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканини кўрсатишга айтилади. Биринчи нарса ёки ҳодисанинг ҳамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ҳодисанинг фақат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вақтда бу икки нарса ёки ҳодисани бир-бирига ўхшатамиз [9,247-б.].

Ўхшатишлар бадиий адабиётда ижодкор учун предмет, ҳодиса ва тушунчаларни аниқ, тушунарли, таъсирли ҳамда гўзал тарзда ифодалашда энг муҳим мантиқий усул бўлиб хизмат қилади. Бадиий-эстетик қиммат, лингвопоэтик салмоқ нуқтаи назаридан эркин ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадиий нутқда алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, оҳорлилиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради [6,5-6 б.].

Асосий қисм. Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида ўхшатишлар алоҳида бир бадиий санъат – ташбиҳнинг юзага келишига асос бўлган. Ёзма адабиётнинг ривожланиш йўли поэтик воситалар, жумладан, ташбиҳнинг ҳам тараққиёт тарихидир [3,231-б.]. Бу бадиий санъатни юксак даражада тараққий эттирганлардан бири Алишер Навоийдир. Унинг бадиий асарларида мазкур бадиий санъат миқдори жуда кўп бўлиб, улар алоҳида тизим сифатида шаклланган. Уларни қуйидаги маъновий гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Ошиқ тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо. [5,24-б.]

https://buxdu.uz

Тавсифи: “Эй, маъшуқа, сен чаман (гулзор) оташгоҳи (ўтхонаси)да оташин (ўтдай қизил) гулдан шундай ўт ёқдингки, оқибатда сенга шайдо бўлган самандардек ошиқ ўтда ёниб, кулга айланди”. Мазкур байтда ўхшаган *булбул* сўзи бўлиб, у кўчма (мажозий), яъни ошиқ маъносида қўлланган. Ўхшатилган эса форсий қатламга тегишли *самандар* сўзи бўлиб, унинг луғавий маъноси афсонага кўра гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайдиган жонивордир [4,544-б.]. Шоир ошиқ ҳолатини ўт ичидаги самандарга ўхшатади. Шу ўринда изоҳ сифатида айтиб ўтиш мумкинки, айрим илмий ишларда, масалан, Н.Маҳмудовнинг Д.Худойберганова билан ҳаммуаллифликда чоп этган “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”га муқаддима ўрнида ҳавола этган мақоласида ўхшатиш узвлари бошқача тарзда, яъни *ўхшаган* атамаси *ўхшатиш эталони*, *ўхшатилган* атамаси эса *ўхшатиш субъекти* термини билан ифодаланган [6].

Фикримизча, ўхшатиш узвларининг номланиши бўйича энг тўғри, аниқ ва мантиқли номланиш Абдурауф Фитратга тегишли. Шунга кўра, ташбиҳ (ўхшатиш)нинг тўрт унсурини мазкур алломанинг қарашлари асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Олим *Аҳмат арслон каби ботурдир* жумласи бўйича ўхшатиш унсурларини талқин этади. *Аҳмат* (ўхшаган), *арслон* (ўхшатилган), *каби* (ўхшатиш воситаси), *ботурдир* (ўхшаш) [8,50-б.].

Алишер Навоий шеърий асарларида ошиқ тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар жумласига яна *қул, гадо, йўқсул, бемор, телба* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Аёнки, лирик асарларда ошиқ, одатда, шоирнинг ўзи бўлади. У маъшуқа олдида ўзини ижтимоий, жисмоний ва ақлий жиҳатдан заиф, ночор эканлиги ифодаси сифатида мазкур ўхшатишлардан фойдаланади. Ушбу ҳолат ўзбек адабиётида анъанавий тарзда неча асрлардан бери мавжуд бўлиб келмоқда.

2. Асар қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,

Вомиқ юзингдин гар узори боғида гул очмади Азро. [5,24-б.]

Тавсифи: “Вомиқ каби ишққа гирифтор ошиқ булбулнинг ишқ ўтидан гул юз очди, бироқ нима учун Вомиқ юзингни кўрса ҳамки, Азро (Узро) чирой боғида гул очмади”. Ушбу байтда ўхшаган машҳур афсонавий “Вомиқ ва Узро” қиссасидаги *Вомиқ*дир. У арабий ном бўлиб, мумтоз адабиётда икки маънода – биринчиси, *ошиқ, ишққа гирифтор* мажозий, иккинчиси, “Вомиқ ва Узро” қиссасида Узрога ошиқ бўлган қаҳрамон маъноларида истифода этилади [4,150-б.]. Байтдаги *булбул* (ўхшатилган) сўзи ошиқ, *гул* сўзи маъшуқа, *Вомиқ* номи ишққа гирифтор, *Узро* номи эса *пок қиз* [4,35-б.] мажозий маъноларида қўлланган. Англашиладики, мазкур байтда шоир талмиҳ бадиий санъатидан фойдаланган, машҳур афсонавий асар қаҳрамонларига ишора қилиш орқали ошиқ ҳолатини аниқ, ихчам ўхшатиш билан тасвирлаган. Алоҳида эътироф этиш лозимки, шоирнинг сўзларни кўчма маънода қўллашдаги маҳорати алоҳида эътиборга молик. Шоир ушбу борада ўзига хос бир йўналиш, услуб яратиб, бадиий санъатлар тизими, чунончи, талмиҳ санъатини ҳар томонлама бойитди ва такомиллаштирди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мазкур бадиий санъат Европа тилшунослигида *антономазия* термини билан аталади. Антономазиялар бадиий асарда номинатив, тавсифий, ғоявий, эстетик, услубий, экспрессивлик, рамзий каби вазифаларни бажаради, бадиий асар эстетик моҳиятини чуқур идрок этиш ва қулай англанишда муҳим лисоний восита бўлиб хизмат қилади, унинг таъсирчанлигини оширади. Ўзбек тилшунослигида талмиҳ бадиий санъатига асос бўлувчи бирликлар лингвопоэтика ва антропоцентрик йўналишларда *ономастик бирлик, ономастик метафора, прецедент ном, аллюзив ном ва “сўзловчи” номлар* каби атамалар остида ўрганилиб келинмоқда [1,11-б.].

Илмий манбаларда қайд этилишича, талмиҳ бошқа бадиий санъатлар, чунончи, *ташбиҳ, тамсил, ирсол ул-масал, лафф* ва *нашр* кабилар билан бирга ўхшатиш асосидаги санъатлар туркумига киради . У шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлиб, унда маълум, машҳур адабий ва тарихий асарларга мурожаат этилади. “*Талмиҳ* арабча сўз бўлиб, маъноси “чақмоқ чақилиши”, “бир назар ташлаш” демакдир. Бадиий санъат сифатида у тарихий ва афсонавий воқеа, масал, шахс, машҳур асар ва қаҳрамонлар номига ишора қилиш воситасида фикрни қисқа, ихчам тасвирлашдир” [7,67-б.].

https://buxdu.uz

Шоир лирик асарларида *Лайли, Хусрав, Фарҳод, Ширин, Мажнун (Қайс), Рустам, Баҳром* каби асар қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар қўлланганлигиги кузатиш мумкин. Айтилганидек, талмиҳ санъатининг асосий шартларидан бири шундаки, унда ишора қилинаётган тарихий ёки бадиий фактнинг машҳур, яъни кўпчиликка таниш бўлиши муҳимдир. Ҳозирги давр нуқтаи назаридан Алишер Навоий қўллаган талмиҳларнинг аксариятини ўқиганда ёки эшитгандаёқ фаҳмлаш, қайси фактга ишора, мурожаат этилаётганини тезда англаш мумкин. Буни юқорида таҳлилга тортилган байт ҳам аниқ исботлаб турибди. Алоҳида эътироф этиш лозимки, шоирнинг сўзларни кўчма маънода қўллашдаги маҳорати алоҳида эътиборга молик. Шоир ушбу борада ўзига хос бир йўналиш, услуб яратиб, бадиий санъатлар тизими, чунончи, ташбиҳ, талмиҳ каби бадиий санъатларни ҳар томонлама бойитди ва такомиллаштирди.

3. Мавҳум тушунчалар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,

Бўлуб нури қуёшдек оламоро. [5,27-б.]

Тавсифи: “Гарчи баъзан фақат энг хира юлдуз қоп-қоронғу кечангда кўринса ҳамки, Оллоҳ бир кун келиб, қуёш нуридек сенинг йўлингни, албатта, ёритади”. Айтиш мумкинки, байтдаги фикр тўлиғича мажозий маънода қўлланган. Изоҳталаб сўзларга эътибор қаратайлик. *Суҳо* арабий сўз бўлиб, унинг асл луғавий мъноси *ҳулкар тўпламидаги юлдузларнинг энг хирасид*ир [4,578-б.]. *Шабистон* форсий сўз бўлиб, у *қоп-қоронғу кеча* маъносини ифодалайди. *Толиъ* эса арабий сўз, унинг *ой ёки қуёшнинг чиқиши, кўриниши; бахт, иқбол, қисмат* каби маънолари мавжуд [4,612-б.]. Англашиладики, байтда инсонга энг ёмон ва оғир кунлари ортида Яратган унга бахт ато этиб, кейинги ҳаётини нурли кунлар билан безайди, деган ижтимоий-тарбиявий, диний-маънавий фикр илгари сурилган. Байтда *толиъ* (бахт) ўхшаган, *қуёш нури* ўхшатилган.

Бахт мавҳум тушунчаси қуёш нурига қиёсланган. Ўхшатишни юзага келтирган грамматик восита эса *-дек* қўшимчасидир. Шоирнинг бадиий асарларида мавҳум маъноли тушунчаларни аниқ предмет, воқеа-ҳодисаларга ўхшатилганлик ҳолатлари жуда кўп учрайди. Шунга доир яна бир мисолни қуйида келтириб ўтамиз: *Истасангким, ул қуёш чиққач, санга қилғай тулуъ, Эй кўнгул, ғам сайли еткач, тоғдек тутқил сабот* [5,79-б.]. Байтда сабот [арабий, *маҳкам туришлик, барқарор турмоқ.* 4,536-б.] мавҳум маъноли тушунча улуғвор, баланд ва мустаҳкам тоққа ташбиҳ этилган, *сабот* ўхшаган, *тоғ* ўхшатилган, *-дек* ўхшатиш воситасидир.

4. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро

Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро. [5,37-б.]

Тавсифи: “Эй, маъшуқа, алифдек чиройли қоматинг, майли, менинг мажруҳ жонимда, ҳусн хазинангнинг гавҳари эса менинг вайрона хотирамда бўлсин”. Ёр *қомат*и ўхшаган, *алиф* литероними (ҳарф номи) эса ўхшатилган узув сифатида воқеланган. Ташбиҳ *-дек* ўхшатиш воситаси орқали ифодаланган. Шоир асарларида инсон тана аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишларнинг миқдори жуда кўп. Масалан, адибнинг қуйидаги байтида маъшуқанинг дудоғи гул япроғига ўхшатилган: *Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек завқдин кўргач, Тарашшуҳ бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда* [5,45-б.]. Ушбу байтда яна бир ўхшатиш мавжуд: *завқ* мавҳум маъноли тушунча *ҳайвон суйи* (ҳаёт суви)га ташбиҳ этилган. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлардан яна бирига эътибор қаратайлик:

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,

Булбул кеби ҳажрингда ишим нолаву фарёд. [5,112-б.]

Тавсифи: Эй, юзи гул, сочи сунбул, қадди шамшод маъшуқа, сенинг ҳажрингда кечаю кундуз булбул каби нолаю фарёд қилишдан бошқа менинг ишим йўқ”. Маълумки, байтда қўлланган *сунбул* арабий сўз бўлиб, *хушбўй қора рангли ўсимлик*, мажозий маънода эса *севгилининг сочи* [4,575-б.] маъносини ифодалайди. *Насрин* форсий сўз бўлиб, *оқ очиладиган бир хил гул* [4,453-б.]; *шамшод* ҳам форсий сўз бўлиб, *сарвга ўхшаган хушқомат ва чиройли дарахт* [4,690-б.] луғавий маънога эга. Демак, байт тавсифидан англашиладики, маъшуқа

https://buxdu.uz

юзи гулга, сочи хушбўй қора рангли ўсимликка, қадди хушқомат ва чиройли дарахтга ўхшатилган. Бу ўринда *ораз* (юз), *соч* ва *қад* ўхшаган, *насрин* (гул), *сунбул* (ўсимлик) ва *шамшод* (дарахт) эса ўхшатилгандир.

Мазкур ўхшатишларнинг грамматик қурилишида ўхшатиш воситаси иштирок этмаган. Бундай типдаги ўхшатишлар катта эстетик қиймат касб этади, уларнинг китобхонда завқ уйғотиш даражаси юқори бўлади. Назарда тутилган маъно гуруҳи билан боғлиқ ўхшатишга яна бир мисолни қуйида келтириб ўтамиз: *То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг, Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот* [5,78-б.]. Байтдаги форсий *пайкон* сўзи мажозий, яъни маъшуқа *кипригн* [4,497-б.] маъносида қўлланган. Маълум бўладики, шоир маъшуқа кипригини қушнинг боласига, яъни қушчага ташбиҳ этган. Шоир ёр кипригини илк парвозга талпинаётган қушчага қиёс этади. Бундай оригинал ўхшатишлар шоир шеърларини ўқимишли қилиб, уларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

5. Инсон фаолияти маҳсули билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,

Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда. [5,42-б.]

Тавсифи: “Ўлганларга Хизр умри берсин, ният қиламанки, гар яна ногоҳ Масиҳим унда тириклик сувига ўтишга ўхшаш йўл яратсин”. Байтда қўлланган *оби ҳайвон* (шоир асарларида *оби ҳаёт, оби зиндагоний, чашмайи ҳайвон* тарзида ҳам учрайди) афсонага кўра ичган кимса ўлмай, абадий яшайди деб ҳисобланган сув, тириклик суви, ҳаёт сувидир. Бу сув қандайдир бир чашмадан чиқади деб фараз этилганидан чашмайи ҳайвон ҳамда гўё бу чашма сувига Хизр пайғамбар муяссар бўлган дейилиб, Хизр суви деб ҳам юритилади [4,475-б.]. Байтда келтирилган Масиҳ (Исо) пайғамбар номи ҳам мажозий маънода қўлланган бўлиб, диний афсоналарда унинг нафаси билан ўлган одамлар тирилади, уларга жон бағишлайди, деган қараш мавжуд [4,367-б.]. Англашиладики, *гузор* (йўл, ўтувчи йўл) ўхшаган, *оби ҳайвон* (тириклик суви) ўхшатилган. Ўхшатиш воситаси эса *янглиғ* равишидир. Инсон фаолияти маҳсули билан боғлиқ бўлган ўхшатишга қуйида яна бир мисол келтириб ўтамиз: *Субҳ эрур соқию мен махмурмен, сен майпараст, Тут қуёшдек жомни, мониъ недур бўлмоққа маст* [5,81-б.]. Ушбу байтда жом, яъни май пиёласи қуёшга қиёсланган. *Жом* ўхшаган, *қуёш* ўхшатилган, ўхшатиш воситаси эса *-дек*дир.

6. Инсон ҳолати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Эл била ҳар дам қадаҳ янглиғ кулуб, эй муғбача,

Қон ёшим сочиб суроҳийдек мени йиғлатма кўп. [5,75-б.]

Тавсифи: “Эй, муғбача [форсий, *майхоначининг югурдак ходими; май ташувчи бола.* 4,439-б.] менинг май ичиб сархуш бўлган ҳолимдан ҳар дам кулиб, суроҳий [арабий, *узун бўйинли сув ва май идиши.* 4,578-б.]дек кўз ёшимни қон каби оқизиб мени кўп йиғлатма”. Шоир айтмоқчи, эй, май ташувчи бола, эл билан биргаликда майдан сархуш бўлган мени кўп йиғлатма, кўз ёшимни узун бўйли идишдан оқадиган майга ўхшаш қон каби тўкма. Байтда кўз ёшининг тўкилиши узун бўйли идишдан оқадиган майга ўхшатилган. Бу ўринда кўз ёши *йиғи, нола* мажозий маъноларини ҳам ифодалайди. Инсонга хос *кўз ёши, йиғи, нола* ҳолати ўхшаган, узун бўйли идишдан оқадиган *май* ўхшатилган.

Бундан ташқари байтда яна қуйидаги ўхшатишлар қўлланган: инсонга хос кулиш ҳолати қадаҳга; кўз ёши, бир томондан, қонга, иккинчи томондан, узун бўйли май идишидан оқадиган майга ўхшатилган. Шоир асарларида инсон кўз ёши ичимликлардан қора сув, чашма суви кабиларга ўхшатилиши кўп кузатилади. Бунга мисол сифатида қуйидаги байтни келтириб ўтиш мумкин: *Ашкдек оқти қора су кўзларимдин ҳажрида, Тонг йўқ идборим чу бўлмишдур манга ахтар қаро* [5,46-б.]. Ушбу байтда ошиқ кўз ёши қора сувга ўхшатилган. *Кўз ёши* ўхшаган, *қора сув* ўхшатилган, ўхшатиш *-дек* воситасида воқеланган.

7. Қимматбаҳо ашёлар билан боғлиқ ўхшатишлар:

Йилон кеби, не ажаб, ганж асраган кишининг

Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж. [5,92-б.]

Тавсифи: “Ҳаётда фақат бойлик тўплаган кишининг илон каби оғзида заҳар, танасида қийноқ бўлади”. Маълумки, байтда қўлланган *ганж* форсий сўз бўлиб, *олтин, кумуш каби*

https://buxdu.uz

қимматбаҳо ашё тўплами, хазина, тўпланган бойлик [4,155-б.] луғавий маънони ифодалайди. *Шиканж* ҳам форсий бўлиб, *қийноқ* [4,696-б.] маъносига эга. Тарбиявий аҳамият касб этган мазкур байт мазмунидан англашиладики, *ганж* ўхшаган, й*илон* ўхшатилган. Ўхшатиш воситаси эса *кеби* кўмакчисидир. Шоир олтин, кумуш кабилардан иборат тўпланган моддий бойликни заҳарли илонга ташбиҳ этган.

8. Табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:

Гар Навоий ўхшатур кўкни тутунга, айб эмас,

Чун булутқа урмиш анинг оҳи оташбори ўт. [5, 89-б.]

Тавсифи: “Навоий гар осмонни тутунга ўхшатса, бу айб эмас, чунки унинг оҳи осмонга алангалатувчи ўт сочиб туради”. Шоир айтмоқчи, ошиқ оҳидан осмонни тутун қоплади, унинг ўт сочиб турган алангалатуви нолаларидан кўкни булут эгаллаб, осмон, умуман, кўринмай қолди. Байтда кўк (осмон) тутунга ўхшатилган. Шоир байтда муболаға санъати заминида ўхшатишни юзага келтирган. Асосида ўхшатиш мазмуни борлиги сабаб муболаға образлилик касб этган.

Алишер Навоий шеърий асарларида булардан ташқари инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ [*Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим, Остиға қолмишмен андоғким самон девор аро* (5,39-б.)]. Байтда инсон жисми хасга ўхшатилган); олам тушунчаси билан боғлиқ [*Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган, Оҳим тутуни ичра озарму экин* оё? (5,51-б.)]. Байтда дунё маъшуқа юзига ўхшатилган) бўлган ўхшатишлар ҳам истифода этилган. Шоир ғазалларида қўлланган ўхшатишларнинг аксариятини от туркумига оид сўзлар ташкил этади. Инсон тана аъзолари ва унинг жисмоний хусусияти, ҳолати, хатти-ҳаракати кабилар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеърий асарларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, диний, адабий соҳалар билан алоқадор ўхшатишлар қўлланган бўлиб, улар ўзбек халқининг турмуш тарзида кўп учрайдиган предмет ва воқеа-ҳодисалар ҳамда онгига чуқур сингган тушунчалар ҳисобланади. Шоир шеъриятида ўхшатишлар образлиликнинг ўзагини ташкил этган, улар барча бадиий санъатлар тизимида марказий ўринни эгаллаган. Адиб турли-туман ва ўз даври учун янги ўхшатишлар яратиб, ташбиҳ бадиий санъатини юксак даражада ривожлантирди.

Айтиш мумкинки, шоир бу билан нафақат ўзбек тили ва адабиётини, балки ўзбек маданияти ва жаҳон ижтимоий, бадиий-эстетик тафаккурини ҳам тараққий эттирди. Аёнки, ўхшатишлар инсоният ҳаётини белгиловчи, унинг асосини ташкил этган маданиятнинг таркибий бирлиги сифатида эътироф этилади. Шундай экан, ўзбек бадиий тафаккурида қадимдан то ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган ўхшатишларни аниқлаш, ўрганиш, тизимлаштириш бугунги кунда маданиятшунослик, тилшунослик, хусусан, лингвопоэтика ҳамда лингвокультурология йўналишининг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. *Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филол. фан. б. фалс. док. дисс. автор. – Т., 2017. – 27 б.*
2. *Арутюнян М.А. Структура, семантика и прагматика стилистического приема антономазия на материалах немецкого языка. Автореф. дис. … канд. филол. наук. – М., 2010. – 21 с.*
3. *Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006. – 125 б.*
4. *Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 791 б.*
5. *Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. / Хазойин ул-маоний. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. (Нашрга Ҳамид Сулаймон тайёрлаган; масъул муҳаррир Порсо Шамсиев). – Т.: Фан, 1988. 3 том. – 613 б.*
6. *Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т.: Маънавият, 2013. – 320 б.*
7. *Тўхлиев Б., Каримов Б., Усмонова К. Адабиёт. Дарслик-мажмуа. – Т.: Ўз.МЭ, 2017.*
8. *Фитрат. Адабиёт қоидалари. Танланган асарлар. V жилдлик. – Т.: Маънавият, 2006. IV жилд. 11-88-б.).*
9. *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 376 б.*
10. *Ҳусайний. А. Бадойиъ-ус-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 400 б.*

https://buxdu.uz

УДК: 81.367.7

ИМПЕРАТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ И ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ИМПЕРАТИВНЫХ ЕДИНИЦ

ARTISTIC AND AESTHETIC FACILITIES OF IMPERATIVE UNITS

Аллаёров Тўлқин Рўзиқулович
Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. *Мақолада императив бирликларнинг бадиий матнларда қўлланиши, ифода воситаларини танлашдаги ижодкор маҳорати ва бадиий-эстетик имкониятлари ҳамда функционал-семантик хусусиятлари ҳақида фикрлар билдирилади. Замонавий тилшуносликда тил бирликлари реал қўлланилар экан, уларнинг бадиий матнларда бадиий-эстетик ёндашув принциплари ўрганиш масаласи ўртага ташланади ва шу аснода императик бирликларнинг буйруқ гаплар берилиши орқали функционал-семантик хусусиятларига ҳам урғу бериб ўтилади.*

Таянч сўзлар: *императивлар, бадиий матн, буйруқ гаплар, функционал-семантик хусусият, бадиий-эстетик имконият.*

Аннотация. *В статье рассматривается использование императивных единиц в литературных текстах, творческих навыков и художественно-эстетических возможностей в выборе средств выражения, а также функционально-семантические особенности. В современном языкознании, когда языковые единицы употребляются в реальных терминах, ставится вопрос об изучении художественно-эстетического подхода к художественным текстам, и в то же время акцентируются функционально-семантические особенности императивных единиц посредством использования императивных предложений.*

Ключевые слова: *императивы, литературный текст, повелительные предложения, функционально-семантическая особенность, художественно-эстетическая возможность.*

Abstract. *The article discusses the use of the imperative units in literary texts, creative skills, artistic and aesthetic possibilities in the choice of means of expression, as well as functional and semantic features. In modern linguistics, when language units are used in real terms, the question of studying the artistic and aesthetic approach to artistic texts is raised, and at the same time the functional and semantic features of imperative units are emphasized through the use of imperative sentences.*

Key words: *imperatives, literary text, imperative sentences, functional and semantic feature, artistic and aesthetic possibility.*

Бадиий матндаги императив қурилмаларни ҳар томонлама, кенг аспектда тадқиқ этиш ҳамда бадиий матндаги императив қурилмаларга лингвопоэтик, лингвопрагматик ва лингвокультурологик тамойиллар асосида ёндашиш орқали бундай қурилмаларнинг ҳали бизга номаълум бўлган, очилмаган янги қирраларини юзага чиқариш имконини беради. Жадал ривожланиб бораётган ўзбек тилшунослигида шунга ўхшаш тил ҳодисаларининг замонавий тилшунослик эришган ютуқлардан баҳраманд бўлган ҳолда тадқиқ қилиниши илм-фанимиздаги тўғри танланган йўллардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Жаҳон тилшунослигида буйруқ ва истакнинг ифодаланиши юзасидан О.Г. Беляева, М.Я. Блох, А. В. Дорошенко, Л.П. Чахоян, Дж. Лайонс каби тилшунос олимлар ва уларнинг издошлари жиддий функционал-семантик таҳлилларни олиб бордилар. Натижада буйруқ мазмунли гапларнинг турли хил семантик турларини аниқлаш ва уларнинг тема-рематик муносабатларини ўрганиш имкони яратилди. Бадиий матнда персонажларнинг императив мазмундаги нутқи ва муаллиф баёни ўртасида яқин семантик-функционал ва прагматик боғлиқлик мавжуд, чунки улар битта коммуникатив вазифа асосида ўзаро боғлиқдир.[3]

https://buxdu.uz

Бизни энди ҳеч нарса қутқара олмайди. Биз абадий йўқлик қаърига кетяпмиз. Бироқ бизнинг ҳаёт қайнаган гўзал сайёрамиз қоляпти. Буюк инқирозимиз бўсағасида Сизлардан ўтиниб сўраймиз: муқаддас сайёрамизни қаровсиз қолдирманг! Унда яшаш учун авлодларингизни олиб келинг! Юртимизда инсон зоти, албатта, улуғланмоғи керак! Зотан, фақат инсонгина уни кимсасиз, бўм-бўш ва ўлик сайёрага айланишдан сақлаб қола олишга қодир! Кибернетик Марказ Сизларга бизнинг билимларимиз ва барча энергия запасларимиз ҳақида маълумот беради. Бу запаслар сайёрани қайта оёққа турғазиш ва узоқ асрлар давомида Сизларни таъминлаш учун етиб ортади. Кибернетик Марказнинг ўзи бўлса, шу дақиқалардан бошлаб тўла Сизнинг ҳукмингиз остига ўтади. Планетамизда бахтиёр ҳаёт кечиринг! Гоҳи-гоҳида Сизгача яшаганларни ҳам эслаб қўйинг ва ҳеч қачон уларнинг худбинларча қилган хатосини такрорламанг! Муҳтарам дўстлар, Она сайёрамизни севинг! Сўнгги соатларимиз етди! Алвидо! (Х.Шайхов)

“Сайёра мўйсафидлари” нутқидан олинган парча функционал жиҳатдан буйруқ ва истак майлида шаклланганлиги кўриниб турибди, бироқ семантик жиҳатдан мазкур гаплардан насиҳат ва тавсия маънолари англашилади. Буйруқ майлидаги феъллар,одатда, истак, насиҳат, тавсия, таклиф каби маънолар ифодасига ҳам мосланган бўлади. Масалан, “*Сизлардан ўтиниб сўраймиз: муқаддас сайёрамизни қаровсиз қолдирманг!*” гапида истак-ўтинч ифодаланган бўлса, “*Унда яшаш учун авлодларингизни олиб келинг!*” гапида таклиф яққол англашилади. “*Гоҳи-гоҳида Сизгача яшаганларни ҳам эслаб қўйинг ва ҳеч қачон уларнинг худбинларча қилган хатосини такрорламанг!*” гапида насиҳат мазмуни шаклий жиҳатдан буйруқ майлида ифодаланган.

Бадиий матнларда бадиий асар тилини таъсирчан, муаллиф мақсадини тўлалигича ифодалаш, қаҳрамонлар нутқининг индивидуаллиги ва жозибадорлигини таъминлаш, ҳаётдаги инсонларнинг характерларини тасвирлашда ёзувчининг бадиий маҳорати алоҳида ўрин тутади. Ёзувчининг бадиий маҳорати, аввало, нафақат адабиётнинг тасвирий воситаларидан унумли фойдаланишида, шунингдек, сўзлар, эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор жумлаларни танлашида ва қўллашида ҳам акс этади. Бадиий матнларда қаҳрамонлар руҳияти ва характери уларнинг нутқи орқали очиб берилади.

Императивларнинг ишлатилишида ёзувчининг маҳорати унинг қай даражада минималист эканлиги билан белгиланади. Императив вазиятлар орқали қаҳрамонлар характерини очиб беришда маҳоратли адиблар тилимизнинг турли нозик қирраларидан фойдаланишади. Шундай ёзувчилардан бири А. Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясида амин нутқидаги сўроқ гап ўрнига буйруқ гап ёки буйруқ ифодаси учун мажҳул нисбатдаги феъл шакллари қўлланилганлигини кўриш мумкин:

-Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! (...) - Суюнчидан чашна олиб келинмадими? (...) - Ҳа, ҳўкизни уйларига элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз қилинсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Амин нутқида қўлланилган буйруқ майлларини ифодаловчи II шахсга нисбатан қўлланувчи *Йиғланг!, боринг, арз қилинг-да!* феъл шакллари ўрнида феълнинг мажҳул нисбатдаги *Йиғланмасин!*, *борилсин, арз қилинсин-да!* шаклларини қўллаш орқали савол берувчининг воқеликка арзимас нарсага қараётгандек бепарво муносабати, феъл-атвордаги кибр ва манманлик ёзувчи томонидан танланган морфологик шакллар орқали моҳирона усталик билан ифодалаб берилган. Айнан тасвирланган ушбу морфологик шакллар орқали амин характерини очишда, унинг ҳаётда қандай шахс эканлигини кўрсатишда, амин нутқида пичинг, кесатиқ ва масхара оҳангининг юқори даражада тасвирланишига эришилган.

“А.В.Бондарко императивлар ва императив вазият тушунчасининг функционал-семантик майдонини ёритган бўлса, В.С.Храковский ва Л.А.Бирюлинлар буйруқ нутқ актларининг семантик талқинига ва прагматик омилларга асосланиб буйруқнинг уч поғонали мазмуний таърифини ишлаб чиқдилар, амалиётда деярли барча тадқиқотчилар рус тилида буйруқ актининг ифодаланиши ва уларнинг семантик-прагматик бўлиниши ҳақида ўз вариантларини таклиф қилдилар. Ҳатто рус тили материалларини назарда тутсак ҳам бу

https://buxdu.uz

мавзу ҳали тугалланган, ҳар томонлама охирига етган эмас. В.С.Храковский ва Л.А.Бирюлин томонидан таклиф қилинган буйруқ ифодасининг маъновий структураси ҳам баъзи ижтимоий аҳамиятли буйруқ кўринишларини (масалан, рухсат, таклиф, тавсия кабиларни) қамраб олмаган. Шунингдек, буйруқ майлининг функционал-семантик категория даражадаги транспозициясининг лингвистик механизми етарлича тавсифланмаган. Буйруқ интерпретациясини таснифловчи вариантларнинг кўплиги бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг кўплигини кўрсатмоқда. Рус ва чех тили материалларини ўзига хос қиёслаш орқали масалани янада ойдинлатиш мумкин. Айни пайтда русшуносликдаги ҳис-ҳаяжоннинг ифодаланиши қай даражада кенг ўрганилаётган бўлса, диний тадқиқотларда императив ва императивлик, одатда, етарли грамматик таҳлилларсиз, умумий тарзда олиб борилади.”[2]

Кейинги ўн йилликларда тил ҳодисаларига тизимли ёндашув анъанага айланди ва бу ўзбек тилшунослиги ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Тилшунос М.Эрназарова грамматик маъно тадқиқига бағишланган монографиясида нутқнинг шаклланишини лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида текширар экан, унинг тартибли ва тартибсиз ифодаланиши ва матндаги аксланиши ҳақида шундай фикрни билдиради: “нутқ инсоний онг асосида нутқий қобилиятнинг ишга солиниши бўлиб, унинг натижаси таъсир қамровининг кенгайиб кетиши билан белгиланади. “Бир вақтнинг ўзида инсон онги билан пайдо бўлган нутқ онгни моддийлаштириб, уни нафақат бир кишининг, балки жамоанинг бошқа аъзоларининг ҳам мулкига айлантириб, индивидуал онгни ижтимоий онг қисмига, шахсий ахборотни жамоа ахборотига, шу билан биргаликда, бутун бир жамиятга тегишли маълумотларни ҳам очиб беради”[5] (Супрун, Минск. 1996. /иқтибос учун қаранг: Эрназарова, Тошкент. 2016) Нутқ лисоннинг жонли воқеланиши ва реал намоён бўлишидир. Унга лисоний қонуниятлар, лисоний бирлик ва структурага хос барқарор белгиларнинг фойдаланувчи онгли фаолияти асосида, нутқ йўналиши ва оқими сифат ҳамда миқдорига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи нолисоний омиллар билан қоришган ҳолда моддийлашуви сифатида қаралади. (...) Барча моддий реаллашган системалар каби нутқий система ҳам, бир томондан, диалектик қонуниятлар асосида шарҳланувчи қатъий тартиб ва “тартибсизлик”ни ўзида бирлаштиради. Бу, диалектик таъбир билан айтганда, зарурият ва тасодиф, мажбурият ва эркинлик категориясининг ўзига хос равишда намоён бўлишидир.”[8]

А.Е. Супрун таъкидлаган нутқ орқали онгнинг моддийлашуви ва индивидуал онгнинг ижтимоий онгга айланиш жараёни бадиий матнда муайян эстетик мақсад асосида шаклланади. Мазкур жараённинг лисоний кўрсаткичларини (у фонетик, лексик ёки синтактик сатҳга алоқадор бўлиши мумкин) лингвоконцептуал аспектда ёндашиш орқали бир қадар тўлиқ ва атрофлича ёритиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда бу тамойилнинг афзаллиги, деярли барча илмий тадқиқотларда таъкидланмоқда. “Концепт” атамаси бугунги кунда тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан бирига айланган бўлиб, рус тилшунослигида, дастлаб, XX асрнинг 20-йилларидан қўлланила бошланган.[1] XX асрнинг 80-йилларига келиб, Н.Д.Арутюнова, В.И.Карасик, Д.С.Лихачев, Ю.С.Степанов каби тилшунослар ҳам ўз ишларида мазкур терминдан фаол қўллана бошлаган. Бунда муайян сўзларнинг шунчаки луғавий маъносигина эмас, балки тушунча сифатида нутқда пайдо бўлиши, нутқнинг индивидуал ва ижтимоий моҳиятини кўрсатиб бериш имконияти, нутқнинг таркибий тузилмасидаги мавқеи, нутқ қаратилган халқнинг идрок савияси, дунёга қараши ва бадиий-эстетик тафаккуридаги фаолияти, коммуникатив компетенция кабилар яхлит ҳолда тадқиқ қилинади. Текширилаётган сўз/бирлик маълум бир матн ичида қандай маъновий воқеликларни ўртага чиқараётганига кенгроқ эътибор қаратилади. “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россия тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганлигини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш ҳам мушкул.”[4] Олим бу ҳақда фикрларини билдирар экан, “Фалон концептнинг фалон тилда ифодаланиши” қабилидаги ишлар кўпайиб бормоқда, ҳатто муайян қолип шаклини ҳам олиб улгурди. Бу тип ишлар, шубҳасиз,жуда ҳам керак,

https://buxdu.uz

аммо қолиплашувдан қочган маъқул, деган хавотирини ҳам тилга келтиради.[4] С.А.Аскольдов-Алексеев ўз тадқиқотида концепт терминининг янги тушунча эмаслигини, аммо шунга қарамай, унинг моҳияти “ҳанузгача номаълум” қолаётганлигини таъкидлайди. (Аскольдов, 1997. Б. 267-279). Айтиш мумкинки, ушбу муаммо ҳозиргача ҳам ўз ечимига етган эмас. Айниқса, концепт терминининг структурал моҳияти, концептлар таснифи, тадқиқ, тавсиф ва ёндашув усуллари масалалари ҳақидаги тортишувлар давом этмоқда.

“Кўринадики, нутқ тушунчаси сўзловчининг идрок қилиш ва ифодалаш фаолиятининг маҳсули сифатида қатор янги йўналишлар объекти бўлиши мумкин.”[7] Тилшунос олим нутқни прагмалингвистик аспектда текширади ва нутқда яширин маъноларнинг ифодаланиш механизми ҳақида шундай ёзади: “Ифоданинг умумяширин мазмуни ўзининг қуйидаги баъзи кўринишларига эга бўлади: импликация, тагмаъно, аллюзия, пресуппозиция, номатний маъно.”[7] Бу фикрлардан нутқнинг қатламдорлиги ва тушунилиши билан боғлиқ мураккаб лингвопсихологик жараён эканлигини англаш қийин эмас.

Бадиий матнда ифодаланган маънолар таҳлилида текширувчининг позицияси муҳим ҳисобланади. Ёзувчининг эстетик ниятини ўрганиш мақсад қилинганда “ёзувчи марказли” таҳлил амалга оширилади ва ёзувчининг маҳорати ўртага чиқарилади. Асар қаҳарамонларининг ички дунёси, лисоний маданияти текшириш мақсад қилинган бўлса, асар “қаҳрамони марказли” таҳлилга тортилади. Бундан ташқари “матн марказли” таҳлилда барча бирликлар матнни шакллантирувчи бирликлар сифатида матн тилшунослиги нуқтаи назаридан текширилади.

Ўрнидан туриб, қовоғини солди-да, тўсатдан шерикларига қараб деди:

- Тур ўрнингдан, ўтираверасанми? Биттангни қадр-қимматинг ўша қизчалик эмас, ғийбат қилиб гап сотишингни қара!

Кейин қўшиб қўйди:

- Яхшиси, жўна ҳамманг уйингга, бола-чақангни олдига! (И.Султон)

Келтирилган мисолга эътибор берилса, императив мазмун ифодаланган иккита гап борлиги англашилади. Бу гаплар лексик ва семантик жиҳатдан фарқли шаклланган. Биринчи гапда “*Биттангни қадр-қимматинг ўша қизчалик эмас, ғийбат қилиб гап сотишингни қара!”*сўзловчи нутқида буйруқ оҳангида мажбурийлик олдинги планга чиқарилмаган. Кўпроқ айтилаётган гапга “эътиборни қаратиш”, “нутқ қаратилган кишиларга танбеҳ бериш”, “қилинган ишнинг маъқул эмаслигини кучли оҳангда таъкидлаш” каби императивлар қаторида жинслараро тўғри/нотўғри ёки мақбул/номақбул фаолият айрими ҳам ифодаланган. “Биттангни” сўзи нутқнинг кўпчиликка қаратилганлигини кўрсатиб турибди. “Қадр-қиммат” сўзи эса аслида эркакларга хослигини таъкидлашга уриниш сезилади, бироқ “*ғийбат қилиб гап сотиш*” ифодаси фонида “қизча”да қиёсланаётган шахсларга нисбатан баланд эканлигига ишора қилинмоқда. Императивнинг кескин тарзда ифодаланишида бирлик мазмунидаги кесим “*қара!*”нинг ўз ўрни бор. Нутқ “*қараларинг!*” тарзида ҳам ифодаланиши мумкин эди. Бунда ҳам салбий маъно бўрттирилган ҳолда акс этар эди. Аммо сўзловчи бир кишига қаратилган кескин оҳанг орқали буйруқнинг “эркинлик” ва “имконият” маъносини фаоллаштиришга эришган. “Эркинлик” маъноси “ғийбат қилмаслик”, “гап сотмаслик”, “қадр-қимматни йўқотмаслик” маъноларининг умумлашмасида аниқ кўринади. Яъни “ғийбат қилиш”, “гап сотиш”, “қадр-қимматнинг йўқолиши”га олиб келади. Буларга эътибор қилмаслик ҳам мумкин, тингловчи маълум маънода “эркин”, унга шундай “имконият” бериляпти. Шунга кўра, сўзловчи нутқида реаллашган императивнинг мазмуний мундарижасида юқорида таъкидланганидек, “мажбурийлик”дан зиёда “эркинлик” ва “имконият” маънолари аниқ сезилади, дейиш мумкин.

“*Яхшиси, жўна ҳамманг уйингга, бола-чақангни олдига!*” гапида “мажбурийлик” аниқ сезилади. Муаллиф бунда “*жўна ҳамманг уйингга*” гапи орқали буйруқнинг тингловчиларнинг ҳаммасига тегишли эканлигини таъкидлайди. Синтактик тартибнинг эркинлиги императив оҳанг мақсадига мувофиқ танланган. Сўзловчи, шунчаки, ҳайдаш билан кифояланиб қолмаяпти. Уйига, бола-чақасининг ёнига кетиши шарт қилиб қўйиляпти. Кириш сўзи вазифасидаги бирлик ҳам “мажбурият” мазмунини таъкидлашга хизмат қилган.

https://buxdu.uz

- *Юринг бўлмасам. У ерда қариндошим бор, тўшак опчиқиб бераман. Овқат қиламиз!.. Кетдик!* (Ш.Холмирзаев) гапи ҳам мазмуний ва структурал жиҳатдан императив конструкция эканлиги маълум. Фақат императивлик “эркинлик” ва “имконият” модал маънолари асосида шаклланган. “Юринг бўлмасам”, “овқат қиламиз!..” “кетдик!” гапларида буйруқ оҳанги нутқнинг умумий оҳангини ва мазмунини белгилаб турибди. Лекин нутқ қаратилган шахс сўзловчининг буйруқларини бажаришга мажбур эмас. Нутқнинг тузилишидан буйруқнинг “таклиф” моҳияти аниқ сезилади. “*Ўтган ҳафта огоҳлантирган эдим-а!*”, “*Ука, одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ!*”, “*Катта бўлса ўзига!*”, “*Аграномга ярашмайди бу!*”, “*Мана соат ҳам тўрт бўпти!*”, “*Милтиқ отишни билмайсиз-ку!*” каби мисоллардаги императив конструкцияларда ҳам “эркинлик” ва “имконият” маънолари сезилиб туради. “*Милтиқ билан муомала қилиш қилиш сизнинг қўлингиздан келиши шарт, зарур!*”, “*Бачканалик қилманг*!”, “*Тўхтанг!*” каби императив конструкцияларда “мажбурийлик” маъноси яққол сезилади.

– *Йиғлама, йиғлама, дейман! Ҳўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади*. (А.Қаҳҳор. “Ўғри”)

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тилда императивлик имконият сифатида мавжуд бўлади. Уларни нутққа кўчиришда аниқ лингвистик механизмлардан фойдаланилади. Бундай қурилмалар ҳар бир тилда миллий маданият, ўзига хос дунёқараш асосида шаклланади. Императив қурилмалар ўзбек тилида жуда кенг диапозонга эга: сўзловчининг ёки нутқ эгасининг мақсади ва истак-ихтиёрига кўра муайян фикр буйруқ, илтимос, маслаҳат, тавсия, ташвиқ ёки бошқа шаклларда ифодаланади ва тингловчи айтилмоқчи бўлган фикрни шаклига кўра эмас, балки мазмунига кўра тушуниб олаверади. Бу баъзан мулоқотда тушунмовчиликларни юзага чиқаради. Императив вазият тушунчасининг тилшунослар томонидан таъкидланиши айни масаланинг ечимига алоқадор эканлиги билан аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Аскольдов-Алексеев С. А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории к структуре текста: Антология / под ред. В. П. Нерознака. М.: Academia, 1997.

2. Изотов А.И. Функционально-семантическая категория императивности в современном чешском языке как прагмалингвистический феномен. Автореф. дисс. док. филол. н. – М.:2007.

3. Котнюк Л.Г. Особенности функционирования императивных высказываний в художественном тексте. Славянский вестник. Вып.2. МГУ им. М.В.Ломоносова. -М.: 2004.

4. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. Тошкент, 2013. 175-б.

5. Супрун А.Е. Лекция по теории речевой деятельности. –Минск, 1996.

6. Типология императивных конструкций /Под. ред. Храковского В.С. СПб.: Наука, 1992. 301 с.;

7. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент. Академнашр. 2013. 174-б.

8. Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида. Тошкент, Академнашр. 2016. 155-б.

УДК: 81.344.6

ТАЛАФФУЗНИ ЎРГАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

СТРАТЕГИИ ОБУЧЕНИЯ ПРОИЗНОШЕНИЮ

PRONUNCIATION LEARNING STRATEGIES

Хайдарова Ирода Низомиддиновна
ЎДЖТУ таянч докторанти

Аннотация. *Ушбу мақола чет тили талаффузини ўзлаштиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлигига бағишланган. Дунёга танилган фонетика йўналиши мутахассисларининг талаффузни ўрганиш стратегияларига бағишланган фикрлари турли томондан ўрганилиб чиқилган. Талаффуз ўрганиш стратегиялари ўрганилаётган тилнинг фонетик ва фонологик билимларини ўзлаштиришни мақсад қилади. Мақола ёрдамида талаффузни ўрганиш стратегиялари нима ва у нималардан ташкил топганлиги борасидаги саволларга зарур жавоблар олинади.*

https://buxdu.uz

Таянч сўзлар: *фонетика, талаффуз, оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш, аудио материаллар, товуш, просодия, артикуляция, хато талаффуз, талаффуз турлари, луғатлар.*

Аннотация. *Данная статья посвящена тому, на что следует обратить внимание при овладении произношением иностранного языка. Идеи всемирно известных специалистов фонетического направления, посвященные стратегиям изучения произношения, были изучены с разных сторон. Стратегии обучения произношению направлены на овладение фонетическими и фонологическими знаниями изучаемого языка. С помощью статьи получены необходимые ответы на вопросы о том, каковы стратегии обучения произношению и из чего оно состоит.*

Ключевые слова: *фонетика, произношение, разговорная речь, аудирование,, аудио материалы, звук, просодия, артикуляция, ошибочное произношение, типы произношения, словари.*

Abstract. *This article is devoted to what you should pay attention to when mastering the pronunciation of a foreign language. The ideas of world-famous phonetic specialists on strategies for learning pronunciation were studied from different angles. Strategies for teaching pronunciation are aimed at mastering the phonetic and phonological knowledge of the language being studied. The article provides the necessary answers to questions about what are the strategies for learning pronunciation and what it consists of.*

Key words: *phonetics, pronunciation, spoken language, listening, audio materials, sound, prosody, articulation, mispronunciation, types of pronunciation, dictionaries.*

Бугунги даврда, ҳар бир миллат вакиллари ўзаро мулоқот қилишларида тил билиши муҳим ақамиятга эгалиги сир эмас. Бунда мулоқот аниқ ва тушунарли бўлиши, чет тили ўқитувчилари, ўқувчиларининг талаффузини шакллантириш, ривожлантириш лозим. Олимлар томонидан олиб борилган кўплаб илмий изланишлар юқорида келтирилган фикрларнинг ўғри эканлигини исботлаб келмоқда. Аммо ўрганилаётган тилнинг талаффузини ўқитиш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади. Бунга сабаб:

- тил соҳиблари иштирокида дарслар ташкиллаштиришдаги муаммолар;
- олийгоҳнинг етарли миқдорда техник жиҳатдан таъминланмаганлиги;
- ўқитувчиларнинг талаффузидаги хатоликлар;
- ўқитувчиларнинг талаффузни шакллантиришга доир ўқув материалларига эга эмаслиги;
- талаффузга бўлган эътиборнинг сустлиги (оғзаки нутқда энг асосийси фикрни билдира олиш деган тушунчанинг сингиб қолганлиги);

Чет тили талаффузини ўқитишда ўқувчиларнинг она тили, сўзлашув шеваси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ундан ташқари ўқувчининг ўз устида ишлаши ёки тил ўрганишдаги совуққонлиги ҳам талаффузини тўғри ёки хато шаклланишига туртки бўлади. Талаффуз устида ишлашда тил ўрганиш стратегиялари ўз ижобий кўрсатгичини намоён этади. Тил ўрганиш стратегиялари ёрдамида ўқувчининг тил ўрганиш жараёнини осонроқ кечади.

Тил ўрганучилар талаффузини шакллантиришда бирон стратегияни қўллашдан аввал, уларни бу борада керакли маълумотлар билан таништириш лозим. Талаффузни ўрганиш стратегиялари билан яқиндан танишгач, тил ўрганувчилар ўзларига қулайи танлаган ҳолда талаффузи устида ишлаши ва кутилган натижага эришишлари мумкин. Чет тил ўқитувчилари ўқувчиларига тил талаффузи ва фонетикасини ўқитишда, уларга мос стратегиялар устида изланиши, ишлаши мақсадга мувофиқ. Тил ўрганувчиларга талаффузни ўргатиш стратегияларини тушунтиришда турли ҳил воситалардан фойдаланиш мумкин. Уларга тарқатма материаллар, видео дарслар, эшитишга доир аудио материаллар ва бошқалар киради.

Тил ўрганиш стратегиялари ва улардан фойдаланиш борасида фикр мулоҳазалар аввалдан бўлган бўлсада (Chamot, 2005; Cohen & Macaro, 2007; Oxford, 1990), талаффузни ўқитиш стратегияларини олимлар яқиндан аниқлай бошладилар. Талаффузни ўрганиш

https://buxdu.uz

стратегиялари атамаси “онгли равишда ишлатиладиган, талаффузни ўрганиш, унинг устида ишлаш ва назорат қилиш борасидаги ҳатти-харакатлар, фикрлар жамланмаси”ни англатади (Pawlak, M. 2010). Талаффуз ўрганиш стратегиялари ўрганилаётган тилнинг фонетик ва фонологик билимларини ўзлаштиришни мақсад қилади. Талаффузни ўрганиш стратегияларини ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ҳозирда олимлар томонидан изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимлар билан таништириб ўтамиз. Улар Derwing & Rossiter, Osburne, Peterson ва бошқалар.

Талаффузни ўқитиш стратегияларини ўз ичига олган дастлабки тадқиқотлар, доимий равишда қўлланиладиган “Интервью” методи орқали аниқланган (Derwing & Rossiter, 2002; Osburne, 2003). Улар қуйидаги талаффузни ўрганиш стратегияларини тавсия этган:

1. Овозни таҳлил қилиш;
2. Ўзини баҳолаш;
3. Товуш талаффузини ҳотирада сақлаш, талаффузда қийналганиларини сўраб билиш;
4. Глобал артикуляциявий имо-ишоралар;
5. Просодияни ўрганиб чиқиш (сўзлардаги бўғинларнинг урғули ва урғусиз, узун ва қисқа талаффуз қилиниши)
6. Индивидуал сўзларга эътибор қаратиш;
7. Сўзларнинг тақлидий талаффузи ва уларни ёдда сақлаш.

Peterson (2000) эса талаффузни ўрганиш стратегияларини 12 та деб белгилаган:

1. Товушнинг хотирада шаклланган талаффузи;
2. Табиий шароитда шуғулланиш;
3. Товуш талаффузи устида ишлаш;
4. Товушлар тизимини таҳлил қилиш;
5. Артикуляция устида ишлаш;
6. Ўрганилаётган тил талаффузига тақлид қилиш;
7. Талаффузни ўрганиш мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш;
8. Тил машқларини бажариш;
9. Мустақил равишда талаффузни шакллантириш;
10. Талаффузни шакллантиришда эркин бўлиш ва бунда ҳазиллардан фойдаланиш;
11. Тенгдошлар(гуруҳ аъзолари) билан биргаликда машқларни бажариш;
12. Товушларнинг тўғри талаффузини хотирада сақлаш.

Vitonava & Miller (2002) эса талаффузни ўрганиш стратегиясини жуда содда кўринишда тарифлайди. Яъни талаффузни ўрганиш стратегияси бу:

1. Хато талаффузни аниқлаш ва тўғирлаш;
2. Тил соҳиблари талаффузини тинглаш ва ўрганиш.

Vitonava & Millerнинг таклифи бир томондан жуда содда ва осондек кўрингани билан бир қанча қийинчилик томонлари ҳам мавжуд. Яъни унинг тил соҳиблари талаффузини тинглаш ва ўрганиш борасидаги фикрига тўхталсак. Давлат тили битта бўлиб, у ерда яшовчилар ана шу тилда сўзлашсада, уларнинг талаффузи ҳудудлар кесимида қаралганда бир-бирида фарқ қилади. Бу ҳолат тил соҳиблари нутқида диалектнинг шаклланиши сабаб бўлади. Шундай экан, тил ўрганувчи тилнинг адабий нормаларига мос талаффузни ажратиб олиши қийин кечади. Буни инобатга олган ҳолда куйидагиларни келтирамиз:

1. ***Талаффуз турини аниқлаш.*** Инглиз тили бир минтақадан иккинчисига қадар турфа талаффузни қўллайди. Мисол тариқасида Амрика ва Буюк Британия талаффузи бир биридан фарқ қилади. Шундай экан айнан қайси талаффузни ўрганмоқчи эканликни аниқлаб олиш лозим ва шунга доир тинглаб тушунишни оширувчи машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. ***Ўзингизда қийинчилик туғдирувчи товушларни ўрганинг.*** Сўзларни, гапларни талаффуз қилаётганда, қайси товушлар талаффузи қийин кечаётганига эътибор қаратиш керак. Ҳар талаффуз қилганда, товушнинг сўз бўғинларидаги талаффузига диққатли бўлинг. Шу товуш иштирокидаги сўзларни жамланг ва улар асосида гаплар тузинг, улар

https://buxdu.uz

иштирокидаги аудио ёзувларни тингланг. Товуш тўғри талаффуз бўлгунича такрор ва такрор қайтаринг.

3. ***Ёзиб олиш ва ўқиш.*** Ҳар қандай қийинчиликни ёзиб бориш бу, талаффузнинг аввалги ва кейинги ҳолатини, ўзгариш бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга ёрдам беради. Китобни ўқиган ҳолда, ёки бирон мавзуни оғзаки айтган ҳолда овозни ёзиб олиш самарали усуллардан бири. Бунда ўз талаффузидаги хатоларни англашга ёрдам беради. Баланд овозда китобларни ўқиш ҳам тажрибаларда ўз фойдали жиҳатини исботлаган.

4. ***Мусиқа ёрдамида талаффузни шакллантириш.*** Мусиқа инсонга ҳар томонлама ёрдамчи ҳисобланади, ҳамда ўрганиш жараёнини янада қизиқарли, ҳуш кайфиятда ташкил этишга кўмаклашади. Қўшиқларни тинглаб талаффуз устида ишлашда, аввал қўшиқ матни билан танишиб чиқиш, бир неча бор ўқиб кўриш бирламчи ҳаракатлардан бири. Сўнг қўшиқ тингланади. Бунда ҳам бир неча бор тинглаш фойдали. Кейин қўшиқ билан ҳамоҳанг ҳолатда қўшиқнинг матни ўқилади ва сўзлар талаффузи интонацияси ўрганилади.

5. ***Ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш.*** Ҳозирги ривожланиш даврида интернетсиз ҳеч бир жабҳани тасаввур этиш мушкул. Айниқса, таълим нуқтаъи назаридан, онлайн тарзда олиб бориладиган масофавий таълим ривожланиб бормоқда. Тил ўрганувчилари учун қулай бўлган видео дарслар сони ҳам, тобора ошмоқда. Бу эса тил ўрганувчилар учун кенг маънода ажойиб имкониятларни яратади. Талаффузни шакллантиришга доир аудио-клиплар, кинолар, видео дарслардан мустақил равишда шуғулланишга замин яратади.

6. ***Мулоқотга киришиш.*** Сўзлар уларнинг маънолари, талаффузини ўргангач, уларни мустақил равишда мулоқотда қўллай олиш учун тил ўрганувчилар ўзаро мулоқотни ташкиллашриши уларнинг тўғри талаффузга мослашишини оширади. Имкон қадар тил соҳиблари билан ташкиллаштирилган суҳбатлар, уларнинг талаффузини янада чуқарроқ ўрганишга, талаффузини тушуниб етишга имкон яратади. Бу борада ижтимоий тармоқлар қулай воситадир.

7. ***Янгиликларни кузатиб бориш.*** Дунё ва худудий янгиликларни кузатиш. Янгиликлар соф адабий тил меъёрларига амал қилинган ҳолда тайёрланади. Янгиликларда воқелалар акс этган видео лавҳалар ва суръатлар матнни янада аниқроқ тушунишга кўмаклашади. Ундан ташқари, кўрсатувларни кўриш, тинглаш тилнинг соф адабий талаффузини ўрганишга ёрдам беради. Бундай кўрсатувларда сабтайтил ҳам эфирда намоён бўлади. Бунинг ёрдамида бошловчининг нутқини ўқиш имкони юзага келади. Ўқиш ва тинглаш орқали юқорида айтиб ўтганимиздек, талаффузни тўғри шакллантиришда энг самарали усул ҳисобланади.

8. ***Луғатлардан фойдаланиш.*** Бирон сўзни ўрганган пайтингиз унинг талаффуз қилинишини маҳсус луғат китобларидан ёки электрон луғат дастурлари ёрдамида янада чуқурроқ ва аниқроқ билиб олишингиз мумкин. Шу сабабдан тил ўрганувчиларнинг доимий ҳамроҳи луғатлар ҳисобланади. Бундай луғатлар фонетик нормаларга асосланган. Инглиз тили ҳалқаро фонетик алифбосини ўрганиш орқали эса, шу тил талаффузидаги кийинчиликларни тез ва осон бартараф этиш мумкин.

Brown (2008) талаффузни ўрганишда мотивация, мослашувчанлик ва имкониятни муҳим деб билади. Тил ўрганиш стратегиялари билан таниш ва уларни қўллай олувчи ўқувчилар бошқаларга нисбатан тез ва осон ўрганадилар.

Мотивация ёрдамида ўқувчиларнинг талаффузини шакллантиришга бўлган қизиқиши ортади. Талаффуз устида мустақил равишда ҳам шуғуллана олишига замин яратади (Celce-Murcia, 2010). Moyer (2004) мотивацияни онгли ҳаракат, интилиш, мақсадни режалаштириш ва шахсий тажрибасини ошириш билан боғлайди.

Талаффузни ўрганишда мослашувчанлик. Brown (2008) талаффузни ўрганишда чет тили товушига тақлид қилиш, уни такрорлашни энг осон йўли деб ҳисоблайди. Gass & Selinker (2008) тилни тинглаш орқали, унинг талаффузини ўзлаштиришни самарали дея таъкидлайди. (Дарвоқе шу ўринда унутмаслик лозим-ки эшитиш билан боғлиқ нуқсонлари бор ўқувчилар бундан мустасно).

https://buxdu.uz

Чет тили талаффузи ўзлаштиришда қийинчилик туғдиришини кўп бор таъкидлаб ўтдик. Бу юзасидан Pawlakнинг фикр-мулоҳазасига назар солсак (2010). У тил талаффузи билан фақат дарс жараёнида эмас, балки ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ҳам шуғулланиши лозимлигини айтади. Бу мақсад билан, тил ўрганувчилар ўзларининг талаффузидаги кучли ва заиф томонлари устида ишлайди, талаффузидаги ҳатоларини аниқлаши ва уларни бартараф этиши мумкин. Талаффуздаги ҳатоликларни аниқламаслик ва бунга бефарқ бўлиш нотўғри талаффузга мослашиб қолишга сабабчи бўлади. Бундай ҳолатда тўғри талаффузга ўргатишнинг қийинчилик даражаси ортади. Шубҳасиз, ушбу муҳим мақсадга эришиш энг муҳим усуллардан бири, тил ўрганувчиларга фойдали бўлган стратегияларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишни ўргатиш, талаффузнинг турли томонларини ўрганиш ва машқ қилиш тилнинг соф адабий талаффузини шакллантиради.

Тил ўрганувчиларга бирор талаффуз стратегиясини ўқитишда талаффузнинг муҳим эканлигини тушунтириш, уларни қизиқтириш лозим. Сабаби тил ўрганувчи ўзидаги қийинчилик таъсирида тил ўрганишга бўлган қизиқишини йўқотиши ҳам мумкин. Шу томонларни инобатга олган ҳолда, ўрганувчининг тил ўрганишга, ўша тилда тўғри талаффуз қилишига керакли шароит яратиш лозим. Бунда ҳар бир тил ўрганувчининг имкониятлари, қизиқишлари, тил ўрганишдаги қобилиятига мос стратегияни танлаш чет тил ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чет тил ўқитувчилари ҳамда, фонетика фанларидан таълим берувчи ўқитувчилар томонидан қўйиладиган камчиликлардан бири ўқувчилар талаффузини шакллантириш, кейинчалик ривожлантириш борасида етарли даражада ишлашмайди. Иккинчидан имконият масаласи. Ўқув даргохларининг талаффуз устида ишлаш учун керакли шароитлар яратилмагани ёки барча тил ўрганувчиларни қамраб ололмаганлигидир. Яъни талаффузни эшитиб ўрганиш учун ускуналарнинг етишмаслиги, видео дарсларни ташкиллаштиришда телевизор, компьютерларнинг камлиги мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда тил ўқитишда тил ўқитиш стратегияларини қўллаш таълим жараёнини самарали ташкиллаштиришга замин яратади. Бу эса керакли натижага эришишнинг гаровидир. Тил ўрганувчилар талаффузи устида ишлаш нафақат уларнинг тилини тушунарли қилади, балки ҳар бир тилнинг ўз хусусиятларини сақлаб қолади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Brown, M. (2008). Good language learner and pronunciation. In C. Griffiths (Ed.), Lessons from good language learners (pp. 197-207). Cambridge: Cambridge University Press.*
2. *Celce-Murcia, M., Brinton, D. M., Goodwin, J. M., & Griner, B. (2010). Teaching Pronunciation. A Course Book and Reference Guide. New York: Cambridge University Press.*
3. *Chamot, A. U. (2005). Language learning strategy instruction: Current issues and research. Annual Review of Applied Linguistics, 25, 112–130. https://doi.org/ 10.1017/S0267190505000061*
4. *Cohen, A. D., & Macaro, E. (2007). Language learner strategies. Oxford, UK: Oxford University Press.*
5. *Derwing, T. M., & Rossiter, M. J. (2002). ESL learners' perceptions of their pronunciation needs and strategies. System, 30, 155–166. https://doi.org/10.1016/ S0346-251X(02)00012-X*
6. *Gass, S. M, & Selinker, L. (2008). Second language acquisition: An introductory course. New York: Routlege.*
7. *Osburne, A. G. (2003). Pronunciation strategies of advanced ESOL learners. International Review of Applied Linguistics, 41, 131–143. https://doi.org/10.1515/ iral.2003.005*
8. *Oxford, R. (1990). Language learning strategies. Boston: Heinle & Heinle.*
9. *Pawlak, M. (2010). Designing and piloting a tool for the measurement of the use of pronunciation learning strategies. Research in Language, 8, 189–202. https:// doi.org/10.2478/v10015-010-0005-6*
10. *Peterson, S. S. (2000). Pronunciation learning strategies: A first look. Retrieved June 1, 2016, from http://files.eric.ed.gov/fulltext/ED450599.pdf*
11. *Vitanova, G., & Miller, A. (2002). Reflective practice in pronunciation learning. The Internet TESL Journal, 8(1). Retrieved July 8, 2005, from:http://iteslj.org.*

https://buxdu.uz

UDK: 81.373.612.

O‘ZBEK MILLIY-MADANIY XUSUSIYATLARINI AKS ETTIRUVCHI METAFORA VA O‘XSHATISHLAR TAHLILI
(O‘tkir Hoshimov asarlari asosida)

АНАЛИЗ МЕТАФОР И ПОДОБНЫХ ОТРАЖЕНИЙ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ
(По произведениям Уткира Хошимова)

ANALYSIS OF METAPHORS AND ANALOGIES REFLECTING UZBEK NATIONAL AND CULTURAL CHARACTERISTICS
(Based on the works of Utkir Hoshimov)

Ziyatova Nafosat
NavDPI talabasi,
Ilmiy rahbar: Zaripov Botir Po‘latovich
NavDPI o‘zbek tili kafedrasi dotsenti

Annotatsiya. *O‘zbek lingvomadaniyatida mavjud bo‘lgan metafora va o‘xshatishlar ham xalqning lingvomadaniy boyligi. Metafora va o‘xshatishlar semantikasida nutqiy vaziyat uchun mos keladigan til birligining to‘g‘ri tanlangani uni emotsional-ekspressiv vositaga aylantirganini ko‘rish mumkin. Tahlil qilingan muomala jarayonida qo‘llanilgan metafora yoki o‘xshatishlar vositasida xalqning milliy-ma’naviy xususiyatlari, turmush tarzi, an’analari va urf-odatlari bilan bog‘liq jihatlar ham aks etgan.*

Tayanch so‘zlar: *lingvokulturologiya, metaforalar, o‘xshatishlar, milliy-madaniy xususiyat, asardagi ahamiyati.*

Аннотация. *Существующие в узбекской лингвокультуре метафоры и аналогии также являются языковым и культурным богатством людей. В семантике метафор и сравнений видно, что правильный выбор соответствующей языковой единицы для речевой ситуации превращает ее в эмоционально-выразительный инструмент. Метафоры или сравнения, использованные в анализируемом процессе, также отражали аспекты национально-духовных характеристик, образа жизни, традиций и обычаев нации.*

Ключевые слова: *лингвокультурология, метафоры, аналогии, национально-культурные особенности, значимость в работе.*

Abstract. *The metaphors and analogies that exist in Uzbek linguoculture are also the linguistic and cultural wealth of the people. In the semantics of metaphors and similes, it can be seen that the correct choice of the appropriate language unit for the speech situation makes it an emotionally-expressive tool. The metaphors or similes used in the analyzed process also reflected aspects related to the national and spiritual characteristics, lifestyles, traditions, and customs of the people.*

Key words: *linguoculturology, metaphors, analogies, national-cultural features, significance in the work.*

Kirish. Lingvokulturologiya tilni madaniyatning fenomeni, madaniyatning tashuvchisi sifatida o‘rganadi. Madaniyatni tildan foydalanuvchi inson yaratadi [1.26-b.]. Lingvokulturologiyaning predmeti madaniyatda ramziy, obrazli, metaforik ma’no kasb etgan va natijalari inson ongida umumlashtirilib, mif, afsona, folklor va diniy diskurslarda, poetik va prozaik badiiy matnlar, frazeologizmlar, metaforalar va ramzlarda aks etadigan til birliklari sanaladi. Bunda muayyan lingvokulturologik birlik bir paytning o‘zida bir qancha semiotik tizimlarga tegishli bo‘lishi mumkin: ma’lum bir odat frazeologizm, maqol, matalga aylanishi mumkin [1.127-b.].

Asosiy qism. Ma’lumki, har bir xalqning tili uning adabiyotida namoyon bo‘ladi. Shu tilda yaratilgan badiiy asarlarda xalq tarixi, mentaliteti, madaniyati aks etmay qolmaydi. Va ana shu xususiyatlar, o‘z navbatida, lingvokulturologik tahlilni taqozo etadi. O‘tkir Hoshimov asarlarida qo‘llangan lingvomadaniy birlik sifatidagi metaforalarni tahlil qilamiz:

https://buxdu.uz

– Shaftoli yeysanmi? – U qo'lidagi kattakon ***zarg'aldoq*** *shaftolini uzatdi [2.32-b.].* **Zarg'aldoq** bosh ma'noda chumchuqsimonlar turkumiga kiruvchi, qanotlari qoramtir, o'zi sariq sayroqi qush. Uning shu rangiga nisbiy qiyos asosida ba'zida shu ko'rinish, xildagi tusga moyil rang-tus o'rnida qo'llanadi: *zarg'aldoq rang gul, zarg'aldoq shaftoli* kabi. Bu kabi qo'llanish mazkur so'zning milliy-madaniy semantik xususiyatidandir. Chunki tabiatda minglab ranglar bor. Ba'zi ranglarni ifodalashda tabiatda mavjud turli o'simliklar, ma'dan, ba'zi narsa-predmetlar nomi ham shularga xos o'z rangini ifodalashda xizmat qiladi.

Faqatgina shu xalq tomonidan rang ma'nosini ifodalash uchun qo'llanadigan ko'chma ma'nodagi so'z-metaforalar lingvokulturologik ahamiyatga ega. Masalan: *Qulog'imga shumtaka bolalarning qiy-chuvi kirgandek bo'ldi. …Orif oqsoqol bunaqa adabsiz "taka"larni tarbiyalagan ota-onasi bilan shunaqa gaplashib, shunaqangi tanobini tortib qo'ydiki, endi ashula aytishmaydi* [2. 276-b.]. So'zlashuv tilida ***shumtaka*** nihoyatda sho'x, to'polonchi bolaga nisbatan qo'llanadi. Bu qo'shma so'z "o'ta sho'x, to'polonchi ma'nosini bildiruvchi" *shum* va *taka* (ya'ni "erkak echki") so'zlaridan hosil bo'lgan. Iikkinchi gapdagi "taka" metaforasi ham aynan ana shu ma'noda. *Shumtaka* va *taka* so' zlari metaforik ma'noda o'zbek lingvomadaniyatida aynan juda sho'x yosh (o'g'il) bola(lar)ga nisbatan qo'llanadi.

...Qani, ***popuklar,*** *– deydi qandaydir tantanavor ohangda. – Dasturxonga marhamat. Uyalmanglar, tasadduqlar!* [3.68-b.] Popuk bosh ma'noda "narsalarga bezak uchun taqiladigan bir bog'lam tola, pat, ip va sh.k.". Bu qizaloqlarga erkalash ma'nosida aytilgan. *Tola, pat, ip* bu kabilar tarkibida "yumshoqlik" semasi bor. Bu sema asosida "muloyimlik", "mayinlik" ma'nosi yuzaga kelgan. Metaforik ma'noda shaxsga ko'chirilganda, "bezak" semasi asosidagi "chiroy, husn, ko'rk" semalari kuchaygan va "buyum" semasi ham chetlashib, "muloyimlik", "mayinlik" semasi bo'rttirilgan. Natijada xalqda yosh qizlarga nisbatan ijobiy munosabat ifodalovchi so'z sifatida qo'llanadi.

Bay-bay-bay, o'zi ***jinqarcha*** *bo'lsayam, shunaqa zahar qiz-ki, xuddi Zulayho opangizga o'xshaydi* [4] (O'.H. "Qalbingga quloq sol"). Bu misoldagi ***jinqarcha*** so'zi ham ko'chma ma'noda. *Jinqarcha* (shevada) *chittak* degani. Chittak leksemasida *"parranda", "kichkina"* semalari bilan birga" *kuchsiz", "yengil kun ko'ruvchi*" kabi yo'ldosh semalar ham bor. Ana shu sema bu so'zning salbiy ma'noda qo'llanishiga asos bo'lgan. Shaxsga nisbatan qo'llanib, ko'chma" *tirmizak; hali yosh, qo'lidan ish kelmaydigan" (*kesatiq) [O'TIL. 4.113-b.] ma'nosida qo'llangan. Xalqda bu metaforadan salbiy munosabat ifodalashda qo'llanadi.

Mendan oldingi o'rindiqda ***quralay*** *ko'zlari katta-katta, qisqa kesilgan sochi tiniq yuziga xo'p yarashgan ko'hlik juvon o'tirar, yonidagi ro'mol o'ragan o'rta yashar xotin bilan gaplashardi* [4.203-b.]. ***Quralay*** aslida *"kiyik yoki ohularning yosh bolasi".* ***Quralay*** *ko'z* birikuvida ko'chma metaforik "*quralayning ko'ziga o'xshash ko'zli*" ma'nosini ifodalaydi.

O'xshatishlar ikki xil bo'ladi: a) erkin o'xshatishlar; b) turg'un o'xshatishlar. Turg'un o'xshatishlar, asosan, lingvokulturologiyaning obyekti bo'ladi. Bunday o'xshatishlar har bir xalqning lingvomadaniy boyligi bo'lib, ular dunyoqarash, dunyodagi predmet, hodisa va harakatlarni milliy tasavvurlarga ko'ra taqqoslash, qiyoslashdir [1. 102-b.]. O'zbek lingvomadaniyatida mavjud bo'lgan o'xshatishlar ham xalqning lingvomadaniy boyligi bo'lib, ular millat vakillarining dunyoqarashi, dunyodagi hodisalarni milliy tasavvurlarga ko'ra taqqoslash, qiyoslash natijasida shakllangan. O'tkir Hoshimovning "Ikki eshik orasi" [3] romanida o'zbek xalqi hayotini musavvir surat chizgandek aniq va yorqin ifodalab bergan-ki, shuning uchun asar kitobxonlar tomonidan juda yaxshi kutib olingan. Asarda qo'llangan lingvokulturologiyaning obyekti bo'lgan o'xshatishlar semantikasida ham milliylik aks etib turibdi. Masalan: *O'g'ling Robiyani yaxshi ko'radi. Endi tushundingmi? Yo haliyam aqling yetmayaptimi? Robiya* ***suqsurdek*** *qiz bo'lsa, sinashta bo'lsa… [3.144.]* Suqsur – patlari uzun va ingichka qush. Chiroyli, go'zal kelishgan yigit va qizlarga nisbatan bu o'xshatishdan so'zlashuv uslubida juda ko'p qo'llanadi [6.3.201-b.]. O'xshatishlar o'ziga xos obrazli tafakkur tarzining mahsuli sifatida yuzaga keladi. Shuning uchun ular nutqda hamisha badiiy estetik qimmatga molik bo'ladi, nutqning emotsional-ekspressivligi, ifodaliligi, ta'sirchanligini ta'minlashga xizmat qiladi [2.259-b.].

https://buxdu.uz

Boyagi chol yarq etib menga qaradi. ***Barkashdek*** *kaftini dadamning iyagi oldida paxsa qilib baqirdi...[3.12-b.]* Barkash – jez yoki misdan tayyorlangan va patnis oʻrnida ishlatiladigan, doira yoki toʻrtburchak shaklidagi roʻzgʻor asbobi. **Barkashdek** oʻxshatishi esa “katta, odatdagi hajmidan qoʻpolroq” maʼnosi bilan salbiy munosabat ham ifodalanmoqda.

- Oʻv, Rahimtoy! - Oqsoqol ***rapidadek*** *qoʻlini paxsa qildi. - Berdisini aytguncha urib oʻldirma-da, odamni!* [3.152-b.] **Rapida** “Tandirga non yopish uchun ishlatiladigan, matodan tikilgan, toʻgarak shakldagi qalin qoʻlqop”, qoʻlga kiyib non yopiladi. Qoʻlning oʻzini rapida kiyilgan qoʻlga oʻxshatilib “keng yumaloq, katta oʻxshovsiz” qoʻl, kaft maʼnosini ifodalamoqda.

Hali shunaqa kunlar keladiki, suvni hovuzga solib qulflab qoʻyishadi. U men bilan aylanib-oʻrgilib koʻrisharkan, bola emizib turgan Fotima kelinni beozor jerkidi:

- Ordona! ***Sigirday*** *xotinga atlas koʻylakni kim qoʻyibdi! Atlas yetkazib boʻladimi senga? - U hovliga yuzlandi. - Atlasni Zuhra kiysa yarashadi.* Sigir – qoramol, uy hayvoni. Xalqda soʻzlashuv uslubida odamga nisbatan qoʻllashda kuchli salbiy konnotatsiya mavjud.

Bechora onam! Oʻsha iztirobli afsonani aytayotganingda inidan moʻralagan qaldirgʻoch bolasidek koʻrpadan bosh chiqarib yotgan besh bolang bir-biri bilan inoq boʻlishini shunchalik xohlaganmiding! [3]

Qaldirgʻoch bolasidek – “*asosan odamlarning yonma-yon yoki ketma-ket joylashib, saf hosil qilishi*” [6.4.228-b.] maʼnosida qoʻllanadi... Qaldirgʻoch bolasi himoyaga muhtoj. Ular hali yashash uchun mustaqil harakat qila olmyadi. Ular ona qaldirgʻochning himoyasiga, koʻmagiga muhtoj. Ana shu holatga nisbiy qiyos asosidagi oʻxshatishda emotsionallik kuchli: “... *qaldirgʻoch bolasidek koʻrpadan bosh chiqarib yotgan besh bolang bir-biri bilan inoq boʻlishini shunchalik xohlaganmiding!”* Hikoyadan keltirilgan bu parchada ona tajribasiz bolalarining kelajagini oʻylaydi, hayot sinovlari, tashvishlari oldida bir-biri bilan inoq boʻlib, hamdard, hamnafas boʻlishini istaydi. Qaldirgʻoch – kichkina qush. Asosan, odamlarning uylarida, peshayvon, darvoza oldidagi shiftlarda in qoʻyadi. Oʻzbek xalqida “Qaldirgʻoch in qoʻygan uyda tinchlik boʻladi”, “Qaysi uyda qaldirgʻoch in qoʻygan boʻlsa, bu yaxshilik alomati” kabi qarashlar mavjud. Shuning uchun oʻzbek lingvomadaniyatida bu qush yangilik, ijobiylik ramzi, etaloni sifatida ishlatiladi.

Insonning dunyoni bilishida oʻxshatish-qiyoslashdan foydalanishi katta ahamiyatga ega. Ayniqsa, turgʻun oʻxshatishlar tilda tayyor birliklar kabi nutqqa olib kiritiladi. Har bir lingvomadaniyatda shu xalqning mentalitetini, uning oʻziga xos milliy-madaniy xususiyatlarini aks ettiruvchi turgʻun oʻxshatishlar mavjud boʻladi.

Yuqorida tahlil qilingan oʻxshatishlar semantikasida nutqiy vaziyat uchun mos keladigan oʻxshatish hosil qiluvchi til birligining toʻgʻri tanlangani uni emotsional-ekspressiv vositaga aylantirganini koʻrish mumkin. Muomala jarayonida qoʻllanilgan oʻxshatishlar vositasida soʻzlovchi mansub boʻlgan xalqning milliy-maʼnaviy xususiyatlari, ijtimoiy turmush tarzi va dunyoqarashi, eʼtiqodi, anʼanalari va urf-odatlari bilan bogʻliq jihatlar ham aks etadi.

ADABIYOTLAR

1. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. – T., 2019. 102-b.

2. Mahmudov N., Xudoyberganova D. Oʻzbek tili oʻxshatishlarining izohli lugʻati. – T., 2013.

3. Oʻtkir Hoshimov. Ikki eshik orasi. – T.: Meriyus, 2011.

4. Oʻtkir Hoshimov. Dunyoning ishlari. – T., 2018.

5. Oʻtkir Hoshimov. Sevgi qissalari. Hikoyalar va qissalar. Qalbingga quloq sol. – T., 2013. www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. 5 jildlik. 1-,2-,3-,4-,5-jildlari. OʻzME n-ti: – T., 2006-2008.

https://buxdu.uz

УДК 821.512.133-95

АДАБИЁТШУНОСЛИК РИВОЖИДА ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ЁНДАШУВНИНГ ЎРНИ

МЕСТО ИСТОРИКО-БИОГРАФИЧЕСКОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

PLACE OF HISTORICAL AND BIOGRAPHICAL APPROACH IN DEVELOPMENT OF LITERARY STUDIES

Ахмедова Шоира Нематовна
БухДУ профессори, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. *Тарихий-биографик усул адабий танқидчиликнинг етакчи йўналиши бўлиб, у танқидчи зиммасига алоҳида олинган ҳолда ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўз даври ва муҳити билан уйғун ҳолда мукаммал ёритиш вазифасини қўяди. Жаҳон адабий танқидчилиги тарихида бу усулни X1X асрнинг бошларидан эътиборан кенг тараққий эттиришга киришилди. Тарихий-биографик ёндашув борасида Ш.Сент-Бьёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, В.Шкловский, И.Андронников сингари олимлар бой илмий-ижодий тажриба тўплаганлиги маълум. Тарихий-биографик йўналиш табиати адабий-танқидий асарларда ёзувчи илмий-биографиясига оид далил ва илмий хулосаларнинг изчиллиги ҳамда тадрижий жараённинг мукаммаллашиб борувини тақозо этади.*

Таянч сўзлар: *адабий танқид, тарихий-биографик метод, илмий биография, адабий портрет, портрет-мақола, танқидий-биографик очерк, эссе.*

Аннотация. *Историко-биографический метод является ведущим направлением литературной критики, в котором ставится задача идеально освещать жизнь и творчество писателя в гармонии с его временем и окружением. В истории мировой литературной критики этот метод получил широкое развитие с начала XIX века. Известно, что такие учёные, как Ш.Сент-Бьёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, В.Шкловский, И. Андронников накопили богатый научный и творческий опыт. Характер историко-биографического направления требует согласованности научных данных и научных выводов автора в литературно-критических произведениях, а также совершенствования эволюционного процесса.*

Ключевые слова: *литературная критика, историко-биографический метод, научная биография, литературный портрет, портрет-статья, критический-биографический очерк, эссе.*

Abstract. *The historical-biographical method is the leading direction of literary criticism, in which the task is to ideally cover the life and work of the writer in harmony with his time and surroundings. In the history of world literary criticism, this method has been widely developed since the beginning of the 19th century. It is known that such scientists as S. Sent-Biev, A. Veselovsky, A. Morua, M. Bakhtin, M. Khrapchenko, L. Timofeev, V. Shklovsky, I. Andronnikov, have accumulated rich scientific and creative experience in this area. The nature of the historical and biographical direction requires a consistency of scientific data and scientific conclusions of the author in literary and critical works, as well as improvement of the evolutionary process.*

Key words: *literary criticism, historical and biographical method, scientific biography, literary portrait, portrait-article, critical - biographical sketch, essay.*

Бой меросга эга ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига назар солинса, унинг тарихий-биографик ёндашув борасидаги тажрибалари анча илгари – XV аср ва ҳатто ундан ҳам олдин пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар мавжуд. Ўтмишда адабиётшунослик ва адабий танқидий фикрлар “адабий хотира ва мемуарлар ёзиш формасида” учраган: “Айрим адабиёт вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларни тўплаш, бу ҳақда мемуарлар яратиш – бу ҳам адабиётшуносликнинг бир формаси эди. Бунда махсус бир ёки бир нечтагина киши ҳақида маълумот берилар ва шу киши ҳақида гапиришга

https://buxdu.uz

имконият ҳам тазкирадагига қараганда кенг бўлар эди. Низомий Арузий Самарқандийнинг 1156 йилда ёзган “Чаҳор мақола”, Абу Тоҳир ал-Хотунийнинг “Маноқиб уш-шуаро” асарлари шу характердаги асарлар эди. Бундай хотира ва ёдномалар подшолар, давлат арбоблари ва бошқалар ҳақида ҳам яратилган” [1,26].

Бу соҳада ҳам ҳазрат Навоийнг илғор эканлигини таъкидлашга тўғри келади. Алишер Навоий ўз замондошларининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан қизиқди, уларнинг ижодий ўсишлари учун қўлидан келганича ёрдам беришга интилди. Навоийнинг ўз замондошлари ҳақидаги танқидий фикрлари унинг адабий танқидчилигининг энг характерли ва муҳим қисмидир. Навоий ўз даврининг талантли ва кўзга кўринган кишилари билан жуда яқин муносабатда бўлган, улар ҳақида ҳатто яхлит ва йирик эсдаликлар ёзган. Абдураҳмон Жомий ҳақида “Хамсатул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Муҳаммад Паҳлавон”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” (“Маноқиби Сайид Ҳасан Ардашер”) каби асарлари бунга мисол. Улар биз ҳозир назарда тутган танқидий-биографик ёндашув асосида яратилган асарлардир.

Тарихий-биографик усулда ижодкор ҳаёт йўлига муносабат кўлами муҳим роль ўйнайди. Қай бирида бу кўлам ғоят тор, биографик далиллар айрим таҳлилий унсурларга едирилса; қай бирида кўлам бир қадар кенг, лекин биографик далиллар тизими устувор ва яна қай бирида кўлам кенг, биографик далиллар ижодкор шахси ва муҳит ҳамда замон билан уйғунликда таҳлил қилинади. Бунда хотиралардан ҳам, саргузаштлардан ҳам асарнинг ёзилиш сабаби ва тарихига оид мулоҳазалардан ҳам, айрим асарларнинг таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Шу хусусиятларига кўра танқидий асарлар тўрт хил:

1. Адабий-танқидий портрет – мақола.
2. Адабий портрет.
3. Танқидий-биографик очерк.
4. Эссе жанрларида намоён бўлади.

Адабий танқидчиликнинг бу тўрт шаклида ҳам илмий тарихий-биографик ёндашув асос қилиб олинган. Бу уларнинг муштарак белгисидир. Бу усулнинг асосий хусусияти ижодкорнинг туғилган кунидан бошлаб ўтган ҳаётидаги воқеаларни изчиллик билан билан баён этишда намоён бўлади. Мана шунга асосланган биографик усул ёзувчининг таржимаи ҳоли ва шахсиятига ижоднинг алоҳида жараёни сифатида қарайди.

Тарихий-биографик йўналиш биринчи ўринда объектга олинган шахснинг – ёзувчининг таржимаи ҳолига тарихий нуқтаи назардан ёндашади. “Маълумки, ҳаётий далил ва назарий умумлашма масаласи тарихий-биографик ёндашувдаги адабий-танқидий асарларнинг туб моҳиятини ташкил қилади. Чунки танқидчиликдаги таниқли ёзувчилар ҳаёти ва ижодининг илмий биографиясини яратиш, адабий-танқидий очерклар, монографик мақолалар ва ижодий портретлар яратишда орттирилган тажрибалар умумлаштирилиб, улардан илмий-биографик тадқиқотлар яратишда унумли фойдаланилади” [2,87]. Ҳақиқатан ҳам тарихий-биографик ёндашувда ҳаётий далил ва илмий-назарий умумлашмалар ёзувчи ва шоирлар ижодий эволюциясини тўғри англаш, бадиий ижоднинг ўзига хос томонларини ҳаққоний таҳлил этиш, ёзувчи ҳаёти ва ижодининг қадри, адабий жараёнда ва халқ ўртасидаги ўрни юзасидан тўғри хулосалар чиқаришда муҳим ўрин тутиши ва унинг илмий биографиясига оид янги тарихий-маърифий кузатишлар ва қарашларнинг илгари сурилишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тарихий-биографик йўналишдаги илмий-биографик асарларда жаҳон ва рус, қардош халқлар назарий тафаккурининг тажрибаларидан унумли ижодий фойдаланиш маҳорати устида баҳс юритиш мазкур йўналишнинг ўзбек адабий танқидчилиги тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ва бу тажрибалар ўзбек танқидчилигидаги тарихий-биографик йўналиш тараққиётига баракали таъсир этганлигини инкор этиб бўлмайди. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бу йўналишга, 30 йиллардан эмас [2,80], балки XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб жиддий эътибор берила бошланди. Матбуотнинг юзага келиши бу ёндашувнинг тараққиётини тезлаштирди [3,18].

Француз адиби, олим-мутафаккир Шарль Сент-Бёв (1804-1869) биографик методга асос солди. “Бу методга кўра, бадиий асарда ёзувчи биографиясига тааллуқли кўп масалалар

https://buxdu.uz

мавжуддир. Аввало, асар ғоясининг, концептуал асосининг пайдо бўлиши ёзувчи ҳаётидаги бирон масала билан боғланиб кетади. Иккинчидан, ёзувчи билибми, билмайми (ғайри шуурий ҳолда), юраги қаъридаги туйғуларни, хотирасига сингиб қолган воқеа, шаклларни асарига кирита бошлайди. Учинчидан, асарнинг ёзилиши жараёнидаги ҳолатлар, манзаралар, ҳодисалар табиий ҳолда асар структурасига сингиб боради" [4,17]. Бу ўринда адабиётшунос А.Расулов ёзувчилар ижодидан келиб чиқиб, бу ҳодисани шарҳлайди. Биз эса танқидчиларнинг адабий портретларида худди шундай ҳолат (юраги қаъридаги туйғулар, хотирасига сингиб қолган воқеалар, шакллар) ҳақида фикр юритамиз. Чунки адабий портретда хотираларга ўрин берилиши унинг жанрий белгиларидан биридир.

1. Портрет-мақола. Ўзбек адабиётшунослиги тарихини кузатар эканмиз, айнан портрет характеридаги фикр-мулоҳазалар академик Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, билвосита жанрлар ичида ҳам, бевосита жанрлар ичида учрайди. Масалан, "адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи, адабиёт тарихини, маълум давр шоирлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган" тазкираларда [5,20] шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид қайдларнинг учраши фикримизга далил бўла олади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мумтоз адабиётшуносликда бир жанрдаги асар ичида бир неча жанрларнинг қоришиқ келиши унинг учун устун хусусиятлардан биридир. Шу боис тазкираларда тақриз, обзор мақола, адабий портретлар, ҳатто эссега хос хусусиятлар синтезлашган ҳолда намоён бўлади. Бинобарин, уларнинг бирортаси ўтмиш адабиётшунослигида танқидчиликнинг алоҳида жанри сифатида кўринмайди, уларнинг шаклланиш ва ривожланишини, асосан, Х1Х асрнинг охири ва ХХ аср бошлари, янада аниқроғи, матбуотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш керакки, шундан келиб чиқиб, ўзбек танқидчилигида портрет-мақолаларнинг илмий-назарий хусусиятлари биринчи марта тадқиқ этилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида портрет характеридаги мақолалар ХХ асрнинг бошларидаёқ пайдо бўлганлиги маълум [3,25]. 1913 йилда Рожий томонидан тузилган Дилшод Барнонинг "Мунтахаб ул- ашъори Барно" шеърий тўпламида иккита мақоладан иборат сўзбоши мавжуд. Биринчи мақола "Ал ахбор ул-муаллифин" деб номланган. "Тазкираи Барно" сарлавҳали иккинчи мақолада Рожий шоира биографияси ва ижоди ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. "Рожийнинг бу мақолалари бир томондан ўзбек тазкиранавислигининг Навоий бошлаб берган анъаналари таъсирида ёзилган бўлса, иккинчи томондан ўзбек адабиётшунослигида янгича йўналиш – адиб ижодининг конкрет фактларга асосланган илмий биографиясини бошлаб берди, дейиш мумкин. Бизнингча, бу мақолаларнинг салмоғи ҳам шу жиҳатлари билан ўлчанади", – деб ёзади адабиётшунос олим Р.Тожибоев [6,42]. Демак, портрет-мақолаларнинг жанр сифатидаги тараққиётини ХХ асрнинг бошлари билан белгилаш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида «20 йиллар адабий жараёнида портрет характеридаги маълум бир ижодкорнинг шахси яшаган даври, асарлари билан таништирувчи мақолалар кўп учраши ҳақидаги фикрларга [7] таянадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, портрет мақолалар яратилиши ва тез тараққий этиши даврнинг талаби эди: ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган ёзувчи ва шоирлар, улар ҳақидаги маълумотларнинг тарқоқ ҳолда мавжудлиги танқидчилик учун портрет-мақолалар ёзиш заруратини келтириб чиқарди. Бинобарин, бундай портрет-мақолаларнинг намуналари А.Фитрат, Чўлпон, В.Маҳмуд каби адиб ва мунаққидлар ижодида кўп учраши табиий эди. Чунки улар адабиёт тарихида ҳаёти кам ўрганилган ижодкорлар ижодини тадқиқ этишга эътибор бера бошладилар. Шу тарзда ўзбек танқидчилигида портрет-мақолалар, кейинчалик улар асосида ёки алоҳида тарзда адабий портретлар яратиш анъанавий тус ола борди.

«Адабий портрет ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги очерк», – деб ёзади рус олими Б.Егоров. Портрет-мақолада ҳам ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади, бироқ улар ҳажман ва материални кенг қамраб олиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Портрет-мақолада маълум бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарлари ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар берилади, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди тор қамровда ўрганилади. Баъзи ҳолларда адабий портрет яратишга замин ҳозирланади. Адабий портретда

https://buxdu.uz

эса унга объект бўлган ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли, маънавий, шахсий, ижодий қиёфаси бир бутун ҳолда кенг ва батафсил монографик йўсинда тадқиқ этилади.

Портрет-мақола, асосан, икки хил йўл ва икки мақсад билан яратилади:

1. Портрет-мақолада қисқа ҳолда бўлса-да, ёзувчи ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳар томонлама маълумот берилади. Бунга Фитрат, В.Маҳмуд, Ойбек каби ижодкорларнинг портрет-мақолалари ёрқин мисол бўла олади.

2. Ижодкор портретига оид чизгилар яратилиб, кейинчалик тўлиқ адабий портрет яратишга замин ҳозирланади. Бундай ижодий изланиш кейинги даврларда қарор топиб, такомиллашаётир. Жумладан, О. Шарафиддинов адабий портретларининг кўпчилиги шу тарзда яратилган. Шу боисдан, адабиётшунос олим А.Расулов О.Шарафиддиновга бағишланган китобида «мақола-портрет», «мақола-эскиз» сингари атамаларни ишлатади [8,56].

Ўтган асрнинг 20 йилларида яратилган жанрнинг илк намуналари саналган портрет-мақолалар мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бунга сабаб, энг аввало, адабий портрет-мақолаларнинг аксарияти кўпроқ ижодкорлар (Фитрат, Чўлпон) ва ҳассос мунаққидлар (В.Маҳмуд) қаламидан чиққанлиги билан изоҳланади. Шунинг учун уларда илмийлик билан бир қаторда эҳтирос ва жозиба кучи ўзаро синтезлашган. Иккинчидан, портрет-мақолага манба бўлган ижодкорлар ҳақидаги маълумотларни яхлит ҳолда беришга интилиш кучли. Учинчидан, асосий мақсад а) тилга олинаётган ижодкорнинг таржимаи ҳолини ойдинлаштириш; б) у яшаган муҳитни ўрганиш ва унинг шоир ижодига таъсирини кўрсатиш; в) ёзувчи ёки шоир ижодини тадқиқ этиб, асарларини таҳлил этиш орқали ўзига хос қирраларини кўрсатиш; г) уларнинг адабий жараёндаги ўрнини аниқлаш каби масалаларга урғу қилинган. Жумладан, Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий», «Алишер Навоий», «Фузулий Бағдодий» каби мақолалари шундай хусусиятлари билан эътиборни тортади.

Тилга олиб ўтганимиз уч портрет-мақоланинг адабий портретдан фарқ қилувчи асосий хусусияти яна шунда кўринадики, уларда ёзувчи ёки шоирларнинг ижодига кўпроқ диққат қаратилади, шахси, руҳий-маънавий дунёси кенг очиб берилмайди. Адабий портретларда эса бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилади.

Кейинги даврларда бу жанр Ойбек ижодидан ҳам кенг ўрин олганини кўриш мумкин. Унинг адабий-танқидий меросида танқидчиликнинг тақриз, адабий-танқидий мақола, обзор мақола каби кичик ҳажмли шакллари орасида портрет-мақолалар ҳам мавжудки, улар ўз даврининг аниқ бир ижодкори, адабий жараёни ҳақида, шу билан бирга, ўз муаллифининг илмий-ижодий қиёфаси ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кейинги тараққиётини кузатар эканмиз, XX асрнинг 20 йилларидан кейин портрет-мақолаларнинг яна бошқача мақсадлар билан ва ўзгача йўсинда яратилиши кўзга ташланади. Шу жиҳатдан уларни ёзилиш мақсадига кўра турлича тасниф этиш мумкин:

1. Шоир ёки адибнинг юбилейи муносабати билан.

2. Шоир ёки адибнинг ўлими муносабати билан.

3. Ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўзбоши шаклида ёзилган портрет-мақолалар.

Ойбекнинг «Ғафур ҳақида» деб номланган портрет-мақоласида шоирнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берилмаса-да (зотан бунга ҳожат ҳам йўқ эди: Ойбекнинг бу мақоласигача ҳам ўқувчилар Ғ.Ғуломнинг таржимаи ҳолини билишарди), Ғ.Ғуломнинг ўзбек адабиётидаги муносиб ўрни тўғри белгиланади. Унда шоирнинг тўпламларига баҳо берилади, ижодидаги ўзига хос фазилатлар таъкидланади. Ғ.Ғуломнинг «Ўзбек шеъриятида такрордан, шаблондан, ясамачиликдан энг кўп қочган шоир» эканлигини кўрсатиш билан бирга «шоирнинг таланти ҳамма шеърларида янги куч ва аланга билан ёнмас»лиги ҳам айтиб ўтилади. Ойбек Ғ.Ғулом насрига ҳам тўғри баҳо беради. Ҳикояларини чуқур таҳлил қилиб, адибнинг маҳоратини очиб беради. Ойбек Ғ.Ғулом ҳикояларининг тилига ҳам объектив баҳо беради. Тўғри, Ғ.Ғулом ижоди баъзан ўзи яшаган даври нуқтаи назаридан ўтказилади.

Ойбекнинг портрет-мақоласи ҳажман қисқалиги, шоир ижодига умумлаштирувчи

https://buxdu.uz

тарзда баҳо бериши жиҳатидан ХХ асрнинг 20-йиллардаги портрет-мақолалардан фарқ қилади. Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган портрет-мақола «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» деб номланган бўлиб, у шоирнинг вафотидан кейин ёзилган. Мақоланинг сарлавҳасиданоқ Ойбекнинг шоир ижодига самимий муҳаббат билан қарагани яққол кўриниб туради. Мақоланинг бошидаёқ Ойбекнинг эҳтиросга бой, Ҳ. Олимжон ижоди ва шахсиятига нисбатан меҳрга тўлиқ қалбидан қайноқ сўзлар отилиб чиқади.

Ойбек ижодида рус адабиёти намояндаларидан Пушкин ижодига бағишланган «Пушкин – рус халқининг улуғ шоири» деб номланган портрет-мақола учрайди. Унда Пушкин ижодига кенг ва умумлаштирилган баҳо бериладики, бу ўзбек ўқувчиси учун Пушкин ижодига киришдай вазифани ўтаган. Мунаққиднинг «Улуғ дўстимиз» (Н.Тихоновнинг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган), «Ҳурматим чексиз» (М.Горький ҳақида), «Ҳамиша яловбардор, ҳамиша устоз» (М.Горькийнинг 100 йиллиги муносабати билан), «Устоз санъаткор» (Лев Толстой ижоди ҳақида) каби мақолалари ҳам ҳажман қисқа бўлишига қарамай, ижодкорлар ҳаёти ва ижодига оид портрет чизиқларидан иборат. Шунинг учун уларни қисқа, этюд портрет-мақолалар сирасига киритиш тўғрироқ бўлади.

Ойбек ижодида Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон ҳақидаги хотира-мақолалар ҳам учрайдики, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, уларни ўрганиш кейинги вазифалардандир.

Портрет-мақолалар яратиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Адабиётшунос олимлар ва мунаққидлар ижодида бу жанр турли хусусиятларга эга ҳолда яратилди. Бу соҳада олим В.Зоҳидовнинг Беруний, Ҳофиз, Насимий, Низомий, Навоий, Бобур, Мирза Фатали Охундов ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлари портрет-мақола жанрига мансуб. “Шарқ тарихида кўп асрлар бадалида тараққий этиб борган ижтимоий-фалсафий, адабий-бадиий, сиёсий-эстетик тафаккур тарихининг ёрқин картинаси ва бу тафаккур ривожида конкрет ўрин тутган буюк сиймолар қиёфаси гавдаланади” [9,127]. Шу фикрларнинг ўзиёқ уларнинг жанрини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари олимнинг Пошшохўжа, Огаҳий, Ҳувайдо, Гулханий, Фурқат ижодига, рус ёзувчилари – Пушкин, Островский, Л.Толстойлар ижоди ҳақидаги мақолалари ҳам шу йўсинда яратилган.

Воҳид Зоҳидовнинг кўпчилик мақолалари ёзувчиларнинг юбилейлари муносабатлари билан майдонга келган. “Юбилей мақолалар танқидчиликнинг ўзига хос жанрларидан биридир. Бундай мақолаларда ихчам ўринда мазкур ёзувчининг бутун ижодига аниқ ва конкрет баҳо берилади, адабиётнинг тараққиётига қўшган ҳиссаси ёритилади, адабиёт тарихида тутган ўрни, унинг ижодкор сифатида ўзига хос фазилатлари кўрсатиб берилади” [9,50]. Назаримизда, бу портрет мақоланинг турли кўринишларидан биридир. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу хилдаги мақолаларнинг кўпайиб кетиши танқидчиликда бир қанча нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Танқидчи Ў.Ўтаев 70 йилларда яратилган адабий портрет ва портрет-мақолаларни таҳлил қилар экан, шундай хулосага келади: “...сўнгги йилларда шу хилдаги далилсиз, таҳлилсиз адабий портретлар, бирон-бир ижодкорнинг юбилейи баҳонасида ёзилган мадҳиялар, календарь мақолалар анча кўп ёзилаяпти.

Бу билан юбилей баҳонасида ёзилган адабий портрет ва мақолалар саёз, мадҳу санодан иборат, деган хулосага келмаслигимиз керак” [10,78].

Олим баъзи адабий портрет ва мақолаларда, “Бизнинг календарь” сериясидаги кўпчилик мақола ва тўйхатларда ёзувчининг ҳаёти ва ижодига тегишли барча саналарни хронологик қайд этиш, асар мазмунини ҳис-ҳаяжонсиз қайта баён қилиш нуқсонлари учрашини мисоллар асосида кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга, танқидчи И.Султоннинг А.Қодирий ва С.Айний, Ҳ.Ёқубовнинг Ш.Рашидов, М.Қўшжоновнинг Ойбек, И.Султон ва О.Ёқуубов, О.Шарафиддиновнинг А.Қаҳҳор, Зулфия, А.Мухтор, И.Ғафуровнинг Данте ва П.Қодиров, П.Шермуҳаммедовнинг Қ.Муҳаммадий ва Қ.Ҳикмат юбилейи муносабати билан ёзган мақола ва портретлари янгича шаклда ёзилганлиги, янгича нуқтаи назар, нозик кузатиш ва хулосаларга бойлиги билан ажралиб туришини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Танқидчи баъзан мақола, портрет, танқидий-биографик очерк жанрини аралаштириб

https://buxdu.uz

юборади. Чунончи, “Л.Қаюмовнинг “Замондошлар”, “Қардошлар” китобига кирган адабий портретлар хилма-хил формаларда, ёниқ эҳтирос билан ёзилган. Айниқса, М.Ю.Лермонтов, Р.Тагор, Ҳамза, Зулфия, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов ҳақидаги портретлар катта қизиқиш билан ўқилади” [10,66]. Ҳолбуки, уларнинг аксарияти портрет талабига жавоб бермайди. Биринчидан, “Замондошлар” китобининг бошида “мақолалар тўплами” деб қўйилган. Иккинчидан, танқидчи портрет санаган асарларнинг баъзилари қисқалиги, шоир ёки ёзувчи ижоди ҳақида чизгилар тарзида маълумот берилишидан келиб чиқилса, “С.Айний”, “Ҳамид Олимжон”, “Собир Абдулла”, “Уйғун”, “Комил Яшин”, “Иззат Султон”, “Эркин Воҳидов” каби ўнлаб тадқиқотлар адабий портрет эмас, портрет-мақола жанрига мос келади. Масалан, Э. Воҳидов ижодига бағишланган портрет-мақолада шоирнинг асарлари, адабиётда тутган ўрни ҳақида қисқагина фикр юритилади. Унда шоирнинг ижодий, руҳий, маънавий қиёфаси тўлиқ яратилганлиги кўзга ташланмайди ва бу уни портрет дейишга монелик қилади.

Ёки олим Зулфия ижодига бағишланган асарни ҳам портрет деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, Л.Қаюмовнинг ўзи унинг сарлавҳасидаёқ жанрини тўғри белгилаб берган: “Зулфия. Инсон ва ҳижрон”. Мақолани ёзишдан мақсади уруш йилларида шоира ижодининг бориши, шу даврда яратилган асарларининг таҳлилига бағишланади. Демак, унда аниқ бир муаммо қўйилган, фикр-мулоҳазалар шу муаммо атрофида айланади. Бу хусусият эса унинг муаммоли мақола эканлигини яққол кўрсатади.

Л.Қаюмовнинг “Қардошлар” китобига кирган мақолаларнинг шакли турличадир. Гарчанд улар умумий “ Мақолалар” номи остида китобда берилган эса-да, унинг “Қардош сиймолар” бўлимидаги барча мақолалар портрет характерида. М.Лермонтов, А.Герцен, Н.Некрасов, Лев Толстой, Т.Шевченко, Р.Тагор, А.Тўқай каби қардош ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек китобхонига қисқа, умумлаштирувчи тарзда маълумот берилгани назарда тутилса, уларнинг барчаси ҳажми, материални қай даражада қамраб олганлиги, ифода услубига кўра портрет-мақола жанрида ёзилган деб белгилаш мумкин.

Баъзи портрет-мақолаларда жонли хотираларга ўрин берилиши, муаллифнинг объект билан шахсан танишлиги уларнинг бадиий жиҳатдан жозибали чиқишини таъминлаган. “Т.Жалоловнинг “Яшасин табассум” тўпламидан ўрин олган портрет-мақолаларини ҳаяжонсиз ўқий олмайсиз... Уларнинг ютуғи фақатгина жонли хотиралар асосида ёзилганлигидамас, балки форма ранг-баранглигида” [10,72]. Ҳақиқатан ҳам, бу фикрда жон бор. Т.Жалоловнинг “Паҳлавон Маҳмуд” портрет-мақоласи муаллифнинг ўзи шоҳид бўлган, шоир изларини излаш мақсадида Хоразмга бориши ҳақидаги хотиралар билан бошланадики, бу усул, биринчидан, ўқувчи диққатини ўзига тортса, иккинчидан, китобхонни беихтиёр шоир ижодига қизиқишини уйғотади. Мақола тузилишига кўра уч қисмдан иборат. Иккинчи қисмда шоирнинг таржимаи ҳоли, кейин эса рубоийлари таҳлили берилади. Умуман олганда, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа, умумлаштирувчи характерга эга маълумотларнинг берилишига кўра у портрет-мақола жанрига мансуб.

Танқидчининг М.Шайхзода ижодига бағишланган “Яшасин табассум” портрет-мақоласи шоир образини ҳар томонлама тасвирлаши билан диққатга сазовор. Портрет-мақоланинг тузилиши – аниқ қисмларга бўлиниши жиҳатидан Фитрат, Вадуд Маҳмуд портрет-мақолаларини эслатади. Унинг муқаддимасида шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритилади. Унинг бошқа мақолалардан фарқи шундаки, танқидчи М.Шайхзоданинг мухлисларидан келган мактублардан намуналар келтириб, шоирнинг қиёфасини тўликроқ очишга муваффақ бўлган. Беш қисмдан иборат портрет-мақоланинг кейинги қисмларида шоир шеъриятининг моҳияти очилади. Албатта, портретда эскирган нуқталар йўқ эмас, айниқса, унинг иккинчи қисми ўша давр мафкураси руҳида ёзилган. Шунга қарамай, портрет-мақола М.Шайхзоданинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумлаштирувчи маълумот берибгина қолмай, унинг тўлиқ портретини яратиш учун асос бўла олади.

Портрет-мақолалар орасида М.Юнусовнинг “Устоз Шайхзода” портрет-хотираси алоҳида ажралиб туради. Ихчамгина портрет-мақолада М.Шайхзода ижодининг ўзига хослиги, унинг инсон ва ижодкор сифатидаги характери, айрим асарларининг ёзилиш тарихи

https://buxdu.uz

ҳақида умумлаштирувчи маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. “Умрининг сўнгги дамларигача олим Шайхзода билан шоир Шайхзода бир-биридан кейинда қолмаган эса-да, ҳар ҳолда унинг вужудида шеърият ғалаба қилиб турарди. Шеърият унинг жону дили бўлса, фалсафа у эркин ҳаракат қиладиган майдон эди” [11,133]. Шайхзода ижодининг бутун моҳиятини ўзида акс эттирган, мунаққид қалбидан отилиб чиққан, шоир шахсига катта бир ҳурмат ҳисси сезилиб турган мақолани ўқиганда, ўқувчининг шоир ижоди ва шахсига қизиқиши янада ортади.

Бундай фазилат М.Юнусовнинг Т.Жалоловга бағишланган “Истеъдод чашмаси” портрет-мақоласида ҳам ёрқин кўринади. Унда олимнинг ҳаёти ва ижодининг асосий босқичлари умумлаштирилган, инсоний қиёфаси жонли хотиралар асосида чизилган.

Портрет-мақола жанрининг тараққиёти уларнинг кейинги йилларда, айниқса, 70-80 йилларда ўсиб, тўлдирилиб, улар асосида адабий портрет жанрида танқидий асарлар яратилиш жараёни бошланганини кўрсатади. Бу эса улар шакли, мазмуни бойиб, шаклланиб бораётганлиги, шу боис уларни илмий тадқиқ этиш вақти етиб келганлигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб, адабий танқидчиликнинг кичик жанрларидан саналувчи портрет-мақоланинг асосий жанрий белгилари сифатида:

1) тарихий-биографик ёндашув асосида ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотларнинг берилиши;

2) қисқача бўлса-да, адабиёт ва адабий-тарихий давр тадқиқ этилиши;

3) ижоди ўрганилаётган санъаткорга нисбатан хайрихоҳлик туйғусининг кучли бўлиши;

4) энг муҳими, умумлаштирувчи хусусиятга эгалигини таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

Адабий портрет. Адабий танқидчиликнинг жанрларидан бири адабий портрет бўлиб, унда ижодкорнинг бир бутун қиёфасини яратишга катта аҳамият берилади. Адабий портрет жанри адабиётшуносликдаги танқидий-биографик ёндашувнинг маҳсули бўлиб, XX аср ўзбек танқидчилигида илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган етакчи ва фаол жанрлардан бири сифатида кўринса-да, илмий- назарий жиҳатдан унинг ўзига хос жанрий хусусиятларини тадқиқ этишга киришилмоқда (12).

Адабий портрет атамасининг кенг қўлланилиши унинг оммабоплигидан дарак беради. Лекин айни шу ҳолат мазкур жанрга имкон қадар аниқ таъриф беришни талаб қилади. Чунки кўпинча танқидий-биографик очеркка ҳам, эссега ҳам, адабий-танқидий мақолага ҳам, қисқа репортаж, маълумотномаларга ҳам, агар у аниқ, реал инсоннинг тавсифига бағишланган бўлса, адабий портрет атамасини ишлатадилар. Атама бундай кенг талқин этилса, ундан ҳаддан зиёд эркин фойдаланилса, адабий портретнинг адабий танқидга хос жанр сифатидаги моҳияти, тасаввури йўқолади.

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қисқача маълумотномаларни ҳам адабий портрет деб номлаш урфга кирди. Масалан, С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китоби “жажжи портретлар” остида нашр этилган. Ҳолбуки, у ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ҳақидаги биографик маълумотлардан иборат, холос. Бу эса ҳалигача адабий портрет жанри ҳақида аниқ тасаввур камлигининг белгисидир. “Қисқача адабий энциклопедия”да ҳам адабий портрет жанрига етарлича таъриф берилмаган: “Адабий портрет “қаҳрамон” билан суҳбат ёки қаҳрамон ҳақида қисқача мемуар очерк асосида яратилган бўлиб, ёзувчи, рассом, атоқли жамоат арбоби ва бошқалар ҳақида ёзилган ҳужжатли очеркдир” [13,895]. Бунда эътироз жанр адабий қурилишини очишга ҳаракат қилинмай, уни шунчаки очерк сифатида қаралишидадир. Фикримизча, “адабий портрет” инсоннинг эстетик моҳиятини ифодаловчи алоҳида жанр ҳисобланиб, шу моҳиятнинг ўзига хос томонларини тавсифлайди. Агар жанрларнинг одат бўлиб қолган таърифларига мурожаат қилинса, адабий портретни номлашда унинг ўзига хос жанр эканлигини доимо эътиборга олиш керак бўлади.

Рус адабиётшунослигида бу жанрда аниқ инсоннинг алоҳида поэтик кўриниши ҳуқуқи ҳақида баъзи танқидчи ва адабиётшунослар баҳслашадилар. Масалан, М.Т.Мезенцев “Қисқача энциклопедик луғат”дан кўчирма келтириб, шундай ёзади: “Бу ерда бошқа

https://buxdu.uz

нашрлардаги каби мутлақо ҳақли равишда таъкидланадики, адабий портрет – бу ҳужжатли очерк. Адабий портрет қуроли эса инсон ва унинг фаолияти ҳисобланади”. Албатта, портретнинг очерк билан ўхшашлиги аниқ, аммо жанрнинг эстетик имкониятларини чегараламаслик керакка ўхшайди. Шу ўринда А.А.Сивогривованинг эътирозлари ҳақли кўринади. У ҳам энциклопедиядан келтирилган таърифни назарда тутиб, ёзади: “Ушбу таърифда портрет аслига қараб расм солишдан иборат бўлади. Шу орада ёзувчиларнинг адабий портретлари уларнинг ҳужжатлари ва ижодларини ўрганиш асосида яратилганлиги маълум. Моруанинг Стендаль, Бальзак ва бошқалар ҳақида яратган портретлари бунга мисол бўла олади. Моруа портретни тарихий-адабий жанрлар қаторига киритади” [14,10].

Бу фикрга фақат қўшилиш мумкин, акс ҳолда, адабий портрет жанрини ҳужжатли-мемуар адабиёт билан чегаралаб, унинг эстетик доирасини маълум даражада торайтирган бўлардик. Шу боис кейинги йилларда кенг тарқалган “адабий портрет” атамасидан кўпинча жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай туриб фойдаланилганини эътироф этишга тўғри келадики, бу мазкур масаланинг илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаганидан далолат беради. Рус олими В.Барахов адабиётшуносларнинг бадиий-ҳужжатли ва мемуар адабиётнинг тарихи ва назарияси (Д.С.Лихачёв, Л.Я.Гинзбург ишлари), портрет жанрида адабиёт ва рассомчиликнинг қиёсий таҳлили (М.И.Андроникова, К.В.Пигарёв ишлари)даги умумий масалаларни ишлаб чиқишда тўплаган тажрибасидан келиб чиқиб, мавжуд бўшлиқни тўлдиришга ва адабий портрет ҳақидаги асосий фикрини асослаб беришга ҳаракат қилади.

Бунда у адабий портретни уч йўналишда намоён бўлишидан келиб чиққан ҳодиса сифатида тушунтиришга уринади:

1) адабий портрет- роман, қисса, ҳикоя ва бошқаларда бирор шахс сиймосини яратиш воситаси сифатида;

2) адабий портрет – анча мураккаб жанр қурилишидаги таркибий қисм сифатида (Герценнинг “Ўтмиш ва ўйлар”, Фединнинг “Горький бизнинг орамизда” асарлари);

3) адабий портрет мустақил жанр сифатида (Короленко, Горький, Чуковский, Паустовский ва бошқа ёзувчиларнинг эсдаликлари)” [15,11].

Бу кўринишларни бир-бири билан алоқадор ҳисоблаб, рус олими Барахов портрет таҳлилини мемуар-биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қаралишига тарафдорлик қилади. Бу эса унга адабий портретнинг эстетик-маърифий имкониятларини аниқ инсоннинг шахсиятини тушунишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш имконини беради. Назаримизда, рус адабиётида мавжуд намуналар, бунинг устига адабий портретларнинг кўпчилиги ёзувчилар томонидан яратилгани сабабли олим уларни мемуар-биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қарайди. Биз ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги, танқидчилигида яратилган адабий портретларни адабий танқид жанри сифатида қараб чиқамиз.

Бунинг учун, биринчидан, уларнинг кўпчилиги танқидчилар (И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Л.Қаюмов, Ў.Ўтаев, И.Ғафуров ва ҳ.к.) томонидан яратилгани, ёзувчилар томонидан ёзилганлари ҳам кўпроқ адабий-танқидий йўсинда, иккинчидан, энг муҳими, уларда адабий, илмий-бадиий тафаккурнинг устунлиги, учинчидан, ушбу адабий портретларнинг кўпчилиги илмий услубда (рус адабиётида кўпроқ ижодкорлар: ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилиб, жонли хотираларга таянилади ва бадиийлик жуда кучли ифодаланади) ёзилганлигидан, хотиралардан кам фойдаланганлигидан келиб чиқиб, уларни мемуар-биографик насрнинг эмас, балки адабий танқидчиликнинг намуналари деб қараш йўлидан борамиз.

Адабий портретнинг моҳиятини тушуниш учун, бизнингча, реал инсоннинг оригинал ва аниқ мақсадга қаратилган қиёфасини ифодаловчи образли ўзига хос хусусиятларини очиш керак бўлади. Лекин бунинг учун, албатта, адабий портрет жанри назариясининг пухта ишлаб чиқилганлиги талаб қилинади. Ҳозирги пайтда бунга катта эҳтиёж сезилаяпти. Адабий портрет жанрининг типологияси масалаларини илмий ишлаб чиқишнинг муҳим эканлигига ўз вақтида академик Б.Назаров ҳам эътибор қаратган эди.

https://buxdu.uz

Танқидчи Ў.Ўтаев “Танқид ва услуб” китобининг “Портрет маҳорати” қисмида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида яратилган адабий портретларни таҳлил қилиб чиқади, аммо жанрнинг назарий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмайди. Шунинг учун бўлса керак, мақола, портрет ва танқидий-биографик очеркни баъзан ўзаро қориштириб юборади [10,80].

Адабиётшунос олим А.Расулов ҳам адабий портретни адабий танқиднинг алоҳида жанри сифатида қарайди [19] ва шу фикрларини ривожлантириб, О.Шарафиддинов, Ў.Ҳошимов адабий портретларини яратиш мисолида далиллайди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу жиддий илмий-назарий масалани ҳал этиш нафақат адабиётшуносларнинг, балки санъатшунослар ҳамда ижтимоий фанлар вакилларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Сўзга асосланган портретнинг тасвирий санъатдаги портретдагидек ўзига хослиги, авваламбор, унинг **аниқ бир шахснинг** алоҳида хусусиятларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишида кўринади. Аниқлик ёки одатда айтилишича, айнан ўхшашлик жанрнинг етакчи хусусияти ҳисобланади. Бу ўхшашлик образнинг асл нусхасига (оригиналига), жонли қиёфасига мувофиқ қайта тикланаётганлигида кўринади ва у ёзувчи томонидан бадиий яхлитлик, сўз санъатининг образлилиги учун мустақил ва тугалланган “сюжет” сифатида қабул қилинади. “Айнан инсоннинг индивидуаллигини бутунлигича тасвир этишда асл “қиёфа”сининг такрорланмаслиги, унинг табиатида, ўзини тутишларида, тилида ва шунингдек, таржимаи ҳолида, ижодий фаолиятида, ўзига хос маиший шароитнинг турли-туманлигида, қайта яратилаётган шахснинг маънавий дунёсини акс эттирадиган тафаккури намоён бўлади ва бунда адабий портрет жанрининг эстетик моҳияти очилади” [14,12].

Кўринадики, адабий портрет эстетик қурилиши жиҳатидан мураккаб ҳодисадир. Унда инсоннинг бадиий билими ўзига хос воситалар ёрдамида юзага чиқади. Бу нафақат рассом танлаган натурани ёки қиёфани билиши, балки рассомнинг, портрет ижодкорининг ўз-ўзини билиши ҳамдир.

Адабий портрет тушунчасининг ўзи агар унга нафақат бадиий асарнинг “тузилиш унсури”, роман, қисса, ҳикоялардаги образ яратиш воситаси, балки мустақил жанр сифатида қаралса, келиб чиқиши жиҳатидан кўп жиҳатдан рассомчиликдаги портретлар билан боғлиқ, шунинг ўзи уларнинг бир-бири билан ажралмас эканлигидан далолат беради. Биз бу маънода яъни жанрни назарга олганда, адабий портретни рассомчилик портрети билан солиштирганда, уни иккиламчи тушунча деб айтиш мумкин бўлади, чунки рассомчиликда, мазкур атама аввалдан ҳам мавжуд эди. Ҳақиқатда аниқ инсон образини яратишда рассомчиликдаги портретларнинг пешқадамлиги кўринади. Сўз санъатига асосланган портрет яратувчилар улардан ўрганадилар, расмлар, портретлар, ҳайкаллардан олган таассуротларини сўз билан қайта яратадилар (Герценнинг, Короленконинг ёдномалари). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, адабиётдаги портрет тасвирий портретга нисбатан жанрининг хилма-хиллиги ва кўпмаънолилиги билан ажралиб туради.

Демак, портрет сўзи юқорида кўрсатиб ўтганимиз каби, аслини тасвирлашдир. Атаманинг келиб чиқишида шу тариқа унинг моҳияти ва қўлланилиши – асл нусха (оригинал)ни, инсонни “айнан тасвирлаш”и сабаб бўлган. Кенг маънодаги портрет сўзи аниқ, реал инсон образи бўлиб, у нафақат адабиётда, балки тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, фотографияда ҳам кенг қўлланилади. Бироқ портретнинг тарқалиш доирасини адабиёт ва санъат билан чегаралаб қўйсак нотўғридир, негаки, бошқа ижтимоий фанларда ҳам ундан фойдаланилади, уларда реал инсон образи махсус муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш воситаси сифатида хизмат қилади, турли шакл ўзгаришларида намоён бўлади (масалан, лингвистикада – нутқ портрети, ҳуқуқда – оғзаки портрет, социологияда – ижтимоий портрет ва шу кабилар каби). Ижтимоий фанларда портрет санъатга, бадиий ижод далилларига дахлдор эмас, балки бир-бири билан боғлиқ, кўмакчи вазифаларда келади ва мазкур фанларнинг умумий масалалари билан алоқадорликда кўриб чиқилади.

Илмий-назарий мулоҳазаларимизни қуйидагича якунлаш мумкин:

1. Танқидий-биографик методда ёзилган асарларнинг ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ўрганишда катта аҳамияти борлиги яққол кўринди. Уларнинг характерли белгилари:

https://buxdu.uz

а) қўйилган муаммоларнинг сертармоқлилигидан қатъи назар бир ғоя, бир ўқ, асосий бир катта масала атрофида бирлашади, яъни ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этишнигина амалга оширади;

б) бу силсиладаги асарларда объект – текширилаётган санъаткорнинггина эмас, балки масалани ўрганаётган танқидчининг ҳам ўзига хослиги яққол кўриниб туради, айниқса, адабий портретларда уларнинг ижодкорлиги (айниқса, объектни шахсан билишлиги муҳим) бўртиб туради;

в) санъаткорлар ҳаёти ва ижоди оммабоп услуб ва шаклда ўрганилган бундай тадқиқотлар орқали кенг халқ оммаси ижодкорларнинг тўлиқ ва яхлит қиёфаси билан чуқурроқ танишиш имконига эга бўладилар;

г) бундай гуруҳга мансуб асарларда бошқа жанрларга нисбатан публицистик руҳ кўпроқ бўртиб туради, бу, айниқса, адабий портрет жанридаги асарларда ёрқин намоён бўлади.

Адабиётга хизмати сингган ёзувчиларнинг ижодини атрофлича текшириш шунинг учун ҳам зарурки, улар ҳар бирининг ижодий йўли, бош мавзуси, образлар тизими, бадиий маҳорати ва услубини, ижод лабораториясини тадқиқ этиш орқали адабиётдаги ютуқларни аниқлаш, тажрибаларни умумлаштириш мумкин. Бу эса адабиётимиз босиб ўтган аниқ тарихий босқичларнинг табиатини белгилаш жиҳатидан ҳам, адабиётимизнинг келгуси тараққиётига ёрдамлашиш жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун тарихий-биографик ёндашув асосида яратиладиган асарлар: портрет-мақолами, адабий портретми, танқидий-биографик очеркми – қандай шаклда бўлишидан қатъи назар адабиётшунослик ва адабий танқидчилик тараққиёти учун зарур.

2. Портрет-мақолалар ёзувчи ва шоирлар ижодини тор қамровда умумлаштириб ўрганиши жиҳатидан танқидчилик жанрлари тизимида, танқидий-биографик ёндашувнинг ҳажман қисқа шаклларидан бўлиб, адабий жараёнда ҳам, ёзувчи ижодида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, йирик жанрларнинг яратилишига манба бўла олади. Бу кичик жанрда ХХ асрнинг бошларида ёзувчилар Фитрат, Чўлпон, танқидчилардан Вадуд Маҳмуд, Олим Шарафиддинов кабилар ижод этган бўлсалар, унинг кейинги тараққиёти Ойбек, С.Айний, М.Шайхзода, И.Султон, М.Қўшжонов, Т.Жалолов, Озод Шарафиддинов каби ижодкорлар номи билан боғлиқ.

3. Адабий портретлар ижод майдонида ўзини кўрсата олган қаламкашлар, улар ҳаёти, ижодидаги ибратли нуқталар ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. Адабий танқидчиликнинг фаол жанрларидан саналувчи адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчининг таржимаи ҳолига (инсоний қиёфаси ҳам киради) ҳам, асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, адиб ижодининг маърифий аҳамиятига ҳам дахл қила оладиган жанр ҳисобланади, шу боис унинг назарий жиҳатлари ўзбек танқидчилигида тўлиқ тадқиқ этилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади, жумладан, адабий портрет яратувчи мунаққидлар ижоди ҳам.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Т.: Фан, 2008. 71-115-бетлар.

2. Барахов В.С. Литературние портрети. – М., 1983.

3. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974.

4. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари. Филол. фанлари д-ри дис. автореф. – Т., 2000.

5. Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида). Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т., 2000; Азимова Ҳ. Тазкира ва адабий портретларнинг типологик хусусиятлари. 11ЎТА, 2002, 2-сон, 21-б.;

6. Каримов Баҳодир. Жадид мунаққиди. Вадуд Маҳмуд. – Т., 2000.

7. Краткая литературная энциклопедия. – М., 1968. Т. 5.

8. Мамажонов С. Воҳид Зоҳидов. Адабий портрет. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1976.

9. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Т.: Фан, 1979.

10. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси (ХХ асрнинг 80-90 йиллари материаллари асосида).Фил. фан. док... дисс. – Т., 2002.

11. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. – Т., 2000.

https://buxdu.uz

12. Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол.фанлари. номз... дисс. – Т., 1993. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т., 1959.

13. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Т., 1978.

14. Юнусов М. Устоз Шайхзода. – Т., 1980.

УДК: 891.550

ЖАМОЛ КАМОЛ – МОҲИР ТАРЖИМОН

ДЖАМАЛ КАМАЛЬ – ОПЫТНЫЙ ПЕРЕВОДЧИК

DJAMAL KAMAL - AN EXPERIENCED TRANSLATOR

Тўхсанов Қаҳрамон Раҳимбоевич

БухДУ доценти, фил.ф.н.

Аннотация. *Мазкур мақолада истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва публицист, жамоат арбоби, адабиётшунос, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг қисқача таржимаи ҳоли берилган. Адиб ижодкорлик билан бирга жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбекчага ўгирганлиги хусусида сўз юритилган. Шунингдек, форсий адабиёт намуналарини туркийга ёки аксинча, туркий сўз санъати намуналарини форсийга ўгириш қадим анъана сифатида яшаб келаётир. Шуларни инобатга олган Жамол Камол Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарини тўлиқ ўзбекчалаштиргани таъкидланган. Фикримизнинг тасдиғи учун аслият билан ўзбекча таржималари қиёсий ўрганилган.*

Таянч сўзлар: *Жамол Камол, моҳир таржимон, форс-тожик, ўзбекча, Жалолиддин Румий, "Маснавийи маънавий", таржима, ўгириш, ўзбекчалаштириш, ҳадис.*

Аннотация. *В данной статье дается краткая биография талантливого поэта, опытного переводчика и публициста, общественного деятеля, литературоведа, кандидата филологических наук, народного поэта Узбекистана Джамола Камала. Наряду со своим творчеством автор перевел лучшие образцы мировой литературы на узбекский язык. Это также древняя традиция переводить образцы персидской литературы на турецкий язык или, наоборот, образцы турецкого искусства слова на персидский язык. Имея это в виду, отмечается, что Джамал Камаль одним из первых в Узбекистане полностью перевел работу Джалалиддина Руми «Маснавий манавий» на узбекский язык. Чтобы подтвердить наше мнение, оригинальные узбекские переводы были сравнительно изучены.*

Ключевые слова: *Джамал Камаль, опытный переводчик, персидско-таджикский, узбекский языки, Джалалиддин Руми, «Маснавийи маънавий», перевод, хадис.*

Abstract. *The article is dedicated to the brief biography of Jamal Kamal, the great poet of Uzbekistan, skilled translator and publicist, a public man, a literary critic, and the candidate of philological sciences. Along with his creative activity, the author translated the finest pieces of world literature into the Uzbek language. It is also an ancient tradition to translate samples of Persian literature into Turkic or, conversely, Turkic works of art into Persian. Taking into account all above said, Jamal Kamal was one of the first in Uzbekistan to translate the work of Jaloliddin Rumi "Masnaviy Manaviy" into Uzbek. In order to confirm our opinion, the original Uzbek translations have been studied comparatively.*

Key words: *Jamal Kamal, qualified translator, Persian-Tajik, Uzbek, Jaloliddin Rumi, Masnaviy Manaviy, translation, Uzbek, hadith.*

Истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва публицист, жамоат арбоби, адабиётшунос, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол 1938 йил 9 ноябрда Бухоро вилояти Шофиркон туманига қарашли Читгарон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киради ва 1955 йили уни имтиёзли диплом билан битирди. Дастлаб шу институт кўп тиражли газетаси муҳаррири лавозимида ишлади. 1961 – 1964 йилларда эса талабаларга чет эл

https://buxdu.uz

адабиёти фанидан сабоқ берди. Ниҳоят, 1964 – 1970 йилларда вилоятнинг “Бухоро ҳақиқати” (ҳозирги “Бухоронома”) газетасида адабий ходим, 1970 – 1972 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг маъсул котиби, 1972 – 1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори) Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, 1986 – 1988 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири, 1988-1991 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Таржима кенгашининг масъул ходими, 1991 – 1996 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимларида ишлади.

Жамол Камол ҳақида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шундай ёзади: “*Жамол Камол чиндан сермаҳсул шоир, моҳир таржимон, билими кенг, диди юксак шеършунос ва адабиётшунос ҳамдир. У шоирларнинг олими, олимларнинг шоири. Унинг илмий тадқиқот ва мақолалари ижодиётининг муҳим қисмини ташкил этади. Жамол Камол 1971 йили “Лирик шеъриятда композиция” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, академик Иззат Султоннинг таклифи билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга келган. Иззат Султон раҳбар бўлган Адабиёт назарияси бўлимида ўн тўрт йил ишлаган. У икки жилдли “Адабиёт назарияси”, икки жилдлик “Ўзбек адабий танқиди тарихи” китобларининг муаллифларидан бири. Унинг “Лирик шеърият” номли китоби шеършунос ва шеърият муҳиблари орасида қўлма-қўл бўлиб кетган бўлса, “Тарихий драма” деган рисоласи драма жанри сир-асрорларини ўрганувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб эта олган эди” [1]*. Келтирган иқтибос ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. Дарҳақиқат, Жамол Камол – қомусий олим десак, муболаға бўлмайди.

Жамол Камол шоир сифатида қуйидаги “Олам кирар юрагимга” (1968), “Чўққиларга ёғилди ёғду” (1970), “Тош туғён” (1972), “Ҳасан ва Ой” (1974), “Қуёш чашмаси” (1975), “Қадаҳ” (1978), “Достонлар” (1980), “Сувайдо” (1982), “Умидли дунё” (1988), “Площадъ спасения” (Москва, 1988), “Қуёш чашмаси” (Боку, 1988), “Ражаб Ашуров достони” каби ўнлаб шеъру ғазаллар, достону қасидалар тўпламларининг, шунингдек, тўрт томлик “Сайланма”сининг “Аср билан видолашув” (2007) деб аталган биринчи жилдининг, шунингдек, “Яна кўнглимда ул Ой” арузий битиклари (2010), “Сафар дафтари”(2012) каби шеърий китобларининг муаллифидир.

“Армон” достонида Боғиафзал қишлоғидан Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларига жўнаб, қайтиб келмаган уч ака-уканинг онаси – Ширин кампирнинг изтироблари ва армонлари тасвирланган.

У АҚШ фахрий фуқароси (1995 йилдан), Туркия Республикаси Жалолиддин Румий олтин медали лауреати (1996), Эрон давлати олий мукофоти соҳиби (2002)дир.

Жамол Камол ижодий изланишларининг муҳим қаноти унинг ўзбек таржимачилик санъатини ривожлантириш йўлидаги кўп қиррали фаолияти билан боғлиқ. Бугунги ўзбек таржима санъатининг ривожи ҳақида гап кетганда, бу соҳада ғайрат кўрсатаётган фидойилар сафининг аввалида Жамол Камол номининг эътироф этилиши табиий. Зотан, ижодкор иқтидори, кўп йиллик заҳматли изланишлари маҳсули сифатида дунёга келган, жаҳоннинг турли тилларида яратилган асарлар таржимаси фақат шоир ижодий йўлига кўрк бўлиб қўшилдигина эмас, балки ўзбек китобхонлари маънавий хазинасини қатор нодир ва муқаддас дурдоналар билан тўлдиришга ҳам ҳисса қўшди.

Хўш, мўътадил назм ўзанига тушиб олган ижодкорни, етук адабиётшунос олимни таржима майдонига етаклайдиган куч, маънавий омил нимада? Кўп асрлик мумтоз сўз санъати, шунингдек, XX аср ўзбек реалистик адабиёти тарихига назар солиш орқали бу саволга етарлича жавоб олиш мумкин. Бинобарин, бирор халққа мансуб ижодкор ўзга тилдаги адабиёт намунаси таржимасига, аввало, маънавий эҳтиёж – ўз халқи китобхонларини ўша нодир асар мўъжизаларидан баҳраманд этиш мақсадида қўл уради. Бунга замин яратадиган иккинчи омил эса ижод жараёнига дахлдор. Инчунин, таржимага, айниқса, шеърий эпик асар таржимасига бўлган майл шоир ижодий лабораториясида кенг миқёсли тафаккур имкониятларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Бунинг

https://buxdu.uz

учун шоир ижодида турли мавзудаги ихчам ҳажмли шеърлардан воқеабанд шеърлар яратишга, кейинроқ баллада ва достонлар машқига тадрижий тарзда ўтиш жараёни кечмоғи лозим. Айни шу машқ майдонида орттирилган тажриба ижодкорга йирик ҳажмли эпик ва лиро-эпик полотнолар яратиш ғайратини бахш этадики, бадиий ижод табиатига хос бу безавол имконият ва қудратни Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов адабий изланишлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Эркин Воҳидовнинг “Фауст”, Абдулла Ориповнинг “Илоҳий комедия” таржимасигача бўлган масофани кўплаб баллада ва достонлар машқи ила босиб ўтганликлари илм аҳлига яхши маълум. Бу фикрлар Жамол Камол ижодий интилишларига ҳам дахлдор бўлиб, адибнинг энг йирик ва сара таржималарини қатор воқеабанд шеърлар, балладалар, “Жамила”, “Тош туғён”, “Эшикда ой тўлқини”, “Армон”, “Қуёш чашмаси”, “Ражаб Ашуров достони”, “Варахша” сингари достонлар машқида орттирилган шеърий эпик тафаккур маҳсули сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Шоирнинг таржимонлик фаолияти грузин шоири Фридон Холваши шеърларини ва латиш шоири Ян Райниснинг болаларга аталган “Оқ тулпор” шеърий драматик эртагини рус тилидан ўзбекчага ўгириш асосида бошланиб, бора-бора улкан ва ранг-баранг миқёсларни забт этди. Шоир рус тилидан Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романини, француз мумтоз шоири Буалонинг “Шеърий санъат” асарини, Бартольд Брехтнинг “Сичуандан чиққан меҳрибон” драмаси ва Александр Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери” трагедиясини, Шандор Петефи, Леся Украинка, Николай Грибачов ва Максим Танк шеърларини, озарбайжон тилидан Бахтиёр Ваҳобзоданинг “Фарёд” тўплами ва “Шаби ҳижрон” достонини, инглиз тилидан Вильям Шекспирнинг 12 та энг етук асарини ва 154 та сонетини бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириб, китобхонларни қувонтирди. Болалар адабиётига доир “Муҳаммад пайғамбар алайҳис-салом”, “Мусо алайҳиссалом”, “Исо алайҳиссалом”, “Будда қиссаси”, “Акбар ва Бирбал”, “Шекспирдан ҳикоятлар” китоблари таржимон томонидан нашр этилди. Бу серқирра фаолият унинг форс-тожик тилидан Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Абдуллоҳ Ансорий, Ҳаким Саноий, Адиб Собир Термизий, Шайх Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийларини ва Абдураҳмон Жомий ғазалларини, Алишер Навоий “Девони Фоний”сидан икки юз ғазал, ўн қасидани (“Фоний гулшани” номи остида чоп этилган), Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарини, Сотим Улуғзоданинг “Фирдавсий” тарихий романини таржима қилиши билан тўлишиб, юксак маънавий қиймат касб этиб борди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” таржимаси учун шоир Туркия Республикаси Маданият вазирлигининг олтин медали ва Эрон Ислом Республикасининг ҳалқаро давлат мукофоти билан тақдирланди.

Жамол Камол шеърлари рус, инглиз, француз, поляк, украин, турк, озарбайжон, тожик ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган.

Суҳбатларимиздан бирида Жамол Камол билан учрашганимда, қандай “Маснавийи маънавий”ни ўзбекчалаштиришга туртки бўлган омиллар ҳақида шундай ҳикоя қилди: *“Ўтган асрнинг 80 йилларида Афғонистондан адабиётшунос олим Воҳид Жузжоний меҳмон бўлиб келиб, “Маснавий”нинг дастлабки ўн байтини айтиб берди. Китоб дўконига кириб, московлик ёзувчи Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романига кўзим тушиб, сотиб олдим. Ўқиб чиқиб таржима қилдим. Аллоҳнинг марҳамати билан Туркияга бориб қолдим. У ердан “Маснавийи маънавий”нинг турк адабиётшунос олими Абулбоқий Гулпинарли амалга оширган насрий баёнини қўлга киритдим. Илгари “Маснавий”нинг Теҳронда чоп этилган асл мукаммал нусхасини афғонистонлик бир талабадан сотиб олган эдим. Ана шу саёҳату зиёратлар нашъаси ва мазкур насрий баён далдасида “Маснавий”ни таржима қилишга аҳд қилдим.*

Маънавиятли ва маърифатли инсонлар билан бир даврда яшаш бахти менга насиб қилди. Атоқли таржимашунос Ғайбулла Саломов, таниқли шарқшунос Ориф Усмон, азиз акамиз, академик Тўра Мирзаев ва машҳур адабиётшунос, қадрдон укам Иброҳим Ҳаққулларнинг маънавий кўмаги билан таржима қилиш истаги қалбимда янада ошди.

https://buxdu.uz

Мен бахтлиман. Аллоҳ фариштадек аёлни жуфт қилиб берди (Илоҳо, руҳи шод охирати обод бўлган бўлсин!), дўстларим таклифидан кейин Воҳида: "Мен барча шароитни муҳайё қиламан", – деб қатъий гапни айтгандан сўнг таржима қилишни бошладим. Раҳматли Воҳида эса қўлёзмаларни пешма-пеш машинкалаб борди". Таржима ҳам – ижод маҳсули. Хусусан, XIII асрда ёзилган асарни XX асрдаги китобхонга таржима орқали етказиш осон иш эмас.

Жамол Камол миллий қадриятларимиз, динимиз ва тилимизни қайта тиклаш, халқимизнинг кўп асрлик нодир мероси, урф-одатларини ёш авлодга, қолаверса, кўп йиллик мустабид тузум асоратида яшаган замондошларга ибрат қилиб кўрсатиш масаласи кун тартибига қўйиладиган онлар келишини сабрсизлик билан кутди. Йиллар давомида орттирган ижодий тажрибасини шу йўлга сафарбар этиш орзусида яшади: Муқаддас Қуръони карим, ҳадиси шариф, мўътабар қўлёзмалар, муаззам пандномалар асрорини кашф этишга уринди. Ниҳоят, мазкур дурдоналар кўнглига солган ёлқин жунбушга келиб, таржима қаламини қўлга олди. Мавлоно Жалолиддин Румий "Маснавий"сидан ташқари Ҳазрати Али "Девон"ини, Шайх Фаридуддин Атторнинг "Мантиқут тайр", "Илоҳийнома", "Асрорнома", "Булбулнома", "Панднома" ва "Уштурнома" асарларини ўзбек тилига ўгирди. Унинг бу жасоратлари, аввало, Жамол Камол, қолаверса, бутун ўзбек таржимачилиги забт этган улуғвор чўққилар бўлди.

Маълумки, Жалолиддин Румий, асосан, форс-тожик тилида ижод қилган. XX асрнинг 80 йилларида ўзбек китобхонининг шоир ижоди билан танишуви Радий Фишнинг "Жалолиддин Румий" деб номланган тарихий-биографик асарининг таржимаси билан бошланди. Жамол Камол бу асарни айрича бир меҳр билан ўгирган. Бу хайрли ишни кейинчалик адабиётшунос ва таржимон Шоислом Шомуҳамедов давом эттириб, шоирнинг ғазаллари, рубоийлари ва маснавийларидан парчалар таржима қилди.

Радий Фиш асари таржимасидан илҳомланган Жамол Камол Жалолиддин Румий рубоийлари ва маснавийларидан намуналар таржима қилиб, "Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман" (мазкур мисра Жалолиддин Румийнинг рубоийсидан олинган – Қ.Т.) номи билан нашр қилди. Мутаржим бу билан чекланиб қолмай, мустақиллик шарофатидан илҳомланиб, "Маснавийи маънавий"нинг олтита дафтарини ҳам тўлиқ ўзбекчага ўгириб, ўзбек китобхонига туҳфа этди. Шу даврда шоир ва таржимон марҳум Асқар Маҳкам ҳам "Маснавий" таржимасига киришди. У асарнинг биринчи китобини икки қисмда шарҳлари билан ўзбекчалаштириб, нашр эттирди. Кейинчалик шоир Одил Икромов "Маснавийи маънавий"нинг биринчи дафтаридан айрим ҳикояларни таржима қилиб "Шарқ юлдузи" журналининг 2014 йилги, 2-сонида (63-69-бетлар) нашр қилдирди.

Жамол Камол шу пайтга қадар ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантирган асарлар сони қирқтадан ошди ва уларнинг кўпчилигини жаҳон адабиёти дурдоналари ташкил этади. Шу тариқа у рус, турк, озарбайжон, форс-тожик ва инглиз тилларини пухта ўзлаштирган, маъно товланишларини чуқур ҳис қила оладиган серқирра таржимон сифатида нафақат ўз она Ватанимизда, балки Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Озарбайжон ва Тожикистон мамлакатларида ҳам танилди.

Бир неча асрлик туркий ва форсий адабиёт оламида шариат ва тариқат ҳукмига мувофиқ келувчи илоҳий-ирфоний ғоялар ташвиқига бағишланган бадиий ижод намуналари алоҳида ўрин тутади. Бундай асарларнинг аксарияти ижодкорнинг илоҳий олам асроридан олинган табиий завқи, унга интилиши маҳсули бўлса, яна бир қисми махсус тарзда, яъни мактаб ва мадрасалар таълимини йўлга қўйишда кўмак берадиган амалий қўлланмалар яратиш зарурати ўлароқ дунёга келган. Бироқ бу сирадаги асарлар ичида ҳар икки жиҳатга кўра ҳам муҳимлик касб этадиган дурдоналар мавжуд. Буюк шайх ва шоир, тасаввуф илмининг алломаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" манзумаси, шубҳасиз, бундай асарлар сафининг аввалида турадиган ноёб дурдонадир. Шарқ оламида бу асарнинг Қуръони карим ва ҳадислардан кейинги муқаддас манба саналиши бежиз эмас. Чунки асарда Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмун-моҳиятини тасаввуфий қарашлар билан уйғунлаштирган ҳолда баён этиш етакчи тамойил бўлиб, бундан кўзланган мурод, шубҳасиз,

https://buxdu.uz

комил инсон тарбиясига ҳисса қўшишдан иборат бўлган. Олам ва одам, яралиш ва тириклик, ҳаёт ва ўлим каби ўлмас ва абадий муаммолар ҳақидаги чуқур фалсафий хулосалар баёни асарнинг ҳамма замонлар учун аҳамиятли бўлиб қолишини таъминламоқда.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари пайдо бўлиши биланоқ мусулмон халқлари бадиий сўз санъати оламида буюк мўъжиза сифатида кутиб олинди. Мазкур бадиий яратмадан завқланиш, унда ифодаланган умумбашарий фазилатлардан ибрат олиш, гўзал маснавий таъсирида ўз она тилида ижодий асар яратиш, Мавлоно Румий сатрлари билан ўз халқини ошно этиш қутлуғ анъанага айланди. Балхда туғилиб, Румда балоғат пиллапояларига кўтарилган бу улуғ шайхнинг довруғи Ғарбда ҳам кенг ёйилди. Натижада “Маснавийи маънавий” таъсирида яратилган ёки унинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турадиган жуда кўп бадиий дурдоналар майдонга келди.

Ана шу йўналишда “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш, уни наср ёхуд назмда тўла ёки парчалар ҳолида ўз она тилига ўгириш анъанаси ҳам туради. Муаззам “Маснавий”ни ғарб оламига таништиришда Ж.Ҳаммер, Ж.Родҳоуз, Н.Винфельд, Р.Никелсон ва бошқа қатор олим ва мутаржимларнинг хизмати катта бўлди.

“Маснавий”нинг Мунши Али томонидан “Боғи Эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (“Юсуф кўйлаги”) номлари билан урду тилига, Юсуф Хароботий томонидан “Маснавийи Хароботий” номи билан уйғур тилига таржима этилиши ҳам асарнинг Шарқ ва Ғарб халқлари маънавий ҳаётида катта ҳодиса бўлганлигидан далолат беради. Қайд этилган адабий ҳодисалар ўзбек мумтоз адабиёти, унинг улуғ арбоблари ижодий фаолиятида ҳам ёрқин из қолдирди. Ёхуд буюк шоирга издошлик кенг кўламда қулоч ёйди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машрабнинг “Мабдайи нур” асарини кўрсатиш кифоядир. “Маснавийи маънавий”нинг пурҳикмат байтларига шарҳ бериш масаласида ҳам бир қатор қимматли ишлар амалга оширилди. Айни йўналишга XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарини киритиш мумкин.

Кўринадики, XIII асрда ибтидо топган “Маснавийи маънавий”га издошлик, ундан таъсирланиш, унга жавоб айтиш, шарҳу изоҳлар ёзиш, уни таржима қилиш ўзига хос адабий анъана сифатида шаклланиб, XXI асрга қадар давом этаётир. Фикримизнинг далили сифатида форсий адабиётнинг моҳир мутаржими Асқар Маҳкам томонидан амалга оширилган хайрли ишни кўрсатиш жоиздир. Қувонарли томони шундаки, бундай савобли ҳаракатлар ўрта йўлда қолиб кетмади ва ўзбек китобхони бу ноёб асар билан тўла танишиш имкониятига эга бўлди. “Маснавийи маънавий” салоҳиятли таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан тўла ҳолда ўзбек тилига ўгирилди ва биринчи бор олти китоб ҳолида [5], иккинчи бор бир китоб шаклида [6] ва учинчи бор икки китоб шаклида [7] нашр этилди. Бу таржима 6 китоб ҳолида Туркия Республикасининг Кўнё шаҳрида ҳам босилди [8].

Форсий адабиёт намуналарини туркийга ёки аксинча, туркий сўз санъати намуналарини форсийга ўгириш қадим анъана сифатида яшаб келаётир. Устоз Ғайбулла Саломов ёзганидек: “Икки қардош-жондош халқ мустаҳкам дўстлиги, ҳамдасту ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси бўлган ўзбек-тожик адабий алоқалари бу қардошлик каби узоқ тарихга эга. Бу алоқалар Абулқосим Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий ва Ҳайдар Хоразмий, Саъдий Шерозий ва Сайфи Сароийлардан бошланиб тараққий этиб келмоқда” [12]. Бу анъана Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдек икки буюк сўз санъаткори яшаб ижод этган даврда беқиёс юксакликка кўтарилди. Ана шу қутлуғ анъанани бизнинг асримизда ҳам муваффақият билан давом эттираётган фидойи таржимон Жамол Камолнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Инсоният тарихида бирон адиб йўқки, инсоният жамиятини ҳамжиҳатликка даъват этмаган бўлсин, бирор асар йўқки, унда аҳиллик, меҳр-муҳаббат, садоқат, вафо каби инсонийлик фазилатлари ифодаланмаган бўлсин. Чунки жамиятни комиллик сари етаклайдиган бош ғоя инсонларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатидир. Миллат ривожи, Ватан равнаки, юрт ободлиги, ҳаёт фаровонлиги, одамларнинг тинч-тотувликда

https://buxdu.uz

яшаши ҳам шунга боғлиқ. Бир донишманддан: *“Жамиятни қандай бошқариш мумкин?” – деб сўраган эканлар. Шунда у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан: “Жамиятдаги барча инсонлар ўз вазифасини бажариб, “Ундай экан, бундай бўлибди, биласизми, фалон киши нима қилибди?” дан қутилса, иншооллоҳ, ҳаёт гўзаллашади”, – деган экан. Бу масала Аллоҳнинг каломида ўз ифодасини топган. Жумладан, Қуръони каримда шундай сўзларни ўқиймиз: “Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйсунингиз! Борди-ю, бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, агар, ҳақиқатан, Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир” [13].* Аллоҳга итоат, Пайғамбар(с.а.в.)га итоат, ота-онага итоат ва раҳбарга итоат – эртанинг омили. Пайғамбарлар шунга риоя қилиб, жамиятни бошқарганлар. Буюк адиблар шу масалани ўз асарларига қайта-қайта тарғиб ва ташвиқ қилганлар. Биродарлик одамга руҳий озиқа бағишлайди, бундан қалбимиз ҳаловатланиб, вужудимиз роҳатланади ва бу гўзал умр ўтказишга сабаб бўлади. Шу боис Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳадисларида бу мавзуга кўп мурожаат қилганлар. Жалолиддин Румий Аллоҳнинг фарзини бажариш билан Расулуллоҳнинг суннатларини давом эттириб, бу масалани асарларида тарғиб қилишни ўз бурчи деб билган. Шу боис асарда ҳадислардан қай даражада фойдаланилгани ва бунинг таржимада акс этиши муҳим мавзу ҳисобланади.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал Муғира ал-Бухорий ал-Жуъфий (Имом Бухорий) ислом оламида энг машҳур ва буюк муҳаддислардан бири. У тузган “Саҳиҳи Бухорий” китоби Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар ва ишончли манба ҳисобланади. Унинг “Ал-адаб ал-муфрад” асари ахлоқ ва одоб борасида энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир. Ўтмиш ва ҳозирги адиблар ўз асарларида ана шу манбадан кенг фойдаланганлар ва фойдаланмоқдалар. Жалолиддин Румий асарларидаги ҳадислар ҳам шундан далолат беради. Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида қуйидаги ҳадис *“Ҳар бир мўъмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак”,[9] – деган ҳадисга Мавлоно қуйидагича изоҳ берган: “...модомики, сен ўзингда бир дард ёки пушаймонлик ҳис этаркансан, билгилки, бу сенга Аллоҳнинг иноятн ва севгисидан бир далилдир. Агар сен оға-инингда бир қусур кўрсанг, бу сендаги нуқсоннинг аксидан иборатдир. Одам ҳам худди шундай ойнадир. “Мўъмин мўъминнинг ойнасидир” (ҳадис). Сен ўша қусурни ўзингдан узоқлаштир. Чунки ундан ҳосил бўлган сендаги изтироб ўзингдан чиққан ғамдир. Ундан хафа бўлганинг замон ўзингдан ҳам инжийсан.*

Дедики: “Бир филни суғормоқ учун сув бўйига келтирдилар. У ўз аксини сувда кўриб, ҳуркиди. Лекин у, бошқасидан қўрқдим, деб ўйлар, ўзидан чўчиганини эса билмасди”.

Инсон ўз каллигидан ва чипқонидан ирганмас. У ярали қўлини бемалол овқатга узатади, ялайди. Бундан унинг кўнгли айнимайди. Аммо бировнинг қўлида кичик бир чипқон ёхуд яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтайди, жирканади.

Инсондаги ёмон феъллар ҳам каллар ва чипқонларга ўхшайди. Ўзидан бўлганида ҳеч ирганмайди, ўзгада бўлсачи, жирканади, нафратланади. Сен ундан ҳуркканингдек, у ҳам сендан чўчиса, инжиса, уни хуш кўр. Сенинг хафа бўлишинг унинг айбидир. Чунки уни кўришинг сабабли таъбинг хира бўляпти-да. Шу билан бирга у ҳам (сени) худди шундай кўради. Пайғамбар алайҳиссалом “Мўъмин мўъминнинг ойнасидир” (ҳадис) дея буюради. Бу кофир кофирнинг ойнаси бўлолмайди, дегани эмас. Унинг ойнаси бор эди, фақат у бундан ғофилдир”[2].

Айбсиз Парвардигор, дейди доно халқимиз. Бирон инсон йўққи, камчилиги бўлмасин. Лекин кўп вақт одам ўз айбини сезмайди. Аммо бировдан айб излашни яхши кўради. Бу ҳадис моҳиятини юқорида назардан ўтказганимиздек, Мавлоно Румий чиройли тарзда мисоллар асосида тушунтирган. Бу ҳадис мазмуни “Маснавий”да ҳам тарғиб қилинган.

Кўзгуга қараб, кийимларимизни тартибга соламиз. Юзимизда бирон доғ ё донача бўлса, уни даволашга тушамиз. Аммо дилдаги ҳасад, адоват, ғаразни қандай тозалаш керак? Табиатимиздаги нуқсонлардан қандай қутулиш лозим? Нима учун бировда айб кўрамиз-у, ўзимиздан айб изламаймиз? Не сабабдан бировда нуқсон кўриб, уни ислоҳ қилиш учун,

https://buxdu.uz

маслаҳат бермаймиз ё маслаҳат берсак, у нега қабул қилмайди? Умр қисқа берилган бўлса ҳам, уни ғийбат билан ўтказадиган кишилар кам эмас. Самимий бўлиш, бир-биримизни ҳурмат қилиш, ўзаро меҳр кўрсатиш, яхши-ёмон кунимизда бирга бўлиш, биримизнинг камчилигимизни иккинчимиз ислоҳ қилишга одатлансак, Аллоҳ буюрганидек, пайғамбар(а)лар, авлиёлар ва буюкларимиз таълимоти асосида умр кечирсак, ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам гуноҳ ботқоғига ботиб қолмайди.

Доноларнинг яна бир гапи бор: “Ўзингдан каттага – ҳурмат, кичикка – иззат кўрсат!”. Лекин шу ўгитга ҳам тўлиқ риоя қилмаймиз-да. “Маснавий”да бу мавзуга кўп мурожаат қилинган, бу муаммони ҳал қилиш йўллари ривоят ва ҳикоятлар асосида кўрсатиб берилган. Жумладан, шоир “Арслоннинг қудуққа кўз солиб, сувда ўзи ва товушқон аксини кўргани” масалида ўзидан кичикларга зуғум ва зўрлик қилган, уларга моддий ва маънавий зарар келтирганларни шерга қиёслаб, танқид остига олади. *“Кимда ким бир заиф кишини хору зор айласа, шерга ўхшаб аҳволи қийинлашиб қолади, сен бировнинг юзини кўриб, бадбашара, деяпсан, йўқ у бадбашара эмас, балки сенинг ўзинг хунуксан, бадбашарасан”,* – дея таълим берган, сўнг пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига ишора қилган:

Мўъминон ойинаи ҳамдигаранд,
Ин хабар ме аз паямбар оваранд (1, 49)

Таржимаси:

Аҳли мўмин бир-бирига кўзгидир,
Бу калом бизга Муҳаммад сўзидир (1,47)

Шоир фикрини давом эттирар экан: “Сен кўзингга кўк шишани қўйганлигинг боис еру кўк сенинг кўзингга кўк кўринар. Сен ўзингга боқ, ўша кўк ойина ўзингсен, бировдан гина қилиб, камчилик излама, балки гинани ҳам, камчиликни ҳам ўзингдан изла”. Қани эди, Мавлоно буюрганига риоя қилиб, унинг таълимотидан ибрат олиб, иллатни бировдан эмас ўзимиздан изласак, иншоллоҳ мақсадимизга етар эдик. Келтирилган байтнинг Жамол Камол қаламидан чиққан таржимаси ҳам таъсирчан.

“Маснавий” талқинига кўра икки дунёни яратган Парвардигор ҳамма ишга қодир. Унинг олдида бутун борлиқдаги мулку сарватлар ҳеч нима. Шу боис сиз қалбингизни унинг олдида пок тутинг, бадгумонликка бориб, охирида хижолатда қолиб, пушаймон бўлманг. Бутун сирларингиз унга аён, худдики оппоқ сутга бир тола қора соч тушгандек. Кимнинг қалби, дили тоза ва мусаффо бўлса, билингки у, Аллоҳ олдида ойинадир...”. Шундан сўнг шоир фикрини тасдиқлаш учун Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисини қўллайди:

Сирри моро бегумон муқин шавад,
З-он ки мўъмин ойина мўъмин бувад (1, 96)

Таржимаси:

Сирримизни ул кўриб, билмоғи чин,
Чунки мўъмин кўзгудир мўмин учун (1, 102)

Румий бу мисралар орқали инсонларни комилликка даъват этади, комил жамият қуришни, одамларнинг аҳилликда умр ўтказишларини хоҳлайди. Жамол Камол хизматлари билан биз ана шундай ўлмас асарнинг бебаҳо ҳикоятларини ўқиб, баҳра олишга муваффақ бўляпмиз.

Мавлоно Жалолиддин Румий 2-китобнинг “Дебоча”сида “Маснавий” ҳақида сўз юритиб: *“Тил билан ҳар хил гапларни айтиб, чангни қўзғатиб ҳамма ёқни расво қилма, кўзларга зарар келтирадиган чанг-ғуборни қўзғатма”,* – деб таълим берар экан, яна пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига мурожаат қилади:

Чунки мўъмин ойина мўъмин бувад,
Рўйи ӯ з-олудагӣ эмин бувад. (2,120)

Таржимаси:

Чунки мўмин – кўзгуйи мўмин эрур,
Чанг-ғубордин ойина эмин эрур (2, 131)

Сўнг яна: *“Ёрни сен жонингга чин ойинадек бил, ўша жонингни вужудингни пок тут ва гапирма, – дейди шоир”.* Чунки инсон беҳуда гапираверса ҳам, гуноҳга ботиши аниқ.

https://buxdu.uz

Билиб-билмасдан биров ҳақида гумон қилиш, ёлғон гапириш, нотўғри маълумот бериш мумкин. Шу боис кўзгуни, ойинани тоза тутиш, кераксиз гапларни айтмаслик иймондан дарак беради. Иймони бутун, ақл соҳиби, дили тоза бўлган инсонлар қанча кўп бўлса, яшаш тарзи шунча енгиллашади. Жалолиддин Румий ўзи шундай буюк, қалби тоза, нияти пок, тилию дили бир инсон эди. Бу ажойиб инсоний фазилатлар унинг асарида ўз аксини топган. Қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

Тақдир кимгадир беҳисоб илм ато қилган бўлса, кимгадир беҳисоб молу давлат бериб, бошини силаган. Лекин ўша тақдир ато қилган илмни кимлардир эзгулик ва яхшиликка эмас, балки жаҳолат ва ёвузлик йўлига сарфлайди, натижада ўзига ва бошқаларга зиён етказади. Ваҳоланки, беҳисоб молу давлат эгалари ақл-заковат билан иш тутиб, бойликларига маҳлиё бўлмасдан, ҳақиқатдан юз ўгирмасдан, фаровонлик йўлига хизмат қилишлари лозим. Кимлардир мол-давлатига ишониб, Ҳақни ҳам, инсонларни ҳам унутиб қўяди. Муқаддас китобда бу ҳақда шундай дейилган: “Эй мўъминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!” [10] Иккинчидан, кимки молу давлатни маърифатга, Ватан равнақи, юрт ободлиги, фарзандлар камоли, келажак авлодни тарбиялашга сарфласа, энг яхши ва баракали давлат ўшадир.

Ҳадиси шарифда эса: “*Неъма молун солеҳун”,* яъни “Яхши ишларга сарфланган молу дунё энг яхши ва баракали давлатдир”, – дея таълим берилган. Жалолиддин Румий иқтибос санъатини қўллаган ҳолда мазкур ҳадисни ўз аслича шеърга солади:

Молро к-аз баҳри дин бошӣ ҳамул,
“*Неъма молун солеҳун”* хондаш расул. (1, 41)

Таржимаси:

Мол эрур, дин йўлида сарфланса ул,
Бўйла молни яхши деб айтмиш расул. (1, 37)

Мазкур ҳадис аҳли маърифат учун ҳаётий дастурдир. Агар бугун ҳам, юқорида келтирилган ҳадиснинг моҳиятини тушуниб, Аллоҳ берган молу дунёни, илм ва маърифат ривожига, эзгулик ва яхшиликка, ободонлаштириш ва халқ фаровонлигига сарфласак, икки дунё саодатини топамиз.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий айни шу ҳақиқатга урғу бермоқ ниятида мазкур ҳадисдан фойдаланган. Таржимада асл нусхадаги мазмунни сақлаган ҳолда, арабча ҳадиснинг ўзбекча шаклини беришга муваффақ бўлинган.

Манбаларнинг маълумот беришича, дунёда биринчи яратилган неъмат ақл экан. Ақлли кишилар инсоният тарихида яхши ном қолдиришга бутун умрларини сафарбар этганлар. Бутун умр аҳли муслим меҳрибони ва маслаҳатгўйи бўлган улуғ аллома Жалолиддин Румий ҳам шундай инсонлар сирасидан эди.

Одамлар маънавияти юксак кишилардан маслаҳат олиб, ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилишган. Шундагина ўз мақсад, орзу-умидларига етишган. Зеро, инсон доим ўзидан ақлли кишилардан маслаҳат сўрайди. Маслаҳат билан қилинган иш эса инсонга фақат омад олиб келади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу боис ҳар бир ишни маслаҳат билан амалга оширишни тарғиб қилганлар. Жумладан: “*Машварат, калмусташору мўътаман”*, яъни: *“Маслаҳат билан иш кўрган омонликдадир”,* - деганлар. Ҳузур-ҳаловатда яшашни орзу қилмайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Ўзига ва бировга зарар келтирмасликни истаган одам, албатта, ақл билан иш тутади. Бирор ишни бошлашдан олдин ҳаёт тажрибасига эга кишилар билан суҳбатлашиб, доно халқимиз айтганидек, “етти ўлчаб, бир кесади”. “Маснавий”дан олинган қуйидаги байтлар ҳам шунга ишорат этади:

Машварат идроку ҳушёрӣ диҳад,
Ақлҳо мар ақлро ёрӣ диҳад.
Гуфт пайғамбар: Бикун, эй ройзан!
“Машварат, калмусташору мўътаман”. (1, 42)

Таржимаси:

https://buxdu.uz

Айлагай ақлингни бурро машварат,
Ҳам ақл олгай ақллардан мадад.
Эсла пайғамбар сўзини, эй аржуманд:
“Машварат, калмусташори мўътаман”. (1, 39)

“Машварат, калмусташори мўътаман” – Машварат билан иш кўрган киши омонликдадир.

Муқаддас китобда бу ҳақда шундай дейилган: *“Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўкис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро – маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар”[3]. Ҳадиси шарифда эса бу ҳақда шундай дейилади: “Қайси бир жамоат (бирор ишда) бошқа кишилардан маслаҳат сўраса, албатта, уларнинг кўнгли энг яхши фикрга йўл олган бўлади” [14]*.

Румий бу ҳадисни “Ҳайвонларнинг товушқондан: “Сирру андишангни ошкор эт”, – деб сўрашгани” ҳикоятида келтириш орқали ўз мақсадини ифодалаган. Шу билан ўқувчини кенгаш қилиб иш тутишга даъват этган. Жамол Камол асл нусхадаги сўзларнинг ўзбекча муқобилларини топиб, аслиятдек ўгиришга муваффақ бўлган. Аммо мутаржим ҳадисни арабча шаклда сақлаган ҳолда, саҳифа остида уни изоҳлашни лозим кўрган.

Инсон меҳнат ва машаққат учун яратилган. Киши йўққи: *“Мен дунёнинг ишини тамом қилдим, ҳамма орзу-умидларимга етдим, ҳаётимда бирорта ҳам муаммо қолмади”*, деса. Ҳаёт машаққатлардан иборат. Шу боис Аллоҳ бандасига сабрли бўлишни буюрган. Манбалар маълумот беришича, Қуръони каримнинг сал кам тўқсон жойида “сабр” сўзи зикр этилган [11].

Мавлоно ҳам “Маснавий”да такрор-такрор инсонни сабрли бўлишга чақиради. У қуйидаги байтда сабр барча яхшиликлар ва саодатнинг калити эканлиги ҳақидаги таъкидни араб тилида иқтибос қилади:

Гар ту ишколе ба кулливу ҳарач,
Сабр кун, *“Ассабру мифтоҳу-л-фарач”* (1, 90)

Ўз навбатида, таржимон ҳам мазкур арабий иқтибосни такрорлашни маъқул кўрган:

Гар машаққат тушса бошингга, ҳараж,
Сабр қил, А*с-сабру мифтоҳ-ул-фараж.* (1, 95 **)**

Бир саҳоба пайғамбаримиз(с.а.в.)га иймон борасида савол берган экан. Ул зот айтибдиларки: *“Иймон сабр ва жўмардликдир. Сабр жаннат хазиналаридан бир хазинадир”.* Сабр саодат калитидир.

Келтирилган парчадан маълум бўладики, сабрли одам энг иймонли, Аллоҳнинг севимли бандасидир. Шу боис инсон ҳаётга моддий ва руҳий қийинчилик билан юзма-юз бўлганда сабр қилиб, иймонини бутун сақлаши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Маснавий”даги ҳар бир ҳикоят китобхон диққатини ўзига жалб қилиб, уни ҳаётни севишга, атрофдагиларга гўзал муносабатда бўлишга ундайди. Жалолиддин Румий ҳадиси шарифдан кенг фойдаланиб, унинг моҳиятидаги гўзал ҳақиқатларни тарғиб этишга саъй этган. Заҳматкаш таржимон Жамол Камол эса ана шундай ўлмас асарни катта маҳорат ила ўзбек тилига ўгириб, ватандошларимизни Румий маънавий оламидан бохабар этишга муваффақ бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. – Т.: Адолат, 2002. 360-б.

2. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: Меҳнат, 2001. 24-25-б.

3. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: Меҳнат, 2001. 24-25-б.

4. Жамол Камол. Аср билан видолашув. Шеърият – дард ва умид демак. Сайланма. Биринчи жилд. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. 16-б.

5. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2005, – 368 бет; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, – 335 бет; Учинчи китоб. – Т., – Теҳрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислом Республикаси «Ал-Ҳудо» ҳалқаро нашриёти, 2003, – 431 бет; Тўртинчи китоб. – Т., – Теҳрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислом Республикаси «Ал-Ҳудо» ҳалқаро нашриёти, 2003, – 350 бет; Бешинчи китоб. – Теҳрон: «Ал-Ҳудо» ҳалқаро нашриёти, 2004, – 400 бет; Олтинчи китоб. – Теҳрон: «Ал-Ҳудо» ҳалқаро нашриёти, 2004, – 454 бет.

https://buxdu.uz

6. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий.Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: MERIYUS, 2010. 864-бет.
7. Мавлоно Жалолиддин Румий. Биринчи дафтар, иккинчи дафтар, учинчи дафтар. / Таҳрир ҳайъати. – Т., Adabiyot uchqunlari, 2014. – 448 б.
8. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-6-китоблар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Кўнё: Кўнё шаҳри ҳокимияти, 2009.
9. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Фан, 2006. 121-бет.
10. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Фан, 2006. 121-бет.
11. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Фан, 2006 . 127-б
12. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўпириклари. – Т., 1979. 144-бет.
13. Қуръони карим. Нисо сураси, 59-оят. 60-б.
14. Қуръони карим. Шўро сураси. 38-оят. 345-б.

УДК: 82-94

“ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО”ДА КИЧИК ЖАНРЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ МАЛЕНЬКИХ ЖАНРОВ В «ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОРОКАХ И ПРАВИТЕЛЯХ»

ANALYSIS OF SECONDARY GENRE IN "HISTORY OF PROPHETS AND SAGES"

Абдуллаева Маргуба
ТДЎТАУ ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедра мудири, фил.ф.н., доцент,

Аннотация. *Маълумки, ўзбек адабиётшунослигида халқимизнинг ўтмиш адабиётига хос адабий-тарихий мавзулар кам ишланган. Бу бўшлиқни тўлдириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, адабиётшунослигимизнинг кемтик, очиқ қолган жойларини, ўрганилмаган саҳифаларини тўлдириб бориш бугунги кун тадқиқотчилари олидида турган муҳим вазифалардан биридир. Адабий-тарихий асарларда кичик жанрларнинг тараққиёт босқичларини аниқлаш, уларнинг жанрий такомили, бадиий акс этиш усулини қиёсий таҳлил этиш ҳам адабиётшунослигимизда ўрганилиш лозим бўлган мавзулардандир. Шу мақсадда Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” адабий-тарихий асаридаги Одам алайҳиссалом ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар қиёсий ўрганиб чиқилди.*

Тадқиқотда асарнинг “Ҳакимлар зикри” иккинчи қисмида келтирилган ҳикмат жанри ва кичик шеърлар таҳлили ўрин олган.

Таянч сўзлар: *адабий-тарихий, Навоий, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, тарихий воқелик, тарихий шахслар, бадиий тасвир, кичик жанрлар, ривоят, ҳикоят, ҳикмат, кичик шеър.*

Аннотация. *Известно, что в узбекской литературной критике литературные и исторические темы прошлой литературы нашего народа развиты слабо. Заполнение этого пробела, проведение исследований, заполнение пробелов, неисследованных страниц нашей литературы – одна из важных задач, стоящих сегодня перед исследователями. Определение этапов развития малых жанров в литературных и исторических произведениях, их жанровое совершенство, сравнительный анализ метода художественного выражения также является одной из тем, которые необходимо изучить в нашей литературе. С этой целью сравнивались повествования и рассказы об Адаме в литературно-историческом труде Навои «История Пророка и Правителя».*

Исследование включает анализ жанра мудрости и коротких стихотворений, упомянутых во второй части работы «Память судей».

Ключевые слова: *литературно-исторический, Навои, «История пророков и правителей», историческая реальность, исторические личности, художественный описание, малые жанры, повествование, история, мудрость, короткая поэма.*

Abstract. *It is well known that the literary and historical topics of the ancient literature of our people are rarely worked out in Uzbek literary studies. One of the main tasks facing modern researchers is to fill this gap, conduct research, fill in the gaps in our literary studies that have not*

https://buxdu.uz

yet been studied. Determining the stages of development of small genres in literary and historical works, a comparative analysis of their genre perfection and the method of artistic reflection are also some of the topics that should be studied in our literary studies. For this purpose, a comparative study of the legends and stories of Adam from the literary and historical literary work of Navoi "History of Prophets and sages" was carried out.

The study covers the genre of wisdom and analysis of small poems presented in the second part of the book "Zikrs of Sages".

Keywords: *historical and literary, Navoi, "Historical anobias and judo", historical reality, historical figures, artistic images, small genres, narratives, stories, wisdom, a small poem.*

Кириш. Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асари адабий-тарихий қимматга эга. Навоийнинг асарни яратишдан асл мақсади Ҳусайн Бойқарогача бўлган тарихни жамлаган "Зубдат ут-таворих" асарини ёзиш бўлган. Академик А.Қаюмовнинг таъкидлашича [4; 345 бет], "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам" мазкур асарнинг бошланғич қисмлари бўлиши мумкин.

Навоий даврида ҳам анъанага кўра тарихий асарлар Одам алайҳиссаломдан бошланиши керак эди. Навоийдан олдинги даврларда яратилган тарихий-насрий асарларнинг деярли барчаси Одам Атодан бошланган. Жумладан, Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг "Жомеъ ут-таворих", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарлари ҳам шу анаъанага мувофиқ яратилган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида келтирилган тарихий маълумотлар эпик турнинг ўзига хос кичик жанрларида баён этилади. Бу нафақат хронология, балки воқеаларнинг ижодкор томонидан турли манбаларга асосланиб келтирилган маълумотларни ҳам ўзида акс эттиради. Тарихий асар муаллифи китобхонни зериктирмаслик учун маълум тарихий шахс ҳақидаги ривоят ёки ҳикоятга шеърий парчаларни ҳам киритади. Навоийнинг бу ҳикоялари шаклан жуда сиқиқ, мазмунан бойдир.

Асосий қисм. Асарнинг илк ҳикояси Одам алайҳиссаломдан бошланади. Одамнинг кунияти Булбашар, лақаби Сафийуллоҳдир. Мирзо Улуғбекнинг "Турт улус тарихи" асарида эса мана шу ўринда Одам алайҳиссаломнинг баданлари бўғдойранг бўлгани айтилади.

Жабройил, Микойил, Исрофил, Азроил алайҳиссаломга буйруқ бўлдики, ердан туфроқ келтиргай. "Азроил айттиким, ҳақ субҳона ва таолонинг амри санинг онтингдин юқорирокдур. Бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, ҳақ таолонинг амри била биҳиштга келтуруб, Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаламнинг тийнатин тасним суйи била юғуруб, борча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офаринишидин мунунг хилқатидурким, охируз-замон пайғамбари бўлғусидур. Андин сўнгра Одам а.с. туфроғиға қирқ кун раҳмат ёмғури ёғдуруб, ўз қудрат илки била тахмир қилдиким, «хаммарту тийнати одама биядаййа арабина сабоҳан» (Одамнинг лойини қирқ кун (тонг) ўз қўлим билан қордим) андин хабар берур" [1; 539-бет]. Одамни Яратувчи ўз қўли билан яратганини таъкидлайди. Барча малойикларга Одамга сажда қилишни буйиради. Фақатгина Иблис бунга буйсунмади. Навоий Одамнинг сўл ёнидан Ҳавони яратганини айтади. Бошқа тарихий асарларда ҳам бу маълумотлар худди шундай келтирилган. "Ва баъзи ривоятда андоқдурким, Ҳаво дунёда яратилиб эрди. Ҳар тақдир била Одамға буғдой емакдин наҳй бўлди. Баъзи узум, баъзи анжир дебдурлар" [1].

"Турт улус тарихи" [6; 14-бет] асарида "Тангри Одам Атога беҳиштдан жой берди. Уйқусираб турганида Ҳаввони унинг чап биқинидан яратди. Аксарият уламоларнинг фикрига кўра, уларга бўғдой ейишлик ман қилинган" деб кўрсатади. Шу ўринда муаллиф тарихчи Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ёзишича, узум ейишни, баъзиларнинг фикрича анжир ейишни ман қилганлигини келтириб ўтади. Бу ўринда Мирзо Улуғбек Одам Ато ҳақидаги ҳар бир маълумотни ўқиган ва шу асосда баён қилгани кўриниб турибди.

Бундан ташқари Улуғбек Одам алайҳиссаломнинг 100 йиллик тоатда ва зорликда яшаганликлари ва кўп йиғлаганларини ёзади. 100 йил ўтгач, Ошуро куни унинг тавбаси қабул қилинганини таъкидлайди. Мирзо Улуғбек ошуро кунининг бундан бошқа ҳикматларини ҳам келтириб ўтади. Одам алайҳиссаломнинг тавбаси қабул қилиниши билан

https://buxdu.uz

байтулмаъмурни беҳиштдан ерга олиб тушадилар. Бугунги кунда Каъба ҳарами жойлашган мавзеъга ўрнатдилар. У тамоман қизил ёқутдан ясалган эди. Иззати жалли жалола руҳулқуддусга Одам алайҳиссаломга ҳаж расм-русумларини ўргатмоқни буюрди. Бу маълумотлар Навоийда йўқ.

“Иблис Одам жиҳатидин лаънати абадияға шойиста бўлуб эрди. Бу хусуматдин йилон воситаси била биҳиштга кириб, Одам а.с. буғдой емак васвасасин қилиб, чун иродатуллоҳ мунга жорий бўлуб эрдиким, олам юзин Одам авлоди тутқай. Одам ва Ҳавони биҳиштдин чиқардилар. Ва Ҳиндистон мулкида бир-биридин айру туштилар. Одам а.с. Маккага келиб, Арафот ёнида Ҳавоға учради. Андин Арафот ул ерга лақаб қолди. Андин сўнгра Одам а.с. Каъба уйин ясади. Дағи Ҳиндистон сори азимат қилдилар. Ва Жабраил а.с. Ҳубубот келтуруб, Одамға қўш суруб, экин экмак қоидасин ўргатти” [1; 540-бет]. Ҳавонинг эгиз фарзанд туғиши – бири ўғил, бири қиз туғилишини айтади. Одамнинг фарзандлари Қобил ва Ҳобил ҳақидаги гапириб, “Қобил била туқғон қизни оти Иқлимо (бу исм Улуғбек асарида келтирилмаган – М.А.) дебдурлар. Тиладиким, Ҳобилға берғай. Қобил ўз синглининг ҳусни жиҳатидин анга мойил эрди, уномадиким Ҳобилға бергайлар. Одам икисига қурбон буюрдиким, ҳар қайсининг қурбони қабул тушса, анга бергай. Ҳобилнинг қурбони қабул тушуб, Одам а.с. Иқлимони анга берди. Қобил хусумат жиҳатидин Ҳобилдек қариндошиким, сабури жамол ва маънавий камол била ороста эрди ва Одам а.с. ани бағоят севар эрди, ҳалок қилиб, Одамни анинг фироқида мубтало қилди. Аввал кишиким, ноҳақ қон қилди Қобил эрди” [1; 540- бет].

“Турт улус тарихи”да бу воқеалар тафсили шундай берилади. Қобил ва Хобил бир-бирига душман бўлди ва Қобил Хобилни ўлдирди. Шу воқеа жараёнида муаллиф яна бир кичик эпизодни келтириб ўтади. Қобил Хобилнинг мурдасини бир муддат кўтариб юради. Бир куни бир юртга борган ва у ерда икки қарғанинг урушганини кўради. Тирик қолган қарға ўлик қарғани тупроқ остига беркитади. Қобил ўша қарғадан дафн қилишни ўрганди. Деярли бу ўринларда Улуғбек ва Навоийнинг маълумотлари мазмунан бир хил.

Бироқ ўғлининг ўлимидан таъсирланган Одам алайҳиссалом изтиробларини икки муаллиф ўзига хос ёндашиб тасвирлайди. Жумладан, Улуғбек Одам алайҳиссалом шунгача ўлим кўрмаган эди. Бу воқеадан воқиф бўлгач, суриёний тилида бир байт ўқиди. Уламо уни тозий тилига таржима қилган. Назм мазмуни шундай:

Диёр ўлмишдурур бу дам муғаййир, ки ер юзи қабиҳ ўлди-ю мағаййир, уланнинг таъми рангидир ташаййир, фароғат бўлмади бир хўбназар. Дариғо, қани Ҳобилимки, бу дам ер жисминда ётур то рўзи маҳшар.

Қобил Иблиснинг васвасасига тушиб, оташ (олов)га сажда қилди. Оташпарастлик расми Қобилдан қолган. Жазо сифатида Қобилнинг пуштидан жудо қилдилар, – деб ёзади.

Навоий бу воқеани “Ва Одам а.с.нинг Ҳобилға марсияси бор” – деб, бир рубоий келтиради.

Р у б о и й:

Одамники, ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуъи мулк хайлиға масжуд этти.
Охир танидин руҳни манқуд этти,
Ул навъки, нобуд эди, нобуд этти” [1; 541 б.],
– деб тасвирлайди.

Чун Одам а.с. Ҳобил фироқида кўб бетоқатлик қилур эрди, Ҳақ таоло Шис а.с. ни Одамға каромат қилди. Ва Шис а.с. муҳаббати Одамнинг Ҳобил мотамида изтиробин кам қилди, Иқлимони анга никоҳ қилиб, ўз ўрнида валиаҳд қилди ва ҳаёт вадиъатин арвоҳ қобизиға топшурди. Ва умрин баъзи минг йил ва баъзи тўқуз юз ўтуз йил дебдурлар. Ва Одам а.с. сўнгра баъзи уч, баъзи ети кундин сўнгра Ҳавоға ажал етти. Мадфанларида ҳам ихтилоф бор. Аммо Мавлоно Шарафул Милла ваддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида айтибдурким, Одам а.с. ни Шис ғусл бериб, намоз қилди ва Ҳиндистонда дафн қилди. Ҳаво ҳам Одам а.с. ёнида мадфун бўлди. Аммо Нуҳ а.с. замонидаким тўфон

https://buxdu.uz

бўлди, Нуҳ аларнинг муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра Абул Қайс тоғида ва баъзи дебдурларким, Байтул-муқаддасда дафн қилди [1; 540 б.].

Навоий Одам алайҳиссаломнинг вафотини ва қанча умр кўрганини юқорида келтирилган маълумот асосида тасвирлайди. Мирзо Улуғбек эса бу воқеани умуман бошқача ёндашув билан берадики, бу кичик ҳикоя орқали ўқувчи Одам а.с.нинг қанча умр кўрганини ишонарли маълумотлар асосида англаб етади.

Одам алайҳиссалом ҳақидаги бу ҳикоя бошқа тарих асарларида учрамайди. “...улар орасида бирини кўрса йиғлаб турибди, сўнг сўрди: Бу ким? Жавоб бердики, сенинг фарзандларингданман. Мусодара ваҳимасидан жарима йиғлайсан. Сен йиғлаб турган экансан, у ҳам йиғлайди. Одамнинг унга раҳми келиб сурдики, сенинг ёшинг нечада? Жавоб бердиларки, олтмиш ёш. Одам алайҳиссалом бу солиҳ фарзанд умрининг калталигини кўриб, ақрон (яқин)ларидан унга раҳмат айтди. Деди: ўз умримдан унга қирқ йилини бағишладим. Ҳақ субҳона ва таоло у фарзандларга розилик берди. Одам алайҳиссалом ўз умридан сўраган эди. Ёши 960 етганда Оллоҳ Доруссаломга чақиради. Одам алаҳиссалом жавоб бердики, яна умримдан қириқ йил қолган. Малакулмавт деди: Довуд алайҳиссаломга бахшида этгандинг. Одам алайҳиссалом инкор қилиб деди: мен қачон умримни бағишладим.? Балки бандалик одоби ва ҳазрати иззат илоҳийлик карам хазинасидан илтижо қилгандурман, зероки, мен ўз соҳибим ва маликимдан бирор нарса сўрамоқ бўлгандирман. ...

Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола амри билан қайтиб кетди. Ҳазрати бори инфиоли ва бақуддус олий карами билан Довудга қирқ йил умр бағишлади. Одам алайҳиссаломга ҳам қирқ йил муҳлат берди, то минг йил тўлиши учун” [2; 21-б.]. Шундан кейин Ҳазрати ҳақ буюрдики, бундан кейин бани одам бир-бири билан аҳд ёки муомала (келишув) қилганда икки гувоҳ ҳозир бўлиши лозим. Алқисса, деб ёзади, муаллиф Одам алайҳиссаломнинг умрига минг йил тўлгач, Малақулмавт ўз вазифасини бажаради.

Улуғбекнинг келтирган мазкур маълумотда ўқувчи бугунги кунда ҳам мавжуд аҳд ва келишувда гувоҳларнинг бўлиши талаби қачон русумга айланганини билиб олади. Демак, тарихий асарларда ривоят ва ҳикоят каби жанрларнинг жанрий хусиятларига яна бир талаб ўша даврга хос бўлган янги анъана ва русумларни киритиш ҳам қўшилган. Бу эса адабий тур ва жанрнинг ижтимоий-маиший хусусиятларини ўзида намоён этган.

Кўриниб турибдики, Одам алайҳиссалом ҳақидаги маълумотлар икки асарда баъзи ўринларда такрорланса-да, мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Тарихий маълумотларни баён қилиш, китобхонга етказиш борасида муаллифларнинг ёндашуви ўзига хос. Адабий-тарихий асарларда учрайдиган кичик насрий жанрлар кўлами жиҳатидан жуда катта ижтимоий қамровни ўзида акс эттирган. Бир ривоятнинг ичида яна бир бошқа ривоятдан келтирилган асосли фикр ёки бошқа бир тарихий асарда берилган маълумот билан чоғиштириш, кези келганда, воқеаларга шеърий йўл билан муносабат билдириш ва шу орқали тарихий қаҳрамоннинг ички ҳис-туйғуларини ўқувчига етказиш каби бир неча масалаларни қамраб оладики, бу адабий-тарихий асарларда кичик жанрларнинг ўзига хос мураккаб хусусиятларини белгилайди. Тарихий асар ёзиш учун ижодкордан чуқур билим билан бирга, юксак бадиий дид, эстетик таъсир усулларини билишни ҳам талаб қилган. Бу жиҳатлар ривоят, ҳикоят, қисса каби жанрларнинг адабий-тарихий асарларда бажарадиган вазифаларини бирмунча оширади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да барча ҳикоятлар насрда бўлиб, ҳар бир ҳикоят шеър билан якунланган. “Турт улус тарихи” асарида эса шеърий мисралар ҳикоятларнинг турли ўринларида учрайди.

Тарихий асарларда ривоят ва ҳикоятларга хос хусусиятлардан яна бири ҳар бир фикрни “Қуръон” оятлари билан зийнатлаш анъана тусини олган. Бу ўзига хос жанрий талабни ҳам белгилаган. “Турт улус тарихи” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида “Қуръон”нинг жуда кўп оятлари вақеаларнинг аниқ ва асосли эканлигини тасдиқлашга хизмат қилган.

Баъзи тур ва жанр хиллари кўпинча соф ҳолда эмас, бир-бирига аралашган ҳолда учрайди. Бадиий адабиётнинг бу ранг-баранг тур ва жанрларга бўлиниши тасвир объекти

https://buxdu.uz

тақозоси билан вужудга келган. Тарихий асарларда учрайдиган ривоят жанри айнан бунинг ёрқин мисолидир.

Адабий-тарихий асарларда воқеа ва тавсифлар муаллифдан ташқарида қилиб берилади. Муаллиф ҳикоячи сифатида кўринади. Воқеалар кенг тасвирланади, инсон ва уни қуршаб олган муҳит воқелиги тўла ва ҳар томонлама берилади. Бу турда ҳаёт ва тарихни ифодалашнинг ҳар хил усулларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бу эпик жанрда воқелик кенг қамраб олинади.

Кичик эпик жанр учун хос бўлган яна бир хусусият – воқеалар бўлиб ўтган қилиб тасвирланади. Бу хусусият муаллифга воқеаларни тасвирлабгина қолмасдан, изоҳлаш, уларга муносабат билдиришга ҳам имкон яратади. Одам алайҳиссалом ҳақидаги ривоятда ҳам мана шу жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Насрий образ насрий асарларда ҳикоя, ривоя йўли билан яратилади. Насрий асарларнинг қаҳрамонлари насрий образ ҳисобланади. Демак, “Турт улус тарихи” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларида тасвирланган Одам алайҳиссалом образи ривоятнинг асосий қаҳрамони бўлиб, насрий образ сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, адабий-тарихий асарларда кичик жанрларни яратишнинг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф воқелик ва тавсифларга тарихий нуқтаи назардан қараш, уларни доимий ҳаракат ва ривожланишда кўриш, халқнинг миллий хусусиятлари, тараққиёт қонуниятларини ҳисобга олиш; халқнинг турмуши, ахлоқи ва миллий характерини кўрсатишни ҳам назарда тутиши лозим эди.

Таъкидлаганимиздек, адабий-тарихий асарларда тарихий воқеаларни баён қилишда анъанавий равишда эпик ва лирик турнинг кичик жанрларидан самарали фойдаланиб келинган. Шундай кичик жанрлардан бири ҳикмат жанридир. Ҳикмат жанрининг ўзига хос хусусиятларидан бири таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида 13 нафар ҳакимлар ҳақида маълумот беради. Маълумот бериш жараёнида уларнинг ҳикматларидан энг машҳур, халқ тилида эътироф этилганларидан намуналар келтирадики, бу ўз навбатида, тарихий мавзудаги асарларда келтирилган кичик жанрларни алоҳида тадқиқ этишни талаб қилади.

Асарнинг “Ҳакимлар зикри” деб номланган иккинчи қисмида маълумотларни Луқмони ҳакимдан бошлайди. Навоий Луқмони ҳакимни аксар эл набий ҳисоблашини инобатга олиб, анбиёлар қисмида ҳам қайд этганини эътироф этади. Луқмони ҳакимнинг барча юкни тортдим, лекин бурчдан оғирроқ юк кўрмадим, барча лаззатдан тотдим, бироқ офиятдан (соғлиқ, тинчлик маъносида) чучукроқ шарбат тотмаганлигини таъкидлаб ўтади. Луқмони ҳакимдан сўрадилар: “Не нимадурким, фойдаси борча халойиққа теяр? Дедиким, ёмонларнинг йўқлиги”. Навоий Луқмони ҳакимнинг узоқ умр кўрганлигини икки мисра шеър билан таърифлаб ўтади.

Ёшинг Луқмондин ар худ бўлмаса кам,
Чу борғунгдур борур дамдур ҳамул дам. [1; 598 б.]

Фисоқурс ҳаким Луқмони ҳакимнинг шогирди. У Гуштосб замонида яшаган. Мусиқий илмнинг асосчиси. Мусиқа илми бўйича ундан олдин ким шуғуллангани маълум эмаслигини қайд этади. Соз ҳам унинг ихтироси эканлигини таъкидлайди. Ва яна икки мисра шеър келтиради.

Андаки сўзи сафар ўлди анга,
Созлари навхагар ўлди анга. [1; 598 б.]

Навоий шу тарзда ҳакимлар тўғрисида қисқа-қисқа маълумотлар бериб, бу маълумотларни кичик шеърий парчалар билан қувватлантиради. Лирик чекиниш шеърий парчалар тарихий шахс (ҳаким)лар ҳақидаги маълумотларга бадиий тус бериш билан бирга, ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Шеърий парчалар ҳар бир ҳаким ҳақидаги маълумотда мавжуд. Асардаги барча шеърларнинг муаллифи Навоийнинг ўзидир. Келтирилган ҳикматларнинг ҳар бирига шеърий йўл билан таъриф беради. Бу таърифлар ҳикмат мазмуни билан ҳамоҳанг бўлиб, асарнинг бадиий қимматини бойитган.

https://buxdu.uz

Яна Луқмони ҳакимнинг шогирди Жомасб ҳақида гапириб, унинг ҳикматли сўзларини келтиради. “...каримнинг ёмонроқ хислати ўз илмининг тарки ва лаим (хасис, нокас)нинг яхшироқ хислати ўз илмининг тарки” [1; 598 б.].

Ҳикмат жанри Рабғузий қиссалари таркибида ҳам учрайди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, адабий-тарихий асарларда анъанавий равишда кичик жанрлар – мақол, ҳикмат, латифа, фойда, шеър кабилардан унумли фойдаланилган. Навоийнинг ҳикмат ва кичик шеърлардан фойдаланиши ўзига хос. Унинг ҳикматлари айнан ҳакимлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Баъзи асарларда муаллифлар ҳикматлардан бадиий тасвир воситаси сифатида фойдаланса, Навоий ҳакимлар ҳақидаги маълумотларни асослаш ва бойитишда бу жанрдан фойдаланади.

Насимхон Раҳмоновнинг таъкидлашича, “Рабғузий ҳикматга ўз асарида алоҳида урғу беради ва ҳикматни қисса жанрининг калити сифатида талқин қилади – қиссадаги маълум бир воқеанинг сабаб ва натижасини очиш, унинг моҳиятини китобхонга етказиш учун ҳикмат келтиради” [5; 250 b.].

Навоийнинг ҳикматларни келтириши тарихий шахсларнинг сифатларини уйғунлаштириш, ҳакимларнинг аломати ҳақида сўз юритиш билан боғлиқ. Бу жиҳат Рабғузийда ҳам кузатилади. Масалан, Луқмони ҳаким ҳикматларини Муҳаммад а.с. ҳаётига боғлайди. Навоий келтирган ҳикматлар шакл жиҳатдан қисқа, мазмунан бой.

Ҳикматларнинг насрий баёни ва шеърий талқини Навоийнинг ўзига хос ёндашуви ҳисобланади. Навоийдан олдин ҳам ҳикматлар шеърий усулда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний томонидан ижодий ишланган. Улар ижодидаги шеърий ҳикматларда Оллоҳ (Тангри), пайғамбарлар, соқий каби образлар кўзга ташланиб туради.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Фисоқурснинг шогирди “Фусули Буқрот” асарининг муаллифи Буқрот ҳикматлари мўътабар эканлигини таъкидлаб, намуналар келтиради. Жумладан, “...умр қисқадур, иш узун. Оқил ўлдирким бу қисқа умрни бир нимаға сарф қилғайким, заруратроқдур, яъни охират маслаҳати ва Тенгри таоло ризоси” – дея, шу мазмунни шеърий усулда маҳорат билан тасвирлайди:

Киши қилди амал Тенгрининг ризоси била,
Ҳақ етти охиратин кому муддаоси била. [1; 598 б.]

Навоий томонидан тарихий шахс (ҳаким)лар ҳақидаги маълумотлар аниқ, қисқа, шу билан бирга, уларнинг ҳикматларидан намуналар келтириш йўли билан бериб борилади. Бу ҳикматлар мазмунини шеърга солиб, ўқувчига таъсирчан руҳда етказиб беришга ҳаракат қилади.

Навоий Афлотун ҳаким ҳақида ёзганида, уни илоҳий ҳаким эканлигини айтиб, унинг сўзларидан келтириб ўтади. “Подшоға чоғир ичмак харомдур, невучунким, ул мулк ва раийятнинг нигоҳбонидур (қаровчиси, қўриқловчиси – М.А.). Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмағай. Муфлиски (камбағал, бечора), ўзин ғаний тутгай дежамдектурким ўзин семиз кўргузгай. Жуд (инъом, эҳсон) тиламай бермакдур, невчунки, тилаб берган тилаганнинг мукофотидур” [1; 599-б.]. Ҳикматнинг мазмуни шуки, эҳсон қилинганда, ҳеч нарсани тилаб (сўраб) қилинмайди, балки эҳсон қилганга, инъом берилади.

Айни шу ҳикматга ҳамоҳанг икки мисра шеър берилган.

Тиламай жид қил сахий эрсанг,
Тиламак муздирур тилаб берсанг. [1; 599 б.]

Афлотуннинг шогирди Аристотилис Искандарнинг вазири бўлган. Унинг сўзлари ҳам ҳукмдор ҳақида. “...подшоҳ улуғ рудға (бу ўринда, Навоий подшоҳни дарёга қиёс қилган) ўхшар ва атбоъи (тобеълар, фуқаролар) ариғларғаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, бўлар чучук; Ул ачиғ бўлса, бўлар ачиғ; Ул соф бўлса, бўлар соф; Ул лой бўлса, бўлар лой”, – дейилади.

Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Икисининг суйиға бир маза бор. [1; 599 б.]

Аристотилиснинг шогирди Балинос ҳаким ҳақида маълумот келтиради. Унинг ҳам подшоҳ ҳақидаги сўзларини илова қилади. Жумладан, “подшоҳ керакким, борча элдин нима

https://buxdu.uz

олгай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлғай. Йўқки борчаға нима бергай беэътидолиқ била, то мулк бузулғай” [1; 599 б.]. Давр талаби нуқтаи назаридан Навоий кўпроқ ҳукмдорларга тегишли ҳикматлардан фойдаланади. Уларни адолатли бўлишга, халқидан огоҳ ва мулки барқарорликка чақиради.

Батлимус ҳаким сўзлари:

“...қобилнинг саодати бувурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғайлар”.

Шеър:

Улус аъфолидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд. [1; 600 б.]

Мазмуни: Бахтли одам эл аҳволидан баҳраманд бўлади, ёмон одамнинг ҳолидан эл панд (ўгит) олади.

“...Навоийдек фикр дунёси кенг ва мушоҳадақуввати забардаст шоирнинг асарда пайғамбарлар ва ҳукамо-донишмандлар тўғрисидаги маълумотларни бирга бериши бежиз эмас, албатта. Илм аҳлини қадрлаб, парваришлаб келган Навоий асарда “анбиёлар” қаторида “ҳакимлар” баёнини берган, бу эса адибнинг илм аҳлини анбиёлар каби улуғланганлигининг исботидир [2; 14-б.]. Нушуравоннинг вазири Бузуржмеҳр сўзларидан келтириб, йигитликда илм касб қилмоқлик, қариликда эса уни сарф этмоқлик яхшидир, – дейди:

Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани. [1; 600 б.]

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида келтирилган кичик жанрлар – ҳикмат, шеър (маснавий)лар асардаги тарихий шахслар (ҳакимлар)нинг сифатини аниқлаш, уларнинг фаолиятини ўрганиш, қолаверса, ўқувчини маънавий жиҳатдан тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Насрий асарлардаги кичик жанрларни ўрганиш ўша давр адабиётида кичик жанрларга хос хусусиятларни аниқлаш, уларнинг шаклланиш генезиси, тараққий этишини илмий асослаш имконини беради. Шуни таъкидлаш мумкинки, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилган кичик ҳикматлар бир пайтнинг ўзида ҳам насрий, ҳам назмий баён этилиши, Навоийнинг бу жанрдан икки усулда фойдаланганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Sakkizinchi jild. Tarixi anbiyo va hukamo. G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. – T., 2013. – 539 bet.*
2. *Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. www.ziyouz.com кутубхонаси.*
3. *Азиз Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. – Т.: Мумтоз сўз. 2009. – 384 б.*
4. *Мирзо Улуғбек. Турт улус тарихи. – Т.: Чўлпон. 1993. – 352 б.*
5. *Nasimxon Rahmonov. O‘zbek adabiyoti tarixi (Eng qadimgi davrlardan XV asrning birinchi yarmigacha). Sano-standart. – T., 2017. 250-bet.*
6. *Пардаева Ирода. Алишер Навоий тарихий асарларининг бадиияти. (PhD) дисс. автореферати. 52-бет.*

УДК: 891.709.3

ЗУЛФИЯ ИЖОДИДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МОТИВАЦИЯСИДА ОБРАЗЛИЛИК ВА ОБРАЗЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

МЕЖДУНАЦИОНАЛЬНЫЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ТВОРЧЕСТВЕ ЗУЛЬФИИ В МОТИВАЦИИ И ПРИНЦИПЫ ОБРАЗНОСТИ И ОБРАЗОВ

HOME PRINCIPLES OF IMAGES IN MOTIVATION OF INTERNATIONAL HARMONY IN THE WORKS OF ZULFIYA

Эрданов Зафар Даминович
НавДПИ катта ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада Зулфия асарларида миллатлараро тотувлик, қардошлик ғоялари асосидаги географик объектлар, мазкур ҳудудларда истиқомат қиладиган халқларнинг дунёқараши, урф-одатлари мужассамлашган. Тадқиқотлар натижасида қиёсий*

https://buxdu.uz

адабиётшунослик ва таржимашунослик фанларига оид янги илмий хулосалар олинган. Бу масалани тадқиқ қилишда шоира Зулфиянинг 10 га яқин лирик асарлари таҳлил объектига олинди. Зулфия асарларининг аксарият қисми – рус тилига таржима қилинган вариантлари ва уларнинг илмий тадқиқида ҳам XX аср таржимашунослигидаги муаммолар ўрганилган.

Таянч сўзлар: *таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик, таржимада новаторлик.*

Аннотация. *Статья содержит работы Зульфии о географических объектах, основанные на идеях межэтнического согласия, братства, мировоззрения и традиций народов, проживающих в этих районах. В результате исследований были получены новые научные открытия в области сравнительной литературы и переводческих исследований. При изучении этого вопроса в качестве объекта анализа были взяты около 10 лирических произведений поэтессы Зульфии. Большинство работ Зульфии были переведены на русский язык, и в ходе их научных исследований также были изучены проблемы перевода в XX веке.*

Ключевые слова: *переводоведение, сравнительная литература, инновации в переводе.*

Abstract. *The article contains Zulfiya's works on geographical objects based on the ideas of interethnic harmony, fraternity, worldview and traditions of the peoples living in these areas. As a result of the research, new scientific discoveries in the field of comparative literature and translation studies were obtained. When studying this issue, about 10 lyric works of the poetess Zulfiya were taken as an object of analysis. Most of Zulfiya's works were translated into Russian, and in the course of their scientific research problems of translation in the twentieth century were also studied.*

Key words: *translation studies, comparative literature, innovations in translation.*

Кириш. Ўзбек ва қардош халқлар адабий алоқалари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар жуда ҳам узоқ тарихга бориб тақалади. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари ҳамда асослари бор. Албатта, буларнинг этник, демографик ва ҳудудий, ижтимоий, тарихий ҳамда уларнинг халқлар ўртасидаги тотувликнинг ижтимоий тузумга алоқадор тамойиллари борки, уларни тавсиф этиш нафақат адабий алоқалар, балки узоқ ўтмиш тарихимизни реал мотивлар асосида тадқиқ этиш жуда катта илмий имкониятлар уфқларини очиб беради [5,102-167;9,39-69;17,79-174;18,37-169;1,106-108;4,56-98;8,236].

Шу сабабдан ҳам ҳозирги даврда "Қиёсий абабиётшунослик ва " Таржимашунослик" фанларини XXI аср талаблари асосида йўлга қўйиш, бу борада изчил тадқиқотлар олиб бориш миллий адабиётимизни жаҳон адабиётшунослиги даражасида ўрганишга янги-янги уфқларни очиб беради. Жаҳон тилшунослигида В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, В.Р.Аминеева, М.И.Ибрагимов, А.З.Хабибуллина, И.П.Ильин, Н.А.Гринцер А.Ю.Большакова ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир. XX асрнинг 80-90 йилларида бадиий таржима соҳасида анчагина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу соҳада Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Н.Комилов, М.Бақоева, Х.Маматова, Ҳ.Умуров, Г.Умурова ва бошқаларнинг илмий ишлари етарли илмий асосга эга.

Ҳозирги замонавий адабиётшуносликда қуйидаги термин ва терминология ҳамда тушунчалар адабиётшуносликни қиёсий ва таржимашунослик ғоялари билан бойитиб боради. Жумладан, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик фанларини ўрганганда ўзбек адибларининг яратган асарларида миллатлараро тотувлик ва ҳамкорлик ғояларининг соф ўзбекча яратилган асарлар мазмуни мавжуд эканлиги тадқиқотимиз доирасида ўрганилмоқда. Уларнинг асарлари дунё халқлари тилларига таржима қилинмоқда. Шу сабабдан ҳам қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик фанларини ўрганишда ўзбек адибларининг асарлари ҳам ўрганиш учун объект бўлиши асослидир.

Илгариги Шўро ҳукумати даврида миллатлараро адибий алоқалар "СССР халқлари адабиёти" дарслиги доирасида мафкуравий тазйиқ таъсири остида белгиланган мотив асосида ўрганилар эди. Кейинги даврда "Қардош халқлар адабиёти" йўналишида айрим хулосалар ўрганилди. Бу фаннинг ҳам адабиётшунослик асосларидаги ўрни тўлиқ мукаммалликка эришилди деган хулосани беришга шошилмаслигимиз зарур. Лекин ўзбек адибларининг миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мотивлари асосида яратилган энг сара

https://buxdu.uz

асарлар борки, буларда илғор ғоя ва фикрларнинг миллатлараро тотувлик мотивлари асосида эканлигини тавсифлайди. Ўзбек адибларидан, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия ва бошқаларнинг сара асарлари, уларнинг бошқа халқлар тилига таржимаси хусусида бу масалада айрим илмий кузатишларимиз натижасини тавсиф этиш масалани ёритишга асос бўлади, деган хулосани илмий таҳлилимиз асосида берамиз [10,4-6;20,39-108;13,4-19;21,4-21].

Жумладан, Зулфия асарлари мазмунида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мотивлари асосидаги манбалар борки, улардаги ҳудудий, этник, демографик, урф-одатлар, анъаналар ҳақидаги фикрларнинг берилиши миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни ўша даврларда ҳам тўғри баҳолай олганликлари тавсиф этилган. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мотивлари асосидаги илғор ғояларнинг мазмун ва моҳиятини адиб асарлари мазмунида тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилади.

Юқоридаги илмий баёнимизга таянган ҳолда асарлардаги миллатлараро тотувлик мотивацияси ҳақида фикр юритганимизда Г.Умурованинг тадқиқотларида қуйидагича тавсиф этилади, жумладан, “...Зулфия шеъриятида намоён бўлган поэтик ғоялар тақдир, қалб, бурч ва бахт, тақдир устидан ғалаба каби адабий мавзулардан ўсиб чиқади ва бу хусусият унинг ижодини А.Ахматова, М.Цветаева каби замондош рус шоиралари ижоди билан ҳамоҳанглик касб этишини юзага келтиради” [21,4-19]. Тўғри шоира Зулфия ижодида А.Ахматова ва М.Цветаева, А.С.Пушкин ва бошқа рус адибларининг ижодлари ва асарлари жуда кенг қамровли ижод намуналарини яратишида ўз ўрни бор. Булар эса Зулфиянинг яратган асарлари мазмунида тўлиқ ўз аксини топган.

Бундан ташқари ўзбек адиблари орасида миллатлараро тотувлик ғояларидаги мотивация асослари айрим тадқиқотларда турли йўналиш ва мазмунларда тавсиф этилган, жумладан, яна Г.Умурованинг ишларида мотив масаласида қуйидагича тавсиф берилган: “Мотивлар соҳасини синчков китобхон ва мутахассисгина ҳис қила оладиган асарнинг ички, кўринмас чизиқлари билан белгиланган ҳалқалари ташкил этади. Матнда жумбоқли тарзда келиши, ярим ифодаланганлик унинг энг муҳим қирраси ҳисобланади. Адабиётшуносликда “мотив” сўзига қандай мазмуний оҳанглар берилмасин, унинг чинакам долзарблиги, зарурат эканлиги ўз-ўзидан аҳамиятини сақлаб қолаверади” [21,5-13].

Бунда ҳам мотивация масаласи образлар мазмуни ва образлилик тарзидаги ғоя ҳамда қарашларга тўлиқ боғланади. Шоиранинг серқирра ижодида “хотира”, “тақдирдош”, “юракка яқин кишилар”, “тонг”, “баҳор”, “айрилиқ”, “ҳижрон”, “изтироб”, “соғинч” мотивлари такрорланишининг, барқарор тус олишининг асосий мазмуни ҳам шунда. Негадир юқоридаги шоира ижодидаги мотивлар образлилик ва образлар [2, 129-137] тизимида батафсил таҳлил этилади. Негадир “Йўл”, Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мотивлари тадқиқотчилар томонидан тўлиқ тавсиф этилмайди. Шоира ижодидаги барча мотивлар ҳар бир асарда образлилик тамойилларини кучайтиради. Образлилик (образность) барча илмий манбаларда турлича талқин этилади. Жумладан, образлилик терминологик нуқтаи назардан ҳам, мазмун нуқтаи назаридан ҳам, барча образлар тизимини тартибга солувчи бир жамла сингари қаралади.

Фикримизча, бу масала ҳақида мукаммалроқ тавсиф беришимиз зарурдек туюлади. Масалан, шоира ижодидаги мотивлар тизими, уларнинг образлар (символлар, Ю.М.Лотман ва Н.Б.Мечковская, А.Ф.Лосев тадқиқотларида образлар символларга тенглаштирилиб, образларнинг умумсемиологик томонлари тўлиқ тавсифланади [11,43-86]) орқали реаллашуви кўпгина тадқиқотларда ўз тавсифини топган. Образлилик “Основы теории литературы» асарида қуйидагича тавсифланади: «...отличительным признаком художественного отражения действительности является именно *образность* как самый самый принцип подхода писателя к действительности” [19,61].

Демак, образлилик тамойили ҳақида юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича. Чунки образлиликда адибнинг бутун олам ва унинг тавсифига ҳамда инсон омилига индивидуал ёндашуви асос бўлган. Образлилик образларга нисбатан умумий хусусиятга эга бўлиб, бир қанча образлар тўпламини тизимли равишда бирлаштиради. ”Ватан образи”,

https://buxdu.uz

“инсон образи”, “пароход образи”, “каровот образи”, “океан образи”, кўз ёши образи”, “ҳижрон образи”, “айрилиқ образи”, “изтироб образи”, “географик объектлар образи: Африка образи, Европа образи, Осиё образи” кабилар образлилик тамойилининг тамойиллари билан боғланиши имкониятларини очади [22,84-85].

Асардаги персонажлар маълум маънода уларнинг характерини очишга хизмат қилувчи асардаги айрим деталлар орқали образларнинг мукаммаллашуви образлар тизимида мураккаблик масаласини тавсиф этади. Шу сабабдан ҳам образлилик, образлар ва мотивация тамойиллари ҳақида тадқиқотчиларнинг бадиий асар таҳлилида аниқ бир тўхтамга келган фикрлари мавжуд эмас.

Тўғри, Зулфия ижоди бўйича серқирра тавсиф ва тадқиқот ишлари олиб борган олимлар республикамизда жуда баракали фаолият юритганлар, жумладан, Л.Қаюмов, А.Олимжон, С.Мамажонов, М.Султонова, Н.Каримов, И.Ғафуров, А.Акбаров О.Шарафиддинов, Ҳ.Умуров, Д.Тўраев, Х.Маматова ва бошқалар. Шоира Зулфиянинг “Чоржўй – Қўнғирот”, “Тожикистон хотиралари”, “Салом, Миср”, “Қозоғистон ўланлари”, “Кўкчатов”, “Йўлда”, “Булғория” каби лирик асарларида географик объект мотивида адиб, тавсиф этган ўша мамлакатларнинг табиат тасвири, пейзажи, халқларининг урф-одатлари каби мотивларни тавсиф этишга мотивацион ёндашувни амалга оширган [23,107-115].

“**Чоржўй-Қўнғирот**” шеърида

Саҳро. Поёнсиз қум, сузар эди ой,
Тепадан силжир эди беш нафар одам.
Томоқлар қақраган, тиззалар жонсиз,
Лагерга етмасдан олиб бўлмас дам.

***

Бир дамда саҳрони тутдт тўполон,
Қум тўла бўроннинг ошди хуружи
Таппа ерга ётди беш нафар одам,
Зўрайди қумларнинг саваб уруши.

***

Саҳро фиғон-фалак, кўкка урар қум,
Бошлиқ ҳаяжонда, юраги ғашдир.
Қайда қолди экан олдинги гуруҳ,
лагерга етдими ёки адашди?

***

“Кечир, азим саҳро, чўл кўксин тилиш,
Ҳаёт олиб келиш бизнинг расмимиз.
Бу халқ ихтиёри, орзу-умиди,
Шунинг-чун мустаҳкам, кескин азмимиз.

***

Бошлиқ ҳамроҳларига меҳр-ла қараб,
Режа ва газларни қўлига олди.
-Олтибой, Ниёзқул турингглар! – деди, -
Чоржўйга атига бир бекат қолди.

***

Бошланди муқаддас меҳнат эртаси,
Жиддий иш бошланди бешовлон тетик.
Ўлчаниб, ўрганиб қозиқ қоқилди,
Трасса чўзилди нурдай тўғри йўл. [7,102]

Демак, бу шеърда икки мамлакат халқларининг ҳудудий жойлашуви, улардаги барча миллат халқларининг “саҳро” қийинчлиликлари ва “инжиқликларига” қарамасдан, янги қурилаётган “трассанинг” лойиҳалаштирилишида беш мутахассиснинг фаолияти мужассамлашган.

https://buxdu.uz

Шоиранинг “**Тожикистон хотиралари**” шеърида “Яқинлик” сарлавҳасидаги қисмида шоиранинг бу икки буюк халқ дўстлигининг яққол намунаси Шарқ урф-одатларига хос “*салом”* билан бошланган шеър увертюрасининг мотиви қуйидагича тавсифланган:

Элим йўллар экан ***саломи*** *билан,*
Меҳринг қанотида пар каби учдим.
Сени бир кўришни қилардим орзу,
Мана зумрад тонгда бағрингга тушдим... [7,152]

Демак, мазкур парчада “салом” мотивли дўстликнинг асосий мазмуни билан Тожикистон Республикаси бағрига зумрад тонгда тушганлиги юксак ўхшатишлар билан тавсифланиши шоира ижодидаги кўтаринкилик мотивини кўрсатмоқда.

Шоира ўз асарининг кейинги байтларида мазкур кўҳна заминнинг тарихий шаҳарлари номига ҳам қадимий шарқ урф-одатлари бўйича одоб ришталари асосида тавсиф беришни амалга оширган.

Шу ерда бўлганмиш кўҳна ***Душанба****,*
Туяни кўмгидай ботқоқлик ва лой,
Тиккайган дарахту тангадай соя
Кўрмаган жазира, қашшоқ, вайрон жой. [7,153]

Ҳозирги Тожикистон Республикасининг пойтахти илгари ***Сталинобод*** деб аталган. Чунки Шўро салтанати даврида топонимик ва географик объектларнинг номлари ўша даврда Шўро қаҳрамонлари номи билан аталиши одатий бир ҳолатга айланган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, шоира мазкур шаҳарнинг қадимий номланишига ҳурмат билан қарайди. Яна шоира гўзал *Душанбе* шаҳрининг тоғлар орасидаги табиий манзарасини юксак пейзаж мотивлари асосида тавсифлашга эришган.

На гўзал манзара очар бу ***тоғлар****,*
Тўшига баҳорнинг текканда лаби.
Қўшиқдай жўш урар кумуш ирмоқлар
Шафақдай ёнганда лола гилами. [7,153]

Шоира тоғлар манзарасини юқори ташбеҳ ва ўхшатишлар билан тавсифлашга киришар экан, тоғларнинг нафақат юқори пейзаж тасвиридаги гўзал қиёфаси, балки тоғ поэтик образи орқали буюк тожик халқининг тоғдай мағрур миллий менталитетини ҳам куйлагандек туюлади, бизга.

Тоғлиққа кираман – ўнгу сўлимда
Бир тоғнинг икки бўлинган қадди –
Тош бағрин қоқ кесиб нурга очмиш йўл
Ижодкор халқингнинг истаги, ҳадди. [7,153]

Демак, мағрур тоғнинг *икки бўлинган қадди*ни одамларнинг мардонавор меҳнати туфайли очилган *йўл* образи орқали ижодкор ва меҳнаткаш халқнинг *истак ва иродаси* буюк бунёдкорлик символи сифатидаги тавсифлар ҳам ижодкор халқнинг ўз она заминидаги тинч ва осойишта меҳнат симфониясининг куйланишини Она – замин мисолида тавсиф этса-да, Шоира бу билан чекланиб қолмасдан, кейинги байтларда мамлакатнинг бошқа муқаддаси заминларидаги бунёдкор халқнинг оташин меҳнат намуналари орқали эришаётган яратувчанлик кучини кўрсатишга интилган.

Варзоб соҳилида – тоғ орасида –
Янги барпо бўлган шаҳарда турдим.
ГЭСдан пойтахтга кокилдай симдан
Нур берур қора кўз қизингни кўрдим.

Бахтлар водийси деб аталган Вахшда,
Миллионер кечаги деҳқон,
Бепоён ерларининг Фарғона каби
Миср пахтасига бўлибди макон. [7,153]

Демак, юқоридаги байтларда ГЭСдан таралаётган *нур* образи орқали халқнинг ўз Ватанидаги меҳнати туфайли юрт фаровонлигига *нур таратиш* орқали ўз ҳиссасини

https://buxdu.uz

қўшаётганлиги тараннум этилса, кейинги байтларда мазкур заминни *Фарғона водийсига* муқояса қилади. Бунда ҳам миришкор деҳқоннинг яратувчанлик ва беғубор меҳнати тараннум этилади. Ўзбек ва тожик халқларининг миллий ифтихори саналмиш *пахтакорлик* шижоати ҳам ўткир поэтик руҳ билан суғорилган. Бунда пахтакорлик касбининг миллий ғурур ва ифтихор даражасида куйланиши Шарқнинг узоқ ҳунармандчилик ва деҳқончилик анъаналарига бориб тақалади. Яна шоира давом этиб, *Помирдаги* меҳнаткаш деҳқоннинг тоғ олди ҳудудларидаги (жойга тавсиф юқори ўхшатиш билан таърифланган) фидокорона меҳнати тавсифланади.

Помирда *ғаллакор деҳқон байроғин*
Елпиркан тоғлиқнинг сарин еллари,
Ҳеч ажаб эмаски у шарқ деҳқони
Дилини ёритса машъал сингари... [7,153]

Демак, Шоиранинг юқори поэтик маҳорат билан қардош тожик халқининг фидокорона меҳнатини тараннум этган бўлса, улар яшаётган Она – заминнинг сахий ва саховатпеша халқига бераётган иноми ҳақида тавсиф берилади. Бу каби фазилатлар ўзбек заминида ҳам мавжудлиги Фарғона водийсига қиёслаш орқали тавсиф этилган.

Мазкур асарнинг иккинчи қисми "*Перонда*" деб номланиши мазкур анжуман сафаридан Шоира қайтишида поездда қайтаётганини тавсифловчи юқори поэтик руҳ етакчилик қилади.

Кенг шаҳар устига қўнмоқда оқшом,
Туманда мудрайди тераклар учи...
Менинг юрагимда ширин ҳаяжон,
Шу қадар буюкми дўстликнинг кучи? [7,154]

Демак, хайрлашув онларида ҳам мазкур заминга ва унинг фидойи инсонларига ҳурмат билан мурожаат этиши эса халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамлигидан далолат бермоқда.

Шоира хайрлашув онларида ҳам, темир излардан елиб бораётган поезддаги ўй-хаёллар орқали қалбида бу муқаддас заминдаги юқори пейзаж тасвири орқали юқори поэтик руҳнинг энг баланд чўққисига эришилганлигини кўрсатмоқда.

Сени ўраб олган ***тоғлар тўшига,***
Тўлин ой ёймоқда кумуш кокилин,
Бу куч оҳуларининг кўрган тушига
Қулоғим солмайин кетмагим қийин...
***
Лекин она-Ернинг зўр экан дами –
Меҳрибон қўнингдан букун кетаман.
Сени шоирларинг севгани каби
Тошкентни ҳам, сени бирдай севаман. [7,154]

"Тоғлар тўшига" ибораси асарнинг биринчи қисмида ҳам ишлатилган эди. Бу метофорик тавсиф ***антроморфизм*** принципларига (тамойилларига) таянилганлиги яққол кўриниб турибди. Демак, одам тана аъзоларининг тоғларга кўчиши метафорик маъно кўчишнинг антроморфизм тамойиллари асосидаги бадиий буёқдорлик ва поэтик маҳорат ҳисобланади. "*Тўш*" соматизми (инсон гавда аъзолари) тоғларига кўчиши Шоира ижодидаги поэтик тамойилларни такомиллаштиришдаги энг юқори новаторлик ҳисобланади. Ҳозиргача мавжуд ***антроморфизм*** каби илмий ёндашувлар тавсиф ва тадқиқотларда тўлиқ ўрганилмаган эди [16,12-24]. Антроморфизм, зооморфизм, фитоморфизм ҳақида етарли тадқиқотлар олиб борилган. Адабиётшуносликда метафорик маъно кўчишлар етарли тарзда ўрганилган. Бунга тўлиқ асос бор. Лекин уларнинг барчасида антропоморфизм, зооморфизм ва фитоморфизм етарли даражада таснифлаб ўрганилмаган.

Шоира ижодидаги янги поэтик тамойиллар ривожига хайрлашув мотивидаги ёндашувлар ҳам дастлабки адабий приемлардан ҳисобланади.

Парвоз қўзғалар...

https://buxdu.uz

Дам сайин йироқ
Кетаман...Қалбим хайр демади сира.
Демакки, яшайди мисли нур варақ
Сен менга бахш этган гўзал хотира... [7,155]

Мазкур парчанинг биринчи байтидаги хайрлашув "*Парвоз қўзғалар...*" мотиви билан бошланади. Адабиёт назарияси бўйича манбаларда юқори поэтик образлар тавсифида унинг ёрдамчи мотивлари мавжуд. Хайрлашув онлари поезднинг қўзғалишига қиёсланади. Поезд ва кўзғалиш мотивлари поэтик тамойиллардаги асосий поэтик деталлар ҳисобланади. Бу ерда ҳам шоиранинг поэтик тамойиллар ривожидаги новаторлиги кўриниб турибди.

"*Кетаман... Қалбим хайр демади сира*". Бу байтда ҳам тожикистонлик ёзувчиларнинг ҳалқаро ҳамкорлиги ёзувчилар сеъзди орқали тавсифланиб, уларнинг адабий алоқаларга муносабати абадий эканлиги ҳам қуйидаги байтда ўз аксини топган:

"Демакки, яшайди мисли нур варақ
Сен менга бахш этган гўзал хотира..."

Шоиранинг "Салом, Миср" шеърида ҳам миллатлараро тотувлик мотиви қуйидагича тавсифланади.

Гарчанд оралиқда денгизлар тоғлар-
Тошкент Қоҳирага оғадек яқин (эрк кўрган қул араб кишанни тор-мор)
Этганда кўзида чақнаган ёлқин
Бизнинг дилга солган қувончли тўлқин.
***
Мен кўрдим Миср-ла елкама-елка
Сурия́лик қизлар қургани ҳаёт.
Қўшиқдай Осиё, қайнов Африка
Қўлга-қўл бергани маҳкам умрбод.
***
Бухоронинг *ўлмас санъатларини*
Араб устасига не қилди қардош?
Мисрнинг кўк ўпар эҳромларини
Қай куч қилди кекса ***Помирга*** *йўлдош. [7,156]*

Бу мисралар мазмунида фақат "Миср" образи эмас, ўша худудда яшаётган халқларнинг қаҳрамонлиги ва қардошлик намуналари куйланса, бу бир томондан, иккинчи томондан "Бухоро", "Помир" образлари "Миср" образига муқояса қилинади.

Шоиранинг "Қозоғистон ўланлари", "Кўкчатов" номли лирик асарларида ҳам образлар тизимида географик объектлар ва улардаги халқларнинг урф-одатлари, дунёқараши, бир-бирларини тотувликка даъват этувчи мотивлар тўлиқ ўз ифодасини топган:

Юрак ором истаб қолган ҳар дамни
Қўммоқ мумкин қайси чоҳнинг қаърига?
Ойлаб сукут қилган бу хит қаламни
Ёндирайин қайси ғазаб қаҳрига.
***
Умрида ғафлатга қолган нафас йўқ,
Роҳат истагани йўлларга сочгум.
Ана, ***Олатовдан*** *тўкилар қўшиқ,*
Мен, қўшиқ гадоси, қалбимни очгум...
*"****Кўкчатов****"*
Кўкчатов *тавсифин* ***қозоқдан*** *сўранг,*
Менинг қалбим кўчиб, қамашди кўзим.
Нур макри, сув акси, ишқдай мовий ранг –
Табиат қулига айландим шу зум.
***

https://buxdu.uz

Оппоқ Қиз ўтовнинг дилгинамга хуш,
Дўмбиранг онамдай ширин аллалар.
Танти дўст, машиннанг бир кун кетсин бўш,
Ё у кўлга ташла – юрсин парилар.

***

Мезбон оқинимиз тоғдай турар тик,
Қийиқ кўзларида майин қатъият,
– Мушоира кутар овулда! – кетдик,
Шеъриятга шеърхон ҳокимдир фақат. [7, 213]

Демак, юқоридаги икки лирик манба асосида миллатлараро тотувлик, қардошлик мотивлари бир қанча образлар тизимида, жумладан, *“Олатов”, “ўтов”, “дўмбира”, “оқин”, “Кўкчатов”, “қозоқ”, “кўл”* кабилар, биринчидан, тўлиқ географик объектлар асосдаги образлар бўлса, иккинчидан, халқларнинг умумий қардошлик, тотувлик мотивларидаги образлар, учинчидан эса асарда (манбада) тавсиф этилган географик объектларда (ҳудудда) истиқомат қилувчи халқларнинг урф-одатлари тўлиқ тавсиф этилган.

Шоира Зулфиянинг “**Булғория**” шеърида ҳам ҳудуд билан боғлиқ мотив асосидаги бир қанча лирик образлар мавжудки, Булғориянинг гўзал табиати ва жўшқин мусиқалари, халқларнинг қардошлик ва тотувлик мотивларидаги бир қанча образлар мужассамлашган. Булар ҳам шоиранинг энг катта интилиш ва дунёқараши тимсолида вужудга келган образлар тизимини тавсиф этади:

Мен сенинг ***ерингда****, гўзал* ***Булғория****,*
Гўё ***музиканинг*** *сеҳрига тушдим.*

***

Музиканинг *ёрқин – янги торларида,*
Бугунги бахтиёр ***ўлка*** *кезаман.*
Болқон гўзалининг,
Беёш тиниқ нигоҳларида
Фарзанддай куй *териб* ***эркин сузаман.*** [7,198]

Бу мисраларда ҳам географик объектлар, ўша жойда истиқомат қилувчи халқларнинг ўз мусиқаларидаги жўшқинлик тараннум этилган. Бунда шоира лирик қаҳрамонлари билан шеър семантикасидаги муаллиф образига эътибор қаратилганлигини ***“Фарзанддай куй*** *териб* ***эркин сузаман”*** жумласида яққол сезамиз. Одатда, лирик асарлар таърифида лирик қаҳрамонлар ва муаллиф образи 1, 11 шахсларда ўз ифодасини топади, яъни муаллиф образи 1 шахсда “мен” орқали, лирик қаҳрамонлар эса “сен” орқали 11 ифодаланганликлари ҳам юқоридаги таҳлил ва тавсифларимизда ўз ифодасини топган.

Демак, шоира Зулфия асарларида миллатлараро тотувлик ва қардошлик ғоялари чуқур илдиз отган. Биз бу мотивлар ва улар мазмунидаги образлар тамойиллари асосида қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик фанлари ривожига асос бўладиган адабий манба бўлади, деган хулосани беришимиз мумкин. Зулфия ўзбек адабиётида лирик туркумнинг нодир намуналарини яратди, унинг турмуш манзараларини акс эттириш имкониятларини кенгайтирди. Зулфиянинг лирик асарларида ижтимоий воқелик ва реалистик тасвир жанр табиатига ички сифат ўзгаришларини олиб кирганлиги унинг ижодидаги новаторлик десак, хато қилмаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Большакова А.Ю. Типология и менталитет. // Филологические науки. 2016. №6. С. 106-108.

2. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. – М., 1983. С. 123-139.

3. Волков И.Ф. Теория литературы. – М., 2015. С. 98-116; Лосев А.Ф. Знак, символ. Миф. – М., 2019. С. 76-118.

4. Гринцер П.А. Эпохи взаимодействия литератур Востока и Запада. – М., 2017. С. 56-98.

5. Жирмунский В.М. Проблемы сравнительного изучения литератур. – М.: Наука, 2015. С. 102-167.

6. Зулфия. Такое сердце у меня (Стихотворения и поэмы). Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. – Т., 1978. – 376 с.

7. Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. Шалола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 416 б.

https://buxdu.uz

8. Ильин И.П. Современные концепции компоравистики и сравнительного изучения литератур. – М., 2017. С. 236.

9. Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях. – М.: Запад-Восток. – М., 2016. С. 39-69.

10. Каримов Н. Адабий алоқа ва бадиий таржиманинг янги уфқлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2015. № 3. 4-б.

11. Лотман Ю.М. Статьи по семиотике культуры и искусства. – СПб, 2015. Стр. 43-86.

12. Мамажонов С. Давр билан елкадош, халқ билан тақдирдош шеърият. // Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. Шалола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 416 б.

13. Маматова Х. Переводческое мастерство поэтессы Зулфии. Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Т., 1980. С. 6-17.

14. Макаренко А.С. О литературе. – М.: Советский писатель, 1956. Стр. 219.

15. Недошивин Г. К вопросу о сущности эстетического значения. –СПб: Вопросы эстетики, 2018. Стр. 51-52.

16. Равшанов М. Номинатив бирликларнинг семиологик ва лексикографик тавсифи. Докторлик диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2019. 12-19-б.

17. Русская литература в межнациональных связях и взаимодействиях. Коллективная монография. – Казань, 2016. С. 79-175.

18. Сравнительное и сопоставительное литературоведение. // Хрестоматия. Составители: Аминеева В.Р., Ибрагимов М.И., Хабибуллина А.З. – Казань, 2017.

19. Тимофеев А.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. С. 61.

20. Қаюмов Л. Шеъриятнинг боқий жозибаси. // Ўзбекистон маданияти, 1989.

21. Умурова Г.Х. Зулфия бадиий олами ва поэтик мактаби. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. 63-б.

22. Умурова Г.Х. Зульфия шеъриятида айрилиқ мотивининг бадиий талқини. // СамДу. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2015. 2-сон. 84-85-б.

23. Умурова Г.Х. Пушкин шеърлари Зулфия таржимасида. // Филология масалалари. – Т., 2018. 4-сон. 107-115-б.

UDK: 1751

GYOTE IJODIDA SHARQONA MOTIVLAR

ВОСТОЧНЫЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ ГЕТЕ

ORIENTAL MOTIVES IN GOETHE'S WORKS

Samadova Sevar Axatovna
BuxDU gumanitar yo‘nalishlarda chet tili kafedrasi o‘qituvchisi,
Mirzayeva Muhayyo Ro‘ziyevna
BuxDU gumanitar yo‘nalishlarda chet tili kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Buyuk nemis shoiri Iogan Volfgang Gyote Sharq falsafasidan ta’sirlanib, har ikki qutb uchun ahamiyatli asarlar yaratdi. Xususan, “Faust”, Sharq va G‘arb devoni” kabi o‘lmas asarlarida sharqona g‘oyalar va motivlar o‘z ifodasini topgan. Maqolada Gyote dunyoqarashiga o‘z ta’sirini o‘tkazgan sharqona g‘oyalar xususida va uning asarlarida aks etgan sharqqa oid motivlar haqida fikr yuritiladi.*

Tayanch so‘zlar: *adabiy ta’sir, adabiy aloqa, motiv, sharq va g‘arb, ramz, obraz, an’ana.*

Аннотация. *Великий немецкий поэт Иоган Вольфганг Гете находился под влиянием восточной философии и создал произведения для обоих полюсов. В частности, в его уникальный произведениях «Фауст», «Диван Востока и Запада» выражены восточные идеи и мотивы. В статье рассматриваются обзор восточных идей, которые повлияли на мировоззрение Гете и восточные мотивы в его работах.*

Ключевые слова: *литературное влияние, литературное общение, мотив, восток и запад, символ, образ, традиция.*

Abstract. *The great German poet Iogan Wolfgang Goethe influenced by the Eastern philosophy, created significant works for both poles. In particular, in his unique work "Faust", "East and West poems", Eastern ideas and motives are expressed. The article deals with an overview of Eastern ideas that influenced Goethe's worldview and the oriental motives in his works.*

https://buxdu.uz

Keywords: *literary influence, literary communication, motive, east and west, symbol, image, tradition.*

«Nur Sharqdan», − deyiladi Yunon naqllaridan birida. Darhaqiqat, quyosh Sharqdan chiqadi. Aql quyoshi ma'rifat ham Mashriqda tug'ilib Mag'ribga yo'l olgandir. Ustoz olim N.Komilov ta'kidlaganidek, san'at va madaniyat dastlab Xitoy, Hindiston, Markaziy Osiyo, Arabiston, Misr kabi o'lkalarda maydonga kelgandir. Lekin Sharq olamiga ziyo berib, uni mumtoz aylagan tafakkur tug'ilgan joyida qolib ketmadi, balki umuminsoniyat aqli-shuuri, mushtarak mulki sifatida zamonlar osha G'arbga ham yetib bordi. G'arbning mo'tadil, osoyishta tuprog'iga yangidan yangi ilhomlar berdi. G'arb-Sharqning bu «oldi-berdi»si to hanuzgacha davom etmoqda. Bugungi Yevropaning xolis fikrlovchi eng mashhur olimlari qadim antik madaniyatning maydonga kelishida Xorazm sarhadlarida ko'z ochgan zardushtiylik ta'limotining hal qiluvchi ta'sirini ko'radi. O'z navbatida, G'arb antik madaniyati insoniyat tafakkurining ajralmas bir sahifasi bo'lib tarixga kirdi. O'rta asrlar islom fani unga yangi hayot baxsh etdi. Aristotel, Platon, Ptolomey, Galen kabi o'nlab daholarni Arastu, Aflotun, Batlimus, Jolinus nomlari bilan Yevropaga qayta tanitdi. Ayni paytda Al-Xorazimiy, Ahmad Farg'oniy, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino kabi tafakkur mash'allarini dunyoga berdi. G'arb yana Sharqqa ergashdi. Va bu uzluksizlik qonuniga amal qiluvchi hodisa XV asrlargacha davom etdi [4; 52].

Sharq adabiyotidan ko'plab G'arb ijodkorlari ilhomlangan va o'z asarlarida sharqona g'oyalardan foydalanishgan. Jumladan, uyg'onish davri adabiyotining yirik vakillaridan biri Dante Aligeri, Jovani Bokachcholar fikrimizga misol bo'la oladi. Sharq adabiyotidan ta'sirlangan yana bir buyuk ijodkor nemis adibi Gyotedir, uning dunyoga mashhur "G'arb-u Sharq" devoni sharqona ruh, sharqona g'oyalar, tasavvufiy konsepsiyalar asosida sug'orilgan desak, mubolag'a bo'lmaydi. Mashhur nemis adibi Yohann Volfgang Gyote (1749-1832) shoir, dramaturg va adabiyotshunos, huquqshunos va sharqshunos, tarixchi va faylasuf, rassom va teatrshunos, biologiya va mineralogiya fanlari bo'yicha kashfiyotlar qilgan olim va davlat arbobidir. Uning "Faust", "Yosh Verterning iztiroblari", "G'arb-u Sharq devoni", "Tavrida ifigeniyasi", "Rim elegiyalari", "Torkivator Tasso", "Nabotot evrilishi", "Sehrli sibizg'a", "Rang haqida ma'lumot" kabi asarlar, shuningdek, uch mingdan ziyod she'rlari dunyo adabiyot ixlosmandlari tomonidan sevib o'qiladi. Manbalarda aytilishicha, Gyotening Veymarda nashr etilgan ilmiy merosi 143 jilddan iborat edi.

Bu asarlar ichida adibning 1814-1815-yillarda yozila boshlagan va ilk marta 1819-yilda, Gyote 70 yoshida adabiyot ahliga ma'lum qilgan "G'arb-u Sharq devoni" asari alohida ahamiyatga ega. Gyote murakkab ijtimoiy-siyosiy jarayonlar kechayotgan bir davrda yashayotgan edi, G'arbda davlat tuzumi tanazzulga yuz tutayotgan bir pallada ma'naviy muhitdan qoniqish his qilmagan adib xayolan "Sharqqa hijrat qiladi". Sharq she'riyatining sehridan ilhomlanadi, sharqona obrazlar, motivlar Gyoteni g'oyatda ta'sirlantiradi. Bu ilhom, adabiy ta'sir mahsuli sifatida buyuk asar – "Mag'rib-u Mashriq" devoni yaratildi. Ushbu asar ham G'arb, Sharq badiiy an'analarini o'zida mujassam etgan bo'lib, "Buyuk Gyote qadimgi Yunoniston va Rim ilm-u fani bilan birga, Sharq madaniyati va adabiyoti yutuqlarini ham tashnalik bilan singdirib yuborgan" [4; 55].

Gyote fikricha, Sharq adabiyoti va she'riyati, go'yoki, "Xizr chashmasi". U Sharqning buyuk ijodkorlari Hofiz Sheroziy, Firdavsiy, Sa'diy, Jaloliddin Rumiy tafakkurlaridan bahra oladi, undan hamisha musaffolik ufurib turishini ta'kidlaydi. Adib, garchi, Olmoniyada yashab ijod etgan bo'lsa-da, ammo ruhan Sharqqa yaqin. Gyote asarlaridagi mohiyat, hissiyot Sharq ruhiyatiga juda xosligi bilan alohida ajralib turadi. Sharqqa nisbatan ixlosi baland bo'lgan shoirning devonda keltirilgan satrlarini o'qir ekanmiz, uning musulmon olamiga, Sharq dunyosiga yuksak mehr qo'yganligini bilamiz va Sharq tafakkuriga nechog'lik muhabbat bilan qiziqayotganining guvohi bo'lishimiz mumkin. Uning ta'biricha, jahon she'riyatidagi yetti yulduzning barchasi sharqlik shoirlardir. Shu yetti yulduz qatorida Hofiz, Sa'diy, Navoiyni tilga olar ekan: "Men ularning soyasiga ham arzimayman", − degan kamtarona fikrlarni aytib o'tadi.

Gyote ijodiy olami faqat nasroniylik aqidalari va G'arb madaniyati bilan cheklanmagan. Sharq falsafasi, Islom dini, sharqona tafakkur sarchashmalaridan bahramand bo'lib, buni ozining ma'naviy olamiga chuqur mujassam etgan mutafakkir desak, mubolag'a bo'lmaydi.

https://buxdu.uz

Adibning “Mag‘rib-u Mashriq devoni” tarjimasi buxorolik shoir, mutasavvuf Sadriddin Salim Buxoriyga mansub. Tarjima nihoyatda go‘zal, mukammal chiqqan, buni quyidagi “Hijrat” deb boshlanuvchi dastlabki bob muqaddimasidan ham bilsak bo‘ladi:

Taxtlar qulab ne taajjub,
Xarob Shimol, Mag‘rib Janub.
Sharqqa hijrat erur vojib,
Unda ishq-u may-u mutrib,
Hamda xizr suvi bordir,
Boqiy umr senga yordir. [1;27]

Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish joizki, Sadriddin Salim Buxoriy asarni tarjima qilibgina qolmay, devon tahliliga oid qimmatli fikrlarni ham bildirganlar. Xususan, “Sharq va Gyote” maqolalarida shoir tafakkuriga ta’sir qilgan sharq mutafakkirlari, sharqona jumlalarning mohiyati ochib berilgan.

Yuqoridagi jumlada keltirilgan hijrat so‘zi ramziy ma’noga ega bo‘lib, payg‘ambarimiz Muhammad alayhissalomning dushmanlardan qochib, Madinaga ko‘chishlari bilan bog‘liq voqealarga ishora qilingani haqida manbalarda ta’kidlanadi. She’rda o‘z muhitidan ko‘ngli to‘lmagan shoir xayolan Sharqdan najot izlaydi. Adabiyotshunoslarning fikriga ko‘ra, “G‘arb-u Sharq devoni” Qur’oni karim va Hadisi shariflar, tasavvuf ta’limoti ta’siri hamda Firdavsiy, Anvariy, Nizomiy, Sa’diy va Jomiy g‘azallari talqinida yaratilgan. Hofizni barcha jumboqlarning kaliti sifatida tasvirlaydi. Asar mundarijasining sharqona nomlanishi ham devonning Sharq ruhiga yaqinligidan dalolat. “Mag‘rib-u Mashriq devoni”ning ilk bobi Mug‘anniynoma deb nomangan bo‘lib, unda turli-tuman she’rlar keltirilgan, hattoki she’rlardagi tashbeh va istioralar ham sharqona nazmni eslatib turadi.

E’tirof etish joizki, ushbu devon tasavvuf g‘oyalari bilan yanada mazmundorlik, yanada go‘zallik kasb etgan. Ilk bobning “Saodatbaxsh aziyat” she’rida tasvirlangan ushbu satrlar fikrimizga yaqqol dalildir:

Alangaga o‘zni tashlab
Sharaf topganda jonlar
Istehzo-la dilni g‘ashlab
Kulgay bundan nodonlar

Intiladi – zulmat, shukuh
Dastidan qochib – nurga
Qovushad ilohiy ruh
Bilan to‘lib sururga [1; 35]

Ushbu misralarda tasavvuf ta’limotida mavjud bo‘lgan nafsni poklab, vahdatga erishish g‘oyasi juda jozibador chizgilarda ifodalab beriladi. Ya’ni oshiq kuyib, yonib komillikka yetadi, ishq alangasida yonsa ham, oshiq qalblar bundan aziyat chekmaydi, aksincha, sharaf topadi, nodonlar esa dunyo tashvishlari bilan band bo‘lgani tufayli ular kuladilar. Oshiqlar nurga – ilohiylikka intiladi, bu dunyo ular uchun zulmat, ishq shukuhli nur, shu orqali ular ilohiy ruh, ya’ni Ollohga qovushadilar va muddaoga erishadilar. Oshiqning nafsni poklab, ishqda yonib, vahdatga erishishi tasavvufning bosh g‘oyalaridan sanaladi. Hazrat Jaloliddin Rumiyning fikriga ko‘ra, oltin ham yondirilib, sof ma’danga aylanadi, inson qalbi ham havoyi nafslardan tozarib, shaffof holga keladi, haqiqiy ishq sohibiga aylanadi.

Ma’lumki, Hofiz Sheroziy tasavvufiy g‘oyalar ila sug‘orilgan she’riyati bilan jahonda mashhur bo‘lgan. Uning Hofiz taxallusini qo‘llaganining ham o‘ziga xos tarixiy sabablari bo‘lib, Gyote ushbu sababni “Hofiznoma” bobida quyidagicha izohlaydi:

Shoir: Ayo, Muhammad Shamsiddin,
Nechun eling Hofiz deb nom
Qo‘ymish senga?

Hofiz: Chunki Qur’on
Oyatlarin bildim yoddin

https://buxdu.uz

Xotiramda edi mudom
Suralar-u sharif kalom

Ko‘pgina tarixiy manbalarda Hofiz Sheroziyning tarjimayi holida, haqiqatan, xalq unga Hofiz deb nom bergani va buning sababi uning Qur’on oyatlarini yod bilgani, g‘oyat shirali ovoz bilan sharif kalomni qiroat qilgani bilan bog‘liq faktlar keltiriladi. Gyotening Hofizga maxsus bag‘ishlangan bobida u haqidagi ma’lumotlarni keltirgani adibning nechog‘lik Hofizga qiziqishi va muhabbati kuchliligidan dalolat. She’r davomida Gyote o‘zini Hofizga qiyoslashi, maslaklari bir ekanligini ta’kidlashi esa uni o‘ziga ustoz deb bilganidandir:

Shoir: O‘xshash bo‘lsak biz, ne ajab,
Zotan bizga o‘xshashlik xos
Ayo, Hofiz, shudir sabab.
To‘la monand bizning ixlos
Biz muqaddas kitoblarni
To‘la yodlab bo‘ldik, Hofiz. [1; 45]

Ushbu jumlalardan Gyotening nafaqat Sharq she’riyatidan, balki musulmon olamining muqaddas kitobi bo‘lmish Qur’oni karim bilan ham yaqindan tanishligini yaqqol anglaymiz. Bir o‘rinda Gyote olimlarga Qur’on oyatlariga taqvo qilishga, ishonishga da’vat etadi.

Adib sharqona g‘oyalardan tashqari Sharqda mashhur bo‘lgan obrazlardan ham unumli foydalangan. Xususan, Majnun, Vomiq va Uzro, Yusuf va Zulayho bilan bog‘liq manzaralarning asarda keltirilishi fikrimizga yorqin dalildir. “Vafo timsollari” haqidagi she’rida muallif Vomiq va Uzroni “timsoli ishq hamda vafo” deb ataydi. Sharqda Vomiq va Uzroning pok muhabbatlari xususida ko‘plab dostonlar yaratilgan. Ayrim manbalarda “Vomiq va Azro” tarzida keltiriladi. Ayniqsa, Alisher Navoiy, Ahmad Tabibiylarning qalamiga mansub “Vomiq va Uzro” qissalari diqqatga sazovor. Bundan tashqari Sharq-u G‘arbda birdek mashhur Zulayho haqidagi rivoyat ham Gyote qalami ostida o‘zgacha sayqallanadi, o‘ziga xos talqin qilinadi, asarning “Zulayhonoma” bobida Yusuf obraziga keragicha dahl qilinmasa-da, Zulayho va uning ta’rifi, u bilan bog‘liq voqealar Hotam obrazi bilan birgalikda tasvirlanadi. Ammo ta’kidlash joizki, shoir qalamga olgan Zulayho obrazi boshqa ayol timsolidir. Hotam va Zulayho she’ri ishqiy mavzuda bo‘lib, ayol Gyoteshunoslar fikriga ko‘ra, Marianna ismli ayoldir, aslida Hotam obrazi orqali Sharqda ma’lum va mashhur Yusufni nazarda tutgan, ammo ayrim sabablarga ko‘ra Zulayhoning muhabbati sifatida donishmand va saxiy Hotam obrazini tanlagan.

Gyotening jahonda mislsiz shuhrat qozongan asarlaridan biri “Faust”dir. Ushbu asar falsafiy xarakterda bo‘lib, uning bosh g‘oyasi ezgulik va yovuzlik, inkor va iqror, inson va iblis orasidagi azaliy va abadiy kurashdan iborat. “Faust”da ham muallif sharqona obraz va g‘oyalardan, badiiy an’analardan unumli foydalangan. Xususan, asarning “Arshi a’lodagi debocha” qismida Tangri va iblis – Mefistofel orasidagi ahdning mohiyatidan ham muallifning Sharq rivoyatlarini yaxshi bilgani anglashiladi. Mefistofel obrazi ramziy xarakterga ega bo‘lib, insonning azaliy dushmani nafs timsolida gavdalanadi. Iblis donishmand tabib Faust e’tiqodiga rahna solish uchun Tangri bilan kelishadi. Bu voqelar islomga oid manbalarda ham keltirilgan. Inson tufayli la’natlangan iblis insonni o‘ziga dushman deb bilib, to qiyomat uni adashtirishga ahd qilgani Islomiy kitoblarda aks etgan. Ushbu voqealar “Faust”da quyidagicha badiiy talqin etiladi:

Tangri: Bilaman, men uchun umri mehnatda
Demakkim, hidoyat bo‘lgay sarvari
Nihol ekar bo‘lsa bog‘bon albatta –
Ko‘z oldida bo‘lar, guli, samari.

Mefistofel:

Garovga tayyorman, ishonchim komil
Bu qulingni sendan tortib olaman.
Men o‘zim uni bir yo‘lga solaman
Vakolat ber – menman bu ishga omil. [2;59]

https://buxdu.uz

Diniy manbalarda ham ta'kidlanadiki, inson sababli la'natga uchragan iblis so'nggi kunga qadar insonni yo'ldan ozdirishga, uning e'tiqodini sindirishga va'da bergan edi. Ammo Olloh iymonli bandalarining qalbiga ishonishi, ularga o'zi hamroh bo'lishi asarda ham o'ziga xos badiiy aksini topgan. Va albatta, Faust ham, garchi, insoniy qusurlardan xoli bo'lmasa-da, asar yakunida o'z e'tiqodida sobit turolgan edi. Qalbi buyurgan haqiqat yo'lidan borib, Tangri ishonchini oqlagan edi.

Asarda ilgari surilgan umuminsoniy g'oyalar ichida eng diqqatga sazovori shuki, ota va farzand munosabatlarida farzandning otaga nisbatan hamisha itoatda bo'lmoqligidir. Chunki G'arb jamiyatida bunday munosabatlarga chuqur yondashilmaydi. Ammo Sharqda ota va farzand masalasiga jiddiy qaralishini hadislardan, buyuk allomalarning didaktik asarlaridan anglashimiz mumkin. Garchi Faust otasi vabo tarqalganida noto'g'ri muolaja buyurganida ham o'g'il itoatda bo'lib, afsus chekkanida ham: "Otalar maslagi farzandlar uchun har narsadan qutlug' bo'lmog'i kerak", − degan shiorni unutmadi. Ushbu jumlalar Sharqning buyuk dahosi Alisher Navoiyning: "Otang xatosin savob deb bil", − degan o'gitlariga g'oyatda uyg'un fikrdir. Bundan tashqari asarda tasavvufiy g'oyalarning aks etganini ko'rishimiz mumkin. Faust bir o'rinda o'zini: "Men Tangrining timsoli", − deb ataydi. Bu fikr aynan tasavvufdagi jamiki narsalar yagona javharning tajalliylaridir, degan g'oyaga mos keladiki, bu misollar orqali asarning Sharq ruhiga juda yaqinligiga guvoh bo'lamiz.

Gyotening ikki buyuk asarida sharqona g'oyalarning aks etishi bilan bog'liq jihatlar G'arb olimlarini ham qiziqtirgan. Nemis olimasi Katarina Mommser o'zining "Gyote va Islom" nomli doktorlik ishida Gyote ijodini juda sinchkovlik bilan kuzatganini, Sharq falsafasi va Islom dinining ta'sirini dalillar orqali tahlil qilganini ko'rishimiz mumkin. Xususan, Gyotening Islom diniga va Muhammad alayhissalomga ayricha munosabatda bo'lganligi ta'kidlanar ekan, shoirning 23 yoshida Muhammad alayhissalomga qasida bitgani haqidagi ma'lumotlar keltiriladi. Mana shu ehtirom va muhabbat mahsuli o'laroq, sharqona ruhda yozilgan "G'arb-u Sharq devoni" va "Faust" asarlari yaratildi. Olmon olimasining ma'lumotlariga qaraganda, "G'arb-u Sharq devoni"ning nashrdan chiqish xabarnomasida muallif quyidagi hayratlanarli jumlalarni e'tirof etadi: "Muallif o'zi musulmon bo'lsa kerak, degan shubhalarni rad etish niyatim yo'q" [3; 9].

Bundan tashqari ushbu maqolada Gyotening Islomga bo'lgan munosabati juda ijobiy bo'lganligi xususida g'oyatda qimmatli ma'lumotlar keltirilgan. Ayniqsa, Gyotening do'stlari bilan yozishgan maktublarida Qur'on oyatlarini bilishi, ulardan iqtibos sifatida foydalanganligining guvohi bo'lamiz. Gyote Islom aqidalari, oyatlarini nafaqat asarlarida, balki o'z hayotida ham tatbiq etgan, kamolot sari intilayotgan bir inson edi. Garchi hayotning og'ir zarbalariga uchrasa-da, adib qaddini bukmay, sabr qilganligini uning do'stlari tomonidan yozilgan xotiralardan bilishimiz mumkin.

Darhaqiqat, har ikki asar sidirg'asiga Sharq ruhida yozilgan, unda tasvirlangan obrazlar, ilgari surilgan g'oyalar, motivlar to'laligicha sharqona. Ushbu asarlar har ikkala qutb uchun nihoyatda yuksak ahamiyatga molik bo'lib, Sharq-u G'arb uchun adabiy ko'prik vazifasini o'taydi, dunyo adabiyotlarini bog'lovchi, do'stlik, mehr-oqibat rishtalarini mustahkamlovchi vosita sifatida jahon adabiyotining noyob durdonasi bo'lib qoladi.

ADABIYOTLAR

1. *Гёте. Ғарбу Шарқ девони. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. – 164 б.*
2. *Гёте. Фауст. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 266 б.*
3. *Гёте ва Ислом. Катарина Моммсер. // Жаҳон адабиёти. – Т., 2012 йил. 1-сон. 10-б.*
4. *Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. – 200 б.*
5. *Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1994. – 158 б.*
6. *Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 180 б.*
7. *www.jahonadabiyoti.uz*
8. *www.khurshiddavronkutubxonasi.uz*

https://buxdu.uz

УДК: 81 373.6:82-84=161.1/=512.133

ЎЗБЕК ВА РУС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ЭТИМОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКИХ И РУССКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ

ETYMOLOGICAL FEATURES OF UZBEK AND RUSSIAN FOLK PROVERBS

Самандарова Гулноз Ярашевна
БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. *Ушбу мақолада ўзбек ва рус халқ мақолларининг пайдо бўлишига оид аниқ маълумотлар берилган. Икки халқ томонидан яратилган мақоллардаги мавзулар кўлами, уларнинг вужудга келишига сабаб бўлган тамойиллар ҳақида фикрлар юритилган. Ҳар иккала халқдаги маколларнинг яратилиш тарихи хусусида атрофлича маълумотлар келтирилган. Мақолларнинг шаклланишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшган олим ва ижодкорлар ҳақидаги фикрлар ўз аксини топган.*

Таянч сўзлар: *мақол, матал, бадиий асар, панд-насиҳат, хатти-ҳаракат, яхшилик, ёмонлик, афсус-надомат, очкўзлик, тасвир воситалари, миллий қадрият.*

Аннотация. *В данной статье проводятся конкретные сведения о появлении узбекских и русских народных пословиц. Речь идет об объеме тем пословиц созданных двумя народами, которые привели к их появлению. Были сделаны комментарии об ученых и создателях, которые внесли свой вклад в создание пословиц.*

Ключевые слова: *пословица, поговорка, художественное произведение, наставление, поведение, добро, зло, сожаление, жадность, образность, национальная ценность.*

Abstract. *This article provides information about the origin of uzbek and russian proverbs. Scope of topics and the principles that caused to create the proverbs which were composed by two nations are given here. There are facts about scientists and creators who contributed to the development of proverbs. In this article it is also mentioned that proverbs are valuable treasure of spiritual wealth of every nation.*

Key words: *proverb, saying, literary work, admonition, behavior, kindness, evil deed, regret, greediness, means of image, national value.*

Кириш. Ер юзида яшаётган турли халқларнинг ўз келиб чиқиши – тили, дини ва урф-одатлари бўлганидек, мақоллари ҳам мавжуд.

Мақоллар – бебаҳо бойлик, халк маънавиятининг кўзгуси ҳисобланади. Чунки келажак авлодларнинг онгини ўстиришда, руҳини тарбиялашда улар муҳим роль ўйнайди. Мақоллар инсонларни ҳалол, меҳнатсевар, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, мард, жасур, садоқатли, диёнатли ҳамда иймонли бўлишга ундайди. Шу боис халқ томонидан асрлар давомида яратилган, сайқал берилган ҳар бир мақолни тўлақонли, етук бир бадиий асар дейиш мумкин.

Дунёда луғат таркибида мақоллари бўлмаган бирорта ҳам тил йўқ. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, мақол – ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап” [9, 401] дейилган.

Мақол ва масалларнинг пайдо бўлиши тригиялик ночор қул Эзоп номи билан боғлиқдир. У ўзининг “Эзоп масаллари” китобида 500 га яқин ибратомуз масалларни тўплаган. Эзоп масалларида одамларнинг фазилату нуқсонлари, камчиликлари, нотўғри хатти-ҳаракатларини аниқ кўрсатиб бера олган, улар маънавий ибрати билан ҳозир ҳам ўз аҳамиятини тўла сақлаб келмоқда. Айниқса, яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериш қандай оқибатларга олиб келиши акс эттирилган масал диққатни жалб этади:

“Овчилар таъқибидан қочган кийик токзорга яширинди. Овчилар пайқамай ўтиб кетишгач, энди хавфдан қутулдим, деб хаёл қилди-ю, ток баргларини ғажишга тушди. Иттифоқо, шу поянинг ортида ўтирган овчи кийикни пайқаб қолди: дарҳол ўқ узиб, жониворни ярадор қилди. Ўлими яқинлашганини сезган кийик афсус-надоматда ингради:

https://buxdu.uz

“Қилмиш-қидирмиш. Ток мени қутқарганди, мен эса уни нобуд қилишга қасдландим”. Алқисса, кимки ўзига яхшилик қилганларга ёмонлик қилса, у албатта, худонинг қарғишига учрайди”.

Эзоп яхшиликка ёмонлик муқаррар жазо билан тугайди, дейиш билан бир қаторда, инсонларни нафс балосидан эҳтиёт бўлишга, ҳамма нарсага бир пайтнинг ўзида эришаман деб, очкўзлик қилмасликка даъват этади.

Мақоллар содда, ихчам бўлиши билан бирга, мазмунан мураккаб бўлади. Унда сўзларнинг сараси иштирок этиб, турли воситалар орқали шароит учун мос маъноси танлаб олинади. Мақоллар шаклан ва мазмунан гўзал бўлади, шаклий гўзаллиги – товушларнинг қатор келиши ва оҳангдошлиги; мазмунан бир қанча тагмаъноларга ишора қилиши билан аҳамиятли. Шунинг учун ҳам уларни эслаб қолиш осон бўлади.

Мақолларда сифатлаш, ўхшатиш каби тасвир воситалари, омоним, антоним сўзлардан кенг фойдаланиш унинг бадиийлигини янада оширади. Айниқса, истиора, ўхшатиш, сифатлаш, қиёслаш каби тасвир воситаларидан жуда кўп фойдаланилади. Масалан, “Бой бойга боқар – сув сойга оқар”, “Сабрнинг таги – сариқ олтин”, “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, “Яхшига ёндаш – ёмондан қоч”, “Қайин дарахтининг эгилгани – сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани” каби.

Асосий қисм. Дунёнинг кўплаб халқларида маъноси бир-бирига яқин бўлган ҳикматлар бор. Кундалик ҳаёт сабоқларига асосланган ҳар бир мақол асосида, албатта, миллий характер, миллий қадриятлар ва урф-одатлар ётади. Бир-бирига маънодош бўлган ўзбек ва рус халқ мақолларини ўрганганда биз, албатта, икки халқнинг дунёқарашини кузатиш имконига эга бўламиз: Одна шелудивая (паршивая) овца все стадо портит – Тиррик қўй подани булғайди; В один котел два барана не поместтятся – Бир қозонда икки қўчқорнинг калласи қайнамайди; Бедняка даже на верблюде собака кусает – Камбағални туянинг устида ҳам ит қопар; Цыплят по осени считают – Жўжани кузда санайдилар; Яблока от яблони далеко не падает – Олма дарахтининг тагига олма тушади; На чужой стране и весна не красна – Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”.

Ўзбек халқ мақолларинг пайдо бўлиш тарихи Ўрхун-Энасой битикларига, Кайковуснинг (1021-1082) “Қобуснома”сига, Юсуф Хос Ҳожибнинг 1069-1070 йилларда ёзган “Қутадғу билиг” (“Бахт-саодатга элтувчи билим”) асарига, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” (Турк сўзлар девони) асарига, мумтоз адабиёт вакилларидан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулханий ва Огаҳийларнинг ижодига бориб тақалади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтириладики, уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли равишда ишлатилмоқда [11].

Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор. Ёки Сулаймонқул Рожий ўзининг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърий вазнга солганлиги ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир [9].

Ўзбек халқ мақолларига тартиб бериш, уларни мажмуа ва хрестоматияларга киритиш, улардан махсус тўпламлар тузиш ишлари эса XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Масалан, венгер олими Ҳ.Вамберининг 1867 йилда “Чиғатой тили сабоқлари” хрестоматия луғатига ўзбек фольклори ва адабиётининг айрим намуналари қаторида 112 та мақол киритилган бўлиб, уларнинг олмон тилига таржимаси берилган [8].

Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим “Ҳерман Вамбери – ўзбек мақоллари таржимони” номли мақоласида шундай ёзади: “Ҳерман Вамбери 1863-1864 йилларда дарвеш қиёфасида Ўрта Осиёга келади. Саёҳати давомида ўлкамиз тарихи, хусусан, адабий-маданий асарлари, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам қизиқади. Имкон даражасида манбаларни йиғиб, ўзи билан олиб кетади ва натижада ўзбек халқ мақолларини (112 тасини) ўзбек-арабий ҳамда лотин имлосида олмон тилидаги таржимаси билан нашр эттиради”.

https://buxdu.uz

Тадқиқотчи олим Умид Бекмуҳаммад эса “Европага тарқалган ўзбек мақоллари” деб номланган мақоласида қуйидаги маълумотларни келтирган: “Тарихдан маълумки, 1863 йили венгриялик Ҳерман Вамбери Ўрта Осиёга туркиялик Ҳожи Рашид Афанди қиёфасида келиб, кетишида ўзи билан маҳаллий муллаваччани олиб кетганди. У асли қўнғиротлик, ўша вақтда Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасасида таҳсил олаётган 19 ёшли Мулла Исҳоқ эди. Арабистонга бориб ҳаж зиёратини адо этишни истаб, Вамберига қўшилганича Маккага эмас, Венгрияга бориб қолган мулла Исҳоқ Будапештдаги Фанлар Академиясида ишлаганди.

Мулла Исҳоқ (1834 йил Қўнғирот, 1892 йил Будапешт) ёт элларда ишлаб юриб, ўзбек мақолларини Европада Хоразм шевасида нашр эттирган биринчи миллатдошимиз ҳисобланади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган россиялик олим А.Самойлович ҳам ўзбек халқ мақолларини илмий ўрганиш фаолияти билан шуғулланиб, ушбу соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшган. У 1902-1908 йилларда фольклор ишларини ўрганиш асносида ватанимизга қилган сафари давомида бир қанча достон, эртаклар билан бир қаторда мақолларни ҳам ёзиб олиб, 1909-1910 йилларда Петербургдаги “Рус археология жамиятининг шарқ бўлими” нашрида чоп эттирган [6].

Ўзбек тилидаги мақолларнинг турли характердаги ва турли ҳажмдаги тўпламлари (Н.Остроумов (1895), Б.Раҳмонов (1924), Ш.Жўраев (1926), Ҳ.Зарифов (1939, 1947), Б.Каримов (1939), Ш.Ризаев, Ў.Азимов, Ў.Холматов (1941), М.Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойберганов (1958, 1960, 1965, 1978), Р.Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э.Сиддиқов (1976, 1986), Б.Саримсоқов, И.Ҳаққулов, А.Мусоқулов, Р.Зарифов (1978), А.Мусоқулов, М.Мадраҳимова (1981, 1984), Ш.Шомақсудов (1987, 1990, 2001), Т.Мирзаев (1989) ва бошқалар) уларнинг бошқа (шу жумладан, инглиз, рус, форс, немис) тиллардаги муқобиллари билан бирга қилинган нашрлари У.Повали (1975), Н.Гацунаева (1988), М.Содиқова (1993, 2005), К.М.Кароматова ва Ҳ.С.Кароматов (2000), Ш.Мирзо (2000), Ҳ.Иброҳим (2002), М.Абдусаматов, Ф.Хамидхонова (2006) ва бошқалар) чоп этилган бўлиб, бу тўпламлар ўзбек тилидаги кўплаб мақолларни ўз ичига қамраб олган.

Рус халқ мақолларининг тарихига ҳам назар ташлайдиган бўлсак, у узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимги рус йилномалари ва ривоятлари мақолларга оид маълумотлардан сўзловчи жонли битиклардир десак, муболаға қилмаган бўламиз. Мисол учун, “Александр Невскийнинг ҳаёти” номли йилномада Новгород князи Александр Ярославич 1240 йил 5 июлда Нива дарёси атрофида шведларни тор-мор қилганда, жангга киришдан олдин дружина, яъни аскарларига ҳикматли сўзлар билан мурожаат қилгани таъкидланган.

Рус халқ мақолларининг илк тўплами XVII асрнинг охирида пайдо бўлган. Унда 2500 та мақоллар аноним ва қўлёзма кўринишида бўлган. XVIII асрнинг 2-ярмида мақолларнинг босма шаклидаги тўплами пайдо бўлади. Тўпловчилар таркибида Екатерина II ҳам бўлган. У 1782 йилда “Россиянинг сайланган мақоллари” номли тўпламни нашр эттирган. Н.Курганов А.А.Барцов ҳамда И.М.Снегирёвлар ҳам ушбу йўналишда салмоқли ишлар олиб борганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. 1848 йилда И.М.Снегирёв томонидан тайёрланган “Рус халқ мақоллари ва ўгитлари” номли тўпламда ҳамда 1857 йилда чоп этилган “Рус халқ мақоллари ва ўгитларининг янги тўплами”да 10 500 га яқин мақоллар тўпланган. Анъанани давом эттирган ҳолда, Ф.И.Буслаев, И.И.Иллюстров, М.В.Ломоносов, В.И.Даль, В.П.Аникин, С.Г.Лазутин, Н.И.Кравцов, А.С.Ермолов, Н.Кургановлар ҳам турли мавзуларда мақолларни тўплаб нашр эттирганлигини айтиш мумкин. XVII асрда 2500 та рус халқ мақол ва маталлари номаълум шахс томонидан тўплаб нашр эттирилган.

XIX асрда “Рус халқ мақоллари”деб номланган тўпламда нашр этилган 30 мингга яқин мақол ва маталлар В.И.Далга тегишли эканлиги маълум. Муаллиф ушбу тўплам устида 25 йил меҳнат қилган. Унда 170 дан ортиқ мавзулар қамраб олинган. Масалан, Русь-родина– рус-ватан; народ-мир– халқ-дунё; ученье-наука– таълим-фан; язык-речь– тил-нутқ каби мавзуларда мақол ва маталлар тўпланган [3,4].

https://buxdu.uz

“Мақоллар улардан англашиладиган тушунчаларга қараб жойлаштирилса, халқ руҳиятининг чинакам очерки вужудга келади” − деб ёзган эди таниқли рус тилшуноси ва паремеологи В.И.Даль [4].

Рус ижодкорларидан Н.В.Гоголь, А.С.Пушкин, А.М.Горький ва бошқалар ҳам рус халқ мақолларини тўплаб, уларни ўз асарларида қўллаганлар.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой “Уруш ва тинчлик” асарида 47 дан ортиқ мақолларни қўллаган экан. Ушбу мақоллар асарнинг бош қаҳрамони Платон Каратаевнинг нутқида 16 ўринда ишлатилган. Масалан, “Какой палец ни укуси, все больно” каби.

М.Шолоховнинг “Тинч Дон” асарида 112 та мақол ва маталлар ишлатилган бўлса, шундан 22 таси бош қаҳрамон Григорий Мелохов томонидан айтилган. Мисол: “Куда ни кинь – везде клин” [1].

А.М.Горький мақолларга юксак баҳо бериб: “Энг улуғ донолик сўзнинг соддалигидадир. Мақоллар ва қўшиқлар ҳар вақт қисқа бўлади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд” − деб ёзган [2,8].

А.С.Пушкин рус халқ мақолларини севган, улардан завқ, илҳом олган. Кейинги давр рус ижодкорлари ва ёзувчилари А.С.Пушкинни ўз устозлари деб билишган. Чунки улар Пушкиндан ўз асарларида мақоллар қўллашни ўрганишган.

Дарҳақиқат, мақоллар чинакамига инсон тажрибаси, ҳаётий имконият ва кўникмаларининг маҳсули ҳисобланади. Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади.

В.И.Далдан кейин мақоллар устида Е.Д.Поливанов, Б.А.Ларин, В.В.Виноградов, Е.М.Верещагин, В.П.Аникин, М.Ю.Котова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Ўтмишда яратилган ва ишлатилиб келинаётган энг яхши мақоллар, халқ донишмандларининг намунаси сифатида, ҳозир ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай мақоллар ва ҳикматли сўзлар ҳар бир халқ маънавий бойлигининг қимматбаҳо хазинасини ташкил этади. Келажак авлод тарбиясида маёқ вазифасини ўтайди.

Халқ мақолларида қайси мавзу, ҳаётнинг қайси соҳаси ҳақида фикр юритилмасин, танланган муаммо ҳар томонлама, атрофлича ёритилади ва хулосаланади. Мақоллар таркибидаги ҳар бир сўз саралаб олиниши баробарида, уларнинг зиммасига залворли мазмун юкланади. Бу эса халқ донишмандлигининг яна бир далили дейиш мумкин. Турли-туман вазиятлар ҳақида яратилган ҳикматли сўзларга гувоҳ бўламиз. Буларнинг ҳаммаси ўзбек ва рус халқларининг асрлар давомида қанчалик доно ва закий эканликларини исботлайди.

Ҳозиргача етиб келган мақол, матал, ҳикматли сўзларни ҳар бир халқ кўз қорачиғидай асраши, уларни ҳар бир гапида эъзоз билан тилга олиши лозим.

Халқ мақолларининг мазмун кўлами инсон ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади. Инсон ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг чеки йўқ экан, мақолларнинг мазмун чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Мисол учун:

Ватан: Ватанинг тинч – сен тинч.
Меҳнат: Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик.
Меҳнатда синалган – элда азиз.
Қуш қаноти билан тирик, одам меҳнати билан.
Илм-ҳунар: Билим – давлатдан қиммат.
Юз туман олтиндан ҳунар яхши.
Меҳмон: Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан.
Дўстлик: Яхши дўст юз қариндошдан яхши.
Муҳаббат ва вафо: Инсон севги билан тирик.

Яхши сўз: Яхши сўз болдан ширин каби мавзулар қайд этилган. Бу мавзуларни давом эттирсак, кети узилмайди. Муҳими, мазмун етакчи бўлган таснифда масалани ҳар томонлама ифодалашга уриниш аниқ сезилади.

https://buxdu.uz

Мақоллар шундай китобки, у ҳеч қачон ўқиб тугатилмайди, шундай мусиқа асарики, уни охиригача ижро этиб бўлмайди. Уларнинг замирида шу халққа мос ва хос бўлган, тарихан шаклланган маданият жиҳатлари бор. Улар шу халқнинг руҳиятини, характерини аниқлаб беради. Ўзбек халқ мақолларида халқимизнинг чиройли одат, анъана ва фазилатлари акс этганки, улар бошқа халқларда учрамаслиги билан инсоният маънавиятининг нодир жиҳатлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғота олади.

Мақоллар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик муаммолари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, халқ оғзаки ижодининг олтин хазинаси бўлмиш мақоллар ҳам ўзбек, ҳам рус халқи маънавияти, маданияти тадрижий тараққиётида муҳим ва ажралмас омил бўлиб келган. Қисқа жумлалар орқали олам-олам маъно ташувчи бундай халқ донолиги намуналари бундан кейин ҳам ҳали неча-неча асрлар келажак авлодга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Аникин В.П. Русское устное народное творчество. Учеб. / В.П. Аникин. – М.: Высшая школа, 2001. – 726 с.*
2. *Горький А.М. Собрание сочинений в 30 томах: т. 25. – М.: Художественная литература, 1953. С. 11.*
3. *Даль В.И. Пословицы и поговорки русского народа. Из сборника В.И. Даля. – М.: Издательство «Правда», 1987. – 656 с.*
4. *Даль В.И. Пословицы русского народа. – М., 2000. – 616 с.*
5. *Кононов А.Н. Маҳмуд Қошғарий ва унинг "Девону луғотит турк" асари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. 12-сон.*
6. *Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ, 2005. – 496 б.*
7. *Шомақсудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани (Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати). – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2001. 212-б.*
8. *Шораҳмедов Ш. Мақолларнинг пайдо бўлишига доир. – Т.: ЎТА, 1971, 4-сон, 31-34-бетлар.*
9. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. Т. I. – М.: Русский язык, 1981. – 456 бет.*
10. *Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Т., 1960.*
11. www.literary.uz

УДК: 894.375.(092)

НАВОИЙ ИЖОДИДА ХАЗОН ФАСЛИ ВА ҲИЖРОН МОТИВИ

ОСЕНЬ И МОТИВ РАЗЛУКИ В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ

THE SEASON OF AUTUMN AND THE MOTIVE OF PARTING IN THE WORKS OF NAVOIY

Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна
БухДУ таянч докторанти

Аннотация. *Ўзбек мумтоз шеъриятида фасллар мавзуси алоҳида бир бадиий тизимни ташкил этади. Хусусан, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий фард, қасида ва ғазалларида баҳор, куз, қиш образлари инсон ҳаётига уйғунликда рамзий-тимсолий маънолар касб этганлигини кузатиш мумкин. Мақолада шоирнинг куз фаслига бағишланган ғазаллари таҳлил этилган ва уларнинг метафорик маънолари очиб берилган.*

Таянч сўзлар: *"Хазойин ул-маоний", фард, ғазал, рамзийлик, руҳий кечинма, лирик қаҳрамон, метафора, баҳор, куз, қиш, параллелизм.*

Аннотация. *В узбекской классической поэзии тема времен года образует отдельную художественную систему. В частности, можно наблюдать, что образы весны, осени и зимы в индивидуальном мыслителе, поэте и газели великого мыслителя и поэта Алишера Навои приобрели символические значения в гармонии с человеческой жизнью. В статье анализируются стихи поэта, посвященные осени, и раскрываются их метафорические значения.*

https://buxdu.uz

Ключевые слова: *«Хазайн ул-маоний», индивид, газель, символизм, духовный опыт, лирический герой, метафора, весна, осень, зима, параллелизм.*

Abstract. *The topic of seasons form typical literary system in Uzbek classical poetry. In particular, it is observed that the images of spring, autumn and winter in fardas, poems and gazels of the great thinker and poet Alisher Navoi acquired symbolic meanings in harmony with human life. The article analyzes the poet's poems dedicated to autumn and reveals their metaphorical meanings.*

Key words: *"Khazoniy ul-maoniy", fard, gazal, symbolicalness, emotional experience, lyric hero, metaphore, spring, autumn, winter, parallelism.*

Шарқ адабиётида инсон умрини йил фаслларига боғлаб талқин этиш ўзининг қадимий анъаналарига эга. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит турк" асаридан ўрин олган "Қиш билан Ёз" мунозараси, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"даги "Баҳор мадҳи" қасидаси, қолаверса, Атоий, Саккокий, Лутфий сингари Навоийгача бўлган мумтоз шоирлар назмида фасллар ҳақидаги байтлар кўзга ташланади. Хусусан, мумтоз шеъриятимизнинг чўққиси бўлган Алишер Навоий ижодида инсон умри табиатнинг тўрт фаслга қиёсан бадиий талқин этилади. Унинг машҳур "Хазойин ул-маоний" девони қисмлари шу асосда рамзий номланганлиги, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган "Фусули арбаа" асари фикримизни асослайди.

Ҳазрат "Хазойин ул-маоний" дебочасида шундай ёзади: "Агарчи хуршиди оламтобнинг фалакни бир давра қилган замониға йил от қўюптурлар ва йилким иборат тўрт фаслдиндур, ҳар фаслға дағи бир от таъйин қилибдурлар" [1, 18]. Бутун борлиқ, чексиз коинотнинг бир бўлаги бўлган инсон "хуршиди оламтобнинг фалакни бир давра қилган замони"нинг ичидадир ва "баҳрийу конийу наботийу ҳайвонийнинг натойижи" бевосита "анда ҳам зоҳир бўлур". Ҳазрат фикрларини давом эттириб, фасллардаги фазилат камол ижодларида ҳам акс этганини, шу сабабли девонларини номлаш ва шеърларни уларга киритишда шу мезонга асосланганликларини алоҳида қайд этади.

Навоий ижодида йил фасллари образини ўрганишдан маълум бўладики, улуғ шоир нафақат девонларни номлаш, балки асарларида ҳам табиат фасллари тасвирига алоҳида эътибор қаратганлигини кузатиш мумкин. Навоийда фасллар тасвири икки йўналишда берилади:

1) асарда бошдан охир фасллар тасвири акс этган назм намуналари ҳам мавжудки, буларга ғазал ва қасида кабиларни киритиш мумкин;

2) шоир ижодида қўлланган жанрлар қатида лирик қаҳрамон кайфиятига мувофиқ баҳор, ёз, куз ва қишнинг алоҳида хусусиятларига изоҳ ва ташбеҳлар сифатида.

Ҳар икки ҳолатда ҳам табиат фасллари инсон кайфияти, қувонч ва изтиробларига ўзаро параллел қўйилади ва уйғунликда тасвирланади. Навоий назмида куз – хазон фаслининг алоҳида ўрни бор. Табиатдан маълумки, куз тушкунлик, хазон, ҳаёт сўнгги ҳисобланади. Шоир талқинидаги куз эса кўпроқ мумтоз лирикада кенг қўлланилган ҳижрон – "ёридан айрилган ошиқ" мотивини таъсирли ифодалашга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, ҳижрон, яъни "ёридан айрилган ошиқ" мотиви мумтоз шоирларимиз ижоди доирасида кўп такрорланувчи поэтик образ бўлиб, мотив-образлар сирасига киради.

Бу мотив лирикада анъанавий тарзда ишлатилувчи "ошиқ – ёр – ағёр", "кутаётган ошиқ – келмаган ёр", "борлиғини унутган ошиқ – бепарво ёр" сингари мотив образлардан саналади ва Алишер Навоий ижодида жуда кўп қўллангани билан аҳамиятли [4, 180]. Улуғ шоир ижодида ҳижронни куз фасли манзаралари ва бу фаслдаги табиат ҳодисалари билан ёнма-ён қўйиш ҳоллари кўп учрайди. Бу борада, "Ғаройиб ус-сиғар" девонида куз фасли манзаралари акс этган икки ғазал – 386 ҳамда 450-ғазаллар, айниқса, эътиборни тортади. Бу шеърларда шоир лирик қаҳрамон ҳолатига мувофиқ куз табиати манзарасини маҳорат билан чизади:

Боғ мендек сарғариб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундоқ бўлур бир гулдин айрилғанға ҳол [1, 308].

Ғазал матласидан аён бўладики, шеърда ҳижрон ҳақида сўз боради. "Сарғайган боғ",

https://buxdu.uz

“гулидан айрилган булбул” ва “ёрсиз қолган ошиқ” бир кайфият чизиғида бирлашади, уйғунликда тасвирланади. Кейинги байтларда шоир куз фаслида табиатда содир бўладиган ҳодисаларни кетма-кетлик билан тасвирлайди. Бу эса маънавий санъатлардан тадрижнинг гўзал намунасини ҳосил қилади [2, 58]. Бунда ғазал асосига қўйилган куз образи шеър сўнггига қадар изчилликда очила боради. Кузнинг энг майда тафсилотларидан алоҳида хусусиятларгача тадрижий равишда бўй кўрсатади. Ўз навбатида, борлиқ ўзгаришлари лирик қаҳрамон кайфиятига ҳам мувофиқ келади ва унинг руҳий изтиробларига ўзига хос ташбеҳдир.

Ердаги ёфроғ ғарибу хоксор ар бўлмаса,
Мен киби не важҳдиндур юзи сариғ, ашки ол?

Кўринадики, лирик қаҳрамон кайфиятининг кейинги ташбеҳи – кузда сарғайган барг. У ҳижрон дардида сарғайган ошиқ ҳолатини ифода этади. Баргдаги сариқлик изтиробдан сарғайган юзга ўхшатилган бўлиб, ташбеҳи мутлақ ҳисобланади [4, 322]. Таъкидлаш лозимки, ҳажр азобининг кучини кўрсатиш учун шоир ҳадсиз-ҳисобсиз “ашки ол” – кўз ёши мотивини ғазалнинг уч байтида кетма-кет келтиради. Биринчи ўринда кузда сарғайиб ерга тўкилган, оёқ остида “ғарибу хоксор ёфроғ”нинг ошиқ ҳолатига уйғун тасвири тарзида келтиради. Кейинги байтда ифода кучи яна орттирилади:

Суғаким тушмиш қизарған барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парголаси айлар хаёл.

Шоир наздида хазон баргларининг сувда сузиб юриши гўё ёри ҳажрида куйган ошиқнинг юрак парчалари, сув эса маъшуқа ҳажрида тўкилган кўз ёшлар. Муболағанинг бу тарзда кучайтирилиши ҳижроннинг ҳаддан ортганлиги, соғинч азобининг ниҳоясизлигидан далолатдир. Ғазалнинг кейинги мисраларида сариғ юз ва кўз ёш бошқача ифодада берилади:

Бу сариғ рухсор уза ҳар сари ашким ўхшашур
Бир хазонлиғ боғ ичинда ҳар тараф равшан зулол.

Шоирнинг ҳижронда тўккан кўз ёшлари хазонли боғдан оқиб ўтувчи сувга қиёсланади. Навоийнинг синчков нигоҳидан кузда оқадиган сувларнинг тиниб қолиши ҳам четда қолмайди. Аввалги байтда “сув ва қизарган барглар” кўз ёши ва бағир қонига параллел қўйилса, кейинги байтда “сариғ рухсор” ва “ашк” “хазонли боғ” ва “равшан зулол”га ёнма-ён тасвирланади [4, 214]. Шунингдек, ушбу ғазалда Шарқ шеъриятида энг кўп қўлланувчи образлар – Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсонага ишора ҳам келтирилган:

Шох Мажнундурки, урён бўлубон афғон қилур,
Барг Лайлодурки, нилу игна бирла қазди хол.

Шоир баргларидан айрилган шохларни Мажнунга, шохни безаб турган баргларни эса Лайлога қиёслайди. Барглар тарк этган ўринларда эса гўё игна билан қазилган холга ўхшаш излар қолади. Навоийнинг санъаткор нигоҳидан четда қолмаган гўзал ва ҳаётий асосларга эга ўхшатиш! Шоир наздида фақат висол ишқнинг хазонрез боғини баҳорга айлантира олади:

Васл айла ишқ боғининг баҳоридин нишон,
Ҳажр, билгил гар тилар бўлсанг, хазонидин мисол.

Бу байтда Навоий тазод санъатидан маҳорат билан фойдаланади. “Васл ва ҳажр”, “баҳор ва хазон” ўзаро бир-бирига қарама қарши қўйилади. Ҳамма замонларда ошиқларнинг муроди висол бўлганидек, бу байтдан ҳам лирик қаҳрамоннинг кўнгил муроди ёр васли эканлиги аён бўлиб турибди. Ёридан айрилиш, ҳижронда қолиш ошиқ умрининг хазони сифатида талқин қилинади. Шунингдек, фикр юритаётганимиз хазон фасли ва ҳижрон мотивининг ёнма-ён, уйғунликда тасвирига мана шу байт энг яхши мисол бўла олади. Кейинги байтда куз фасли фалсафий хулоса чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Шоир наздида ортиқча саркашлик ва ноздан фойда йўқ. Зеро, боғ куз хазонидан омон бўлмагани каби ёшлик, гўзаллик ва ҳусн ҳам ўткинчидир:

Бу чаман раънолари саркашлик этгандин не суд
Ким, хазон торожидин эмин эмастур бир ниҳол.

“Албатта, умрнинг лаҳзасини ғанимат сезиб хуш ўтказиш донолик ва донишмандликнинг асосий хусусиятларидандир” [5, 132]. Фурсатни қадрлаш, умрни

https://buxdu.uz

мазмунли ўтказиш, адабиёт ва санъатнинг, умуман, ҳаёт фалсафасининг асосий тамойилларидан биридир. Файласуф шоир сифатида ҳазрат Навоий буни жуда яхши англайди ва куз фасли воситасида айтилган юқоридаги сингари мазмунан етук байт мумтоз шеърият жавоҳирлари қатидан мустаҳкам ўрин олган. Биз назм ихлосманди, Навоий ижодининг бир мухлиси сифатида юқоридаги байтни шоҳбайт сифатида баҳолаймиз. Зеро, ғазалдан алоҳида олинганда ҳам байт мазмуни ва шоирнинг фикри ўқувчига тўла англашилиб турибди. Фалсафий мазмунга эгалик эса фикримизни янада мустаҳкамлайди.

Эй Навоий, бу хазон ўлғай баҳор ила бадал,
Келса давлат гулбуни шаҳзодайи соҳибжамол [2, 308].

Кимга бўлмасин, ўз вақтида қадрланган меҳр-муҳаббатгина кишига бахт ато этади. Шунинг учун ҳам шоир: “Эй Навоий, бу хазон ўлғай баҳор ила бадал”, яъни фурсат борида кел ва хазонли дунёмни баҳорга айлантир, дея ёзади. Зероки, қалбимизга яқинлар билан бўлсаккина – хазонимиз баҳорга айлангуси, унда кўклам жилва қилгусидир.

Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган қуйидаги ғазал ҳам куз манзараси ва лирик қаҳрамон кайфиятини тасвирлашда аҳамиятли:

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин
Сарғайиб мендек тушар айру сиҳийқад ёридин [1, 354].

Дастлабки байтдан аён бўладики, лирик қаҳрамон – ҳижрондаги ошиқ, унинг ҳолати сарғайиб тушаётган баргларга қиёсланган. Куз келгач, барглар дарахтлардан узилиб тушгани сингари лирик қаҳрамон ҳам “сиҳийқад” – гўзал қоматли [3, 555] ёридин айрилган. Шоир бу ғазалда ҳам аввал таҳлил қилган ғазалимиздаги сингари хазонли боғдаги қуриган шохларни мажнунга қиёслайди. Шунинг учун ҳам куз ҳақидаги шеърларда Лайли ва Мажнун образини такрорланувчи образлар сирасига киритиш мумкин. Унда ёрсизлик сабаб жондан асар йўқ. Ёридин кечиб – “илиг юб” [3, 270] ўзини тупроққа топширади:

Ҳар қуруғон шох мажнундурки туфроғ уйига
Топшурур ҳар дам илиг юб нозанин беморидин.

Кейинги байтда шоир куздаги салқинлик ва барглардаги сариғликни ошиқликнинг белгиси дея ёзади:

Боғ аро, деманг, хазонким ошиқ ўлмиш мен кеби,
Билгурур совуғ нафас бирла сариғ рухсоридин.

Гўё хазонлар ҳам ошиқ. Улардаги сариғлик шундан, куз табиатидаги салқинлик эса ошиқлар чеккан оҳу-фиғондандир. Шоир наздида ишқ изтироби, ошиқликнинг заҳмати бор. Унинг азоби ҳижронда, айниқса, бисёр бўладики, Ёр васлига машаққатсиз эришиш мумкин эмаслигининг исботи бу.

Ҳар оқар сувни хазон тийғи қилибдур зарфишон,
Кескали меҳру вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

Маълумки, “нахл” арабча дарахт дегани [3, 454], бу байтдаги “хазон тийғи”ни айрилиқнинг рамзи сифатида тушуниш мумкин. Хазон тийғи меҳр ва вафо дарахтини кесгач, оқар сувларга зафарон тусли япроқлар зар мисоли тўкилади – байтнинг сўзма-сўз маъноси шундан иборат. Зарнинг ранги сариқ бўлганидан, тўкилаётган япроқлар зар сочилаётганга ўхшатилган. Аммо байт чуқурроқ таҳлил қилинса, ундаги “меҳр” ва “хазон”нинг бир қадар кенгроқ мазмуни кўзга ташланади. Табиатда қуёш ердан қанча узоқлашса, унинг тафти камайиб, барглар сариқ тусга кира бошлайди. Шунда аввал куз фасли, сўнгра қиш ўз хусусиятларини намоён эта боради. Зеро, заминдаги яшиллик ва тароватнинг асл манбаи – қуёш. Қуёшнинг яна бир маъноси меҳр эканлиги инобатга олинса, инсон ҳаётида ҳам меҳр-муҳаббат, вафо камайса, қалб изтиробга тўлади, кўнгли ишқ ва меҳрга ошуфта инсон борки, “юзи сарғаяди”. Инсон фитратидаги сўлғинликни, дил тубидаги ғамгинликни ҳам айнан табиатдаги сингари меҳрнинг озлиги билан белгилаш мумкин. Ҳаётни теран нигоҳ билан кузатувчи санъаткор сифатида Навоий ушбу байтда юқоридаги сингари мазмунни ҳам назарда тутган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бинобарин, танланган гўзал поэтик манзара ҳам табиат тасвири, ҳам лирик қаҳрамон кайфиятининг чиройли далили бўла олган.

https://buxdu.uz

Бу сариғ юз бирла ўлсам куйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпечон торидин.

Байт мазмунидан англашиладики, ошиқ агар ёр ҳажрида ўлса, хазонга юз тутган чирмовуқ гулдан тобутига боғлашни васият қиляпти. Нега айнан ишпечон – чирмовиқ гул танланган? Чунки бу гул ўзи чирмашган нарса билан бирлашиб кетиш хусусиятига эга. Бу бирликнинг манбаи эса меҳр ва муҳаббат, Навоий таъбири билан айтганда эса ишқдир. Гулнинг форсча ишқ ила ўралган деб ном олишига ҳам сабаб шу. Зеро, ишқдан яралган бирликни ҳеч бир куч ажрата олмаслигига ишқпечон гули энг яхши далилдир. Шунинг учун ҳам чирмовуқ гулни бирлик ва висол рамзи дейиш мумкин.

Куйида куймиш кўнгул буким, хазондур боғ аро
Эсти бир ел, гўйиё куйган ғарибим соридин.

Бу байтда ҳам юқорида таҳлил қилганимиз каби куйган кўнгил ва куздаги совуқ шамол образи бор. Ёр ҳажрида ўртанган ошиқ қалби боғдаги хазонларга ўхшатилган. Эсаётган еллар эса ошиқнинг кўнгил оҳларидир. Совуқ шамол образи ҳижрон азобининг ҳаддан ортиқлигини ифодалайди.

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқиё,
Бода тут хуршиди жоми каҳрабокирдоридин.

Бодаеким, журъаси томғач, хазон яфроғлари
Ток баргидек қизарғай сарбасар ашжоридин. [1, 354]

Ғазалнинг ушбу байтларини тасаввуфий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилиш мумкин. Чунки бу байтларда мумтоз адабиётда кенг қўлланган соқий – бода – жом занжири мавжуд. Соқий – тасаввуфий талқинда кишини ҳаққа, ҳақиқатга яқинлашувига йўл кўрсатувчи пир, устоз; бода – ишқ, жом эса ишққа ошуфта кўнгил рамзидир. Байтда шоир инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни сақлаган ҳолда қаҳрабо кўринишли жомда бода тутишни соқийдан сўрайди. Яъниким, қалбидаги муҳаббатнинг янада кучайишини истамоқда. Зеро, фақат кучли муҳаббатгина ошиқни ўзи талпинган маъшуқага етказа олади, хазонли боғини баҳорга айлантиришга қодир.

Таҳлиллардан кўринадики, ҳар икки ғазалда куз манзараси ва лирик қаҳрамон кайфияти ўзаро уйғунликда тасвирланади. Шунингдек, бу икки ғазалнинг бир қанча муштарак ва фарқли жиҳатлари бор. Фикрларимизнинг сўнггида ўрганиш ва таҳлиллардан қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

1. Навоий ижодида фасллар образининг алоҳида ўрни бор. Улуғ шоир асарларида инсон умри табиатнинг тўрт фаслига қиёсан бадиий талқин этилади.

2. Шоир девонларида куз фасли манзараси берилган алоҳида ғазаллар учрайди. Навоий куз фаслини хазон, хазонли боғ, хазон торожи, хазон тийғи, тарзида ифодалайди.

3. Ғазалларда хазон фасли ҳижрон – ёридан айрилган ошиқ мотивига параллел тасвирланади .

4. Куз манзараси ва лирик қаҳрамон руҳиятини беришда тадриж, ташбеҳ, тазод сингари бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилган.

5. Ғазалларда “қизарган барглар”, “барги хазон”, “хазон яфроғлари” каби бирикмалар ошиқ ёки лирик қаҳрамон рамзи ҳисобланади.

6. Шунингдек, куз ҳақидаги ғазалларда “хазон”, “хазон яфроғлари”, “қизарган барглар”, “сарғайган боғ”, “сариғ юз”, “сариғ рухсор”, “коҳи юз”, “қаҳрабо жом”, “ашки ол”, қуриган шох – Мажнун, Барглар – Лайли сингари кўп такрорланувчи ифодалар ҳам учрайди.

7. Фасллар ҳақидаги шеърларда тасаввуфий маънолар ҳам ифодаланган.

8. Шоир ижодида куз фасли воситасида фалсафий хулосалар чиқарилган шоҳбайтлар ҳам учрайди.

Кўринадики, Алишер Навоий ғазалларида куз фасли тасвири рамзий-тимсолий моҳият касб этиб, бетакрор образларни юзага келтирган. Бу фасл хусусиятлари акс этган байтларда алоҳида, ёнма-ён, контраст ҳолатда ифода этилган лирик қаҳрамон – ошиқнинг қалб тўлғамлари, руҳий ҳолати, изтиробли кечинмалари гўзал поэтик манзараларда ўз аксини топган. Алишер Навоий талқинидаги куз ўқувчи кўз ўнгида бу фаслнинг инсонга нисбат

https://buxdu.uz

берилган жонли ва ҳаётий образини намоён этади. Хазон фасли тасвирланган мисраларда лирик қаҳрамоннинг кайфияти, унинг борлиққа муносабати бўртиб туради. Куз воситасида, асосан, айрилиқ, ҳижрон, ошиқ кўнгилнинг изтироблари берилади ва фасл табиатидан келиб чиқиб, тушкунлик кайфияти устунлик қилади. Юқорида таҳлил қилганимиз куз ҳақидаги икки ғазал хулосаларимизни асослайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. III том. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988. – 616 б.

2. Исҳоқов Ё. Сўз саънати сўзлиги. Зарқалам, 2006. – 128 б.

3. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.

4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – 400 б.

5. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.

УДК: 82.01

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚ ОБРАЗИНИНГ МИЛЛИЙ РУҲ ИФОДАСИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ ОБРАЗА НАРОДА В ВЫРАЖЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ДУХА В ПОЭЗИИ АБДУЛЛЫ ОРИПОВА

THE ROLE OF THE IMAGE OF THE PEOPLE IN THE EXPRESSION OF THE NATIONAL SPIRIT IN THE POETRY OF ABDULLA ORIPOV

Усарова Лайло

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ мустақил изланувчиси

СамДЧТИ ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада Абдулла Орипов шеъриятида халқ образи талқини муаммоси тадқиқ қилинган. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Ўзбекистон”, “Юзма-юз”, “Халқ”, “Оломонга”, “Тўда” каби шеърлари таҳлили асосида шоирнинг бадиий маҳорати сирлари ўрганилган. Ижодкор шеъриятида халқ образи қуйидаги уч хил кўринишда: 1) ўзи мансуб миллат; 2) онага қиёсланувчи суюкли эл; 3) халқ даражасига ўсиб чиқмаган оломон тарзида талқин этилгани аниқланган. Абдулла Орипов лирикасида халқ образи мотив образ даражасига кўтарилгани ва Ватан образи билан узвий боғлиқликда тасвирланиши исботланган.*

Таянч сўзлар: *шеърият, халқ, миллат, Ватан образи, лирика, бадиий тасвир, бадиий образ, миллий руҳ, маҳорат, поэтик талқин.*

Аннотация. *В статье исследована проблема интерпретации образа народа в поэзии Абдуллы Арипова. Рассматриваются секреты художественного мастерства поэта на основе анализа таких стихотворений, как «Почему я люблю Узбекистан», «Узбекистан», «Лицом к лицу», «Люди», «Толпе», «Орда». В творчестве поэта образ народа принимает следующие три формы: 1) нация, к которой он принадлежит; 2) любимый народ, сравниваемый с матерью; 3) орда, не достигшая уровня народа. Обосновано достижение образа народа до мотивного образа и изображение ее в тесной связи с образом Родины в лирике Абдуллы Арипова.*

Ключевые слова: *поэзия, народ, нация, образ Родины, лирика, художественное изображение, художественный образ, национальный дух, мастерство, поэтическая интерпретация.*

Abstract. *The article examines the problem of interpreting the image of the people in the poetry of Abdulla Aripov. The secrets of the poet's artistic skill considered based on the analysis of such poems as "Why I love Uzbekistan", "Uzbekistan", "Face to face", "People", "To the Crowd", "Horde". In the poet's work, the image of the people takes the following three forms: 1) the nation to which it belongs; 2) beloved people compared to the mother; 3) a horde that has not reached the level of the people. The article substantiates the achievement of the image of the people to a*

https://buxdu.uz

motivational image and its depiction in close connection with the image of the Motherland in the lyrics of Abdulla Aripov.

Key words: *poetry, population nation, the image of Homeland, lyrics, artistic description, artistic image, national spirit, skill, poetic explanation.*

Бадиий образдан айри ҳолда адабиёт ҳам, унинг энг фаол шакли саналган шеърият ҳам мавжуд бўла олмайди. Зеро, образ – бадиий адабиётнинг мавжудлик шарти, образли тафаккур эса ижод жараёнининг асосий омилидир. Миллий руҳ ифодасида бадиий образнинг тутган ўрни, айниқса, алоҳида. “Адабиётшунослик луғати” муаллифларининг ёзишича: “Аввало, бадиий образ – индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлади. Воқеликдаги ҳар бир нарса-ҳодисада турга хос умумий хусусиятлар билан унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамдир. Нарса-ҳодисанинг умумий хусусиятларига таянувчи абстракт тафаккурдан фарқли ўлароқ, образли тафаккур унинг индивидуал хусусиятларига таянган ҳолда фикрлайди” [7.43].

Абдулла Орипов шеъриятининг образлар олами ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Халқ тушунчаси, ташқаридан қараганда, умумий маънони ифодалагандек кўринса ҳам, шоир лирикасида аниқ образ сифатида намоён бўлади. Ижодкор шеъриятидаги халқ образи айнан индивидуаллаштирилган умумлашма ўлароқ, мотив образ даражасига кўтарилганини таъкидлаш керак. Абдулла Ориповнинг аксар асарларида фаол қўлланадиган бу образ миллий руҳ ифодасининг асосий омилларидандир.

Ифода этаётган мазмунига кўра, шоир шеъриятида *халқ* образининг бадиий талқинини қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) ўзи мансуб миллат; 2) онага қиёсланувчи суюкли эл; 3) халқ даражасига ўсиб чиқмаган оломон. Қай бир мазмунда қўлланмасин, халқ образи ижодкор бадиий-эстетик идеалининг асосларидан бирини ташкил этади.

Халқ образининг ўзи мансуб миллат мазмунини ифодалаши. Халққа бўлган муҳаббат ва миллий руҳ ифодаси – образнинг асосини ана шу хусусиятлар белгилайди. Шоирнинг аксар шеърларида *халқ* ва *миллат* эквивалент тушунчалар сифатида қўлланади. Жумладан, 1964 йили ёзилган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеъридан олинган мана бу сатрлар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга:
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Бу ўринда *халқ* айнан *миллат* маъносини ифодалайди. Шеър ёзилган кезлари *миллат* атамасини қўллаш имконсиз ва шеъриятда халққа (миллатга) муҳаббатни бу тарзда ёниқ ифодалаш ҳолати деярли кузатилмаган эди. “Ўзбек шеъриятида бирданига яшин чақнади, момоқалдироқ гулдиради гўё. Бу яшин сабабли ватанинг – бутуниттифоқ, миллатинг – совет, деган сохта туйғуларга ўт кетди. Бу момақалдироқ Ватан ҳақидаги кўнгилда яшириниб ётган кечинмалардан бонг урди. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” – бундай саволни унгача ҳеч ким бу тарзда кун тартибига қўя олмаган эди. Бунинг ўша замон учун қанчалик жасорат бўлганини ҳар бир инсофли одам эътироф этади” [2.5].

Ҳақиқатан, шеърда ўша давр учун хос бўлмаган фикрнинг чақмоқдай кескирлиги, мавзуга бутунлай кутилмаган жиҳатдан ёндашилгани, миллий руҳнинг тиниқ ифодаси ҳамда бадиийтнинг юксак экани кузатилади. Ватан *(Ўзбекистон)* ва халқ *(миллат)* образлари ўзаро поэтик яхлитлик касб этади. Шоир талқинича, Ватанни севишдан мурод – халқ *(миллат)*. Она халқнинг истиқомат маскани эканига кўра Ватан – кўнгил қўймаса бўлмайдиган маъво. Шеърда: *Халқим, тарих ҳукми сени агарда Мангу музликларга элтган бўлсайди, Қорликларни макон этган бўлсайдинг, Меҳрим бермасмидим ўша музларга?* – дейилишининг сабаби шунда.

https://buxdu.uz

“Ўзбекистон” қасидаси – ўзбек шеърияти тарихидаги Ватанимиз шаъни юксак миллий руҳ билан васф этилган шоҳ асарлардан бири. Қасида она Ўзбекистоннинг шавкатли, шунинг баробарида, мураккаб ва зиддиятли воқеаларга бой ўтмиши, халқимиз тарихининг нурли ва зулматли кезлари, давлатчилигимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутган буюк тарихий сиймолар ибрати, миллатимизнинг жаҳон илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси каби масалалар мукаммал поэтик тизим билан юксак бадиий талқин этилгани жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Қасидада Ватан қисмати ҳақида сўз кетар экан, халқ образи бадиий тасвирнинг марказида туради:

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Шоир она халқини *баридан суюк, буюк* сифатлари билан улуғлайди, *жон-таним* дея эъзозлайди.“Эътиборга молик яна бир жиҳати, – деб ёзади профессор Нурбой Жабборов, – мазкур шеърда шоирнинг халқига бўлган меҳри Ватанга муҳаббати билан уйғунликда тасвирланганидир. Абдулла Орипов буюкларга даҳо бахш этган, энг сўнгги нонини ҳам ўзи емай ўғлига тутган, фарзандлар шонини асрлардан опичлаб ўтган, суюклардан суюк она халқини жону тан баробарида ардоқлайди. Муҳими, бу ардоғини бетакрор мазмун ва тутилмаган ташбеҳлар билан бадиий кашфиёт мақомида назм силкига чекади” [1.120].

Шоир халқ (миллат) ва Ватанга бўлган муҳаббатини баланд пафос билан изҳор этар экан, унинг бошидан ўтган оғир замонларни ёдга олади. Ўтмишдаги синовларни енгиб, улардан омон ўта олган халқини алқайди:

Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди Будда, ўтди Зардушти.
Ҳар учраган нокасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз ғазабга тўлиб
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла Орипов миллий руҳни ифодалаш борасида тенгсиз ижодкор. Шоир асарлари тили ижодкорнинг ҳар бир сўз, ҳар бир жумла устида заҳмат чекишидан, сўзнинг маъно қирраларини нозик ҳис этишидан, бадиий матнда санъаткорона қўллай олишидан дарак беради. Шунинг учун шоирнинг ҳар бир шеъри ўқувчи қалбидан чуқур жой олади. Мазкур иқтибосдаги *Ҳар учраган нокасу нодон, Она халқим, ёқангдан тутди* сатрлари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. *Ёқадан тутмоқ* – қалбга тез ва кучли таъсир қиладиган чинакам ўзбекона ибора. Юқоридаги мисраларни таҳлил этар экан, адабиётшунос Сувон Мели мана бундай ёзади: “Ёқадан тутмоқ” идиоматик ибораси беозор турган бировга озор бериш ва кўпинча, ноҳақ озор беришни киши кўз олдида аниқ жонлантиради. Бу ибора “Она халқим, ёқангдан тутди” сатрида эса айрича теран маъно кашф этадики, аслида, умумий тушунча бўлган халқ бу сатрда (бутун шеърда ҳам) жуда конкрет лирик персонажга айланади” [5.194].

Шеърда *Жалолиддин самани* – халқ образининг янада индивидуаллаштирилган рамзи. Чингиз дунёдан йўқотмоқчи бўлганда Амударёдан сакраб ўтгани – она халқ жасоратининг

https://buxdu.uz

тимсоли. “...саман отлар, одатда, чидамли, чопқир ва кучли бўлганидан шеърда ўзига ортилган бадиий “юк”, яъни Амударёдан сакраб ўтиш каби муболағали ҳолатнинг ҳаққонийлигини таъминлайди. Шоир тарихий фактдаги Ҳинд дарёсини Амударё билан алмаштиради, акс ҳолда, чет мамлакатдаги дарё билан халқнинг ўз юртини ҳимоя қилиб, чет эл босқинчиларига қарши кураши ўртасидаги номутаносиблик поэтик ҳисни барбод этган бўлар эди” [5.595].

Халқ – онага қиёсланувчи суюкли эл образи сифатида. Мақоллар нафақат халқ ҳаётининг ойнаси, балки элнинг орзуларию армонлари ифодаси сифатида ҳам қадрлидир. Жумладан, “*Тўра қўноқ, эл работ”* мақоли турмуш тажрибасидан олинган. Ҳар қандай мақолда миллат руҳи ифодаланиши эътиборга олинса, улар моҳиятининг шеърдаги бадиий талқини нечоғлиқ аҳамиятли экани маълум бўлади. Абдулла Ориповнинг “Халқ” шеъри ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мана, шеър қандай сатрлар билан бошланади:

Ҳамма нарса ўтади, мансаб, шону шавкат ҳам,
Ширидан ширин қолур, талхдан эса қолур талх.
Бир куни тупроқ бўлур тенгсиз шамси талъат ҳам,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Мумтоз шеъриятда халқ мақолларидан, масал ва ҳикматлардан фойдаланиш *ирсоли масал* деб номланиши маълум. Ушбу бадиий санъат “...гапда ёки шеърда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни муайян мақсадда тамсил йўли билан ишлатмоқдир” [3.47]. Абдулла Орипов замонавий шеъриятимизда бу санъатни юксак маҳорат билан ва энг кўп қўллаган шоир дейилса, асло муболаға эмас. Юқоридаги мисраларда мазмуни сақлангани ҳолда “*Тўра қўноқ, эл работ”* мақоли шоир томонидан ижодий қайта ишланиб, *“фақатгина қолур халқ”* шаклига келтирилган. Шоир туроқнинг мукаммаллигини сақлаш, шеърда ифодаланаётган мазмунга кучлироқ урғу бериш мақсадида бир сатрда мақол мазмунини жузъий ўзгариш билан такрорлайди: “Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ”.

Аён гапки, адолат элнинг кўз, қоши бўлур,
Ургани ун оши-ю, сўкса сўк оши бўлур.
Юрт оғирин тортолган асли юрт боши бўлур,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Адолат элнинг кўз-қошига қиёсланиши, “Ургани ун оши, сўккани сўк оши” мақолига юкланган теран мазмуннинг ҳаётийлиги, халқона “Юрт оғирин тортиш” иборасида ифодаланган туйғунинг самимияти – барчаси шеърнинг ушбу банди таъсирчан ва бадиий юксак бўлишини таъминлаган. Умуман, Абдулла Орипов шеъриятида бирорта ҳам ясама сўз ёки ибора ишлатилмайди. Миллий руҳни бетакрор ифодаловчи соф ўзбекона сўз ва ибораларнинг маҳорат билан қўлланиши, фикрнинг беқиёс фалсафий кўламга эга экани, туйғунинг самимийлиги ва ростлиги, теран мазмун ва бадиий шаклнинг бениҳоя мутаносиблиги – Абдулла Орипов шеъриятининг ўзига хослигини белгиловчи асосий омиллар. Шоирнинг ўзи эътироф этган мана бу сўзлар ҳам бунинг исботидир: “Халқнинг ўлмас руҳиятини, қадриятларини, миллий ўзига хослигини ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужассам эта олган ҳақиқий ижод намуналаригина яшашга ҳақли” [4.170].

Абдулла Ориповнинг маъно қамрови кенг, мураккаб композицияли “Юзма-юз” шеърининг ҳам ўзак сатрлари халқ образи талқини билан боғлиқ. Шоир қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, она халқи бир лаҳза ҳам хаёлидан кўтарилмайди. Буни шеърда шоирнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди:

Мен уни ўйлайман тун кечаларда,
Она халқим, дейман, меҳрим оқар жим.
Кўзимга баъзида кўринса жанда
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман, халқим.

Шеър шўролар собиқ Иттифоқдаги миллатларга бахт ато этгани ҳақида бонг ураётган, тенглик, адолат, фаровонлик бердик, дея оғиз йиртаётган 1964 йилда ёзилган. Совет мафкурачилари тирноқ орасидан кир қидираётган ўша оғир замонда она эл дардини бунчалик куюнчаклик билан шеърга солиш осон бўлмагани аён. Бу ҳол Абдулла Ориповнинг

https://buxdu.uz

ҳар бир нафасида халқини ўйлаган, унинг қалбидаги жароҳатларга малҳам излаган миллатпарвар ижодкор бўлганини кўрсатади.

Не-не замонлар ўтса ҳам толе кўрмаган, пиширган таомидан ўзи бенасиб қолган, ўзи киймай, ўзгаларга кийдирган, юздузни кашф этиб, авом номини олган, Фурқатлари бадарға қилинган, Алишерлари безгакка чалинган она халқи учун куйиниш ҳисси шеърнинг ўзак мисраларини ташкил этади. Академик Матёқуб Қўшжонов фикрича: “Бу аламли нидолар – шоир қалбининг қатларидан сизиб чиққан туйғулар. Бу туйғуларнинг тасвиридан кейин фикр маълум бир ниҳояга етгандек. Бироқ бу билан ҳам шеър тамом бўлмайди. Энди шоирнинг диққат марказида – “миллион эгатларга сочилган ўзбек” [8.261].

Ўша кезлари “Оқ олтинни олтин қўллар яратади” деган ялтироқ шиорлар остида ўзбек халқи эксплуатация қилингани шоирнинг бир аламини минг қилган. *“Миллион эгатларга сочилган ўзбек”* – ёлғиз шу сатр замирида нафақат бир шеърга, ҳатто, бир неча достонга ҳам сиғмайдиган чўнг алам, улкан изтироб ифодаси бор. Шундан кейин шеърга жондан суйган она эли – миллати тимсолидаги *рангпар сингил* образи кириб келади. Шоир унинг маъюс ҳолатини кузги райҳонга қиёслайди. “Рангпар” сўзи “ранги ўчган, ранги заҳил, синиққан, рангсиз” каби маъноларни англатиши назарда тутилса, бу образдан шоир кўзлаган мақсад аён бўлади [6.349]. Шунинг ўзиёқ шоир қалбидаги куйиниш ҳисси қанчалик ортиб борганидан дарак беради. Нурбой Жабборов хулосасига кўра: “Рангпар сингил” – кундузи пахта даласидан, кечаси рўзғор ташвишидан қадди дол, касалманд, фарзанд тарбияси билан шуғулланишга ҳам вақт топа олмайдиган ўзбек аёли тимсоли” [2.9].

Мен сени ўйласам, синглим – рангпарим,
Гоҳо тўлғонаман сўзсиз, ҳасратда.
Сен унда тер тўксанг, синглим, жигарим,
Мен нечун юраман ахир ишратда?!
Йўқ, рангпар бўлмасин ҳеч ким ҳам, йўқ, йўқ!
Сингиллар полвондай юрсинлар бардам.
Ва лекин табиат бермайди ҳуқуқ
Полвон деб уларни унутмоққа ҳам...

Рангпар сингил – она халқ тимсоли. Она элининг аҳволини ўйлаганда, шоир кўнгли ҳасратларга тўлади. Шоир синглиси (унинг тимсолидаги халқи), жигарининг кеча-кундуз пахта даласида тер тўкишини ўйлаган виждонли одам ишратда юра олмаслигидан сўз очади. *“Йўқ, рангпар бўлмасин ҳеч ким ҳам, йўқ, йўқ!”* мисрасида “йўқ” сўзи уч марта такрорланиши ижодкор қалбидаги изтиробнинг даражаси нечоғлиқ кўламли эканини кўрсатади. Умуман, Абдулла Орипов шеъриятида сўзлар шу қадар пухта бадиий мантиқ асосига қуриладики, ҳар бир сўз замирида шунчалик катта поэтик юк бўладики, бу ҳол шоирнинг бадиий маҳорати нечоғлиқ юксак экани исботидир.

Сенинг қаторингда она халқ бордир:
Сен каби меҳнаткаш, сен каби суюк.
Унинг ташвишини унутмоқ ордир,
Уни унутганлар – тўнкадир, куюк.
Сингилга – халқимга боқсам доимо
Улуғ келажакни айладим орзу.

Абдулла Орипов эътиқодича, меҳнаткаш ва суюк она халқ ташвишини унутмоқ – ор. Уни унутганларни ижодкор куюк тўнкага ташбеҳ этади. Сингилга ва унинг тимсолидаги халқига боқар экан, шоир унинг келажаги улуғ бўлмоғини орзу қилади. Лекин ижодкорнинг бошқа асарларидаги каби “Юзма-юз”да ҳам кечинмалар алмашиниб туради. Авлод қонида оталарнинг буюк шиддати жўш урмоғини истаган шоир худбин тенгдошига ғамгин боқади, кўлмак давра кўрса, кўнгли эзилади ва қалбидаги туйғулар тўфони натижасида мана бундай сатрларни яратади:

Халқим, келажагинг ўшалармикин,
Халқим, шундайларга қолмасин кунинг...
Сени, она халқим, севаман жондан,

https://buxdu.uz

Сенинг ташвишингни ташвишим дейман.
Нима қилолардим? Фойдам кам гарчанд,
Бироқ мен ўзимча ғамингни ейман.

Она халқ ташвишини ўз ташвиши, унинг бахтини ўз бахти деб билиш, шоир наздида, ҳар бир фарзанднинг бурчидир. Лекин худбинликка мойиллик ҳам инсон табиатига хос туйғу. Ўзгалар учун куйина билиш ҳисси ҳаммага ҳам берилмаган ахир. Шоир инсон инсон учун худди ака-сингилга ачинганидай ёш тўка билишини, одамлар она халқ бахти деб ҳар қандай вазиятда бир сафда тура олишини орзу қилади. Аслида, шоирнинг ўзбек халқи мисолида айтаётган бу хулосалари, миллатидан қатъи назар, умуминсониятга дахлдор туйғулардир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, чинакам шоир ўз халқининг қисмати хусусида фикр юрита туриб, умумбашарий аҳамиятга молик ғояларни тараннум этади.

Халқ даражасига ўсиб чиқмаган оломон талқини. Оломончилик кайфияти халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлиши йўлидаги энг катта тўсиқдир. Чунки оломон ўзига ва оламга тафаккур назари билан боқмайди. Миллий ўзлик деган туйғу унга бегона. Миллатнинг тарихи ва бугуни уни заррачалик қизиқтирмайди. Келажак ҳақида эса мутлақо ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ана шу хатарли тоифа ҳақидаги “Оломонга” шеърини Абдулла Орипов 1980 йили ёзган. Бу шеър ўзбек адабиётида, миллий шеъриятимизда чинакам воқеа бўлгани маълум.

Машраб осилганда қаёқда эдинг?
Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй, оломон?!

Абдулла Орипов талқинича, бу тоифанинг ажралиб турадиган хусусиятларидан бири – томошага ўчлик. Шўролар ҳукумати барча қабоҳатларни халқ номидан амалга оширгани маълум. Миллатнинг фидойи фарзандлари қатағон қилинганда, уларга “халқ душмани” ёрлиғи ёпиштирилган, улар устидан адолатсиз ҳукм ҳам халқ номидан ўқилган. Шоир оломоннинг халқ даражасига ўсиб чиқа олмагани, унинг қаршисида ҳасратли ўйга толиши ҳақида ёзади.

Лирик меросидаги аксар шеърлари қатори “Оломонга” шеъри ҳам Абдулла Ориповнинг одамзод ва жамият ҳаётига теран фалсафий баҳо бера оладиган мутафаккир шоир экани исботидир. Эътиборли жиҳати, у айни шу мавзуга доир ягона шеър эмас. Шоирнинг “Эверест ва уммон” тўплами “Тўда” сарлавҳали шеър билан очилади. Шеърнинг аввалида минг йиллардан буён жами ҳайвонлар – бўрилар, шоқоллар, шерлар, арслонлар тўда-тўда бўлиб яшаб келгани, бирга ов қилишиб, егуликни бирга егани ҳақида сўз боради. Кейинги сатрларда тўданинг ажралиб турадиган хусусияти мана бундай талқин этилади:

Тўданинг босқини даҳшат жуда ҳам,
Мамонтни йиқитган бир тўда одам.

Агарда қўзиса тўданинг феъли,
Унга тенг келолмас сойларнинг сели.

Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар,
Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар.

Абдулла Орипов лирикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, шеърнинг дастлабки сатрларида шоир кўзлаган ижодий ният сездирилмайди, яширин туради. Сатрдан сатрга ўтган сайин матннинг фалсафий моҳияти оз-оздан очила боради. Якунловчи

https://buxdu.uz

мисраларда ўқувчи хаёлига келтириши қийин бўлган катта фалсафий поэтик хулоса чиқарилади. Ушбу шеърда ҳам айни ҳолат кузатилади. Тўданинг босқини даҳшатли бўлиши, бир тўда одам, ҳатто, мамонтни ҳам йиқита олиши, феъли қўзиса, сойларнинг сели ҳам унга тенг кела олмаслиги ҳақидаги мисраларда ҳам ижодий ният охиригача англашилмайди. *"Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар, Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар"* сатрларида тўданинг хусусияти нисбатан яққолроқ очилади: яъни бу тоифани ҳаракатга келтирувчи асосий куч – нафс қутқуси. Ана шу қутқу уни ёвузликка, шафқатсизликка бошлайди. Энг даҳшатлиси, ёвузлик қилишининг сабаби очлиги эмас – очкўзлиги, қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизлигидир. Шеър қуйидагича хулосаланади:

Ирсият сўзини айтишмас бекор,
Барчаси то ҳануз йўқолмаган, бор.

Бир ҳисни яшириб ахир нетаман,
Тўдани кўрганда қўрқиб кетаман.

Ушбу шеърдаги *тўда* моҳиятан *оломон*нинг вориси, дейиш мумкин. Фақат у замонга мослашган, ўз манфаати йўлида *оломон*дан кўра ҳам айёрроқ, қора ниятига эришмоқ йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган тоифа. Абдулла Орипов қарашича, оломон ҳам, тўда ҳам халқ даражасига ўсиб чиқмаган тубан тоифалар саналади. Оломонлик ва тўдалик кайфияти одамийликка зид ва жамият тараққиёти йўлидаги тўсиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов шеъриятида *халқ* етакчи ўринда турувчи образлар сирасига киради. Шоир қайси мавзу ёки жанрда ёзмасин, шеърларида она халқига бўлган муҳаббат туйғуси бор кўлами билан акс этади ва миллий руҳни бетакрор ифодалашга хизмат қилади. Ижодкор лирикасида *халқ* образи *мотив образ* даражасига кўтарилган ва *Ватан* образи билан узвий боғлиқликда тасвирланади. Миллат атамасини қўллаш мумкин бўлмаган шўролар замонида шоир бу истилоҳ мазмунини *халқ* тушунчаси орқали ифодалади. *Халқ* ижодкор шеъриятида *миллат, онага қиёсланувчи суюкли эл* маъноларини ифодалаб келган.

Шоир лирикасида *оломон, тўда* тушунчалари халқ даражасига ўсиб чиқмаган тоифа, жамият тараққиётининг кушандаси сифатида бадиий талқин этилган. Табиийки, бир мақола доирасида Абдулла Ориповдек замонамизнинг буюк шоири ижодида халқ образи талқини масаласини тўлақонли ёритиш имконсиз. Бу борадаги илмий изланишлар муттасил давом этмоғи зарур, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. *Жабборов Нурбой. Замон, мезон, шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.*
2. *Жабборов Нурбой. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат. / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Т.: Mumtoz so'z, III китоб, 2014.*
3. *Исҳоқов Ёқубжон. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O'zbekiston, 2014.*
4. *Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт жилдик. Тўртинчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.*
5. *Сувон Мели. Сўзу сўз. – Т.: Sharq, 2020.*
6. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007.*
7. *Қуронов Дилмурод ва б. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013.*
8. *Қўшжонов Матёқуб. Танланган асарлар. – Т.: Sharq, 2018.*

https://buxdu.uz

NAVOIY GULSHANI

YOR AGAR BAZMI ARO G‘AMGINLARIN SHOD AYLASA…

Safarova Hilola Oxunjonovna
BuxDU o‘zbek adabiyoti kafedrasi dotsenti

Buyuk iste’tod egasi Alisher Navoiyning “Badoye’ ul-vasat” devonidan o‘rin olgan 551-g‘azal shoir she’riyatining o‘ziga xosligini ko‘rsatib bera oladigan go‘zal durdonalardan biridir. G‘azal yetti baytdan iborat bo‘lib, oshiqona g‘azallar sirasiga kiradi. G‘azalda matla’ baytda –a-a tarzidagi qofiyalanishga amal qilingan bo‘lib, keyingi baytlarda -b-a, -v-a, -g-a, -d-a, -e-a, -i-a shaklida qofiyalanish tizimini hosil qilgan: shod, yod, ozod, barbod, faryod, mu’tod, irshod, odamizod so‘zlari qofiya va aylasa so‘zi esa radif bo‘lib kelgan. Oxirgi bayt – maqtada esa shoir taxallusi keltirilgan.

G‘zal aruzning ramali musammani mahzuf bahrida yozilgan.
Yor a-gar baz/ -mi a-rog‘am/ -gin-la-rin shod/ ay-la-sa,
Ro -zio‘l -dum,/ kosh men g‘am –gi /-nini ham yod/ aylasa.
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
Fo –i – lo -tun / fo –i - lo -tun/ fo –i -lo -tun / fo –i -lun

G‘azaldagi izohtalab so‘zlarga ham bir e’tabor qaratsak: **Afg‘on –** fig‘on, nola, yig‘i, faryod. **Faryod** – baqirib yig‘lash, fig‘on, nola, afg‘on. **Avlo -** afzal, yaxshi, tuzuk. **Bekaslik –** yolg‘izlik. **Mu’tod –** ko‘nikkan, odatlangan, o‘rgangan.**Shayx –** diniy ilmda yuksak mavqega ega bo‘lgan kishi; ruhoniylar peshvosi, pir.**Zuhd –** dunyo ishlaridan voz kechib, toat-ibodat bilan shug‘ullanish. **Rizo –** rozilik, ko‘nish. **Ma’lul** – ranjigan, malol kelgan, g‘amgin, xafa. **Riyo** – o‘zini yomonliklardan saqlagan qilib ko‘rsatish, munofiq, ikkiyuzlamachi.**Yorliq –** vahiy, ilohiy xabar; do‘stlik, birodarlik. **Osib –** zarar, ziyon; kulfat, ofat. **Irshod –** yo‘lga solish, o‘rgatish, rahbarlik qilish.**Yorliq –** do‘stlik. **Naxl-** ko‘chat, nihol, yoshdaraxt. **Sarv**– tik o‘sadigan, qishda ham yashil bo‘lib turadigan chiroyli bir daraxt. **Sabo** – tonggi yengil shamol, tonggi mayin shabada. **Dayr** – butxona. **Fano** – halok bo‘lish, yo‘q bo‘lish, o‘lish; o‘lim. **Oyin** – odat, rasm, qiliq.

Yor agar bazmi aro g‘amginlarin shod aylasa,
Rozi o‘ldum, kosh men g‘amginni ham yodaylasa.

Matla’da yor bazm qilib, g‘amboda bo‘lgan ko‘ngillarni shod qilayotganda, koshki, mendek uning ishqida g‘amga botgan bechorani ham bir eslab o‘tganida undan rozi bo‘lar edim deyilgan. Bazm – g‘am-tashvishlarni unitish, xursandchilik yig‘ini. Demak, oshiq o‘sha yerda o‘zi bo‘lmasa ham, yorning bazmda uni bir eslab o‘tishi, uning ko‘ngli bazmda o‘tirgandek shod bo‘lishiga ishora qilingan.

Naxli qaddig‘a sabodin yetsa oseb o‘zni bor,
Sadqasi yuz sarv yanglig‘ banda ozod aylasa.

Yuqoridagi misralarda oshiq agar yorning nihol qomatiga sabo, ya’ni tongda yengil esadigan shamoldan ziyon yetsa, uning poyiga yuz qulni ozod qilishga tayyorligi aytib o‘tilgan. Bu yerda shoir yorni- naxlga ya’ni yosh niholga va bandalarni sarvga o‘xshatib, chiroyli tashbeh qilgan. Nima uchun yor yosh niholga o‘xshatilgan. Chunki mayin shabada hech qachon giyoh va daraxtlarga shikast yetkaza olmaydi. Mana shu mayin shabada orqali ma’shuqaning yosh, chiroyli va juda nozikligiga ishora qilinyapti. Yana shu baytda shoir naxl, sarv va sabo so‘zlarini ketma-ket keltirib, g‘azal badiiyatini oshirishda tanosub san’atini ham vujudga keltira olgan.

Bog‘bon qaddu yuzungni ko‘rsa bog‘ ichra, ne tong,
Sarvini gar o‘tda yoqsa, gulni barbod aylasa.

https://buxdu.uz

Bog‘bon juda chiroyli, rang-barang gullarni o‘stirib, bog‘ yaratgan shaxs. Shoirning aytmoqchi bo‘lgan fikriga diqqat qilaylik: u yorni to‘g‘ridan-to‘g‘ri go‘zallikda tanho deyish o‘rniga, bog‘bon o‘zi o‘stirgan gullar ichida yorning qaddu jamolini ko‘rib qolsa, barcha tik o‘sadigan, qishda ham yashil bo‘lib turadigan chiroyli sarv daraxtini o‘tin qilib yoqib, o‘zi o‘stirgan gullarni payxon qilib yuborardi. Bu bilan shoir ma’shuqaning o‘ta go‘zalligiga ishora qiladi. Bog‘bon, bog‘, sarv, gul so‘zlari esa tanosub san’atini hosil qilib, g‘azal jozibadorligini oshirgan.

Ko‘nglum afg‘oni anda ermas ajab, gar yetmasa,
O‘t uni yetmas quyoshqa, garchi faryod aylasa,

Oshiq qalbining faryodi yorga borib yetmaganidan ajablanmang. Chunki ko‘ngil qancha faryod qilsa ham, undan chiqayotgan o‘t-olov quyoshga yetib bormaydi. Buning sababi quyosh juda uzoqda, qo‘l yetmas joyda joylashgan. Baytda quyosh ma’shuqaga o‘xshatilib, tashbeh san’atini yuzaga keltirgan.

Ey ko‘ngul, chun olam ahlig‘a vafo yo‘qtur, kishi
Avlo ulkim, o‘zni bekaslikka mu’tod aylasa.

Alisher Navoiyning ishqiy mavzudagi g‘azallarida ham pand-nasihat g‘oyalarini targ‘ib qilinishi kuzatiladi. Mazkur g‘azalning beshinchi baytida xuddi shu holatni kuzatishimiz mumkin. Shoir ko‘ngilga murojaat qilib, olam ahlida vafo yo‘qligidan shikoyat qilib, eng afzali yolg‘izlikka ko‘nikish degan fikrga keladi. Bu baytda shoir nido, tanosub san’atlari orqali g‘azal badiiyatini oshirib, oshiqning holatini takrorlanmas chizgilarda bera olgan.

Shayx ila zuhdi riyoyidin malul o‘lsam, qani
Dayr piri kim, fano oyinin irshod aylasa.

Mazkur baytda lirik qahrmon o‘ziga malomat qiladi. Taqvodor zohid va soxta shayxlarning zuhdi riyosidan qayg‘udaman. Shuning uchun menga dayr piri (ilohiy ishq bilan qalbi to‘lgan orif) fano (o‘zini Xudoga topshirish) bo‘lish uchun to‘g‘ri yo‘lni (irshod) ko‘rsatsa.

Ey, Navoiy, odamilig‘din yiroqdur sen kebi,
Yorliqqa kimki mayli odamizod aylasa.

Baytning nasriy bayoni quyidagicha: Navoiy sen (ma’shuqa) kabi odamilig‘dan yiroq. Kimki uni do‘st aylasa, u odamizotdir. Maqta’da shoir odamiylik va odamizod so‘zlariga katta mas’uliyat yuklaydi. Ishtiqoq san’ati orqali odamiylik va odamizod so‘zlariga urg‘u berib, hamma insonlar ham insoniylik xususiyatlarini namoyon eta olmasligini ta’kidlalab o‘tadi.

Alisher Navoiy g‘azallariga xos mushtarak xususiyatlarning yetakchisi –har bir g‘azalning matlaida ifodalangan poetik fikrning baytdan baytga tadrijan o‘sib maqtagacha rivojlantirilib, shu g‘oyaning betakror ifodalanishiga mos tasviriy vositalardan foydalanishidir. Shoir shu asosda butun g‘azal davomida bir mavzuning xilma-xil qirralarini ochib bera olgan.

Diqqat qilinsa, g‘azalda ishq va uning iztiroblari kuylangan. Shoir shu g‘oyani yetti bayt davomida tadrijiy rivojlantirgan holda ifodalagan, uni visol oromi emas, balki yorning ozorlari, ayriliqning azobi jozibalantirgan.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, har birimiz oldimizga qo‘yilgan maqsadga erishishimiz uchun, qator mashaqqatlarga duch kelamiz. Bu mashaqqatlarni yengishimiz uchun esa sabr qilib, harakatdan to‘xtamay, kurashib, intilishimizni so‘ndirmay oldinga harakat qilishimiz lozim.

https://buxdu.uz

УДК: 659.1

ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ РЕКЛАМАГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ И СОВРЕМЕННЫЕ РЕКЛАМНЫЕ ОСОБЕННОСТИ
FEATURES HISTORICAL AND MODERN ADVERTISING

Мустақимова Қундуз Собировна
БухМТИ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада реклама тушунчаси ва тарихи, Ғарб ва Шарқда рекламанинг шаклланиши, тадрижий такомили, рекламанинг турлари, реклама матнининг тили ва услуби, тарихий ва замонавий реклама, рекламанинг ҳозирги даврдаги вазифаси ва аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистонда реклама ишининг тараққий этиши, соҳадаги ютуқ ва муаммолар ҳақида айрим хулосалар келтирилган.*

Таянч сўзлар: *реклама, реклама тарихи, Ғарб ва Шарқда реклама, реклама матнининг тили ва услуби, тарихий ва замонавий реклама.*

Аннотация. *В статье рассматриваются понятие и история рекламы, формирование рекламы на Западе и Востоке, ее постепенное развитие, виды рекламы, язык и стиль рекламного текста, историческая и современная реклама, актуальная роль и значение рекламы. а также Закон Республики Узбекистан «О рекламе» и некоторые выводы о развитии рекламы в Узбекистане, достижениях и проблемах в этой области.*

Ключевие слова: *реклама, история рекламы, реклама на Западе и Востоке, язык и стиль рекламного текста, историческая и современная реклама.*

Abstract. *The article discusses the concept and history of advertising, the formation of advertising in the West and East, its gradual development, types of advertising, the language and style of advertising text, historical and modern advertising, the current role and importance of advertising. as well as the Law of the Republic of Uzbekistan "On Advertising" and some conclusions on the development of advertising in Uzbekistan, achievements and challenges in this area.*

Key words: *advertising, advertising history, advertising in the west and east, language and style of advertising text, historical and modern advertising.*

Кириш. Ҳозирги даврда, айниқса, бозор иқтисоди жараёнида реклама жуда муҳим аҳамиятга эга ва ижтимоий ҳаётни бугун рекламасиз тасаввур қилиш қийин, чунки реклама кундалик эҳтиёжга, аниқроқ айтганда, бозор талабига айланиб қолди.

Маълумки, республикамизда 1998 йилда "Реклама тўғрисида" қонун қабул қилинган эди ва ўтган давр мобайнида ушбу қонунга қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Бунинг сабаби бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турлари ниҳоятда кўпайиши натижасида рақобатнинг кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Реклама (лот. рекламо − қичқирмок.) − товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот [6]. Демак, лингвистик фикрнинг асосий мазмуни − маълумотни эшитувчининг розилигисиз хабар қилиш, тарқатишдир. Рекламадан кўзланган мақсад харидорни жалб қилиш бўлиб, у тўғридан-тўғри ахборот, яъни "информация" билан бевосита боғлиқдир. Чунки ҳар бир реклама замирида ахборот, маълумот, хабар ётади. Замонавий реклама отаси деб ном олган Альберт Ласкар рекламани "матбуот ҳолатидаги савдо" деб таърифлайди.

Қисқаси, реклама печатли, оғзаки, кўргазмали, бирор шахсни, товарни (маҳсулот), хизмат кўрсатишни, жамоатчилик ҳаракатини қўллайдиган, пул тўланадиган, харидорни, мижозни, истеъмолчини кўпайтирадиган, кўп овоз оладиган, халқ оммаси қўллайдиган, фойдаланадиган санъат даражасидаги тарғибот усули бўлиб қолмоқда.

https://buxdu.uz

Асосий қисм. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, рекламага доир асосий талаблар қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилиши мумкин, деб белгилаб қўйилган.

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

Рекламанинг маркетинг (бозор), коммуникатив (ёки информацион), маърифий, иқтисодий, ижтимоий вазифалари мавжуд бўлиб, мақсадли аудитория бўйича истеъмолчилик ва ишбилармонлик рекламасидан иборат.

Тўлқин Эшбекнинг “Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама” ўқув қўлланмасида реклама матнининг тили ва услуби ҳақида фикр юритилиб, рекламада сарлавҳа 6 та асосий вазифани бажариши: диққат-эътиборни жалб этиши, ўз ўқувчисини танлай билиши, ўқувчини асосий матнга йўналтириши, товарни харид қилишдан фойда кўрилишини ваъда қилиши, товарда ўқувчини қизиқтирувчи янгилик ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, сарлавҳаларнинг қизиқтирувчи, информацион, сўроқли, товарнинг фойдали хусусиятлари ҳақида тўғридан-тўғри мурожаат эканлиги, буйруқ оҳангида бўлиши каби 5 асосий турга бўлиниши кўрсатилган.

Рекламада бош ғояни таъкидлаш, товар ўрнини аниқ кўрсатиш, унинг фойдали эканлигини таъкидлаш, савдо маркасининг номини мустаҳкамлаш, аниқ ва лўнда ёзиш, яъни асосий матннинг 5 талаби ўз ифодасини топиши лозим.

Реклама матнини тузишда унинг аҳолининг қайси қатламига мўлжалланганлиги, вазифаси ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда матн тузишнинг услублари (тўғридан-тўғри баён этиш, ўзини-ўзи таърифлаш, диалог-монолог ва иллюстрацияларни қўшиш, оригинал жанр эканлиги)дан бири танланиши керак.

XIX асрга келиб, Европада реклама иши ривожланиб кетди. Реклама агентликлари ва компаниялар катта пул топа бошладилар. рақобат кучая бошлади. Алберт Ласкер реклама ишида янги даврни бошлаб берди. Ласкер 1880 йили Техасда туғилган. “Лорд ва Томас” реклама фирмасида 24 ёшдан ишлай бошлади. У реклама матнига эътибор берди.

Сўз усталарини жалб этиб, шундай реклама матнини туздики, XX аср бошларида “Лорд ва Томас” Европадаги энг йирик реклама фирмасига айланди. 1923 йили “Лорд ва Томас” реклама агентлиги ходимлари биринчи маротаба реклама иши бўйича услубий қўлланма ёзганлар. Бундай реклама агентлиги ишларининг ривожланиши реклама бизнесининг ва реклама ишининг янада тараққий этишига олиб келди [5].

Реклама илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилинар экан, назариётчилар унинг тарихини турли воқеа-ҳодисалар билан боғлайдилар.

Матбуот афишалари, варақа ва газета эълонлари 1440 йилда Иоганн Гуттенберг томонидан алмаштириб бўладиган ҳарф-шрифтининг ихтиро қилиниши; 1472 йилда Лондонда ибодатхона эшигига ёпиштирилган инглиз тилидаги реклама; 1704 йили “Бостон ньюслеттер” газетасидаги дастлабки реклама; 1844 йили “Сазерн Массенжер” журналида биринчи марта журнал рекламаси чоп этилиши шулар жумласидандир [7].

Реклама тарихи ҳақидаги маълумотларга кўра, рекламанинг содда шакллари дастлаб оғзаки тарзда, чақириқ, бақириқ, жалб қилиш кўринишида эрамиздан аввалги асрларга Юнонистон ва қадимги Римда пайдо бўлган, ҳозирги шаклдаги реклама эса илк бор АҚШда қўлланган [6]. Дастлабки ёзма реклама матни Миср папирусига ёзилган бўлиб, Лондондаги музейларда сақланади.

Қадимий Шарқда ҳам реклама дастлаб жуда тушунарли, ўзига хос кўринишда намоён бўларди. Шарқ бозорларидаги “Опқолинг, кепқолинг”, “Олганлар дармонда, олмаганлар армонда” деган иборалар ота-боболаримизнинг ўзлари билмаган ҳолда реклама билан шуғулланганликларига далил бўлади. Олди-сотди ишларида молнинг камчилигини айтиб

https://buxdu.uz

сотиш, тарозидан урмаслик, ахлоқ-одоб, ҳалолликка риоя қилиш аждодларимиздан ўтган маънавий қадрият эканлигини билдиради [5].

Қадимги бозор пештахталарида меваларнинг дид билан териб қўйилиши, харидорларни бақириқ, чақириқ билан жалб қилиш Шарқ бозорларига файз киритган. Ҳунармандлар маҳаллалардаги дўконларда маҳсулотларни осиб териб қўйиб, харидорларга тавсия этишган. Усталар мижоз билан муомала қилиш одобини ҳам ҳунар билан бир қаторда шогирдларига ўргатганлар. Дўконга кирган харидорларга бир пиёла чой узатиб, ўз молларининг сифати, нархи ҳақида суҳбатлашганлар. Савдо-сотиқ маданияти ўрта асрлардан ривожланиб келган десак, муболаға бўлмайди.

Гарчи, аждодларимиз айнан реклама атамасини амалда қўлламаган бўлса-да, қадим Шарқда рекламанинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли кенг қўлланган. Бугунгача сақланиб қолинган халқимизнинг бебаҳо моддий ва маънавий бойлиги бўлган осори-атиқа, яъни масжид, мадраса сингари тарихий обидалар пештоқидаги оят, ҳадис, ҳикматли сўзлар маърифий рекламанинг бир кўринишидир. Ёки Соҳибқирон Амир Темур томонидан Оқсарой сарой пештоқига битилган “Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин” мазмунидаги ҳикматни ҳам моҳиятан реклама дейиш мумкин. Адабиётшунос олим Т.Эшбек масаланинг айни жиҳатидан келиб чиқиб, “... ўз даврининг султони томонидан айтилган сўзлар замиридан биз учун ибратомуз рекламани англаб етмоғимиз, таъбир жоиз бўлса, илмий нуқтаи назардан кашф этмоғимиз, тадқиқ қилмоғимиз мақсадга мувофиқдир” деган мулоҳазани билдирган.

Туркистонда рекламанинг турли шаклларда вужудга келиши XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади. Тошкентга америкача реклама қилиш услуби кириб келаётгани тўғрисида 1899 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да хабар берилган [4]. С.Шодмонованинг таъкидлашича, XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкада матбуот саҳифалари орқали реклама бериш воситаси ҳам пайдо бўлган [8.с.169].

Қисқа вақт мобайнида зиёли қатламига мансуб ишлаб чиқарувчилар рекламанинг тижорат соҳасидаги аҳамиятини англабгина қолмай, ундан амалий фойдалана бошлаганликлари ҳақида Ш.Холикулова шундай ёзади: Х1Х аср охири XX аср бошларида тадбиркорлар матбуот орқали бериладиган рекламанинг жуда муҳимлигини тушуниб етишди, бир вақтнинг ўзида кенг омма рекламани ўқийди, бу эса ўз навбатида, мижозлар ва харидорлар диққатини жалб қилади ва уларнинг сонини оширади, натижада бу даромаднинг ортишига олиб келади [7. с. 770-773].

Тарихдан маълумки, Гуттенберг Европада печатли (босма) варақаларни ишлаб чиқара бошлагандан сўнг, унинг кашфиётидан фойдаланиб, англиялик Уильям Кокостон 1473 йили диний китоблар тарғибот қилинган печатли босма варақада биринчи рекламасини чиқаради.

XV-XVII асрлардаги Европа рекламалари кўпроқ импорт ва экспорт товар маҳсулотлари ҳақида бўлар эди. Масалан: кофе биринчи маротаба 1625 йилда газеталар орқали реклама қилинган, какао 1657 йил, чой эса 1658 йилдан реклама қилиниб, қайси бозорларда харид қилиниши кўрсатилган.

АҚШда биринчи реклама 1704 йил 1 майда “New Litr” газетасида берилган. Кейинчалик фан-техника тараққий эта бориб, радио кашф этилгандан сўнг у асосий ахборот воситаси бўлиб қолди. Шундан сўнг радио ҳам реклама бизнесида катта роль ўйнай бошлади. Биринчи радио рекламаси АҚШда 1922 йилнинг 28 январида 10 минутча давом этиб, 100 долларга расмийлаштирилган. Филадельфиялик Волни Палмер биринчилардан бўлиб, Америка рекламасига асос солган. У 1841 йилдан бошлаб, газеталарда рекламаларни жойлаштириш газетадан тушаётган даромаднинг 25 фоизига эга бўлади.

XIX асрда Джорж Рауэл Америкада энг кучли реклама агентлигини ташкил этади. 1869 йилда Рауэл биринчи маротаба “Амерканский газетний справочник Рауэла”да беш мингдан ортиқ, Америка ва Канада газеталарининг маълумотини беради. Рауэлнинг бу нашри ҳозирги даврдаги “Ф.У.Эйерни газета ва журналлари справочниги”га асос бўлди.

Яна бир реклама компаниясининг асосчиси Фрэнсис Уэленд Эйер реклама ишига янгилик киритди. 1875 йилда Эйер рекламадан келадиган даромаднинг 12,5 фоизи,

https://buxdu.uz

кейинчалик 15 фоизини нашриётдан оладиган бўлди. Бу келишув ҳозирги кунгача қўлланиб келинмоқда. Реклама бизнесида бу келишув жуда мос тушгандир.

Нью-Йоркда ташкил этилган Джордж Баттен реклама агентлиги жаҳонда энг нуфузли агентлардан бўлиб, унинг 1891 йилдаги даромади 3 миллиард доллардан ошар эди [9].

Н.Қосимованинг «Реклама тарихи: аниқ фактлар» мақоласида келтирилишича, бундан бир асрдан ортиқроқ муқаддам Атлантада, тўғрироғи, Жоржия штатида Фармацевт Жон Пембертон ўз иқтисодий аҳволи унчалик яхши бўлмагани сабабли ўзини бошқа жиҳатдан синаб кўради. Унинг иши юришиб кетади. У дунёда ўша вақтда ягона бўлган маҳсулот яратади. Яъни шу маҳсулот дунё реклама ва маркетингини янги поғонага кўтаради. У 1886 йили маълум бир ўсимлик ва ёнғоқнинг ҳидини берувчи, жигарранг, хуштаъм сироп яратди. Ўша йили 1 майда Пембертоннинг элексири ҳар стакани беш центдан яхоб тарзида сотилади. Муваффақият кетма-кет кела бошлади. 29 майда Атлантанинг “Джорнл” газетасида мазкур ичимлик катта саҳифада реклама қилинди. Жон Пембертон ва унинг ҳамкори Френк Робинсон томонидан «Кока-кола» деб номланган бу ичимлик рекламаси матнида қуйидаги иборалар қайд этилган эди.

- сифатли ичимлик;
- алкоголсиз, хуштаъм ва машҳур ичимликлар мамлакати;
- чанқоқ вақтни билмайди;
- Америка ҳаёт тарзининг умумий рамзи;
- ёз мобайнидаги мўъжиза [9].

Муҳими шундаки, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам шу ичимлик рекламаси матнидаги сўзлар ҳозир ҳам учрайди.

1949 йили Канадада бўлиб ўтган ҳалқаро конгрессда “реклама ишининг кодекси” қабул қилинди. Бу кодексни 14 та давлат тасдиқлаган. Бу қонунга биноан халқаро рекламалар нормативи, реклама этика ва эстетикаси тўғрисида гапирилади.

XX асрда Европадаги йирик корхона ва идоралар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни реклама фирмалари ва агентликлари орқали тарғибот қила бошлади.

Реклама ишбилармонларнинг энг асосий ва биринчи иш қуроллари, ютуқларининг гаровигина бўлиб қолмай, ўша фирма, ташкилотнинг юзини очиб берадиган кенг тарғибот воситаси ҳам бўлиб қолди.

Рақобат асосига қуриладиган бозор муносабатларида керакли маҳсулот ишлаб чиқариш, кўпроқ сотиш, фойда олиш унинг асосий мезонидир. Реклама эса бунга яқиндан ёрдам беради. Бинобарин, реклама кўзга тез ташланади. У даромад тўғрисидаги ижтимоий фикрни ўстиради. Натижада тадбиркорлар имкон қадар янгиликка интилади. Реклама ишлаб чиқарувчини яхши, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга чақиради, уларни ёмон маҳсулотлардан, ёмон иллатлардан асрайди.

Собиқ шўролар давлатида реклама, асосан, XX аср ўрталарида пайдо бўлди. Худди шу даврда реклама агентликлари ҳам тузила бошланган эди. 1965 йилларда “Союзторг” ва “Внешторг” ташкилотларининг рекламалари ўз маҳсулотларини тарғиб этган. Бу давлатда асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар давлатга қарашли бўлганлиги, маҳсулотлар тури ҳам кўп эмаслиги сабабли уларни тарғибот қилишга унчалик эҳтиёж йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, собиқ Иттифоқ бозорида давлат монополияси ҳукмрон эди. Бозор ва дўкон пештахталаридаги маҳсулотлар бир хил сифатга, нархга эга бўлгани учун рекламага унчалик эҳтиёж бўлмаган.

XX асрда рекламанинг ривожланишига қуйидаги ҳодисалар сабаб бўлди:

– тўлиқ рангли нашр этишнинг ривожланиши;
– воқеалар суратини узоқ масофадан кўришнинг вужудга келиши ва ривожланиши;
– йўлдош билан алоқа воситаларининг ривожланиши;
– интернет ва компьютер воситаларининг кириб келиши ва киритилиши;
– демак реклама – техника ва илмий ривожланиш билан биргаликда кундан-кунга ривожланмоқда [5].

https://buxdu.uz

Айни пайтда реклама жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Жамият тараққиётидаги барча ўзгаришлар: инсон омилининг фаоллашуви, инсонларнинг интеллектуал салоҳиятининг ўсиши рекламанинг тараққий этишига, фан сифатида шаклланишига имкон яратмоқда.

Рекламага санъат даражасидаги тарғибот усули деб таъриф берилади [9]. Чунки санъатнинг ўзи инсон ҳайратланадиган, фақат яхшиликка ундайдиган нарсалар, хатти-ҳаракатлар, овозлар, наволардир. Шу боисдан ҳам энг яхши рекламалардан инсонлар ҳайратланадилар, узоқ вақт эсда сақлайдилар, рекламадаги нарсалардан, ғоя, маслаҳат ва таклифлардан фойдаланадилар. Рекламани миллий анъаналардан фойдаланилган ҳолда тайёрлаш шарт, негаки реклама дунёқарашимиз ва тафаккуримизга, маънавият ва маданиятимизга таъсир қилади. Қолаверса, сайёҳлар ўзбек халқи ўз миллий қадриятларига, бой тарихга эга, глобаллашув жараёнида ўзлигини сақлаб қолган миллат эканлигини англаб етишишсин. Бугун кўча-кўйларда рекламаларнинг янги, ўзбекона кўринишлари кўзга ташлана бошланганлигини Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги қонунининг [1] самараси дейиш мумкин.

Аммо бу борадаги ишлар ҳали якунлангани йўқ. Маҳаллий матбуотга кўра, жорий йилнинг 9 март куни Вазирлар Маҳкамасида бош вазир А.Арипов раислигида кўча ва аҳоли пунктларини номлаш, пешлавҳалар реклама ва эълонларнинг давлат тилида берилиши сингари масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган. Йиғилишда бош вазир жой номлари, ташқи реклама эълонларидаги мантиқсизликлар, ўзбек тилига нисбатан беписандлик каби муаммоларни қоралаган. А.Арипов “Рекламаларда, аввало, давлат тилининг устунлигини таъминлашимиз керак, Ўзбекистонда асосий истеъмолчиси, харидори ўзбек тилли аҳоли эканини била туриб, бошқа тилда эълон бериш амалиётига чек қўйиш шарт”лигини таъкидлаган. Зеро, ҳар қандай реклама мамлакатнинг маданиятини, турмуш тарзини, тарихий-маданий анъаналарини, ҳаётий қадриятларини тарғиб қилади. Аввало, рекламалар жамиятдаги инсонлар гуруҳига таъсир этиш, уларда янги тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш, қизиқишларни орттиришга қаратилган бўлади. Россиялик олим Алина Дударева рекламанинг ижтимоий вазифасини шундай таърифлайди: “Реклама фақатгина маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида ахборот бериб қолмай, балки жамиятдаги оммавий-сиёсий ва бошқа муносабатлар ҳақидаги, жумладан, эркаклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги ахборотларни ҳам беради” [2. с. 64]. Реклама маълумотлари билан танишиш давомида турли ижтимоий муносабатлар ҳақида – қатламлар ва миллатлар урф-одатлари, стереотиплари, турли оилалардаги қадриятлар тизими ҳақида тасаввурлар шаклланиб боради. Реклама инсонлар томонидан бир ёқлама қабул қилинмаганлиги боис ҳам бугунги кунда кундалик ҳаётимиз ҳақидаги ахборотлар тизимида асосий ўринга эга бўлиб қолмоқда.

XXI аср ахборотлар технологияси даври, бугун дунёнинг бу чеккасидаги ахборот манбалари, янгиликлар, хабарлар тез суръатлар билан дунёнинг у чеккасида намоён бўлмоқда. Ахборотларнинг бундай тез тарқалиши жамият аъзоларига, ижтимоий ҳаётимизга, инсонларнинг турмуш тарзига, кундалик ҳаётига кучли таъсир этади. “Замонавий инсон ҳаётини рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у тобора фаол ва таъсирчан бўлиб бормоқда” [3. с. 34] экан, соҳа бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишимиз шарт ҳамда рекламанинг энг яқин “ҳамкорлари” телевидение, радио, газета, интернет каби оммавий ахборот воситалари(ОАВ)га татбиқ қилиш керак.

Реклама бугунги кунда, асосан, маълумот бериш, ишонтириш, эслатувчи вазифаларни бажаради. Барча кўринишдаги реклама хоҳ у оғзаки, хоҳ у ёзма бўлсин ёхуд бир кўринишга эга бўлишидан қатъи назар у кишиларга маълумот беради, уларнинг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Бунга радио ва телевидениедаги рекламаларни ҳам мисол келтиришимиз мумкин.

Рекламанинг ишонтириш вазифаси шундаки, у инсон руҳиятига таъсир этган ҳолда реклама қилинаётган нарсани харид қилишга, яхши нарсалардан фойдаланишга, инсонга

https://buxdu.uz

ҳаёти учун зарур бўлган фикрларни, усулларни ўзида қўллашга ундайди. Яхши нарсаларга, яхши хислат ва фикрларга ишонтиришга ҳаракат қилади.

Хулоса. XXI асрда реклама иши, унинг илмий назарияси, амалий иш фаолияти, истиқболлари фан сифатида ўрганилар экан, реклама турлари ҳам даврларга қараб ўзгариб, шаклланиб боради. Рекламалар ҳаёт тарзимизда янгиланиб, тараққий этиб бораверади. Унинг шаклланишига вақт ва инсонлар таъсир кўрсатади. Ҳозирга келиб, рекламанинг анъанавий ва замонавий турларидан фойдаланиб келмоқдамиз.

Бугунги кунда она тилимиз ҳаётимизнинг барча жабҳасида расмий давлат тили сифатида қўлланилиб келмоқда. Қонун тилимизнинг бой луғатидан, ўзига хос имкониятларидан фойдаланиш, уни асраб-авайлаш, нуфузини ошириш, шу билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш ва янгидан-янги тушунча ва сўзлар билан тўлдириб бориш орқали бойитиш учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Тил билан боғлиқ мазкур жиҳатнинг қонунда алоҳида меъёр сифатида эътироф этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тилимизнинг нуфузини оширишга, унинг халқимиз, жамиятимиз маънавий ривожида, илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу йўналишдаги луғат, қомус, рисола ва дарсликлар чоп этилмоқда. Мазкур мавзу Ўзбекистонда Т.Эшбек, Н.Ғаффоров, Б.Тошев, Б.Матвеев ва бошқа олимлар томонидан қисман ўрганилган бўлса-да, замонавий реклама тилининг миллий-маданий хусусиятлари алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Она тилимизнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш имкониятлари яратилмоқда. Агар реклама тилига шу нуқтаи назардан ёндашсак, яъни реклама тилининг шарқона, миллий қадриятлардан келиб чиққан соф ўзбекона шаклини амалда қўлланилишига эриша олсак, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий қадриятларга садоқат ва ўз она тилига ҳурмат-эҳтиром туйғусини сингдира оламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 25 декабрь.

2. Алина Дударева. Рекламний образ. Мужчина и женшина. – М.: РИП-холдинг, 2003.

3. Грошев И.В. Полоролевие стереотипи и гендерная невербальная коммуникация в зеркале реклами. Вестник Тамбовская государственного технического университета, 1998. 4. Т. 4.

4. Туркистон вилоятининг газети. 1899. 65-сон.

5. Тўлқин Эшбек. Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама. ЎзМУ. Ўқув қўлланма. – Т., 2019.

6. ЎзМЭ. 7-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Т., 2004. 299-300-б.

7. Холикулова Ш.Б. Реклама на страницах переодической печати Туркестана в конце X1X – начале XX века (на примере “Туркистон вилоятининг газети”). // Молодой учений, 2013, № 12. С. 770-773.

8. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т.: Yangi nashr, 2011.

9. https://ziyouz.uz/

10. https://ziyouz.uz/

https://buxdu.uz

УДК: 93

АМИР ШОҲМУРОД ҲУКМРОНЛИГИ (1785-1800) ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИ

НАЛОГОВАЯ СИСТЕМА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЯ АМИРА ШАХМУРАДА (1785-1800)

THE TAX SYSTEM OF THE BUKHARA EMIRATE DURING THE REIGN OF AMIR SHAH MURAD (1785-1800)

Умарова Муҳайё
Камоллиддин Беҳзод номли МРДИ ўқитувчиси,
Ўз ФА Тарих институти эркин тадқиқотчиси

Аннотация. *Мақола Амир Шоҳмурод (1749-1800 йй.) ҳукмронлиги даврида (1785-1800 йй.) Бухоро амирилигининг солиқ тизимига бағишланган. Амир ислоҳотлари ва унинг натижалари, амирликда солиқ йиғиш ва солиқ жараёнида иштирок этган масъуллар, уларнинг вазифалари ва ваколат доираси, инстанция даражаси, солиқлар йиғилган хазина турлари ва уларнинг сарфланиш доирасига эътибор берилди. Амир Шоҳмурод амрига кўра йиғилган солиқлар ва уларнинг сарфланиши текшириб турилган.*

Таянч сўзлар: *Бухоро амирлиги, солиқ тизими, инстанция, солиқ турлари, закот, ушр, хумс, ҳирож, жузья, хазина, тушумлар, чиқимлар, маблағ, масжид, мадраса, ҳонақо, амлокдор, ясовул, девонбеги, мирзо, арзнома, шикоят.*

Аннотация. *Статья посвящена налоговой системе Бухарского эмирата во времена правления эмира Шахмурада (1749-1800) (1785-1800). Внимание было уделено реформам эмира и их результатам, тем, кто занимается сбором и налогообложением налогов в эмирате, их обязанностям и сфере полномочий, уровню инстанции, типам казначейства, где собираются налоги, и объему их расходов. Согласно распоряжению Амира Шахмурада, собранные налоги и их расходы были проверены.*

Ключевие слова: *Бухарский эмират, налоговая система, инстанция, виды налогов, закят, ушр, хумс, жузья, казначейства, приходы, расходы, мечеть, медресе, амлакдар, ясаул, диванбеги, мирза, заявление, жалоба.*

Abstract. *The article is devoted to the tax system of the Bukhara Emirate during the reign (1785-1800) of Emir Shahmurad (1749-1800). A special attention was paid to the reforms of the emir and their results and to those who were involved in collection and taxing in the emirate, their duties and scope of authority, level of authority, types of treasury where taxes were collected, and the amount of their expenses. According to the order of Amir Shah Murad, the collected taxes and their expenses were verified.*

Key words: *Bukhara emirate, tax system, authority, type of taxes, (zakat, ushr 1/10, hums 1/5, juzi – types of taxes), treasury, parishes, expenses, mosque, madrasah, honaqah, amlakdar, yasaul, divanbegi, mirza, statement, complaint.*

Солиқ тизими тарихи йиллар мобайнида тегишли давлатнинг ижтимоий, иқтисодий имкониятлари, энг муҳим давлатчилик масалаларини (маъмурий-ҳудудий тизими), ижтимоий табақаларини ўрганиш имкониятини беради.

Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон тарихида солиқ тизими ва солиқ муносабатларида энг юқори чўққига чиққан давр Амир Темур ташкил этган солиқ муносабатларининг адолат ва меъёр мезонлари бўлган. Бу эса бевосита XVIII аср охири XIX аср бошларида Бухоро амирлигининг солиқ тизимида ўзгаришлар, сиёсий айнан шу жараёнлар билан боғлиқ эди.

Араблар истилоси (VIII аср) давридан мавжуд анъаналар натижасида Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви, солиқ тизими шариатга хос тарзда амалга оширилган. Амир Шоҳмурод давлат тепасига келгач (1785 йил), Бухоро амирлигида солиқларнинг шаърий, исломий ташкил этилиши ва ундирилишига катта эътибор қаратган. Зеро, Бухоро амирлигининг Амир Шоҳмуродгача бўлган даврида (асосан, отаси Дониёлбий оталиқ

https://buxdu.uz

даврида (1750-1785 йй)) мансабдор шахсларнинг марказга бўйсунмаслиги, бошбошдоқлиги ва коррупция ҳолати мавжуд бўлган. Ўзининг Маъсум амир номини қўллаб-қувватлаш, ислом дини раҳнамоси сифатида фаолиятини мустаҳкамлаш учун ҳам бундай ўзгаришлар, ислоҳотлар Амир Шоҳмурод учун жуда зарур эди. Манғитлар даври тарихнавислари ва ўша давр тарихнависи Мухаммад Яқуб “Рисола” асарида хирож ва бож солиқлари сақланганлиги тўғрисида маълумот беради.

Амир Шоҳмурод жума намози ўқиладиган Бухоро мачити ёнида катта тошга ўйиб, халқнинг қандай солиқлардан озод этилганлигини ёздирган. Бунда яна давлат раҳбарлари, солиқ йиғувчилар учун огоҳлантириш пандномаси ҳам бўлиб, унда: “Кимда ким белгиланмаган “олиқ” ва “солиқ”, чой пули ва бошқа тўловларни олса, Оллоҳ ва фаришталар, барча инсонлар ғазабига учрасин” [8,11] деган сўзлар мавжуд бўлган.

Мавжуд қоидага кўра, Бухоро амирлигида амирлар солиқ йиғиш учун махсус фармон эълон қилгач [12], солиқ йиғилган ва бу солиқ йиғувчиларнинг ариза ва билдиришномаларида кўрсатиб ўтилган. Турли солиқлар тўғрисида чиқариладиган фармон, умуман олганда, йилига икки маротаба, яъни “сафед бори” ва “кабуд бори” ёки бўлмаса оқ ва кўк сифатида эълон қилинган [1].

Солиқлар махсус шаръий ва ношаръий (одат нормаларига асосланган) солиқлардан иборат бўлган. Амирликнинг солиқ тизими ерга эгалик шаклига боғлиқ бўлиб, барча ерлар: **давлат**, **вақф** ва **мулкий-хусусий** ерларга ажратилган. Мулкий ерлар мулки ҳур, мулки ушр ва мулки хирожга бўлинган. Мусулмон давлатларда ердан фойдаланувчиларни тўртга: мулки ҳур, мулки ушр ва мулки хирож ва вақфга ажратишган. Солиқ тўлаш жараёнида солиқ номи мулкнинг номига қараб қисмларга ажратилган. Масалан, м**улки ҳур**дан фойдаланувчилар солиқ тўлашдан озод этилганлар; **мулки ушр**дагилар ҳосилнинг 1/10 қисмини, **мулки хирож**дан фойдаланувчилар ҳосилнинг 1/8 ва 1/5 миқдорида, **вақф** ердагилар эса ҳосилнинг 1/3 қисмини солиққа тўлаганлар.

Экинлардан йиғиладиган **хирож** солиғи тизимнинг катта қисмини ташкил этиб, давлат ерларидаги ҳосил ҳисобидан тўланган. XIX асрга келганда, шаҳарлар атрофидан ва баъзи бошқа ерларда ҳирожнинг бир қисми пул билан йиғиб олинган. Ҳирожнинг акси бўлган **ушр**, закот ҳукмида бўлмасдан, ер учун тўловдир [2, 352]. Шунингдек, ушр ҳам кўпроқ тўлов маъносидаги амал бўлиб, ердан олинадиган ҳосилнинг 1/10 қисми миқдорида тўланган.

Хусусий мол-мулкдан олинадиган давлат солиғи **закот** бўлиб, бундан мол-мулк (чорва моллари, тилла-кумуш, тижорат моллари ва экин, мевалар) баҳосининг тахминан 1/40 ҳажмида тўланган [9, 135].

Ўша давр учун одат тусига кирган шиа мазҳаби тегишли бўлган Эрон қизилбошлари билан тез-тез муқаддас урушлар (ғазовот) олиб бориш анъанасини давом эттириб, Бухоро уламоларнинг фатволарини қўллаб-қувватлаб, ўзининг легитимлигини (қонуний ҳукмдорлигини) янада мустаҳкамлаш, давлат ғазнасига қўшимча бойлик олиб келиш, шариат раҳнамоси сифатида сўфийлик йўлини танлаган Амир Шохмурод Эрон қизилбошларига бир неча маротаба муқаддас уруш ҳаракатларини олиб борган. Уруш натижасида қўлга киритилган бойлик, мол-мулкни Амир Шоҳмурод аскарларга тенг тақсимлаб берган. Жангдаги ўлжалардан бешдан бири ҳисобида **хумс** ундирилган. Қолган тўрт қисми жангчиларнинг ўзида қолган. Айрим вақтларда урушда мағлуб бўлган ер аҳолиси ҳам хумс миқдорини тўлашга мажбур қилинган.

Шаръий солиқлар таркибига **жузъя** ҳам киритилган бўлиб, яҳудийлар, насронийлар, маъжусийлар ва ажамийлардан (мусулмон бўлмаган фуқаролардан) олинган [5].

Шариатга тегишли бўлмаган солиқларга, асосан, солиқ йиғиш ишлари билан машғул бўлган амлокдор ва бошқа кичик амалдорлар (ҳоким, амин, оқсоқол, мироб) меҳнати эвазига ундириладиган солиқлар киритилган. Бу солиқ ўз хусусиятига кўра кўпроқ ҳақ вазифасини бажарган. Бундай солиқ турига қуйидагилар киритилган:

Кафсан солиғи хирожга қўшиб олинадиган**,** амлокдор ҳисобига қўшиб ундириладиган махсус солиқ бўлиб, ҳамма донли экинлардан (ҳар ботмон ҳисобидан ярим пуд) ва пахтадан (ҳар 10 ботмондан пахта ҳисобидан 15 қадоқ) кафсан берилган. Шу билан бирга, **кафсаний**

https://buxdu.uz

доруға солиғи ҳам бўлиб бу солиқ доруғага берилган. Маҳаллий ҳоким учун закот солиғининг бир тури **"закоти чакана"** ҳам ундирилган. **Муштак** (ҳовуч) солиғи аминга, оқсоқолга ва хирожга тўланган маҳсулотларни топширишда қатнашган бошқа кичик амалдорлар учун ҳақ ҳисобланган. Муштакда ҳар бир хўжаликдан бир ҳовучдан буғдой ва жўхори олиниши лозим бўлган.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қонунлаштирилган ер солиғидан ташқари ҳар бир таноп боғ ёки полизга махсус солиқ (**таноп пули** ёки **алаф пули)** тўлаган ва бу солиқ тури танобана деб юритилган. **Яксара** (қўш пули) солиғи йил ҳисоби бўйича энг биринчи тўланадиган ер солиқларидан бири. Баҳорда, дала ишларини бошлашдан олдин деҳқон ҳар бир жуфт қорамоли учун бир ботмон ҳосилдан тўлайди. Битта бўлса ярим ботмон (нимсара) буғдой миқдорида солиқ тўланади. **Обижувоз** солиғи, асосан, дон ва гуруч тозалашда топчадан фойдалангани учун бекка берилиши лозим бўлган. **Миробана –** сув иншоотларини назорат қиладиган мироблар учун берилган ҳақ. Ҳар бир деҳқон ҳар йили бир ботмондан буғдой ёки гуруч берганлар. **Даллол** солиғи бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтилаётган мол учун, умуман, юклардан олинадиган бож ҳисобланган. Юк нархи у дастлаб олиб кетилган жойдан, олиб борилган жойгача бўлган масофанинг узоқ-яқинлигига қараб бож олинган.

Амир Шоҳмурод ердан фойдаланишни янада яхшилаш, давлат ғазнасига солиқ тушумларини кўпайтириш мақсадида Зарафшон дарёси воҳасидаги ерларни, каналларни таъмирлатган, ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштиришга ва бир хил майдонда фойдаланишга тақдим этиб, бу ерлар учун "қўш пули" солиғини олган [10, 163].

Ҳуқуқшунос олим З.Муқимов берган маълумотга кўра, "Амир Шоҳмурод солиқлардан эзилган халқнинг норозилиги кучайган даврда тахтга ўтирганлиги учун ҳам биринчи ислоҳотни солиқларни тартибга солишдан бошлади. Бутун Бухоро амирлиги аҳолисига тархон ёрлиғи бериб, ўзидан аввалги хукмдорлар жорий қилган, шариатга тўғри келмайдиган ёрғу, бож, тарх, тушмол, ясоқ каби солиқларни бекор қилади" [7, 257].

Бу билан Амир Шоҳмурод солиқ тизимининг бир меъёрда бўлишини назорат қилганлигига ва қўшимча солиқлар йиғилишини таъқиқланганлигини кузатишимиз мумкин. Амир Шоҳмурод хукмронлиги даврида ҳам халқдан келган арзномалар, шикоятлар кўриб чиқилган.

Солиқ ундириш ёки солиқ турларидан биронтасини бекор қилишда ҳам амирнинг фармойиши асос бўлган. Шариат нормаларида амлокдор, ҳоким каби мансабдор шахсларнинг солиқ ҳуқуқий фаолиятини белгилаб берган. Солиқ ундирилиш борасида норозиликлар масаласида амир энг олий инстанция ҳисобланган.

Солиқлар йиғиб бўлингач, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар ўз дафтарларида қайд этилган маълумотлар асосида ёзма ҳисобот берганлар.

Амир Шоҳмурод даврида қушбеги солиқ ва йиғимларни назорат қилувчи шахс ҳисобланган. Шоҳмурод даврида солиқлар учун масъул Ҳакимбий қушбеги бўлган [3, 132]. Айнан солиқ фаолияти бўйича унга бир қанча амалдорлар бириктирилган. Солиқ ва йиғимларни ундиришда амлокдор, ҳоким, амин, оқсоқол, доруға, мироб каби амалдорлар ва хизматчилар, ўз навбатида, солиқнинг тўланилишини назорат қилганлар. Солиқни тўлашдан бош тортган шахсни жазога тортиш масаласида амирга таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Солиқ масалаларида юзага келган муаммолар бўйича қушбеги амирдан кейинги иккинчи инстанция ҳисобланган. Агар деҳқонлар амлокдордан норози бўлсалар, улар аминга шикоят қилганлар. Амин учинчи инстанция сифатида хизмат кўрсатган.

Амлокдорлар ва бошқа солиқ йиғишга масъул бўлган шахслар солиқлар йиғиштириб бўлинганлиги ва топширилганлиги ҳақида ёзма маълумот берган [12]. Бевосита фуқаролар ҳуқуқларини талаб қилиб, султон ҳирожига кирган солиқларнинг миқдорини аниқлаштириб олишлари мумкин бўлган. Солиқ тўловчилар ҳам ноҳақ солиқ ундиришлари ёки бошқа ноҳақ ҳолатлар ҳақида амирга хабар етказганлар. Агар амлокдор ва бошқа мансабдорлар белгиланганидан кўпроқ солиқ йиғишса, амирга яширин маълумот етказиш шарт бўлган.

Амир ғазнасига энг кўп солиқлар ер солиғидан келиб тушган. Бухоро амирлиги солиқ тизимининг асосий хусусиятларидан бири солиқларнинг кўпчилик қисми ўсиб борувчи

https://buxdu.uz

мулкдан ундирилганлигидир. Ҳокимлар ҳосил йиғилгандан сўнг, ўз одамларини (ясовул, девонбеги ва мирзо) ҳосилни ўлчаб, ундан солиқ миқдорини ундиришга юборганлар. Михторлар фақат солиқ ундирганлар [6, 135].

Мансабдор шахслар томонидан солиқ йиғиш жараёнида йиғилган солиқлардан тушган тушумлар амир ғазнасида жамланган. Йиғилган солиқлар, асосан, давлат харажатларига сарфланган. Бундан ташқари иншоотлар қурилишида ҳам фойдаланилган. Мирзо Бадининг “Мажма-ал арком” асарида амирликдаги солиқларнинг тўрт ғазнага тушиши ва унинг сарфланиши тўғрисида маълумот беради.

Асарда ғазналарнинг номланиши ва йиғилган тушумларнинг тақсимланиш тартиби қуйидагича изоҳланади:

Биринчи ғазна **закот, ушр, хумс** солиқларига тегишли бўлиб, камбағал, бечораҳол ва шунга ўхшаш инсонларга ишлатилган.

Иккинчи ғазнага номусулмон аҳоли ва савдогарлардан ундирилган **хирож, жузъя** каби солиқлар келиб тушган. Қози, муфти, мухтасиб, муаззинлар бундан фойдаланишган. Бундан ташқари воҳалар қурилишида, қалъаларнинг қурол-яроқ билан таъминланишида, кўприк, мачит, суғорма иншоотлар барпо этилиши учун сарфланган.

Учинчи ғазна тариқатга тегишли бўлиб, бу ғазнадан ҳеч ким фойдалана олмаган. Фақат кучсизларнинг кучли бўлиши учун, адолатсизлик натижасида етказилган зарарни қоплаш учун, қамбағалларга кафанлик олиш учун, етимлар ва касаллар эҳтиёжи учун сарфланган. Унга асосан **хумс** солиғидан, қазилма бойликлардан, ўлжалардан маблағ келиб тушган.

Тўртинчи ғазна − топилмалар ва меросдан келиб тушадиган маблағлар. Мусулмонлар эҳтиёжи учун ишлатилган.

Шохмурод солиқ йиғилиши жараёнида масъулларнинг фаолиятини назорат қилдирган. Улардан қонунда белгиланган тартибда, тўғри маълумотлар асосида ҳисобот беришлари ва фаолият юритиши, ўз мажбуриятини сидқидилдан бажариши, бошлаган ишини охиригача етказиши, хазинани ҳимоя қилишларини талаб қилган. Йиғилган тушумлар ва ҳосилни авайлаб-асраб, ўз йўналишига чегирмасдан сарфлаши керак бўлган. Мансабдорларга ажратилган маблағларнинг рўйхати ва ажратилган пул миқдори, мансабдорнинг оила аъзолари тўғрисида маълумот аниқ бўлиши керак бўлган. Бундан ташқари солиқ йиғишга масъуллар шариат қонунлари, ахлоқ нормалари, маъмурий тартибларга тўлиқ риоя қилишлари лозим бўлган.

Бу ҳақда Мирзо Бади “Мажма-ал арком” асарида қуйидаги сўзларни билдирган: “Минглаб кишилардан бир нечтаси Нуҳнинг қадр-қиммати ва Аюбнинг фазилатига эга бўладилар, иккаласини ҳам Оллоҳ рахмат қилсин!” [3, 76]. Бу билан солиқ йиғувчиларда худди шундай фазилатлар бўлиши лозимлиги уқтирилган. Чунки солиқ йиғилиши ва унинг тақсимланиши жараёнида ўзганинг мулки, солиқ йиғиш жараёнига хиёнат қилиш ҳолатлари бўлган. Бундай ҳолатларни кўргазмали равишда Амир Шохмурод бартараф этган. Қушбеги Низомулмулкнинг коррупцияга йўл қўйиши, порахўрлик ва мансабини суистеъмол қилганлиги ва солиқ йиғиш жараёнида хиёнаткорлиги маълум бўлгач, уни барчани олдида жонини олиб жазолаган, мол-мулкини мусодара қилдирган. Шу билан унинг аҳолига етказган зарарини қоплатган [4].

Амир Шоҳмурод амрига кўра йиғилган солиқлар ва уларнинг сарфланиши текшириб турилган. Йиғилган маблағ ва сарфланган маблағ маълумотлари таққосланган. Сонлар ўзгартирилган бўлса, илова асосида ёритиб берилган. Тилхат, билдиргилар илова қилинган. Кимга харажатлар учун маблағ зарур бўлса, у билдирги асосида сабабларини кўрсатиб, мурожаат қилган. Мурожаат кўриб чиқилган ва тегишли маблағ ажратилган. Маблағ сарфланиши тўғрисида билдирги тайёрланган ва топширилган. Ҳар бир туманнинг солиқ вараги ўзига тегишли жойда ҳисобдан адашмаслик учун сақланган.

Амир Шоҳмурод вақф мулклари ва бошқа мажбурий тўловларидан тушган маблағларни нафақат билдирги асосида сарфланишини, балки эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишини ҳам таъминлаган. Мадраса, масжид, ҳонақо, мактабларни барпо этишда, мозорларни қайта тиклашда ҳам йиғилган солиқлардан фойдаланган. Шариат нормаларини

https://buxdu.uz

чуқур ўзлаштирган мадраса талабаларига солиқлар ҳисобидан қўшимча талабалик ҳақлари бериш тизимини жорий қилган.

Ушбу мақолада Амир Шоҳмурод даврида мавжуд бўлган солиқ турлари кўрсатилган бўлиб, бу солиқларнинг йиғилиши тартиби ёритилди. Йиғилиш жараёнида адолат мезонларига эътибор қаратилган, белгилангандан ортиқ солиқ йиғиш қаттиқ жазоланган.

Ушбу мақолада солиқ тизимининг фаолият доираси ёритиб берилди. Амирликда солиқ йиғиш учун масъуллар белгиланган бўлиб, уларнинг вазифалари ва ҳудуд доираси, инстанция даражаси ёритилди. Зеро, мансабдорлар солиқ йиғилгач, ундан маош олиши ёки бошқа тўловларни амалга ошириши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ҳар бир солиқдан ишлатилган маблағ асослари ва уларнинг ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ёритилди.

Мансабдорлар томонидан йиғилган солиқ ва тушумларнинг қайси ғазнага тушиши ва сарфланиши тўғрисида тарихий манбаларга асосланган маълумотлар берилди. Ҳар бир ғазнани ўз тушум ва фаолият доираси мавжуд бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураимов А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. – Т.: Фан, 1966. 218-б.

2. Ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1 ж. – Т.: Адолат. – 352 б.

3. Бади Мирза Диван. Мажмаа ал аркам. – М., 1981. С. 323.

4. Дониш Ахмад. Таърихи салтанати мангития. Перевод ва примечание И.А.Нажафова. – Душанбе, 1967. 27-28-б.

5. Имом Бухорий. Ҳадис. 2 ж. – Т., 1993 й.

6. Мейендорф Е.К. Путешествие в Бухару. – М.: Наука, 1975. 135-б.

7. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т.: Адолат. 2004. 207-б.

8. Сами Мирза ал-Азим. Тарихи Салатини Мангитиййа (история мангытских государей). / Пред., переводи примечаник Л.М.Епифановой. – М., 1962.

9. Семенов А.А. Налоговая податная устройство Бухары; Мейендорф Е.К. путешествие в Бухару. – М.: Наука, 1975. 135-б.

10. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанеском округе с приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского географического общество, по отделение статистике. // Под ред. Ю.Е.Янсона. Т.4. – СПб, 1874. С. 163-442.

11. Яқуб Мухаммад. Рисола. 5б; 27 а-28б., Ахмад Дониш. История мангитской династии. Перевод И.А.Наджафовой. – Душанбе, 1967. С. 58.

12. ЎзДА. Фонд 126. опись. 1. Ҳ-588. № 1. Қушбеги фондида кўрсатилган маълумотларга асосан амирликда солиқ йиғиш одат-нормаларининг ҳуқуқий мақоми шу тариқа ифодаланган. Шу тариқа Амир Музаффар солиқ йиғишга фармон берганлигига гувоҳ бўламиз.

УДК: 94(430).087

BOLTIQBO‘YI DAVLATLARI VA ROSSIYANING MAMLAKAT RIVOJLANISHIGA IJTIMOIY TA’SIR KO‘RSATADIGAN KATTA MIGRATSIYALARI

КРУПНЫЕ МИГРАЦИИ ГОСУДАРСТВ ПРИБАЛТИКИ И РОССИИ КОТОРЫЕ СОЦИАЛЬНО ДЕЙСТВУЮТ НА РАЗВИТИИ СТРАНЫ

LARGE MIGRATIONS OF THE BALTIC STATES AND RUSSIA THAT SOCIALLY AFFECT THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

Зарипов Жахонгир Гулмуродович
докторант БухГУ

Annotasiya. *Maqolada Boltiqbo‘yi mintaqasidagi noaniq migratsiya holati tasvirlangan. Iqtisodiy rivojlangan davlatlar barqaror migratsiya saldosi bilan ajralib turadi. O‘tish davri iqtisodiyotiga ega davlatlar esa (Litva, Latviya, Estoniya, Rossiya) migratsiya harakatlarida oraliq o‘rinni egallab, ularda aholini oluvchi sifatida rol o‘ynaydi. Mintaqaviy darajada migratsiyaning o‘sishi ko‘proq uchraydi. Chiqish kam sonli hududlarda ro‘y beradi va bu jarayon ko‘pincha post-sotsialistik mamlakatlarga xosdir. Britaniyalik olim S.Kaslz va Amerikalik olim A.Porteclarning migratsiya masalasida qilingan teoriyalari haqida yozib o‘tilgan va Boltiqbo‘yi davlatlari va Rossiya aholisining statistik ma’lumotlari ham aytilgan. Transmigrantlar va O‘zbek muhojirlarining ular ko‘chgan davlatlarga bevosita iqtisodiy bog‘liqigi aytib o‘tilgan.*

https://buxdu.uz

Tayanch so'zlar: *migratsiya, migratsiya jarayoni, transmigrantlar, BMT, O'zbekiston, o'zbeklar, koeffitsiyent, Boltiqbo'yi mintaqasi.*

Аннотация. *В статье описана неоднозначная миграционная ситуация в странах Балтийского региона и проблема миграции по всему миру. Миграция экономически развитых стран характеризуются устойчивым положительным сальдо миграции. Страны с переходной экономикой (Литва, Латвия, Эстония, Россия) занимают промежуточное место в миграционных передвижениях и играют в них двоякую роль, будучи одновременно и донорами, и реципиентами населения. На много региональном уровне более распространен миграционный прирост населения. Отток происходит в небольшом количестве регионов и чаще характерен для постсоциалистических стран. Написаны ещё теории Британского учёного С. Каслза и Американского учёного по миграционными вопросами А. Портеса. Так же сказаны вопросы статистики населения государств Прибалтики и России. Объяснены вопросы о трансмигрантах и мигрантов узбеков, которые экономически связаны с теми государствами, в котором они мигрировали.*

Ключевые слова: *миграция, миграционный процесс, трансмигранты, ООН, Узбекистан, узбеки, Коэффициент, Балтийский регион.*

Abstract. *This article is about controversial migration situation in the countries of the Baltic region. Economically developed countries are characterized by a stable positive migration balance. Countries with economies in transition (Lithuania, Latvia, Estonia, Russia) occupy an intermediate place in migration movements and play a double role in them, being both donors and recipients of the population. At a multiregional level, migration growth is more common. The outflow occurs in a small number of regions and is more often salient in post-socialist countries. The theories of the British researcher S. Kasle and the American researcher on migration issues A. Portes are also written. The questions of population statistics of the Baltic states and Russia are also mentioned. The questions about transmigrants and Uzbek migrants who are economically connected with those states to which they migrated are explained.*

Key words: *migration, migration process, transmigrants, UN, Uzbekistan, Uzbeks, Coefficient, Baltic region.*

Сегодня неоспоримым является тот факт, что в XXI в. проблема миграции выйдет на одно из первых мест как во внешней, так и во внутренней политике многих стран мира. Налицо беспрецедентное увеличение масштабов миграции, причем не только международной, но и внутренней.

По официальной оценке ООН, в настоящее время насчитывается около 200 млн. внешних мигрантов, что составляет 3 % от общей численности населения планеты, а внутренних — около 1 млрд человек (почти каждый шестой житель планеты)[5.4]. Что касается Узбекистана то в 2007 г. Укрепила выезд мигрантов которая началась в 2000 годах. Около 1 млн человек мигрировали за границей якобы развивать свою материальную жизнь. В 2017 году было утвержден закон о привлечения мигрантов (Узбеков) которые мигрировали начиная 1991 года в Узбекистан чтобы развивать свою социально экономическое положения.

Однако налицо противоречие, связанное, с одной стороны, с возрастанием миграционного фактора в условиях демографического кризиса, а с другой — с рестриктивным характером миграционной политики большинства государств, ужесточением миграционного законодательства в отношении приезжих. В ходе проведенного анализа были выявлены также факторы, препятствующие универсальному применению данной модели: высокая степень теоретизации методологического конструкта, которая несет в себе сложность его практического применения и анализа многообразия эмпирического материала, доминирование экономической точки зрения, а также недооценка социокультурного и политического контекста миграционных процессов.

В научной литературе данный подход вызвал критическое отношение. Например, британский исследователь С. Каслз и американский ученый А. Портес обосновывают целесообразность создания теорий среднего уровня для анализа современных видов

https://buxdu.uz

миграции, таких как вынужденная миграция или экономическая миграция, где эмпирические исследования были бы включены в более широкие рамки теоретического объяснения структурных детерминант миграции нежели разработки объединительной модели [8.13-34].

Данная концепция позволяет рассматривать миграционный процесс, не локализованный в пространстве, а мигрантов — как индивидов, осуществляющих транснациональную активность. А. Портес определяет транснациональную активность как активность, которая осуществляется периодически через национальные границы, не ограничена экономической деятельностью, включает и политическую, и культурную, и религиозную активность [9.463-477].

Мы эти миграционные процессы можем увидеть на протижении всей истории человечества, потому что миграции которые проводились протяжении всех веков помогла развитию цивилизации и созданию новых тенденции в развитии культуры, экономике, социологически и т.д. А трансмиграции помогают развиваться по своему образу, оно отличается своим меншеством так как не имеет никакого значения для инфра развитии чего либо. Начиная 1920 года в БНСР (Бухарская народная советская республика) во главе Ф.Худжаевым отправила более 300 студентов в зарубежные вузы (по моему образу это трансмиграция, потому что в протяжении всех этих лет они не имели политическую и социальную власть для того времени), но эти миграционные процессы со временем помогли развивать свою культуру и социальное положения после Второй мировой. Они начали действовать не только ради страны, в котором они жили и они развивали свою национальность и в сфере исторической культуры своей страны.

По этой системе А.Портес выявляет свои теории тем что не все мигранты являются трансмигрантами. Транснациональная активность проявлялась на протяжении всей истории миграции, но размеры, регулярность и разнообразие межграничной активность в настоящее время имеют беспрецедентные масштабы. Транснационализм определяется как повторяющееся или привычное движение индивидов через международные границы в качестве части их устоявшейся экономически выгодной деятельности, политической или культурной жизни. А. Портес выделяет в числе мигрантов всего 5-8 % трансмигрантов[10.3].

В отечественной литературе пока не представлено подобных теоретических работ, однако также начинается переосмысление современной миграционной теории и предлагается выделить новое отраслевое направление в социологии — социологию миграции. В этой связи, на наш взгляд, отечественная социология должна усилить свой аналитический инструментарий. В примере этих анализов я привел некоторые страны из Прибалтики и России

А в Швеции первой из развитых стран Балтийского макрорегиона стала привлекать значительное количество мигрантов для обеспечения кадрами своей экономики, характеризовавшейся в послевоенный период быстрым ростом. Когда потребности в рабочей силе были удовлетворены (а это произошло к началу 1970-х гг.) иммиграционная политика стала более жесткой. В результате более чем 50-летнего притока населения в Швецию из-за рубежа доля иммигрантов увеличилась в два раза: с 5 % в первые послевоенные годы до примерно 10 % в начале XXI в.

Но если считать иммигрантов второго поколения и рожденных от смешанных браков (т.е. таких, у которых один из родителей иностранец), то доля людей с иностранными корнями достигает уже около 20 % шведского населения[1.99]. В 1960-е – 1970-е гг. большой миграционный прирост наблюдался в ФРГ, испытывавшей экономический бум. В послевоенные годы Германия рекрутировала рабочую силу в основном из соседних европейских стран, а с начала 1960-х гг. — из Турции. Западная Германия первой из всех европейских стран подписала соглашение с Турцией о поставках рабочей силы и стала с тех пор основной стороной, принимающей турецких мигрантов[2].

В 1980-е гг., когда экономическая ситуации стала ухудшаться, приток сократился, но в первой половине 1990-х гг., после краха социализма в Восточной Европе, достиг максимума (в том числе за счет немецкого населения восточноевропейских стран). В Данию небольшой

https://buxdu.uz

приток населения начался в 1950-е гг., в последующем он стабилизировался на уровне 1-2 человек на 1000 жителей в год (за исключением середины 1990-х гг., когда сальдо миграции временно значительно возросло). В то же время Финляндия, где экономический подъем к тому времени еще не начался, вплоть до 1980-х гг. теряла население (в частности, из-за его оттока в Швецию).

В последующем, как и остальные экономически развитые страны Балтийского макрорегиона, в соответствии с потребностями экономики Финляндия также стала принимать значительное количество мигрантов. Первое многократное увеличение наплыва в Финляндию иммигрантов спровоцировал распад СССР. В 1992 г. в страну начали прибывать тысячи граждан России, Эстонии, а также Сомали и Югославии. Значительная волна мигрантов (в том числе и нелегалов) обрушилась на Финляндию после ее вступления в ЕС в 1995 г[5.70].

Польша с ее высоким естественным приростом весь послевоенный период характеризуется оттоком населения. В связи с существенным сокращением рождаемости и естественного прироста с начала 1990-х гг., в условиях оттока трудоспособного населения за рубеж численность трудовых ресурсов Польши будет сокращаться. Анализ миграционной ситуации на мезорегиональном уровне показывает наличие различий внутри стран. Миграционный прирост населения происходит во всех мезорегионах Дании, Финляндии, Швеции (исключения — лены Вестерботтен и Готланд), Эстонии (исключение — уезд Сааре) и балтийских землях Германии. В СЗФО положительное сальдо миграции сложилось в Калининградской и Ленинградской областях и Санкт-Петербурге — наиболее развитых регионах российской Балтики. В Латвии только один регион имеет положительный баланс — Прерига (что является результатом процесса субурбанизации).

Во всех остальных рассматриваемых мезорегионах сальдо миграции отрицательное. При этом наивысшее значение миграционного притока фиксируется в шведской лене Сконе, наибольшая механическая потеря населения происходит в латвийском регионе Видземе, имеющем наибольшую долю латвийского населения, которое активно мигрирует в более развитые регионы страны и в страны ЕС. В целом для мезорегионов Балтийского макрорегиона более характерен механический прирост населения, достигающий 10,7 % в шведском лене Сконе. Миграционный отток населения охватывает меньшее количество мезорегионов и характерен для постсоциалистических государств (исключения — лены Вестерботтен и Готланд в Швеции). При этом его значение невысоко.

Одним из базовых объяснений миграции является положение о том, что она обусловлена суммарным действием факторов выталкивания и притяжения, имеющих социальную, демографическую и политическую природу[11]. Основа такого подхода была заложена в теории Е. Ли[12.3], согласно которой решение о миграции принимается человеком под воздействием разных стимулов, действующих в стране проживания или исходящих из потенциальной страны переселения. По мнению И. Цапенко[6.3-14], главным детерминантом миграции является разрыв между разными группами стран в уровнях экономического развития и, следовательно, в уровне и качестве жизни населения.

Коэффициент сальдо миграции в странах Балтийского макрорегиона, 1950-2006 гг., в расчете на 1000 человек населения[11]

Год	Латвия	Литва	Эстония	Польша	Швеция	Дания
1950	0,6	-16,4	2,3	-2,1	2,1	-0,7
1960	9,2	1,8	0,6	-0,8	1,5	0,6
1970	2,8	4,5	2,3	-0,4	6,0	2,3
1980	1,0	0,6	0,1	-0,6	1,1	0,1
1990	-3,3	3,0	1,6	-0,4	4,1	1,6
2000	-2,0	0,2	1,8	-0,5	2,5	1,8
2006	-0,1	-1,4	1,8	2,6	1,1	1,8

При этом страны с переходной экономикой, имеющие неоднозначные позиции по социально-экономическим и политическим показателям (Литва, Латвия, Эстония, Россия,

https://buxdu.uz

Польша), занимают промежуточное место в миграционных передвижениях и играют в них двоякую роль, будучи одновременно и донорами, и реципиентами населения

Россия со второй половины 1950-х и до середины 1970-х гг. являлась донором населения для многих республик СССР. С середины 1970-х гг. она стала главным реципиентом, притягивавшим население из подавляющего большинства других республик. Главным фактором этого «поворота» миграций стали изменения в региональной трудообеспеченности. В Казахстане и Узбекистане (Средней Азии) наблюдался громадный прирост трудовых ресурсов, за которым совсем не поспевало увеличение числа рабочих мест. В России трудовые ресурсы росли медленно, во второй половине 1970-х гг. в трудоспособный возраст (16-18 лет) стало вступать малолюдное поколение, рожденное в период «демографического провала» 1960-х гг.; российская деревня к тому времени была демографически истощена, не могла уже давать прежнего числа мигрантов в города России.

В это же время проходило ускоренное заселение районов хозяйственного освоения на Севере РСФСР; особенно больших трудовых ресурсов потребовали нефтегазовые районы Западной Сибири. После распада СССР приток населения в Россию продолжается, однако теперь большую его часть составляют русские, покидающие бывшие союзные республики СССР. С переселением их значительного количества в Россию положительное сальдо миграции (по крайней мере, регистрируемой) в 2000-е гг. резко сократилось.

Но и после распада СССР ожидалась большего в миграционном процессе в России, потому что такой же социологический-миграционный кризис ожидался и в государства Средней Азии (Узбекистан, Казахстан, Таджикистан и т.д.). В такой момент в роль входит и государств Прибалтики которые в свою очередь и теряли мигрантов (в основном русских) в то же время и принимали мигрантов с Узбекистана и с других стран Средней Азии.

Приток населения (преимущественно из РФ, а также из Белоруссии и Украины) шел и в Прибалтийские республики, отличавшиеся более высоким уровнем жизни, с одной стороны, и испытывавшие потребность в кадрах промышленных рабочих — с другой (из-за низких темпов воспроизводства населения, особенно в Латвии и Эстонии, формировался дефицит рабочей силы; к тому же местное население не всегда охотно занимало рабочие места на промышленных предприятиях). Небольшой в абсолютных цифрах, этот приток был очень велик относительно населения Эстонии и Латвии. За 30 лет миграция дала здесь больше половины общего прироста населения — 16 из 31 % в Эстонии и 15 из 28 % в Латвии[4.13-24].

Кроме того, значительным было косвенное влияние миграции. Мигрирует главным образом молодежь, дающая в местах притока естественный прирост населения. Все это привело к сильному снижению доли «титульных» наций в населении Эстонии и Латвии. После распада СССР в 1991 г. сальдо миграции в Прибалтийских республиках стало отрицательным. Пик оттока пришелся на начало 1990-х гг. За период 1990-1994 гг. из Прибалтики уехало около 250 тыс. жителей. Поскольку Литву, Латвию и Эстонию покидали преимущественно русские, которые распределялись по территории этих государств неравномерно, то и величина миграционного оттока в разных районах существенно различалась. Наибольшее сокращение населения наблюдалось там, где компактно проживает русскоязычное население. Так, на северо-востоке Эстонии в результате миграций за 1991-1997 гг. население сократилось на 8,3 %[3.15].

Со второй половины 1990-х гг. миграционный отток сократился, что было вызвано рядом причин: большинство желающих уехать к этому времени уже покинули Прибалтику, российское миграционное законодательство стало жестче, часть русскоязычного населения интегрировалась в новую жизнь государств. В последнее десятилетие статистика фиксирует небольшие размеры миграционного оттока, однако известно, что в этот период все более значительная часть населения (особенно Литвы), учитываемая как проживающая в данных странах, работает и в течение длительного времени проживает за рубежом, в странах ЕС и в Северной Америке.

https://buxdu.uz

Мы можем увидеть эти миграционные процессы на протижении всей истории человечества, потому что миграции которые проводились протяжении всех веков помогла развитию цивилизации и созданию новых тенденции в развитии культуры, экономике, социологически и т.д. А трансмиграции помогают развиваться по своему образу, оно отличается своим меншеством так как не имеет никакого значения для инфра развитии чего либо.

Начиная 1920 года в БНСР (Бухарская народная советская республика) во главе Ф.Худжаевым отправила более 300 студентов в зарубежные вузы (по моему образу это трансмиграция, потому что в протяжении всех этих лет они не имели политическую и социальную власть для того времени), но эти миграционные процессы со временем помогли развивать свою культуру и социальное положения после Второй мировой. Они начали действовать не только ради страны, в котором они жили и они развивали свою национальность и в сфере исторической культуры своей страны.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Антюшина Н. М. Демографические тенденции и семейная политика в Швеции // Труд за рубежом. М.2006. № 4.*
2. *Интеграции // Актуальные проблемы Европы. Иммигранты в Европе. М., 2006. 3. Население СССР. 1987: Стат. сб. / Госкомстат СССР. М., 1988. 4. Население России за 100 лет (1897—1997): Стат. сб. / Госкомстат.*
3. *Переведенцев В. И. Послевоенная динамика населения СССР и России // Политические исследования. – М., 1995. № 2. С. 24—33.*
4. *Роберова Е. И. Региональные различия положения русскоязычного населения Прибалтики: Автореф. дис. … канд. геогр. наук. Моск. гос. ун-т им. М. В. Ломоносова. 2005. С 15.*
5. *Сорокина Н. Современные реалии миграционной политики Финляндии // Мировая экономика и международные отношения. – М.: Наука, 2008. № 2.*
6. *Цапенко И. Движущие силы международной миграции населения // Мировая экономика и международные отношения. - М.:Наука, 2007. № 3. С. 3—14.*
7. *International migration 2006. New York, United Nations, 2006.*
8. *Castles S. Towards a Sociology of Forced Migration and Social Transformation // Sociology. 2003. Vol. 37 (1)*
9. *Portes A. Conclusion: towards a new world — the origins and effects of transnational activities // Ethnic and Racial Studies. 1999. Vol. 22(2).*
10. *Portes A. Theoretical Convergencies and Empirical Evidence in the Study of Transnationalism // International Migration Review. 2003. Vol. 37 (3).*
11. *Aid in place of Migration. Geneva, 1994.*
12. *Lee E. Theory of Migration// Demography. 1966. № 3.*
13. *http://www.std.lt/web/main.php*

https://buxdu.uz

УДК: 330.22

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ГАРОВИ

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ – ГАРАНТИЯ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

ENSURING INVESTMENT ACTIVITY IS A GUARANTEE OF SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH

Мадаминов Инъомжон Озодович
ТМИ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. *Мақола бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турган глобал пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилади. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш масаласи доимий равишда долзарб ҳисобланади. Инвестицион ва инновацион самарадорлик ва улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *глобал иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, инновация, инвестиция, самарадорлик, барқарорлик, инвестиция лойиҳалари.*

Аннотация. *Статья посвящена смягчению воздействия глобальной пандемии на экономику, которая сегодня находится в центре внимания мирового сообщества. Вопрос обеспечения инвестиционной и инновационной активности в экономике Узбекистана постоянно актуален. Были рассмотрены возможности повышения эффективности инвестиций и инноваций и доступа к ним, подготовки и реализации инвестиционных проектов.*

Ключевые слова: глобальн*ая экономика, национальная экономика, инновация, инвестиция, эффективность, устойчивость, инвестиционные проекты.*

Abstract. *This article focuses on mitigating the impact of global pandemic on the economy, which is the main concern of global community at present time. The issue of ensuring investment and innovation activity in the economy of Uzbekistan is constantly relevant. The possibilities of improving the efficiency of investments and innovations and access to them, preparation and implementation of investment projects were considered in this work.*

Key words: global economy*, national economy, innovation, investment, efficiency, sustainability, investment projects.*

Кириш. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш долзарб масаладир. Негаки, дунё амалиётидаги таҳлилларга назар соладиган бўлсак, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳамда техник-технологик янгилаш ва инновацияларни жорий этиш дастури орқали кўплаб тараққий этган давлатлар барқарор иқтисодий ўсишга эришганлар.

Шунинг учун ҳам иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, товарлар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, давлат активларини бошқаришда бозор тамойилларини жорий этиш мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтиришда инвестицион ва инновацион фаолликнинг нақадар зарур эканлигини ҳозирги глобал пандемия шароити кўрсатиб бермоқда.

Шу боис ҳам миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш масалалари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимо диққат марказида [1].

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётидаги содир бўлаётган танглик мамлакатлар ўртасидаги

https://buxdu.uz

инвестицион ва инновацион шартномаларни амалга тўлиқ ва кўрсатилган муддатларда амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз-ўзидан бир қатор давлатларнинг инвестиция ва инновация сиёсатининг сусайишига, ривожланиш ҳамда иқтисодий ўсиш параметрлари пасайишига, ишсизлик, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг тушиб кетиши каби салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди” [3]. Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас.

Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда [2].

Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашда дунё олимлари инновацион фаоллик ва инвестицион жараёнларнинг нақадар иқтисодиёт учун зарур эканлигини таъкидлаб келишади. Негаки, инновацион ва инвестицион фаолият иқтисодий инқироз даврларида долзарб ва муҳим ҳисобланган [10].

Натижада глобал инқирознинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга, оқсоқланиб қолаётган тармоқларга инновациялар ва инвестицияларни кенгроқ жалб қилишга хизмат қилиб қолади.

Адабиётлар таҳлили. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида Е.В.Михайлова, Н.Д.Гуськова, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина, В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев, А.М.Курьянов ҳамда В.В.Мищенколар [4] алоҳида олинган тармоқларида инвестиция оқимини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, шу жумладан, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш муаммолари бўйича ишлар олиб борганлар. Лекин, бизнинг фикримизча, ҳозирги мавжуд муаммога нисбатан фикрлар умумий ёндашилган бўлиб, инвестицион ва инновацион фаолиятнинг аниқ мақсадини кўрсатмайди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестициядан самарали фойдаланиш усуллари ва уларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларни моделлаштириш йўналишларини С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Шодиев, Б.Б.Беркинов, А.Н.Кравченко, Ё.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Б.Т.Салимов, Н.М.Маҳмудов, Д.М.Расулев [6] каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин.

Ушбу олимлар томонидан таклиф этилган фикрларда инвестицияларнинг ноаниқлик, хатарлилик ҳамда таваккалчилик чегаралари, модернизациялаш шароитлари ҳисобга олинмаган. Умуман олганда, ҳозирги глобал пандемия шароитида инвестицион ҳамда инновацион фаолиятга тўхталадиган бўлсак, юқоридаги таърифлар бизнинг мавзумизни тўлиқ ёритиб бера олмайди.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида белгиланган **инвестиция сиёсати** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи сифатида изоҳланади [7].

Биз томонимиздан таклиф этилаётган инновацион ва инвестицион фаолият тизими юқорида келтирилган ҳолатлар билан бирга глобал пандемия шароитидаги миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

https://buxdu.uz

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти диққат марказида инновацияларни кенг қўллаш, иқтисодиётга фаол инвестиция олиб келиш муҳим эканлиги кўриниб қолди. Бизга маълумки, инвестицияларни кенг жалб этиш бу, авваламбор, ишлаб чиқариш жараёнида замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, жаҳон бозорида ўрин эгаллаш, имижни қўлга киритиш, рақобатбардош товарларни яратиш кабиларни юзага келтиради.

Шунингдек, инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси учун инвестиция захираларининг чет эл манбаларига мурожаат этилиши ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида даврнинг ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруратига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу вазифалардан энг муҳимлари сифатида:

- минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликларни бартараф этиш;
- мамлакатнинг, айниқса, минтақалар экспорт салоҳиятини кучайтириш;
- импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш;
- рақобат муҳитини ривожлантиришга ёрдам берадиган иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторлари фаолиятини ошириш;
- бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва янгиларини яратиш;
- илғор чет эл технологияси, ноу-хау, бошқарувчилик тажрибасини жалб қилиш ва шу кабиларни келтириш мумкин.

Жалб этилаётган инвестициялар глобал инқироз таъсирини камайтиришга хизмат қилиши аниқ. Чунки инвестиция самарадорлиги ошиши, албатта, иқтисодиётда ялпи ички маҳсулот ортишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Пандемия шароитида амалга оширилаётган ислоҳотларга эътиборни қаратиб ўтадиган бўлсак, 2020 йилнинг уч ойида юртимизда иқтисодиёт тармоқларига 2,3 триллион сўм солиқ имтиёзлари берилди, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм ажратилди.

Ҳалқаро валюта жамғармаси томонидан Марказий Осиё давлатларида 2020 йилда иқтисодий ўсиш прогнозлари келтирилган. Унга асосан Қирғизистон (-4 фоиз), Қозоғистон (-2,5 фоиз), Тожикистон (-2 фоиз) иқтисодий пасайиш кузатилиши, Туркманистон (1,8 фоиз) ва Ўзбекистонда (1,5 фоиз) иқтисодий ўсиш кузатилиши прогноз қилинган [8]. Ушбу натижаларга эришишда, албатта, глобал пандемия келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ҳалқаро молиявий ташкилотлар томонидан паст бўлса-да, **2020-2021 йиллар учун Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш прогнозлари** қилинмоқда. Жумладан, Жаҳон банкига кўра, 2020 йилда (1,5 фоиз) ва 2021 йилда (6,6 фоиз) ўсиш прогнози кўрсатилган. Мос равишда Ҳалқаро валюта жамғармаси 1,5 ва 7,0 фоизни, Fitch' агентлиги 2,0 ва 6,8 фоизни, S&P' агентлиги 1,0 ва 6,0 фоизни кўрсатишган [5].

Хорижий экспертлар фикрига кўра, пандемиянинг таъсирида жаҳон савдо айланмаси 30 фоизга камайиши, ишсизлар сони 40 миллиондан ошиши мумкин. Евроиттифоққа аъзо мамлакатларда 2020 йилнинг бошида ишсизлик кўрсаткичи ўртача 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Франция, Италия, Греция, Испания каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ортиши кутилмоқда. 2020 йилнинг май ойида Америка Қўшма Штатларида ҳам ишсизлик даражаси юқори даражада ошганини айтишмоқда.

Ҳозирда дунё ҳамжамиятида содир бўлаётган ҳолат бизнинг давлатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. 2020 йилнинг I чорагида мамлакатдаги иқтисодий ҳолат олдинги йилнинг мос даврга нисбатан 1,6 фоизга камайганини кўриш мумкин. Шулар қаторида инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш миқдори ҳам камайган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида инвестицион фаолликнинг пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан

https://buxdu.uz

ўсиш суръати 89,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, жорий йил январь-март ойларида 33,4 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63,9 фоизи ёки 21,4 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 36,1 фоиз ёки 12,0 трлн. сўм молиялаштирилди [9].

Ушбу ҳолатлар иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатмоқда ҳамда мавжуд айрим камчилик ва муаммоларнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Глобал пандемия туфайли кўрилган талафотларни камайтириш бўйича яна бошқа бир қатор енгилликлар берилди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, илгари ставкаси 22 фоизгача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси 26 фоизгача бўлган кредитларнинг фоизлари ҳам қисман қоплаб берилади. Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 млрд. сўмгача (илгари 10 млрд. сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизгача оширилади.

Президентимиз томонидан янгича ёндашув ва воситаларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун 8 та асосий йўналиш кўрсатиб берилди.

1) иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш. Бунда бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаштириш вазифалари ҳамда корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташқи қарз битимларини тузишда белгиланган чекловдан ошмаслик;

2) камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш. Бу йил 810 мингта доимий иш ўрнини қайта тиклаш, 310 минг доимий ва 633 мингта мавсумий иш ўрни яратиш;

3) банк тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш. Давлат улушига эга ўнта банкда трансформация жараёнини ўз вақтида амалга ошириш, фоиз ставкаларини инфляцияга қарши сиёсат билан уйғунлашган ҳолда пасайтириш;

4) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш;

5) экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;

6) саноатда рақобатбардошликни кучайтириш;

7) кичик бизнесни ривожлантириш;

8) рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш устувор вазифалар этиб белгиланди [11].

Хулоса ва таклифлар. Дунёда юз бераётган “Глобал пандемия” инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига инновацион ҳамда инвестицион сиёсатни оқилона юритиш ҳисобига четдан инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш муҳим эканлигини кўрсатиб қўйди. Фикримизча, бунда қуйидагиларга эътиборни янада кўпроқ қаратиш керак деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган, давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш. Натижада инвестиция муҳити янада яхшиланиб, инвестицион фаоллик ошади.

Иккинчидан, глобал пандемия ҳолатини ҳисобга олган ҳолда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда хорижий давлатлар билан биргаликда амалга оширилиши мўлжалланган инвестицион лойиҳалар муддати узайишига эришилади.

Учинчидан, хорижий инвесторларга ахборот, ҳуқуқий ва бошқа кўмак, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий тадбиркорлар билан инвестицион фаолият соҳасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш. Бу билан халқаро тажриба қўлланиб, ҳозирги инқироз шароитидаги мавжуд қийинчиликлар бартараф этилишига ҳамда давлатнинг инвестиция сиёсатини юритиши яна ҳам самарали бўлишига эришилади.

Тўртинчидан, хорижий инвестициялар иштирокида истиқболли ва амалга

https://buxdu.uz

оширилаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, уларнинг амалга оширилиш ҳолати мониторингни олиб бориш. Албатта, бу эса биз кутаётган инвестиция фаоллигини оширади.

Бешинчидан, хорижий ишбилармон доиралар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар, кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериш орқали республиканинг иқтисодий, ресурс ва инвестицион салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ва тарғиб қилишни ташкил этиш. Натижада республикамизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг ошишига ҳамда иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ошишига таъсир қилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ижобий халқаро имижини шакллантириш ва сақлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш. Халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш. Экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан. https://uzreport.news/society/shavkat-mirziyoev-i-tisodiyot-bar-arorligini-taminlash-masalalari-buyicha-yi-ilish-utkazdi.*
2. *Мирзиёев Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.*
3. *2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018*
4. *Андронова Н.Э. Современные тренды трансформации мировой финансовой архитектуры в условиях финансовой глобализации. // Образование. Наука. Научные кадры. 2014. №01/14. С. 169-172.*
5. *Иваненко И.А., Ваниева А.Р. Специфика развития мировой финансовой системы в условиях глобальной нестабильности. // ПСЭ. 2016. №4 (60).*
6. *Игонина Л.Л. Инвестиции. Учебное пособие. – М.: Юрист, 2012. – 480 с.*
7. *Ефременко И.Н. Особенности институционального развития мировой финансовой архитектуры. // Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ). 2009. №3. С. 331-338.*
8. *Ковалев В.В. Инвестиции: учебник. М: Проспект, 2014. - 440 с.*
9. *Лахметкина Н.И. Инвестиционная стратегия предприятия. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2014. – 232 с.*
10. *Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник. / Булатов А.С., Ливенцев Н.Н. – М.: Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2013. – 654 с.*
11. *Теплова Т.В. Инвестиции. Учебник для бакалавров. – М.: Юрайт-Издат, 2013. – 724 с.*
12. *Triennial Central Bank Survey: Foreign exchange exchange and derivatives market activity in 2019. / Bank for International Settlements. September, 2019.*
13. *www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти.*
14. *https://www.imf.org/external/russian/index.htm-Халқаро валюта фонди ахборот сайти.*

УДК:397.4/.7:871.32

ТУРИЗМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ТУРИЗМЕ И ЕЕ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ

INNOVATIVE ACTIVITY IN TOURISM AND ITS ECONOMIC EFFICIENCY

Сайфуллоев Ойбек Олимович
БухДУ илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими бошлиғи

Аннотация. *Ушбу мақолада инновация тушунчаси ва унинг моҳияти, шунингдек туризмда инновацион фаолият ва унинг зарурияти кабилар ёритилган. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида туризм саноати учун инновацияларнинг муҳимлик даражаси*

https://buxdu.uz

таҳлил қилинган. Ўзбекистон туризм саноатида учун янги инновацион йўналишлар таклиф сифатида келтириб ўтилган. Туризм саноатига инновациялар киритиш орқали эришиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари белгилаб берилган.

Таянч сўзлар: *туризм, инновация, сайёҳ, ички туризм, агротуризм, экотуризм, инвестиция, туристик хизматлар.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются понятие инноваций и их сущность, а также инновационная деятельность в туризме и ее необходимость. В настоящее время анализируется уровень значимости инноваций для туристической отрасли в рыночной экономике. Новые инновационные направления для туристической индустрии Узбекистана представлены в виде предложений. Определены показатели экономической эффективности, достигнутые за счет внедрения инноваций в сфере туризма.*

Ключевые слова: *туризм, инновация, турист, внутренний туризм, агротуризм, экотуризм, инвестиция, туристические услуги.*

Abstract. *This article examines the concept of innovation and their essence, as well as innovation in tourism and its need. Currently, the level of significance of innovations for the tourism industry in a market economy is being analyzed. New innovative directions for the tourism industry of Uzbekistan are presented in the form of proposals. Indicators of economic efficiency achieved through the introduction of innovations in the field of tourism have been determined.*

Key words: *tourism, innovation, tourist, domestic tourism, agrotourism, ecotourism, investment, tourist services.*

Кириш. Туризм ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Кўпгина давлатларда туризм соҳаси иш билан банд аҳолининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Туризм соҳаси ривожи ҳар қандай қитъа, давлат ёки минтақа ривожига ҳисса қўшади. Туризмнинг асосий хусусиятларидан бири кенг кўламлилиги ҳамда унинг асосий элементлари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослигидир.

Туризм саноати – бу мураккаб тузилишга эга бўлган ва кўплаб таркибий қисмларга, жумладан, ихтисослашган туристик корхоналар, турар-жой ва умумий овқатланиш корхоналари, транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар, маданий, дам олиш ва спорт иншоотлари кабиларга бўлинган соҳавий ижтимоий-иқтисодий мажмуадир. Туризм туристик характерга эга бўлмаган тармоқлардаги корхоналар (транспорт саноати, ёқилғи саноати, йўл қурилиш саноати, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги) ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳозирги глобаллашув замонида туризм дунё иқтисодиётида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Мутахассислар фикрича, туризм соҳасида яратилган 1 та иш ўрни, унга ёндош соҳаларда 5 тагача иш ўрни яратилишига олиб келади. Шу сабабли мамлакатлар орасида сайёҳларни жалб этиш масаласида кучли рақобат бозори шаклланди. Ушбу рақобат эса туризм соҳасини бошқа соҳалар каби илм-фан ютуқларига яқинлашувига сабаб бўлмоқда. Илм-фан ютуқлари ёки креатив фикрлар орқали юзага келадиган инновациялардан туризм соҳасида фойдаланиш заруриятини замон талаб этмоқда.

Асосий қисм. Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний босқичидир. Инновация – фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (иш ёки хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янгича услуби ҳамда иш амалиётида иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи аълоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади [5].

Инновация атамаси лотинча «novatio» сўзидан олинган бўлиб, «янгилашиш» (ёки ўзгариш), «in» қўшимчаси эса лотинчадан «йўналишида» деб таржима қилинади. Агар буни яхлит «innovatio» кўринишида таржима қилсак, «ўзгаришлар йўналишида» деб изоҳланади. Инновация тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди. Инновацияларнинг биринчи тўлиқ тавсифи Австриялик олим Йозеф Шумпетернинг

https://buxdu.uz

«Иқтисодий ривожланиш назарияси» (нем. «Theorie der wirtschaftlichen entwicklung», 1911 й.) асарида келтириб ўтилган. Й. Шумпетер фикрига кўра, инновация нафақат янгилик, балки ишлаб чиқариш омилидир. Ўз асарида Й. Шумпетер инновация атамасини ишлатмасдан, уни ишлаб чиқариш омилларининг 5 та комбинацияси кўринишида келтириб ўтади. Улар қуйидагилар эди:

- Ишлаб чиқаришда янги ускуналар, янги технологиялар ва янги бозор таъминотидан фойдаланиш;
- Янги маҳсулот ёки мавжуд маҳсулотни янги сифатда ишлаб чиқариш;
- Янги турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш;
- Ишлаб чиқариш ёки моддий-техник таъминотдаги ташкилий ишларни ўзгартириш;
- Янги бозорларга кириб бориш [2].

Ушбу комбинациялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кузатмоқдамиз.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Умуман олганда, инновация ихтиродан фарқ килади. Ихтиро янги концепцияни яратиш билан изоҳланса, инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятни ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган мақсулотга айлантиришдир.

Инновациялар туризм соҳасида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Туризм саноати кўплаб инсонларни иш билан таъминлайди. Дунё аҳолисининг кўп қисми учун дам олишнинг асосий тури саёҳатдир. Жуда кўп мамлакатларда туризм соҳаси иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий йўналиш сифатида кўрилади. Шу сабабли, туризм соҳасида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ҳам ҳукумат даражасида, ҳам корхона даражасида амалга оширилади. Туризм соҳасида инновациялар янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳада аҳоли бандлиги ва даромадларини оширувчи лойиҳаларни яратиш кабилар билан характерланади. Туризм соҳасидаги инновацияларга сифатли янгиликка эга бўлган ва минтақада саноатнинг барқарор ишлаши ва ривожланишини таъминловчи ижобий ўзгаришларга олиб келувчи тизимли чора тадбирлар сифатида қараш лозим.

Ўзбекистонда туризм жаҳон бозори талаблари билан ривожланиб бораяпти. Бироқ, биз Ўзбекистонга кўпроқ сайёҳлар ташриф буюришига эришиш, бизда мавжуд маданий, тарихий обидалар ва ўзига хос табиатга эга манзилгоҳларни оммалаштириш бўйича кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Халқимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз хавфсизлиги чора-тадбирлари кўрилган ҳолда, юртимиз меҳмонлари, уларнинг шаҳару-қишлоқларимизга келиши учун иложи борича қулайликлар яратилса, инновациялар ёрдамида уларнинг харажатларини тежаш масалалари ҳал қилинса, Ўзбекистондаги туристик хизматлар янада жозибадор бўлади ва кўпроқ даромад олиб келади. Ўзбекистонда туризмнинг модернизациялашуви ва мамлакатга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайишига сабаб бўлувчи инновацион ёндашувлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- **Ахборот майдонида Ўзбекистоннинг туристик имиджини яхшилаш лозим;**

Ушбу соҳа шунчаки фаолиятни эмас, инновацион фаолиятни талаб этади. Қандай қилиб 1000 км узоқликдаги мамлакат ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Атбатта интернет орқали. Аммо ҳозирча кибер оламдаги маълумотлар Ўзбекистон туризмининг имкониятларини очиб бериш учун етарли эмас. Йилдан-йилга ўзгармай келаётган, қизиқарсиз маълумотлар эса қайта ишлашга муҳтож. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда маълумотлар шундай шаклда бўлиши керакки, сайёҳ нега айнан Ўзбекистонга ташриф буюриш керак деган саволга жавоб олсин.

- **Ички туризм соҳасини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш керак;**

Инсон фаолият олиб борар экан дам олиш эҳтиёжи ҳар доим сақланиб қолади. Ушбу эҳтиёждан унумли фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон ички туризм учун янги қирраларни очиши мумкин. Бунинг учун туризм хизматлари соҳасини ички туризмга мослаштириш масаласида жуда кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади. Одатда маҳаллий аҳоли туризм хизматларидан жуда кам фойдаланади. Бунда туризм хизматларининг нархи ҳам асосий рол ўйнайди. Масалан Бўстонлиқ ёки Зоминда 1 ҳафталик ҳордиқ харажати Анталия

https://buxdu.uz

ёки Таиланддаги 1 ҳафталик ҳордиқ ҳаражатидан қимматга тушиши мумкин. Ички туризм кўрсаткичларининг ўсиши аҳоли даромадлари ўсиши кўрсаткичидан ўсиб кета олмайди. Шу сабабли, бозор конъюктурасини ўрганган ҳолда, туризм хизматларини таклиф қилувчилар тежамкор турларни таклиф қилишса мақсадга мувофиқ бўларди.

- Давлат гранти асосида молиялаштирилаётган инновацион лойиҳалар таркибида туризм фаолиятига оид инновацион лойиҳаларга алоҳида квота ажратиш керак;

Бу соҳада айниқса минтақа туризми ривожи учун мўлжалланган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳим.

- Туризм соҳаси учун кадрлар етказиб берувчи олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш лозим;

Ҳозирги кунда таълим соҳасида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви борасида қатор муаммолар мавжуд. Туризм фаолияти бўйича олий маълумотга эга бўлган талаба фақат таълим даргоҳида олган назарий билимлари билан чекланиб қолмоқда. Ушбу соҳада инновацион фаолият сифатида туризм ва сервис хизматига мослашган таълим муассасаларида ўз меҳмонхоналари, ўз турфирмалари, ўз ресторанлари ташкил этишни келтириб ўтиш мумкин. Шундагина янги кадрлар ўзлари ишга жойлашадиган корхоналар фаолиятига инновацион ва амалий фикрларни олиб кира олишади.

- Инновацион туристик лойиҳаларга инвестиция киритувчиларни (айниқса, минтақа туризми ривожига хизмат қилувчи инвестицияларни) қўллаб-қувватлаш лозим;

2019-йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган 433-сонли низомга асосан туризм саноатига инвестиция киритмоқчи бўлган инвесторлар учун катта имкониятлар тақдим этилди. Низомга кўра, янги қурилаётган 3 юлдузли меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун давлат бюджетидан 40,0 млн. сўм (хоналар сони 50 тадан кам бўлмаган ҳолда), 4 юлдузли меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 65,0 млн. сўм (хоналар сони 100 тадан кам бўлмаган ҳолда) субсидия ажратиш кўзда тутилган [1]. Ушбу имтиёзларни инвестицион туристик лойиҳаларни инвестициялаш масаласида ҳам қўллаш керак. Субсидия ажратилмаган тақдирда ҳам фоизсиз қарзлар ёки паст фоизли кредитлар ажратиш лозим.

- Мутахассислар томонидан янги ва истиқболли йўналишлар сифатида тан олинган агротуризм ва экотуризм комплексларини ривожлантириш соҳасида инновацион ёндашув зарур;

Мутахассислар фикрича, коронавирус пандемияси таъсирида туризм йўналиши агро ва экотуризм томон ўзгартириш мумкин. Ҳар ҳолда аввалгига нисбатан талаб ошиши аниқ. Инновацион агро ва экотуризм комплекслари шаҳар аҳолисининг дам олишга бўлган эҳтиёжини қондиради. Асрлар оша қишлоқ аҳолиси орасида шаклланган анъана ва удумлар асосида ушбу комплексларни ташкил этиш эса ташқи сайёҳларни ҳам жалб этади.

- Тарихий ва маданий объектларимиз тарихи ва аҳамияти борасидаги қўлланма, йўл кўрсаткич, хариталарни янгилаш лозим;

Албатта ушбу қўлланма, йўл кўрсаткич, хариталар инновацион қайта ишловга муҳтож. Ҳар бир сайёҳ бораётган мамлакати борасида шунчаки эмас, қизиқарли маълумотларга эга бўлишни хоҳлайди. Ўз навбатида ушбу саёҳат таассуротлари ҳақида сўровчи дўстлар ҳам топилади. Ушбу ҳикоялар уларга ҳам мамлакатимизга ташриф буюришлари учун мотивация беради. Туристлар оқимини оширишда ҳам ушбу фактор ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳикоялар етарли даражада қизиқарли ҳамда фактларга бой бўлиши керак. Бунда тарихий олимларимизни етарли даражада рағбатлантириб, ҳар бир туристик объект ҳақида маълумотлар йиғишларида амалий жиҳатдан ёрдам бериш муҳим ҳисобланади.

- Туризмда мавсумийлик муаммосини бартараф этишда инновацион ечимлар ишлаб чиқиш керак.

Мавсумийлик муаммоси меҳмонхоналар учун оғриқли нуқта ҳисобланади. Мавсумийлик муаммоси ишчи кучи қўнимсизлиги муаммосини келтириб чиқаради. Меҳмонхоналар мавсум юқори бўлган даврда ишчиларни ишга жалб қилиб, мавсум паст

https://buxdu.uz

бўлган даврда уларни таътилга чиқаришга мажбур бўлишади. Чунки, меҳмонхоналар мавсум бўлмаган вақтда иш ҳақи тўлови учун етарли маблағга эга бўлишмайди. Бу эса ходимлар таркиби ҳар йили бутунлай ёки қисман янгиланишига олиб келади. Бу малакали ишчи кучи йўқотилишини англатади. Муаммо ечими сифатида меҳмонхоналар мавсум паст бўлган даврда ҳам пул тушумини таъминловчи инновацион бизнес ечимларни ишлаб чиқишлари лозим. Меҳмонхоналар ўз хизмат турларини кескин равишда диверсификация қилишлари ҳам мавсумийлик муаммосига қисман ечим ҳисобланади.

Туризм соҳасида инновацион фаолият замон талаби. Кучли рақобат шароитида яшаб қолишнинг асосий шарти. Инновацион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Туризм соҳасига олиб бориладиган инновацион фаолият:

- Потенциал туристларнинг кўлами ошишига;
- Туристик хизматлар турлари бозорининг кенгайишига (нафақат ташқи сайёҳлар балки маҳаллий аҳоли учун ҳам);
- Инсонларнинг дам олишга бўлган эҳтиёжларини (руҳий ва жисмоний ҳолатлари тикланиши) қондирилишига;
- Туризм инфратузилмаси ривожланишига;
- Минтақа туризми ривожланишига;
- Туризм саноати корхоналарининг имиджи ва рақобатбардошлилиги ошишига;
- Аҳоли бандлиги таъминлашини ва реал даромадларининг кўпайишига;
- Пировардида мамлакат иқтисодиёти ривожи кабиларга эришиш мумкин.

Хулоса. Инновациялар ёрдамида туризм сохасининг ривожланишининг барқарор тенденцияларга эришиш мумкин. Ҳозирги вақтда бу йўналишда дастлабки қадамлар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган 433-сонли низомга асосан туризм соҳасига киритилаётган инвестиция киритаётган инвесторларга берилаётган имтиёзларни ўзига хос инновацион қўллаб-қувватлаш сифатида тушунишимиз мумкин. Қилинган ишлар натижасида 2019 йилнинг ўзида мамлакатда умумий ҳисобда 277 та янги меҳмонхоналар қуриб ишга туширилди [4]. Ўзбекистонда чет эллик сайёҳлар учун ўзига хос “хавфсизлик ёстиқчаси”га айланадиган “Ўзбекистонда – хавфсиз саёҳат кафолатланган” (Uzbekistan – safe travel guaranteed) номли санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини ҳам инновацион йўналиш сифатида баҳолаш мумкин [6]. Чунки ҳозирги пандемия шароитида сайёҳлар саломатлиги кафолати кун тартибига чиқсоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакат ва минтақа туризм хизматлари ривожланаётган замонавий бозор шароитида тадбиркорлик фаолияти ушбу инновацион тенденцияларни амалга оширишнинг муҳим омили ва асосий шарти бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон қарори. https://lex.uz/docs/4141452.

2. Базилевич В.Д. 12. 1. 2 Неортодаксальна теорія Й.А. Шумпетера // Історія економічних учень: У 2 ч..— 3-е издание. — К.: Знання, 2006. — Т. 2. — С. 320. — 575 с

3. Новиков В.С. Инновации в туризме-М.: «Академия», 2007 г. -208с.

4. https://review.uz/oz/post/turizm-soasini-rivozlantiris-bujica-2019-jilda-amalga-osirilgan-islar

5. https://ru.wikipedia.org

6. https://kun.uz/uz/63950093?q=%2F63950093

https://buxdu.uz

УДК: 340.155.6

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATION SYSTEM

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович
БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD),
Адизов Бобир Бахтиёрович
БухДУ магистранти

Аннотация. *Мамлакатимизнинг кўплаб ижтимоий, ташкилий, иқтисодий, институционал, маданий, кадрлар, ахлоқий ва бошқа муаммоларни келтириб чиқарган бозор муносабатлари тизимига кириши олий таълим соҳасига ўз таъсирини кўрсатди. Ривожланишнинг инновацион йўналишига йўналтирилган тармоқ ислоҳоти, давлат томонидан тартибга солишнинг мослашувчан сиёсати ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳанинг самарадорлигини ошириш учун бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда аралаш моделларни ишлаб чиқишни талаб қилади.*

Мақолада ОТМларни ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш даврида олий таълим тизимида корпоратив бошқарувни жорий этишдаги айрим масалалар кўриб чиқилган.

***Таянч сўзлар*:** *корпоратив бошқарув, таълим тизими, таълим сифати, бозор шароити, диверсификациялаш.*

Аннотация. *Вступление нашей страны в систему рыночных отношений, которая вызвала множество социальных, организационных, экономических, институциональных, культурных, кадровых, этических и других проблем, сказалось на высшем образовании. Отраслевая реформа сектора, политика инновационного развития, гибкое государственное регулирование требует разработки смешанных моделей с использованием рыночных механизмов для повышения эффективности социально значимого сектора.*

В статье рассматриваются некоторые вопросы внедрения корпоративного управления в систему высшего образования в условиях перехода на самофинансирование вузов.

Ключивые слова: *корпоративное управление, система образования, качество образования, рыночные условия, диверсификация.*

Abstract. *The entry of our country into the system of market relations, which has caused many social, organizational, economic, institutional, cultural, personnel, ethical and other problems has affected higher education. Sector reform, innovation development policy, and flexible government regulation require the development of mixed models using market mechanisms to increase the efficiency of a socially significant sector.*

The article discusses some issues of implementing corporate governance in higher education in the context of the transition to self-financing of universities.

Key words: *corporate governance, education system, quality of education, market conditions, diversification.*

Замонавий жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва рақобатдошлигининг ҳал қилувчи омили бу билимдир. Билимлар иқтисодиёти ишлаб чиқиладиган интеллектуал капитални кўпайтиришни таъминлаш учун олий таълим тизимига алоҳида талабларни қўяди. Олий таълим тизимининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан замонавий шароитларда қўлланилаётган бошқарув тамойиллари, усуллари ва ёндашувларининг мослиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида “Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича, тажриба тариқасида давлат улушининг

https://buxdu.uz

51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш [1] назарда тутилган.

Мамлакатимизнинг кўплаб ижтимоий, ташкилий, иқтисодий, институционал, маданий, кадрлар, ахлоқий ва бошқа муаммоларни келтириб чиқарган бозор муносабатлари тизимига кириши олий таълим соҳасига ўз таъсирини кўрсатди. Ривожланишнинг инновацион йўналишига йўналтирилган тармоқ ислоҳоти, давлат томонидан тартибга солишнинг мослашувчан сиёсати ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳанинг самарадорлигини ошириш учун бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда аралаш моделларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Олий таълимга оммавий талабнинг ўсиши тенденцияси аниқ кўринадиган макродаражадаги олий таълимда бошқарувнинг бозор тамойилларига мослашиш жараёнлари, асосан, маъмурий ислоҳотлар, янги давлат бошқарувининг жорий этилиши ва олий таълимни молиялаштиришда давлат улушининг камайиши натижасида содир бўлади. Бозор ёндашуви олий таълим самарадорлигини баҳолашда тизим рақобатбардошлиги, самарадорлиги, ҳисобдорлиги, шаффофлиги ва сифатининг муҳимлигини таъкидлайди. Микродаражада ушбу тенденциялар Олий таълим муассасалари(бундан кейин ОТМлар)нинг даромад манбалари ва молиявий оқимларини фаол равишда диверсификация қилишга, замонавий бошқарув ва бюджетлаштириш усулларини жорий этишга ва ўз фаолиятини мижозга йўналтиришга мажбур қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарорига мувофиқ, “ОТМларнинг мустақиллиги, академик эркинликлар, ресурсларни мустақил бошқариш, стратегик қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос яратиб, давлат аралашувининг роли камаймоқда. Олий таълимдаги институционал ўзгаришлар университетларнинг эркинлик даражасини кенгайтиришга қаратилган, чунки харидорларнинг турли гуруҳларига тақдим этиладиган турли хил таълим шаклларига талаб ва таклифни тартибга солиш жараёнида бозор механизмлари кўпинча маъмурий механизмларга қараганда самаралидир” [2].

ОТМларнинг турли хил рақобат муҳитида ишлаши уларда корпоратив бошқарувни шакллантиришни тақозо этади. Бу корпоратив бошқарув маданияти тамойилларини, масалан, натижаларни баҳолаш, меритократик (Меритократия раҳбарлик лавозимларига энг муносиб ва қобилиятли шахсларни қабул қилиш ҳамда хизмат поғоналари бўйича кўтариш) иш ҳақи схемаларини жорий этишга олиб келади.

Таълим жараёнида корпоратив маданиятнинг устунлиги, бозор шароитида ОТМнинг “мижозларга йўналтирилган” мақсадларга жавоб беришда мослашувчанликни англатиб, компетентлик (ваколатлик) ва ишбилармонлик биринчи ўринга чиқади.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тамойилларини олий ўқув юртларида қўллаш академик эркинликлар ва демократик коллегиаллик тамойилларининг пасайишига таҳдид солади, чунки бошқарувнинг профессионаллиги кучайтирилади ва маъмурий менежерларнинг роли ошади, бу республика ОТМлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва давлат томонидан тартибга солиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда корпоратив бошқарув тамойилларини акциядорлик тизимидан таълим тизимига мослаштиришни талаб қилади.

Бутун дунё олий таълим тизимида катта ўзгариш ва қийинчиликларнинг мураккаб ва зиддиятли даври ўтмоқда. Олий таълим муассасалари ўзининг ходимлари ва таниқли олимлар учун ўзларининг автономиялари ва корпоратив манфаатларини ҳимоя қилиш учун яратилган марказ сифатида тушунилишидан янгича концептуал схемаларга ўтишга йўл бўшатиб бермоқда. ОТМлар тобора кўпроқ таълим хизматлари бозорида мустақил иштирокчилар, провайдерлар, билим ва инновацияларни ишлаб чиқариш ва узатиш корпорациялари сифатида кўрилмоқда. Парадигманинг ўзгариши, яъни “концептуал схема,

https://buxdu.uz

воқеликнинг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи муаммоларни белгилаш ва ечиш модели” кўплаб омилларга боғлиқ. Олий таълимнинг асосий белгилари сифатида тизим, жараён ва таълим натижаси ўзгаради.

Олий таълим соҳасида давлат бошқарувининг янги усулларидан фойдаланиш ОТМларда корпоратив бошқарув тамойилларидан фойдаланишга олиб келади. Хорижий тадқиқотларда ОТМларда корпоратив бошқарувни шакллантириш масаласи фаол муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. ОТМларда корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича бир қатор фикрлар мавжуд. Улардан бири корпоратив дунёга хос бўлган фаолият ва бошқарув принциплари ва усулларини университет муҳитига ўтказиш имкониятини рад этади [6].

Бошқа йўналишлар вакиллари эса замонавий олий таълим бозор муносабатларининг амалдаги субъекти эканлиги сабабли бозор қонунлари ва ўйин қоидаларини қабул қилмасдан фаолият кўрсатиши мумкин эмаслигини тан олишади [5].

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий адабиётларда ОТМларнинг аниқ ва бир хилдаги корпоратив бошқарув концепцияси ҳали ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотчилар кўпинча ОТМлардаги корпоратив бошқарувнинг кўп қиррали, мураккаб ва қарама-қарши жараёнларини ушбу ҳодисанинг ягона мезонига йўналтиришга ҳаракат қилишади [4]. Ушбу мезон эса молиявий компонент ҳисобланади.

ОТМда корпоратив бошқарувни аниқлашга турли ёндашувларни таҳлил қилиш, ушбу атама тушунчасини ҳам макро, ҳам микродаражада шакллантиришга имкон берди.

Фикримизча, **Макродаражада** давлат томонидан тартибга солиш, олий таълимда корпоратив бошқарув усуллари, моделлари ва энг яхши амалиётини жорий қилиш, ўзгартириш ва мослаштириш, ОТМларнинг автономлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишдир.

Микродаражада манфаатдор томонларнинг манфаатларини таъминлайдиган ва таълим муассасасининг ўз вазифасини бажаришга ва олий таълимнинг академик қадриятларини сақлашга ҳисса қўшадиган бизнес ҳамжамияти билан узоқ муддатли ҳамкорлик учун шароит яратадиган самарали корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш тушунилади.

ОТМда корпоратив бошқарувни шакллантириш жараёни узоқ муддатли, чуқур ўйланган жараён бўлиб, у нафақат олий таълимнинг ишлаш механизмларига, балки хусусий сектор билан яқин муносабатлар ва ҳамкорликка ҳам таянади. Бу университет ҳаётининг корпоратив иқтисодиёт, маданият ва амалиётга жиддий кириб бориши билан ажралиб туради. Корпоратив бошқарув жараёни олий ўқув юртларининг ташқи ва ички муҳитига таъсир қилади.

ОТМларни ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш даврида, фикримизча, университетларда корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

❖ давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ташкилий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар мажмуасини либераллаштириш;

❖ замонавий стратегик менежмент тамойилларидан фойдаланиш ва ОТМлар фаолиятини натижаларга қараб баҳолаш;

❖ университетни бозор иқтисодиёти иштирокчиси сифатида кўриб чиқиш ва баҳолаш.

Гап шундаки, ОТМлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш муаммоси билан кўпроқ тўқнашмоқдалар. Чунки Ўзбекистон олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари тушуми улушининг йилдан-йил камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бюджет маблағи тушумларининг улуши 2015 йил 42 %дан 2019 йилда 23 %га тушиб қолмоқда (1-жадвалга қаранг);

https://buxdu.uz

1-жадвал

ОТМнинг даромадларида молиялаштириш манбалари улушлари (манба муаллиф ишланмаси)

Т/р	Йиллар	Молиялаштириш манбаси	Молиялаштирилган маблағ (минг сўмда)	Улуши
1.	2015	Бюджет	15 905 593	42 %
		Бюджетдан ташқари	27 735 826	58 %
2.	2016	Бюджет	12 212 281	38 %
		Бюджетдан ташқари	32 281 694	62 %
3.	2017	Бюджет	13 575 239	35 %
		Бюджетдан ташқари	38 700 102	65 %
4.	2018	Бюджет	16 972 210	27 %
		Бюджетдан ташқари	62 921 198	73 %
5.	2019	Бюджет	29 286 934	23 %
		Бюджетдан ташқари	126 077 582	77 %

❖ ҳар хил турдаги молиялаштиришни янада ривожлантириш, даромад манбааларини диверсификация қилиш, тўлов-контракт асосида ўқиш тўловлари, илмий тадқиқот ишланмаларини тижоратлаштириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларига шатнома асосида хизматлар кўрсатиш, жамоат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғарма маблағларини жалб этиш, биноларни, молиявий активларни ижарага бериш;

❖ хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлари томонидан ОТМни молиялаштиришини амалга ошириш. Бу маблағлар илмий-амалий тадқиқотларни молиялаштиришга, талабалар стипендияларига, талабалар амалиёт дастурларини ишлаб чиқишга, корпоратив кафедраларни ташкил этишга, профессор-ўқитувчиларнинг маошларини оширишга, университетлар базасида қўшма дастурларни яратишга йўналтирилади;

❖ иқтисодий барқарорликни муваффақиятли таъминлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида олий таълим тизимига хос рентабеллик ва молиявий самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

❖ ОТМни корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган бошқариш тизимига ўтказиш ва мослаштириш.

ОТМларда корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ўзгартириш ва мослаштириш учун қуйидаги ташкилий механизмларини шаклларда амалга ошириш тавсия этилади:

- бошқарув кенгашларини яратиш, ОТМ бошқарувчилари (ректорат структурадаги раҳбарлари)ни ОТМ эгасидан (давлат) ажратиш. Яъни ОТМ менежерлари ва мулкдорлари ўртасида тафовутни аниқлаб, уларнинг вазифаларини аниқ тақсимлаш;

- бошқарувнинг ташкилий тузилмасини мос равишда ўзгартириш, яъни мустақил васийлик кенгаши ва кузатув кенгашларининг (корпорациялардаги директорлар кенгашларига ўхшаш) тузилмаларни жорий этиш.

Олий таълимнинг касбийлаштирилиши дунё миқёсидаги тенденция бўлиб, давлатнинг барча даражаларида ОТМ раҳбарларининг билим ва малакасига юқори талабларни қўяди. Корпоратив бошқарув академик сектор учун ОТМ тадқиқотларини молиялаштиришда катта хавф туғдиради, чунки илмий изланишлар ва олинган натижаларнинг автономлиги ва мустақиллиги бузилиши мумкин, бу эса тадқиқот ва тижорат ўртасидаги чегарани олиб ташлаб, тадқиқотларни технологик маҳсулотлар бозорига айлантиради.

Корпоратив бошқарув жараёнларининг ўзига хос хусусияти уларнинг ОТМ муҳитига икки хил таъсир кўрсатишида кўринади. Ушбу жараёнлар ва уларнинг оқибатларини ўрганишга дуалистик ёндашув шуни кўрсатадики, бир томондан, корпоратив бошқарув ғояларини илгари суриш, олий таълимда янги менежмент замонавий атроф-муҳит шароитларининг ўзгаришига зудлик билан муносабат билдиришга асосланган. Бошқа томондан, кўпгина тадқиқотчилар ҳали ҳам бозор муносабатларининг кириб бориши, академик муҳитнинг ижтимоий-маданий асослари ва қадриятларига путур етказади ва “капиталистик корпоратизм”да улар бозор бўлмаган институтларнинг асосий қадриятларига таҳдидни кўрадилар [7].

https://buxdu.uz

Шундай қилиб, университетда корпоратив бошқарув жараёнларининг ноаниқлиги феномени ушбу жараённинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларидан аниқланади. Корпоратив бошқарув тарқалишининг зарур шарти университетнинг ижтимоий мақсади ва масъулият соҳаларида доимий иштирок этишидир. Ушбу чегараларни бузиш салбий оқибатларга олиб келади ва олий таълим фаолияти ва моҳиятига таҳдид солади.

ОТМларнинг кўпгина бошқарув хусусиятлари корпоратив бошқарув тамойилларининг самарали ўтишига қаршилик қиладиган тўсиқларга ҳам боғлиқ эди, шу жумладан: бошқарув тузилмаларининг сустлиги, марказлаштиришнинг юқори даражаси, бу бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш учун кўп вақтни талаб қилади, молиявий-иқтисодий фаолият ва мулкий бошқарувдаги чекланган автономия. ОТМнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қарамай, илм-фан ва таълим вакилларининг ишбилармонлар билан ўзаро алоқада бир-бирини тушуниши қийинлиги таъкидланди, чунки биринчилари харажат ва ижтимоий самарадорлик тили (кўпинча назарий жиҳат)да, иккинчиси иқтисодий самарадорлик тили (асосан, амалиёт жиҳати)да гаплашадилар.

Хулоса қилиб айтганда, биз кўриб чиққан ОТМ инновацион модели корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш имкониятини яратади ва ОТМларни янада ривожлантириш учун аниқ афзалликлар ва имкониятларга эга бўлади. Шу билан бирга, қарор қабул қилиш механизми ва фаолиятнинг стратегик йўналишларини белгилаш юқоридан пастга эмас, балки пастдан юқорига кечиб, профессор-ўқитувчилар, ректорат, Илмий кенгаш ва директорлар кенгаши ўртасида келишувни таъминлашда мақсад ва манфаатларни мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Даромад манбаларини диверсификациялашни кучайтириш университетни кўп манбали молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди, бизнес, фан ва таълим ўртасидаги маълумот ва тушунишни аниқлаш муаммолари ҳал қилинади. Университетнинг обрў-эътибори ҳам ортиб бориб, қизиқишларни мувофиқлаштириш даражаси ва барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондириш даражаси ошади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони. 3 боб, 7-§. http://lex.uz/*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-фармони. http://lex.uz/*
3. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори. http://lex.uz/*
4. *Борисов И.И., Запрягаев С.А. Тенденции развития высшего образования в XXI веке. // Вестник Воронежского государственного университета Серия Проблемы высшего образования, 2000. № 1. С.12-28.*
5. *Касабиева З.Ю. Организационно-экономические основы формирования корпоративного управления в высшем учебном заведении. Диссертация. – М., 2011. – 161 с.*
6. *Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. – 204 с.*
7. *Корпоративное управление вузом. Учебное пособие. / под К68 ред. А.И. Чучалина. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2008. – 416 с.*

https://buxdu.uz

УДК: 378.145

ОЛИЙ ТАЬЛИМДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

МЕТОДЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИН В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

METHODS OF INCREASING THE QUALITY AND EFFECTIVENESS OF TEACHING THE DISCIPLINE IN HIGHER EDUCATION

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
БухДУ физика кафедраси профессори, пед.ф.д.,
Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович
БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD),
Қаҳҳоров Мадамин Абдунабиевич
БухДУ стажёр-тадқиқодчи-изланувчиси,
Худойбердиев Шодиёр Бобирович
БухДУ талабаси

Аннотация. *Мақолада олий таьлим муассасаларда кредит-модуль тизимида фанларни ўқитишда унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосини масофавий ва мустақил таьлим ташкил этиши ёритилган. Ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида ўқитишнинг педагогик технологияларига асосланган масофавий ва мустақил ўқитиш тизимларининг таълим сифатига ахборот технологиялар орқали кириб, у билан чамбарчаслиги кўриб ўтилган. Кредит - модуль тизимининг асосини масофавий ва мустақил ўқитиш ташкил қилиши ва унинг самародорлигини оширилиши мисоллар орқали курсатилган.*

Таянч сўзлар: *ахборот технологиялари, таълим тизими, масофавий таълим, кредит-модуль тизими, педагогик технологиялар, мустақил таълим, таълим сифати, таълим самарадорлиги, масофавий ва мустақил таьлим.*

Аннотация. *В статье рассматривается дистанционное и самостоятельное обучение как основа повышения качества и эффективности преподавания дисциплин в кредитно-модульной системе в высших учебных заведениях. В настоящее время считается, что дистанционные и самостоятельные системы образования, основанные на педагогических технологиях преподавания в высших учебных заведениях, вошли в качество образования через информационные технологии и тесно переплетены с ним. Основой кредитно-модульной системы является организация дистанционного и самостоятельного обучения, и повышение ее эффективности иллюстрируется примерами.*

Ключевые слова: *информационные технологии, система образования, дистанционное обучение, кредитно-модульная система, педагогические технологии, самостоятельное обучение, качество образования, эффективность образования, дистанционное и самостоятельное обучение.*

Abstract. *The article discusses distance and independent learning as the basis for improving the quality and effectiveness of teaching disciplines in the credit-modular system of higher education institutions. Currently, it is believed that distance and independent education systems based on pedagogical technologies of teaching in higher education institutions have entered the quality of education through information technology and are closely intertwined with it. The basis of the credit-module system is the organization of distance and independent learning, and increasing its effectiveness is illustrated by examples.*

Key words: *information technologies, education system, distance learning, credit-modular system, pedagogical technologies, independent learning, quality of education, effectiveness of education, distance and independent learning.*

Инсоният йигирманчи аср ниҳоясида бир туркум муаммоларга дуч келдиким, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланишига боғлиқ. Таълим, ишлаб

https://buxdu.uz

чиқаришнинг турли жабҳаларига янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Интернет глобал компютер тармоғини ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишларини очилишига (IT,IQ) технологияларни жорий қилинишига сабаб бўлмоқда. Бу воқелик, ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгаришини, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усуллар идан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Масофадан ўқитиш давр талабига айланиб таълим тизимини ривожига асос бўлди. Масофавий таълимда таълим олувчи ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради.

Республикамизда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан масофавий таълимни ташкил қилинишини ва у қандай омилларга боғлиқлигини ўрганиш, унинг фанларни ўқитишда сифат ҳамда самарадорлигини оширишга қандай усуллар таъсирини ўрганиш мақсадида 2002 йилда Малазия давлатига биринчи марта малака ошириш бўйича гуриҳ юборилган эди. Ушбу гурух аъзолари томонидан ОТМда семинарлар ўтказилиб, ОАВда чиқишлар қилиниб, мақолалар ёзилиб масофавий таълимни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш бўйича таклифлар берилган ва йуриқномалар тайёрланган эди[1].

Ҳозирги вақитда олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш коронавирусни кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар тайёрлаш бўйича республика махсус комиссия йиғилишининг 11-сон байонида келтирилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 27 мартда 233 сонли буйруқ чиқарилди. Унга асосан масаофавий таълим платформасини яратиш лозим яъни масофадан ўқитиш тизимини яратиш керак. Масофавий таълимни амалга оширишда шу соҳа бўйича малакали мутахассис, етарли моддий техник база ва интернет тизими (телефон, телеграм, сматфон...) компьютер талаб даражасида бўлиши лозим. ОЎМТВ тизимидаги бир қанча олий ўқув юртлари таълим тизимини (2020-2021) ў.й. кредит-модуль тизимида амалга оширади. Бу тизимни асосини масофавий ва мустақил ўқитиш ташкил қилади. Масофавий ўқитишни турли турли шакиллардан (онлайн, вебнет, вебинар, e-learning, дастурлари ва ш.к.) иборат кўринишларда амалга ошириш мумкин.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида таълим олувчи интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» таълим олувчилари билан мулоқотда бўлади.Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, електрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш таълим олувчиларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради. Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнига оид айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий таълим - масофавий ўқитишга асосланган таълим.

Масофавий ўқитиш - ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод,

https://buxdu.uz

ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган таълим олувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.

Масофавий ўқитиш тизими - масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил етиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига ега.

Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари - танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда таълим тизимида кридит-модуль тизимида олиб борилмоқда. Бунда ахборот коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим усулларидан фойдаланилади. Бунинг учун таълим жараёнида моддий-техник баъза етарлича, масофавий таълим платформаси яратилиши зарур ва етакчи мутахассис кадрлар билан талаб даражасида таъминланиши лозим. Шунингдек интернет алоқа ёки мобиль интернет бўлиши, унинг тезлиги етарлича бўлиши муақсадга мувофиқ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (2020 йил 27 мартдаги 233 сонли) буйруғига асосан ишчи гурух томонидан яратилган йўриқномага асосан электрон ўқув ресурслари ишлаб чилиниб университет расми,веб-сайти, ижтимоий тармоқда эълон қилинди. Жорий йилининг апрель ойидан бошлаб мингдан ортиқ фанлар бир қанча дастурлар оқали moodle платформасига киритилди. БухДУда ZOOM дастури орқали видио кўрсатувлар, онлайн халқаро ва республика миқёсидаги конфренциялар ҳамда фалсафа доктории (PhD) ва фан доктори (DeS) ҳимоялари муваффақиятли ўтказилиб келинмоқда. Университетда малака ошириш маркази томонидан ҳам масофадан ўқитишни жори қилиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Малакавий битирув ишлар тақдимотлари яхши ўтказилмоқда[2].

2020/2021 ўқув йилидан республикамизни кўпгина ОЎЮда биринчи курсга қабул қилинган талабалар кредит-модуль тизимида ўқишни давом эттиради. Ўқиш низом ва дастур асосида 40/60 тизимда (40 аудитория соатлари, 60 мустақил таълим соатлари) ўқитилади. Ҳар ўқув жараенида талаба фанлардан 30 кридит балл, бир ўқув йилида 60 кридит балл йиғиши лозим. Бакалавр таълим йўналишлари 4 йилда 240 кридит балл тўплаши шарт. Магистратурада ўқиганлар 2 йилда 60 кридит балл йигишлари керак. Бир кридит балл 30-40 академик соатга тўғри келади. Йўналишлар бўйича фанларни ўқитишда мажбурий ва талаба танлайдиган фанлар блокига бўлинади.

Мустақил таьлимни амалга оширишда талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик асосида индивидуал бажарадиган иши мустақил иш ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил иши ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Ўқув материалларининг талабалар томонидан мустақил узлаштирилишини такомиллаштиришмасдан замонавий таълим олдига қуйилган вазифаларни талаб даражасида бажаришга эришиш лозим бўлади.

Шарқ алломалари ва мутаффакирлари бизга қолдирган манбаларидан ҳаётда шахсни ёшликдан мустақил фаолият кўрсатишга алохида ахамият беришган. Киши мустақил фаолияти давомида аниқ режа асосида иш юритади.Масалан у сафарга борганда барча муаммоларни ўзича- ўзи ечади. Шуни учун мусулмон дунёсида “Мусофир бўлмасанг мусилмон бўлмайсан” деган мақол келиб чиқган. Ҳар бир инсон мусофирликда ўз яшаш жойидан бошқа жойда бўлганда мустақил таълим олгандек барча муаммоларни мустақил ҳал этади. Шу мақсадда болани мустақил таълимга ёшликдан ургатиш мақсадга мувофиқдир. Мустақил таълимни оиладан, мактабгача таълимда, умумий ўрта таълимда, ўрта махсус тизимида, олий таълимда тизимида ва олий таълимдан кегинги таълимда ҳамда ҳаётда иш бошқарувида қўллаш орқали ижобий натижаларга эришишлади.стақил таълимни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПФ-4732-сонли фармони, ЎзР президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

https://buxdu.uz

ПФ-5349-сон Фармони, ОЎМТВ нинг 2020 йилдаги 233-сон буйруғи ижроси буйича ташкил этилаётган ўқув дастурларида албатта мустақил таълим ҳакида устивор вазифалар ўз ўрнини топиши керак;

- талабалар мустақил ишларини самарали бажаришлари учун компьютерлар ва интернет тармоғи билан таъминланишлари зарур;

- талабалар мустақил ишини туғри режалаштирмасдан керакли натижаларга эришиб бўлмайди;

- талабалар мустақил ишларини самарали бажаришлари учун компьютерлар ва интернет тармоғи билан таъминланишлари зарур;

- талабалар мустақил ишини туғри режалаштирмасдан керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишни куз олдимизга келтириш кийин. Хозирги давр мутахассисидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун куп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ҳолига ташлаб қуйиш эмас, балки педагог томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

• янги билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

• аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш;

• меъёрий-ҳуқуқий актлар, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;

• ўқув материалларини мустақил ўрганиш;

• фаоллиги, билим орттириши, ижодий ташаббуси, масъулияти ва тартиблигини ривожлантириш;

• олган билимларини амалиётда қуллай олишни шакллантириш;

• мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ўстириш, ўзининг режасини амалга оширишни шакллантириш;

• тадқиқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Мустақил таълимининг асосий вазифаси талабалар мустақил равишда маълумотлар топиш усули билан билим олишни ривожлантириш, ўқув жараёнига ижодий ёндашишга фаол кизикишни шакллантиришдан иборат. Талабалар мустақил равишда курс ишлари, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаётганларида қўйилган муаммоларни чуқур таҳлил килиб, ўзларининг мустақил асосланган фикр ва хулосаларини чиқаришлари керак.

Мустақил таълимнинг самарали бўлиши учун қўйидаги усул ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: кластер, сухбат, баҳс, тоифалаш жадвали, пинборд, инсерт, «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» жадвали, Т-жадвал, Венн диаграммаси, «Нима учун?», балиқ скелети ва бошқалар[3].

Маъруза дарсларида камида 40 % вақтда талаба мустақил ишлаши керак, бунинг учун маърузани савол-жавоб-мунозара шаклида ташкил этиш лозим, яъни ўқитувчи янги маълумотни нафақат баён этади, балки қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради; маърузани савол-жавоб усулида олиб боришда ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради; анжуман, маъруза, ўқув дастури доирасида илмий-амалий машғулот сифатида, аввалдан белгиланган муаммо буйича маъруза ва сўзга чиқишлар эшитилади; машғулот якунида ўқитувчи маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади; ўқувчиларнинг вақтинча эркин фикр алмашишига рухсат берилади; ўқитувчи маъруза якунида талабаларнинг ташхиси ва

https://buxdu.uz

қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади; ўқувчиларга саволлар берилади ва уларнинг жавобларидан фойдаланилади.

Аудиториядан ташкарида бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилади:

• маъруза, амалий машғулотлар, семинар ва лабораторияларга тайёргарлик;

• ўқув режадаги фанларнинг маъруза машғулотларида ўрганилмайдиган мавзуларини мустақил ўрганиш;

• интернетдан керакли маълумотларни излаб топиш;

• курс ишлари, курс лойиҳалари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларни тайёрлаш;

• ахборот-ресурс маркази каталоги орқали мустақил равишда адабиётларни излаш;

• ўқув аудиоёзувларини эшитиш, видео-материалларни кўриш;

• ўрганилаётган мавзу буйича дарслик, ўқув қўлланмаларни ўрганиш;

• назорат ишларини бажариш;

• мавзулар буйича докладлар, рефератлар ва эсселар ёзиш;

• семинар ва конференцияларда маъруза қилишга тайёргарлик кўриш;

• амалий машғулотларда берилган масала ва мисолларни ечиш;

• ўқув материалларини тизимли урганиш максадида альбом, жадвал, схема, ребус, тестлар ва кроссворд тузиш;

• ўрганилаётган мавзулар буйича алохида талаба ёки бир гурух талабалар кургазмали қўлланмалар тайёрлаши;

• мустақил ўрганилаётган саволларни ўрганилади;

• маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тестлар ечиш;

• ижодий ва илмий ишларни бажариш;

• талабаларнинг илмий жамиятлар ва тугаракларда иштирок этиши;

• танловлар ва олимпиадаларда қатнашиш;

• ўтган амалиёт бўйича ҳисоботлар, талабалар конференцияларига илмий докладлар тайёрлаш;

• хисоб-китоб ва график ишларни бажариш;

• жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик куриш;

• монографияларни конспектлаш.

Мустақил таълим ва сифат самарадорлигини ошириш учун аввалам бор мустақил таълимга ажратилган соат улушини купайтириш керак. Педагог талабаларни мустақил ишларни бажаришга йуналтириши учун малакасини ошириш лозим, педагоглар мустақил таълимни самарали ташкил этиши ва талабаларни мустақил ишларни бажаришга психологик тайёрлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш туғрисида»ги, «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат килиш ва бахолаш тартиби тўғрисида»ги Намунавий низомда қуйидагилар аниқ белгиланган: талабалар мустақил ишининг максад ва вазифалари; талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари; талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти; талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш[4].

Мазкур Низомда талабалар мустақил таълимни максад ва вазифалари, шакллари, ахборот таъминоти, назорат қилиш турлари ва бахолаш мезонлари кўрсатиб берилган.

Талабалар мустақил таълимнинг максади, вазифалари, ташкил этилиши, бошқариш ва назорат қилиш ҳамда баҳолашни таҳлил қилиш натижасида талабаларнинг мустақил таълимнинг самарадорлигини ошириш учун қўйидаги хулоса таклифларни беришни мақсадга мувофиқ:

- бакалавриат йуналиши талабаларининг хафталик умумий юкламаси (аудитория ва аудиториядан ташкари) ҳажми 42 соат қилиб белгиланган бўлиб, мустақил таълим 25,2 соатни, яъни 60 %ни ташкил этади. Шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, фақатгина

https://buxdu.uz

мустақил соат хажмини ошириш билан талабаларнинг мустақил иши самарадорлигини талаб даражасида ошириш мумкин;

- сифатли ўтказилган маъруза талабалар мустақил таълимини бажаришига керакли маълумотлар беради. Бундан келиб чиқадики, талабалар мустақил таълимни бажаришга каратилган катта эътибор маъруза машғулотларининг ўрнини пасайтирмасдан, аксинча уларни янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқллаб ўтказиш орқали самарадорлигини ошириш мақсадга мувофикдир;

- талабалар мустақил таълимни туғри режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва бахолашнинг сунгги ютуқларини чуқур ўрганиш учун педагогларнинг малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақитда айниқса корановирус понтемияси бутун дунёни ташвишга солаётган ҳолатда республикамиз олий таьлим муассасаларда кридит-модуль тизимида ўқитаётган фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда масофавий ва мустақил таьлимнинг ўрни мухим аҳамият касб этади ва онлайн тизимида таълимни амалга оширишни асосини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Қаҳҳоров С.Қ. Таълим сифатини оширишда мустақил ва мастақил таълимнинг ўрни. Бухоро, “Таълим сифатини ошириш” бўйича онлайн конфренция тўплами. 2020 й. 8-9 май. 6-10 б.*
2. *Қаҳҳоров С.Қ., Расулова З.Д. Роль дистанционного обучения в развитии творческих навыков студентов Проблемы педагогики. Москва. № 4(49), 2020 год. стр. 56-61.*
3. *Қодиров Б. Ғ. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. - Т.: Меҳнат, 2001.*
4. *Қаҳҳоров С.Қ., Қаҳорова Д.С. Шарк алломаларининг ёшлар тарбиясидаги педагогик-психологик карашлари. Тошкент, 2014 й. ЎзМУ илмий ахборотлари, 3-сон, 81-85 б.*
5. *Сулаймон Доған. Бахтли оила – бахтли фарзанд. – Т.: Юрист-медиа маркази, 2010 й.*

УДК: 376.33

ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ СЛАБОСЛЫШАЩИХ ДЕТЕЙ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

PROBLEMS AND SOLUTIONS TO INCLUSIVE EDUCATION FOR HEARING IMPAIRED CHILDREN

Назарова Дилдора Асатовна
А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ коррекцион таълимни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, пед.ф.н., доцент

Аннотация. *Инклюзив таълимнинг ривожланиши илмий, услубий ва маъмурий ресурсларга таъсир кўрсатадиган мураккаб, кўп қиррали жараёндир. Ҳозирги кунда республикамизда инклюзив таълим тизими етарлича ривожланмаган ва бир қатор муаммоларга эга. Муваффақиятли равишда ташкил этилган инклюзив таълим ҳуқуқлар тенглигига, ногиронлиги бўлган болаларнинг ақлий ва ижтимоий-маданий ривожланишида олдинга силжишни таъминлайдиган сифатли таълим олишга олиб келиши лозим. Заиф эшитувчи болалар эшитишининг бироз камайиши нутқнинг меъёрда ривожланишига тўсқинлик қилади. Мақола мазкур тоифадаги болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш жараёнида юзага келадиган ташкилий ва услубий муаммоларни ҳал қилиш масалаларига бағишланган.*

Таянч сўзлар: *ногиронлиги бўлган болалар, тенг ҳуқуқлилик, заиф эшитувчи бола, ривожланиш хусусиятлари, ўзига хос ёндашув, инклюзив таълим, мослашувчан муҳит.*

Аннотация. *Развитие инклюзивного образования – процесс сложный, многогранный, затрагивающий научные, методологические и административные ресурсы. В настоящее время система инклюзивного образования недостаточно разработана и имеет ряд проблем. Успешно организованнное инклюзивное образование должно привести к равенству прав,*

https://buxdu.uz

получению качественного образования, обеспечивающего продвижение в психическом и социально-культурном развитии детей с ограниченными возможностями здоровья. У слабослышащих детей в связи частичной потерией слуха, речь развивается своеобразно. Статья посвящена вопросам решения организационно-методических проблем, возникающих в процессе включения детей данной категории в инклюзивное образование.

Ключевые слова: *дети с инвалидностью, равноправие, слабослышащий ребенок, своеобразие в развитии, специфический подход, инклюзивное образование, адаптивная среда.*

Abstract. *The development of inclusive education is a complex, multifaceted process that affects scientific, methodological and administrative resources. Currently, the system of inclusive education is not sufficiently developed and has a number of problems. Successfully organized inclusive education should lead to equality of rights, the receipt of quality education that ensures the advancement in the mental and socio-cultural development of children with disabilities. Due to partial hearing loss, speech of hearing impaired children develops in a peculiar way. The article is devoted to the issues of solving organizational and methodological problems arising in the process of including children of this category in inclusive education.*

Key words: *children with disabilities, equal rights, hearing impaired child, uniqueness in development, specific approach, inclusive education, adaptive environment.*

БМТнинг 2030 йилга қадар Ривожланиш Декларацияси ҳамда Глобал режаларида таълим шахснинг ривожланиши, ўз-ўзини намоён этиши, жамият ҳаётига уйғунлашуви, ижтимоийлашуви ҳамда шахсий ҳаётида муваффақиятга эришишининг зарур шарти эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Худди шу йили Францияда бўлиб ўтган БМТ Саммитида иштирокчи давлатлар “барча шахсларга мактабгача, бошланғич, ўрта, юқори ва касбий-техник тайёргарлик поғоналарида сифатли таълим олишлари учун инклюзив ва тенг равишдаги шароитларни яратиш”ни расман қабул қилдилар.

Мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлари билан дунё ҳамжамияти томонидан тобора кенг эътироф этилаётган юртимизда ногиронлиги бўлган болалар таълимига муҳим омил сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида ҳам мамлакатимизда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инклюзив таълимни ривожлантириш белгилангани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларни оддий болалар билан бир синфда умумтаълим мактабларида биргаликда ўқитишни англатиб, инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, барча қатори тенг равишда билим олиши, оилада бўлиши, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. У жамиятни инклюзивлаштириш, инсонпарварлаштириш борасидаги илк босқич бўлиб, бундай таълимни ривожлантириш янги шаклни яратиш ҳисобланмай, балки таълим тизимини режали тарзда сифатли ўзгартиришни назарда тутади. Яъни инклюзив таълим алоҳида болани ўзгартириш ёки тузатишни эмас, балки ўқув ҳамда ижтимоий муҳитни шу боланинг имкониятларига мослаштиришни кўзлайдиган таълимдир. Бошқача айтганда, у таълимнинг алоҳида бир шакли бўлмай, ўзининг фалсафаси, мазмуни ва шарт-шароитларининг ҳар бир бола имкониятларига мослашувчанлиги, танлаш имкониятларининг эркинлиги билан тавсифланувчи таълимдир.

Ўзбекистон таълим тизими учун нисбатан янги иш бўлгани боис, айниқса, инклюзив таълимни жорий этиш даврида: “Оддий мактабда ўқитиш учун ногирон болани қандай тайёрлаш лозим?”, “Бундай болаларни ўқитишда қандай муаммоларга дуч келамиз?”, “Бундай болаларни тарбиялашга тайёрмизми?”, “Кимларга махсус ва кимларга инклюзив таълим керак?”, “Инклюзив таълимнинг афзалликлари қандай?” каби кўплаб саволлар

https://buxdu.uz

туғилмоқда. Ва, албатта, шу ва шунга ўхшаш саволларга ойдинлик киритиш лозимлиги кўринмоқда.

Заиф эшитувчи болалар ногиронлиги бўлган болалар орасида инклюзив таълимга эрта жалб қилиниши мумкин бўлганлар таркибида пешқадамлик қилувчи болалардир. Инсон ҳаёти, жумладан, нутқ таълим олишда етакчи восита саналади: унинг ёрдамида таълим олувчилар билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллайди.

Заиф эшитувчи болаларда инсон учун ўта зарур бўлган анализатор – эшитиш фаолиятининг тўлиқ эмас, қисман бузилиши юзага келган. Эшитиш анализатори инсоннинг барча аъзолари ичида энг аҳамиятлиларидан саналиб, унинг асосий вазифаси нутқни идрок қилишдан иборатдир. Тўлақонли эшитиш нутқ шаклланишининг омили саналади. Нутқ орқали эса инсоннинг сўз-мантиқий тафаккури, умумий ва руҳий ривожланиши содир бўлади. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар онгимизда акс этиб, булар сўз шаклида ифодаланади, тил ҳодисалари воситасида намоён бўлади.

Инсон ўзи кўрган ва таъсирланган буюм ва ҳодисаларни сўз ёрдамида номлаб, мазмуни ҳақидаги таассуротларини образлар, фикрлар, тушунчалар, тасаввурлар кўринишида англаш, ифодалаш имкониятига эга бўлади. Ҳар қандай буюм, ҳодисанинг мияда акс этиши ва онгда мустаҳкам ўрнашиб қолишида нутқ етакчи восита ҳисобланади. Шунингдек, у тафаккур қуроли, мулоқот жараёнида фикрни ифодалаш, бирор нарсани билдириш, англатиш ва таъсир кўрсатиш қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади. Фикрлаш қобилияти нутқий ривожланиш замирида пайдо бўлиши сабабли у инсон тафаккурининг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Эшитиш идрокининг бузилиши оқибатида инсоннинг нутқни эгаллай олмаслиги, шу боис жамият аъзоларидан яккаланиб қолиши унинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида қатор муаммоларни юзага келтиради. Булар ўзаро бир-бирига тобе бўлган турли сабабларга боғлиқ бўлиб, бу хусусда Л.С.Виготский: «Ижтимоий тарбия нутқнинг ривожланмаганлигига, нутқнинг ривожланмаслиги жамоа(коллектив)дан яккаланиб қолишга, жамоа(коллектив)дан ажралиб қолиш эса ўз навбатида, ижтимоий тарбия ҳамда нутқнинг ривожланишини тормозлайди», − дейди [7].

Олим махсус мактаблардаги оғзаки нутқни ривожлантиришга мўлжалланган усул боланинг сермазмун ҳаёти, унинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлмаган шароитда олиб борилишига эътибор қаратиб, нутқни ижтимоий ҳаётда иштирок этмаган ҳолда эгаллаш, қирғоқ бўйида туриб сузишни ўрганиш ҳолатига қиёслаб, ижтимоий муҳит ҳамда унинг тузилиши ҳар қандай тарбия тизимининг пировард ҳамда ҳал қилувчи омили эканлигини алоҳида қайд этади: «Бола ҳаётини шундай ташкил этиш лозимки, унга нутқ зарур ва қизиқарли бўлсин. Таълимни бола қизиқишларига қарши эмас, ушбу қизиқишлар томон йўналтириш лозим. Умуминсоний нутққа нисбатан эҳтиёжни юзага келтириш зарур, шундагина нутқ пайдо бўлади. Нутқ мулоқотга киришиш ва фикрлаш асосида, мураккаб ҳаётий шароитларга мослашиш натижасида юзага келади» [7].

Л.С.Виготский ушбу шароитни яратишда соғлом (меъёрдаги) боланинг нутқий ривожланиш босқичларига таянган ҳолда иш кўриш лозим эканлиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: «Биринчи планга, энг аввало, боланинг бола эканлиги ва шундан сўнггина кар-соқов эканлиги ҳолати қўйилади. Бу шуни англатадики, бола, энг аввало, умумий қизиқиш, лаёқат, шунингдек, меъёрдаги бола ёши қонуниятларига мувофиқ ҳолатда ўсиши, ривожланиши ва тарбияланиши ҳамда худди шу жараёнда нутқни эгаллаб бориши лозим. Болалар ўзларининг муайян сифат ва кўникмаларини ривожлантиришга эҳтиёж сезишлари лозим. Улар ўзларини бошқа кўпчилик болалар ва кишилардан фарқли эканликларини ҳис қилмасликлари, уларга тенглаша олмасликларига ишонч ҳосил қилмасликлари лозим» [7].

Юқоридагилар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, эшитишида муаммоси бўлган болаларни сўзлашув нутқига ўргатиш каби масалалар ижтимоий тарбия замиридагина ўзининг тўғри ечимини топади.

https://buxdu.uz

Р.М.Боскис эшитишида муаммоси бўлган болалар таълими самарадорлигига эришишдаги дастлабки қадам ушбу тоифадаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларини тушунишдан бошланиши лозим, деб ҳисоблаб, И.П.Павловнинг «Анализаторлар фаолиятининг бирлиги», Л.С.Виготскийнинг «Нуқсоннинг мураккаб тузилиши» ҳамда «Таълим-тарбия ва ривожланиш мутаносиблиги» психологик таълимотларига таянади. Шунингдек, у эшитиш ва нутқнинг ўзаро алоқадорликда ривожланишини кенг ўрганган ҳолда бундай болалар ривожланишидаги ўзига хосликларни келтириб чиқарувчи қатор ҳолатларга асосланган педагогик таснифни ишлаб чиқди [6].

Бундай таснифга кўра, биринчидан, ёш боладаги эшитиш анализатори фаолиятининг бузилиши катта ёшдагиларникидан фарқли намоён бўлади. Яъни катта ёшдаги кишиларда эшитиш муаммоси пайдо бўлгунга қадар, уларнинг нутқи, мантиқий тафаккури ва шахси шаклланиб улгурса, илк ёшда орттирилган эшитиш муаммоси боланинг меъёрда ривожланишига тўсқинлик қилади. Иккинчидан, эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг ўзига хос ривожланишларини тўғри тушуниш учун, ушбу ҳолатда нутқни мустақил эгаллай олиш имкониятини, яъни эшитиш ва нутқнинг ўзаро алоқадорлигини инобатга олиш катта аҳамиятга эга. Бир томондан, эшитишнинг бузилиши нутқнинг меъёрда ривожланишига тўсқинлик қилса, иккинчи томондан эшитишнинг меъёрга яқинроқ фаолияти боланинг нутқий ривожланиш даражасига боғлиқ.

Боланинг нутқий даражаси қанча юқори бўлса, эшитиш қолдиғидан фойдаланиши шунча юқори бўлади. Тил, унинг луғат захираси ва грамматик тизимини инсон қай даражада эгаллаган бўлса, унинг ўз эшитишидан фойдаланиш лаёқати ҳам шу даражада кўп сақланган бўлади. Нутқий мулоқот тажрибасига эга бўлган болалар таниш бўлган сўз ва жумлаларни маъносига кўра тушунишлари сабабли, мурожаат этилган нутқни яхшироқ идрок этиш имкониятига эга бўлиб, улар атрофдагиларда яхши эшитувчи сифатида таассурот қолдиришлари мумкин. Ўз навбатида, боланинг эшитиш қолдиғи қанча яхши сақланган бўлса, унда атрофдагилар нутқига тақлид қилиши асосида мустақил равишда нутқни эгаллаб бориш имконияти шунча юқори бўлади. Учинчидан, боланинг эшитиш қолдиғидан нутқни эгаллаш учун фойдаланиш имконияти унинг эшитиш муаммосини баҳолаш мезони ҳисобланади. Шунга кўра, эшитиши тўлиқ йўқолган (кар) болалар билан эшитиши қисман бузилган (заиф эшитувчи) болаларни чегаралашда, айнан, эшитиш ва нутқий ривожланиш омиллари ҳисобга олинади.

Карлик эшитишнинг турғун йўқолиши бўлиб, унда мустақил ҳолда нутқни эгаллаш, ҳатто қулоққа яқин бўлган масофадаги нутқни равшан идрок этишнинг имконияти бўлмайди. Тотал (тўлиқ) карлик, худди тотал кўзи ожизлик учрамагани каби, жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Кўпинча карликда баланд нутқий бўлмаган товушларни, қулоқ супрасига яқин масофадаги баъзи нутқий товушларни идрок этиш даражасида бўлган эшитиш қолдиқлари сақланиб қолади. Аудиометрик текширув эшитишнинг 80 дб. (децибел – товушни идрок этишни ўлчашда қўлланувчи ўлчов бирлиги)дан юқори даражада йўқолганини кўрсатади.

Заиф эшитувчилик эшитишнинг турғун пасайиши бўлиб, унда ушбу эшитиш қолдиғи асосида нутқий захирани минимал ҳолатда мустақил равишда эгаллаш, мурожаат этилган нутқни қулоқ супрасига яқин масофада идрок этиш имконияти бўлади. Аудиометр текшируви эшитишнинг 80 дб.дан кам бўлмаган пасайишини кўрсатади**.**

Эшитиш муаммолари ҳолатидаги нутқнинг ривожланиш даражаси қуйидаги омилларга тобедир:

- эшитишнинг даражаси;
- эшитиш муаммосининг содир бўлиш вақти;
- боланинг индивидуал хусусиятлари;
- эшитиш муаммоси содир бўлгандан сўнг бола учун яратилган педагогик шароит.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар икки гуруҳдаги эшитишида муаммоси бўлган болалар, ўз навбатида, яна иккитадан гуруҳга бўлинади:

Карлар:

https://buxdu.uz

- туғма ёки илк ёш даврида эшитиш қобилияти йўқолган ва нутқни эгаллай олмаган кар болалар;
- эшитиш қобилияти кеч йўқолиб, нутқи сақланиб қолган кар болалар.

Заиф эшитувчилар:

- нутқида қисман четга чиқиши (нутқининг грамматик тизимида меъёрдан четга чиқишлар: қўшимчаларни нотўғри қўллаш ёки тушириб қолдириш, баъзан талаффуз муаммолари) бўлган заиф эшитувчи болалар;
- чуқур нутқий муаммоларга эга бўлган (луғат захираси ўта чегаралганган, нутқи қисқа, нотўлиқ сўзлардан, грамматик тизими сўз-гапдан, бўғин-сўзлар қаторидан иборат) заиф эшитувчи болалар.

Заиф эшитувчи боладаги эшитиш фаолиятининг тўлиқ эмас, қисман бузилиши нутқнинг бирмунча шаклланишига имкон беради. Лекин бундай йўл билан нутқни эгаллашнинг ўта чегараланиши бола томонидан тушунча ва тасаввурлар (нутқнинг кейинги идроки ва тушунилиши)да ўзгачаликни юзага келтиради. Заиф эшитувчи боланинг нутқи ривожланмасдангина қолмай, балки бузилгандир ҳам. Масалан, луғат захирасининг камлиги билан бир қаторда сўзларнинг бошқа маънода қўлланиши, грамматик тизимнинг ривожлана олмаслиги билан бир қаторда улар маъноларининг нотўғри тушунилиши кузатилади. Буларнинг барчаси билиш фаолиятига таъсир кўрсатади: таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби психик жараёнлар заиф эшитувчиларда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Нутқий мулоқот боланинг шахс сифатида ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Заиф эшитувчи бола нутқининг ўзига хос ривожланиши оддий шароитларда илм асосларини эгаллашига тўсқинлик қилади. Шу сабабли ҳам бу тоифадаги болалар аномалияси тузилишида нутқ биринчи ўринга қўйилиб, махсус ташкил этилган таълим жараёнида марказий ўринни нутқни режа асосида шакллантириш масаласи эгаллаши лозим.

Замонавий сурдопедагогиканинг назарий асосчилари эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишларининг муҳим омили – нутқни ривожлантириш ишларининг самарадорлиги бевосита тарбияланувчининг оила аъзолари, хусусан, ота-оналарнинг фарзандлари билан мунтазам равишда шуғулланишларига боғлиқлигини алоҳида қайд этадилар. Жумладан, С.А.Зиков тил ўқитишдаги юқори муваффақиятлар фақатгина махсус муассасаларда ташкил этилган нутқий муҳит орқали эмас, балки бевосита ота-оналар ва атрофдагиларнинг иштироки орқали таъминланишини уқтирса [10], Р.М.Боскис: «Нутққа ўргатиш ишларини ўқитувчи ота-оналар билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим», − деб таъкидлайди [6].

Янги давр сурдопедагогикасида оила ва махсус таълимнинг бола тарбияси борасидаги муштараклиги: ота-оналар сурдопедагоглар томонидан белгиланган йўл ва кўрсатмаларсиз фарзандларининг тарбиясида ва худди шундай тарзда сурдопедагоглар ота-оналар иштирокисиз ўз фаолиятларида муваффақиятга эриша олмасликларининг зарурати англанди.

А.И.Дьячков оила ва ижтимоий тарбия мақсадларининг муштараклиги, оиланинг махсус мактабгача тарбия муассасаси билан ҳамкорлиги эшитишида муаммоси бўлган болалар тарбиясининг мажбурий шарти эканлигини таъкидласа [9], Б.Д.Корсунская кар болани мактабгача тарбия муассасасига тайёрлаш ва унга жойлаштирилгандан сўнг ота-оналарга қўйиладиган талаблар, таълим-тарбия борасида маслаҳатлар беради. Олим бола нутқининг ривожланишида фаолиятнинг турли кўринишлари ҳамда ҳаракатни шакллантиришнинг тутган ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаб, ушбу борадаги фаолият тизимини ёритиб беришда асосий эътиборини нутқ ўстириш (ривожлантириш) масалалари: луғат захирасини кенгайтириш, сўзлар мазмуни устида олиб бориладиган ишлар; болани ақлий ва ахлоқий ривожланишини таъминловчи омил – дактил нутқига атрофдагилар билан мулоқот ўрнатиш қуроли сифатида ўргатиш, шунингдек, боланинг оғзаки нутқини шакллантириш ишларига қаратади [11].

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар илк ҳамда мактабгача ёшдаги эшитишида муаммоси бўлган болалар оилавий тарбияси назарияси ва амалиётини такомиллаштириш,

https://buxdu.uz

бойитишга катта ҳисса қўшди ҳамда бу йўналишнинг қудратли имкониятларга эга эканлигини, ота-оналар иштирокида умумривожлантирувчи ҳамда коррекцион ишларнинг илк ёшдан бошланиши натижасида болалар умумий ривожланишларида катта ютуқларга эришилиши исботланди [8, 12]. Оила шароитида нутқий муҳитнинг ташкил этилиши, бола нутқининг ривожланиши(нутқнинг эшитиш-кўриш идроки, луғат захирасининг шаклланиши, сўзлашув нутқи асосидаги мулоқотни ўрната олиши, талаффуз қилиш малакалари)га замин бўлиб хизмат қилувчи нутқий эшитувнинг ривожланишига имконият туғдирадиган тўғри танланган овоз кучайтиргич мосламаларидан фойдаланиш, эшитмайдиган болани эшитувчи тенгдошлари жамоасига олиб кириш унинг эрта ижтимоий уйғунлашувини таъминлайди.

Бу йўналиш орқали эшитишида муаммоси бўлган болалар оммавий турдаги мактабгача таълим муассасаларига ёки мактабгача тарбия муассасалари қошида ташкил этилган махсус гуруҳларда камол топадилар. Бу болалар, шунингдек, маълум вақтларда ушбу методика асосида иш олиб борувчи сурдопедагог мутахассислар томонидан ташкил этилувчи якка машғулотларга ҳам қатнайдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай ташкил этилган тарбияда «асосий юк» ота-онанинг зиммасига юкланади ҳамда сурдопедагог йўналтирувчилик ва ёрдам берувчилик функциясини ўтайди. Шубҳасиз, бу методика ота-она ёки бола тарбияси билан шуғулланувчи бошқа оила аъзоларига масъулиятли вазифани юклаш билан бирга, улардан педагогик укув кўп вақт ҳамда куч-қувватни талаб қилиши сабабли ҳозирги кунда барча оилалар ҳам бундай масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эмаслар.

Юқоридагилар асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, ҳозирги кунда заиф эшитувчи болалаларни инклюзив таълимга жалб қилиш учун, аввало, таълим иштирокчиларининг жараёнга қай даражада тайёр бўлишларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Шу мақсадда биз таълим муассасалари раҳбарлари, педагог ходимлари ҳамда ота-оналар билан сўровномалар ўтказдик. Сўровнома саволлари заиф эшитувчи болаларнинг қайси таълим тури билан қамраб олингани, инклюзив таълимнинг жорий қилинишида зарур бўлган қонун ҳужжатлари, шунингдек, мавзуга доир тушунчалар, муассасаларда ўқувчиларга муносабат, уларни ўқитиш масалалари, юзага келаётган қийинчиликлар юзасидан маълумотларни тўплаш, мавжуд ҳолатни ойдинлантириш мазмунидан иборат этиб белгиланди.

Кузатиш ва ўрганишларимиз заиф эшитувчи болалар инклюзив таълимининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи мавжуд тўсиқларни аниқлаш имконини берди:

- умумтаълим мактабининг стандарти, таълим дастурлари, мазмуни заиф эшитувчи ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келмайди;
- педагог кадрларни тайёрлаш тизимида инклюзив таълим асосларини ўрганишга оид ўқув фани назарда тутилмаслиги боис, умумтаълим мактаблари педагогик жамоалари таълим жараёнида бундай болаларга ёндашиш услубларидан воқиф эмаслар;
- етарли психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш учун касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмаган ўқитувчилар психологик ноқулайлик ҳолатига тушиб, интеграция жараёнига тайёр эмасликларини қайд этадилар;
- умумтаълим мактаблари ўқитувчилари бундай болалар учун таълим жараёнида мослашиш имкониятини таъминловчи овоз кучайтириб берувчи техника ва технологиялардан фойдаланиш йўлларини билмайдилар;
- педагоглар жамоаси ногиронлиги бўлган болаларни синфларга қабул қилишда оддий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан психологик жиҳатдан иш олиб бормайдилар;
- умумтаълим мактабларининг ходимлар штатлари жадвалида ногиронлиги бўлган ўқувчилар билан ишловчи қўшимча махсус педагог ва тиббиёт ходимлари бирликлари мавжуд эмас;
- умумтаълим мактабларининг моддий-техника негизи мазкур тоифа болалари эҳтиёжларига жавоб бермайди.

https://buxdu.uz

Эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг инклюзив таълимда муваффақиятли иштирок этишига йўналтирилган қуйидаги ташкилий-педагогик ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- умумтаълим мактабининг стандарти, таълим дастурлари, мазмунини заиф эшитувчи ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мослигини таъминлаш мақсадида ривожланишида муаммолари бўлган болалар учун шахсий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ҳамда намунасини тасдиқлаб, амалиётга жорий этиш;
- педагог кадрларни тайёрлаш тизимининг барча йўналишлари ўқув режаларига “Инклюзив таълим шароитида ўқитиш методикаси” фанини киритиш;
- умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малака ошириш тизимида “Инклюзив таълимни амалга ошириш технологияси” модулини киритиш орқали педагоглар жамоаларини интеграция жараёнига тайёрлаш;
- умумтаълим мактаблари психологларининг педагоглар жамоаси, оддий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ногиронлиги бўлган болаларни синфларга қабул қилиш борасида иш олиб бориш йўналишини йўлга қўйишга эришиш;
- ривожланишида муаммоси бўлган болалар, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилар учун маслаҳат ва ресурс марказларини ташкил этиш;
- таълимга оид газета ва журналларда инклюзив таълимнинг мазмуни, моҳияти, юзага келаётган тўсиқларни бартараф этиш йўлларини ёритишга қаратилган рукн ташкил этиш;
- умумтаълим мактаблари ходимлар штатларининг жадвалига ногиронлиги бўлган ўқувчилар билан ишловчи махсус педагог ва тиббиёт ходимлари бирликларининг киритилишига эришиш;
- умумтаълим мактабларининг моддий-техника негизини мазкур тоифа болалари эҳтиёжларига мослаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда республикамизда барча болаларнинг сифатли таълим олишлари мақсадига йўналтирилган ислоҳотларда инклюзив таълимга эришиш марказий ўринни эгаллаётгани кузатилмоқда. Мазкур жараённи тўхтатиб ёки айланиб ўтиш имкони мавжуд бўлмай, якдил ҳаракат билан юзага келган ва келувчи муаммоларни енгиб ўтишимиз пайсалга солинмайдиган вазифадир. Инклюзив таълимни ривожлантириш сабр-тоқат ва бағрикенглик, изчиллик, узлуксизлик, босқичма-босқичликни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. Тошкент ш., 2008.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Тошкент ш., 2017 йил 1 декабрь, ПФ-5270-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони. Тошкент ш., 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712-сон.

4. Образование 2030. Инчхонская декларация и рамочная программа действий. / ООН. ЮНЕСКО. Инчхон. 2015.

5. Переосмысливая образование. Образование как всеобщее благо?/ ООН. ЮНЕСКО. 2015.

6. Боскис Р.М. Глухие и слабослышащие дети. – М.: Владос, 2001.

7. Выготский Л.С. Проблемы дефектологии. – М.: Просвещение, 1995.

8. Головчиц Л.А. Коррекционно-педагогическая помощь дошкольникам с недостатками слуха с компелексными нарушениями в развитии. // Дефектология. – М., 2006. № 6. С. 42-48.

9. Дьячков А.И. и др. Дефектологический словарь. – М.: Педагогика, 1970.

10. Зыков С.А. Методика обучения глухих детей языку. – М.: Просвещение,

11. Корсунская Э.А. Не говори ребенку – ты плохой. – М.: Классикс Стиль, 2006.

12. Мастюкова Е.М., Московкина А.Г. Семейное воспитание детей с отклоне-ниями в развитии. – М.: Владос, 2004.

https://buxdu.uz

УДК: 378.2.378.24.378.241

ИҚТИСОДИЙ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК

МЕЖДПРЕДМЕТНАЯ СВЯЗЬ В ФОРМИРОВАНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ

INTERDISCIPLINARY COMMUNICATION IN THE FORMATION OF ECONOMIC AND VOCATIONAL TRAINING

Азимов Бобир Фаттохович
БухМТИ доценти, и.ф.н.,
Акрамова Обида Қосимовна
БухМТИ магистранти,
Ғафурова Шахло Каримовна
БухМТИ магистранти

Аннотация. *Мақолада иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги, яъни ўтиладиган фанларнинг бир-бирини тўлдириб бориши ҳақидаги маълумотлар кенг ёритилган. Фанлараро алоқадорлик муаммоси педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билим ва касбий фаолиятини янада такомиллаштиради. Шунингдек, мақола ўқувчиларнинг билим сифатини оширишда, таълимнинг илмийлиги, тушунарлилиги, тизимлилиги ва мобиллигини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида асосли маълумотлар келтирилган.*

Таянч сўзлар: *фанлараро алоқадорлик, интеграциялашув, илмийлик, мобиллик, инвестиция, ахборот-коммуникация, техника, технология, конструкторлик, методологик малака, интегратив ёндашув, психология, гигиена, модернизация.*

Аннотация. *В статье широко освящается взаимосвязь предметов по экономике, которые дополняют друг друга. Являясь одной из проблем межпредметной связи в педагогике в воспитательно-образовательном процессе будущих специалистов ещё больше организовывает учебно-познавательное и профессиональное обучение. Таким образом, в статье важное значение отведено основным сведениям по расширению знаний, научности и мобильности системы образования.*

Ключевые слова: *междпредметная интеграция, интеграция, научност, мобильность, инвестиция, информационная коммуникация, техника, технология, конструкторность, методологическое навыке, интегративное обеспечение, психология, гигиена, модернизация.*

Abstract. *This article discusses in detail interrelationship of economic sciences, in the complementarity of the disciplines. The problem of interdisciplinary connectionis one of the main problems of pedagogy, which further improves the educational and professional activity of future studens in the educational process. Thus, the article pays great attention to the basic information on expanding knowledge, scientific character and mobility of the education system.*

Key words: *interdisciplinary integration, integration, scientificity, mobility, investment, information communication, technique, technology, design, methodological skills, integrative support, psychology, hygiene, modernization.*

Кириш. Республикамизда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларда таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси тез-тез тилга олинмоқда. Таълимнинг ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам аҳамиятли ғоялардан биридир. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Фаол инвеститиция ва ижтимоий ривожланиш йили»да ижтимоий соҳани ривожлантириш учун, олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият

https://buxdu.uz

яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш вазифалари қўйилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли карорида олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди [2].

«2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш стратегиянинг мақсад ва вазифаларига киритилди [3].

«Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди [4].

Республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бўлажак мутахассисларни касбий, педагогик жиҳатдан тайёрлаш савиясини оширишда фанлараро алоқадорлик муҳим аҳамият касб этади. Фан, техника ва технологияларнинг интеграциялашуви кескин суръатларда ривожланаётган ҳозирги кунда таълим босқичлари ўртасида узвийликни таъминлаш ўқитилаётган фанлар ўртасида ўзаро алоқадорликни тақозо этади.

Фанлараро алоқадорлик муаммоси педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради, билимлар сифатини оширади, таълимнинг илмийлиги, тушунарлилиги, тизимлилиги ва мобиллигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда фанлараро алоқадорлик масалалари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шунингдек, фанлараро алоқадорликнинг мазмун-моҳияти ва таҳлилининг такомиллашувига хорижлик олимлардан Я.А.Коменский, Ж.Локк, И.Г.Песталоцци, Б.Г.Ананьев, П.Г.Кулагин, В.Н.Максимова, А.В.Усова ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам шу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилди ва уларнинг натижалари чоп қилинди. Бу борада А.А.Хасанов, У.Х.Хонкулов, Р.А.Мавлонов, Б.С.Абдуллаева ва бошқа олимларнинг изланишлари, айниқса, диққатга сазовордир [5].

Асосий қисм. Фанлараро алоқалар, умуман олганда, турли фанлар орасидаги алоқалардир. Бизнинг фикримизча, касбий таълимда фанларнинг ўзаро алоқадорлиги деганда, бир блок фанларининг бошқа фанлар билан алоқа доирасини, шунингдек, дастур мазмуни ва услубини, ишлаб чиқариш таълими ва меҳнат усулларига татбиқ этиш тушунилади, бу алоқалар талабаларда турли дидактик воситалар, малака, қобилият ва билимлар тизими, шу билан бирга, шахснинг сифатлари, ўқитишнинг мақсади, талаблари билан шакллантирилади.

https://buxdu.uz

Фанлараро алоқанинг методологик асоси моддий оламнинг яхлитлиги, назария ва амалиётнинг бирлиги, олам, жамият ва тафаккурнинг ўзгариш, ривожланиши ҳисобланса, психофизиологик асоси эса инсон тафаккури, яъни фикр юритиш табиатидан келиб чиқиб, ўрганилаётган фанларнинг янги қирраларини билишга имкон беради, кўлами жиҳатидан кенг ва чуқур, моҳиятига кўра яхлит тизим шаклидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, шахсий фазилатларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фанлараро боғланишни амалда татбиқ этиш, талабаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш даражасини оширибгина қолмай, фан ўқув материаллари мазмунини бойитиб, уни таьлим жараёнида ёритишда ва ўзлаштиришда самарали восита бўлиб ҳисобланади.

Фанлараро алоқадорликни яратиш учун ўқув фани мазмунида етакчи мавзуларни танлаб олишда қуйидаги мезонларга амал қилиш ўринлидир:

- ўқув фанининг асосий ғоялари ва етакчи қоидаларини ёритиш учун танланган мавзунинг долзарблиги, аҳамиятлилиги;
- ўқув мавзуси мазмунида турли хил билимларни умумлаштириш ва боғланишнинг юқори даражада бўлиши.

Интеграция айрим бўлакларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланиши сифатида кўриш, иқтисодий фанларни чуқур ўрганиш демакдир. “Интеграция” тушунчаси XVIII асрдаёқ Спенсер томонидан изоҳланган [6]. Аммо интеграцияни тафаккур ўстириш омили сифатида қараш, фанлараро алоқа ҳамда таълим шаклларини синтезлаш тарзида талқин этиш, иқтисодий фанларнинг бир бутунлигини, бошқача қилиб айтганда, фанларнинг бир-бирини тўлдириб бориши деб қараш мумкин.

Интеграция «бутун» деган маънони билдиради, демак, бу инсон тафаккурининг ўсиши жараёнининг турли қисм ва элементларини битта бутун системага бирлаштиради. Интеграция иқтисодий яқин бўлган фанларнинг механик бирлашиши ёки бир бутунликни ташкил қилиши эмас, бу ўқитиш жараёнида ажралиб чиқадиган янги ғоялар пайдо бўлиши билан мужассамланган. Алоҳида системаларнинг яқинлашиши, боғланиши ва ягона бир янги нарсанинг яратилишидир.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эълон қилингандан буён ўқув режасидаги фанларнинг сони кўпайди. Ўқув режада фанлар миқдорини ошириш, албатта, ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки бугунги замонавий технология сон орқасидан қувиш эмас, балки сифат ўзгаришларининг ҳам бўлишини тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянмоқ лозим. Уларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, Буюк Британия таълим тизимида, асосан, интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув фанлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Бўлажак мутахассисларни касбий, педагогик жиҳатдан тайёрлаш савиясини оширишда фанлараро алоқадорлик муҳим аҳамият касб этади. Фан, техника ва технологияларнинг интеграциялашуви кескин суръатларда ривожланаётган ҳозирги кунда таълим босқичлари ўртасида узвийликни таъминлаш ўқитилаётган фанлар ўртасида ўзаро алоқадорликни тақозо этади.

Фанлараро алоқадорликни яратиш учун ўқув фани мазмунида етакчи мавзуларни танлаб олишда қуйидаги мезонларга амал қилиш ўринлидир:

- ўқув фанининг асосий ғоялари ва етакчи қоидаларини ёритиш учун танланган мавзунинг долзарблиги, аҳамиятлилиги;
- ўқув мавзуси мазмунида турли хил билимларни умумлаштириш ва боғланишнинг юқори даражада бўлиши.

Тажрибалар натижаси шуни кўрсатадики, асосий эътибор ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг психологик ва педагогик асослари ҳамда йўлларига қаратилган бўлиб, иқтисодий фанларнинг интеграциялашган тизими, фанлар

https://buxdu.uz

ўртасида интеграцион боғлиқликни амалга ошириш масалаларига ҳам етарли даражада эътибор берилмаган.

Илмий изланишлар натижасига эришиш мақсадида қуйидаги асосий вазифалардан фойдаланилди:

- иқтисодий касбий фанлар ўзаро алоқадорлигининг мазмунини мантиқий ва услубий ёндашувларини таҳлил қилиш;

- иқтисодий касбий фанлар ўқув дастурлари мазмунини интегратив ёндашувлар асосида такомиллаштириш;

- талабаларнинг иқтисодий касбий фанлар ўзаро алоқадорлигига амалий кўникмаларни ҳосил қилишнинг методик тизимини такомиллаштириш.

Иқтисодий фанларни ўқитишда интеграцияли дарсларни ташкил қилиш юзасидан қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

1. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция, мавзулараро боғлиқликни таъминлаш.

2. Турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда берилишини ва фанларда берилган мавзуларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда кетма-кетлиги сақланган ҳолда фанлараро алоқадорлик амалга оширилиши керак.

3. Айни бир курс ва фан мавзулари доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан бир-бирини тўлиқ қамраб олиши керак.

Тажрибадан шу нарса маълум бўлдики, ўқув фанлари ва мавзуларни интеграциялашнинг илмий, педагогик асосларини ишлаб чиқиш натижасида таълим самарадорлиги ошади ҳамда ортиқча куч, зўриқиш сарфланишларининг олди олинади.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иктисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, психологик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Интеграция натижасида ўқув режасидаги дарс соатлари иқтисод қилинади. Шу билан бир қаторда, талабаларнинг ижодий қобилиятларини намоён қилиш учун қулай имконият туғилади. Чунки интеграллашган ўқув фанларида билимлар кўп тармоқли ва яхлит бўлади. Бу эса уни ўзлаштириш ва қўллашда қулайликни вужудга келтиради. Талабаларнинг вақти тежалади, ортиқча зўриқишнинг олди олинади. Натижада ўқув-билув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади. Фанларни интеграциялаш таълим олувчиларда фанларга бўлган қизиқишини кучайтиради, билим даражаларини оширади, ўқув материалининг ўзаро узвийликда бўлишини таъминлайди.

Хулоса. Бизнинг фикримизча, интегратив ўқув предмети мазмунини танлаб ва маълум тизимга келтириш жараёнини қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- жамиятнинг аниқ соҳа мутахассисларига қўйган ижтимоий-иқтисодий ташкилий ишлаб чиқариш ва шу кабиларни танлаш;

- соҳа фани, техникаси ва ишлаб чиқариш технологиясининг ҳозирги замондаги ривожланганлик даражаси ва истиқболга мос келадиган ахборотларни танлаб олиш;

- танлаб олинган маълумотларга педагогик ишлов берилиб, ўқув-меъёрий ҳужжатларга киритиш;

- интеграллашган материални бевосита таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

- таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалининг мазмуни қандай ўзлаштирилаётганлиги ва амалиёт талабининг қандай қондирилаётганлигини аниқлаш;

- аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ва зарур йўналишларга кўра такомиллаштиришдир.

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрлар тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Барча фанларни ўқитиш тизимли мувофиқлаштирилган ва интеграллашган бўлиши, бу ягона максад давр талабларига мувофиқ касбий мослаша оладиган тармоқ мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Шахс фаолиятининг турли босқичларида типологик

https://buxdu.uz

эҳтиёжлар узлуксиз таълимнинг тегишли босқич ва даражаларини белгилаб берадиган қуйи тизимлар олдида унинг аниқ максадларини амалга оширишни таъминлайдиган талабларни қўяди. Мазкур мақсадларга мос равишда мавжуд муаммолар таълим тузилмаларининг вертикал (таянч маълумот ва таълим ривожининг барча поғоналари) ҳамда горизонтал (таълимнинг қўшимча, норасмий шакллари) интеграциялашуви амалга оширилган турли хил кичик тузилмаларини бирлаштириш асосида ҳал этилган бўлиши зарур.

Интегратив жараёнлар узлуксиз таълим тизимида бир нечта вазифа, интилиш, йўналиш, тур, даража ва аниқ шаклларнинг қандайдир ўзаро, бир-бирига тобе бўлган моделини ҳисобга олади.

Бажарилган таҳлилий тадқиқотларимиз интеграция атамаси талқинига турлича қарашлар мавжудлигини кўрсатди. Бизнинг бу борадаги ёндашувимиз таълим жараёнларини, жумладан, касб таълими жараёнларини янада такомиллаштириш борасидаги қарашларимиздан келиб чиқади. Тадқиқотларимиз таълим ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида касб таълимини ислоҳ қилишда интегратив ёндашувнинг улкан имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 20.04.2017 й. ПҚ-2909-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 27 июль ПҚ-3151-сонли "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

5. Хасанов А.А. Ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг психологик-педагогик асослари. Замонавий таълим. / Современное образование, 2017. 10-бет.

УДК: 796.817

СПОРТЧИЛАР МУСОБАҚА ОЛДИ ФАОЛИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ЗАРУРАТИ (КУРАШ СПОРТИ МИСОЛИДА)

НЕОБХОДИМОСТЬ ИССЛЕДОВАНИЯ ПРЕДСОРЕВНОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, СПОРТСМЕНОВ (НА ПРИМЕРЕ СПОРТИВНОЙ БОРЬБЫ)

THE NECESSITY FOR RESEARCH OF THE PRE-COMPETITIVE ACTIVITIES OF ATHLETES (ON THE EXAMPLE OF SPORTS WRESTLING)

Абдулахатов Акрам Рўзмаматович

ЧДПИ факультетлараро жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент в.б.

Аннотация. *Мазкур мақолада курашчилар мусобақа фаолиятини илмий тадқиқ этиш борасидаги фикрлар муаллиф нуқтаи назари бўйича талқин қилинган. Мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш ва уни атрофлича ўрганиш мураббийлар ва мутахассислар олдида турувчи муҳим вазифалардан бири сифатида ўз аксини топган. Бир қатор мутахассислар ва олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган, муаммоларни ҳал этиш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *спорт, кураш, мусобақа фаолияти, кўрсаткичлар, техник-тактик маҳорат, курашчиларнинг комбинацион ҳаракатларини такомиллаштириш усулиёти, режалаштириш.*

Аннотация. *В данной статье интерпретируются мнения борцов о научном исследовании соревновательной деятельности с точки зрения автора. Анализ соревновательной деятельности и ее детальное изучение отражается как одна из важных задач, стоящих перед тренерами, специалистами. Были изучены мнения ряда специалистов и ученых, разработаны выводы для решения поставленных задач.*

https://buxdu.uz

Ключевые слова: *спорт, борьба, соревновательная деятельность, показатели, технико-тактическое мастерство, методика совершенствования комбинационных действий борцов, планирование.*

Abstract. *In this article, the author interprets the opinions of wrestlers about the scientific research of competitive activity. The analysis of competitive activity and its detailed study is reflected as one of the important tasks facing coaches and specialists. The opinions of a number of specialists and scientists were studied, and conclusions were developed to solve.*

Key word: *sports, wrestling, competitive activities, indicators, technical and tactical skills, method of improving the combination actions of wrestlers, planning.*

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги Ўзбек спорти миллий маданиятимизнинг узвий қисми ҳисобланиб, у кенг халқ оммасини юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда асосий воситалардан бири бўлиб қолмоқда [1].

Долзарблик. Спортда мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш муаммоси замонавий спорт назариясининг ажралмас қисмига айланган. Мусобақалар ва баҳсларсиз спорт ўз моҳиятига эга эмас. Мавзуга доир бўлган аксарият илмий адабиётларда мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш машғулотлар тизимини самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. Бугунги кунда сўзсиз “мусобақа фаолияти” тушунчаси спорт назарияси ва спорт мусобақалари назариясининг ажралмас бир қисмига айланган. Танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги курашдаги рақобатнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, у курашчиларнинг махсус куч тайёргарлиги даражасини ошириш, жумладан, таълим тизимини такомиллаштириш учун захираларни излашни талаб қилади [6].

Инновацион ечимларни узлуксиз қидириш ва умумлаштириш зарур спортчиларни тайёргарликнинг турли босқичларида куч тайёргарлигини такомиллаштиришнинг илмий асосланган машғулот мазмуни ва усулларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга, куч сифатлари бошқа жисмоний сифатларнинг ривожланишига ва техник-тактик тайёрлик даражасига мураккаб ўзаро боғлиқликда бўлади. Курашчиларнинг куч тайёргарлигини оптимал қуриш учун мусобақа фаолиятида энг кўп талаб қилинадиган мушак гуруҳларини аниқлаш етарли деган фикр мавжуд [Бойко, Данко, 2004]. Шунинг учун курашчиларнинг куч тайёргарлиги даражасини баҳолаш бу мушак гуруҳларининг куч кўрсаткичларига боғлиқ. Курашчиларнинг куч тайёргарлигининг асосий мазмуни асосий кураш ҳаракатлари динамикаси билан амплитуда, тезлик ва куч кўрсаткичларига энг яқин мос имитация ва махсус машқлардан устунли фойдаланиш орқали анъанавий тарзда эришилган махсус тезлик ва куч тайёргарлигини оширишдан иборатдир. Шунга кўра, курашчиларни куч билан тайёрлашнинг асосий воситаси ўз оғирлиги ва шериги оғирлигига эга бўлган машқлар, оғирликлар ва қаршиликли машқлар, тренажёрларда ва манекенларда машқлар бўлади. Ҳар бир машқлар гуруҳи курашчиларни тайёрлаш учун ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга.

Тренажёрлар афзалликларини сиз ўзингиз ўрнатишингиз мумкин, деб ҳисобланади. Ҳаракатлар оралиғи, юкламаларни миқдорлаштириш муайян мушак гуруҳларига аниқ таъсир қилади. Б.М.Рыбалконинг фикрича, тадқиқот натижалари қозонилган куч салоҳиятини амалга ошириш бўйича на прожектил гимнастика ва тренажёрлар устида кураш мот устида кураш ўрнига бўлиши мумкин. Кўп йиллик мураббийлик тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, махсус куч сифатларини ривожлантиришда юқори натижаларга фақат асосий ва махсус воситаларнинг оптимал нисбатидан ва куч тайёрлаш тушунчасининг тегишли туридан фойдалангандагина эришиш мумкин [7].

Г.С.Туманян курашчиларнинг куч тайёрлаш тизимини ҳисобга олиб, “максимал кучни ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири битта такрорлаш максимумининг (ТМ) 80-90 % оралиғида бажариладиган машқлардир”, деб қайд этади [Туманян, 2001]. Ушбу ўсиш механизми В.Н.Платонов томонидан яхши изоҳланади:

“...кучнинг ошиши нейрорегуляцион механизмларнинг яхшиланиши ва мушаклар қисқаришини энергия билан таъминлаш учун алактат механизмининг қуввати, кучи ва

https://buxdu.uz

ҳаракатчанлигининг ошиши билан боғлиқ” [Платонов, 1997, 21]. Катта юкламалар усули малакали курашчиларни тайёрлашда талабга жавоб беради, чунки у мушак массасининг ўсиши билан боғлиқ эмас.

Шу сабабдан етакчи мутахассислар ва олимлар “тайёргарлик-мусобақа” алоқадорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мазкур фикрлар, ўз навбатида, биз томонимиздан мақола мавзуси сифатида танланган масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Спорт курашлари бўйича етакчи мутахассислар томонидан мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш юзасидан бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу ўринда Р.А.Пилоян, Я.К.Коблев, Ю.А.Шахмурадов, Ж.М.Нуршин, К.С.Сариев, М.Ю.Инякин сингари олимларнинг тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятлидир [12].

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда ҳам мазкур масала мутахассислар эътиборидан четда қолгани йўқ. А.Қ.Атоев Ф.А.Керимов, Р.Д.Халмухаммедов, А.Н.Абдиев, каби олимлар яккакурашчилар тайёрлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширганлар.

Хорижий олимлар (Segedi I., Franchini E., Sterkowicz S, Miarka B. ва бошқ.) томонидан яккакурашчилар мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш борасидаги изланишлар алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий-педагогик кузатишлар шуни кўрсатадики, курашчилар тайёрлаш масаласи бевосита мусобақа фаолияти хусусиятлари билан алоқадор.

Мақола **мақсади** сифатида курашчилар мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш зарурати ва аҳамиятини ёритиб бериш белгилаб олинди. Мазкур масалани ёритишда мавзуга доир махсус илмий-услубий адабиётлар таҳлил қилинди, курашчилар мусобақа фолиятини кузатиш, мураббийлар ҳамда спортчиларнинг фикрларини ўрганиш **вазифалари** амалга оширилди.

Спорт машғулотлари назарияси ва методикасида узоқ вақт давомида спортчиларни тайёрлаш йўллари ва воситалари мусобақа амалиётидан маълум бир вақт ажралган ҳолда турлича замонавийлашган.

Бу мусобақа фаолияти шароитларининг ўзига хослиги, спортчининг мусобақалар доирасидаги ўзига хос ҳолати, мусобақа давомида мавжуд таҳлил қилинаётган тана функцияларининг динамикаси ҳақидаги холис ахборотга киришнинг қийинлиги билан боғлиқ. Мусобақа амалиёти спортчи организмига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу кўпинча унинг ўта экстремал ҳаракат фаолияти (чидамлилик ва кучнинг максимал қийматини кўрсатиш; максимал ишлаш ва ҳаракатлар тезлиги, координацион аниқлик ва ҳаракатларнинг мураккаблиги ва ҳоказо), асаб ва ҳиссий зўриқиш стрессорли характерининг мавжудлиги ва ҳоказо билан боғлиқ. Демак, хусусан, спорт фаолиятининг таркибий қисми сифатида якка курашларнинг мусобақалардаги кураши расмий равишда мантиқ позицияларидан якуний босқич бўлиб, уларнинг машғулотдан ташқари қўшимча ўқув машғулотларини ва ўқув фаолияти натижаларини акс эттиради [8].

Аслида, мусобақа амалиёти бирламчи бўлиб, курашчиларга аниқ талаблар қўяди, келгуси машғулотларда фаолиятининг векторини аниқлайди.

Курашчиларнинг комбинацион ҳаракатларини такомиллаштириш бўйича ўқув машғулотлари дастури. Мақола мавзусини ўрганишда адабиётлар таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, назарий таҳлил ва умумлаштириш **тадқиқот услублари** қўлланилди. Махсус илмий адабиётларни таҳлил қилиш, етакчи мутахассисларнинг илғор амалий тажрибасини ўрганиш, техник ва тактик тайёргарлик даражасини ўрганиш, рақобат фаолиятини таҳлил қилиш, техник тайёргарлик даражаси ва жисмоний тайёргарлик параметрлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш натижалари курашчилар учун комбинацион ҳаракатларни ривожлантириш бўйича ўқув машғулотлари дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлди [5].

Дастурларни ишлаб чиқишда тайёргарликнинг ортиши ва мусобақа юкламалари билан замонавий курашда спортчилардан оптимал даражада техник тайёрликни талаб қилишини ҳисобга олиш зарур.

https://buxdu.uz

Техника, тактиканинг комбинациялашган хусусиятини тарбиялаш спортчиларнинг, ўз навбатида, мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва тактик ҳаракатларни кўрсатиш қобилиятини оширишга қаратилган.

Дастур 3 ой давом этди, уч босқичга бўлинди, ҳар бир босқич ўттиз кунлик бўлди. Машғулотлар 2019 йилнинг январь ойидан 2019 йилнинг март ойигача ўтказилди. Ҳар бир босқичга машғулотларда ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган ўн кун (ҳар бири 15 дақиқа) берилди. Уларнинг ҳар бирида комбинация усулларидан фойдаланилган (жадвал). Бундан ташқари ҳар бир босқичда шу схема бўйича 50 % ва 100 % қаршилик билан комбинацион ҳаракатларни бажариш учун ўн кун (15 дақиқа) ажратилди. Албатта, бу ерда, аввало, комбинацион ҳаракатларни бажаришда кўникмаларни ўрганиш ва ривожлантириш, сўнгра қаршилик кўрсатиш вазифаси кўриб чиқилади.

Жадвал

Комбинацион методларни бажариш дастури

Т/р	Таркиблар	Юкламалар давомийлиги дақиқаларда	январь	февраль	март
1.	**Икки енгидан ушлаган ҳолда елкадан ошириб улоқтиришлар.** ***Алдамчи ҳаракатлар*** 1. Ичкаридан оёқ тагидан. 2. Орқадан чалиш. 3. Ташқаридан оёқ юзаси билан илдириш	150'	150'	-	-
2.	***Ҳимоя*** 1. Тирсакларни кўкракка қисиб олиш. 2. Рақибга ён билан бурилиб, озроқ тиззаларни букиб пасайиш. 3.Рақибнинг орқасига ўтиб олиш	150'	150'	-	-
3.	***Қарши усуллар*** 1. Ёндан супуриш. 2. Орқадан чалиш	150'	-	150'	-
For students, the most appropriate option for completing this work with text is an oral discussion. Usually, students easily note that what they knew was found in what they read, and with particular pleasure report that they learned something new and unexpected for themselves from a particular text. At the same time, it is important that students directly read the text, refer to it.

Reception "spelling cinquain." Translated from French, the word "synquane" means a poem consisting of five lines, which is written according to certain rules. What is the meaning of this methodological technique? Compilation of syncwine requires the student to summarize the training material, information in brief terms, which allows you to reflect on any occasion; This is a form of free creativity, but according to certain rules. The rules for writing syncwine are as follows:

The first line contains one word - a noun. This is the theme of syncwine.

On the second line, you need to write two adjectives that reveal the topic of syncwine.

On the third line, three verbs are written that describe actions related to the topic of syncwine.

The fourth line contains the whole phrase, a sentence consisting of several words, with the help of which the student expresses his attitude to the topic. This can be a catch phrase, a quote, or a phrase composed by the student in the context of the topic.

The main goal of the "educational brainstorming" is the development of a creative type of thinking. Therefore, the choice of topic for its implementation directly depends on the number of possible solutions to a particular problem. “Brainstorming training” is usually conducted in groups of 5-7 people.

The first stage is the creation of a bank of ideas, possible solutions to the problem. Any offers are accepted and recorded on the board or poster. Criticism and commenting is not allowed. Regulations - up to 15 minutes.

The second stage is a collective discussion of ideas and suggestions. At this stage, the main thing is to find the rational in any of the proposals, try to combine them into a whole.

The third stage is the selection of the most promising solutions in terms of the resources available at the moment. This stage can even be delayed in time and carried out in the next lesson.

Reception "essay writing". The meaning of this technique can be expressed in the following words: "I am writing in order to understand what I think." This is a free letter on a given topic, in which independence, manifestation of individuality, discussion, originality of solving a problem, argumentation are appreciated. Typically, an essay is written directly in the classroom after discussing the problem and takes no more than 5 minutes.

https://buxdu.uz

I consider the project method to be one of the leading in the formation of students' speech competencies, the ability to use a foreign language as an instrument of intercultural communication and interaction. Therefore, I consider one of the main tasks to develop students' skills in project activities. Working in the project team, students are involved in an active dialogue of cultures, using knowledge and skills in English in new non-standard situations. My students go to school scientific and practical conferences with research, there is experience in participating in a city conference.

Project activities are widely used in English classes in high school. Project activities are aimed at solving communicative problems, focused on the personality of the student, develops motivation and creativity of teachers and students. In the process of working on the project, there is an integrated development of all types of speech activity and a combination of collective, pair and group work. Project activities are of particular interest to high school students, as they know how and know a lot, and work on projects helps them to realize their knowledge, skills. It begins at the stage of formation of speech skills and ends at the stage of development of the skill with the presentation of the project and its protection. The work consists of the following steps:

1. Definition of the topic.
2. Definition of the final result.
3. Discussion and planning of the project.
4. Collection of information.
5. Information processing.
6. Design of the project.
7. Presentation of the project.
8. Evaluation of the project.

Conclusion Thus, we can conclude that the use of modern technology in the lessons of a foreign (English) language is the most effective means of developing cognitive motivation of students, which involves the active cooperation of the teacher and student and students with each other. It is necessary to note the positive emotional mood of students towards each other, to the lesson as a whole, as well as their increased activity, desire to broaden their horizons, acquire new knowledge on the topic being studied, increase the quality of knowledge on the subject, as well as participation in various Olympiads and competitions. The given results confirm the effectiveness of using modern methods and techniques in teaching English.

To carry out the tasks facing teachers of foreign languages, it is necessary to constantly work on self-education. A wide selection of methodological literature, visual aids, wide possibilities of a computer, Internet resources provide an opportunity for creative work. I believe that it is necessary to widely use information and communication technologies in the educational and educational processes in order to:

- be a technically competent specialist;
- keep abreast of all events in education;
- make the learning process more visual, accessible, exciting, informative;
- intensify the creative activities of students.

REFERENCES

1. Artyomov V.A. Psychology of teaching foreign languages, Textbook, Education-1969.page -279

2. Barkhaev B.P. New arguments in pedagogical technologies // School Technologies.-1997. page -47.

3. Bogomolova N.N., Petrovskaya L.A. Group discussion. // Socio-psychological climate of the collective. / Under the editorship of Yu.M. Zhukov, -M., 1981.-S.41-46.

4. Bovtenko M.A. Computer Linguodidactics: Textbook // Novosibirsk: NSU Publishing House, 2000.-S.91-105

5. Boldyrev N.N. Linguistic foundations of communicative methods of teaching a foreign language // Foreign languages in school.-1998.-№3

6. Borzova E.V. Paired and group work at the lessons of a foreign language in high school // language .Speech. Communication.-2000.-page 4-15

7. Vaysburd M.L. Typology of educational-speech situations // Psychological and pedagogical problems of teaching foreign languages, -M.MU, 1981.- page81-90

8. Wenger L.A. Education and training.M. Enlightenment, 2006.-365p.

9. Gostevskaya A.N., Babkina N.V. Interactive technologies at English language lessons as a means of stimulating cognitive motivation of students in high school // Novainfo.Ru (Electronic Journal) -2017 year-№61 URL http //novainfo.ru/ article / 11632

https://buxdu.uz

10. Kuzovlev V.P. Individualization of teaching foreign speech activity as a means of creating communicative motivation Dis ... candidate of pedagogical science ..- M.1992.-245

11. Sadow,S.A. Speaking and listening:imaginative activities for the language class.-Cambridge: Cambridge University Press.1997

УДК: 37.01

АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТИШИ

ТРАДИЦИОННАЯ СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЯ И ЕЕ ПЕРЕХОД НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ

TRADITIONAL EDUCATION SYSTEM AND ITS TRANSITION TO A NEW LEVEL

Икрамова Азиза Аминовна
БухДУ табиий йўналишларда чет тили кафедраси ўқитувчиси,
Икрамова Нигина Аминовна
БухДУ талабаси

Аннотатция. *Мақолада анъанавий таълим тизимидан замонавий таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳамда грамматик услубларнинг ўзига хос қонун-қоидалари тўғрисида айтиб ўтилган. Анъанавий таълим тизимидаги камчиликлар ва ундан воз кечиш тўғрисида, бундан ташқари замонавий таълим тизимининг қулай ҳамда афзалликлари баён этилган. Тарихга назар ташлаган ҳолда анъанавий таълим тизимининг фойдали томонлари, аммо ҳозирги кунда ўқув жараёнида қўллаш қулай бўлмаган ҳолатлар ҳам келтириб ўтилган.*

Таянч сўзлар: *грамматик услуб, таржима машқлари, имитациялаш, анъанавий таълим, оғзаки усул, аудио-лингуал, алоқа усуллари, тўғридан-тўғри ўқитиш.*

Аннотация. *В статье обсуждается постепенный переход от традиционной системы образования к современной системе образования, а также конкретные правила грамматики. Описаны недостатки традиционной системы образования, а также преимущества и недостатки современной системы образования. Преимущества традиционной системы образования, а также неудобства ее применения в образовательном процессе с исторически точки зрения.*

Ключевые слова: *грамматика, упражнения по переводу, имитация, традиционное обучение, устный метод, аудио-лингвистика, методы общения, прямое обучение.*

Abstract. *This article discusses the gradual transition from the traditional system of education to the modern system of education, as well as the specific rules of grammatical style. The shortcomings and disadvantages of the traditional education system are also described, as well as the advantages and disadvantages of the modern educational system. Historically, we know the advantages of the traditional education system, but also the inconvenience of its application in the educational process today have been mentioned.*

Key words: *grammatical style, translation exercises, imitation, traditional education, oral method, audio-lingual, communication methods, direct teaching.*

Ўзбекистонда бугунги кунда хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган фармонлар ва яратилаётган шароитлар мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб то олий ўқув юртларигача ёшларнинг инглиз тилисини шакллантириб бориш вазифаси қўйилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида чет тилларни ўргатишда янги методикадан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу методологияга асосан тил ўргатиш янги инновацион методлар, техникалар ёрдамида ташкиллаштирилади.

Чет тилини билиш мақсадларига эришишнинг бир қанча усуллари мавжуд ва ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжлари ва шароитларига ҳамда курс мақсадларига мос келадиган маълумотларни топиш учун бир қатор усуллардан хабардор бўлишлари керак. Ҳар бир усул тил ўрганишнинг ўзига хос кўринишига асосланган ва одатда, маълум бир босқичда

https://buxdu.uz

амалга оширилиши мумкин бўлган техник ва материалларнинг маълум бир тўпламидан фойдаланишни тавсия қилади. Таълим усулларининг бир неча таснифлари ишлаб чиқилган ва анъанавий усуллар бу мавзуга оид ғоялар тарихидаги таъсирчан роллари туфайли кенг тан олинган.

Биринчи навбатда, анъанавий услублардан бири грамматик таржима усули ҳисобланади. Ушбу услуб лотин ва юнон тилини ўргатишнинг анъанавий ёндашувидан келиб чиққан ҳолда, XX асрда жуда муҳим роль ўйнаган [1, 108]. Ёзма тилни синчковлик билан таҳлил қилиш, таржима машқлари, ўқиш тушунчалари ва матнларни ёзма имитациялаш ушбу услубда асосий роль ўйнайди. Ўқиш, одатда, грамматик қоидаларнинг маҳорати ва адабий луғатнинг узоқ рўйхатини ёдлаб олишни ўз ичига олади, бу эса уларнинг қизиқишлари ёки тилшунослик қийинчиликларига қараганда кўпроқ нуфузли мазмуни учун танланган матнларга тааллуқлидир.

Тинглаш ҳамда нутқ фаолиятига эса бу босқичда кам эътибор қаратилган. Ўша пайтларда ушбу услуб замонавий тилларни ўқитишда етакчилик қилиб келган. Озчилик ушбу услубни ҳали ҳам ақлий ривожланишда ўзига жалб қилувчи деб ҳисобласа-да, ҳозирги кунда эса ўқитувчиларнинг аксарияти бугунги кунда ушбу тилни талабаларнинг ва тил ўрганаётган талабаларнинг манфаатларини қондириш учун унчалик аҳамият касб қилмайдиган услуб сифатида тан олишади.

Оғзаки усул сифатида маълум бўлган тўғридан-тўғри услуб, ўқувчининг одатий кундалик вазиятларда гапириш ва чет тилини тинглашда фаол иштирокига асосланган бўлса, бунда ўқувчининг она тилидан фойдаланиши таъқиқланади, ўқувчилар хорижий тилда ўйлаб кўришга ундашади ва у ёки бу тилга фикрлари таржима қилинмайди. Расмий грамматикага оид қоидалар ва атамалар таъқиқланади. Тўғридан-тўғри услуб қизиқиш ва ғайратни жалб қилишни давом эттирмоқда, аммо бу мактабда фойдаланишнинг осон усули эмас. Синфнинг сунъий шароитида табиий шароитларни яратиш учун ҳар бир инсон етарли тажрибага эга бўлишни қийинлаштиради. Шундай қилиб, усулнинг бир нечта вариантлари пайдо бўлди. Хусусан, ўқитувчилар кўпинча она тилидан тушунтириш ва грамматик тушунтиришлар учун ўқувчилар нотўғри равонлик ривожланишининг олдини олиш учун рухсат беради. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аудио-лингуал ёки оғзаки усул Иккинчи жаҳон уруши даврида Америка ҳарбий хизматчиларига берилган оғзаки нутқни ривожлантириш натижасида жадал ўқитишдан келиб чиққан бўлиб, натижада нисбатан қисқа вақт ичида юқори даражадаги тинглаш ва гапириш маҳоратига эришилган [2, 186].

Оддий сўзлашув одатдаги суҳбатларга асосланган бўлиб, табиий тафаккурга алоҳида эътибор қаратилади: бунда кундалик вазият ҳақида суҳбатдаги тизимли нақшлар тақлид қилинади ва ўқитилади, токи ўқувчининг жавоблари автоматик бўлмагунча. Биринчи ва иккинчи тиллар орасида тузилиш контрасти соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада грамматик қоидалар ҳақида озгина гапириш мумкин. Маълум бир тил биринчи марта эшитилади, олдин ёзилиб, кейин оғзаки равишда қўлланилади. Ушбу услуб ўқувчига анча равонлик келтириши шубҳасиз. 1950-1960 йилларда бу қоидалар кенг қўлланилган. Анъанавий услуб машқ қилиш ва турмуш тарзига бўлган ишончи, айниқса, кўпроқ тилшунослик тажрибаси талаб қиладиган ва нутқни ишлаб чиқаришда кўпроқ ижодий ишларга эҳтиёж сезадиган ўқувчилар билан ишлаш борасида янада машҳурлашади.

1970 йилларда грамматик шаклларни ўргатиш ва кундалик ҳолатларда тил ишлатилишига жуда оз даражада эътибор берадиган усулларга қарши кенг тарқалган реакция мавжуд эди. Тилнинг функциялари ҳақида билиш ва муайян вазиятларда фойдаланиш учун тегишли тилларни танлаш қобилиятига эътибор бериш орқали чет тилини ўқитиш ҳамда “мулоқот” қилиш учун қизиқиш уйғотди. Ўқувчиларнинг қизиқиши ортиб бораётган ҳолатини ўзлари ва тилидаги талабларга жавоб берадиган тилда кўрсатдилар. “Вазиятли ўқув дастурлари” ушбу вазиятларни қайта тиклаш, сўровнома, раҳмат, шикоят ва кўрсатмалар бериш каби турли тилларни ўрганишга қаратилган дастур ҳисобланади.

“Нозик” (ёки “функционал”) ўқув дастурлари эса расмий тилни ўқитишнинг муҳим аҳамиятга эга бўлишига ёрдам берди. Бу ерда дастурлар мазмуни, муайян функционал

https://buxdu.uz

контекстларда мулоқот қилиш учун зарур бўлган маъноларни (“тушунчалар”) талаб қилади [3, 274]. Асосий коммуникатив тушунчалар вақт, частота, кетма-кетлиги, миқдори, жойлашуви ва ҳаракатларини лисоний ифодалашни ўз ичига олади. Асосий коммуникатив функциялар баҳолашни, ишончни ҳис қилишни, ҳиссий ифода ва ижтимоий муносабатларни шакллантиришни ўз ичига олади.

Алоқа усуллари универсал ғамхўрликни кўрсатди ва замонавий чет тилини ўқитиш амалиётига катта таъсир кўрсатди. Бироқ тилшунос ҳамда ўқитувчилар тавсия этилган тушунчалар ва функциялар билан ўзаро боғлиқлик учун асосий принципни таъминлашда муаммоларга дуч келганда, танқидий жавобларга ҳам рўбару келишган. Ўқувчиларни тилнинг функционал жиҳатлари ва расмий тузилмалардан тўғри фойдаланиш борасида “кўприк” ҳосил қилиш имконини берадиган принциплар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ёндашувни қўллаб-қувватлайдиганлар ушбу муаммоларни тан олишган ва келажакда коммуникатив таълимнинг ривожланиши ҳақида жуда кўп мунозараларни келтириб чиқаришган. Ушбу ёндашув ўқувчининг муҳим суҳбатларида равонликни кучайтирган ва айниқса 1950-1960 йилларда кенг қўлланилган [4].

Унинг машқлари ва турмуш тарзига бўлган ишончи бугунги кунда, айниқса, кўпроқ тилшунослик тажрибаси учун тилга оладиган ва нутқни ишлаб чиқаришда кўпроқ ижодий ишларга эҳтиёж сезадиган ўқувчилар билан янада машҳурлаштирмоқда. 1960 йиллардан бошлаб хорижий тилларни ўрганишга бир қанча янги ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳимоячилари эса муваффақиятсиз деб ҳисоблайдиган анъанавий усулларга радикал муқобил таклиф қилишни мақсад қилган. Агар ўқувчи вазифага кўпроқ эътиборни жалб қилса, хорижий тилни ўрганиш табиийроқ бўлиши мумкин ва бу натижа янада самарали ўқитишга олиб келади.

Замонавий хорижий тилларни ўрганиш усулларидан бири – жим турмуш тарзи усули Калейд Гаттегно томонидан тақдим этилган. Ушбу ёндашув таълим ҳажмини минимал даражада ушлаб турувчи ва ўқувчиларни тақдим қилинган тил элементларидан фойдаланишнинг ўзига хос усулларини ривожлантиришга ундайди. Биринчи дарсда ўқитувчи бир нечта феъллар, сифатлар, исмлар ва ҳоказоларни қўллаш орқали бир қатор рангли чизиқлар ҳақида гапириш учун кичик бир иккинчи тилда сўзлашувини тақдим этади ва аста-секин жумланинг узунлигини кенгайтиради.

Мақсад ўқувчиларга ўзларини ишонтиришга ёрдам беришдир. Ўз жумлаларини танлаш ва уларни бошқариш, яхши интонация ва ритм билан дарслар олиб борилади. Ўқитувчи материалларни такрорламайди ёки ўқувчиларни тақлид қилиш учун жумлаларни бермайди ҳамда ўқувчиларнинг ўз она тилидан фойдаланиши таъқиқланади. Дарс давомида сўзлар ва ранг-кодли қўлланмаларга талаффуз қилинган графикалар тақдим қилинади, ўқитувчи иложи борича камроқ гапиради, ўқувчиларни ўқитишга имкон бериш учун шароит яратилади.

Талабалар бир-бирига кўпроқ гапиришса, ўқитувчи дарс давомида камроқ сўзлашиши жимликни ҳосил қилади ва шу сабабдан ушбу усул “жим” усули деб аталади [4]. Асосий мақсад ўқитувчи бу маслаҳатчи ва ўқувчилар ўртасида кучли шахсий алоқаларни йўлга қўйиш ва шу билан чет тилини ўрганиш ҳолатида таҳдид соладиган нарсаларни бартараф этишдир. Тайёр материал йўқ. Ўқувчилар ўзларининг дастлабки тилларида табиий равишда гаплашадилар ва ўқитувчидан чет тилидаги эквивалентларини ўзлари айтмоқчи бўлган нарсаларни қидирадилар. Ўқитувчи таржима билан таъминлайди ва талабалар буни такрорлайди.

Ҳар бир машғулот аудиода ёзилади ва ўқитувчи билан нима содир бўлганлиги ҳақида мунозара қилинади. Табиий ёндашув “табиий” тилни эгаллашнинг ролини таъкидлайди, иккинчи ва биринчи тиллар ўртасидаги параллелликка урғу беради. Ўқиш ва грамматик қоидалар муҳим эмас, балки сўзларни ўзлаштириб олишда ҳиссиётларнинг аҳамияти таъкидланган. Расмий тузатиш йўқ. Мақсад норасмий шароитларда мулоқотнинг асосий мазмунини тушуниш қобилиятини ўрнатишдир. Ўқувчилар ўзларининг биринчи тилидан фойдаланадилар, иккинчи тилни тушунишади.

https://buxdu.uz

Жеймс Ашер томонидан жисмоний жавоби каби усул таклиф қилинган. Ўқишнинг бошланғич ойларида ўқитишни тушунишнинг алоҳида мақсади бўлиб қолиши таъкидланди. Исмлар оддий буйруқ берилганидек, ўқувчиларнинг қилиши керак бўлган ҳаракатларга алоҳида урғу беради. Олдинига даражали тил ёки сўзлашувчи ёхуд ёзма буйруқлар ёрдамида ҳаракат занжирларини қуриш орқали жорий этилади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, турли усулларнинг самарадорлиги яхшилаб баҳоланади, аммо уларнинг ҳар бири ўзларининг эришган ютуқларига эга ва баъзилари ҳозиргача кенг тарқалган.

Ўқитувчилар бу моделда асосий ҳокимиятга эга. Талабалар синов ва баҳолашнинг якуний мақсади билан (маъруза ва тўғридан-тўғри ўқитиш йўли билан) ахборотни пассив равишда олиш учун “бўш идишлар” мисоли деб қаралади. Ўқитувчилар ўз билимларини ва ушбу билимларини ўқувчиларга топширишнинг асосий вазифалари деб билишади. Ушбу моделда ўқитиш ва баҳолаш икки алоҳида шахс сифатида қаралади. Талабаларнинг билимлари объектив тест синовлари ва баҳолари билан ўлчанади. Ўқитувчилар ва талабалар ушбу моделдаги обрў-эътиборга эга эканлар, ўқув жараёнида тенг равишда фаол роль ўйнайди. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчини ўрганиш ва материалларни умумий тушуниш учун мураббийлик қилиш ва ёрдам беришдир. Талабаларнинг билим олишлари гуруҳ лойиҳалари, талабалар портфеллари ва синф иштироки каби расмий ва норасмий баҳолаш шакллари билан ўлчанади. Таълим эса баҳолаш билан боғлиқ. Ўқитувчи ўргатиш жараёнида талабаларнинг ўқитилиши доимий равишда ўлчанади.

Ушбу ёндашувларни яхшироқ тушуниш учун таълим педагогикасида учта асосий таълим услуби: тўғридан-тўғри ўқитиш, ўргатиш бўйича ўрганиш ва ҳамкорликдаги билимларни тушуниш муҳимлиги тан олинган. Ушбу учта усул ёрдамида ўқитувчилар ўз синфини қандай бошқаришни, ўқитиш ва ўқувчилар билан мулоқот қилишни яхшироқ билиб олишлари мумкин. Ушбу учта асосий таълим услубининг ҳар бирида ўргатувчи роллар ёки “моделлар” мавжуд. Назария бошқарувчиси А.Ф.Граша “Таълим билан услуб” асарида мутахассис, расмий ваколат, шахсий модель, машғулот ва ваколатли ўқитувчиларнинг бешта асосий таълим моделларини тушунтиради. Ҳар бир тарбия услубининг асосларини яхшироқ тушуниш учун уларни бевосита ўқитиш линияси орқали, ўрганиш бўйича ўрганиш ва ҳамкорликдаги таълим орқали кўришингиз яхшидир, деб айтади ўз асарида.

Хулоса қилиб айтганда, тўғридан-тўғри йўл-йўриқ бу маъруза ва ўқитувчи кўрсатувлари орқали аниқ таълимга асосланган анъанавий таълим стратегиясига тегишли умумий атамадир. Тўғридан-тўғри йўл-йўриқ, ўқитувчилар ва профессорларнинг билим ва ахборотнинг ягона етказиб берувчиси бўлган ўқитувчи-марказга асосланган ёндашувда асосий таълим стратегияси ҳисобланади. Тўғридан-тўғри йўл-йўриқ барча таркибий соҳаларда асосий ва муҳим кўникмаларга ўргатишда самаралидир. Анъанавий таълимда маълум бир қоидаларга бўйсунган ҳолда дарс жараёни олиб борилади, ҳозирги кунда эса ушбу қатъий қоидалардан воз кечган ҳолда замонавий таълим тизимига ўтиш ҳам ўқитувчиларга, ҳам талабаларга янги дарвозаларни очиб беради.

АДАБИЁТЛАР

1. *Anderson J.R. & Jordan J.S.нинг “Learning vocabulary in another language” асари. – Oxford: Oxford университети нашриёти, 1992 й. – 254 б.*
2. *Brown P. & Payne R. Таълим тизими ва унинг босқичлари. 1985 й. – 364 б.*
3. *Sohen A.D. Ўқитиш стратегиялари ва иккинчи тилнинг қўлланилиши. – London: Longman, 1998 й. – 351 б.*
4. *www.ziyonet.uz*

https://buxdu.uz

УДК: 31.013.73

O'RTA ASR MUTAFAKKIRLARINING SAN'AT HAQIDAGI FALSAFIY VA PEDAGOGIK QARASHLARINING HOZIRGI DAVRDAGI AHAMIYATI

СОВРЕМЕННАЯ ФИЛОСОФСКО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПЕРСПЕКТИВА СРЕДНЕВЕКОВЫХ ХУДОЖНИКОВ

THE CURRENT IMPORTANCE OF THE PHILOSOPHICAL AND PEDAGOGICAL VIEWS OF MEDIEVAL THINKERS ON ARTOF THE PHILOSOPHICAL AND PEDAGOGICAL VIEWS OF MEDIEVAL THINKERS ON ART

Batirov Jahongir Sobirovich
BuxDU tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasi o'qituvchisi,
Avezov Sherali Naimovich
BuxDU tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. *Maqolada bugungi kunda O'zbekiston va mustaqil hamdo'stlik mamlakatlari maktablarida rasmni o'qitish jarayonidagi yutuqlarini tanqidiy o'zlashtirish va barcha yaxshi tomonlarini hayotga tatbiq etish talabi oshib borishi va bularning hammasi Sharq miniatyura san'ati tarixi va taraqqiyotini umumlashtirish va shu asosda tarixiy obzor yaratishiga olib kelayotgani haqida so'z yuritilgan. San'atning uslubiy mohiyati, uning estetik quvvati hozirgi zamon talabiga to'g'ridan to'g'ri taalluqli bo'lishi haqida aytib o'tilgan.*

Tayanch so'zlar: *maktablar, rasm, o'qitish jarayoni, sharq miniatyura san'ati, tarixi, taraqqiyot.*

Аннотация. *В статье изложены мнения о росте потребность в критическом обучении и внедрении всего лучшего в живописи в школах Узбекистана и стран Содружества, которые обобщают историю и развитие искусства восточной миниатюры и, следовательно, дают исторический обзор. Говорится о том, что стилистическая сущность искусства, его эстетическая сила напрямую связаны с современными требованиями.*

Ключевые слова: *школы, живопись, учебный процесс, искусство восточной миниатюры, история, развитие.*

Abstract. *In the article, there is a growing demand for critical learning and implementation of all the best in painting in schools in Uzbekistan and the Commonwealth countries, all of which summarize the history and development of Oriental miniature art and, therefore, provide a historical overview. It is said that the stylistic essence of art, its aesthetic power, is directly related to modern requirements.*

Keywords: *schools, painting, learning process, oriental miniature art, history, development.*

Kirish. Miniatyura san'ati o'zining boy tarixiga ega. Miniatyura san'ati Sharq xalqlarining o'ziga xos rang-tasviri va o'zining badiiy estetik, ma'naviy-ma'rifiy qiymati bilan umumbashariy qadriyatlar tarixida o'zining munosib o'rniga egaligi bilan ajralib turadi. Miniatyura san'ati oktabr inqilobidan so'ng kamsitila boshlagani san'at ahliga sir emas. XX asrning 80-yillari boshlaridan e'tiboran respublikamizda bu san'at turiga alohida e'tibor berilla boshladi. Ayniqsa, mustaqillik sharofati bilan ushbu san'at turini o'rganishga keng yo'l ochildi. O'zbekiston hududida qadimdan shakllangan, jahoniy shuhrat qozongan nafis maktablarning noyob an'analarini avaylab-asrash, o'rganish, boyitib borish, milliy tasviriy miniatyura san'atimizning nodir durdonalarini dunyo minbariga olib chiqish, ta'lim-tarbiya jarayonida avlodni tarbiyalashda vatanga sadoqat, g'urur tuyg'ularini shakllantirish kabi foydali zarur ko'rsatmalar o'z aksini topgan [1].

Ushbu san'at muammolariga bag'ishlangan darslik va o'quv qo'llanmalar anchagina. Lekin mavjud kitoblarda miniatyura tarixining ma'lum bir jihati yoritilgan yoki san'atshunoslik nuqtayi nazardan tavsif berilgan, xolos. Shu sababli o'qituvchi va talabalar miniatyura san'atiga oid ma'lumotlarni turli kitob va jurnallardan izlashadi.

https://buxdu.uz

O‘rta Osiyo va O‘zbekistonda tasviriy san'at o‘qitish tarixi va metodikasiga katta e'tibor qaratilgan, ayniqsa, o‘zbek xalqining bebaho rang-tasvir durdonasi – miniatyura san'atiga [2].

Davrimiz talabi nuqtayi nazaridan qaralganda ham mazkur fan uchun zarur qo‘llanmalar yaratish va ularni bu soha mutaxassislari hamda talabalar e'tiboriga havola etish foydadan xoli emas. Shuni ta'kidlash lozimki, o‘zining ko‘p asrlik tarixiga ega bo‘lgan sharq rang-tasvirining o‘ziga xos janri olim-uslubshunos metodistlarning e'tiboridan chetda qolib kelgan. Shu sababli taniqli olim-pedagog, oliy va o‘rta badiiy pedagogik ta'limning tashkilotchilaridan biri N.N.Rostovsev o‘zining «Maktabda tasviriy san'atni o‘qitish metodikasi» kitobida tadqiqotchilar oldiga bevosita vazifa qo‘yib, shunday yozadi: «Qadimgi Xitoy, Hindiston va boshqa qadimgi sharq madaniyati masalalarini ko‘rib o‘tmaymiz, chunki ularning madaniyatidagi spetsifik va o‘ziga xos san'atlarini o‘rganish talab etiladi».

Haqiqatan ham, sharq miniatyurasining o‘ziga xos badiiy-obrazli tili tasviriy san'atning bu turini o‘rganishga jiddiy yondashishni, o‘quvchi yoshlarning badiiy ta'lim va estetik tarbiyasida sharq miniatyurasidan foydalanishda o‘qitish metodikasini ishlab chiqish masalalariga alohida yondashishni talab qiladi.

Talabalarga Markaziy Osiyo xalqlarining tasviriy san'atini o‘qitishning tarixi va nazariyasi haqidagi bilimlarni bermay turib, bo‘lajak rassom-pedagoglarda tasviriy san'atni o‘qitish metodikasi bo‘yicha chuqur va mustahkam bilimlarni shakllantirish mumkin emas. Bu borada N.N.Rostovsevning Qadimgi Misr, Gretsiya, Rim, O‘rta asrlar, Garbiy Yevropa va Rossiyada tasviriy san'atni o‘qitish metodikasi tarixi va nazariyasini tarixiy va sotsiologik tarzda ochib bergan chuqur tadqiqotlari misol bo‘la oladi. Bu borada Markaziy Osiyo badiiy tasviriy va dekorativ amaliy faoliyati bo‘yicha mintaqada sharq miniatyurasini o‘qitish metodlari tarixi bo‘yicha tadqiqotlar kam, ilmiy-metodik apparat, darslik va o‘quv qo‘llanmalari, o‘quv uslubiy qo‘llanmalar va metodik tavsiyanomalar, o‘rta maxsus badiiy maktablar, gimnaziya, litsey, pedagogika bilim yurti, universitet va pedagogika institutlarining san'at fakultetlari uchun mo‘ljallangan o‘quv darsliklari yoq.

Hamdo‘stlik mamlakatlari rassom-pedagoglari uchun san'at tarixi kurslariga sharq miniatyurasi mavzulari kiritilmagan. Shu sababli bugungi kunda O‘zbekiston va mustaqil hamdo‘stlik mamlakatlari maktablarida rasmni o‘qitish jarayonidagi yutuqlarini tanqidiy o‘zlashtirish va barcha yaxshi tomonlarini hayotga tatbiq etish talabi oshib boryapti. N.N.Rostovsevning bu so‘ziga XV-XVI asrlardagi Hirot, Tabriz, XV-XVI asrlardagi Buxoro va Samarqanddagi ajoyib rang-tasvir maktablari, Boburiylar davri rang-tasvirining eng yaxshi yutuqlari, XVI-XVII asr Dehli, Agra va bir qator boshqa rang-tasvir maktablarning ajoyib an'analiridan foydalanish vazifalari to‘liq mos keladi. Bularning hammasi Sharq miniatyura san'ati tarixi va taraqqiyotini umumlashtirish va shu asosda tarixiy obzor yaratishiga olib keladi [3].

Yosh avlodni komil inson darajasida shakllantirish uchun badiiy ta'lim va estetik tarbiya mohiyati salmoqli, jumladan, tasviriy san'atning roli haqidagi Markaziy Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharq mamlakatlari olimlari fikrlari juda ham o‘rinli. Ayniqsa, Abu Nasr al-Forobiyning (873-950) g‘oyalari hozirgi vaqtda ham dolzarb hisoblanadi. Alloma o‘z hayoti davomida matematika, kimyo, astronomiya, tibbiyot muammolari, poeziya va boshqa bir qator yo‘nalishlar bo‘yicha 160 dan ortiq asar yaratgan.

Uning qadimgi yunon faylasuflari Aristotel, Platon, Galen, Evklid va boshqalar haqida ilmiy risolalari Arab Sharqida keng tanilgan va dunyoning bir qancha tillariga tarjima qilingan. Forobiyning san'at haqidagi qarashlari va uning estetik tarbiyadagi rolini Nazix Ahmad o‘zining ilmiy tadqiqotlarida keng ochib bergan. Bunda tadqiqotchining Forobiy asarlarini asl nusxasidan o‘rganishi pedagogik adabiyotlarda bo‘lmagan juda qiziq ma'lumotlardan beradi. Forobiy uchun "Garmoniya" (hamohanglik, uyg‘unlik, moslik) tushunchasi badiiy va estetik tarbiyada muhim tushuncha bo‘lib, o‘zida musiqa, poeziya va rang-tasvirni birlashtirar edi. Forobiy o‘zining "Musiqa haqida katta risola" kitobida musiqa nazariyasining ahamiyati va qo‘llanishini estetik tasavvurlarning shakllanishi, ranglar ta'siri va hid bilan bog‘laydi.

Al-Forobiy "Fan klassifikatsiyasi"ni tahlil qilib, poeziya bilan rang-tasvir aloqasining bog‘liq ekanligini, bunda u odamlarning sezgi va his xususiyatlarini ko‘ra olgan. Biz uchun eng muhim

https://buxdu.uz

tomoni shundaki, u rasm chizish uchun amaliy tavsiyanomalar beradi. Yuqorida eslatilgan tadqiqotga tayanib aytish mumkinki, uning metodi narsaning o'ziga qarab rasm chizishga asoslangan edi. Al-Forobiy bolaga, eng avvalo, unga tanish bo'lgan narsalarni chizishni o'rgatib, chizish malakalarini shakllantirishni, bu esa o'z navbatida, o'quvchilarning ijodiy xayolini (ijodiy tasavvurini) rivojlantirishiga yordam berishini ko'zda tutgan edi. Rasmni o'rgatuvchi o'qituvchi yoki tarbiyachi o'zi tanlagan yoki o'quvchilar taklifi bilan chiziladigan obyektlar, eng avvalo, ham estetik, ham pedagogik talablarga javob berishi kerakligini doimo kuzatib borishi, ularni o'quvchi chiza olishi va idrok etishi uchun mos bo'lishi nazarda tutiladi. O'quvchilardagi erkin mavzu tanlanishi va yangilik yaratishga intilishi doimo taqdirlanib borish kerak.

O'rta asrlar Sharqda o'qituvchilarning o'rni haqida Al-Forobiyning fikrlarini alohida ta'kidlash kerak.

Ulug' mutafakkir o'z qaydlarida shuni alohida ta'kidlaydiki, o'qimishli o'qituvchi o'quv-tarbiya jarayonida yetarli bilimni faqatgina maxsus bilim olishi natijasidagina egallaydi. Bundan tashqari oldingi o'rta asrlarda estetik tarbiyaga qanday baho berilganligi, shaxsni garmonik tarbiyalashdagi uning mavqeyini bir necha yuz yil oldin aniqlab bergan ulug' olim Abu Ali ibn Sino qoldirgan ilmiy merosida ham ko'ramiz. U taklif qilgan o'qitish va tarbiyalash mazmuni quyidagilarni o'z ichiga olgan edi. Besh yo'nalishda:

1. Aqliy tarbiya.
2. Jismoniy sog'lomlashtirish.
3. Estetik tarbiya.
4. Axloqiy tarbiya.
5. Hunarga o'rgatish.

Ibn Sino qarashlari bo'yicha maktabda o'qitish va tarbiyalash quyidagi didaktik prinsiplarga tayanishi kerak edi:

- o'qitish oddiydan murakkabga qarab borishi;
- o'quv mashgulotlari taqsimlangan bo'lishi va qo'ldan kelishi, kuch yetishi;
- o'qitish jamoasi tarzida va barcha uchun umumiy bo'lishi;
- o'qitish bolaning qobiliyati va qiziqishini hisobga olgan tarzda qo'llanishi kerak.
- Maktab-madrasalarda o'qitish va tarbiyalash ishining muvaffaqiyatini olim "to'g'ri so'z, aqlli, adolatli, pokiza, xushmuomalali o'qituvchilarni tanlashga bog'laydi va ular quyidagilarga qodir bo'lishni talab qiladi:

- o'qitish jarayonida turli usul va shakllarni qo'llashi;
- har bir bolaning xususiy qobiliyatini hisobga olishi;
- fanlarga nisbatan qiziqish va muhabbat uygotishi;
- zehnli, farosatli va o'quvchilar uchun namuna bo'lishi va hokazolar.

"Har bir tolibni, – deb yozadi alloma – uning qobiliyati va intilishiga qarab o'qitish, ...u uchun hunar va san'at turini belgilash zarur" – deb uqtiradi.

Abu Ali ibn Sinoning zamondoshi Abu Rayhon Beruniy astronomiya, dorishunoslik, mineralshunoslik kabi fanlarga bag'ishlangan 150 dan ortiq ilmiy asarlari meros sifatida barchada katta qiziqish uyg'otgan.

Olim tabiatni bilish va o'rganishning ilmiy uslublarini aniqlab, «Geodeziya" risolasida yozadiki, "...odam fanning biror-bir sohasi bo'yicha qachon fikr yurgizadi, qachonki u ilmiy amaliyot bilan shug'ullansa va tadqiqotlarida aniqlik bo'lsa». Shu sababli Beruniy ilmiy bo'limning uslubini olimning obyektivligiga va xolisligini ko'rib, kuzatish, tajriba o'tkazish, og'zaki va yozma esdaliklarni o'rganish, faktlarga tanqidiy yondashish, taqqoslashga asoslanishni mantiqan umumlashtirib, bir fikrga kelmoq deb hisoblaydi.

Fors-tojik adabiyotining mumtoz namoyandasi, XIII asrning buyuk insonparvari Sa'diy Sheroziyning axloqiy-estetik qarashlariga alohida to'xtalish zarur. Bu shoirning tarbiyalash va o'qitish nuqtayi nazaridan qaralgan ijodi G.Nuriddinovning tadqiqotlarida batafsil tahlil qilingan. Sa'diy Sheroziyda tarbiyaning yakuniy maqsadi insonparvarlikdir, deb hisoblanadi. "Inson faoliyatining biror-bir turi yo'qki, – deb belgilaydi u, – aql-idrok, fan va san'at aralashuvisiz amalga oshirilsa". "Aql-idrok, o'z navbatida, odamning aqliy rivojlanishiga muayyan ta'sir ko'rsatadiki, bu

https://buxdu.uz

inson faoliyatining turli jabhalarida: mehnatda, fanni egallashda, san'atni o'qitishda ... zaruriyat kerak", – deb xulosa chiqaradi Sa'diy.

Alisher Navoiyning ustozi, "Bahoriston" nomli darslik kitob muallifi Abdurahmon Jomiy yozadiki: "Barcha san'atlar gultoji – bu bilim, barcha qiyinchiliklar kaliti – bu bilim". Jomiy san'atda va hunarmandchilikda mahorat va malakani eng yuqori o'ringa qo'yadi, bunga uning quyidagi bayti misol bo'ladi:

Odamning qiymati emas siym-u zar,
Odamning qiymati ilm ham hunar.

Xulosa. O'rta Osiyo, xususan, Buxoro maktab musavvirlar miniatyurachi rassomlari asarlarining tavsifini yakunlar ekanmiz, Sharq miniatyurachisining milliy uslubning tiklanishidan iborat o'ziga xos fazilatini alohida ta'kidlash zarur. Shunday qilib, san'atning uslubiy pishiqligi, uning estetik quvvati zamonga to'g'ridan to'g'ri taalluqli bo'lib, u bilan chambarchas bog'liq.

ADABIYOTLAR

1. *Abdirasilov S. Tasviriy san'at va uni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – T.: Ilm-Ziyo, 2011. 13-b.*
2. *Sayidaxmedov N.S., Ochilov A. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi. – T.: RTM, 1999. 25-b.*
3. *Hasanov R. Maktabda Amaliy san'at o'qitish metodikasi. Darslik. – T.: Fan, 2004. 18-b.*

https://buxdu.uz

Абдуқобил Абдунабиевич Тўлаганов
(1957-2020)

Ўзбек архитектура ва қурилиш соҳаси илми заҳматкашларидан бири, бутун умрини шу фанни илмий-амалий жиҳатдан юксак босқичга кўтаришга, уни юксак малакали етук мутахассис-кадрлар билан таъминлашга бағишлаган таниқли олим, қурувчи, муҳандис-технолог, техника фанлари доктори, профессор Абдуқобил Абдунабиевич Тўлагановни 2020 йилнинг 15 июлида бешафқат ўлим, бедаво дард кутилмаганда орамиздан олиб кетди.

Ҳозирги кўпчилик ёшларга ўрнак бўларли серқирра илмий-ижодий ҳаёт йўлини босиб ўтган А.А. Тўлаганов ўзбек архитектура ва қурилиш соҳасининг йирик назариётчи тадқиқотчиларидан бири эди. Айниқса, у кўп йиллар давомида халқимизнинг бу борадаги анъаналарини қунт билан ўрганиб, уларни сақлаб қолиш баробарида замонавий анъана ва технологиялар билан уйғунлаштиришга, қурилиш учун зарур ашёларни қулай ва арзон ишлаб чиқариш йўлларини илмий асослашга самарали улуш қўшди.

А.А. Тўлаганов 1957 йилнинг 19 майида Тошкент вилоятининг Юнусобод даҳасида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1964 йилда Тошкент вилоятидаги 26-ўрта мактабга ўқишга бориб, уни 1974 йилда “Олтин медаль” билан тугатган. Ўша йилнинг ўзидаёқ Тошкент политехника институтининг (ТошПИ) граждан ва саноат қурилиши факультетига ўқишга кириб, мазкур олий даргоҳни 1979 йили темир-бетон ишлаб чиқариш соҳаси ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

Илмга ошуфталик ҳисси А. Тўлагановни институт таҳсилидан сўнг яна ўқишга, билим олишни давом эттиришга даъватлантирди. Шу ҳавас ва истак сабаб у 1979–1982 йиллари дастлаб Тошкент политехника институти (ТошПИ), кейин Украинанинг пойтахти Киев шаҳридаги инженер-қурилиш институти (КИҚИ) аспирантурасида таҳсил олган. 1982-1985 йиллар КИҚИда инженер ва кичик илмий ходим вазифаларида ишлаган.

https://buxdu.uz

У 1985–1999 йиллар орасида Тошкент политехника институтида етакчи илмий ходим, бош илмий ходим, илмий-текшириш лабораторияси мудири лавозимларида ишлади. Олим 1992–1995 йиллари Киев инженер-қурилиш институтида ва Тошкент архитектура-қурилиш институтида докторантурада бўлди. 2000 йили Тошкент архитектура-қурилиш институтида “Модификациялашган ишқорий боғловчилар асосидаги енгил бетонларнинг структура ҳосил қилиши, технологияси ва хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олим 1989–1990 ва 1992–1993 ҳамда 1998 йилларда Германиядаги Веймар “Баухаус” университетида илмий стажировкада ҳам бўлди. 1998 йилдан Германиядаги Халқаро “ЛЕМБАУ” ташкилотининг аъзолигига қабул қилинди.

1999–2004 йиллари Германиянинг савдо-саноат жамияти ваколатхонаси лойиҳа менеджери, VDMA (Машинасозлар иттифоқи)нинг Марказий Осиё бўйича Бюро бошлиғи лавозимида ишлади. Шунда у немис машинасозлари Иттифоқининг қурилиш машина-механизмларини, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун технологиялар ҳамда асбоб-ускуналар яратадиган ва ишлаб чиқарадиган корхоналари, катта фирмалари жамиятининг Марказий Осиё бўйича Бюро бошлиғи сифатида фаолият юритди.

2004 йилда эса АООТ “ТошқурилишматериаллариЛИТИ” акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади. 2002-2006 йиллари Тошкент архитектура-қурилиш институтининг “Қурилиш материаллари ва Кимё” кафедрасида профессор вазифасида ўриндошликда фаолият юритди. 2005-2007 йилларда “Қурилиш материаллари – Фан ва технология” МЧЖ директори лавозимида меҳнат қилди. 2007-2010 йиллар Тошкент архитектура-қурилиш институтида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимида ишлади. 2010-2014 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида фаолият юритди. Германиялик ҳамкасблари билан Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари талабаларининг ёзги академия машғулотларини ўтказишда бош-қош бўлди. Бевосита унинг ташаббускорлигида МДҲ давлатлари орасида илк бор магистрлар тайёрлайдиган немис маркази очилди.

А.А. Тўлаганов 2014 йилнинг майидан 2019 йил апрелигача Бухоро давлат университети ректори лавозимида ишлади. У аввалдан тарихий Бухоронинг шайдоларидан бири бўлганлигидан унга келиб яшаш ва ишлаш бахти насиб қилганлигини Яратганнинг буюк бир иноятн деб билди. Унинг раҳбарлигида университетнинг 85 йиллик юбилейи кенг нишонланиб, сана муносабати билан олийгоҳ тарихини ёритувчи ўнга яқин китоблар чоп эттирилди. “Бухоро давлат университети: кеча ва бугун” (1930-1915), “Бухоро давлат университети: Илм ва таълим фидоийлари. Библиографик маълумотлар”; “Суратларда Бухоро давлат университети тарихи”, “Унутилган тарих”, “Инсон қадри улуғ, хотираси муқаддас”, “Бухоро давлат университетининг тарихий ва замонавий ўқув бинолари ҳамда иншоотлари”, “Бухоро давлат университети: юз йилликка қадам” китоблари шулар жумласидандир. Яна Бухоро вилояти телевидениясн ҳамкорлигида “Мустақиллик қуёшидан нур олган даргоҳ” номли ҳужжатли фильм яратилди.

https://buxdu.uz

Юксак маънавиятли раҳбар, камтарин инсон, сиёсий жараёнлар фаоли сифатида маълум муддат Бухоро вилоят халқ кенгаши депутатлигига ҳам сайланди. Бухорийлар билан дилдош ва ҳамфикр, бақамти ва елкадош бўлиб, Бухоро давлат университетининг шон-шавкати учун жон куйдириб яшагани учун жамоанинг ҳурмати ва муҳаббатини қозона олди.

Олим А.А. Тўлаганов Германиядаги халқаро “Lehmbau” ташкилотининг аъзоси, Россия қурилиш академиясининг мухбир (корреспондент) аъзоси, Россия Табиатшунослик Академияси ва Россиядаги халқаро Психология фанлари Академиясининг мухбир аъзоси Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни мувофиқлаштирувчи қўмитанинг эксперти, докторлик илмий даражасини берувчи Илмий Кенгаш аъзоси, Инновацион ривожланиш вазирлиги “Архитектура, қурилиш, дизайн ва шаҳарсозлик” фанлари бўйича илмий-техник кенгаш раиси ҳам эди.

Ҳаётининг сўнгги кунларида Тошкент архитектура-қурилиш институти Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган А.Тўлаганов ўз соҳасининг дорлзарб муаммолари юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратиш, унга юқори малакали кадрларни таёрлаб бериш, республика олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини архитектура-қурилиш илмига оид зарур дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш бўйича қатор ютуқларга эриша олди.

А.А. Тўлаганов илмдаги эзгу ишларини, умр тарихини янги-янги воқеаларга бой ташаббуслар билан доимий безаб борди. Энг муҳими, олим ҳаётининг сўнгги кунларигача илмий ижоддан, шогирд етиштиришдек мураккаб фаолиятдан сира тўхтамади. Афсуски, олимнинг айрим тайёр, аммо нашр қилишга улгурмай, ижод столида сиёҳи қуримай қолган асарлари ҳам бор эди. Аммо олимнинг туғишган биродарлари, вафодор аёли, солиҳ фарзандлари, кўп сонли шогирдлари ва дўст-ёрлари, албатта, у бошлаган хайрли ишларни давом эттиришга азм қилишган.

Фидойи олим Абдуқобил Тўлагановнинг порлоқ хотираси қалбларда ҳамиша абадий яшайди. Зеро, илмлига икки дунё ёруғдир. Олимнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик, сабр-бардош тилаб қоламиз.

Бухоро давлат университети жамоаси